$$n_{+} = 1 + \frac{e^2 N_{эл} f}{m \varepsilon_0} \cdot \frac{1}{v_0 + \alpha} \cdot \frac{(v_0 - v + \alpha)}{[v_0 - v + \alpha]^2 + \left(\frac{\gamma}{4\pi}\right)^2} \quad (1-б).$$

Здесь $\alpha = \frac{eB}{4\pi m}$ - частотное смещение спектральных линий под действием магнитного поля, $N_{эл}$ – концентрация электронов, f – сила осциллятора, γ - частота поглощения и ν_0 – резонансная или собственная частота колебания электронов.

Анализируя изменения показателя преломления право поляризованной волны в зависимости от изменения частоты т.е. находим производную $\frac{dn_+}{d\nu}$;

$$\frac{dn_+}{d\nu} = \frac{e^2 N_{эл} f}{m \varepsilon_0} \cdot \frac{1}{\nu_0 + \alpha} \cdot \frac{\left[(\nu_0 + \alpha - \nu)^2 - \frac{\gamma}{2\pi} \right]}{\left[(\nu_0 - \alpha - \nu)^2 + \left(\frac{\gamma}{2\pi} \right)^2 \right]} \quad (2)$$

Отсюда видно, что показатель преломления правополяризованного света будет максимальной при частоте $\nu_1^+ = \nu_0 + \alpha - \frac{\gamma}{2\pi}$ и минимальной при частоте $\nu_2^+ = \nu_0 + \alpha + \frac{\gamma}{2\pi}$ (рис.1.а).

Аналогичным образом, показатель преломления для левополяризованного света будет максимальной при частоте $\nu_1^- = \nu_0 - \alpha - \frac{\gamma}{2\pi}$ и минимальной при частоте $\nu_2^- = \nu_0 - \alpha + \frac{\gamma}{2\pi}$ (рис.1.б).

Теперь для конкретности применяем формулы (1-а) и (1-б) для вычисления вращения угла поляризации, которая определяется формулой $\theta = \frac{1}{2}(n_+ - n_-) \frac{\omega}{c} l$ (3), для типичных наноструктур ферромагнетик – диэлектрик.

Согласно имеющимся экспериментальным данным частотное смещение спектральных линий или положения резонансной частоты в порядке 100 МГц. Этому значению частотного смещения α соответствует постоянное магнитное поле порядка $B=7,1$ мТл. Далее в качестве резонансной частоты ν_0 выбираем $\nu_0 = \frac{3}{2}\alpha \approx 150 \text{ МГц}$ т.е.

$\nu_0 - \alpha = \frac{\alpha}{2}$. Так как частота поглощения во много раз меньше чем резонансная частота ν_0 , полагаем, $\frac{\gamma}{2\pi} \approx 150 \text{ кГц}$. Следовательно, если измерения вращения угла поляризации проводится при частоте когда показатель преломление левополяризованного света n максимальный $\nu = \nu_0 - \alpha - \frac{\gamma}{2\pi}$, то модуль вращения угла плоскости поляризации будет равным: $|\theta| = \frac{\pi}{2} f \cdot 2 \cdot 10^{12}$. Отсюда считая, что модуль угла вращения плоскости поляризации максимальный т.е. $\frac{\pi}{2}$, получаем следующие значения для силы осциллятора в рассматриваемой структуре т.е. $f = 5 \cdot 10^{-13}$.

При нахождения этого значения силы осциллятора мы воспользовались типичными значениями параметров для рассматриваемой магнитной структуре: толщина слоя $d = 1 \text{ мкм}$, концентрация электронов в интерметаллических магнитных кристаллах $N_{эл} = 10^{28} \text{ м}^{-3}$ [3].

Теперь используя найденную нами характерную силу осциллятора в рассматриваемой системе находим квадрата так называемой циклической «плазменной» частоты электронов, которая определяется согласно формуле (1.а-б).

ANIQ VA TABIIY FANLAR

$$\omega^2 = \omega_{nl}^2 \cdot f = \frac{e^2 N_{эл} f}{m \varepsilon_0},$$

получаем, что $\omega_{nl} \approx 4 \cdot 10^9 = 4 ГГц$ или частота $\nu = 640 МГц$.




Рис.1. Дисперсионные кривые: а) правополяризованных (+) и б) левополяризованных (-) световых волн

Эти данные находятся в хорошем согласии с типичными частотами наблюдаемых при исследованиях магнитооптического эффекта Фарадея в многослойных наноструктур ферромагнетик - диэлектрик (интерметаллические магнитные структуры) [4-5].

Аналогичным образом, коэффициенты поглощения право и левополяризованного света имеют вид

$$\chi_+ = \frac{e^2 N_{эл} f}{m \varepsilon_0} \cdot \frac{\left(\frac{\gamma}{4\pi}\right)}{[\nu_0 - \nu + \alpha]^2 + \left(\frac{\gamma}{4\pi}\right)^2} \cdot \frac{1}{\nu_0 + \alpha} \quad (4-a)$$

$$\chi_- = \frac{e^2 N_{эл} f}{m \varepsilon_0} \cdot \frac{\left(\frac{\gamma}{4\pi}\right)}{[\nu_0 - \nu - \alpha]^2 + \left(\frac{\gamma}{4\pi}\right)^2} \cdot \frac{1}{\nu_0 - \alpha} \quad (4-b)$$

Следовательно, согласно выражению (3) измеряя угол θ , т. е. угол вращения плоскости поляризации в магнитооптическом эффекте Фарадея, можно определить силу осцилляторов f и частоту поглощения γ в рассматриваемых магнитных структурах

(рис.1). Это дает еще один новый способ определения выше указанных параметров в спектроскопии твердого тела.

Заключение. В заключении можно отметить что в существующей литературе для проведения расчётов оптических и магнитооптических эффектов коэффициентов отражения и преломления используется трудоемкий метод матриц. Очевидно этот метод позволяет рассчитать эти коэффициенты для конечно слоёных наноструктур только с помощью ЭВМ.

Следовательно, изучение магнитооптических эффектов и резонансных особенностей в спектрах [6-7] конечно-слоёных наноструктурах требует дальнейшего развития экспериментальных и теоретических исследований.

Работа выполнена при частичной финансовой поддержке гранта ОТ-Ф2-64 при КМ РУз.

ЛИТЕРАТУРА

1. Ganshina E.A. In: Nato ASI Series Frontiers in Magnetismol Peduced Dimension Systems. Kluver Academic Publ. (1998). – P. 397.
2. Касаткин С.И., Муравьев А.М., Васильева Н.П., Лопатин В.В., Попадинец Ф.Ф., Сватков А.В. Микроэлектроника 2, 149 (2000).
3. Ferre J., Jamet J.P., Mayer P. Phys. Stat. Sol. (a) 175, 213 (1999).
4. Буранцов В.Е., Ганьшина Е.А., Гуцин В.С., Касаткин С.И., Муравьев А.М., Плотникова Н.В., Гудонин Ф.А. ФТТ 46, 5 864 (2004).
5. Grunin A.A., Zhdanov A.G., Ezhov A.A., Ganshina E.A., Fedyanin A.A. Appl. Phys. Lett. 97, 261908 (2010).
6. Connerade J.P., Solovev A.V. J.Phys.B: At.Mol.Opt.Phys., 29, 3529 ().
7. Звездин А.К., Пятаков А.П. УФН. 174, 4, 467 (2004)

УДК 681.5

РЕЛЕЛИ АВТОМАТИК ТИЗИМЛАР ҲИСОБИДА ДИНАМИК ГРАФЛИ МОДЕЛЛАР УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ МЕТОДА ДИНАМИЧЕСКИХ ГРАФОВЫХ МОДЕЛЕЙ ДЛЯ РАСЧЕТА РЕЛЕЙНЫХ СИСТЕМ АВТОМАТИЧЕСКОГО УПРАВЛЕНИЯ

USING THE DYNAMIC GRAPH MODEL METHOD FOR CALCULATING AUTOMATIC CONTROL RELAY SYSTEMS

Убайдуллаева Шахноз Рахимджановна

доцент кафедры автоматизации и управления технологическими процессами и производством БФТИИМСХ, к.т.н.

Абдуллаев Хусниддин Хусен угли

ассистент кафедры автоматизации и управления технологическими процессами и производством БФТИИМСХ

Таянч сўзлар: граф, графли модель, ночизикли тизим, релели тизим, релели тизимларнинг таҳлили.

Ключевые слова: граф, графовая модель, нелинейная система, релейная система, анализ релейных систем.

Key words: graph, graph model, nonlinear system, relay system, analysis of relay systems.

Ушбу ишда графли моделини куриш асосида релели автоматик бошқарув тизимининг ҳисоби бажарилган. Релели автоматик бошқариш тизимларини тавсифлаш ва таҳлил қилиш учун релели элементининг чиқиш сигнали фақат аниқ белгиланган қийматларни қабул қилиш хусусияти қўлланилган.

В данной работе на основе построения графовой модели выполнен расчёт релейной системы автоматического управления. Для описания и анализа релейных систем автоматического управления используется специфическая особенность релейного элемента, состоящая в том, что выходная его величина может

АНИҚ ВА ТАБИЙ ФАНЛАР

принимать только определённые постоянные значения.

In this paper, the calculation of the relay automatic control system is based on the graph model. For the description and analysis of relay automatic control systems, a specific feature of the relay element is used, which consists in the fact that its output value can take only certain constant values.

Введение. Релейные системы автоматического управления являются одним из классов нелинейных систем, с давних лет активно и широко применяются в различных стационарных и нестационарных, подвижных объектах управления, измерительных и регулирующих комплексах. Их отличает простота исполнения, настройки, высокая надежность, устойчивость к влиянию нестационарности параметров и лучшие динамические свойства по сравнению с непрерывными системами.

В настоящее время, когда благодаря современной теории управления можно создавать системы непрерывного управления любой сложности, релейные системы (РС) должны бы, казалось отойти на второй план. Однако, интерес к ним не только не ослабевает, но в последние годы даже усиливается. Подтверждением этому могут служить обзор работ по этой тематике и достижения цифровой техники, в частности, появление бесконтактных ключей, операционных усилителей на микросхемах, микроконтроллеров, а также теоретические разработки в области релейных систем в различных областях техники.

С теоретической точки зрения релейные системы являются существенно-нелинейными, что, с одной стороны, являлось ограничивающим фактором их использования в связи со сложностью расчета, а с другой стороны - вызвало развитие ряда теорий, созданных именно для данного класса систем регулирования.

Наиболее полно теория релейных систем управления изложена в работах советских авторов [1, 2, 6]. Вопросы теории систем с переменной структурой, использующих релейные элементы, рассмотрены в работах А.А.Кадырова [7,8].

Перечень вопросов, относящихся к теории релейных систем, как и к теории автоматического управления в целом, очень широк. Это прежде всего особенности их математического описания, поведение в статике и динамике, вопросы устойчивости, особые режимы релейных САУ при наличии устойчивых вынужденных и автоколебаний и т.д.

В данной работе используется специфическая особенность релейных систем, состоящая в том, что форма выходной величины не зависит от формы входного сигнала. Это позволяет проводить математический анализ релейных систем сравнительно простыми средствами. Более того, эта особенность даёт возможность использовать методы расчёта, которые, в некотором смысле аналогичны методам расчёта линейных систем. Такая аналогия позволяет сохранить привычные понятия и терминологию линейной теории управления. Например, понятие передаточной функции, частотной и временной характеристики.

Основная часть. Рассмотрим использование графовых моделей для описания и анализа релейных систем. На рис. 1 приведена структурная схема одномерной релейной системы.

Поставим задачу отыскания выходного сигнала системы $x_1(t)$ для всех моментов времени t для всех моментов времени $t \geq t_0$. Линейная часть системы представлена динамическим звеном n -го порядка.




Рис. 1

При разработке топологического метода описания и анализа релейных систем

автоматического управления используется специфическая особенность релейного элемента, состоящая в том, что выходная его величина может принимать только определённые постоянные значения. Если релейный элемент без зоны нечувствительности, то максимально возможное число структурных состояний для него равно двум. Для релейных элементов с зоной нечувствительности возможно три структурных состояния. Без потери общности допустим, что в рассматриваемой системе релейный элемент имеет идеальную характеристику, его выходной сигнал может принимать только два значения $+b$ или $-b$. Пусть в момент t_0 значение выходного сигнала релейного элемента равно $Z(t_0) = b$ и начальные условия таковы, что в некоторый момент t_1 происходит переключение релейного элемента. На отрезке времени $t \in [t_0, t_1]$ система характеризуется определённым структурным состоянием S_1 . Формирование графовой модели непрерывной части системы нам известно, релейный элемент учитывается размыканием структуры и присоединением к непрерывной части системы звена с передачей, равной $1/p$. Вершина, характеризующая выходной сигнал релейного элемента имеет вес $Z = b \cup -b$. Графовая модель системы, отражающая ее поведение на отрезке $t \in [t_0, t_1]$, представлена на рис. 2.

Из рассмотрения графовой модели нетрудно записать уравнение состояния системы на отрезке времени $[t_0, t_1]$:

$$\begin{array}{cccc} \rightarrow & \rightarrow & \rightarrow & \rightarrow \\ X(p) = A(p) \cdot X(t) + B(p) \cdot Z(t_0) \end{array} \quad (1.1)$$

Выполнив обратное преобразование Лапласа, будем иметь

$$\begin{array}{cccc} \rightarrow & \rightarrow & \rightarrow & \rightarrow \\ X(t) = A(t-t_0) \cdot X(t_0) + B(t-t_0) \cdot Z(t_0) \end{array} \quad (1.2)$$




Рис. 2

Следует заметить, что момент переключения t_1 релейного элемента заранее неизвестен и определяется из уравнения

$$e(t_1) = a_1, \quad (1.3)$$

где $e(t_1) = f(t_1) - x_1(t_1)$, a_1 – порог чувствительности релейного элемента.

В общем случае уравнение (1.3) является трансцендентными и решается одним из известных численных методов (методом Ньютона, итераций и т.д.) Определив момент переключения релейного элемента t_1 , из соотношения (1.4) можно найти значения переменных состояния при $t = t_1$:

$$\begin{array}{cccc} \rightarrow & \rightarrow & \rightarrow & \rightarrow \\ X(t_1) = A(t_1-t_0) \cdot X(t_0) + B(t_1-t_0) Z(t_0), \end{array} \quad (1.4)$$

Эти значения являются начальными для определения процессов на следующем шаге, т.е. на отрезке времени $[t_1, t_2]$, где t_2 – второй момент переключения релейного элемента. Структура графовой модели на отрезке $[t_1, t_2]$ не меняется, изменяются только начальные условия. Поэтому строить заново графовую модель нет необходимости, достаточно воспользоваться формализованной моделью, изображённой на рис 2.

Соотношение для расчета процессов получим следующие:

АНИҚ ВА ТАБИЙ ФАНЛАР

$$t \in [t_1, t_2]$$

$$\vec{X}(p) = A(p) \cdot \vec{X}(t_1) + B(p) \cdot Z(t_1), \quad (1.5)$$

откуда будем иметь


$$\vec{X}(t) = A(t-t_1) \cdot \vec{X}(t_1) + B(t-t_1) Z(t_1) \quad (1.6)$$

Для определения второго момента переключения релейного элемента необходимо решить уравнение относительно входного сигнала релейного элемента $e(t_2) = a$. Значения переменных состояния при $t = t_2$, являющихся начальными условиями для определения процессов на следующем отрезке времени $[t_2, t_3]$ находим из соотношения

$$\vec{X}(t_2) = A(t_2-t_1) \cdot \vec{X}(t_1) + B(t_2-t_1) Z(t_1), \quad (1.7)$$

В общем случае соотношения для расчета процессов на отрезке $[t_{n-1}, t_n]$, где $n = 1, 2, \dots$, будут иметь вид:

$$t \in [t_{n-1}, t_n], n = 1, 2, \dots$$



Метод исследования релейных систем автоматического управления на базе графовых моделей может с успехом использоваться в случае включения в систему любого из типовых релейных элементов.

ЛИТЕРАТУРЫ

1. **Бесекерский В.А., Попов Е.П.** Теория систем автоматического регулирования, издание третье, исправленное. – М.: Наука, 2007.
 2. **Воронов А.А.** Теория автоматического управления. Учебник. 1, 2- ч. – Москва, 2006.
 3. **Гайдук А.Р.** Теория автоматического управления в примерах и задачах с решениями в MATLAB: Учебное пособие. 3-е изд., - СПб.: Лань, 2016.
 4. **Гурецкий Х.** Анализ и синтез систем с запаздыванием. – М.: Наука, 2001.
 5. **Громов Ю.Ю. и др.** Системы автоматического управления с запаздыванием. Учебное. Пособие. – Тамбов: Изд-во Тамб. гос. техн. ун-та, 2007.
 6. **Ерофеев А.А.** Теория автоматического управления: Учебник для вузов - СПб.: Политехника, 2008.
 7. **Кадыров А.А.** Топологический расчет систем автоматического управления: учебное пособие. – Т., 2003.
 8. **Кадыров А.А.** Машинные методы моделирования и исследования структурно- сложных систем. – Т., 2005.
 9. **Убайдуллаева Ш.Р.** Использование метода динамических графовых моделей для расчета линейных систем с запаздыванием. Научно-технический журнал.
 10. "Современные материалы, техника и технологии", №5, декабрь 2016 г., Россия.
 11. **Убайдуллаева Ш.Р.** Сравнительный анализ решения линейного дифференциального уравнения 1-го порядка с запаздыванием методом шагов и методом графовых моделей. Научный журнал «Вестник Бухарского государственного университета», №4, декабрь 2018.
- УДК 533.6.512**

ЎҚҚА НИСБАТАН СИММЕТРИК ТУРБУЛЕНТ ОҚИМДА МЕТАННИНГ ДИФФУЗИОН ЁНИШИГА ДОИР СОНЛИ ТАЖРИБА НАТИЖАЛАРИ

ИТОГИ ЧИСЛОВОГО ЭКСПЕРИМЕНТА О ДИФФУЗИОННОМ ГОРЕНИИ МЕТАНА ОСЕСИММЕТРИЧНОЙ ТУРБУЛЕНТНОЙ СТРУИ

RESULTS OF A NUMERICAL EXPERIMENT ON THE DIFFUSION COMBUSTION OF METHANE BY AN AXISYMMETRIC TURBULENT JET

Хўжаев Исматилла Қўшаевич

ЎзР ФА МИСМ институти, т.ф.д.

Ҳамдамов Музаффар Мухиддинович

ЎзР ФА МИСМ институти таянч докторанти

Таянч сўзлар: турбулент оқим, газлар аралашмаси, диффузион аланга, тезлик, тўлиқ энтальпия, чекли айирмалар, сонли тажриба.

Ключевые слова: турбулентная струя, смесь газов, диффузионное пламя, скорость, полная энтальпия, конечные разности, вычислительный эксперимент.

Key words: turbulent jet, gas mixture, diffusion flame, velocity, total enthalpy, finite differences, computational experiment.

Ушбу мақолада метаннинг ўққа нисбатан симметрик оқими ҳавонинг чексиз йўлдош оқимида тарқалиши ва диффузион ёниши масаласини сонли ечиш усули тақлиф этилган. Объектни моделлаштириш учун ўзаро реакцияга киришувчи газлар турбулент чегаравий қатламининг Мизес ўзгарувчиларидаги ўлчовсиз катталиклардаги тенгламаларидан фойдаланилган. Газ аралашмаси N компоненталари учун тенгламалар Шваб-Зельдович функцияларини киритиш орқали ягона тенгламага келтирилган.

Масалани Мизес координатларида ечиш учун икки қатламли, тўрт нуқтали ошкормас чекли айирма схемасидан фойдаланилди ва бўйлама координата бўйлаб биринчи, кўндаланг координата бўйлаб иккинчи тартибли аниқлик таъминланди. Субстанциялар сақланиши ва кўчиши тенгламаларининг чизиқсизлиги туфайли итерация жараёндан фойдаланилди.

Сонли тажрибанинг алоҳида натижалари тақдим этилди.

В данной статье предлагается численный метод решения задачи о распространении осесимметричной струи и диффузионном горении метана в бесконечном спутном потоке воздуха. Для моделирования использованы безразмерные уравнения турбулентного пограничного слоя реагирующих газов в переменных Мизеса. N уравнения для компонентов газовой смеси введением функций Шваба-Зельдовича приведены к единому уравнению.

Для решения задачи в координатах Мизеса использована двухслойная, четырехточечная неявная конечно-разностная схема, обеспечивающая первый порядок точности по продольной координате и второй порядок точности по поперечной координате. В силу нелинейности уравнений сохранения и переноса субстанций использовали итерационный процесс.

Представлены отдельные результаты вычислительного эксперимента.

This article proposes a numerical method for solving the problem of the propagation of an axisymmetric jet of methane in an endless co-current of air. For the simulation, the dimensionless equations of the turbulent boundary layer of reacting gases in the Mises coordinates were used. The equations for the components of the gas mixture by introducing the Schwab-Zeldovich functions are reduced to one equation.

To solve the problem in the Mises coordinates, a two-layer, four-point implicit finite-difference scheme is used that provides the first order of accuracy in the longitudinal coordinate and the second order of accuracy in the transverse coordinate.

Due to the nonlinearity of the equations of conservation and transport of substances, an iterative process was used.

ANIQ VA TABIIY FANLAR

Separate computational experiment results are presented.

Кириш. Амалиётда ёниш жараёни кичик ҳажмларда ва юқори босим шароитида циклик тарзда ёки каттароқ ҳажмли соҳада реакцияланувчи моддаларни узлуксиз режимда киритиш ва реакция маҳсулотларини худди шу тарзда чиқариб юбориш орқали ташкил этилиши мумкин [1]. Иккинчи усулда ўзаро кимёвий таъсирлашувчи моддалар алоҳида ёки тайёр аралашма ҳолида киритилиши мумкин [2]. Бу усулларни диффузион ёки гомоген ёниш моделлари асосида ўрганишимиз мумкин [3].

Гомоген ёниш моделлари сирасига Бунзен горелкаси, Аррениус қонуни, кимёвий мувозанат моделларини киритиш мумкин [4]. Диффузион ёнишнинг математик модели Бурке, Шуман, Б.А.Шваб ва Я.Б.Зельдович номлари билан боғлиқ бўлиб, унда ёниш тезлиги жуда катта ва аланга юпқа сирт шаклига эга деб фараз қилинади [5]. Бу модель алоҳида ёқилғи газлар ва ёқилғи газлар аралашмалари учун Ф.А.Алиев ва З.Ш.Жумаевлар томонидан ривожлантирилган [3,5]. Кимёвий реакция тезлиги чексиз деб қабул қилинишига қарамай, диффузион ёнишда аланга катта узунликка эга бўлади. Шу туфайли бу усул айланувчи печларда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва симоб ажратиш олишда кенг қўлланилади ҳамда технологик талабларга мос иссиқлик ва масса алмашинуви учун керакли ҳарорат ва таркибни ташкил этишга кўмаклашади.

Адабиётлар таҳлили [4,6-8] кўрсатишича, асосий таркиби метандан иборат ёқилғи газларнинг диффузион ёниши етарли даражада ўрганилмаган. Айни вақтда республикамизда ишлаб чиқиладиган табиий газнинг асосий таркиби метандан иборат. Бунинг асосий сабаблари газ конларининг “қариганлиги” ва бир ёки уч босқичдан иборат паст ҳароратли Сепарация усулида табиий газ таркибидан оғир углеводородларнинг ажратиш олинишидан иборат. Ушбу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда мақолада метаннинг йўлдош ҳаво оқимида тарқалиши ва диффузион ёниши масаласи қаралади.

Асосий қисм. Масаланинг физик қўйилиши. Ёнувчи газ радиуси a га тенг бўлган қувурдан u_2 тезликда оқиб чиқиб, ҳавонинг йўлдош оқимида тарқалмоқда. Алоҳида киритилаётган газ аралашмаларининг ҳар бири ўз таркибига ва иссиқлик хусусиятларига эга. Ёқилғи газ ҳаво таркибидаги кислород билан реакцияга киришади. Ёниш тезлиги жуда юқори деб ҳисобланади, шу туфайли ёқилғи соҳасига кислород кирмайди ва ҳаво таркибидаги кислород ёнувчи аралашманинг соҳасига ўта олмайди. Кимёвий жиҳатдан пассив газлар конвектив кўчади ва бошқа компонентлар билан диффузияга киришади.

Ёниш жараёни қайтаримсиз брутто-реакциянинг стехиометрик тенгламаси шаклида моделлаштирилади:



бу ерда h_2^* – экзотермик реакцияда ажралиб чиқаётган иссиқлик миқдори.

Ўзаро аралашаётган оқимларнинг киришдаги умумий чегарасида кўрсаткичларнинг тангенциал узилиши ва иссиқлик, масса кўчиши соҳасида юқори ҳароратли аланга фронти мавжудлиги ушбу соҳада оқимнинг турбулентлигидан далолат беради. Газлар ҳаракатида оқимнинг асосий йўналиши мавжудлиги туфайли турбулент чегаравий қатламнинг тенгламаларидан фойдаланиш мумкин.

Масаланинг математик шакллантирилиши. Иссиқлик ва масса кўчиши жараёнини

$$\left\{ \begin{array}{l} \rho u \frac{\partial u}{\partial x} + \rho v \frac{\partial u}{\partial y} = \frac{1}{y} \frac{\partial}{\partial y} \left(\rho \varepsilon y \frac{\partial u}{\partial y} \right), \\ \frac{\partial(\rho u y)}{\partial x} + \frac{\partial(\rho v y)}{\partial y} = 0, \\ \rho u \frac{\partial H}{\partial x} + \rho v \frac{\partial H}{\partial y} = \frac{1}{Pr y} \frac{\partial}{\partial y} \left(\rho \varepsilon y \frac{\partial H}{\partial y} \right), \\ \rho u \frac{\partial c_k}{\partial x} + \rho v \frac{\partial c_k}{\partial y} = \frac{1}{Sc y} \frac{\partial}{\partial y} \left(\rho \varepsilon y \frac{\partial c_k}{\partial y} \right) + \omega_k \quad (k = 1..N), \\ H = c_p T + c_2 h_2^*, \quad c_p = \sum_{k=1}^N c_{pk} c_k, \\ P = \rho \frac{R_0}{m} T, \quad m = \left(\sum_{k=1}^N \frac{c_k}{m_k} \right)^{-1}. \end{array} \right.$$

тенгламалар системаси билан тавсифлаймиз [3,5,9]. Бу ерда u, v – тезликнинг бўйлама x ва радиал y ўқлар бўйича ташкил этувчилари ($m c^{-1}$); ρ, T – газ зичлиги ($kg m^{-3}$) ва абсолют ҳарорати (K); Pr, Sc – Прандтль ва Шмидт турбулентлик сонлари; c_k – k -компонентанинг масса концентрацияси; ω_k – ёнишнинг масса бўйича тезлиги ($kg m^{-3} c^{-1}$); ε – турбулент ёпишқоқлик коэффиценти ($m^2 c^{-1}$).

Оқим соҳасига киришдаги шартлар қуйидагича шакллантирилди:

$$0 \leq y < a: u(0, y) = u_2, \quad T(0, y) = T_2, \quad c_k(0, y) = (c_k)_2;$$

$$a \leq y \leq y_\infty: u(0, y) = u_1, \quad T(0, y) = T_1, \quad c_k(0, y) = (c_k)_1.$$

$x > 0$ да оқим ўқида симметрия шартлари:

$$\frac{\partial u(x, 0)}{\partial y} = 0, \quad v(x, 0) = 0, \quad \frac{\partial T(x, 0)}{\partial y} = 0, \quad \frac{\partial c_k(x, 0)}{\partial y} = 0;$$

оқим чегараси $y = y_\infty$ да эса йўлдош оқимнинг кўрсаткичлари қабул қилинди:

$$u(x, y) = u_1, \quad T(x, y) = T_1, \quad c_k(x, y) = (c_k)_1.$$

Энтальпия учун шартлар юқоридаги шартлар асосида шакллантирилади. Турбулент алмашинув учун Л. Прандтлнинг янги моделидан фойдаландик [2,3]:

$$\varepsilon(x) = \chi b(x) \left| u_{\max} - u_{\min} \right|_x.$$

Масалани ечишнинг сонли усули. Асосий оқимнинг радиуси a , оқими тезлиги u_2 , зичлиги ρ_2 ва энтальпияси H_2 ёрдамида тенгламалар системасида ва шартларида ўлчовсиз бирликларга ўтилди ва Мизес координаталари (ξ, ψ) киритилди. N компонента учун масса кўчиши ва сақланиш тенгламалари Шваб-Зельдович функциялари киритиш ва нисбий-ошиғич концентрация \tilde{C} га ўтиш орқали ягона тенгламага олиб келинди [3,5]. Натижада асосий тенгламалар

ANIQ VA TABIIY FANLAR

$$\left\{ \begin{aligned} \frac{\partial u}{\partial \xi} &= \frac{1}{\psi} \frac{\partial}{\partial \psi} \left[\frac{\rho^2 \varepsilon u}{\psi} \left(2 \int_0^{\psi} \frac{\psi d\psi}{\rho u} \right) \frac{\partial u}{\partial \psi} \right], \\ \frac{\partial H}{\partial \xi} &= \frac{1}{\text{Pr} \psi} \frac{\partial}{\partial \psi} \left[\frac{\rho^2 \varepsilon u}{\psi} \left(2 \int_0^{\psi} \frac{\psi d\psi}{\rho u} \right) \right], \\ \frac{\partial \tilde{C}}{\partial \xi} &= \frac{1}{\text{Sc} \psi} \frac{\partial}{\partial \psi} \left[\frac{\rho^2 \varepsilon u}{\psi} \left(2 \int_0^{\psi} \frac{\psi d\psi}{\rho u} \right) \frac{\partial \tilde{C}}{\partial \psi} \right], \\ \bar{T} &= \bar{\rho} \frac{m_2}{m T_2}, \quad \bar{H} = (c_p T + h_2 c_2) / H_2, \quad \bar{\rho} = \frac{m}{(m)_2 \bar{T}}; \end{aligned} \right.$$

системага олиб келинди ва мос чегаравий шартлар шакллантирилди [2, 9]. Ушбу [2, 9] ишдагидан фарқли равишда стехиометрик тенглама билан боғлиқ параметрлар қуйидагича қабул қилинди: $\nu_1 = 2$, $\nu_2 = 1$, $\nu_3 = 1$, $\nu_4 = 2$, $m_1 = 32$, $m_3 = 44$, $m_4 = 18 \text{ кг / кмоль}$, $h_2^* = 55644 \text{ кж/кг}$.

Ўлчовсиз тенгламаларни Мизес координаталарида ечиш учун ошкормас аппроксимация схемасидан фойдаланилди [9-11]. Оқим чизиғи ўлчовсиз координатасининг юқори чегараси 20 га тенг деб олиниб, янги бўйлама ва радиал координаталар учун h_ξ ва h_ψ дискрет қадамлар киритилди. Бўйлама координата

бўйлаб ҳисоблаш консерватив функциянинг ўқдаги қиймати \tilde{C}^* дан 0.05 га камайгунча давом эттирилди.

Олдиндан кўрсатилган муайян қадамлардан кейин натижалар уч файлда сақланиб борилди. Биринчи файлда қаралаётган кесим ξ учун ўқдаги тезлик, энтальпия, турбулентлик коэффициенти, аланганинг чизиқли интерполяция ёрдамида аниқланган радиал координатаси, чегаравий қатламнинг тезлик бўйича чегараси $b(x)$, сақланиш қонунларининг бажарилиши ҳақидаги маълумотлар ва бошқалар сақланиб борилди.

Иккинчи файлда муайян кесимларда тезлик, энтальпия, ҳарорат, концентрациялар ва турбулентликка тегишли функцияларнинг радиал координата бўйлаб ўзгариши ҳақидаги маълумотлар сақланди. Бунда оқим чизиғи функциясининг мунтазам қадамидан ўлчовсиз радиал координатага ўтиш учун махсус алгоритмдан фойдаланилди, бу алгоритмда график чизиш учун маъқул бўлган h_y қадамга чизиқли интерполяция формуласидан фойдаланиб ўтилди.

Учинчи файлда ҳароратнинг ҳисоб соҳасидаги изотерма эгриликларини ясаш учун керакли маълумотлар ўлчовсиз (x, y) координаталарда сақланди. Қаралаётган айрим катталикларнинг чегараси, хусусан ҳисоб соҳаси олдиндан маълум бўлмаганлиги учун компьютер графикасининг Pascal ABC муҳитининг график имкониятларидан фойдаланиш мумкин бўлмади. Шу тўғрисида олинган маълумотлар Excel дастурий воситаси ёрдамида визуаллаштирилди.


Натижалар муҳокамаси. Мақолада алоҳида кирилатган газлар ҳароратининг изотермалар ва концентрацияларга таъсирининг муҳокамаси билан чекланиб қоламиз. Концентрация майдони ва асосий қисмларига мос оқимнинг бошланғич қийматлари аниқланди.

$T_1 = 600 \text{ K} = 600 \text{ K}$ ва $T_2 = 297 \text{ K}$ бўлган ҳолда $\bar{x} = 10$ ва $\bar{x} = 180$ кесимлар учун концентрация графиклари келтирилди. Бу графикдан кўриниб турибдики, $\bar{x} = 10$ кесимдаёқ ёқилғи ядроси бузилган. Аланга $\bar{r} = 1.8$ гача кенгайган.

BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI 2019/3 (75)

Концентрацияларнинг аланга тугагандан кейинги кўриниши $\bar{x} = 180$ кесимдаги графикда берилган. Худди шундай натижалар тезлик, тўлиқ энтальпия, зичлик учун ҳам олиндики, улар бошланғич қисмининг аланга узунлигидан анча кичик бўлишини кўрсатди. Киришда айна бир хил маълумотлар асосида олинган натижалар пропан газига нисбатан метаннинг алангаси қисқа ва кенг бўлишини кўрсатди. Бу ҳолни метанли оқим импульсининг кичиклиги орқали тушунтириш мумкин.



$T_1 = 600 K$, $T_2 = 297 K$ ва $T_1 = 400 K$, $T_2 = 297 K$ бўлган ҳоллар учун олинган изотермалар манзараси келтирилмоқда. Биринчи ҳолатда энг катта ҳарорат $T^* = 3078.43 K$ ва аланга узунлигининг a га нисбати $l^* = 224.9$, иккинчи ҳолатда эса $T^* = 2910.44 K$ ва $l^* = 203.74$ катталиқдаги қийматлар аниқланди. Ҳарорат майдони кенгайиб бориши, аланга тугагандан кейин эса энг катта ҳарорат оқим симметрия ўқида бўлиши кўриниб турибди.



1-расм. $\bar{x} = 10$ ва $\bar{x} = 180$ кесимларда концентрация графиклари

Хулоса. Ҳисобларнинг кўрсатишича, ёқилғи газ ҳарорати ортиб бориши билан аланга узунлиги қисқаради. Хусусий $T_1 = 297 K$ бўлганда, $T_2 = 600 K$ ва $T_2 = 400 K$ ҳоллари учун $l^* = 163.02$ ва $l^* = 130.05$ қийматлари олинди. Ва аксинча, ҳаво ҳароратининг ортиши аланга узунлигининг ортишига олиб келади. Биринчи ҳолат ёқилғи газ сарфининг кичраиши билан изоҳланса, иккинчи ҳолат юқори ҳароратли ҳаво таркибидаги кислороднинг алангага етиб келиши қийинлашуви билан тушунтирилади. Умуман олганда, натижалар метан ёқилғисининг ҳаво йўлдош оқимида ёнишида ҳарорат ва кўрсаткичлар майдони пропанга нисбатан аҳамиятли фарққа эга эканлигини кўрсатди.

АНИҚ ВА ТАБИЙ ФАНЛАР



**2-расм. $T_1 = 600K$, $T_2 = 297K$ ва $T_1 = 400K$, $T_2 = 297K$ ҳоллар
учун изотермалар майдони**

АДАБИЁТЛАР

1. **Якимов А.С.** Математическое моделирование тепловой защиты и некоторых задач теплообмена. – Томск: Изд-во Томского ун-та, 2015. – 214 с.
2. **Абрамович Г.Н., Гиршович Т.А., Крашенинников А.С. и др.** Теория турбулентных струй. – М.: Глав. ред. физ-мат. лит-ры, 1984. – 716 с.
3. **Алиев Ф., Жумаев З.Ш.** Струйные течения реагирующих газов. – Ташкент: Фан, 1987. – 132 с.
4. **Вулис Л.А., Ершин Ш.А., Ярин Л.П.** Основы теории газового факела. – Л.: Энергия, 1968. – 203 с.
5. **Хужаев И.К.** Развитие математических моделей диффузионного горения и транспортировки газа по трубопроводу: Дисс... д-ра техн. наук. – Ташкент, 2009. – 336 с.
6. **Уткин П.С.** Численное моделирование инициирования и распространения газовой детонации в профилированных трубах / Автореферат дисс... канд. физ-мат. наук, М., 2010 – 23 с.
7. **Демидова О.Л.** Численное моделирование закрученных струй с неравновесными химическими процессами / Электронный журнал "Труды МАИ". Выпуск №57. – 13 с. (www.mai/science/trudy)
8. **Методы расчета турбулентных течений.** Пер с англ. – Под ред. В. Кольмана. – М.: Мир, 1984. – 416 с.
9. **Хужаев И.К., Хамдамов М.М.** Численный метод решения задачи о осесимметричной турбулентной струе пропанобутановой смеси при диффузионном горении // Проблемы вычислительной и прикладной математики, Ташкент, 2018, № 4. – С. 61-75.
10. **Самарский А.А., Вабыщевич П.Н.** Вычислительная теплопередача. – М.: Едиториал УРСС, 2009. – 784 с.
11. **Роуч П.** Вычислительная гидромеханика. – М.: Мир, 1980. – 612 с.

УДК 631.67: 633.511, (582,26)

**СУФОРМА ДЕҲҚОНЧИЛИҚДА СУВНИ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ
ИСПОЛЗОВАНИЕ ВОДОСБЕРЕГАЮЩИХ ТЕХНОЛОГИЙ В ОРОШАЕМОМ
ЗЕМЛЕДЕЛИИ**

USING WATERSAVING IRRIGATION TECHNOLOGIES IN IRRIGATED FARMING

Жўраев Анвар Қурбонович

*ТИҚХММИ БФ сув хўжалиги ва мелиорация кафедраси доценти, қишлоқ хўжалик
фанлари номзоди*

Жўраев Умид Анварович

ТИҚХММИ БФ доцент (PhD)

Шодиева Ситора Улуғбек қизи

ТИҚХММИ БФ магистранти

Таянч сўзлар: томчилатиб суғориш, техника, технология, томизгич, минераль ўғит, хосилдорлик, минерализация, ғўза, самарадорлик, томизгич, тиндиргич, ҳажм оғирлик, полэтилен қувур, тупроқ.

Ключевые слова: орошение, техника, технология, капельница, минеральные одобрения, почва, хлопчатник, урожайность, эффективность, орошаемые, ацитонник, минерализация, объёмная масса, шланги.

Key words: drip irrigation, technics, technology, fertilizer, droplet, productivity, mineralization, cotton, efficacy, tider, weight, polythene pipe, soil.

Томчилатиб суғориш бўйича олиб борилган изланишлар хулосаларига асосан қўйдагиларни изоҳлаш мумкин сув тежамкор суғориш технологияси қўлланилган ҳолда тупроқни юза қатлами зичлашмаслиги ёки ҳажм оғирлиги анъанавий усулга нисбатан енгиллашиши, тупроқнинг сув ўтказувчанлиги яхшиланиши, минерал ўғитларнинг ювилиб кетмаслиги билан бирга тупроқнинг чала дала нам сифими 70X80X65 тизимда ғўза суғорилганда 53 фоизгача сув тежалиши ва хосилдорликнинг 7.4-10.6 ц/га назоратга нисбатан юқори бўлганлиги кузатилди. Шунингдек, техника, ёқилги мойлаш маҳсулотлари, ишчи кучи хизматлари тежалишига эришилди.

Ғўза қатор орасига қора полиэтилен плёнка тўшаб суғориш амалга оширилганда сув ресурслари, минерал ўғит, техника ресурслари тежалиши билан бирга хосилдорлик 9.7-20.4 ц/га ошганлиги кузатилди.

Из полевых наблюдений и лабораторных анализов можно прийти к следующим выводам: при орошение водасберегающими технологиями вес объёмной массы почв снижается, улучшается водопроницаемость почв, не ощущается механические повреждения корней растений, так как после расположения шлангов орошаемой водой не промывалась минеральные удобрения, при орошение в режиме схеме предельной полевой влагоёмкости 70x80 x65 с экономилось 53 процентов орошаемой воды и прибавилось урожайность против контрольного варианта на 7,4-10,6 ц/га. За счёт не проведения обработки междурядьями сэкономились технические ресурсы, горюче смазочные материалы, рабочая сила. Выше указанную аналогию можно увидеть и при мульчирование междурядие хлопчатника с чёрной полиэтиленовой плёнкой повлияло на рост и развитие хлопчатника и повысилось урожайность хлопчатника против контрольного варианта на 9,7-20,4 центнеров с гектара. С экономилась минеральные удобрения, трудовые, технические и водные ресурсы на 54 процентов.

According to the findings of drip irrigation studies, using the technology of water-efficient irrigation, the surface soil layer does not have a density of solid or relatively light weight compared to conventional methods, improved soil water permeability, and absence of mineral fertilizers, with soil moisture content of 70X80X65 up to 100% water savings and

ANIQ VA TABIIY FANLAR

crop yields were higher than that of 7.4-10.6 ts / ha. We have also been able to save on services like technology, fuel oil, and labor

When placing a black polyethylene film on a row of cotton seeds, yields rose to 9.7-20.4 c / ha, with the saving of water resources, mineral fertilizers, and technical resources.

Кириш. Ҳукуматимиз томонидан юртимизда суғориш маданиятини юксалтириш, сув хўжалигида ислохотларни жадал олиб бориш, соҳа моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, модернизациялаш, дезерфикациялашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Экинларни суғоришда илғор усуллар, жумладан, томчилатиб суғориш, эгатга қора полиэтилен плёнка тўшаб суғориш, кўчма эгилувчан қувурлардан фойдаланиб суғориш, тупроққа гидрогель кристаллини киритиб суғоришни амалга ошириш технологияларини жорий қилиш бўйича кенг кўламли ишлар амалиётга жорий этилмоқда. Жумладан, Вазирлар маҳкамасининг “2013-2017 йиллар давомида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ҳамда “Томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган янги суғориш технологияларини жорий этиш ва молиялаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорлари қабул қилиниб шунга асосан тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган 9 декабрь 2018 йилдаги йиғилишда Президент Ш.М. Мирзиёевнинг маърузаларида куйидагилар баён этилди. Пахта ва ғалладан бўшалган майдонларда экспортбоп, ички ва ташқи бозорда талаб катта бўлган экинлар экиш, бошқача айтганда, ҳар бир хўжалик ва тумanning ихтисослашувини қайта кўриб чиқиб, тегишли қарорлар қабул қилишимиз, кўп тармоқли фермер хўжаликлари, томорқа майдонлари самарасини оширишга қаратилган ишларимизни кучайтиришимиз керак. Қишлоқ хўжалигида чидамли, эртапишар, серҳосил экин навларини яратиш, чорвачилиқда наслчиликни яхшилаш, энг катта бойлик бўлган ер ва сув ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш, уруғчиликни ривожлантириш эътиборимиз марказида туриши лозим.

Юртимиз бўйича жорий йилда 6 миллион 124 минг тонна ғалла, 2 миллион 300 минг тонна пахта, 8 миллион 661 минг тонна сабзавот, 2 миллион 411 минг тонна картошка, 1 миллион 607 минг тонна полиз маҳсулотлари, 2 миллион 100 минг тонна мева, 1 миллион 314 минг тонна узум, 18 минг тонна пилла, 1 миллион 789 минг тонна гўшт, 7 миллион 830 минг тонна сут тайёрлашга эришилди. Мухтасар қилиб айтганда, жами бўлиб 58 триллион 181 миллиард сўмлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилди.

2019 йилда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида Давлат бюджетидан қарийб 1,7 триллион сўм халқаро молия институтларининг 84 миллион доллар миқдоридagi маблағини йўналтириш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, сув омборлари тармоғини кенгайтириш ҳисобидан лалми ерларини ўзлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг учун Тошкент вилоятида жами 45 миллион куб метр сув йиғиладиган “Паркентсой”, “Қизилсой”, “Тоштепа”, Жиззах вилоятининг Фориш туманида “Караман”, Қашқадарё вилоятида “Гулдара”, “Аяқчисой”, Самарқанд вилоятида “Булунғур” сув омборлари ташкил этилади. Келгуси икки йилда эса 1 миллиард 700 миллион куб метр сув тежалади ва 600 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланади.

Биз учун ўта муҳим вазифа- қишлоқ хўжалиги учун юксак билим ва малакага эга бўлган олий ва ўрта махсус маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштиришимиз лозим. Бу борада хориждаги етакчи олий ўқув юртлари билан бирга кўшимча факультетлар ташкил этиш, яқинда иш бошлаган “Эл - юрт умиди” жамғармаси орқали агро соҳа мутахассисларини, ёш кадрларни ривожланган хорижий мамлакатларда ўқитишга алоҳида аҳамият беришни замонни ўзи талаб этмоқда.

Келгуси йили қишлоқ хўжалигида 1 миллиард 870 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мўлжалланаётгани бу соҳадаги ишларимизнинг ҳажми ҳам, масъулияти ҳам нақадар юксак эканидан далолат беради.

Асосий қисм. Сув ресурсларига бўлган талабнинг ошиб бориши, кутиладиган сув танқислигини салбий оқибатларини юмшатиш, экин турларидан юқори хосил олиш ва озиқ-овқат дастурларини бажариш мақсадида ҳозирги кунга келиб сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишни давр тақозо қилмоқда. Айниқса, сув ресурсларисиз қишлоқ хўжалиги ривожлана олмаслигини инобатга олган ҳолда, сувни кам сарфлаган ҳолда деҳқончиликдан юқори хосил олиш борасида асрлар давомида изланишлар олиб борилган. Ҳозирги кунга келиб, олимларимиз томонидан кўп йиллардан буён сув ресурсларини тежаш орқали суғоришнинг янги илғор технологияларини яратиш борасида бир қатор изланишлар олиб борилиб, амалиётда қўллаш натижасида юқори натижаларга эришилаётганлигига гувоҳ бўлинмоқда. Томчилатиб суғориш тизимида ғўзани парваришлаш технологиясига қуйидаги асосий кўрсаткичлар киради: Турли тупроқ иқлим шароитига мос юқори хосилдор ва тезпишар навлардан фойдаланиш, тупроққа асосий, ҳайдов олди ва қатор орасига ишлов беришнинг рационал тизими, юқори сифатли чигитни экиш, маъдан ўғитларни табақалаштириб тупроққа киритиш, суғориш жараёнини тўлиқ автоматлаштирувчи, сувдан тежамли ва самарали фойдаланишга ёрдам берувчи тизимни қўллаш, ўсимликларни касаллик, зараркунанда ва бегона ўтлардан уйғунлашган ҳимоя тизими, ғўзани механизация ёрдамида чилпиш ва дефоляция қилиш, пахта хосилини машиналар ёрдамида йиғиштириб олиш. Томчилатиб суғориш тизимининг асосий фарқи, вегетация даврида маъдан ўғитларнинг ва гербицидларнинг маълум қисмини ўсимликка суғориш суви билан бирга киритиш имконияти мавжудлиги ҳамда ғўза қатор орасига биринчи сувгача ишлов берилиб, шундан сўнг вегетация мавсумининг охиригача қатор орасига мутлақо ишлов(культивация) берилмаслигидадир.

Томчилатиб суғориш технологиясини илмий асосда мукаммал ўрганиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш мақсадида ТИҚХММИ Бухоро филиали ўқув-илмий марказида илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. Тажриба ўтказилган майдоннинг тупроғи ўрта қумоқ бўлиб, ер ости сизот сувининг чуқурлиги 2,2-2,5 метр, ғўза ўсув амал даврида эса 1,9-2,2 метрни ташкил этиб, кам шўрланган. Тажриба натижаларининг якунига кўра, эгатлаб суғоришга нисбатан томчилатиб суғориш тизими бир мунча афзалликларга эга бўлиб, суғориш сувининг 45-50 %, ёқилғи мойлаш материалларини ҳамда минерал ўғитларнинг 40-50 % иқтисод қилиниши тадқиқотларда аниқланди. Шунингдек, қатор ораларига ишлов бериш сони ҳам 6 марта қисқариши, 1 ц/га пахта хосили етиштириш учун 85 м³/га сув сарфланиши аниқланди.

Томчилатиб суғорилган делянкаларида анъанавий усул қўлланилиб суғорилган далага нисбатан тупроқнинг сув-физик хоссалари ижобий томонга ўзгарганлигини кузатишимиз мумкин, жумладан: ҳажм оғирлигининг енгиллашиши, тупроқнинг сув ўтказувчанлиги яхшилланганлиги. Хосилдорлик томчилатиб суғорилганда 7,4-10,6 ц/га ошганлиги аниқланди. Бундан ташқари, томчилатиб суғорилган майдон доимий равишда намлик меъёрида ушлаб турилиши ҳисобига тупроқда шўрланиш жараёни жуда кам миқдорда кузатилиб, касаллик ва зараркунандаларга чалинмади айниқса, вилт касаллигига чалинмади. Тажриба майдонлари тупроғи механик таркиби ўрта қумоқ, ғўзанинг ўрта толали Бухоро-6 нави ғўза қатор ораси 60 см ли қилиб экилди. Тупроқнинг ҳайдов қатламида (0-30 см) тупроқнинг ҳажмий оғирлиги 1,38-1,41 г/см³, ҳайдов ости қатлами (30-50 см) эса бу кўрсаткич бир мунча ортиб 1,49-1,58 г/см³, солиштира оғирлик ва умумий ғоваклик кўрсаткичлари бу қатламларда тегишли равишда 3,14-3,21 г/см³ ва 51,3-47,1 % га тенг бўлди.

Тупроқнинг сув физик хоссалари қуйидагича, тупроқ қатламининг 0-100 см қисмида чекланган дала нам сифими (ЧДНС) 20,3-21,4, табиий намлик ҳайдов қатламида 17,2-18,5 %, ҳайдов ости қатламида эса 18,3-20,8 % га тенг бўлиб, ғўзани суғориш тартиби тажриба тизимида белгиланган суғориш олди намлик миқдори ва тупроқнинг 0-50 см ҳисобий қатламидан келиб чиқиб шаклланди. Вегетация мавсуми давомида олинган маълумотлар томчилатиб суғоришни эгат орқали суғоришга нисбатан юқори самарадорлигидан далолат беради. Жумладан, эгат орқали суғоришда мавсумий 5200 м³/га брутто сув сарфланган бўлса, томчилатиб суғоришда 2 ва 3 вариантларда 2280 м³/га, тўртинчи вариантда (70-80-65) эса жами 2760 м³/га

ANIQ VA TABIIY FANLAR

меъёрида сув сарфланганлигини кузатишимиз мумкин. Шундай қилиб, суғориш тизими 70-75-70 % тартибда томчилатиб суғориш қўлланилганда 53 % ҳамда суғориш тизими 70-80-65 % тартибда томчилатиб суғоришда 47 % сув иқтисод қилинди.

Эскидан суғорилиб келинаётган ўтлоқи аллювиал тупроқлар шароитида ғўза ва унинг мажмуасига кирувчи экинларни янги технология, томчилатиб суғориш тизимларида парваришlash агротехникаси хусусиятлари юқорида баён этилган. Мазкур тажрибаларда сув тежаш борасида олинган юқори самарадорлик, экологик жиҳатидан ўзини ижобийлигини ҳам намоён этди. Ўтлоқи аллювиал тупроқлар минтақадаги кенг тарқалган ирригацион эрозия ва оқова сув билан бирга маъдан ўғитларнинг ювилиб кетиши олди олинади. Бу усул орқали экин илдиз қатлами намлик билан доимий таъминланиб, сув ва озиқ моддаларни ўзлаштиришга яхши имконият яратади. Томчилатиб суғоришнинг афзаллиги, энг аввало, сув ресурсларини тежашда намоён бўлади. Бунда суғориш режимининг ўзига хослиги, буғланишнинг пастлиги, сувнинг беҳуда оқиб кетмаслиги туфайли эришилади. Энг муҳими, томчилатиб суғоришда сув ўсимликка қувурлар орқали етказиб берилганлиги учун дала тупроғининг юза қисми қотмайди, натижада қатор ораларига ишлов беришга эҳтиёж туғилмайди.

Ќўза анъанавий усулда, яъни эгат оралатиб бостириб суғорилганда, сувнинг бир қисми ўқариқларда тупроқ пастки қатламларига шимилиб кетиши ва бир қисми буғланиш натижасида беҳуда сарфланади. Сувнинг буғланиши ва шимилиши туфайли гектарига 1,5-2,0 минг/м³ сув исроф бўлиши тадқиқотларда аниқланган. Салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун ғўза ва бошқа қатор орасига ишлов бериладиган экинларни суғоришнинг замонавий агротехник усуллари ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Ќўза қатор орасига полиэтилен плёнка тўшаб суғориш технологияси суғориш сувига бўлган талабни ва энергия харажатларини камайтирувчи ҳамда тупроқ унумдорлигини ошириш имконини берувчи омилдир.

ТИҚХММИ Бухоро филиали ўқув-илмий маркази ва Вилоятнинг илғор фермер хўжаликлари далаларида ғўза қатор орасига қора полиэтилен плёнка тўшаб суғорилганда, сувнинг тежалиши ўртача 42 фоизни ташкил этиб, қўшимча пахта хосили гектарига 9.7-20.4 центнер ёки 23-43 фоизга ошганлиги кузатилди. Ноанъанавий суғориш технологиясида эгатларда тупроқнинг бир текис намланиши, суғоришдан сўнг тупроқ намлиги буғланишнинг камайиши, минерал ўғитларнинг босим остида сув билан ювилмаслиги натижасида ўсимлик озуқа моддаларни тўлиқ ўзлаштириш имкониятига эга бўлади. Эгат остига кўёш нури тушмаслиги сабабли бегона ўтларнинг нобуд бўлиши, қатор орасига ишлов берилмаганлиги туфайли тупроқнинг зичланмаслиги ҳамда меъёрда суғориш натижасида тупроқнинг унумдор қатламининг кимёвий ҳамда сув физик хусусиятлари ижобий томонга ўзгариши натижасида илдиз қатлами тупроғининг сифатли намланиши ҳисобига илдиз тизими жадал ривожланиши учун қулай шароит яратилиши ва хосилдорликнинг ошиши аниқланди. Ќўза қатор орасига қора полиэтилен плёнка тўшаб суғориш технологияси суғориш сувига бўлган талабни камайтириб, ёқилғи мойлаш маҳсулотлари ва техника харажатларни камайтирувчи ҳамда тупроқ унумдорлигини ошириш имконини берувчи технологик йўналишдир.

Қишлоқ хўжалиги экинларини кўчма эгилувчан полиэтилен қувурлар билан ўқ ариқлар ўрнида фойдаланиб ғўза майдонларини суғорган ҳолатда анъанавий усулда суғорилганга нисбатан 15-20 % сув тежалиши, сув эгатларга бир меъёрда текис тақсимланиши ҳамда фойдали экин майдони 1,5-2,5 % га ортиши ва суғориш ишлари энгиллашиши ҳамда қўл меҳнати 2 мартагача камайиши кузатилди. Қишлоқ хўжалигига тақдим этилган замонавий кўчма эгилувчан қувурлар 4 гектар ер майдонига мослаштирилган бўлиб, бир пайтнинг ўзида шланглар ёрдамида 4 га ер майдони суғорилади. Ер майдони қисқа муддатда суғорилганлиги сабабли ер етилиши даланинг барча қисмида бир хилда содир бўлади. Қатор орасига ишлов беришдан олдин ва сўнг кўчма эгилувчан қувурлар йиғиштирилиб, қайта ўрнатилади. Майдонга сув меъёрида ва қисқа муддатда берилганлиги сабабли ғўзанинг ўсиш ва ривожланиши ижобий

кечиб, хосилдорлик анъанавий суғориш услуга нисбатан 2,5-3,0 центнерга ошиши кузатилади.

Хулоса. 1. Бухоро вилояти шароитида сув тежамкор суғориш технологияси эскидан суғорилиб келинаётган ўтлоқи ботқоқ тупроқларда ғўза экинида қўлланилганда (томчилатиб суғориш, қора полиэтилен плёнка тўшаб суғориш, кўчма эгилувчан қувурлар воситасида суғориш) сув тежамкор интенсив технология самарали усул эканлиги намоён бўлди. Тупроқнинг сув физик хусусиятларига ижобий таъсир этиш билан бирга ўсимликнинг юқори меъёрда ўсиб ривожланишига сабаб бўлди, шунингдек, ёқилғи мойлаш маҳсулотлари, минераль ўғит, ишчи кучи ва айниқса суғориладиган сув 50.0-56.0 фоизгача иқтисод қилинишига эришилди.

2. Сув тежамкор суғориш технологияларини (томчилатиб суғориш, қора полиэтилен плёнка тўшаб суғориш, кўчма эгилувчан қувурлар воситасида суғориш) ғўзани суғоришда қўлланилган ҳолда хосилдорлик гектаридан 3.0 дан 20.4 центнергача назорат вариантыга солиштирилганда қўшимча хосил етиштирилди.

АДАБИЁТЛАР

1. Пахта селекцияси, уруғчилиги, етиштириш технологиялари илмий тадқиқот институти Бухоро филиали ҳисоботлари.
2. “Томчилатиб суғоришда ғўза ва унинг мажмуасига кирувчи экинларни парваришлаш бўйича тавсиялар”. – Т., 2009.

УДК: 520.

ZODIAK YULDUZ TURKUMLARINI MARS YORDAMIDA VIZUAL KUZATISH USULI МЕТОДЫ ВИЗУАЛЬНОГО НАБЛЮДЕНИЯ ЗОДИАКАЛЬНЫХ ЗВЕЗД ПРИ ПОМОЩИ МАРСА

THE VISUAL OBSERVATION METHOD FOR INVESTIGATING THE ZODIAC CONSTELLATIONS WITH THE HELP OF MARS

Avezmurotov Ollayor

UrDU fizika kafedrasida katta o'qituvchisi

Avezmurotova Zebo Allayarovna

UrDU fizika kafedrasida o'qituvchisi

Bekberganov Alisher Xikmatullayevich

UrDU fizika kafedrasida talabasi

Tayanch soʻzlar: Ekliptika, Mars, Antares, Zodiak, Hut, Hamal, Savr, Javzo, Saraton, Asad, Sunbula, Mezon, Aqrab, Qavs, Jaddi, Dalv, Zodiak yulduz turkumlari, Oy, Quyosh, yulduzlar, Orbita, Stellarium dasturi.

Ключевые слова: Эклиптика, Марс, Антарес, Зодиак, Рыбы, Овен, Телец, Близнецы, Рак, Лев, Дева, Весы, Скорпион, Стрелец, Козерог, Водолей, созвездия Зодиака, Луна, Солнце, Звезды, Орбита, программ «Stellarium».

Key words: Ecliptic, Mars, Antares, Zodiac, Fish, Aries, Taurus, Twins, Cancer, Lion, Virgo, Scales, Scorpion, Sagittarius, Capricorn, Aquarius, constellations of the Zodiac, Moon, Sun, Stars, Orbit, programs "Stellarium".

Ushbu maqolada Stellarium dasturi asosida astronomiya fanidan amaliy mashg'ulotlarni tashkil etish, kuzatishlar olib borish, xususan, Zodiak yulduz turkumlarini chuqurroq o'rganish yuzasidan uslub bayon etilgan. Bu uslubdan astronomiya fanini o'qitishda o'qituvchilar, ushbu fanga qiziquvchi talabalar va o'quvchilar foydalanishi mumkin.

В данной статье изложена методика организации практических занятий по предмету астрономии на основе программы Stellarium, методика проведения наблюдений, в частности методика углубленного изучения созвездия Зодиака. Данной методикой могут воспользоваться преподаватели при обучении предмету астрономии, студенты и учащиеся интересующиеся астрономией.

ANIQ VA TABIIY FANLAR

This article sets out a methodology for organizing practical classes on the subject of astronomy based on the Stellarium program, a methodology for conducting observations, in particular a methodology for in-depth study of the zodiac constellation. This technique can be used by teachers in teaching the subject of astronomy, students and students interested in astronomy.

Kirish. Bugungi kunda ta'lim mazmuni va sifati jamiyatning dolzarb masalalari va ustuvor yo'nalishlaridan biri sifatida ko'orilmoqda, ta'limni rivojlantirish, uning samaradorligini oshirish yo'llari izlanmoqda, ta'lim-tarbiya jarayonida zamonaviy pedagogik texnologiyalarni joriy etish, innovatsion g'oyalarni qo'ollash masalasi ommalashmoqda. Shu sababdan bizga ma'lum bo'lgan metodlardan tushunarli, aniq va ravshanlarini ajratib olib ularni to'g'ri tushuntirish dolzarb muammolardan biridir. Hozirgi kunda astronomiya va astrofizika fanini o'qitishning yangicha usullarini yaratish ustida ko'p ish olib borilmoqda. Masalan, AL, KHK va umumta'lim maktablarda nazariy jihatdan o'rganilibgina qolmasdan amaliy darslarni ham tashkil qilish maqsadga muvofiqdir. Ochiq osmon sferasida talabalar bilan vizual kuzatishlarni olib borib, kuzatish natijalaridan to'garak ishlarida, konferensiyalar tashkil etish barobarida talabalarni astronomiya faniga qiziqishini uyg'otish mumkin.

Asosiy qism. Ta'lim maskanlarining imkoniyatlaridan kelib chiqqan holda internet tarmog'lari, kichik teleskop va durbin yordamida quyidagi amallar taklif qilinadi. O'quv yilining boshida astronomiya fanidan umumiy tushunchalar berilib, vazifalar belgilanadi. Osmon sferasini o'rganishda oddiydan murakkab kuzatishlarga o'tib boriladi. Masalan, quyidagicha tartibda olib borish mumkin.

1. Eng yaqqol ko'rinadigan yulduz turkumlarini osmondan qidirib topish. Masalan, Katta ayiq, Kichik ayiq, Ajdaho, Qutb yulduzi, Orion, Savr, Tarozi va hokazo. Bu yulduz turkumlarini ko'rinishi internet tarmoqlarida, adabiyotlarda berilgan bo'lib, ularni osmon sferasidan topish bo'yicha o'quvchilarga ko'rsatmalar va yo'nalishlar beriladi.

2. Oy fazalarini o'rganish: yangi oy, birinchi chorak, to'lin oy, oxirgi chorak. O'qituvchi Oy fazalari haqida tushuncha beradi va vazifalar belgilanadi.

3. Oy relyefini kuzatish. Ayniqsa, kichik teleskop va durbin yordamida Oy fazasini birinchi chorak holatida (yangi oyning 7 kunligida) kuzatish qiziqarli va aniqroq bo'ladi. Oyning yorug' qismi bilan qorong'i qismi chegarasida, Oy yuzasidagi tog'larning soyalari, kraterlarning ichki soyalari va chegaralari aniq ko'rinadi. Albatta, bu kuzatish natijalari talabalarda katta qiziqishlar uyg'otadi.

4. Planetalarni topish va ularning harakatini o'rganish. Osmonda yoritkichlar bir qaraganda, ularni bir-biridan ajratish ancha qiyindek tuyiladi. Astronomiya fani asosida, osmon hodisalari chuqurroq o'rganilsa, ularning har birining osmon sferasida o'zining alohida o'rni, harakat qonunlari borligi yaqqol ko'rina boradi. Sayyoralarni yulduzlar fonidan qidirib topish va ularni ko'rinma harakatlarini o'rganish o'quvchi va talabalarning tobora qiziqishini yuzaga keltiradi.

Quyida amaliy kuzatishlardan birini, ya'ni Zodiak yulduz turkumlarini Mars sayyorasi yordamida o'rganish uslubini keltirib o'tamiz. Quyoshning Osmon sferasida bir yil davomida yuradigan yo'li, ya'ni ekliptika chizig'i bo'ylab joylashgan yulduz turkumlari Zodiak yulduz turkumlari deyiladi. Quyosh taxminan har oyda birorta Zodiak yulduz turkumida bo'ladi yoki bular burjlar – deb ham ataladi. Mazkur yulduz turkumlari 12 ta bo'lib, ular Hut, Hamal, Savr, Javzo, Saraton, Asad, Sunbula, Mezon, Aqrab, Qavs, Jaddi va Dalv degan nomlar bilan ataladi [1,2].

Bu yulduz turkumlarini osmon sferasida bir qarashda boshqa yulduz turkumlaridan ajratish ancha qiyin tuyuladi, ammo biz bilamizki, har bir kuzatuvchi Oyni qiynalmasdan boshqa yoritgichlardan ajratishi mumkin. Oy qisqa davrda tez Zodiak yulduz turkumlaridan o'tadi. Zodiak yulduz turkumlarini o'rganishda Oyni harakatidan foydalanish mumkin. Bu holatda biz zodiak yulduz turkumlarini to'liq o'rgana olmaymiz. Zodiak yulduz turkumlarini o'rganishda Marsdan foydalanish mumkin. Chunki Mars ham ushbu yulduz turkumlarida ko'rinma harakat qiladi. Mars Quyosh atrofida aylanayotib, har 780 kunda (sinodik davr) Yerga ro'para turib yaqinlashadi. Bu davrda Mars sayyorasi kechqurun (Quyosh g'arbda botayotganda) sharqda paydo bo'ladi va boshqa yoritgichlar kabi har kuni osmon sferasida

BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI 2019/3 (75)

tun bo'yi harakat qilib, g'arbga bota boshlaydi. Ayni paytda yulduzlar fonida g'arbdan sharqqa tomon siljib boradi va sirtmoqsimon harakat kuzatiladi. Marsning yoritilganligi Oynikidan juda kichik bo'lganligi uchun uning atrofidagi kichik yoritgichlar ham ko'rinadi. Buni quyidagi hisoblashlardan ko'rish mumkin.

Marsning yerdagi kuzatuvchiga nisbatan yulduz kattaligi $m_m = -2,8^m$ ni tashkil qilsa, to'lin Oyniki esa $m_{oy} = -12,7^m$ dir. Agar Pog`son formulasidan foydalansak, quyidagi ifodani olamiz:[2,3]

$$m_{oy} - m_m = 2,51 \lg \frac{E_m}{E_{oy}} \left| \begin{array}{l} \text{unga qiymatlarini qo'ysak} \\ -12,7^m - (-2,8^m) = 2,51 \lg \frac{E_m}{E_{oy}} \end{array} \right|$$

bu yerda E_m - Marsni, E_{oy} - esa oyni yer yuzasida hosil qilgan yoritilganligi.

$$-9,9 = 2,51 \lg \frac{E_m}{E_{oy}}$$

bunda tenglikning har ikkala tomonini 2,51 ga bo'lsak, quyidagini olamiz:

$$-3,94 = \lg \frac{E_m}{E_{oy}}$$

va bu ifodani quyidagicha yozishimiz mumkin.

$$\frac{E_{oy}}{E_m} = 10^{3,94} \approx 10^4$$

Bu ifodadan ko'rinadiki, Marsning yoritilganligi Oynikidan 10000 marta kichik. Shunday ekan, agar Oy yordamida Zodiak yulduz turkumlarining α, β, γ yoru g'yulduzlarini ko'rish imkoniyati mavjud bo'lsa, Mars yordamida esa δ, μ, π, η kabi ancha xira bo'lgan yulduzlarni ham bemalol kuzatish imkoniyati tug'iladi.

Stellarium dasturi asosida Marsning Zodiak yulduz turkumlari bo'ylab harakatini oldindan kuzatishni rejalashtirish mumkin. Quyida shunday 780 kunga mo'ljallangan rejalashtirish jadvali berilgan[4].

Zodiak yulduz turkumi nomlari(ruscha va o'zbekcha)	Marsning yulduz turkumiga kirish vaqti	Marsning yulduz turkumidan chiqish vaqti	Mars zodiak yulduz turkumi markazida bo'lgan kuzatish eng qulay sana	Kuzatish sanasida Marsning sayyoralar va nomlangan yulduzlar, yoritkichlar
Лев Asad Arslon	04.08.2019	18.09.2019	-	-
Дева Sunbula Parizod	20.09.2019	03.12.2019	-	-
Весы Mezon Tarozi	05.12.2019	02.01.2020	23.12.2019 06:00	23.12.2019 06:00 da Oy yoniga keladi.
Скорпион Aqrab Chayon	06.01.2020	06.02.2020	21.01.2020 06:00	21.01.2020 06:00 da Oy yoniga keladi
Стрелец Qavs O'q otar	10.02.2020	30.03.2020	18.03.2020 05:00	18.03.2020 05:00 da Oy va Yupiter yoniga keladi
Козерог Jaddi Tog` echkisi	05.04.2020	05.05.2020	16.04.2020 05:00	16.04.2020 05:00 da Oy yoniga keladi.
Водолей Dalv Qovg`a	07.05.2020	07.06.2020	15.05.2020 04:00	15.05.2020 04:00 da Oy yoniga keladi.
Рыбы Hut	12.06.2020	07.01.2021	12.07.2020 04:00	12.07.2020 04:00 da Oy yoniga

ANIQ VA TABIIY FANLAR

Baliq				keladi.
Овен Hamal Qo'y	09.01.2021	16.02.2021	21.01.2021 21:00	21.01.2021 21:00 da Oy yoniga keladi.
Телец Savr Buzoq	18.02.2021	14.04.2021	19.03.2021 21:00	19.03.2021 21:00 da Oy yoniga keladi.
Близнецы Javzo Egizaklar	21.04.2021	02.06.2021	16.05.2021 21:00	16.05.2021 21:00 da Oy yoniga keladi.
Рак Saraton Qisqichbaqa	08.06.2021	12.07.2021	23.06.2021 21:00	-

Ushbu jadval asosida taxminan ikki yil davomida Mars sayyorasining Zodiak yulduz turkumlaridagi harakatini kuzatib borish mumkin. Shuningdek, kuzatilishi mumkin bo'lgan qiziqarli Osmon hodisalari rasmlarini tarqatma material sifatida oldindan berish mumkin. Quyida jadvalda ko'rsatilgan 18.03.2020 sana uchun rasm keltirilgan. Rasmda Saturn, Yupiter, Mars va Oy Osmonning bir joyiga kelgan holati tasvirlangan[4].



Xulosa. Kuzatishda olingan natijalarni akademik litseylarda 6 soatlik amaliy mashg'ulot darslarida, fakultativ mashg'ulotlarda, to'garaklarda, konferensiyalarda tahlil qilinib, mohiyati o'qituvchi tomonidan animatsiya va virtual usullar yordamida tushuntirib boriladi. Kuzatish va amaliy mashg'ulotlarda faol qatnashadigan o'quvchilar va talabalarning olgan natijalarni hisobotini qilish o'zlariga yuklatilsa yanada yaxshiroq samara berishi mumkin. Chunki bunda talaba adabiyot, Internet materiallaridan foydalanishga intiladi. Konferensiyalarda ma'ruzalar bilan chiqishga undaladi. Hatto bu amallarda fanlardan past o'zlashtiradigan talabalarning ham qiziqishi va faolligining oshishi kuzatiladi.

Eng asosiysi yuqoridagi olingan materiallar asosida Astronomiya fanining mavzularga mos zamonaviy didaktik materiallar, prezentatsiya bazalari yildan yilga boyitilib boriladi.

ADABIYOTLAR

- Mamadazimov M., Rizayev T.** Uzluksiz ta'lim tizimida Astronomiyani o'qitishning muammolari. – T.: Yangi asr avlodi, 2016. – 355 b.
- Sattorov U.** Astrofizika I qism. - T.: Ta'lim nashriyoti, 2009. – 201 b.
- Avezmurotov O., Saporov X., Aminov U., Bekberganov A.** Zodiak yulduz turkumlarini o'rganishda Oying vizual ko'rinma harakatlaridan foydalanish.//Ilm sharchashmalari. 2017 y. 8- son. – U. 60-64.
- “Stellarium” programmasi.

УДК:81'367

**ГРАММАТИК ВАЛЕНТЛИК ВА УНИНГ СИНТАКТИК ҚУРИЛМА ТУЗИЛИШНИ
БЕЛГИЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ**

**ГРАММАТИЧЕСКАЯ ВАЛЕНТНОСТЬ И ЕЕ ЗНАЧЕНИЕ В ОПРЕДЕЛЕНИИ
СИНТАКСИЧЕСКИХ КОНСТРУКЦИЙ**

**GRAMMATICAL VALENCY AND ITS MEANING IN THE DEFINITION OF SYNTACTIC
CONSTRUCTIONS**

Сайфуллаева Раъно Рауповна

ЎзМУ ўзбек тилшунослиги кафедраси профессори, ф.ф.д.

Мамадалиева Насиба Саидаминовна

ЎзМУ бош илмий котиби, филология фанлари доктори

Абузалова Меҳринисо Кадировна

БухДУ ўзбек тилшунослиги кафедраси профессори, филология фанлари доктори

Халикова Моҳигул Халимджановна

ТошДЎТАУ магистранти

Таянч сўзлар: лексема, валентлик, лексема семантик-синтактик валентлиги, синтактик қурилма, синтактик категориялар, нокатегориал шакллар, кесимлик категорияси, грамматик шакл.

Ключевые слова: лексема, валентность, семантико-синтаксическая валентность лексем, синтаксическое построение, синтаксические категории, некатегориальные формы, категория сказуемости, грамматическая форма.

Key words: lexeme, valency, semantic-syntactic valency of lexeme, semantic-syntactic group of words, syntactical construction, syntactical categories, uncategorial forms, the category of predicate, grammatical forms.

Ушбу мақолада грамматик валентлик ва унинг синтактик қурилма тузилишини белгилашдаги аҳамияти ҳамда сўзшаклларнинг бирикув имкониятлари хусусида сўз боради.

В данной статье обсуждается важность грамматической валентности и ее значение в определении структуры синтаксических устройств, а также возможности сочетания слов.

This article discusses the importance of grammatical valency and its importance in determining the structure of syntactic devices, as well as the possibility of combining words.

Кириш. Тилга субстанциал ёндашиш нафақат луғавий шаклларда, балки морфологик (грамматик) шаклларда ҳам валентлик қонуниятининг мавжудлиги ҳақидаги фикрни илгари суришга асос бўла олади. Тилшунослиқда **грамматик валентлик** тушунчаси грамматик шаклнинг маъновий ва синтактик томонини диалектик бирликда кўриш натижасида пайдо бўлди [1;2;3].


Асосий қисм. Лексемалар каби грамматик шакллар ҳам валентликка эга бўлиб, улар лексема валентлигини ўзгартириши, унга таъсир қилиши мумкин. **Грамматик валентлик деганда морфологик шакл ва синтактик мавқе (позиция)нинг ўзига хос бирикувчанлиги, бошқа сўз ёки бўлак билан кенгайишни талаб қилиши ва лексеманинг семантик-синтактик валентлигига таъсири, уни ўзгартириши тушунилади.** Бошқача айтганда, грамматик (морфологик) шаклларни хосил қилишга хизмат қиладиган воситалар ва аффиксал морфемаларнинг бошқа бўлаклар билан бирикиш, лексик-семантик валентликка таъсир қобилияти грамматик шакл валентлигидир*. Қуйида таркибида турли хил грамматик шакллар мавжуд бўлган сўзшаклларнинг бирикув имкониятларини кузатайлик.

*Биз **грамматик валентлик ҳамда морфологик шакл валентлиги** атамаларини тенг қийматли синонимлар сифатида қўллаймиз.


TILSHUNOSLIK

(Қаранг: 1-чизма)

Сўз шаклларнинг бирикув имкониятлари



1-чизма



2-чизма

Ушбу сўзшакллар бирикувига эътибор берилса, [-лар] ва [-дир] грамматик кўрсаткичларининг *китоб* ҳамда *кулмоқ* лексемаларининг бирикиш имкониятларига таъсир этганлигини фаҳмлаш мумкин. *Китоб* лексемасининг валентлиги кўплик сон шакли [-лар] ҳисобига *китоблар* сўзшаклида торайган бўлса, *кулмоқ* лексемасида бирикув имкониятлари [-дир] орттирма нисбат шакли ҳисобига *кулдирмоқ* сўзшаклида кенгайган. Бундан ташқари, *китоб* лексемаси [-им] эгалик морфемаси билан шакллантирилганда, *китобим* сўзшаклида *менинг* сўзшакли билан бирикишга имконият туғилади: *менинг китобим*. Бундай хусусият (яъни сўзшаклда лисоний, лексик-семантик валентликнинг ўзгариши)ни нафақат шахс-сон ёки эгалик, балки бошқа турдаги қўшимчаларда ҳам кузатиш мумкин. Чунончи, *келдик* шаклланган – тусланган феълдаги [-к] I шахс, кўплик сон қўшимчаси *биз* олмошига; *оқаятган* сўзшаклидаги ҳозирги замонни ифодалашга хосланган *-ётган* шакли исм билан

бирикишга эҳтиёж сезади. Бу эса туркий тилларнинг грамматик, хусусан, морфологик шаклларда ҳам валентликни, грамматик шаклнинг лексеманинг лексик-семантик валентлигига таъсирини алоҳида лисоний ҳодиса сифатида ажратиш имкониятини беради ва унинг тадқиқини талаб қилади. Иккинчи томондан, моҳият (лисоний бирлик) ҳодиса сифатида воқеланиш (нутқий бирлик)да ўз зотида онтологик яширинган имконият сифатида мужассамлашган хусусиятни, қобилиятни маълум таъсирлар асосида хусусий бир кўринишда воқелантиради. Демак, муайян сўзшаклда лексик-семантик валентлик ўзгарар экан, шу хусусий шаклнинг умумийлигида (яъни грамматик, морфологик шаклда, категориал лисоний бирликда) валентлик, лексик-семантик валентликка таъсир этиш қобилияти ҳам мавжуд. Бу – ҳодисага субстанциал ёндашишнинг оддий талаби саналади.

Маълумки, туркий тилларнинг морфологик шакллари, асосан, аффиксация – қўшимчаларни қўшиш усули билан ясалади ва туркий қўшимчалар флектив тилларнинг морфологик формантларидан фарқли равишда ёрқин маъновийдир[4] ва бу жиҳатдан лексемаларга ўхшашдир. Чунончи, [-лар] кўплик сон шаклининг умумий грамматик маъноси, “бўлинувчан ноаниқ миқдорий кўплик” сифатида белгиланар экан, ўз-ўзидан тушунарлики, [-лар] формантли сўзшакл аниқ миқдор ифодаловчи аниқловчилар билан бирика олмайди. Бирикканда эса, албатта, окказионаллик – ғайримеъёрийлик содир бўлади. Шунинг учун *юзта китоб*, *ўнинчи йил* каби бирикмаларда аниқланмиш кўплик шакли кела олмайди. *Юзта китоблар* бирикмаси ўзбек тили учун хос эмас, *ўнинчи йиллар* эса хусусий окказионал ёки ихтисослашган маънога эга. Бундан **грамматик шакл сўзнинг потенциал (лисоний) валентлигини ўзгартириши – кенгайтириши ёки, аксинча, торайтириши мумкинлиги** ҳақида хулоса чиқара оламиз. Зеро, грамматик шакл валентлиги ва сўзнинг потенциал (лисоний) валентлиги орасидаги фарқ грамматик шакл валентлиги билан белгиланади, деган ҳукми илгари суриш мумкин [1;2].

Грамматик шакллар каби синтактик позициялар ҳам ўзига хос валентликка эга. Бунда, асосан, икки мавқени фарқлаш лозим: а) ҳоким мавқе, б) тобе мавқе.

Ҳоким мавқе айрим бўлақлар билан кенгайиш факультатив (имконий) валентлигига эгадир. Чунончи, *китобим* сўзшакли *менинг* аниқловчи сўзшакли билан кенгайиш, бирикиб келиш имкониятига эга, шундай кенгайтирувчисиз ҳам нутқда бемалол воқелана олади ёки *ўқидим* сўзшакли *китобни*, *хатни* каби воситасиз тўлдирувчи билан тўлдирилиши мумкин, лекин буларсиз ҳам нутқда қўлланилиши мумкин. Тобе мавқе эса ҳоким қисм билан бирикишни зарурий валентлик сифатида талаб қилади. Чунончи, юқорида келтирилган мисолларимизда *менинг ва китобни*, *хатни* сўзшакллари ҳоким қисмсиз нутқда қўлланила олмайди*, мана шу хусусиятларнинг барчаси грамматик валентлик сифатида қаралиши лозим.

Грамматик шакл валентлиги тилшунослигимизда мутлақо кўтарилмаган. Бу замонавий европавий тилшунослик назарияси шаклланишига асос бўлган ҳинд-европа тилларининг флектив табиати – бир неча грамматик шакл/категория маъносининг битта кўрсаткичда мужассамланган шаклда ифодаланиши билан боғлиқ бўлса ажаб эмас; синтетик, синкретик ифода ҳар бир грамматик шаклу категорияга хос маъно ва вазифаларни алоҳида-алоҳида ажратиш ва таҳлил этишга маълум даражада тўсқинлик қилади. Агглютинатив табиатли туркий тилларда грамматик шакл/категорияларнинг кўпинча алоҳида-алоҳида формантлар билан ифодаланиши ҳар бир грамматик шакл/категориянинг нисбий мустақил ҳодиса сифатида ажратилиб, валентлик қобилиятини ёрқинроқ очиш ва тавсифлашга имконият беради.

Хусусан, туркий тилларнинг синтактик шакллари (Ҳ.Неъматов, Ғ.Зикриллаев, Ҳ.Латипов, Б.Баҳриддинова) ёки алоқа-муносабат шакллари деб тасниф этилувчи категориялари [5;6;7] грамматик шаклларида валентлик қобилияти яққол кўзга ташланиб туради. Чунончи, қаратқич келишиги, албатта, эгалик қўшимчали қаралмишни талаб қилади. Шу асосда биз бемалол айта оламизки, эгалик қўшимчали

*Табиийки, суҳбат нутқи учун хос бўлган – *Қаерга боряпсан?* – *Мактабга*; – *Нима ёзаяпсан?* – *Хат*. – *Кимга?* – *Оламга* каби тўлиқсиз гаплар бундан мустасно.

TILSHUNOSLIK

қаралмиш ёки эгалик қўшимчаси қаратқич келишигининг зарурий, облигатор валентлигидир: қаратқич келишиги шакли эгалик қўшимчали қаралмишсиз қўлланилмайди. Лекин эгалик қўшимчаларига нисбатан бундай фикрни айта олмаймиз. Демак, қаратқич келишиги ва эгалик қўшимчаларининг валентлик – кенгайиш, бошқа бир бирик билан бирикишга эҳтиёжи бир хил эмас ва бу лексик-семантик валентликнинг зарурий (облигатор) имконий (факультатив), бетараф (нейтрал) каби турларга ажралиши билан уйғундир; қаратқич шаклида эгалик қўшимчалари билан бирикиш зарурий (облигатор) валентлик бўлса, эгалик қўшимчаларининг қаратқич келишликли шакл билан бирикиши имконий (факультатив) ва ҳатто нейтрал (бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин бўлган) валентлиқдир. Фақат бу ҳодиса энди лексик бирик доирасида эмас, грамматик формантга ҳам алоқадордир.

Айтиб ўтганимиздек, грамматик (морфологик) шакл валентлиги тадқиқи тилшуносликда энди бошланмоқда. *Грамматик шакл валентлиги* атамаси ва тушунчасидан С.Х. Муҳаммедова докторлик диссертациясида фойдаланган [8]. Аммо бизнинг талқинимиздаги *грамматик шакл валентлиги* атамаси ва тушунчаси С.Муҳаммедова қўллаган *грамматик шакл семантикаси валентлиги* атамаси ҳамда тушунчасидан фарқ қилади.

Бизнинг талқинимиздаги грамматик шакл валентлиги тушунчасининг асоси тилшунослигимизда илк марта М.Абузалованинг “Ўзбек тилида гапнинг минимал қолипи ([WPm]) нинг нутқда кенгайишида икки омил:

1) кесимнинг луғавий (номинатив) асоси – [W]нинг

2) унинг грамматик шакли – кесимлик категорияси [Pm]нинг нутқда кенгайиш қобилияти мавжуд деган” тезиси ташкил этади. Гапнинг грамматик шакл (кесимлик шакллари – [Pm]) асосида кенгайиши том маънода грамматик шакл валентлигининг воқеланишидир. Бу валентликнинг воқеланишида кесимнинг лексик (номинатив) асоси ([W]) мавқеида ўтимли-ўтимсиз феъллар келганда грамматик шакл (кесимлик категорияси, [Pm]) валентлиги билан феълнинг лексик-семантик валентлигининг мувофиқлиги, мос келиши (симметрияси) ва номувофиқлиги, мос келмаслиги (асимметрияси) қисман Муҳаббат Қурбонова, Шукуржон Акрамов, Ҳавасхон Шокирова ишларида кўриб ўтилган эди [1;9]. Грамматик шакл валентлиги муаммоси Ш.Шаҳобиддинова ишларида ҳам, Б. Менглиев тадқиқотларида ҳам кўтарилган [2;10;11]. Лекин бу тадқиқотларда мазкур масала махсус тадқиқот манбаи бўлган эмас ва сўз шаклининг функционал (нутқда воқеланиш) томонлари билан боғлиқ равишда йўл-йўлакай эслатиб ўтилган, холос. Шунинг учун биз бу масалага анча батафсил тўхталамиз.

Грамматик валентлик тушунчаси ва ҳодисасини алоҳида фарқлаш ва таҳлил этишни туркий тилларда, жумладан, ўзбек тилида сўз бирикмаларида таркибий қисмларнинг икки томонлама алоқасини ҳам тақозо қилади. Туркийшуносликда бу масала М.Б. Балакаев, Е.И. Убрятова, К.М. Абдуллаевлар томонидан кўтарилиб [12], формал-функционал тадқиқ тезисларида [13] ва шу асосда тадқиқотчи С.А. Назарованинг изланишлари натижасида [14] кенг ёритилган эди. Сўз бирикмаларида алоқанинг икки томонламалиги моҳияти шундан иборатки, бирикманинг бир таркибий компоненти иккинчи компонентидан маълум бир шаклда келишни талаб қилса, иккинчи компонент биринчи компонент шакли билан бирика олиш қобилиятига эга бўлади. Бошқача қилиб айтганда, сўз бирикмасида грамматик шаклларнинг облигатор ва факультатив валентликлари ўзаро уйғунлашади. Чунончи, *Салиманине китоби* сўз бирикмасида биринчи тобе компонент облигатор валентликка эга ва эгалик қўшимчали ҳокимни талаб қилади, эгалик қўшимчали ҳокимсиз меъёрий нутқда тўлиқ шаклда воқелана олмайди. Иккинчи компонент эса қаратқич келишиги шаклидаги тобе компонент билан бирикиш имкониятига, яъни имконий валентликка эга ва *Салиманине китоби* сўз бирикмасида икки грамматик шакл – облигатор валентликли қаратқич шаклининг ва имконий валентликли эгалик шаклининг валентликлари ўзаро уйғунлашади. Шунинг учун валентлик нуқтаи назаридан *Салиманине китоби* сўз бирикмасининг моделини қуйидагича кўрсатиш мумкин: [грамматик шаклнинг облигатор валентлиги + грамматик шаклнинг факультатив валентлиги]. Туркий тилларда (умуман,

BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI 2019/3 (75)

туркий тилшуносликда десак ҳам адашмаймиз) грамматик валентлик масаласи эндигина тадқиқ этилаётганлиги сабабли биз тилимизда мавжуд бўлган сўз бирикмаларининг валентлик бўйича қобилятларини тўла бера олмаймиз, лекин валентлик, асосан, икки хил: зарурий (облигатор); (қисқ. З) имконий (факультатив, қўшимча) (қисқ. И) кўринишга эга бўлганлиги сабабли тилимизда сўз бирикмаларининг валентлик хусусиятларига кўра мантиқий-риёзий(математик) турларини қуйидагича беришимиз мумкин:

1. [З + З] 2. [З + И] 3. [И + З] 4. [И + И]

Бу мантиқий-риёзий турлардан қай бирининг тилимизда воқеланиши мумкину, қай бири мумкин эмас, алоҳида тадқиқот манбаи бўлмоғи лозим. Лекин бизнинг ишимиз учун ҳам бу турларни ҳисобга олиш зарур. Жумладан, юқорида кўрилганидек, *Салиманин китоби* сўз бирикмасида грамматик шаклларнинг бирикиш қобиляти: [З + И].

Жуда кўп ҳолларда (айтиш мумкинки, нутқда – ҳамшиша), лексик-семантик валентлик ва грамматик валентлик нутқий хосила таркибида бирга воқеланади. Чунончи, ўтимли феълларнинг облигатор валентлиги воситасиз тўлдирувчи билан бирикишни ташкил этади ва буни биз $V^{tr} \rightarrow O^{rec}$. (ўтимли феъл ва воситасиз тўлдирувчи) кўринишида бера оламиз. Грамматик нуқтаи назардан биз айта оламизки, тушум келишигининг зарурий (облигатор) валентлиги ўтимли феълдир. Лекин бу валентлик лексик-семантик валентликдир. Агар биз лексик-семантик валентлик турларини ҳам $З^L$, $И^L$, $З^G$, $И^G$ сифатида белгиласак*, “*китобни ўқимоқ*” бирикмасининг валентлик чизмасини қуйидагича бериш мумкин: [$З^G + З^L$].

Валентликни грамматик ва лексик-семантик, уларнинг зарурий ва имконий кўринишларини $З^L$, $И^L$, $З^G$, $И^G$ кабиларга ажратсак, бирикишларнинг мантиқий-риёзий кўринишлари қуйидагича бўлади (Қаранг:1-жадвал):

Сўз бирикмаси таркиби бирикувларининг мантиқий-риёзий кўринишлари

1-жадвал

	$З^L$	$И^L$	$З^G$	$И^G$
$З^L$	$З^L + З^L$	$З^L + И^L$	$З^L + З^G$	$З^L + И^G$
$И^L$	$И^L + З^L$	$И^L + И^L$	$И^L + З^G$	$И^L + И^G$
$З^G$	$З^G + З^L$	$З^G + И^L$	$З^G + З^G$	$З^G + И^G$
$И^G$	$И^G + З^L$	$И^G + И^L$	$И^G + З^G$	$И^G + И^G$

Бу мантиқий-риёзий турлар тил тизимидаги лексик-семантик ва грамматик валентликларнинг нутқ жараёнида ҳамкорликда воқеланишини кўрсатади.

Грамматик шакл тилимизда ўзига хос валентликка эга бўлса, у лексик-семантик валентликка, хусусан, грамматик шакл/категория валентлиги ўзи қўшилиб келадиган сўзнинг лексик-семантик валентлигига қандай муносабатда туради, деган саволнинг қўйилиши табиийдир. Бу масалани бошқача қилиб, лексеманинг потенциал лексик-семантик валентлиги билан грамматик шакл валентлиги ўзаро қандай муносабатда ёки шу лексема маълум бир морфологик шакл (сўзшакл кўриниши)да воқеланганда унинг лексик-семантик (лисоний) валентлиги қандай ўзгаради, деган шаклда ҳам ёки сўзнинг лисоний лексик-семантик валентлиги ва сўзшакл валентлиги ўзаро қандай муносабатда, боғланишда, ўзаро таъсирда бўлади, деб ҳам қўйиш мумкин. Нутқ жараёнида воқеланганда, табиийки, лисоний лексема маълум бир сўзшакл сифатида, маълум бир морфологик шаклда ва синтактик позицияда воқеланади. Лексеманинг лисоний (потенциал) лексик-семантик валентлиги бу жараёнда грамматик шакл валентлиги билан бирикади. Буни қуйидаги мисолда кўриб чиқайлик:

Валентлик жиҳатидан ўта заиф, кучсиз бўлган *китоб* лексемасини олиб кўрайлик. Бу сўзнинг нутқда синтактик бирикувчанлик қобиляти (resp. валентлиги) қатъий белгиланмаган ва сўзнинг маъноси, унинг денотати, *туркум валентлиги* билан чегараланади. Бу жиҳатдан *китоб* лексемаси нутқда *китоб* денотати (предмети)нинг

* Зарурий лексик – $З^L$
Зарурий грамматик – $З^G$

TILSHUNOSLIK

субстанциал (онтологик, табиий, маъерий) хусусиятларини ифодаладиган белги номлари (сифатлар) билан (чунончи, *катта, кичик...*; *янги, эски...*; *қизиқарли, мароқли...*; *чиройли, хунук...* ва ҳ.к.) постпозицион ҳолатда (аниқланмиш сифатида); турли хил ҳаракатларни ифодаловчи феъллар билан (чунончи, *ўқимоқ, ёзмоқ...*; *олмоқ, бермоқ...*), таркибий қисм (бет, варақ, муқова, чет, ўрта, ҳошия...), ўрин маъноли сўзлар билан препозицион ҳолатда бирика олади ва унинг имкониятлари беҳад кенгдир. *Китоб* лексемаси сўзшакл сифатида нутқда *китобнинг* ёки *китобга, китобларда, китобим* ва ҳ.к. тарзда воқеланганда бу имконий валентлик грамматик шакл таъсирида анча ўзгаради. Чунончи, *китобнинг* сўзшакли энди феъллар билан бирика олмайди ёки *китобга* сўзшакли қатор феъллар (умуман, сўзлар) билан бирика олиш хусусиятига эга бўлмайди.

Сўзнинг лексик-семантик (потенциал) валентлигига грамматик валентликнинг таъсирини икки ўзаро боғлиқ, лекин нисбатан мустақил соҳа – морфологик шакл ва синтактик позиция (мавқе) нуқтаи назаридан, яъни морфология ва синтаксис юзасидан кўриб ўтиш лозим. Шу боис грамматик валентликнинг ўзини ҳам иккига:

- а) морфологик шакл (категория) валентлиги;
- б) синтактик мавқе (позиция) валентлиги ажратиш зарур деб ўйлаймиз.

Хулоса. Бугунги кунда жаҳон тилшунослигида валентликнинг лисоний хусусиятлари бўйича қатор, жумладан, куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: морфема, сўз ясалиши ва гапларга алоқадор валентликларни аниқлаш; исм туркумларига мансуб лексемалар валентлигини ўрганиш; бир лексеманинг турли семалари бирикувлари майдонини очиб бериш; лексик-семантик валентликнинг гап қурилишини белгилашдаги аҳамиятини тавсифлаш; валентлик назариясини грамматик валентлик (морфологик шакл валентлиги) илмий тушунчаси билан тўлдириш; компьютер лингвистикаси (хусусан, генератив лингвистика, нутқий бирликларни автоматик қайта ишлаш ва қайта воқелантириш эҳтиёжлари) тараққиёти билан узвий боғлиқликда валент боғланишларни моделлаштириш, нутқий хосилаларни автоматик тарзда яратиш ва нутқда қайта воқелантириш. Юқорида келтирилган мулоҳазалар шу жиҳатларни тўлдиришга хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР

1. **Акрамов Ш.** Ўзбек тилининг гап қурилишида тўлдирувчи ва ҳол ([Wpm] валентлиги аспектида): Филол. фан. номз.... дисс. автореф. – Тошкент, 1997. – 22 б.
2. **Менглиев Б.** Морфологик воситаларнинг маъновий хусусиятлари ва семантик имкониятлари: Филол. фан. номз.... дисс. автореф. – Тошкент, 1996. – 23 б.
3. **Нигматов Х.Г.** Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI-XII вв. – Ташкент, 1989. – 191 с.
4. **Гузев В.Г.** Очерки по теории тюркского словоизменения. Имя. – Л.: Изд-во ЛГУ, 1987. – 170 с.; Глагол. – Л.: Изд-во ЛГУ, 1990. – С.160.; Гузев В.Г., Насилов Д.М. Словоизменительные категории в тюркских языках и понятие «грамматическая категория» // Советская тюркология. – Москва, 1981. - №3. – С. 36-41.
5. **Баҳриддинова Б.** Феъл луғавий шакллари тизими. Феълнинг тур категорияси: Филол. фан. номз.... дисс. – автореф. – Самарқанд, 2002. – 23 б.
6. **Зикриллаев Ғ.** Истиклол ва адабий тил. – Тошкент: Фан, 2004.– 119 б. 7. Нигматов Х.Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI-XII вв. – Ташкент: Фан, 1989. – 191 с.
8. **Муҳамедова С.Х.** Ўзбек тилидаги ҳаракат феълларининг семантик ва валентлик хусусиятлари: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2007. – 402 б.
9. **Қурбонова М.** Ҳозирги замон ўзбек тили (соғда гап синтаксиси учун материаллар). – Тошкент: ЎзМУ, 2002. – 117 б.
10. Ҳозирги ўзбек адабий тили. I қисм / Ғ.Абдурахмонов таҳрири остида. – Тошкент: Фан, 1966. Т.I. – 390 б.; Т.II. – 508 б.
11. **Шаҳобиддинова Ш.** Грамматик маъно талқини хусусида: Филол. фан. номз. ... дисс. – Самарқанд, 1993. -152 б.
12. **Балакаев М.Б.** Современный казахский язык. Синтаксис. – Алма-Ата: Наука, 1959. – 235 с.

13. Нигматов Х.Г., Абдуллаев К.М., Банару В.И. и др. Способы синтаксической связи и актуальные вопросы тюркского синтаксиса// Советская тюркология. – Москва, 1988. - № 4. – С. 3-8.

14. Назарова С. Бирикмаларда сўзларнинг эркин боғланиш омиллари: Филол. фан. номз.... дисс. автореф. – Тошкент, 1997. – 21 б.

УДК 811.512.133

**ХОРИЖИЙ ТИЛШУНОСЛИҚДА МАТН ВА УНГА АЛОҚАДОР МАСАЛАЛАР ТАЛҚИНИ
ТОЛКОВАНИЕ ТЕКСТА И СВЯЗАННЫХ С НИМ ЗАДАЧ В ЗАРУБЕЖНОМ
ЯЗЫКОЗНАНИИ**

**INTERPRETATION OF TEXT AND QUESTIONS RELATED TO THIS MATTER IN
FOREIGN LINGUISTICS**

Зикриллаев Ғани Насруллаевич

филология фанлари доктори, профессор

Жумаев Эркин Болтаевич

БухДУ немис ва француз тиллари кафедраси ўқитувчиси

Таянч сўзлар: гапдан йирик бирлик, мураккаб синтактик бутунлик, матн, матн лингвистикаси, матн грамматикаси, мазмуний, коммуникатив ва зохирий яхлитлик, микроматн, макроматн, жумла, импликация, кесимлик, референция, макропропозиция, тема-рематик занжир, коммуникатив мақсад, анафорик ва катафорик алоқа, пропозиция, релятив структура, монологик ва диалогик нутқ, ўзга нутқ.

Ключевые слова: сверхфразовое единство, сложное синтаксическое целое, текст, лингвистика текста, грамматика текста, семантическая, коммуникативная и структурная целостность, микротекст, макротекст, высказывание, импликация, предикативность, референция, макропропозиция, тема-рематическая прогрессия, коммуникативная целеустановка, анафорическая и катафорическая связь, пропозиция, релятивная структура, монологическая и диалогическая речь, чужая речь.

Key words: the large unit, complex syntactic integrity, text, text linguistics, text grammar, semantic, communicative and structural integrity, micro-text, macro-text, clause, implication, predicate, reference, macro-proposition, theme-rhematic progress, communicative target, anaphoric and cataphoric connection, proposition, relative structure, monologue and dialogic speech, strange speech.

Мақолада хорижий тилшуносликда матн лингвистикаси ва матн грамматикасининг шаклланиши, матн грамматикаси яхлитлиги, шунингдек, микроматн деб қараладиган монологик, диалогик ҳамда ўзга нутқнинг лисоний-нутқий хусусияти ҳақидаги қарашлардан айрими қисқача шарҳланади.

В статье коротко излагаются некоторые точки зрения, существующие в зарубежной лингвистике, относительно становления лингвистики текста, грамматики текста, а также особенности монологической, диалогической и чужой речи, рассматриваемых в качестве микротекста.

The article deals with the process of forming of text linguistics and text grammar in foreign linguistics, totaling of text grammar, also interpretation of some opinions on micro-text interpreted as monologic and dialogic speeches including linguistic-communicative features are discusses in the work.

Кириш. Маълумки хорижий мамлакатларда XX асрнинг иккинчи ярмида амалга оширилган тадқиқотлар самараси ўлароқ филологиянинг *матн лингвистикаси* ва *матн грамматикаси* деган янги соҳалари вужудга келади. Жуғрофияси ниҳоятда кенг, адади бениҳоя кўп бўлгани боис ушбу мақолада матн грамматикаси бўйича асосан немис, қисман рус тилига доир тадқиқотлардан айрими хусусида қисқача фикр юритамиз.

TILSHUNOSLIK

Асосий қисм. Хорижий тилшуносликда *матн* тушунчасининг пайдо бўлиши гапни ўрганиш жараёнида ундан катта синтактик бирлик, яъни ўзаро боғланган гаплар гуруҳига эътибор бериш билан боғлиқ. Жумладан, 1949 йилда К.Бост шундай ёзади. Бир гапни бошқасига улайдиган чизимча шу қадар кўпки, гаплар ўзаро шу қадар чатишиб кетганки, алоҳида олинган ҳар бир гапни бошқаси билан узвий боғланган деб хулоса чиқаришга тўғри келади [1,9]. Булар дастлаб *гапдан йирик бутунлик* (нем. *übersatzmässiges Ganzes*, рус. сверхфразовое единство), *мураккаб синтактик бутунлик* (сложное синтаксическое целое), *гаплар ҳамкорлиги, гуруҳи* (нем. *Satzgemeinschaft*) деб номланади. Бундай бирликка нисбатан кейинчалик ўзбек тилида *матн*, немис ва рус тилларида *Text, текст*, инглиз ва француз тилларида *discourse, discours* атамаси қўлланади. Бунинг сабаби шундай изоҳланади. Одатда алоҳида сўз билан эмас, гап ёки матн воситасида гапирамиз [Weinrich, 1966]. Тилдан фойдаланганимизда асосий бирлик вазифасини сўз ёки гап эмас, матн бажаради [Halliday, 1970]. Нутқнинг тугалланган фикр ифодалайдиган асосий бирлиги гап эмас, матндир [9,9].

70-йилларнинг бошида гапдан йирик бутунлик (матн)ни тадқиқ этишга қизиқиш янада ортади. Бу бир жиҳатдан антиментализмга қизиқиш сусайиши билан изоҳланса иккинчи жиҳатдан тилшуносликда семантика, прагмалингвистика, функционал услубият, яъни энг аввало нутқнинг социал жиҳатларини тадқиқ қилишга қизиқишнинг ортиши билан изоҳланади. 60–80-йилларда амалга оширилган тадқиқотлар самараси ўлароқ *матн лингвистикаси* шаклланади.

Шуни таъкидлаш жоизки матн атамаси тилшуносликда икки хил бирликка нисбатан ишлатилади. Матн деганда бир жиҳатдан сўзловчи нуқтаи назаридан тугалланган фикр ифодаловчи бир ёки бир нечта гап тушунилади; иккинчи жиҳатдан ҳикоя, қисса, роман, илмий асар, газета, журнал мақоласи, турли хил ҳужжат кабилар назарда тутилади. Бунинг боиси шуки, гапдан йирик синтактик бирлик билан бутун бошли асарнинг умумий жиҳати бор. Бу уларга хос мазмуний, нутқий (коммуникатив) ва тузилиш жиҳатдан яхлитликдир. Аммо улар орасида тафовут ҳам мавжуд. Шунга кўра, -деб ёзади проф. О.И.Москальская гапдан йирик бутунлик синтактик ҳодиса. У синтаксиснинг гапдан фарқ қилувчи алоҳида босқичи бўлиб асосан *матн грамматикаси* объекти ҳисобланади. Бутун бошли асарни эса грамматик тушунчаларга асосланиб изоҳлаб бўлмайди. У энг аввало социал-нутқий ҳодиса, жамият ҳаётининг турли соҳасини акс эттирувчи энг йирик коммуникатив бирликдир. У *матн лингвистикаси* билан бир қаторда психоллингвистика (нутқ фаолияти назарияси), социология, социоллингвистика, прагмалингвистика, функционал услубиятда, бадиий матн эса энг аввало адабиётшунослик ва поэтикада тадқиқ этилади. Тилшуносликда бутун бошли асар асосан матн услубиятида ўрганилади [9,14]. Бундай ҳолда матн лингвистикасининг объекти иккита деб эътироф этилган бўлади: 1) гапдан йирик бирлик ёки *микроматн* (нем. *Kleintext*, рус. микротекст) ва 2) бутун бошли асар ёки *макронатн* (нем. *Großtext*, рус. макротекст).

Микроматн билан макроматн ҳажми (чегараси) мос келиши ҳам мумкин. Газета мақоласи, қисқа ҳикоя, об-ҳаво ҳақида маълумот, эълон [9,13], сарлавҳа, хат, телеграмма [7,380] ва ҳоказо битта матндан иборат бўлиши мумкин. Шу боис матн лингвистикасига доир айрим илмий асар ва мақола муаллифлари олиб қарайдиган мисол одатда жуда қисқа матн ёки шунчаки иккита, учта гапдан иборат бўлади [Agricola, 1969; Isenberg, 1972; Dressler, 1972].

Маълумки, инсон ўз фикрини гап, жумла (высказывание) ва матн воситасида ифода этади. Жумла тўлиқ нутқ ҳодисаси. У муайян хабар (ахборот)ни мазмунан тугал ифодалашига қараб шаклан гап ёки гапдан йирик бирликка (микроматнга) мос келади. Микроматн эса гап каби муайян андоза асосида хосил бўлади ва шу андозанинг нутқда воқеланиши тақозо этилади. Шунга кўра микроматнга ҳам *яхлитлик* (нем. *Textkohärenz, Kohäsion*, рус. целостность, когерентность) хос. Микроматн яхлитлиги 1) тузилиш (структура), 2) мазмун ва 3) нутқий (коммуникатив) кўринишга эга. Булар микроматннинг шакли, мундарижаси ва вазифаси (функцияси)га мос келади [9,16].

Микроматннинг мазмуний яхлитлиги бир гуруҳ тадқиқотчилар томонидан тема деб номланади. Улардан айрими [Agricola, 1969; Москальская, 1981] тема деганда микроматннинг мазмуний ядроси, яъни бутун матнга хос умумлашган мазмунни тушунади. Бошқасининг фикрича, микроматн темаси унинг таркибидаги гаплар темасининг арифметик йғиндисидан иборат [Dressler, 1972].

Микроматннинг мазмуний асоси кўпинча темага доир очқич сўзлар такрорланиб келишида воқеланади. Аниқроқ қилиб айтганда микроматнда референт (борлиқдаги мавжудот) битта бўлиб айни бир атоқли, турдош от, уларнинг луғавий маънодоши ёки улар ўрнида қўлланувчи олмош орқали ифода этилади. Бундай ҳолда референт вазифасида айни бир шахс, ҳайвон ёки нарса келади [Agricola, 1976]. Микроматннинг мазмуний яхлитлигини ҳосил қилишда *импликация* ҳам иштирок этади. Бунда микроматн таркибидаги гапларнинг мазмунан алоқаси борлиқдаги вазият (ситуация) ёки бутун-қисм муносабатига боғлиқ бўлади. Бундай алоқа натижасида очқич сўз билан бирга яна бошқа мавжудот ёки вазият тақозо этилади [9,21].

Маълумки ҳар қандай матн замирида борлиқдаги муайян мавжудот, воқеа - ҳодиса, у ёки бу факт, вазият ҳақидаги ҳукм ётади. Бу эса матндаги сўз ва гаплар, шунингдек, матннинг ўзи ҳам яхлит ҳолда борлиқ билан узвий боғланганлигини кўрсатади. Бинобарин, борлиқ билан муносабат ҳар қандай матннинг зарур белгиси ҳисобланади. Шунини таъкидлаш жоизки, бу масала ҳам дастлаб гап назарияси доирасида тадқиқ қилинган. 1931 йилда Й.Рис шундай деб ёзади. Гапни сўз бирикмасидан фарқловчи асосий белги унда ифодаланадиган воқеликка муносабат (*das Verhältnis zur Wirklichkeit*)дир. Гап маъноси унинг таркибидаги сўз, сўз бирикмалари ва улар орасидаги муносабатдан эмас, ўлик сўзларни жонли нутққа айлантирадиган борлиққа муносабатдан иборатдир [5,74]. Рус тилшунослигида мазкур муносабат акад. В.В. Виноградов томонидан *предикативлик* деб номланади. Унинг таркибига шахс, замон ва модаллик категориялари киритилади. Бу категориялар биргаликда гапни грамматик жиҳатдан шакллантиради; бу бирлик сўзловчининг воқеликка муносабатини кўрсатиб нисбий тугалланган фикр ифодалайди [8,80]. Бинобарин нутқий фаолият гап ва жумла (высказывание) тарзида амалга ошади.

Матн лингвистикаси тараққий этиши билан бу қаторга яна бир аъзо қўшилади: *гап – жумла – матн*. Энди *борлиққа муносабат* ёки *борлиқ билан алоқа* энг аввало матнга хос деб қарала бошлайди. Бинобарин матн энг йирик синтактик бирлик ҳисобланади. У ҳар доим жумла тарзида намоён бўлиб тугалланган фикр ифодалайди.

Шуниси диққатга сазоворки, предикативлик таркибига кирувчи категорияларга матнда янгича мазмун қўшилади. Жумладан проф. О.И. Москальская буни қуйидаги микроматн асосида шундай изоҳлайди: *Im Kanal lag ein Boot; sie mieteten es und schwammen dahin. Ein Schwan kam ihnen entgegen. Der Schwan und ihr Boot glitten lautlos aneinander vorbei* (Н.Манн). Матндаги охириги гап алоҳида олиб қаралса борлиқ ҳақидаги хабар етарли бўлмайди. Негаки унинг таркибидаги *der Schwan, das Boot, ihr* каби сўзлар тингловчи (китобхон)га аниқ бўлмайди яъни борлиқдаги *ким* ва *нима* назарда тутилгани равшан бўлмайди. Бунинг боиси шуки гапда ўқувчига бунга имкон берадиган тагмаълумот мавжуд эмас. Бусиз эса янги маълумот бериш ҳам уни тушунишнинг ҳам имкони йўқ. Ана шу муаллиф ва ўқувчи учун муштарак маълумот (билим)асосида ўқувчига хабар берилаётган мавжудот аниқ, равшан бўлади. Яъни *sie* (*улар*) деганда ўқувчи асар қаҳрамонлари (*Дидрих* ва *Агенс*)ни тушунади. Айни вақтда *оққуш* ва *қайиқ* ҳақида янги маълумот берилади. Натижада микроматнда ифодасини топган мавжудотлар ҳақида аниқ тасаввур, тушунча, маълумот ҳосил бўлади [9,99]. Бу ҳодиса тилшуносликда *референция* (идентификация) деб аталади. Референция деганда сўзнинг денотат, яъни борлиқдаги мавжудотга муносабати назарда тутилади (денотат маъносида референт сўзи ҳам қўлланади). Фреге мантиқий мазмун (логик семантика)нинг таркибий қисми ҳисобланган сўз маъноси (*Sinn, смысл*) ва денотация ёки референция (*Bedeutung, обозначение*)ни гапга ҳам хос деб қарайди. Натижада мавжудот (предмет)ни от референти ва борлиқдаги воқеа-ҳодиса, фактни гап референти деб билади. Тилшуносликда бир қатор тадқиқотчи (Г.В. Гак, И.П. Сусов, Ю.К. Лекомцев ва б.)нинг фикрига кўра, гапнинг асосини когнитив, коммуникатив

TILSHUNOSLIK

вазифа билан бирга номинатив вазифа ташкил этади. Бундай ҳолда референция жумла (высказывание)нинг воқеликка муносабати билан маънодош бўлади. Бинобарин, референция деганда гапнинг воқеликка муносабатини ифодаловчи от референцияси ҳам предикативлик категорияси ҳам тушунилади [9,102].

Немис тилида от референциясини ифодаловчи восита вазифасини артикл бажаради. Бунда отнинг аниқлик-ноаниқлик категорияси назарда тутилади. Кўпчилик тадқиқотчи бу категорияни матн доирасида ўрганиш унинг тилдаги моҳияти ва вазифасини теранроқ англаш имконини беради деб ҳисоблайди. Ноаниқ артикл тингловчи (ўқувчи)нинг диққатини кейинги маълумот (хабар)га қаратса, аниқ артикл аксинча олдинги маълумот (информация)га тортади [Weinrich, 1969; Dressler, 1972]. Бошқача айтганда, ноаниқ артикл ёрдамида сўзловчи тингловчи (адресат)га у билмайдиган мавжудот ҳақида хабар беради, аниқ артикл эса бунинг аксини ифода этади. Сон, миқдор билдирувчи сифат ва айрим олмош референцияни янада аниқ ифодалаш учун хизмат қилади [9,106; 11,333].

Замон категорияси шакллари микроматн таркибида фақат нутқ моментига муносабатни эмас, кетма-кет содир бўлганликни ҳам ифодалайди. Жумладан мазкур микроматндаги воқеа нутқ моментидан олдин сайр чоғида кетма-кет рўй берган. Бундан ташқари замон маъноси пайт ҳоли билан ҳам ифода этилади. Бу объектив замон деб аталади. Демак, матнда замон жиҳатдан борлиққа ҳар доим икки хил муносабат мавжуд бўлади. Бундан ташқари матнда макон-ўрин маъноси луғавий восита орқали ифодаланиб грамматик категория хосил қилмайди. Унга ҳозирга қадар кам эътибор берилганлигининг боиси шу. Иккала муносабатни ҳам ифодалашда матнда лисоний восита билан бирга ғайрилисоний омил иштирок этади [9,109–117; 11,333,334].

Предикативлик категориясининг яна бир аъзоси модалликнинг грамматик моҳияти, унинг турлари, ифода йўллари функционал морфология ва гап синтаксисида атрофлича ўрганилган. Матн грамматикасида диққат-эътибор модалликнинг гапга хос бўлмаган умумий қонуниятларини аниқлашга қаратилади. Бунда замон категориясидагидек нутқ фаолияти турлари, нутқий алоқа-мулоқотнинг турли хил вазияти, ёзма нутқда эса ҳар хил функционал услуб ва бадиий асар жанри инobatга олинади. Бошқача айтганда, микроматннинг модал очқич(ключ)ини аниқлаш тақозо этилади. Аксар матнга бир хил модаллик (реаллик) хос. Аммо айрим (асосан бадиий) матнда бирдан ортиқ очқич бўлади. Бундай ҳолда бутун матн ва унинг қисмларига хос модалликни кўра билиш даркор [9,117–121; 11,334–335]. Бинобарин синтактик семантиканинг вазифаси гап ёки матн хосил бўлишида асос бўлувчи ҳамда борлиқ ҳақида инсон тафаккури тарзини акс эттирувчи мазмуний тузилма (структура)ларни аниқлашдан иборат. Бу эса фақат гап асосида эмас, матн замирида ҳам тафаккурнинг муайян мантиқий шакли ётади деган ғоя билан боғлиқ [Москальская, 1977].

Матн лингвистикасига бағишланган тадқиқотларда *мазмундан шаклга тамойилига* асосланганда матн мазмунининг идрок этилиши учун энг аввало унда ифодаланган макропропозицияни англаб етиш шарт деб қаралади. Макропропозиция матнда акс этган объектив мазмун, энг муҳим фикр бўлиб матндаги гаплар пропозициясидан келиб чиқадиган умумий пропозициядир. Бу тушунча ва атамани тилшуносликка Амстердам университети профессори Т.А. ван Дайк олиб кирган [Дейк, 1989].

Микроматннинг коммуникатив яхлитлиги унинг таркибий қисмлари узвийлиги, яъни кетма-кет занжирсимон алоқаси (нем. *Weitergeltung*) дан иборат [Wittmers, 1970]. Микроматн таркибидаги ҳар бир кейинги гап коммуникатив (нутқий) жиҳатдан ўзидан олдинги гапга таяниб ахборотни давом эттиради. Натижада тема-рематик занжир хосил бўлиб унинг ниҳояси микроматн чегарасини билдиради. Шундай қилиб тема-рематик занжир матн хосил қилиш вазифасини бажаради. Тадқиқотларда бу вазифа гап синтаксисига эмас, матн синтаксисига хослиги алоҳида таъкидланади [3, 109; 9, 21].

Микроматн хосил қилувчи занжирсимон алоқа бир неча андоза (қолип, модел)га эга. Бу андозалар жумладан немис тили материали асосида Ф. Данеш томонидан; рус

тили материали асосида Г.Я.Солганик томонидан тасвирланган [қаранг: 9, 22-24; 11, 325-326].

Микроматннинг коммуникатив хусусияти тема-рематик занжир билан бирга унинг ифода мақсади(коммуникативная целеустановка) ёки коммуникатив вазифаси (коммуникативная задача)ни ҳам ўз ичига олади.Бунда сўзловчининг мақсади хабардор қилиш,сўраш,ундаш,даъват қилиш кабилардан иборат бўлади [9,55]. Кўринадики, бундай ҳолда анъанавий синтаксисдаги коммуникатив мақсаднинг гапга нисбатан белгиланган уч асосий тури, яъни хабар, буйруқ, сўроқ матнга ҳам нисбат берилган бўлади [9, 59].

*Микроматннинг тузилиш жиҳатдан яхлитлиги*хорижий тилшуносликда кўп ўрганилган. Бу масала биргина немис тилида ўнлаб тадқиқотчининг эътиборини тортган [Pfützte M., Dressler W., Heidolph K.E., Isenberg H., Harweg R., Москальская О.И. ва б.). Тадқиқотлардан уни ифодаловчи восита ниҳоятда кўплиги маълум бўлади. Кишилиқ, кўрсатиш, эгалиқ олмоши, олмош-равиш, артикл, замон шакли, сон,маънодош, маъноси яқин очқич сўзлар, луғавий такрор, пайт, ўрин равиши, боғловчи шулар жумласидан. Бу воситалар ўзи қўлланган гапнинг *олдинги* ёки *кейинги гап(лар)* билан *боғлиқлигини** кўрсатиш учун хизмат қилиб матн хосил қилишда иштирок этади. Масалан,*Der Schwan und ihr Boot glitten lautlos aneinander vorüber* гапи алоҳида олиб қаралса аниқ артикл (*der*) ва эгалиқ олмоши (*ihr*) қўлланганлигининг сабаби аниқ бўлмай қолади. Гап эса тузилиш жиҳатдан яхлит, тугал бўлмайди. Негаки таркибидаги *мазкур* воситалар (аниқ артикл ва эгалиқ олмоши)да олдинга ишора мавжуд. Бинобарин, олдинги гапларга мурожаат қилишга тўғри келади. Шундагина фақат тузилиш жиҳатдан эмас, мазмунан ва коммуникатив жиҳатдан ҳам тугаллик хосил бўлади (микроматн юқорида берилди).

Bürger Buzot hatte ihn auf falsche Seite gelegt гапида эса фақат кишилиқ олмоши (*ihn*) эмас, замон шакли (плюсквамперфект)да ҳам кейин содир бўлган қандайдир воқеага алоқадорлик бор. Шу боис олдинги гап қўлланса олмошнинг маъноси ҳам плюсквамперфектга алоқадор иш-ҳаракат ҳам ойдинлашади: *Marcel erwachte mit entsetzlichen Schmerzen in der Schulter. Bürger Buzot hatte ihn auf falsche Seite gelegt (W.Bredel)*.Кўринадики, кишилиқ олмоши (*ihn*) биринчи гапдаги атоқли от (*Marcel*) ўрнида қўлланган, плюсквамперфектдан кейин содир бўлган воқеа ҳам аниқ (имперфектда ифодаланган). Демак ўзаро тузилиш ва мазмунан боғланган икки гап биргалиқда микроматн хосил қилмоқда [9, 26].

Айрим матн таркибида луғавий ва грамматик восита қўлланмайди.Гипертемали матнларда шундай бўлади. Бундай микроматн таркибидаги гаплар бир хил синтактик андоза асосида тузилади, асосий гап бўлақларининг ўрни ҳам мос келади: *Silberne Wasser brausten, süße Waldvögel zwitscherten, die Herdenglöckchen läuteten, die mannigfältig grünen Bäume wurden von der Sonne gold ausgestrahlt (H.Heine)*.

Айрим микроматнда гаплар ўзаро мантиқан боғланган бўлади. Бундай алоқанинг бир неча тури борлиги Х.Изенберг томонидан кўрсатилган [Isenberg, 1970]: *Die Lampe brennt nicht. Die Sicherung ist durchgebrannt*. Ушбу микроматн таркибидаги гаплар ўзаро сабаб-оқибат муносабати билан боғланган бўлса қуйидаги микроматнда гаплар орасида бутун-қисм муносабати мавжуд: *Gestern ist ein Unglück geschehen. Peter hat sich den Arm gebrochen*.

Микроматн чегараси(бошланиши ва тугаши)ни белгиламай туриб унинг алоҳида синтактик бирлик эканлиги ҳақида сўз бўлиши мумкин эмаслигидан тадқиқотларда ушбу масала ҳам эътибордан четда қолмаган. Бир гуруҳ тадқиқотчи абзацни энг йирик синтактик бирлик ҳисоблайди [Фридман, 1975]. Бошқалар бу фикрни инкор этади. Жумладан, Л.М.Лосеванинг фикрича, абзац синтактик категория бўла олмайди.Негаки у ёзма матн композицияси билан боғлиқ. Матн таркиби эса сўз бирикмаси ва гаплардан иборат бўлади.Бундан ташқари битта абзац бир неча микроматндан таркиб топиши ёки аксинча бўлиши мумкин [Лосева, 1969]. Дарҳақиқат, абзацнинг ҳажми муаллифнинг услуги ёки матннинг қайси услубга мансублигига қараб бир-икки гапдан ҳам бир неча саҳифадан ҳам иборат бўлади.

TILSHUNOSLIK

Сирасини айтганда, ҳар бир тил бирлигининг чегарасини унинг ички тузилиши ва яхлитлиги белгиларини инобатга олмасдан аниқлаб бўлмаганидек микроматн чегараси ҳам унинг мазмуний, коммуникатив ва тузилиш жиҳатдан яхлитлиги билан узвий боғлиқ [9,32]. Бироқ айрим тадқиқотчи улардан фақат биттасига асосланади. Масалан, К.Е.Хайдолф томонидан микроматннинг коммуникатив яхлитлиги [Heidolph, 1966], Ҳарвег Р. томонидан эса унинг тузилиш жиҳатдан яхлитлиги асос қилиб олинади. Бундай ҳолда микроматндаги биринчи гапда одатда асар қаҳрамони (шахс) атоқли от билан ифода этилади. Кейинги гапларда олмош ишлатилади [Harweg, 1968]. Эссен О., Ҳарвег Р., Кондинский Б.С. каби тадқиқотчилар микроматн чегарасини белгилашда унинг интонацион тугаллигига ҳам эътибор беради [9,42].

*Микроматн*нинг йирик синтактик бирлик деб эътироф этиш унинг ҳажмига ҳам эътибор беришни тақозо қилади. Микроматн ҳажми унда қўлланилган гап сони, гап тури, гапларнинг кенгайиб ихчамлашишига боғлиқ бўлади. Бунда матн таркибидаги гапларнинг фақат шаклан эмас, мазмунан кенгайиб ихчамлашиши ҳам назарда тутилади. Бу ҳодиса зоҳиран содда ва қўшма гап кўринишида намоён бўлса мазмунан пропозициялардан таркиб топади. Таҳлил уларнинг муносабатини аниқлашга қаратилади.

Микроматн икки ва ундан ортиқ содда гапдан тузилганда гап пропозиция сони билан мос келиб энг йирик синтактик бирлик ҳажман катта бўлмайди. Микроматн кўпинча содда гап билан бирга мураккаб содда гап ҳамда қўшма гап(лар)дан таркиб топади. Бундай ҳолда табиийки микроматн ҳажман кенгайиб мазмунан мураккаблашади ва пропозиция сони гап сонидан кўп бўлади. Аниқроқ қилиб айтганда, пропозициялардан баъзиси кенгайган субъект-предикат кўринишида мустақил ўрин эгаллайди. Бошқаси эргашган қўшма гап таркибида шу субъект-предикат бирикмага тобе бўлади. Яна бирлари боғланган қўшма гап шаклида ёнма-ён келади ёки бир субъект-предикат бирикма ихчамлашиб бошқа бир субъект-предикат бирикма таркибига киради. Проф. О.И.Москальская булардан охиргиси, яъни субъект-предикат бирикманинг ихчамлашишига кенгроқ тўхталади. Жумладан, *ихчамлашиш* (нем. Knappheit, рус. свертывание) асосида деб ёзади олима ахборот сиққилиги (компрессия) ётади. Бундай ҳолда сиққил пропозициялар ҳисобидан гапда бир ёки бирдан ортиқ субъект-предикат бирикма (линия) қўшилади. Натижада гап тузилиш жиҳатдан мураккаблашиб унинг ботини (глубина) кенгайди [9,151; 4,258].

Матн грамматикасининг асосий вазифаси айрим пропозицияни ифодалашда кенгайган (субъект-предикат) тузилманинг, айримда ихчамлашиш ва номинализациянинг қўлланишига олиб келадиган омилларни ўрганишдан иборат. Бошқача айтганда, микроматнда содда ва қўшма гапларнинг нисбати, яъни уларни танлаш омиллари талқин қилиниши жоиз. Бунда матн таркибига кирувчи гап ва пропозициялар ҳамда уларнинг мақбул равишда жойлашуви (аранжировкаси) назарда тутилади.

Матнда гапларнинг жойлашуви муайян қонуниятларга асосланади. Э.Виттмерснинг фикрига кўра матнда гапнинг ўрни унинг коммуникатив-мазмуний вазифасига боғлиқ [Wittmers, 1970]. Ҳ.Изенберг ҳам гапнинг матндаги ўрнини матннинг коммуникатив мазмуни билан боғлайди [Isenberg, 1972]. О.И.Москальскаянинг фикрича, абзац ва микроматннинг биринчи гапи кўпинча матннинг олдинги қисмларига боғлиқ бўлади. Микроматндаги кейинги гапларнинг ўрни эркин эмас. Чунки уларнинг қўлланиши учун микроматндаги биринчи гап асос бўлиб хизмат қилади [9,149].

Маълумки, икки ва ундан ортиқ пропозиция 1) мустақил содда ёки мураккаб содда гаплар, 2) эргаш гапли қўшма гап ва 3) боғланган қўшма гап шаклида ифода этилиши мумкин [Agricola, 1976]. Бунда уларнинг қўлланишида ўзига хос услубий ва бошқа хусусият билан бирга муштарак жиҳатлар ҳам бор. Жумладан, ҳол эргаш гапли қўшма гаплар ҳам таркибида номинализация ва турли оборот бўлган содда гаплар ҳам қўшимча ахборотга зарурият бўлгандагина қўлланади [9, 161; 11,343–344].

Тадқиқотларда *микроматн қисмлари орасидаги мазмуний муносабат* (релятив структура) ҳам ёритилади. Микроматндаги мантиқий алоқа ва мазмуний муносабат масаласи кўп жиҳатдан грамматиканинг гаплар орасидаги синтактик алоқа ҳақидаги анъанавий таълимотида ўз ифодасини топган. Бу масала айниқса қўшма гапларда

қўлланадиган боғловчи ва боғловчи вазифасидаги сўзларни таснифлашда чуқур ўрганилган бўлиб, мактаб грамматикасига киртилган [9,64]. Боғловчиларнинг грамматик таснифи маълум даражада мантиқда мураккаб жумлаларда белгиланадиган асосий муносабат турларига таянади. Аммо мантиқий боғловчиларнинг бир маънолиги, тилдаги боғловчиларнинг кўп маънолиги тадқиқи таҳлилда бирмунча қийинчилик туғдиради. Жумладан, мантиқ ва тилдаги *und* (ва) боғловчисининг асосий маъноси, яъни бириктириш вазифаси (1) мос келади. Шу билан бирга бу боғловчи қўшма гап қисмларининг денотатив маъносига боғлиқ ҳолда сабаб-натижа (2), шарт-натижа (3), зидлик (4) каби маъноларни ҳам билдиради [9, 65]:

(1) *Die Herden zogen auf die Weiden, und es läuteten ihre Glöckchen.*

(2) *Die Schneeflocken fliehen stets reichlicher, und der ganze Boden war schon weiß.* (*und = so dass*)

(3) *Sage mir, mit wem du umgehst, und ich weiß, wer du bist.* (*und = wenn ..., so*)

(4) *Das Denken beruht auf eigener Geisteskraft, und das Erlernte ist fremdes Geistesprodukt.* (*und = während*)

Мураккаб жумла таркибий қисмлари орасидаги мазмуний муносабат (бириктирув ва ҳоказо) боғловчи қўлланмаганда ҳам мавжуд бўлади. Мазмуний таҳлилда бу инобатга олинмоғи даркор [9,66]:

(1) *Die Weiden zogen auf die Weiden, und es läuteten ihre Glöckchen.*

(2) *Die Herden zogen auf die Weiden, ihre Glöckchen läuteten.*

(3) *Die Herden zogen auf die Weiden. Ihre Glöckchen läuteten.*

Эргашган қўшма гапда ҳам қисмлар орасидаги мазмуний муносабат юқоридаги тарзда воқеланади. Боғланган ва эргашган қўшма гап билан микроматн қисмлари орасидаги мазмуний муносабат ўхшаш бўлади. Улар фақат услубий ва коммуникатив-функционал жиҳатдан фарқланади. Бу фарқ кўпинча қўшма гапни микроматнга ва аксинча микроматнни қўшма гапга айлантиришга монелик қилмайди. Бунга Ф. Данеш келтирган илмий услубга оид мисол ёрқин далил бўла олади [Daneš, 1979]:

(1) *Wöhler erwärmte Amoniumzyanid. Er stellte fest, dass es dadurch in Harnstoff verwandelt wird. Dieser Stoff war bisher nur als Produkt von lebendigen Organismen bekannt.*

(2) *Als Wöhler Amoniumzyanid erwärmte, stellte er fest, dass es dadurch in Harnstoff, bisher nur als Produkt von lebendigen Organismen bekannt, verwandelt wurde.*

Хорижий тилшуносликда бадиий ва бошқа услубларда муаллиф нутқи (монологик нутқ) билан бир қаторда нутқнинг бошқа турлари, яъни 1) оғзаки ва ёзма суҳбат (диалог), 2) бадиий асарда муаллиф ва асар қахрамонлари нутқининг, шунингдек 3) турли услубда муаллиф ва ўзга(лар) нутқининг ўзаро бирикиб гапдан йирик бутунлик (матн) ҳосил қилиши кенг таҳлилу тадқиқ этилади. [Ушбу мавзуга доир адабиётлар ҳақида қаранг: 9,42].

Мазкур матн турлари ўзаро бир қатор ўхшаш ва фарқли хусусиятга эга. Жумладан, монологик матн каби диалогик матнга ҳам мазмуний, коммуникатив ва зоҳирий яхлитлик хос.

Ихчам диалогда мазмуний яхлитлик савол-жавоб учун теманинг умумийлиги ва сўроқ гапнинг ҳам дарак гапнинг ҳам синсемантик хусусиятга эгалигидан иборат. На сўроқ гап на дарак гап алоҳида олинганда тугалланган хабар ифодамайди: *Willst du mitkommen? – Ja (ёки Ja, gerne; Ja, selbstverständlich.* Катта ҳажмдаги диалогларда ҳам мазкур хусусият ўзгармайди [9, 43].

Коммуникатив яхлитлик монологик ва диалогик матнда ўзига хослиги билан ажралиб туради. Монологик матн таркибидаги гаплар нисбий тугалликка эга. Ҳар қайси гапнинг алоҳида тема ва ремаси бўлади. Бу эса матнда коммуникатив занжирнинг давом этишига имкон беради. Диалогик матнда эса савол (сўроқ гап) темани, жавоб (дарак гап) ремани ифодалайди [9,123]. Диалогик матнда коммуникатив яхлитликнинг яна бир хусусияти шуки, суҳбат давомида сўзловчи ва тинговчи ўрин алмашиб туради. Бошқача айтганда, уларнинг нутқий вазифаси ўзгаради. Бундан ташқари тема ва рема лисоний восита билан ифодаланмай назарда тутилади ва диалогнинг муайян қисми

TILSHUNOSLIK

аниқроғи коммуникатив занжирнинг маълум бўғини ёрдамида идрок этилади [9, 44]. Бинобарин, бундай ҳолда матнга хос тежамкорлик зухур бўлади.

Эллипсис (тежамкорлик) айна пайтда диалогик матнда *савол-жавобнинг шаклий яхлитлигини* ҳосил қилишда устувор ҳисобланади. Бундай ҳолда тузилиш жиҳатдан тўлиқ саволга қисқа жавоб бериш назарда тутилади: *Willst du mitkommen? – Ja (ich will mitkommen* ўрнида) ёки *Nein (ich will nicht mitkommen* ўрнида). Яна битта мисол: *Was wünschen Sie? – Ein Zimmer (ich wünsche ein Zimmer* ўрнида). Луғавий такрор ва грамматик алмашишнинг монологик матнга нисбатан диалогик матнда кам қўлланиши ҳам асосан жавобнинг эллиптик (тежамкор) шаклга эгаллиги билан изоҳланади [9, 123].

Диалогик матннинг *интонацион яхлитлиги* монологик матнга нисбатан яққолроқ намоён бўлади [Бружайте, 1972; Birwisch, 1966; Harweg, 1971].

Ҳажмига қараб диалогик матн бир ёки кўп темали бўлади [9,46]. Айна бир микроматнда нутқ турлари биргаликда ҳам қўлланади. Монологик ва диалогик нутқнинг бирикиб келиши бадиий матнда кўп учрайди. Бадиий насрда табиийки монологик, яъни муаллиф нутқи устувор. Диалогик, яъни асар қаҳрамонлари нутқи муаллиф нутқига кўпинча нутқ феъли ёки ҳис-туйғу билдирувчи феъл ва сўзлар билан боғланади. Асар қаҳрамонларининг диалогик нутқи муаллиф нутқига бевосита бирикиши ҳам мумкин [9,124].

Аралаш тур муаллиф нутқи, асар қаҳрамонларининг кўчирма нутқи ва ўзга нутқнинг бошқа турлари, яъни ўзлаштирма нутқ, ўзиники бўлмаган кўчирма нутқ (персонаж-ларнинг ички нутқи, ўй-фикри)дан тузилиши мумкин. Бундай ҳолда ҳам микроматн ҳосил бўлади [9,51]: *Geh! sagt sie und nimmt sich eine Zigarette, dann Feuer, während ich frage, was denn Herrgott nochmal geschehen sei. All diese Jahre! sagt sie und raucht. Was habe ich denn gesagt? vorher ihr Schluchzen, jetzt sagt sie bloss: geh!, rauchend. Wieso habe ich sie betrogen? Das sagt man so: jemand stehen die Haare zu Berg. Aber das gibt es, ich seh's, ihr Haar steht ihr zu Berge. Hat Lila wirklich geglaubt, ich sei blind? Das also ist das Ende. Was esoeigentl ich? Vergeblich bitte ich um Verzeihung dafür, dass ich manches gesehen habe ... All diese Jahre! Sagt sie, du hast mich nie geliebt, nie, jetzt weiß ich's und jetzt will ich, dass du gehst! Rauchend, dann schreiend: dass du gehst (Frisch).* Ушбу микроматнда *кўчирма нутқ*, муаллиф нутқи, *ўзлаштирма нутқ*, ўзиники бўлмаган кўчирма нутқ мавжуд бўлиб ҳар хил шрифт билан ёзилган.

Нутқнинг монологик турига унинг яхлитлигига дахл қилмай иқтибос, кўчирма (цитата) бирикиши хос [9,51].

Нутқнинг аралаш турларида замон шакллари, сўроқ, буйруқ, тасдиқ ва инкор гапларнинг қўлланишида фарқли жиҳатлар ҳам бор. Бинобарин, монологик ва диалогик матн орасидаги грамматик тафовут уларни фақат услубиятда эмас, матн грамматикасида ҳам ўрганишни тақозо этади [9,125].

Ўзгалар нутқи нутқнинг алоҳида тури бўлиб нутқий вазиятнинг алоҳида кўриниши (особая структура речевой ситуации) ҳисобланади. Бунда монологда сўзловчи (ёзма нутқда муаллиф)нинг ўз нутқига бошқа шахс нутқи, диалогда эса бошқа шахслар нутқи қўшилади. Сўзловчининг ўз нутқи объекти бўлиб борлиқдаги воқеа-ҳодиса ва фактлар хизмат қилади. Ўзининг монологик нутқи асосида сўзловчи тингловчи (адресат)га борлиқ ҳақида ахборот, маълумот беради. Сўзловчининг диалог тарзидаги ўз нутқи эса нутқий амал (нутқ акти) иштирокчиларининг борлиқ ҳақидаги суҳбатидан иборат бўлади.

Ўзга(лар)нинг нутқи тамомила бошқача нутқий вазиятни тақозо этади. Бундай ҳолда сўзловчи борлиқ ҳақида ўз фикрини эмас, ўзгаларнинг фикри ёки суҳбатини баён қилади. Психолингвистик нуқтаи назардан монологик ўзга нутқда ҳам, диалогик ўзга нутқда ҳам доим бир хил муносабат мавжуд бўлади: ахборот бериш ←→ ахборот олиш (ёки хабар қилиш ва хабардор бўлиш). Ахборот (маълумот) объекти вазифасини эса юқорида айтилганидек, бошқа шахс ёки шахсларнинг фикри, суҳбати бажаради. Бундан ташқари ўз нутқи орқали сўзловчининг адресатни ўзи ёки адресат амалга оширган воқеа-ҳодиса мазмунидан хабардор қилади [9,126]. Ўзга нутқнинг ифодаланиши турли услубда турлича бўлиб ҳар бири ўзига хос грамматик меъёрга эга [6, 2].

Ўзгалар нутқи ифодаланишининг энг оддий усули *кўчирма нутқдир*. Бундай ҳолда ўзганинг нутқи ҳеч ўзгаришсиз хабар қилинади. Кўчирма нутқнинг муаллиф матни билан бирикиш механизми шундан иборатки, муаллиф ўзганинг нутқини баён қилиб унинг кимга тегишли эканлигини ифодалайди.

Кўчирма нутқ икки хил бўлади: 1) бадий асарда қаҳрамонлар нутқи (кўпинча диалог тарзида); 2) илмий, публицистик матн, иш юритиш ҳужжатлари ва ҳоказода ўзганинг иқтибос(цитирование) шаклида ифодаланадиган монологик фикри. Иккинчи турда иқтибоснинг айнан эканлигини кўрсатиш мақсадида кўчирма нутқ қўштирноққа олинади, матннинг тушириб қолдирилган қисми кўп нуқта билан ифодаланади, махсус шрифтдан фойдаланилади, илмий адабиётда ҳаволада муаллифнинг исм-шарифи, асар номи, нашр қилинган йили, ўрни кабилар кўрсатилади. Публицистик матнда эса кўчирма нутқ билан бирга ўзлаштира нутқ ҳам қўлланади ва ҳоказо [9,127]. Мисоллар таҳлили кўчирма ва ўзга нутқнинг бошқа турлари хабар манбаи (источник информации)ни кўрсатиш ва унинг ишончилиги (достоверность)ни тасдиқлаш имконини беради[9,128].

Ўзгалар нутқи ифодаланишининг иккинчи муҳим усули *ўзлаштира нутқдир*. Нутқнинг бу турида ўзгаларнинг хабари қисман ўзгариш билан муаллиф номидан баён этилади. Бундай ҳолда кўчирма хабардан фарқли ўлароқ нутқнинг синтактик тузилиши тубдан ўзгаради.нинг ўзига хос бир нечта грамматик белгиси бор: 1) ўзга нутқ тўлиғича ёки бошланиши эргаш гапдан иборат бўлади; 2) эргаштирувчи боғловчи (ўзлаштира хабарда *dass*, ўзлаштира сўроқда *ob*) қўлланади; 3) шахс шакли ўзгаради (одатда III шахс); 4) асосан конъюнктив ишлатилади, 5) унинг таркибида *sellen* ва *mögen* феъллари келади (ўзлаштира буйруқда) ва б.

Илмий айниқса публицистик нутқда ўзлаштира матннинг ихчам шакли (*erzählte Rede*; свернутая форма или скрытая чужая речь) кенг истеъмолда бўлиб отли сўз бирикмаси ва отли сўз бирикмаси ҳамда феъл орқали ифодаланади [9,129]. Бадий матнда ўзлаштира хабар икки хил вазифа бажаради [9,131–132].

Ўзгалар нутқининг учинчи тури фақат бадий адабиётга хос бўлиб *ўзиники бўлмаган кўчирма нутқ* (*erlebte Rede*, несобственная прямая речь) деб аталади. Ўзгалар нутқининг бу тури муаллиф матнига кўшилиб асар қаҳрамонлари фикр ва туйғусини ифодалайди, уларнинг ички дунёсини очиб беришга хизмат қилади. У муаллиф нутқи билан бирлашиб чатишиб кетади. Бу унинг грамматик жиҳатдан ифодаланишида намоён бўлади. Унда ўзлаштира, кўчирма ва муаллиф нутқининг белгилари мавжуд бўлади. Унинг синтактик тузилиши кўчирма гапни кимга ўхшайди. Унда индикатив ва диалогик нутққа хос бўлган ҳис-туйғуни ифодаловчи восита (модал сўз ва юклама, ундов сўз, ундов гап каби)лар қўлланади. III шахс шаклининг ишлатилиши эса унинг ўзлаштира нутқ билан бир хиллигидан далолат беради. Муаллиф нутқи каби унга ҳам претерит ва претеритал замон шаклларининг қўлланиши хос. Ўзиники бўлмаган кўчирма гапнинг бу белгилари фақат матнда намоён бўлади. Контекстдан ташқарида у одатдаги кўчирма нутқдан фарқ қилмайди.Ўзга нутқнинг бу турида претерит ўрнида презенс ҳам учрайди[9,132].

Хулоса. Хорижий тилшуносликдаги матн грамматикаси ҳамда микроматн яхлитлиги хусусида мавжуд фикрлардан ўзбек тилшунослигида деярли ўрганлмаган матн грамматикаси ҳамда микроматнни тадқиқ қилишда фойдаланса бўлади. Бундай ҳолда тил руҳий-ижтимоий хилқат деб қараладиган таълимотга асосланиб ўзбек адабий тили қурилишининг бош хусусияти (тежамкорлик) инобатга олинса гап каби микроматн талқину тадқиқида ҳам русча қолип ва андозалардан амалда қутулиш имкони туғилади.

*Буларнинг биринчиси анафорик, иккинчиси катафорик алоқа, боғланиш деб айтилади.

АДАБИЁТЛАР

1. **Boot K.** Der deutsche Satz. Die Satzverflechtung. Deutschunterricht, 1949, Heft 3.S. 5-10.
2. **Brinkmann H.** Die deutsche Sprache. Gestalt und Leistung. 2.Auflage. Düsseldorf, 1971. – 455 S.

3. **Diyk T.A. van.** Some Aspekts of Text Grammars. The Hague-Paris, 1972. – 155 p.
4. **Moskalskaya O.** Grammatik der deutschen Gegenwartssprache. M., 1975. – 384 s.
5. **Ries Y.** Was ist ein Satz? Prag, 1931. 168 S.
6. **Riesel E.** Schendels E. Deutsche Stilistik. M., 1975. 205 S.
7. **Schendels E.** Deutsche Grammatik. Morphologie. Syntax. Text. – M.: Vysšaja škola, 1979. – 400 s.
8. Грамматика русского языка. АН СССР, т. II, М., 1954. – 630 с.
9. **Москальская О.И.** Грамматика текста. – М.: Высшая школа, 1981. – 184 с.
10. **Солганик Г.Я.** Синтаксическая стилистика (Сложное синтаксическое целое). – М., 1973. – 188 с.
11. **Зикриллаев Ф.** Рух ва тил. – Т.: Фан, 2018. – 464 б.

УДК: 811. 512.133’373. 811.512.133’276.6:63

ОҚ ВА ҚОРА СЎЗЛАРИНИНГ АПЕЛЛЯТИВ ВА ОРНИМИК САТҲДА ҚЎЛЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

ОСОБЕННОСТИ ПРИМЕНЕНИЯ СЛОВ «БЕЛЫЙ» И «ЧЁРНЫЙ» В АПЕЛЛЯТИВНОМ И ОРНИМИЧЕСКОМ АСПЕКТАХ

USAGE PECULIARITIES OF THE WORDS “WHITE” AND “BLACK” IN APPELLATIVE AND ORONIMIC ASPECTS

Бегимов Одил Тўхтамишович

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ўзбек ва рус тиллари кафедраси доценти, филология фанлари номзоди

Таянч сўзлар: апеллятив, оронимия, орография, тоғ, баландлик, довон, тепа, объект.

Ключевые слова: апеллятив, оронимия, орография, гора, перевал, возвешение, холм, объект.

Key words: appellativ, oronim, orographic, mountain, height, hill, object.

Мақолада оқ-қора сўзларининг апеллятив лексика ва оронимик лексика сатҳларда қўлланиш хусусиятлари тадқиқ этилган, уларнинг иккала сатҳда ҳам қандай луғавий-маъновий хусусиятларни намоён этиши мисоллар асосида далилланган.

В статье исследованы особенности использования слов белый, чёрный (оқ, қора) в аспекте апеллятивной и оронимической лексики, лексико-семантические особенности их проявления в этих аспектах доказаны на основе примеров.

The article explores the features of the use of the words white, black in the aspect of the appellative and oronimic vocabulary, the lexical-semantic features of their manifestation in these aspects are proved on the basis of examples.

Кириш. Барча халқларда ҳам ранг-тус билдирувчи сўзлардан кенг фойдаланилиши маълум. Ўз навбатида, ранг-тус билдирувчи сифатларнинг луғавий-маъновий хусусиятлари, услубияти, морфологик жиҳати, синтактик вазифаси, морфемик таркиби тилшунос олимларнинг ҳам диққат-эътиборида бўлиб келган. Биз ушбу мақолада оқ ва қора сўзларининг апеллятив ҳамда оронимик сатҳларда қўлланиш хусусиятлари ҳақида мулоҳаза юритишни мақсад қилдик.

Асосий қисм. Дастлаб, оқ сўзининг апеллятив сатҳда қандай луғавий-маъновий хусусиятларни намоён этишига тўхталамиз. Хусусан, ўзбек тилида оқ сўзи, одатда, қор, сут, пахта, қоғоз тушунчаларини ифодаловчи ранг маъносида қўлланади. Шунингдек, бу сўз “оқ тусга мойил”, тиниқ (юз, бадан, тан ҳақида) тушунчаларини ҳам ифодалайди. Масалан, оқ бадан, оқ танли, оқ юзли каби.

Оқ сўзи оқ ният, оқ тонг, оқ фотиҳа, оқ байроқ каби бирликларда кўчма маъноларда қўлланилади. Баъзан маъно торайиши ҳодисасини ҳам намоён этади: “оқлик - сут-қатик”, “оқ - ароқ”, оқподшо(тарихий), оққа кўчирмоқ (тоза қоғоз маъносида).

Шунингдек, оқ сўзи “оқ сувоқ” бирикмаси таркибида келиб, қора сувоқ устидан бериладиган текис сувоқ, пардоз бериш маъносида қўлланади.

Ундан ташқари, “оқни оққа, қорани қорага ажратамиз (С. Аҳмад, Хукм) жумласида “оқ” сўзи гуноҳсиз, тўғри, ҳақиқат маъноларида, “қора” сўзи эса, аксинча, гуноҳкор, шаънига доғ туширилган киши маъноларини ифодалаб келган.

Шунга ўхшаш, “оқ-қорани таниш” бирикмасида – ёмон билан яхшини, дўст билан душманни, фойда билан зиённи фарқига бориш, тушуниш маънолари англашилади.

“Кўзнинг оқи” бирикмасида кўз қорачиғини ўраган, тиниқ рангли, шаффоф қисмини ифодаласа, “Унинг кўзига оқ тушибди” жумласида эса, баъзи касалликлар натижасида кўз қорачиғида пайдо бўладиган оқиш доғ, парда тушунчасини ифодалайди.

Оқ сўзи бошқа турли сўзлар билан бирикиб, ўзининг кўчма маъно хусусиятларини янада кенгайтириб боради. Жумладан, “оқ йўл” бирикмаси таркибида ҳавф-хатарсиз йўл, “оқ киймоқ” бирикмаси таркибида мотам либосини киймоқ, “оқ кўнгил” бирикмаси таркибида келиб, яхши ниятли инсон, “оқ фотиҳа” бирикмаси таркибида келиб, бирон ишни, ҳаракатни бажаришга розилик, “оқ чой” бирикмаси таркибида келиб, сутли чой маъносини, “оқ ювиб, оқ тарамоқ” бирикмаси таркибида келиб, тоза-озода парвариш қилмоқ, тарбияламоқ; “оқ ўрамоқ” бирикмаси таркибида, унаштиришга розилик олмоқ маъноларида қўлланган.

Энди қора сўзининг апеллятив лексика сатҳида қандай луғавий-маъновий хусусиятларни намоён этишини кўриб ўтайлик.

Қора сўзи, умумий ҳолда, ранг туси мавжуд рангларнинг барчасидан тўқ; қозонкуя, кўмир тусидаги; оқ рангнинг зиди каби белги-хусусиятларни англади. Масалан, *қора қозон, қора соч, қора кўз* каби бирикмаларда бунини яққол кўриш мумкин. Шунингдек, *қора нон, қора либос, қора тупроқ, қора булут* каби бирикмалар таркибида шу тусга мойил тўқ рангли; қорамтир каби маъноларни англади.

Қора сўзи тил тараққиётининг турли даврларида қўлланилиш жараёнида ўзининг луғавий-маъновий хусусиятларини кенгайтириб, турли тушунчалар билан бойиб борган. Унинг маъно кўчиши орқали турли тушунчаларни ифодалаб келиши, ўз навбатида, бошқа сўзлар билан зидланиш, яъни антонимлик хусусиятларини намоён қилади. Бу сўз, жумладан, *қора уй* бирикмаси таркибида келиб, “ис, қурум босган, қорайган ёки оқланмаган, пардозланмаган” тушунчасини билдириб келган. Шунингдек, *қора сўзидан* ясалган қоронғи лексемаси “нурсиз, зиёсиз” тушунчасини ифодалаб, “ёруғ” сўзига зид маънони ифодалаб келади. Шунга ўхшаш, *оқ ва қора сўзлари* “шахмат ёки шашка доналари” тушунчасида ўзаро зидлик маъносини ифодалайди.

Қора сўзининг маъно кўчиши орқали турли луғавий-маъновий хусусиятларни намоён этиш кўлами анча кенг. Жумладан, “Узоқдан машинанинг қораси кўринди” жумласида бирон нарсанинг узоқдан ёки қоронғидан кўзга ташланувчи акси, ифодаси; шарпа тушунчаларини англади. Шунингдек, бу сўз “*қорага олмоқ*” бирикмаси таркибида келиб, мўлжалга олинган ёки олинадиган нарса, нишон; “*қора ният, қора кучлар*” каби бирикмалар таркибида келиб, душманлик, салбий белгига эгалик; ёмонлик тушунчаларини билдириб келган.

Ундан ташқари, *қора сўзи* баъзи сўзлар билан қўлланиб, улар англаган нарсага хос белги, хусусият ва ҳолатнинг кучли даражасини билдириб келади. Масалан, *қора совуқ, қора қон йиғламоқ* каби бирикмаларда шу маъноларда қўлланган.

Қора сўзининг апеллятив ва ономастик сатҳда ранг-тус белгисидан ташқари, шу белги асосида келиб чиққан қуйидаги луғавий-маъновий хусусиятларни ифодалайди:

1. Киши номлари: Қора, Қоравой, Қоработир.
2. Дарахт номлари: Қоратол, Қорақайин, Қорақарағай, Қораарча.
3. Қуш номи: Қоратамоқ(айн. Жиблажибон), Қора шақ-шақ, Қораялоқ, Қорақуш, Қора бовур, Қорабузов, Қоравой.
4. Чорва моллари турини ифодалайди: қоракўл, қорамол.
5. Қовун турини ифодалайди: қорапўчоқ, қорақанд, қорақош.
6. Касаллик турини ифодалайди: қорасон (айн. Гангрена),
7. Доривор ўт ва ўсимлик номларини ифодалайди: Қорагул, Қора гулхайри, Қораандиз, Қорақовуқ, Қорабош.

TILSHUNOSLIK

8. Турли ўт номларини ифодалайди: қорақош, қорамашоқ, қорамик, қорақиёк, қоракўза, қора шўра, қорабуғдой. қорақанд, қорабарак.

9. Ўсимлик касаллиги турини ифодалайди: қоракуя

10. Ҳашорат номи: Қорақурт.

11. Турли ҳайвон ва жониворлар номини ифодалайди: қорақулоқ, қорақуйруқ.

12. От турини ифодалайди: қоракаш(асов от), қорабайир.

13. Балиқ турини ифодалайди: қора балиқ.

14. Узум навини ифодалайди: қоражанжал.

15. Инсон тана аъзолари номини ифодалайди: қоражигар.

16. Гўшт турини ифодалайди: қоракесак(гўштнинг ёғсиз юмшоқ жойи).

17. Уруғ номини ифодалайди: қорача(туркий уруғ номи).

18. Аҳолининг ижтимоий табақаланишини ифодалайди: Қорача(ўрта асрларда аҳолининг зодагон бўлмаган табақаси), қорача(шевада қора , авом халққа мансуб киши).

19. Табиат ҳодисаларини ифодалайди: қора совуқ(қуруқ совуқ).

20. Тўғон, дамба, соҳилбўйи тўсиқларга сув урган ерларга босиш учун ичига тош солиб, сим билан боғлаб тайёрланган шох-шабба боғлари номини ифодалайди: қорабури.

Оқ ва қора сўзлари топонимик, хусусан, унинг бир тармоғи бўлган оронимик сатҳда ҳам қўлланиб, ўзига хос луғавий-маъновий хусусиятларни намоён этади. Шунинг учун ҳам оронимлар таркибида келувчи бу каби аниқловчиларни ҳамма вақт ҳам номланаётган объектнинг бевосита рангини ифодалаш билан боғламаслик лозим. Масалан, К.К. Юдахин луғатида келтирилишича, жанубий қирғиз диалектида *қора* сўзи, нафақат “қора” маъносини, балки тоғдаги қор билан қопланмаган жой маъносини ҳам ифодалайди [11, 346]. Жумладан, Осиёнинг кўпгина туркий тилли ва бошқа халқларида дунё томонлари маъносини ҳам ифодалайди. Масалан, қизил сўзи ранг маъносидан ташқари «жанубий» маъносини ҳам бериши мумкин. Э.М. Мурзаев [4], Э.М. ва В.Г. Мирзаевлар [5] ва А.Н. Кононов [3] ишларида қора ва оқ ранглари дарё номлари таркибида келиб, сувнинг рангини эмас, балки дарёнинг «келиб чиқишини» ифодалаш кўрсатилган: оқ сув – музликлар ва қорликлардан тўйинади, яъни лойқа сув кўринишида бўлади; қора сув ер ости манбаларидан тўйинади, шунинг учун кўпинча тиниқ бўлади. Демак, бу ўринда оқ ва қора ранглари сувнинг рангини эмас, балки “қор” ва “ер” тушунчаларини ифодалаб келган.

Шунингдек, А.Н. Кононов туркий географик терминологиядаги оқ ва қора сўзларидан ташкил топган номларни таҳлил этиб, уларнинг бевосита ранг билдирмайдиган маъноларга эга эканлигини аниқлаган. Жумладан, қоракум қўшилмаси оддий ерларга қараганда ўсимликлар билан қопланган қумлик тушунчасини, оққум эса кўчиб юрвчи қум барханларини ифодалайди. Ундан ташқари, А.Н. Кононовнинг аниқлашича, оқ ва қора сўзлари иккиламчи, яъни ранг маъносини англатмаслик хусусиятини ҳам намоён этар экан: оқ – уйғур тилида “суюқлик”, қора “ер”, “тупроқ”. Бу икки сўз “томчиламоқ”, “оқмоқ” маъноларидаги феъл бўлиб келиши ҳам мумкин[3, 83-85].

А.В. Суперанская топонимлар таркибида қўлланидиган ранг ифодаловчи сўзларнинг терминологик характерга эгаллиги ёки эга эмаслиги масаласини гидронимлар мисолида атрофлича таҳлил қилиб берган [9,120-127].

Ўзбекистон оронимлари таркибида келувчи оқ ва қора сўзларининг маъно ифодалашда ҳам шунга ўхшаш хусусиятларни кўриш мумкин. Умуман олганда, оқ ва қора сўзлари қўлланишига кўра *Оқайри*, *Оқбош*, *Оқдовон*, *Қоратоғ*, *Қоратела*, *Қорабел* каби рельефнинг мусбат(қабарик) шаклига тегишли орографик объектлар номлари, *Оқжар*, *Оқдара*, *Қорасийроқ*, *Қоратанги* каби рельефнинг манфий(ботик) шаклига тегишли орографик объектлар номлари таркибида аниқловчи вазифасида келиб, объектнинг ўзига хос семантик хусусиятларини ифодалайди. Ундан ташқари, оқ ва қора сўзлари орографик объектларни ифодаловчи оронимик индикаторларга аниқловчи сифатида қўшилибгина келмасдан, балки ўзи ҳам оронимик индикатор сифатида қўлланиш хусусиятларига эга. Бу хусусиятни *Бўйниқора*, *Бўйноқ*, *Мўйноқ*

каби оронимлар мисолида кўриш мумкин.

Қуйида оқ ва қора сўзларининг оронимлар таркибида қўлланиб, қандай луғавий-маъновий хусусиятларни ифодалашини Жанубий Ўзбекистон материаллари мисолида кўриб ўтамыз.

Жумладан, *Оқайри* (Деҳқонобод, Қамаш т., баландлик), *Оқбош* (Деҳқонобод т., тоғ), *Оқдовон* (Қамаш т., доvon), *Оқбўйноқ* (Косон т., тепа) каби оронимлар таркибидаги оқ сўзи рельефнинг мусбат шаклига дахлдор объектларнинг рангини эмас, балки унинг ҳажмини ифодаловчи “катта, юксак, баланд” каби тушунчалар билан боғлиқ. Маълумки, тоғларнинг баландлиги, юксаклиги уларнинг усти кўпинча қор билан қопланиб ётишини характерлайди. Шу хусусият ҳам баланд, юксак тоғлар, чўққилар, доvonларга нисбатан оқ сўзининг қўлланишига олиб келган омиллардан бири бўлиши мумкин. Тожик тилига тегишли бўлган *Кўҳисафед* (Бойсун т., тоғ) оронимида ҳам шу хусусият мавжуд. Буни “Бобурнома”да *Кўҳи Сафид* тоғига берилган қуйидаги изоҳ ҳам маълум даражада тасдиқлайди: “Тўққиз руд ушбу тоғдин чиқар, бу тоғдин қор ҳаргиз ўқсумас. Бу жиҳаттин голибо *Кўҳи Сафид* дерлар” [2, 190].

Оронимлар таркибидаги ҳамма оқ сўзини ҳам шу тарзда изоҳлаш тўғри бўлмайди. Шундай объектлар борки, улар ўз хусусиятига кўра орографик ва гидрографик объектлар оралиғида бўлади, яъни улар тузилиши ва шаклига кўра орографик бўлса, улардан сув оқиб ўтиш йўли мавжудлиги билан гидрографик объект хусусиятини ҳам намоян қилади. Жумладан, *Оқдара* (Деҳқонобод, Шеробод т., дара), *Оқдаҳна* (Қамаш т., даҳна), *Оқдаҳна* (Деҳқонобод т., дара), *Оққапчиғай* (Олтинсой т., дара) оронимлари таркибидаги оқ сўзи рельефнинг манфий шаклларида дахлдор объектларнинг ранги ёки ҳажмини ифодаламайди, балки уларнинг маъно хусусияти бу объектлардан оқадиган сувнинг хусусияти билан боғлиқ бўлади. Демак, бу номлар таркибидаги оқ сўзи – оқмоқ феълнинг ўзагига тўғри келиб, у объектнинг қор сувлари билан тўйинишини, сув манбаининг бошланишини, сувнинг миқдорини, сувнинг мунтазам оқиб туришини, шунингдек, унинг лойқа, бўтана эканлигини ифодалайди [7,146]. Шу билан бир қаторда, оқ сўзи рельефнинг манфий шаклларида тегишли объектлар(дара, жар, чоҳак, нура ва б.)нинг номлари таркибида аниқловчи компонент бўлиб келиб, унинг чуқурлик ўлчами кам, саёз эканлигини ҳам ифодалайди. Жумладан, *Оқжар*, *Оқнура*, *Оққапчиғай*, *Оқчаҳак* оронимларида шу хусусиятларни кўриш мумкин. Шунингдек, *Оқжар* ороними таркибидаги оқ сўзининг маъно хусусиятининг очилиши объектнинг характери билан ҳам боғлиқ. Жар, бир томондан, сув оқишидан хосил бўлиши мумкин. Агар шундай бўлган тақдирда, ном таркибидаги оқ аниқловчисини жар тубидан оқадиган сувга нисбат бериб, “оқар сувли жар” маъносида изоҳлаш мумкин. Иккинчи томондан, тупроқнинг рангига нисбат бериб, “оқ тупроқли жар” маъносида изоҳлаш ҳам тўғри бўлади. Шунингдек, унинг учинчи хусусияти ҳам кузатилади, яъни оқ сўзи объектнинг “чуқурлик ўлчами кам, саёз” каби маънони ҳам ифодалаб келади. *Оқнура* оронимида ҳам шундай хусусиятларни кўриш мумкин.

Оқтош (барча тоғли ҳудудларда учрайдиган баландлик) ороними таркибидаги оқ сўзи тошнинг таркибини характерлайди. Агар тоғларда оқтош деб аталувчи жойлар бўлса, у ерда кварц борлигини кўрсатади. Маълумки, оҳак деб аталувчи бўёқ моддаси ҳам тоғлардаги оқ рангдаги тошлардан олинади. Бизнингча, оҳак сўзи аслида оқ+ак кўринишидаги сўздан келиб чиққан. Икки морфемадан ташкил топган бу сўз таркибидаги оқ ранг-тусни ифодаласа, форс-тожик тилига тегишли -ак қўшимчаси ранг билдирувчи сўзларга қўшилиб, орографик объект тушунчасини ифодалаш хусусиятига эга. Демак, оҳак - оқ тусда бўлган тош ёки баландлик. Кейинчалик у шу объектдан олинадиган модда номига кўчган. Шунингдек, бундай номлар фақат биргина кварц минералини эмас, балки таркибида кўрғошин, олтин ва бошқа шунга ўхшаш бошқа минераллар бўлган рудани мавжудлигига ҳам ишора қилади [6, 55].

Ундан ташқари, оқ сўзи оронимлар таркибида оронимик индикатор сифатида келиб, орографик объектнинг турини ифодалаш хусусиятига ҳам эга. Бу хусусият *Бўйноқ* (Деҳқонобод т. тоғ), *Етимоқ* (Деҳқонобод т. баландлик) оронимларида кузатилади. Шунингдек, бу хусусият *Оқота* (Китоб т. шарқидидаги чўққи) оронимида яққол кўринади. Бу сўз ном таркибида орографик объектни, яъни чўққини ифодалаб келган:

TILSHUNOSLIK

Оқота – улуғ, буюк, муқаддас чўққи.

Озарбайжон топонимлари системасини тадқиқ этган Т.М. Ахмедов топонимлар таркибида келувчи оқ сўзининг *Ағкенд*, *Ағдабан*, *Ағғышлағ*, *Ағкилсе*, *Ағжошуш* каби ойконимлар таркибида келиб, “ўлчами, ҳажми жиҳатдан кам, кичик; майдон жиҳатидан кичик, тор” каби тушунчаларни ифодалашини; *Ағдаш*, *Ағбаш*, *Ағгаја*, *Ағтепе*, *Ағдағ* каби оронимлар таркибида келиб, “паст, баландлик ўлчами кам даражада” эканлигини ифодалаб келишини; *Ағдере*, *Ағчал* каби топонимлар таркибида келиб, “саёз, чуқур эмас” каби тушунчаларни ифодалашини; *Ағсу*, *Ағбулаг*, *Ағчај* каби гидронимлар ва гидроойконимлар таркибида келиб, “тоза, тиниқ, ичишга ва фойдаланишга яроқли” эканлигини ифодалаб келишини кўрсатган[1, 50].

Қоратоу - *Қоратоғ* аслида тоғнинг рангини эмас, балки «чўл, куруқ, ҳеч қандай баланд ўсимликлар ўсмайдиган тоғ маъносини билдиради. Мўғул тилида бунга параллел шакл *Хараул(а)* ҳисобланади. Синьцзянда *Челтоғ ёки Қуруқтоғ* ороними кенг тарқалаган. Оқтоғ – абадий қорликлардан иборат чўққилари бўлган юксак тоғлар. Адабиётларда *Эктағ-Алтай*, яъни «оқтоғли Олтай» шакли қайд этилган [6, 38].

Энди оронимлар таркибидаги қора сўзининг маъно хусусиятларига эътибор берайлик. *Жумладан*, *Қораайри* (Дехқонобод т., баландлик), *Қорабел* (Шаҳрисабз т., тоғ тизмаси), *Қорасирт* (Дехқонобод т., тоғ), *Қорақир* (Бойсун, Китоб, Косон, Қамаш т., қир; баландлик), шунингдек, тожикча *Кўҳисийёҳ* (Шаҳрисабз шақидаги тоғ) каби оронимлар таркибидаги қора ва сиёҳ сўзлари, биринчидан, номланувчи объектнинг вертикал ўлчови кам эканлиги, у қадар баланд эмаслиги, паст эканлигини ифодалаб келади; иккинчидан орографик объектларнинг баландлик ўлчови агар кам, яъни паст бўлса, ўз-ўзидан маълумки, уларнинг устида қор турмайди, ёғингарчилик ҳам кам бўлади. Бундан келиб чиқадиган натижа шуки, бундай объектларда турли ўсимликлар ва ўт-ўланлар кам бўлади. Демак, қора сўзи рельефнинг мусбат шаклини ифодаловчи орографик объектларнинг номлари таркибида келиб, биринчидан, уларнинг баландлик ўлчови паст даражада эканлигини ифодаласа, иккинчидан, уларда турли ўсимликлар ва ўт-ўланлар миқдори ҳам камлигини ифодалаб келар экан.

Шунингдек, рельефнинг манфий шаклларида тегишли орографик объектларнинг номлари таркибидаги қора сўзи бошқа характердаги изоҳни талаб қилади. *Жумладан*, *Қоракамар* (тоғлик жойларда кўп тарқалган камарнинг бир тури), *Қоратанги* (Чироқчи т., дара ва дара номидан келиб чиққан баландлик) оронимларида қора сўзи, назаримизда, баландлик ўлчамини эмас, балки чуқурлик ўлчамини ифодалайди, яъни қора камар “чуқур камар” (чунки, чуқур камар кун тегмаганлигидан узоқдан қорайиб кўринади), қора танги “чуқур, тор дара” маъноларини ифодалайди. Шунга ўхшаш, *Қорачуқур* (Косон т., яйлов) ороними мисолида ҳам шу хусусиятни кўриш мумкин. Бу ном таркибида аниқловчи ҳисобланган қора сўзи чуқурлик ўлчамини ортиқ даражада эканлигини кўрсатиб келган.

Т.М. Ахмедов Озарбайжон топонимиясида қора сўзи қуйидаги луғавий-семантик хусусият касб этишини кузатган: *Гараағач*, *Гараағачы*, *Гараағачлыг* фитотопонимлари таркибида келиб, “қаттиқ, маҳкам, мустаҳкам” маъноларини ифодалайди; *Гарабағ дизи*, *Гарабағ йайласи*, *Гарабағлар*, *Гарабағли*, *Гарабағлилар* ороними ва ороойконимлари таркибида келиб, “қалин, бўлик; тиғиз; ўлчами катта, кенг” маъноларини; *Гарабойунлулар* этноними таркибида “оддий, қуйи табақадан бўлган кишилар” маъносини (ҳозирги озарбайжон тилида қора жамоат – “қора кишилар” маъносини беради); *Гарадейин*, *Гараоғлан*, *Гарамусали*, *Гараханли*, *Гараманли* ва б. этноойконимлар – “кўрқмас, ботир, мард йигит” маъноларини; *Гарадере*, *Гарайар*, *Гарадехне* ва б. топонимларда – “чуқур, тўқ рангли(баъзида “сояли”) маъносида; *Гарайази*, *Гаратала*, *Гарайатағ* ва б. оронимлар ва ороойконимларда – “кенг, катта”; *Гараколлу*, *Гарамеше*, *Гаратуғай* ороойконимларида – “қалин, ўтиб бўлмас, мустаҳкам” маъноларини; *Гарагайя*, *Гаратепе*, *Гарадағ*, *Гарадаш* каби рельефнинг мусбат шаклини ифодаловчи объектлар (тоғ, қоя, тепа, чўққи, адир ва б.) номлари, шунингдек улардан келиб чиққан ойконимлар ва гидронимлар таркибида келиб, “баланд, юксак; ўткир, ўткир учли, осмонўпар” маъноларини; *Гарасу*, *Гарабулаг*, *Гараарх*, *Гарачай* ва б. каби кўпгина гидронимлар, гидроойконимлар ва гидрооронимлар таркибида келиб, “ифлос, ичишга

ва бошқа мақсадларда фойдаланишга бутунлай яроқсиз” каби маъноларни ифодалайди [1, 50].

Хулоса. Юқорида келтирилган таҳлиллар асосида шуни айтиш мумкинки, оқ ва қора сўзлари апеллятив лексика сатҳида ҳам, оронимик лексика сатҳида ҳам фаол қўлланиш хусусиятига эга. Улар ҳар икки сатҳда ҳам ранг-тус билдиришдан ташқари, шу асосдан ўсиб чиққан бир қанча луғавий-маъновий хусусиятларни намоён этади. Оқ ва қора сўзлари апеллятив лексика сатҳида ўзларининг қўлланиши ҳамда маъно хусусиятларига боғлиқ равишда зидланиш, яъни антонимлик характериға эга бўлади. Уларнинг бу хусусиятини оронимик лексика сатҳида ҳам кузатиш мумкин. Биз оронимиядаги бундай хусусиятни антонимлик эмас, балки оппозитция ҳодисаси сифатида қарашни маъқул деб ўйлаймиз. Оқ-қора сўзларининг оронимик сатҳда қўлланишидаги ўзига хос хусусиятлардан яна бири уларнинг бевосита орографик объект тушунчасини ифодалашида намоён бўлади.

АДАБИЁТЛАР

1. **Ахмедов Тофик Мурсалы оглы.** Система азербайджанский топонимов. – Баку: АДД, 1987. – 55 с.
2. **Бобур З.М.** Бобурнома. – Т.: Фан, 1960. – 513 б.
3. **Кононов А.Н.** О семантике слов кара и ак в тюркской географической номенклатуре. – Д.: Известия Отделения общественных наук АН Тадж. 1954, № 5. – С. 83-85.
4. **Мурзаев Э.М.** К географической терминологии и номенклатуре киргизов Тянь-Шаня. – Л.: Известия Всесоюзного географического общества. 1940, № 3. – С. 315 – 327.
5. **Мурзаевы Э.М. и В.Г.** Словарь местных географических терминов. М., 1959. – С. 466.
6. **Мурзаев Э.М.** Оронимия внутренней Азии //Оронимика (сборник статей). – М.: 1969. – С. 36-39 .
7. **Мусин Р.** Сўз мағзидан ер бағриға. – Т., 1967. – 55 б
8. **Нафасов Т.** Ўзбекистон топонимияларининг изоҳли луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1988. – 290 б.
9. **Никонов В.А.** Заметки по оронимии Киргизии //Ономастика Средней Азии. Научный конфер. – Москва, 1978. – С. 86-105.
10. **Суперанская А.В.** Терминологичны ли цветовые названия рек //Вопросы географии. – М., 1970. №81.– С. 120–127.
11. **Юдахин К.К.** Киргизско-русский словарь. – М., 1965. – 346 с.

УДК: 02 (038)

ЛЕКСИКОГРАФИЯ ТАРИХИДАН ИЗ ИСТОРИИ ЛЕКСИКОГРАФИИ FROM THE HISTORY OF LEXICOGRAPHY

Нигматова Лола Хамидовна

доц. кафедра русского языка и литературы БухГУ

Таянч сўзлар: тилшунослик, лексикография, назарий лексика, амалий лексика, луғат, глосс, глоссарий, луғат, алифбо, луғат турлари.

Ключевые слова: языкознание, лексикография, теоретическая лексикография, практическая лексикография, словарь, глосс, глоссарий, вокабулярий, азбуковник, типы словарей.

Key words: linguistics, lexicography, theoretical lexicography, practical lexicography, dictionary, gloss, glossary, vocabulary, alphabet, types of dictionaries.

TILSHUNOSLIK

Ушбу мақола лексикографияни фан сифатида шаклланишига, шунингдек, луғатларнинг тарихий ривожланишига бағишланган. Луғат тарихидан уч асосий даврга эътибор қаратилган.

Данная статья посвящена историческому развитию словарей, становлению лексикографии как науки. Основное внимание уделяется трем крупным периодам в истории лексикографии.

This article is devoted to the formation of lexicography as a science, as well as the historical development of dictionaries. The focus is on three major periods in the history of lexicography.

Введение. Член северо-американского лексикографического общества С.Ландау как-то заметил: "Создание словарей не требует блеска и оригинальности мышления, этот вид деятельности требует высокого интеллекта, профессионализма и самоотверженности в трудной работе. Кроме того, процесс создания словаря должен приносить удовлетворение автору" [14, 4].

Основная часть. Лексикография – это раздел языкознания наука о создании, изучении и использовании словарей (scientia lexico-graphica). Наука, изучающая семантическую структуру слова, особенности слов, их толкование. Однако лексикографией называют и непосредственно процесса создания словарей. Наука о принципах «словарного дела» называется еще *теоретической* лексикографией, а ее применения— *практической*.

Практическая лексикография выполняет общественно важные функции, обеспечивая обучение языку, описание и нормализацию языка, межъязыковое общение, научное изучение языка. Лексикография стремится найти наиболее оптимальные и допустимые для восприятия способы словарного представления всей совокупности знаний о языке [4, 95].

Теоретическая лексикография охватывает комплекс проблем, связанных с разработкой макроструктуры (отбор лексики, объём и характер словника, принципы расположения материала) и микроструктуры словаря (структура словарной статьи, типы словарных определений, соотношение разных видов информации о слове, типы языковых иллюстраций и т. п.), созданием типологии словарей, с историей лексикографии [4, 95].

Лексикография, как наука строится на строгом соответствии лингвистической теории, её законам и принципам, это искусство, которое представляет собой отдельный литературный жанр, где не последнюю роль играет мастерство и талант автора - создателя словаря.

Таким образом, лексикограф это не только теоретик, занимающийся вопросами языкознания, но и практик, ваятель, создающий произведения искусства под названием "словарь".

Трепетное, поэтическое отношение к слову – является основой работы лексикографа. "Вообще словарная работа, как основанная исключительно на семантике, требует особо тонкого восприятия языка, требует, я сказал бы, совершенно особого дарования, которое по какой-то линии, вероятно, родственно писательскому дарованию", - говорил Щерба [13, 76].

Практическая лексикография имеет гораздо более долгую историю, чем лексикография теоретическая. Практическая лексикография родилась 4 тысячи лет назад в виде различных глоссов, глоссариев и вокабуляриев [2, 3].

В. Г. Гак выделил три крупных периода в истории лексикографии [5, 55].

1. Дословарный период (до XVI в.).
2. Ранний словарный период (конец XVI — начало XVIII в.)
3. Период развитой лексикографии.

В XXV в. до н.э в Шумерской цивилизации появились первые словарные произведения. В XX в. до н.э в Китае пользовались переводными словарями, сохранились отрывки двух- и трёхязычных словарей, составленных в Месопотамии 2

тысячи лет назад. III в. до н.э – в Китае, VIII в. н.э. - в Японии - в были созданы первые иероглифические словари.

"Ономастикон" Ю. Поллукса, санскритский словарь "Амара-коша" (что в переводе означает "сокровищница Амара"): одни из древнейших идеографических словарей II-III вв. н.э.

Впервые, согласно знаменитому Оксфордскому словарю английского языка в 1680 г. появилось английское слово *lexicography*., немецкое *Lexikographie*- в 1698 г., в 1765 г. - во всемирно известной Энциклопедии (*Encyclopédie*) - французское *lexicographie*.

По мнению многих учёных английская научная лексикография началась со словаря Сэмюэля Джонсона (*S.Johnson*) 1755 г., французская - с Энциклопедии Д. Дидро 1765 г., и Большого универсального словаря XIX века П.Лярусса (*Larousse P. Grand Dictionnaire universel du XIX-e siècle*); немецкая - с Немецкого словаря братьев Гримм 1852 г. (*Grimm. Deutsches Wörterbuch*).

В XII в широкое распространение в странах мусульманского мира занимало толкование Корана, что и послужило зарождением арабской научной лексикографии [5, 76].

Как уже было замечено выше, В. Г. Гак выделил три крупных периода в истории лексикографии:

1. Дословарный период. В современном понимании словарей не существовало. На полях и в тексте древних рукописных книг давалось толкование непонятных слов. Такие слова назывались **глоссы** (*греч. glōssa* — язык, речь).

Толмач или переписчик писал значения непонятных слов между строками или на полях. В результате соединения глосс в единые перечни и появляются первые словарики, присоединяемые к тому или иному произведению, получившие название **глоссарии**. Например, известен глоссарий к Ведам, созданный в 1-м тысячелетии до н.э. или глоссарий к текстам Гомера, датированный 5-м веком до н.э. Глоссарии можно считать первыми словарными работами, так как в глоссариях была реализована метаязыковая функция языка, т. е. использование языка для описания самого языка.

Помимо глоссариев, создавались сборники слов для учебных целей. Их называют *вокабуляриями*. В качестве примера дошедшего до нас вокабулярия можно привести трехязычные шумеро-аккадо-хеттские таблички, датированные 14-13 вв. до н.э.. Позже, в связи с тем, что шумерский язык выходил из живого употребления, а бытовым языком стала аккадский, создавались пособия для изучения шумерского как языка религии и школы — списки слов и специальных терминов разного рода, в том числе ботанических, зоологических, минералогических и т.п.; в начале 2-го тыс. появились шумеро-аккадские общие и терминологические словари, были даже попытки составления этимологических словарей.

Основные этапы в истории русского словарного дела в общих чертах совпадают с этапами развития лексикографии в Западной Европе. На Руси словарное дело тоже начиналось с рукописных *глоссариев*.

Одним из древнейших русских глоссариев по праву можно считать *словарь, приложенный к Кормчей книге (1282.) и насчитывающий 174 слова*. В словаре дается объяснение греческих и древнееврейских слов из священных книг. В позднейших списках число слов увеличивается до 344 [12, 7].

Не меньший интерес представляет *Новгородский словарь (1431г.)* вначале насчитывавший 61 слово, затем дошедший до 200. В отличие от Кормчей книги *Новгородский глоссарий* дает толкование слов из большего количества языков. Эти словари содержали разнообразную информацию о слове (типы и виды словарей выделились позднее), были своего рода энциклопедическими справочниками [12, 12].

В 988 г. состоялось крещение Руси, утверждение христианской религии в качестве государственной. Это повлекло за собой широкое распространение культовой (богослужебной, житийной и т.п.) литературы. На Руси было построено около 10 тыс. церквей, для их нужд требовалось около 80 тыс. книг

TILSHUNOSLIK

Христианизация по византийскому обряду потребовала переводов церковной литературы. Выполнение этой задачи невозможно было без развития просвещения. Началось обучение книжному языку при Владимире и Ярославе. Владимир, согласно летописи, «нача ставить по городам церкви и попы», приказал «поимати у нарочитые чади дети», «отдавать их в учение книжное».

Древнерусские книжники стремились перевести иноязычные слова, истолковать значения непонятных слов, объяснить собственные имена, раскрыть символику текста, сообщить иную информацию, необходимую для понимания смысла памятника.

Расхождение между книжным церковнославянским и разговорным древнерусским языком, а также потребности общения с иностранцами, особенно греками, обусловили возникновение в Древней Руси нескольких типов словарей [9, 25].

1) словари-**ономастиконы**, т.е. словари собственных имен.

Например: словарь библейских имен под названием «Речь жидовськаго языка» (XIII в.),

«А се имена жидовская русь кытълкована» (XIII в.), «О именах глаголемых жидовским языком» (XIII — XIV вв.).

2) словари-**приточники** (от слова «притча»), т.е. словари символики — сборники слов, в которых толковались слова с символическим значением (в древнерусском языке были широко распространены слова обозначающие явления природы, исторических событий и преданий), раскрывались иносказания, метафоры, образы, содержащиеся в текстах Священного Писания.

Например: «Толк о неразумных словесах» и «Се же приточнеречесея» (старшие списки относятся к XV в.).

3) словари-**произвольники** — славяно-русские словари, объяснявшие непонятные слова книжной речи в основном из церковно-славянских книг. Такие словари составлялись по лексическим разночтениям, возникавшим при исправлении древнеболгарского перевода церковных текстов.

Например: «Тлъкованиу неудобь познаваемомъ въписаныхъ рѣчьмь, понеже положены суть рѣчивъ книгахъ отъначальныхъ рѣводникъ овословѣнски и иносрѣбски и другаа блъгарски, их же не удоволищася приложити на рускый» (древнейший из списков находится в сборнике Чудова монастыря XIV в.). Такие словари дают перевод типа «милотарь — кожа, овчина», отмечают контекстное употребление «мыто — серебро, мыто — посул». Разночтения были не только в церковнославянских книгах, но и в русских оригинальных текстах [9, 34].

4) словари-**разговорники** — первые переводные словари. Подобные словари давали описание чужой разговорной речи, содержали записи диалогов, перевод тематических групп слов, необходимых для общения. Кроме этого, словари-разговорники вводили в лексикографию обиходную русскую лексику. Например: «Се татарский языкъ» (XV—XVI вв.) «Рѣчь тонкословия греческаго» (XV в.), «Толкование языка половецкого» (XVI в.).

Данные виды древнерусских словарей представлены в многочисленных редакциях и списках, в которых варьировались и состав слов, и их объяснения.

Структура глоссариев постепенно совершенствовалась. Слова располагались в алфавитном порядке. Значение слов, их перевод стали дополнять исторические, этимологические данные.

2. Ранний словарный период (конец XVI - начало XVIII в.)

В XVI-XVII вв. направления в области лексикографии продолжают развиваться. Интерес к словарям и работе с ними, постепенное возрастание объема слов в глоссарии, необходимость упорядочения накопленной информации привело к созданию нового жанра — **азбуковники**. В них порядок расположения словарных статей установлен в привычном для нас алфавитном порядке.

Азбуковники объединили в своем составе грамматические и словарные работы всего раннего периода. Словари всех четырех направлений русской лексикографии — ономастиконы, приточники, произвольники, разговорники — вошли в состав азбуковников. Однако ни один азбуковник, ни одна статья не повторяет словарных текстов

ранних периодов.. Это новый тип словаря. В таких словарях-азбуковниках слова располагались по алфавиту, указывалось их происхождение, перевод и толкование слова. Так, широкой известностью пользовался азбуковник «*Толкование имен греческих и еврейских и римских по алфавиту*» писателя и публициста XVI в. Максима Грека.

К этому же периоду относится и начало формирования так называемых **учебных азбуковников**. Это были книги в которых помимо сведений о слове, также встречались и статьи общего характера, затрагивающие сведения и о всеобщей истории, арифметике, географии, естествознанию, а также религиозно-нравственные поучения.

Одним из первых печатных изданий является азбуковник **Лаврентия Зизания Тустановского** «*Лексис, сиречь речения в краце собранныя и из словенского языка на просты русский диялект истолкованы*», помещенный в приложении к «Славянской грамматике» (1596 г.). В нем в алфавитном порядке приводятся и объясняются только старославянские или славянизированные слова. Общее количество слов — 1061.

Другим печатным изданием был «*Лексикон словеноросский и имен толкование*» **Пимвы Берынды**, поэта, филолога, изданный в Киеве в 1627 г. Лексикон содержал 6982 слова. В словаре объяснялись все старославянские слова, отличные от современного употребления: *друг* — 'друг, приятель', *бисер* — 'перла, жемчуг'. Давались толкования и иностранным словам: *гигант* — 'зри исполин', *лира* — 'скрипица', *онагр* — 'дикий осел, животное, подобное лосю', *поета* — 'творец'. Труд П. Берынды оказал значительное влияние на развитие лексикографии в России. Словник «Лексикона» стал источником для других словарей XVII в., в том числе и двуязычных.

3. Период развитой лексикографии. *Период развитой лексикографии* связан с развитием национальных литературных языков. Основная функция — описание и нормализация словарного состава языка, повышение языковой культуры общества. Издаются толковые словари, многие из которых составляются государственными академиями и филологическими обществами (итальянский словарь Академии Круска, 1612, словарь Российской Академии, 1789-94, и др.), появляются также синонимические, фразеологические, диалектные, терминологические, орфографические, грамматические и другие словари. Но самый большой общественный резонанс получил «*Толковый словарь живого великорусского языка*» **В.И. Даля**, вышедший в 1863-1866 гг. в 4-х томах.

В XIX-XX вв. интенсивно развиваются следующие типы словарей:

толковые словари

диалектные словари

исторические словари.

Основу современных словарей составили *толковые словари* русского литературного языка а (слово «толковый» в названии такого типа словарей взято из «Толкового словаря» В. И. Даля, где оно было впервые автором употреблено в этом новом значении). Начиная с 20—30-х годов, словарное дело в России развивается очень активно. Этапным в изучении лексики современного русского языка стали четыре толковых словаря, каждый из которых внес вклад в последующее становление русской и национальных лексикографий.

1) «Толковый словарь русского языка» под редакцией Д.Н. Ушакова, вышедший в 1934-1940 гг. В его четырех томах содержится более 85 тысяч слов.

2) «**Словарь русского языка**» **С. Н. Ожегова**. Первое его издание вышло под редакцией С. П. Обнорского в 1949 г. Однотомник включил 50 тысяч наиболее употребительных слов.

3) «**Словарь современного русского литературного языка**» (1948-1965) — Большой академический словарь (БАС), содержащий в 17 томах более 20 тысяч слов.

4) Почти одновременно с 17-томным Словарем готовился «**Словарь русского языка**» в 4-х томах под редакцией **А. П. Евгеньевой** — Малый академический словарь (МАС). Он вышел в свет в 1957-1961 гг.

Заклучение. *Таким образом, лексикография связана со всеми разделами языкознания, особенно с лексикологией, многие проблемы которой получают в лексикографии специфическое преломление. Современная лексикография подчёркивает важную социальную функцию словарей, которые фиксируют совокупность знаний общества данной эпохи.*

ЛИТЕРАТУРА

1. Актуальные проблемы учебной лексикографии. – М., 1977.
2. Берков В.П. Вопросы двуязычной лексикографии: Словник. - Л., 1973.
3. Гак В.Г. О некоторых закономерностях развития лексикографии //Актуальные проблемы учебной лексикографии. – М., 1977. – С. 11-27.
4. Гак В.Г. Лингвистические словари и экстралингвистическая информация //ВЯ.-1987. - № 2. – С. 3-16.
5. Гак З.Г. Проблема создания универсального словаря //Национальная специфика языка и её отражение в нормативном слове. – М., 1986. – С. 119-125.
6. Дубичинский В. Теоретическая и практическая лексикография Wiener Slawistischer almanach Sonderband 45 WIEN. – CHARKOV. 1998.
7. Касарес Х. Введение в современную лексикографию.
8. Ковтун Л.С. Русская лексикография эпохи средневековья.– М., 1963.
9. Лексикографический сборник, т. 1—6, М., 1957-63;
10. Ожегов С.И. Лексикология. Лексикография. Одноязычные филологические словари. Культура речи. – М., 1974.
11. Цейтлин Р. М. Краткий очерк истории русской лексикографии. – М., 1958;
12. Щерба Л.В. Опыт общей теории лексикографии, в его кН.: - Л.: Языковая система и речевая деятельность, 1974.
13. Landau S.I. Dictionaries: The Art and Craft of Lexicography - N.-Y., 1989.

УДК:83.3

КОРПУС ЛИНГВИСТИКАСИНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ
СОВРЕМЕННЫЕ СОСТОЯНИЕ КОРПУСНОЙ ЛИНГВИСТИКИ
CURRENT STATE OF CORPORA LINGUISTICS

Хамроева Шахло Миржоновна

БухДУ ўзбек тилшунослиги кафедраси ўқитувчиси, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Таянч сўзлар: корпус турлари, махсус корпус, бир тилли ва кўп тилли корпус, параллел корпус, оғзаки матнлар корпуси, мультимодал корпус, репрезентативлик.

Ключевые слова: разновидности корпусов, специальные корпусы, одноязычные и много язычные корпусы, параллельные корпусы, корпусы устных текстов, мультимодальные корпусы, репрезентативность.

Key words: corpus types, special corpuses, monolingual and multilingual corpuses, parallel corpus, oral text corpus, multimodal corpuses, representativeness.

Ушбу мақолада корпус турлари, махсус корпус, бир тилли ва кўп тилли корпус, параллел корпус, оғзаки матнлар корпуси, мультимодал корпусларнинг хусусиятлари, корпуснинг репрезентативлик белгиси ёритилган.

В этой статье анализируются разновидности корпусов, особенности специальных, одноязычных и многоязычных; параллельных, мультимодальных, устных корпусов, объясняется репрезентативности корпусов.

This article analyzes the types of corpuses, special features, monolingual and multilingual; parallel, multimodal, oral text corpuses, due to the representativeness of the text corpuses.

Кириш. Дунё тилшунослигида XXI асрга келиб, корпус лингвистикасини илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш ҳаракати кучайди. Такомиллашиб бораётган компьютер

лингвистикаси йўналишида автоматик таржима сифатини яхшилаш, тилни лингвистик моделлаштириш, ҳар бир тилга оид сўзларни леммалаш назарияси, алгоритмини яратиш ҳамда муайян тилнинг кўп асрлик миллий-маданий меросдан фойдаланиш имконини ошириш мақсадида уларни электронлаштириш жаҳон тилшунослигида долзарб масалага айланди. Тилшунослиқда, хусусан, компьютер лингвистикаси соҳасида корпус яратиш, мавжуд корпуслар ҳажмини кенгайтириш, матнни автоматик қайта ишлайдиган дастурларни ишлаб чиқиш кабилар ечимини кутаётган муҳим масалалардан бири бўлиб турибди.

Корпус турлари таснифи. Корпуснинг тузилиши, мақсади, турғун, ўзгарувчанлиги ва бошқа жиҳатларига кўра бир қанча турларга эга бўлиб, бу мутахассислар томонидан турлича таснифланган [1]. Олимлар мақсади ҳамда олдига қўйилган вазифасига қараб корпусни қуйидагича таснифлашади [2]: сақлаш шаклига кўра (овозли, ёзма, аралаш) (а); матн тилига кўра (бир ва кўп тилли) (б); жанрий мансублигига кўра (адабий, диалектал, оғзаки, публицистик, аралаш) (в); корпусга кириш имкониятига кўра (эркин, тижорат корпуслари, ёпиқ) (г); мақсадига кўра (тадқиқий, иллюстратив) (д); динамиклигига кўра (динамик (монитор), турғун) (д); қўшимча ахборотга эгаллигига кўра аннотацияланган (тегланган) ва тегланмаган (е). В.В.Рыков корпус таснифига бошқача ёндашади [3].

I. Ташкил қилиш даражаси ва қурилишига кўра:

1. Электрон архив – электрон ташувчи қурилмадаги матнлар жамланмаси; фақат шакли стандартланмаган, бир хир шаклга келтирилмаган.

2. Электрон кутубхона – бир турдаги матнлар келтирилган; стандарт шаклга келтирилган.

3. Матнлар корпуси – стандартланган, бир хир шаклга келтирилган; матнлар лингвистик воқеликнинг маълум қисмини акс эттиришга мўлжалланган.

4. Субкорпус – маълум бир корпуснинг автоном қисми.

II. Хронологик белгисига кўра: синхрон, монитор (тилнинг ҳозирги ҳолатини кузатувчи), диахрон.

III. Кўрсаткичнинг мавжудлигига кўра: оддий, аннотацияланган.

IV. Тилига кўра: бир, икки, кўп тилли.

V. Қўллаш, фойдаланиш усулига кўра: тадқиқот корпуслари, иллюстратив, параллел корпус.

VI. Мавжудлик усулига кўра: динамик, турғун.

Барча тиллар учун корпусни лойиҳалаш ҳамда қўллашнинг бир хил методикаси мавжуд эмас, чунки тил, анъана, технологик жараёнлар бир-биридан фарқ қилади. Шундай бўлса-да, бу борада В.В.Рыков қуйидаги асосий талабларни санаб ўтади:

1. Корпус фойдаланувчиси (якка шахс, гуруҳ, лингвистик жамият).

2. Корпус кўзлаган мантиқий мақсад.

3. Корпус тузишда ишланадиган маълумотлар базаси ҳажми ҳамда бунинг реал, зарурлик даражаси.

4. Матндан фойдаланиш усули (парча, тўлиқ кўриниш ёки ҳар иккиси).

Корпус, энг аввало, ёзма, оғзаки манбага асосланишига кўра корпус 2 турга бўлинади [4]. Корпуснинг дастлабки авлоди тўлиқ ёзма корпус саналарди, чунки ёзма матн йиғиш анча қулайроқ бўлади. Ёзма матнни компьютерга киритишнинг 3 усули мавжуд:

1. Матнни қайта киритиш.

2. Электрон шаклда мавжуд матндан фойдаланиш.

3. Босма матнни сканерлаш (лекин бунда кўплаб хатони тузатиш керак бўлади).

Тажриба ва амалиёт шуни кўрсатадики, корпус лингвистикаси камида 2 типдаги объект (корпус) устида амалиёт бажаради. Корпуснинг биринчи типи универсал, улар ўзида нутқий фаолиятнинг барча хилма-хилликларини акс эттиради. Иккинчи турдаги корпус жамиятда нутқий амалиётнинг маълум бир лингвистик ёки маданий феноменнинг одатга айланиши (ёки айланганлиги)ни акс эттириб, улар маълум мақсадни кўзлаб тузилади. Бундай корпус сифатида мақоллар корпуси, газета тилида сиёсий метафоралар корпусини санаб ўтишимиз мумкин.

TILSHUNOSLIK

Корпус маълумотининг ишонарлиги таъминловчи омил репрезентативлигидир. Бу хусусиятга корпус ҳамжмининг катталиги, матнларнинг турли жанрга мансублигини таъминлаш билан эришиб бўлади. Нутқий фаолият, ҳақиқатан ҳам, ранг-баранг, турли шаклларда (оғзаки, ёзма, босма ва ҳ.) намоён бўлади ҳамда нутқий воқеланишларнинг чексизлигини таъминлайди. XX асрнинг 60-йилларида яратилган корпуслар биринчи турга мансуб, улар универсалликка интилган. Чунончи, Браун корпуси шундай корпуслар сирасига киради. Репрезентатив корпус учун танланадиган матнлар 15 турдаги жанр(регистр)ни қамраб олиши, улардан бтадан 80тагача элементар белгиларга кўра танланиши лозим. Матнлар, одатда, қуйидаги жанрларда бўлади:

матбуот: репортаж (1); матбуот: бош мақола (2); матбуот: обзор (3); диний матнлар (4); кўникма, машғулот, хобби (5); илмий-оммабоп адабиёт (6); беллетристика, биография, эссе (7); турли (бошқарув ҳужжатлари, корхона, ташкилот, ишлаб чиқариш ҳисоботи) (8); илмий асар (9); бадиий адабиёт (10); мистика, детектив (11); илмий проза (12); саргузашт, мемуар (13); ишқий романлар (14); ҳажвий асарлар (15).

Иккинчи типдаги корпусларнинг репрезентативлик мезонига тузувчиларни қизиқтирувчи ҳодисани максимал объектив кўрсатиш омили хизмат қилади. Масалан, инглиз мақоллари корпуси инглиз тили эгаси нутқида мақолларнинг максимал қўлланишини маълум давр ҳамда географик регион бўйича кўрсатадиган репрезентативлик ҳолати инглиз сиёсий метафораси корпуси учун бу хусусиятни акс эттиролмайди. Корпуснинг тур, хиллари қанчалик кўп бўлмасин, уларни икки томондан тасниф қилиш керак.

1. Корпусни бутун тилга (одатда, тилнинг маълум даврига), маълум бир тилости (жанр, услуб, маълум бир ижтимоий ёки ёшга оид гуруҳ, ёзувчи ёки олим тили) корпусига қарши қўйиш.

2. Лингвистик тег турига асосан гуруҳлаш. Разметканинг бир қанча кўриниши бўлишига қарамай, жуда кўп корпуслар морфологик, синтактик разметкага эга.

Корпус: ёзма ва оғзаки, бир тилли ва кўп тилли. Мутахассислар нутқ турига кўра корпуснинг ёзма, оғзаки, аралаш шаклини ажратишади [5]. Ёзма корпусда оғзаки нутқ акс эттирилмаган бўлса (Браун корпуси, LOB), оғзаки корпус фақат оғзаки матндан иборат бўлади; аралаш корпус, одатда, тил меъёрлари акси бўлган миллий корпуслардир. Замонавий катта ҳажмли корпуслар, одатда, аралаш: ёзма матн билан бирга оғзаки матнни ҳам қамраб олади. Ҳатто Британия миллий корпуси (BNC) матнларининг 10 фоизи оғзаки матнлар ёзувидан иборат. Тил, асосан, оғзаки шаклда яшайди, унинг ёзма шакли иккиламчи. Шунинг учун оғзаки корпус жуда муҳим, ҳеч бўлмаганда, корпуснинг аралаш тури тил тадқиқи учун мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Махсус оғзаки корпуслардан [4] Лондон Лунд корпуси (London Lund Corpus (LLC, 1975)), Ланкастер (Lancaster/IBM Spoken English Corpus (SEC 1992)) корпусларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Кейингиси 52600 сўз ҳажмида, аудиоёзуви билан бирга CD шаклида фойдаланувчиларга тақдим этилган. Урғу, интонация, тўхтаб жиҳатидан тўлиқ разметкаланган, аммо ижтимоий мавқеи, респондентнинг шаклланиши ҳақида маълумотлар бўлмаганлиги корпуснинг социолингвистикада қўлланишини черагалайди.

Оғзаки американча инглиз тили корпуси (Corpus of Spoken American English (1991)), 1 млн. сўз қўллаш ҳолати, 80 соат овозли ёзув; Map Task Corpus (1991, Глазго университети, Шотландия) 147000 сўз қўллаш ҳолати, 16 соат овозли ёзувдан иборат. Оғзаки корпуслар ёзма корпусга нисбатан кам миқдордаги сўзшаклни қамраб олади. Бу фақат маълумотни йиғишнинг қийинлиги учун эмас, балки просодик тадқиқот учун кам миқдор ҳам етарли саналади. Масалан, интонацияни ўрганиш учун 100.000 сўздан иборат корпус етарли бўлади. Бундай корпуслар монологик, диалогик нутқни ўз ичига олади. Материал йиғиш учун радио, телевидение ёзувлари, социологик, социолингвистик сўров натижаларидан фойдаланилади. Бугунги кунда (XX асрнинг 70-йиллардан фарқли ўлароқ) овозни яширин усулда ёзиб олиш этик меъёрга тўғри келмайди. Одатда, респондент ҳақида атрофлича тўлиқ маълумот (ёзув ўрни, респондентнинг нима билан шуғулланаётганлиги, вақти, сана, иштирокчилар сони,

жинси, ёши, суҳбатнинг фавқулдда (табiiй)лик даражаси, мавзу, иштирокчининг этник мансублиги, асосий (она) тили, касби, ижтимоий мавқеи ва ҳ.) йиғилади. Энг машаққатли иш транскрипциялаш жараёни, бир соатлик овозли ёзувнинг орфографик транскрипцияси, минимал интонацион разметкасини тайёрлаш учун 10 соат вақт керак бўлади. Агар матн TEI (Text Encoding Initiative) асосида тўлиқ разметкаланса, бу ишга 25 соат вақт сарфланиши мумкин. Разметкасиз оғзаки корпус ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, чунки, ҳеч бўлмаганда, бир вақтдаги нутқнинг тўхтаб давомийлиги, урғу ва интонацияси кўрсатилиши лозим. Баъзан матнга изоҳлар ҳам қўшилади. Лондон-Лунд корпуси тўлиқ разметкаси оғзаки корпус разметкалари учун стандарт вазифасини ўтапти. Корпус материали неча тилда берилишига кўра бир ва кўп тилли деб таснифланади [4].

Корпус мутахассиси (асосан, таржимон)ни доим бир неча тилли корпус яратиш қизиқтириб келган. Илк авлод корпуси давридаёқ инглиз, фин, француз, немис, грек, норвег, испан, швед ва бошқа тиллар учун икки тилли корпус пайдо бўла бошлади. Бундай корпус bitexts деб ҳам аталади. Корпусни икки, уч, тўрт, ундан ортиқ тилли қилишга ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Соҳанинг бошқа бир мутахассислари эса параллеллик нуқтаи назаридан корпусни бир, икки, кўп тилли [5] каби турларга бўлишади. Бир тилли корпусда тил варианты, шевалар бир-бирига қарама-қарши қўйилади. Масалан, инглиз тили она тили ва хорижий тил сифатида алоҳида ўрганилади. Янги технологиялар пайдо бўлгунча инглиз тили хорижий тил сифатида ўрганилмай қолганлиги ҳақида фикрлар мавжуд. Икки, кўп тилли корпус бир мавзу доирасида турли тилда ёзилган матндан ташкил топади. Масалан, маълум илмий муаммо борасида бир неча давлатларда турли тилда ўтказилган конференция материалларини қамраб олиши мумкин. Бундай корпуслар, одатда, атама билан ишлайди ҳамда таржимонлар томонидан фойдаланилади. Икки, кўп тилли корпуснинг яна бир кўринишида оригинал матн ҳамда таржима матни мавжуд бўлади. Корпуснинг ушбу тури қиёсий чоғиштирма тадқиқот олиб боришда, таржима назарияси ҳамда компютер таржимасини ўрганишда муҳим, фойдали манба вазифасини бажаради. Икки тилли корпуснинг 2 тури мавжуд [4]:

- 1) бир-бирининг таржимаси бўлган матнли корпус;
- 2) бир мавзуга оид икки тилдаги матнли корпус.

Биринчи типдаги корпус “параллел корпус” (parallel corpora) деб номланиб, маълум бир таржиманинг турли аспектини ўрганиш учун қўлланилади. Бундай корпуслар сирасига Канада парламенти йиғини (инглиз/француз) матнлари корпусини киритиш мумкин. Параллел корпус ўз навбатида яна 2 турга бўлинади. Бу мосланган (aligned), мосланмаган (not aligned) корпусдир. “Мосланган” атамаси корпусда таржима бирликлари орасида бир-бирини тақозо этувчи аниқ алоқа мавжудлигини билдиради. Бундай корпусдан у ёки бу гапнинг қандай таржима қилинганини дарров топамиз. Бу турдаги корпус таржимон учун аҳамиятли, чунки унда ноёб ресурс – “таржима хотира”си (translation memory) мавжуд.

Мосланмаган корпус “қиёсий” корпус деб ҳам аталади. Матнни унинг таржимаси билан тўғрилаш бу унинг таржимада қайси бирликка тўғри келишини кўрсатиб туришдан иборат. Мослаш автоматик равишда ёки қўлда бажарилиши мумкин. Биринчи усул осон, лекин хатолари кўп. Масалан, таржима жараёнида содда гап қўшма гап шаклида берилиши мумкин. Бундай пайтда қайси қурилиш оригинал эканлигини аниқлаш қийин бўлади. Кўп тилли “мосланган” корпус намунаси сифатида Европа Иттифоқининг Acquis Communautaire маълумотлар базасини келтиришимиз мумкин. Параллел корпуснинг қиммати унинг ҳажми, тилларнинг миқдори билан белгиланади. Acquis Communautaire – дунёдаги энг катта параллел корпус. Унинг икки муҳим жиҳати корпусдан фойдаланишнинг бепуллиги, мальти-эстон, словен-фин каби кам учрайдиган тиллар жуфтлигининг мавжудлиги билан баҳоланади. Ушбу корпуслардан қуйидаги мақсадларда фойдаланиш мумкин:

- 1) типик таржима усуллари, трансформацияни юзага келтириш;
- 2) автоматик таржима тизими статистикасини ўрганиш;
- 3) бир ва кўп тилли луғатлар яратиш;

TILSHUNOSLIK

- 4) маълумотни сақлаш, узатиш дастурларини ўрганиш, баҳолаш;
- 5) таржиманинг тўғрилигини автоматик тарзда текшириш;
- 6) эквивалент танлаш имкони кенглиги орқали таржимон меҳнатини осонлаштириш.

Иккинчи хилдаги корпус “таржима корпуслари” (translation corpora) деб аталиб, айна бир фикрнинг турли тилдаги ифодасини ўрганиш учун муҳим. Бундан ташқари, икки тилли корпус тилга оид бир қанча кузатув натижасини (таржима назарияси тадқиқи ёки таржима маҳсулини баҳолаши) бера олганлиги сабабли тилшунослик йўналишини танлаган талаба учун малакавий битирув ишини бажаришнинг жуда фойдали воситаси ҳамдир.

Адабийлик мезонига кўра корпус адабий, диалектал, оғзаки, терминологик ҳамда аралаш каби турларга ажратилади [5]. Оғзаки корпусга Санкт-Петербургда тузилган “Одинь речевой день” корпусини мисол келтириш мумкин. Терминологик корпус – бевосита жонли тил асосида терминлар луғати яратишни мақсад қилган корпус. Жанрига кўра адабий, фольклор, драматургияга хос ҳамда публицистик корпус каби турларга ажратилади [5]. Публицистик корпус сифатида XX аср охири рус тили газета матнлари корпуси*, сиёсий метафоралар корпусларини санаш мумкин. Фойдаланувчи учун энг асосий мезон корпусдан фойдаланиш имконининг эркин ёки чегараланганлиги саналади. Шунга кўра *эркин*, *тижорат* (пуллик) корпуси ҳамда *ёпиқ* корпуслар [5] мавжуд. Эркин фойдаланиш мумкин бўлган корпус on-line режимда хоҳлаган пайтда исталган матннинг тўлиқ шакли билан ишлаш имконини беради. Баъзан эркин корпус ҳам корпус маълумотларининг маълум қисмидангина фойдаланиш билан чегараланган бўлади. *Тижорат корпуси* (пуллик корпус)дан фойдаланиш on-line режимда ишлаш рухсатномасини талаб қилади ёки фойдаланувчи корпуснинг диск вариантини сотиб олиши ҳам мумкин. Корпусни олишдан олдин корпус аннотацияси билан танишиш, ҳатто синов вариантда корпуснинг маълум қисми билан ишлаб кўриш мумкин. Ёпиқ корпуслар ўзига хос тор (хусусий) мақсадда тузилади ва улар оммавий фойдаланишга мўлжалланмайди.

Мақсадига кўра корпуснинг *тадқиқот*, *тавсифий* ёки *иллюстратив* [5] каби кўринишлари мавжуд. Тадқиқий корпус тил ҳаракати (мавжудлиги)нинг турли аспектини ўрганиш мақсадида тузилади. Корпуснинг бу типи кенг миқёсдаги лингвистик топшириқларни бажаришга мўлжалланган. Иллюстратив корпус тадқиқот натижаси сифатида пайдо бўлади, унинг вазифаси фақат янги фактларни топиш эмас, балки у ёки бу тилга оид фактни аввалроқ бошқа усулда топилган мисолларни далиллашнинг лингвистик манбаи сифатида хизмат қилади. Иллюстратив корпуснинг типик намунаси маълум бир сўзнинг аниқ матндаги маъносини изоҳлашга мўлжалланган “Путеводитель по дискурсивным словам русского языка” корпусидир.

Корпусга қўшимча изоҳ мавжудлигига кўра қўшимча изоҳли (разметкаланган), изоҳсиз (разметкаланмаган) турлари фарқланади. Корпуснинг бундай таснифланиши яна бошқа атамалар (масалан, индексланган, индексланмаган, аннотацияланган, аннотацияланмаган, рус тилида таггированные и нетаггированные** кабилар) билан ҳам номланади. Тегланган корпусда тег характеридан келиб чиққан ҳолда сўз ҳамда гапга морфологик, синтактик, семантик, просодик ва ҳ. изоҳ (корпус тили билан *тег*) қўшилган бўлади.

Корпус таркибининг тўлдириб борилишига кўра *турғун ва динамик* (ўзгарувчан) корпус тури мавжуд [4]. Дастлабки корпуслар тилнинг турғун ҳолати акси, тилнинг маълум бир даврини қамраб олган. Нисбатан аҳамиятли замонавий корпус саналган Британия миллий корпуси (BNC) ҳам турғун корпусдир. Бундай корпуснинг типик намунаси авторлик корпуси, яъни бир ёзувчи асарлари йиғиндиси саналади. Баъзи лингвистик амалларни бажариш учун (масалан, сўз частотасини аниқлаш) турғун корпус талабга жавоб беролмай қолади. Чунки фақат чегараланган давр қамраб олинган бўлади [5]. Шу эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда кейинчалик тўлдириб бориладиган динамик (мониторинг) корпус ҳам пайдо бўла бошлади. Динамик корпуснинг мақсади доимий равишда компьютер хотирасини матн билан тўлдириб, корпусни бойитиб бориш, асосий белгиси эса янгиланиш, тўлдирилиб борилишидир. Бу

корпус лексикография ривожии учун хизмат қилади, чунки тил доимий ҳаракатда, сўзлар янги-янги маънолар касб этиши, неологизм, архаизм, историзмларнинг пайдо бўлишини кузатиб бориш имконини беради. Динамик корпус катта даврнинг ёзма манбаларини акс эттириб, улар турли диахроник тадқиқотларни бажаришга мўлжалланган. Бунга Cobuild Project корпуси мисол бўла олади. Бундай корпуслар “очиқ корпус” деб аталади ва уларнинг камчилиги шундаки, ҳар доим ҳам тилни бир хилда (адекват ҳолатда) акс эттиролмайди, матн танлашнинг аниқ бир мезонига амал қилмайди.

Яратилиш мақсадига кўра универсал, махсус корпус кўриниши ҳам мавжуд. Универсал корпус, одатда, турли жанрдаги матнларни қамраб олади. Кўпинча, миллий корпуслар шундай корпус сирасига киради.

Матн ҳажмига кўра тўлиқ матнли ёки лавҳали (фрагмент матнли) корпуслар бор. Браун, Ланкастер-Осло-Берген корпусига қўйилган дастлабки талаб қатъий равишда ҳар бири 2000 сўздан (сўз қўллаш ҳолати) иборат матнлардан тузилиши лозим эди. Табиийки, бу мезонга қатъий амал қилувчи корпус йўқ. Шундай экан, бу корпуслар фрагмент, яъни лавҳа матнли ҳисобланади. Тўлиқ матнли корпусга маълум муаллиф асарлари корпуси, қисқа матнлар корпусини мисол келтириш мумкин. Газета сарлавҳалари корпуси ҳам шунга мисол бўлади.

Овозли корпус [6] намунаси сифатида Рус тили миллий корпуси таркибидаги оғзаки нутқ корпусини санаб ўтиш жоиз [7]. Бу корпус мультимедиали, диалектал, бадиий, акцентологик корпуслар каби миллий корпус таркибидан жой олган. Шу билан бирга, Санкт-Петербург давлат университети филология факультети филологик тадқиқотлар институти томонидан ишлаб чиқилган оғзаки корпус ҳам шундай корпус намунасидир. “Бир кунлик нутқ” деб номланувчи бу корпус – предмети кундалик сўзлашув нутқи, у тил эгасининг кундалик мулоқотдаги жонли тилини ўрганади. Бошқа овозли корпуслардан асосий фарқи жонли нутқдан ёзиб олинганлиги, у лаборатор ёки бошқа махсус шароитда ёзиб олинган нутқдан фарқ қилади. Санкт-Петербургда яшовчи турли ёш, ижтимоий қатламга мансуб аҳолидан (30 киши) иборат информантлар гуруҳи танлаб олинган, улар бир кун давомида диктофон билан юришга розилик берган, шундай табиий шароитда уларнинг кундалик мулоқот нутқи ёзиб олинган. Информант овоз ёзиш жараёни борасида йўриқнома билан таништирилган, психологик тест, ижтимоий сўровномадан ўтказилган. Информантлар билан бирга кун давомида мулоқотда бўлган шахс (қариндош, дўст, ҳамкасб, таниш, нотаниш) нутқи ҳам киритилган, натижада, корпус ҳар хил ёшдаги шахс, турли соҳа вакиллари нутқини қамраб олган. Овозли ёзув 500 соатни ташкил этади (2013 йил ҳолатида). Бундай овозли корпус ёзиб олинган материалнинг лингвистик динамикасини ўрганиш имконини беради. Жумладан,

- 1) стандарт статистик метод асосида миқдорий ўзгаришларни ўрганиш;
- 2) лексик, грамматик қатор частотаси, синтактик структура, у ёки бу акустик ҳодиса, просодик контурнинг семантика, суҳбат мавзуини сутканинг маълум қисми, мулоқот шароити билан боғлиқ ҳолатни таҳлил қилиш;
- 3) шахс касбининг маиший ҳаётига таъсирини таҳлил қилиш;
- 4) тил ташувчисининг табиий нутқ жараёнидаги ўртача артикуляцион темпи ҳақида маълумот олиш каби ҳодисалар тадқиқи учун характерлидир.

Мультимодал корпус [6] мулоқот иштирокчиси видеоёзувини ҳам ўз ичига олган. Мимика, кўл, кўз, қош ҳаракати ва ҳ. белгилар асосида разметкаланган. Корпус ўзаро эмоционал стратегия, ихтилоф, мулоқот одоби, нутқий тўхтаб, бошқа ҳодисаларни ўрганиш воситаси бўлиши мумкин. Мижоз билан ишлайдиган ходим учун ўрганиш материали, мультипликатор ҳамда режиссёр учун эмоционал реакция маълумотлар базаси сифатида хизмат қилади. Рус тили эмоционал корпуси (РЭС) *** шундай корпус намунаси. Иркутск Давлат тилшунослик университетида Таълимий мультимодал корпус (УМКО) тузиш давом этмоқда. Бу корпус материали рус, хитой тили ташувчиси, иккинчи тили сифатида ишлатувчи шахсларнинг маълум мавзу борасида олдиндан тайёрланмаган таълимий диалоглари видеоёзувдир. Корпус ELAN дастури асосида разметкаланган, параллел корпус шаклини олган, диалоглар маъновий гуруҳларга

TILSHUNOSLIK

бўлинган ҳолда жойлаштирилган. Масалан, рус тили эгаси нутқи билан рус тилини ўрганаётган хитой тили вакили нутқи айна бир мавзудаги диалог (“Танишув”, “Аэропортдаги регистрацияда”) асосида қиёсланади. Ушбу корпус биринчи навбатда лингводидактик мақсадни, хусусан, типик хатоларни топиш, машғулотлар давомида шу хатоларни нутқдан четлаштириш йўлини излаш ҳамда талабанинг мустақил ишига кўмаклашишни кўзлайди. Юқоридаги корпус намунаси мультимедиали корпус асосида имо-ишора, қўшимча эмоционал ҳолатларнинг (оғзаки) нутққа таъсирини ўрганиш воситаси эканлигини кўрсатади.

Махсус матнлар корпуси. Махсус матнлар корпуси [6] – балансга келтирилган корпус, у ҳажман у қадар катта бўлмаган, алоҳида тадқиқий топшириққа хизмат қилувчи, маълум мақсадни кўзлаган, тузувчи режасига мувофиқ тайёрланган. Санкт-Петербург инглиз тилини ўрганувчи (SPbEFLLC) мактаб ўқувчиларининг таълимий матнлари корпуси шундай корпуслар сирасига киради. А.И.Герцен номидаги педагогика университети амалий тилшунослик кафедраси томонидан яратилган бу корпусни тузишдан асосий мақсад рус ўқувчисига энг кўп қизиқиш уйғотган инглиз матнларининг ўзига хослигини ўрганиш эди. Корпус учун материал вазифасини ўтаган бундай матнларнинг асл нусхаси Санкт-Петербург мактабларида 2007 йил ноябрь-декабрь ойларида йиғилган. Ушбу матнларнинг муаллифи 911та синфнинг олдиндан махсус тестдан ўтказилган инглиз тилини билиш даражаси ўрта (intermediate (26%)), ўртадан юқори (upper-intermediate (74%)) сифатида баҳоланган 78 нафар ўқувчи бўлди. Корпус ҳажми 50.000 сўз миқдориди. Корпус базасига асосланган тадқиқот шуни кўрсатдики, инглиз тили хорижий тил сифатида (English as a Foreign Language) эгалланган шахс нутқида содда матн, гап тузилиши ҳамда қолипи кенг қўлланилади. Бу EFL (English as a Foreign Language) грамматикаси инглиз адабий тили грамматикаси билан айнан бир хил структурага эга эмаслигини кўрсатади.

Тузиш жараёни анча мураккаб ҳисобланган корпуслардан бири Санкт-Петербург XV–XVII аср агиографик матнлари корпуси (СКАТ) **** каби тарихий корпусдир. СКАТ – Санкт-Петербург филология факультети математик лингвистика кафедраси томонидан тузилган қадимги рус агиографик адабий ёдгорликлари матни электрон корпуси. Агиографик асарлар***** тили кўп жиҳатдан XV–XVII аср рус адабий тили характери, тақдирини белгилаб берган эди. Бу тилни акс эттиришнинг бирламчи вазифаси ўша давр турмушига оид рус матнлари корпусини тузишдир. Натижада, катта географик территорияда турли даврда асос солинган рус агиографик ёдгорликлари тили намоён бўлади. 2011 йилда корпус ҳажми 500.000 сўзни ташкил этган эди. Махсус корпусга бўлган эҳтиёж миллий корпусдан қолишмайди. Хоҳлаган махсус корпус аниқ бир соҳа ёки ёндош соҳани (кемасозлик, металлургия, экология, навигация ва ҳ.) ўрганиш учун қўлланиши табиий. Чунки бу корпус мутахассисга атамани конкрет профессионал кўршовда, у ёки бу муаллиф шу атама остида нимани назарда тутганлигини кузатиш имконини беради. Махсус корпуслар сирасида Рус тилининг Регенбург диахрон корпуси (қадимги рус матнлари), Қадимги Рус ёзма ёдгорликлари корпуси (қўлёзма китоблар, солнома, қайин пўстлоғига ёзилган қадимги рус ёдгорликлари), “Слово о полку Игореве” параллел корпуси, “Манускрипт” рус электрон мерос корпусларини санаш мумкин.

Рудакий корпуси***** мисолида корпуснинг бошқа бир кўриниши ҳақида фикр юритамиз. Тожикстон Республикаси Фанлар академияси Информацион ва коммуникацион технологиялар маркази Ахборот ва коммуникацион технологиялари мактаби ҳамкорлигида Тожик тили миллий корпуси яратилган. Корпус таркибида энг машҳур форс тожик адабиёти намояндалари Рудакий, Фирдавсий, Умар Хайём, Ҳофиз, Румий ижоди корпуси, замонавий адабиётнинг турли жанрлари, тожик радио ва телевидениеси орқали эфирга узатилган материал матни; турли газета, журнал, информацион бюллетень материаллари, илмий, илмий-оммабоп, ишлаб чиқаришга оид расмий-административ, юридик матнлар, тожик тилининг изоҳли, таржима луғатлари матнлари, ижтимоий аҳамиятга эга матнлар(ёзишма, мулоқот)дан таркиб топган. Ушбу корпус таркибидаги икки корпус алоҳида эътиборга молик.

Форс-тожик мумтоз адабиёти асосчиси Абу Абдулло Рудакий меросини яхлит кўринишда тўплаш, рудакийшуносликни ривожлантириш ҳамда янги тадқиқотлар олиб бориш учун қулайлик яратиш мақсадида шоир таваллудининг 1150 йиллигига тайёргарлик жараёнида Рудакий корпусига асос солинди. Корпус асосини буюк шоирнинг асарлари матни ташкил этган. Замонавий ахборот технологиялари ёрдамида Рудакий ғазаллари матни бўйича бир нечта луғат тузилган. Частотали луғат, камайиш, ортиб бориш алифбо частотали луғати, Рудакий ижоди матнлари терс луғатлари шулар жумласидан. Корпус таркибига Рудакий ижодий меросининг барча намуналари, библиографияси, Рудакий ҳаёти, ижодига бағишланган асарлар, шоир ижоди турли аспекти тадқиқи натижалари ҳам корпусдан ўрин олган. Рудакий шеърлари, улар асосидаги кўшиқлар аудио, видео ёзувлари ҳам тўпланган ва корпус шу жиҳатдан доим тўлдириб борилади. Бундай самарали меҳнат натижаси ўлароқ бутун дунёда Рудакий шеърляти мухлислари унинг нодир ижодий мероси билан тўлиқ, эркин танишиш имконига эга бўлишди. Ҳатто корпусга рудакийшунослик видео дарслари серияси ҳам киритилди. Қизиғи шундаки, ушбу корпусни ташкил этишда Ахборот ва коммуникацион технологиялари мактаби 12-18 ёшли аъзоларидан иборат ёшлар қатлами қизгин фаоллик кўрсатишган. Ушбу корпус электрон кутубхона шаклида фаолият кўрсатади, разметкаланмаган. Шундай бўлса ҳам, айтиб бериш керакки, шу соҳадаги илмий тадқиқотларни ўрганиш мақсадида фойдаланиш учун жуда қулай ахборот манбаи ҳисобланади.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, XXI асрда жаҳон тилшунос, адабиётшунослари, ўқитувчи ва компьютер лингвистикаси мутахассислари тил корпусларининг мақсад ва вазифасига кўра кўплаб турларидан фойдаланишмоқда. Махсус корпус, бир тилли ва кўп тилли корпус, параллел корпус, оғзаки матнлар корпуси, мультимодал корпус ҳамда муаллифлик корпуслари шулар жумласидан. Корпуснинг ўзгарувчанлигига кўра турғун ва динамик тури фарқланиб, муаллифлик корпуси *турғун корпус*, тўлиқ, фрагмент кўриниши бўйича *тўлиқ матнли корпус* сирасига киради. Чунки муаллифлик корпуси, миллий корпусда бўлганидек, доимий янгилаб боришни талаб қилмайди; у бир марта тузилади, тўлдириб, тузатиб боришга эҳтиёж қолмайди. Тўлиқ матнли корпус сифатида эътироф этилишига сабаб муаллифлик корпусида бир муаллиф ижоди тўлиқ қамраб олинади, яъни ижодий меросининг (асар матни тўлиқ олинади) барчаси киритилади. Нутқ турига кўра *ёзма*, параллеллигига кўра *бир тилли*, матннинг ихтисослашувига кўра *аралаш* (чунки бир муаллифнинг барча жанрдаги асари киритилади), кириш усулига кўра (корпус тузувчисининг ихтиёрига қараб) ҳар хил: *пуллик*, *эркин*, *ёпиқ* бўлиши мумкин. Изоҳ хусусиятига кўра *морфологик*, *синтактик*, *семантик*, матн ҳажмига кўра *тўлиқ матнли*, хронологик жиҳатига кўра *диахрон*, умумийлигига (тузувчилар сонига) кўра *якка*, *умумий муаллифли* корпус сифатида қаралади.

* <http://www.philol.msu.ru/~lex/corpus>

** Инглизча tag (изоҳ) сўзидан олинган.

*** <http://www.harpiya.ru/rec>

**** <http://project.phil.pu.ru/skat>.

***** Агиография (грек. ἁγιος “муқаддас” ва ὑράφω “ёзаман”) – диний ва тарихий-черков муқаддас ёдгорликларини ўрганувчи мустақил фан соҳаси, диний турмуш тарзи лингвистик, диний-тарихий, тарихий, ижтимоий-маданий ва адабий нуқтаи назардан ўрганилади.

***** <http://termcom.tj>.

АДАБИЁТЛАР

1. Корпусная лингвистика. Статья в интернет-энциклопедии Википедия. <http://wikipedia.org/wiki/>
2. Захаров В.П. Корпусная лингвистика. Учебно-методическое пособие. – Санкт-Петербург, 2005. – 48 с.
3. Корпусная лингвистика. Институт лингвистических исследований РАН, 2008 (электрон ресурс).

TILSHUNOSLIK

4. Курс “Корпусная лингвистика” (А.Б. Кутузов) Лицензия Creative commons Attribution Share-Alike 3.0 Unported (Электрон ресурс) - //lab314.brsu.by/kmp-lite/kmp-video/CL/CorporeLingva.pdf
5. **Захаров В.П., Богданова С.Ю.** Корпусная лингвистика. – Иркутск: ИГЛУ, 2011. – Б. 29.
6. **Захаров В.П.** Корпусная лингвистика в России. Cross Lingua'2014 < 27 – 30. 05.14 < Crimea, Simferopol – Alushta.
7. <http://ruscorpore.ru/sbornik2008/07.pdf>
8. <http://www.harpiya.ru/rec>
9. <http://project.phil.pu.ru/skat>.
10. <http://termcom.tj>.

УДК: 81`1:81`373.46[512.133/133.1]

VALEURS DE LA TERMINOLOGIE DANS LA LINGUISTIQUE

ЗНАЧЕНИЕ ТЕРМИНОЛОГИИ В ЛИНГВИСТИКЕ

ТИЛШУНОСЛИҚДА ТЕРМИНОЛОГИЯНИНГ АҲАМИЯТИ

Kuldashova Navbakhor Bobokulovna

Universite d'Etat de Boukhara, professeur de la chaire franco-allemand

Xamidova Muborak Xafizovna

Universite d'Etat de Boukhara, professeur de la chaire franco-allemand

Таянч сўзлар: термин, терминология, концептуал, таржима, луғат, неологизм, концепт, фрейм.

Ключевые слово: термин, терминология, концептуал, перевод, неологизм, концепт, фрейм.

Mots clé: terme, terminologie, conceptuel, traduction, neologisme, concept, frame.

Мазкур мақолада терминология сўзи ва унинг келиб чиқиш тарихи ҳамда унинг тилшуносликдаги ўрни, хусусиятлари таҳлил қилинади. Шунингдек, терминологияга доир олимларнинг назарий қарашлари ҳақида фикр юритилади.

В данной статье анализируются история возникновения слова терминология, её место в лингвистике и особенности. Также рассматриваются теоретические взгляды учёных касательно терминологии.

Dans cette article on analyse la terminologie qui est l'ensemble des activités théoriques et pratiques portant sur les systèmes de notions et leurs désignations au moyen de noms organisés en système

Dans la science linguistique moderne de la sémantique problèmes deviennent primordiales dans le cadre de la justification de la nécessité du fonctionnement d'unités de parole dans le processus de communication.

Selon les decrets de notre République de l'Ouzbékistan №1875 [1, 2012] étrangères et №2909 [2, 2017] sur les mesures pour la poursuite du développement du système d'enseignement supérieur des langues étrangères se développent dans le pays jour en jour, visant à perfectionner le système d'enseignement, l'apprentissage des langues.

Quand on parle de la richesse de n'importe quelle langue, tout d'abord on entend par cela la diversité des procédés expressifs, la terminologie et bien sur des termes spécialisés que cette langue possède. Grâce à ces procédés la langue devient plus imagée, plus forte, flexible, pleine d'émotion, capable de rendre toutes les nuances de la pensée humaine.

Dans la linguistique mondiale, l'étude de la richesse culturelle et spirituelle des peuples du monde a une valeur scientifique et pratique; la comparaison mutuelle permet de l'apprécier profondément [3,10, 2017].

Dans chaque langue la terminologie où les termes jouent un grand rôle de la formation, de la structure etc.

Une langue n'est pas une entité figée, fixée une fois pour toutes: sans cesse des mots disparaissent, meurent, des mots nouveaux apparaissent le monde change, et le lexique évolue.

Pour désigner les réalités nouvelles, le français, comme toutes les autres langues, s'enrichit de nouveaux mots-les néologismes-qui sont créés à partir du français ou empruntés aux langues étrangères.

Dans la langue courante, cette création est en quelque sorte spontanée, l'inventivité des jeunes, des journalistes, sans parler des écrivains et poètes... se déploie dans la plus grande liberté. Il suffit de penser à tous ces mots nouveaux, gouvernance, altermondialisme, écocitoyen, slam) que l'on entend dans les médias, que l'on voit dans les journaux. Tantôt ils passent de mode rapidement, tantôt ils s'implantent durablement dans l'usage, et dans les dictionnaires.

Dans les domaines techniques et scientifiques, les données sont différentes et d'une toute autre ampleur: pour exprimer des notions souvent très complexes, les professionnels emploient dans leur domaine d'activité particulier des mots ou des expressions très précis, des termes, qui se dénombrent en centaines de milliers (par comparaison, un dictionnaire de langue générale.

Avant même de parler de terminologie, il faut parler de langue de spécialité. En effet, dans chaque domaine du savoir on utilise des termes bien particuliers, qui renvoient à des réalités bien définies dans ces domaines, et qu'on ne peut pas confondre avec les mêmes mots où bien homonymes utilisés dans d'autres domaines.

Le mot terminologie désigne aussi une activité, l'«art de repérer, d'analyser et, au besoin, de créer le vocabulaire pour une technique donnée, dans une situation concrète de fonctionnement, de façon à répondre aux besoins d'expression de l'utilisateur» de produire les termes et définitions pour désigner les notions et réalités d'un domaine.

La terminologie est loin d'être une discipline nouvelle. On peut même retracer ses origines à l'antiquité grecque. Mais on peut dater son développement du début de ce siècle, où, en 1906, la commission électrotechnique internationale commence le développement de son vocabulaire.

La terminologie concerne en premier lieu le vocabulaire des langues de spécialité (vocabulaire spécialisé) ; c'est également la science qui étudie, d'une part, les notions et leurs dénominations dans le cadre des vocabulaires spécialisés (étude théorique) et, d'autre part, les méthodes propres au travail terminologique [4, 1990].

La terminologie est l'ensemble des activités théoriques et pratiques portant sur les systèmes de notions et leurs désignations au moyen de noms organisés en système [5, 87].

Selon Felber, la terminologie l'ensemble des méthodes de collecte et de classement des termes, de création néologique, de normalisation des termes, de diffusion des termes.

Sur le plan scientifique et technique, la terminologie se trouve aujourd'hui au confluent de toutes les disciplines liées à la communication : traduction, rédaction technique, mais aussi technologies de l'information et traitement automatisé du langage.

La terminologie (ou terminographie) s'applique aux langages spécialisés comme la lexicographie touche à la langue générale. Une notion, une définition, un terme : c'est le principe d'élaboration de toute terminologie ; chaque notion nouvelle doit être définie avec précision et désignée par un terme, le plus adapté, le plus parlant, le plus clair possible. Elle est proche de la traduction, se fondant sur le sens d'une notion pour donner des termes équivalents d'une langue à l'autre.

La terminologie est une discipline qui a pour objet l'étude théorique des dénominations des objets ou des concepts utilisés par tel ou tel domaine du savoir, le fonctionnement dans la langue des unités terminologiques, ainsi que les problèmes de traduction, de classement et de documentation qui se posent à leur sujet [7]. On appelle également terminologie l'ensemble des termes, rigoureusement définis, qui sont spécifiques d'une science, d'une technique, d'un domaine particulier de l'activité humaine.

La terminologie est l'art de repérer, d'analyser et, au besoin, de créer le vocabulaire pour une technique donnée, dans une situation concrète de fonctionnement de façon à répondre aux besoins de l'utilisateur [8, 79].

TILSHUNOSLIK

Donc, la terminologie est la discipline qui traite des vocabulaires scientifiques ou techniques. Elle a pour but d'étudier la façon dont les sciences et les techniques désignent objets et phénomènes. La terminologie désigne aussi le repérage, la mise en forme et la gestion des termes, notamment sous la forme de dictionnaires et de bases de données. Dans cette visée pratique, elle est dite terminographie (traitement et analyse des termes). Cette distinction rejoint celle qui existe entre lexicologie (études des unités d'une langue) et lexicographie (traitement et analyse de ces unités). Enfin, terminologie signifie «ensemble de termes» (par exemple la terminologie de la médecine, de la chimie). Terminologie n'a que depuis peu un sens véritablement reconnu. Ainsi Littré indique dans son dictionnaire : « Cette prétendue science n'est qu'une vaine terminologie » (1873). De fait, le mot *terminologie*, dont la création dans les langues européennes remonte à la fin du XVIII^e siècle, n'entre dans l'usage avec un sens positif qu'au milieu du XX^e siècle.

Cette démarche de désignation des objets et des phénomènes a une longue histoire. Les premiers recueils de termes – d'où naît l'écriture – sont principalement des inventaires : décomptes de bijoux, pierres précieuses, outils, etc., et concernent notamment l'Égypte, la Mésopotamie, l'Inde, la civilisation minoenne. La réflexion sur le rapport entre le nom et la chose est approfondie par les philosophes grecs, notamment Platon (*Cratyle*) et Aristote (*Organon*). Elle est une des constantes des courants philosophiques, des stoïciens aux médiévistes, jusqu'à l'époque moderne et contemporaine.

La terminologie se retrouve également dans la rédaction technique, la rédaction de documentation et de manuels d'emploi, la traduction automatique puis dans tout ce qu'on appelle aujourd'hui l'ingénierie de la connaissance et les ontologies.

L'ontologie peut concerner tout ce qu'une entreprise gère comme objets : un produit, un composant, un service de l'entreprise, une unité de mesure ou une unité monétaire. A l'heure de la mondialisation, les entreprises sont souvent constituées de multiples structures éparpillées dans le monde avec de multiples activités. Il faut donc s'assurer que chacun met les mêmes choses derrière les mêmes termes.

La terminologie est en effet au confluent de plusieurs disciplines qui se rencontrent et c'est ce qui fait la richesse aujourd'hui de la terminologie. C'est vrai que des unités terminologiques sont d'ordre linguistique. C'est vrai aussi que la terminologie traite de concepts, puisque, pour éviter le piège des langues, on essaie d'avoir un dénominateur commun qui sert de pivot entre toutes les langues.

La terminologie est parfois théorique et essaie de prendre à chaque discipline ce qui lui bénéficie. Je pense que toutes les études actuelles sont le symptôme d'une fabrication d'une théorie de la terminologie, qui dépasse toute théorie linguistique.

On peut simplifier les choses en parlant de l'objet, du but et des usagers de la terminologie.

Son objet est le système notionnel d'un domaine, tel qu'il est représenté par le vocabulaire technique, la langue de spécialité et non pas la langue générale, en situation, c'est-à-dire réel, effectivement prononcé, utilisé, et non pas idéal, littéraire, comme souvent dans les dictionnaires.

Son but est de répondre aux besoins des usagers.

Ses usagers sont, en particulier :

- des traducteurs qui ne trouvent pas les termes ou leurs équivalents dans leurs dictionnaires techniques, des rédacteurs techniques, qui ont le même problème que les traducteurs. La différence est qu'il font de la traduction intralinguistique, en réécrivant des documents très techniques pour un autre type de public. Ils doivent être d'autant plus conscients des problèmes de niveau de langue, et de connaissances disponibles chez le public.

- des documentalistes, qui ont besoin de désigner les notions pour les organiser en thésaurus et pour en extraire des descripteurs ou mots-clés,

- des enseignants de langues de spécialités,

- des techniciens, qui ont besoin de point de repères, et parfois, de s'exprimer dans une autre langue.

C'est enfin une discipline linguistique qui étudie les concepts spécialisés et les termes qui les désignent en langue de spécialité.

Et encore et peut compter des différents types de produits terminologiques:

dictionnaire: répertoire d'unités lexicales qui contient des informations de nature sémantique, notionnelle, référentielle, grammaticale ou phonétique.

glossaire: répertoire qui définit ou explique des termes anciens, rares ou mal connus.

lexique: répertoire qui inventorie des termes accompagnés de leurs équivalents dans une ou plusieurs autres langues, et qui ne comporte pas de définitions.

nomenclature: répertoire de termes présentant des relations notionnelles fortement structurés et correspondant à des règles systématiques de dénomination.

thésaurus: langage documentaire fondé sur une structuration hiérarchisée d'un ou plusieurs domaines de la connaissance et dans lequel les notions sont représentées par des termes d'une ou plusieurs langues naturelles et les relations entre notions par des signes conventionnels.

vocabulaire: Répertoire qui inventorie les termes d'un domaine et qui décrit les notions désignées par ces termes au moyen de définitions ou d'illustrations.

Donc, la terminologie est consacrée au vocabulaire scientifique et technique et à leur mise en forme dans les discours techniques. L'idée est d'essayer de gérer, d'ordonner, de traiter des masses d'unités terminologiques. On essaie de viser une cohérence de ces vocabulaires, de se retrouver notamment dans les synonymes ou dans les définitions. On définit les concepts pour parvenir, d'une langue à l'autre, à décrire les mêmes choses avec des termes dont on est sûr qu'ils décrivent les mêmes objets.

La théorie de la terminologie est prise entre deux postulats : d'une part une terminologie conceptuelle fabriquée dans l'absolu par les terminologues et d'autre part une terminologie contextuelle qu'on observe quand on exploite les textes de façon automatisée. Une des perspectives sera donc certainement de rapprocher terminologie conceptuelle et terminologie contextuelle.

Alors, aujourd'hui la terminologie est au cœur de plusieurs disciplines, notamment les disciplines documentaires.

BIBLIOGRAPHIE

1. Décret №1875. Premier président de la République d'Ouzbékistan Islam Karimov a signé un décret visant à perfectionner le système d'enseignement des langues étrangères dans le pays. (10 décembre, 2012).
2. Décret №2909. Le Président de la République d'Ouzbékistan Chavkat Mirziyoyev, sur les mesures pour la poursuite du développement du système d'enseignement supérieur (20 avril, 2017).
3. **Jurayeva M.M.** Filol. fan. dok. diss. avtoref. – T., 2017. – B.10.
4. CST : Recommandations relatives à la Terminologie, 1990.
5. Grand Robert, 87.
6. Terminologie, dictionnaire Larousse.
7. Rondeau 79.

УДК: 802.0-16

НУТҚИЙ ФАОЛИЯТ ФЕЪЛЛАРИ КОММУНИКАТИВ ВОСИТА СИФАТИДА

РЕЧЕВЫЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ГЛАГОЛОВ В КАЧЕСТВЕ КОММУНИКАТИВНОЙ СРЕДСТВЕ

THE VERBS OF SPEECH FUNCTION AS A COMMUNICATION DEVICE

Холматова Вазира Нарзуллаевна

ҚарМИИ хорижий тиллар кафедраси ўқитувчиси, тадқиқотчи

TILSHUNOSLIK

Таянч сўзлар: коммуникатив, нутқий фаолият, констатив нутқий акт, прагматик мазмун, перформатив феъллар, нутқий ҳаракат, нутқий тузилма, нутқий бирликлар, модал операторлар, пропозиция.

Ключевые слова: коммуникативные, речевая артикуляция, константивный речевой акт, прагматический смысл, перформативные глаголы, речевая деятельность, речевая структура, речевые единица, модальные операторы, пропозиция.

Key words: communicative, speech activity, constative speech action, pragmatic meaning, performative verbs, speech operation, speech construction, speech units, modal operators, proposition.

Коммуникатив операторларнинг қўлланиши адресатнинг тафаккур фаолиятига таъсир ўтказиш ва шу йўсинда унинг диққатини жалб қилишга қаратилади. Мазкур воситаларнинг фарқли жиҳати уларнинг фаол таъсир вазифасини бажаришидадир. Аммо коммуникатив операторлар учрайдиган гапларда таъсир кучи нафақат адресатга, балки узатилаётган ахборот мазмунига ҳам йўналтирилган бўлади. Модал оператор тингловчига сўзловчининг пропозициянинг ҳақиқийлиги ҳақидаги фикрини етказса, коммуникатив оператор эса тингловчининг ўзини баҳо бериш ҳаракатига ундайди.

Констатив нутқий актнинг мазмунидаги таъкид, қатъийликни ифодаловчи операторлар жумласига нутқий фаолият феъллари ҳам киритилиб келинади. Перформатив феъллар, ҳақиқатдан ҳам, тингловчига ахборотнинг муҳимлиги ҳақида хабар берадилар.

*Нутқий фаолият перформатив феъллари бажараётган вазифаси, замон ва модал вариативлигига нисбатан семантик жиҳатдан ўзаро фарқланадилар. Бундан ташқари, улар констатив нутқий актларида ўзига хос вазифа бажаришлари мумкин. Ушбу феълларни шартли равишда уч гуруҳга ажратиб ўрганиш маъқулдир: а) тасдиқ маъносига *say, tell, declare, state, constate*; б) ваъда ва кафолат феъллари бўлган *promise, guarantee, swear* гуруҳи; в) ишонтириш мазмунидаги *assure, insist*. Олиб борган кузатувларимиз перформатив феълларнинг икки асосий вазифани бажаришидан гувоҳлик беради: фатик (суҳбатдошлар ўртасида алоқа ўрнатиш) ва прагматик вазифалар.*

Использование операторов связи направлено на то, чтобы повлиять на умственную деятельность адресата и привлечь его внимания. Отличительной чертой этих связей является их активная роль. Однако в предложениях с коммуникативными операторами сила связи влияния направлена не только на адресата, но и на содержание передаваемой информации. Модальный оператор отвечает слушателю, передавая говорящему о действительности предложения, в то время как коммуникативный оператор заставляет слушателя вести самооценку. В содержание констативных актов речи выражающие требование также входит глаголы выражения строгости. Перформативные глаголы фактически информируют слушателя о важности информации.

*Глаголы речевых перформативных действий различаются между собой с точки зрения функции, временной и модальной изменчивости. Кроме того, они могут выполнять конкретные задачи в констативных речевых актах. Желательно изучать эти глаголы разделив на три группы: а) в значении подтверждения *say, tell, declare, state, constate*; б) глаголы со значением обещания и гарантии *promise, guarantee, swear* гуруҳи; в) с содержанием убеждения *assure, insist*. Наши наблюдения свидетельствуют о том, что перформативные глаголы имеют две основные функции: фатические (взаимодействие с собеседниками) и прагматические задачи.*

The usage of communication operators is directed to exert an effect on the addressee's thinking process and this way to draw his attention. Characteristic aspect of these devices is in that they accomplish the task of active effect. But in the sentences having communicative operators the power of effect is directed not only to the addressee but also to the content of the reported information. While a modal operator delivers the reality of the idea of the

speaker's proposition to the listener, and a communicative operator appeals the listener to the action of estimating himself.

The verbs of speech activity also enter the line of operators expressing precision, emphasis in the meaning of constative speech action. Performative verbs, in fact, report about the importance of information to the listener.

Performative verbs of speech activity mutually differ according to their semantic features of their function, tense and modal variety. Besides that, they can accomplish peculiar function in their constative speech action. It would be advisable to study these verbs conventionally dividing them into three groups: a) a group of verbs with the meaning of affirmation as say, tell, declare, state, constate; b) verbs with the meaning of promise and guarantee as promise, guarantee, swear; c) verbs with the meaning of persuasion as assure, insist. Our research shows that performative verbs accomplish two main functions: fatigue (to establish communication between interlocutors) and pragmatic.

Кириш. Констатив нутқий актининг мазмунидаги таъкид, қатъийликни ифодаловчи операторлар жумласига нутқий фаолият феъллари ҳам киритилиб келинади [1,355]. Перформатив феъллар, ҳақиқатдан ҳам, тингловчига ахборотнинг муҳимлиги ҳақида хабар берадилар [2,155]. Ушбу гуруҳдаги феъллар нутқий ҳаракат иллокутив кучини аниқ аташ имкониятига эгаллиги [3,164] туфайли прагматик мазмунни англашни осонлаштиради. Қиёсланг:

Асосий қисм. I tell you, Julia, there's nothing so terrifying in the world as a son [6,40].

Олиб борган кузатувларимиз перформатив феълларнинг икки асосий вазифани бажаришидан гувоҳлик беради: фатик (сухбатдошлар ўртасида алоқа ўрнатиш) ва прагматик вазифалар. Ушбу феълларнинг катта қисми қуйидаги прагматик вазифаларни бажаради:

а) адресатни пропозициянинг ҳақиқийлигига ишонтириш. Бу вазифада қўлланиладиган tell, assure, swear каби феълларнинг таъкидлаш даражаси ҳар хил:

I can't help it. I tell you, I can't go on [4,299]; "I promise, I won't invite another solitary single sole", Paula assured her [5,664].

I declare, Frank, I don't know how he'll get along [6,39].

б) адресат хулосасининг тўлиқ тасдиқлаш:

— Do I fit the record or do I deviate?

— I'd say you were right, of course [7,117].

в) адресат пресуппозициясининг алдамчи эканлигини қатъиян инкор этиш:

— Everything all right, Frank?

— Yes. I declare – easy as kittens [6,17].

г) адресат фикри билан умуман ҳисоблашмаслик:

— Don't act as if you have file on me.

— I assure you it's not mumbo jumbo [8,115].

д) эмфатик баҳо бериш:

I tell you it's the finest thing in the world [8,64].

Айтиш жоизки, I say бирикмаси баъзан нутқий тузилмада таъкидни юмшатиш воситасига айланади. Бу, айниқса, сўзловчи берилаётган хабар маъсулиятини яна бирор киши билан баҳам кўриш ниятида бўлганида сезилади:

None of them has your direct avenues to the... centers of determination, shall we say [9,24].

Перформатив феълларнинг бажарадиган вазифаси уларнинг нутқий тузилма таркибида жойлашиш ўрни билан ҳам белгиланади. Бошланғич ўринда келаётган перформатив таъкид ва алоқа ўрнатиш вазифаларини бир пайтнинг ўзида бажаради. Кузатишимизча, мазкур позиция энг кўп учрайдиган ҳолатдир (70% дан ортиқ):

I tell you she is a friend of mine [4,74];

I declare, I do not love you, I dislike you the worst of anybody in the world [10,38].

Мазкур операторларнинг охириги ўринда қўлланиши бир мунча кам учрайди (23%) ва бунда таъкид маъноси юмшоқроқ коннотацияга эга бўлади:

She has been a companion, I tell you [11,64];

TILSHUNOSLIK

We'll get the rough this safely, I promise [5, 366].

Перформатив феълларнинг интерпозицияда қўлланиши қарийб кузатилмайдиган ҳолдир. Лекин бу феълларнинг мустақил коммуникатив бирликлар сифатида қўлланиши, оз миқдорда бўлса-да, учрайди(2,6 %). Операторнинг бундай кўринишда қўлланишида таъкид ҳаракатининг юқори даражаси содир бўлади. Масалан:

I tell you. I seen a witch once. In Brooms – grove it was. I'll let you know as quickly as possible. I promise [5, 154].

Перформатив маънода қўлланилаётган феълларнинг замон ва аспект шакллари ўзгариб туради. Баъзи тилшунослар перформатив феълларнинг фақат Present Indefinite шаклида фаоллашувини тасдиқламоқчи бўладилар. Бироқ, биз тўплаган материал кўламида нутқий ҳаракатни ифодаловчи перформативларнинг Present Continuous шаклидагилари ҳам учради. Бундай шакл воситасида ифодаланаётган таъкид маъноси сўзловчининг ўз фикрида саботлилиги, муросасизлигига ишора қилади. Қиёсланг:

I'm saying to you again, none get away with what you're thinking; I keep telling you women do that half a dozen times a day [5, 802].

Перформатив феъл ҳатто келаси замон шаклида ҳам қўлланиши мумкин. Бунда келаси замонга хос гумон маъноси таъкидни кучсизлантиради:

Little Kate is beginning to talk. I'll swear, she said "mama" this morning[12,145].

Таъкид маъноси ифодасининг бундай кучсизланишини сезган сўзловчи нутқий тузилма таркибига от ёки равишли тўлдирувчи элементни киритиб, нутқий ҳаракатнинг қатъиятли бўлишига эришади:

I'm going to tell you frankly that if-well, if certain things happen, I'll get in touch with you, and if they don't I won't and that's final[13,49].

Ушбу гапда келаси замон шаклининг қўлланиши натижасида юзага келиши мумкин бўлган қатъиятсизлик маъноси frankly элементи ва "охирги қарорга келганликка" ишора қилувчи that's final бирикмаси воситасида бартараф этилмоқда.

Констатив нутқий акти мазмунидаги таъкид маъносининг кучсизланиши унинг таркибида сўзловчининг ушбу ҳаракатни бажаришга мажбурланаётганлигига ишора қилувчи I must say, I should say, I hate to say, I should tell you, I must tell you, I regret to tell you, to tell the truth, to speak the truth каби иборалар пайдо бўлишида ҳам кузатилади: I can assure, you are very legal; I can almost guarantee, I can double your money for you in just a few months[12,87].

Перформатив феъл гапнинг охирида модал феъл билан бирикиб келишида кейинги феъл мажбурийлик модал маъносини йўқотади. Бундай ҳолатда I can tell перформатив бирикмаси маъно жиҳатидан I tell иборасига яқинлашади:

Shanghai was a rare old hotch-potch, I can tell you; I'm awfully grateful to hear it, I must say [7, 223].

Нутқий фаолият перформатив феъллари бажараётган вазифаси, замон ва модал вариативлигига нисбатан семантик жиҳатдан ўзаро фарқланадилар. Бундан ташқари, улар констатив нутқий актларида ўзига хос вазифа бажаришлари мумкин. Ушбу феълларни шартли равишда уч гуруҳга ажратиб ўрганиш маъқулдир: а) тасдиқ маъносидаги say, tell, declare, state, constate; б) ваъда ва кафолат феъллари бўлган promise, guarantee, swear гуруҳи; в) ишонтириш мазмунидаги assure, insist.

Тасдиқлаш ҳаракатини ифодаловчи перформатив феъллари семантикасида гапириш семасидан ташқари, маълум билимни етказиш семаси ҳам мавжуд. Ушбу гуруҳдаги say феъли бирор бир хабарни ҳеч қандай қўшимча маъносиз етказиш, оддийгина баён қилиш вазифасини бажаради. Аксинча, tell перформативининг қўлланиши адресатга таъсир ўтказишни кучайтириш мақсади билан боғлиқ: I tell you, we're witnessing the opening moves toward rascism[14,86].

Ушбу феълнинг сап модал феълнинг инкор шакли билан бирикишида эмоционаллик кучаяди:

I can't tell you how excited I was when I read your latest article, Mary[12,163].

Шу гуруҳдаги state, constate феъллари пропозициянинг ҳақиқийлигини ифодалаш учун хизмат қилади. Аммо уларнинг диалогик нутқда перформатив қўлланиши кам

учрайди, чунки улар асосан сўзловчининг турли ўхшаш вазиятлар борасидаги маълумот бераётганлигига ишора қиладилар. Худди шунингдек, to declare феъли воситасида ифодаланадиган мурожаатлар ҳам дипломатик, сиёсий мазмундаги матнларда қўлланиб, оғзаки нутқда камдан-кам ҳолатларда қайд этилади. Умуман declare феълнинг қўлланиши сўзловчининг ижтимоий мавқеси юқорироқ эканлигидан хабар беради.

Навбатдаги гуруҳни ваъда ёки кафолат бериш маъносига эга promise ва guarantee феъллари ташкил қилади. Шунингдек, ушбу гуруҳга қасам ичиш маъносидаги swear феълни ҳам киритиш зарур.

Ваъда нутқий актини таъкид маъноси билан бойитиш учун promise феълнинг қўлланишига сабаб адресатнинг гумонини йўқотиш мақсадидир. Бунда сўзловчи пропозиция ҳақиқийлиги жавобгарлигини ўз зиммасига олади, шахсан кафолат беради. Ваъда нутқий акти, шунингдек, you watch элементи воситасида ҳам таъкид маъносига эга бўлади:

You watch, Lyon Burke will own this town one day[10,22].

Шу гуруҳдаги guarantee феълнинг перформатив фаоллашуви тингловчини олдинги фикрдан қайтаришга ёрдам беради. Сўзловчи бунда нутқий ҳаракатни оддийгина бажариш билан чекланмасдан, балки пропозиция ҳақиқийлигини кафолатлайди:

...andwhen we are once united, there shall be no recurrence of these mental terrors; I guarantee that[10,287].

Кафолат тўлиқ эканлигини ифодалаш учун нутқий тузилма таркибига равиш интенсификатори киритилиши мумкин:

"I absolutely guarantee you", she said, "the last thing either of these would do would be to commit suicide"[15,99].

To swear феълнинг перформатив қўлланиши ҳам сўзловчининг пропозициянинг ростлигини тасдиқлаш истаги билан боғлиқ. Бу вазиятда сўзловчи тингловчининг фикри нотўғри эканлигини назарга тутуди ва swear перформатив феълнинг киритилиши берилаётган хабарнинг ишончлилик даражасини оширади:

I swear to you I have got her to the life[4,143].

Ушбу перформатив феълнинг нутқий тузилмада қайси ўринга жойлашиши прагматик мазмун ифодасида ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Чунки swear феъли луғавий маъносида аниқлик, мажбурийлик, қатъиятлик семалари олдиндан мавжуд.

Яна бир гуруҳни to insist ва to assure феъллари ташкил қилиб, уларнинг перформатив вазифада қўлланиши адресатда пайдо бўлиши мумкин бўлган гумон, ишончсизликнинг олдини олиш билан боғлиқ:

— Your crowd's a different crowd from mine.

— I assure you, said Frankie, that my crowd is a very fixed one[11,31].

Баъзи ҳолатларда assure перформативи киритадиган қайта ишонтириш маъноси кучсизланиши ҳам мумкин. Бунда сўзловчи ўтказилаётган таъсирнинг тескари натижага олиб келаётганлигини сезиб қолади:

There's nothing masculine about you, my darling, let me assure of that[5,518].

Шу гуруҳдаги insist феълнинг перформатив вазифаси сўзловчининг ўз фикрида қатъий туриб олиши, адресатнинг эса ушбу фикрни қабул қилишдан бош тортишида намоён бўлади:

That's all right. I insist. It's really not necessary[8,72].

Перформатив феъллар нутқий тузилмалар таркибида бошқа турдаги таъкид операторлари билан ёнма-ён қўлланиб, улар билан маълум муносабатларга киришадилар. Бундай муносабатлар доирасида куйидаги вазифалар воқеланади:

а) перформатив феълнинг you know бирикмаси билан муносабатида таъкид жуфтлашган кўринишни олади:

I tell you, the whole thing up there is just a bunch of roots, you know [8,51].

б) перформатив иборанинг яна бир модал восита билан муносабатга киришувида пропозициянинг ҳақиқийлигига алоҳида урғу бурилади:

I tell you, it's going to intrigue you, sure and I know it will [5,154].

TILSHUNOSLIK

Бундай бирикув, шунингдек, сўзловчининг пропозиция аниқлигига бўлган ишончини таъкидлайди:

You newer pay attention to anything, I say; I tell you, I'm going to London tomorrow [8, 227].

Этказилаётган хабарнинг ҳақиқийлигига сўзловчининг ишончини билдирувчи модал оператор перформатив феълнинг мазмунини кенгайтириши ва унинг иллокутив имкониятини ошириш мумкин:

— I've had a sufficiency.

— But I do insist that you have at least one of them, Miss Frost; Oh, George, you lovely, lovely man, the best of all my boys, I do declare[7,228].

Таҳлил қилинаётган коммуникатив операторлар нутқий тузилма таркибида таъкидни сусайтирувчи бирликлар билан ҳам муносабатга киришади. Ушбу бирликлар прагматик мазмунга эҳтимоллик маъносини киритади. Перформатив феъл эса, тузилманинг таъсир кучини ошириб, сўзловчининг пропозиция ҳақиқийлигига бўлган гумонини йўққа чиқаради: I'm sure, you don't, love. You wouldn't be sitting here if you did, I can tell you; I tell you, Allred must have been dead when Fleetwood threw the gun away[13,178]. Турли перформатив феъллар диалогик нутқда кетма-кетликда қўлланилганида дискурс парчасининг мазмунидаги таъкид даражали(градуал) кўринишни олади:

— I say, there's a man down there.

— Don't be a fool. You're drunk.

— Well if there isn't I'm in for D.T's. But I tell you, there's a man down there[4,143].

Ушбу парчада say перформативи мурожаат вазифасини ўтаса, tell феъли диалогнинг тугаётганлигидан хабар беради. Диалог қисмлари ягона коммуникатив мақсад атрофида бириккан ва охириги қисмда tell перформати воситасида мазкур мақсад янада қатъийлаштирилган.

Хулоса. Шундай қилиб, олиб борилган таҳлил натижалари кўрсатишича, нутқий фаолият перформатив феъллари мулоқот шароитида адресатни берилаётган хабарнинг ҳақиқийлигига ишонтириш вазифасини бажариб, констатив нутқий актига таъкид мазмунини беради. Ушбу феъллар қўлланишида вазифавий, замон, модал ва семантик вариативлик кузатилади. Перформатив феъллар нутқий фаолият жараёнида адресатнинг ишончини мустаҳкамлаш, унинг пресуппозицияси аниқлигини тасдиқлаш ёки инкор этиш, билдирилаётган эътироз ёки баҳони кучайтириш каби қатор прагматик вазифаларни ижро қилади. Шу гуруҳдаги феълларнинг прагматик вазифаси кўпинча уларнинг нутқий тузилма таркибида қайси ўринда туриши билан боғлиқ. Бинобарин, бошланғич ўринни эгаллаган перформатив нутқий тузилма мазмунидаги таъкидни энг юқори нуқтага кўтарса, ўрта ва яқунловчи ўринлардан жой олганларининг таъсир даражаси кучсизроқ бўлади. Иллокутив таъсирнинг даражаси қўлланилаётган феълнинг шакли билан ҳам боғлиқ. Шунингдек, перформатив феъл сўзловчининг фикр билдириш истаги йўқлиги ёки унга мажбурланаётганлигидан дарак берувчи элемент билан боғланишида констатив нутқий актининг таъсири маълум даражада сусаяди. Маълум турдаги диалогларда перформатив феълларнинг кетма-кетликда қўлланишида дискурснинг умумий коммуникатив мақсади таъкидланади. Бундан ташқари, диалог таркибида перформатив феъл бошқа прагматик мазмун операторлари билан ёнма-ён қўлланиши мумкин.

АДАБИЁТЛАР

1. **Holmes J.** Modifying Illocutionary Force. Journal of Pragmatics. – 1994. N38. – 365 p.
2. **Edmondson W.** Spoken Discourse: A model for Analysis. – L.: Longman, 1991. – 217 p.
3. **Leech G.N.** Principles of Pragmatics. – L. & N.Y.: Longman, 1983. – 250 p.
4. **Maugham W.S.** Collected Short Stories. – V. 1. – Penguin Books, Harmondsworth, 1982. – 424 p.
5. **Bradford B.T.** Hold the Dream. – Panther books. Granada Publ. L., 1995. – 831 p.
6. **The Wilder.** Our Town. Modern American Plays. – Leningrad, 1981. – P. 11-70
7. **Carre J. Le.** The Honourable School-boy. – Pan Books, L., & Sydney, 1988. – 543 p.
8. **Donleavy J.P.** The Ginger Man. – Penguin Books, Harmondsworth, 1988. – 345 p.
9. **Ludlum R.** The Parsifal Mosaic. – Granada Publ. L., Toronto, Sydney, 1982. – 637 p.

10. **Bronte Ch.** Jane Eyre. – Sygnet Classic. N.Y. & Scarborough, 1990. – 461 p.
11. **Christie A.** They Came to Baghdad. – Pan Books., L., 1981. – 188 p.
12. **Sheldon S.** Windmills of the Gods. – Warner Books, N.Y., 1987. – 434 p.
13. **Gardner E.S.** The Case of the Lazy Lover.–Pan Books, L., 1991. – 189 p.
14. **Shaw I.** Night work. – Pan Books., L., 1989. – 346 p.
15. **Vonnegut K.** Slapstick. – Dell Publ., N.Y., 1986. – 243 p.

УДК: 83.3

**ЎЗБЕК ТИЛИ АТОВ БИРЛИКЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК
МУНОСАБАТ АСОСИДА СЕМАНТИК ТЕГЛАР МАЖМУИНИ ЯРАТИШ
СОЗДАНИЕ НАБОРА СЕМАНТИЧЕСКИХ ТЕГОВ НА ОСНОВЕ ЛЕКСИКО-
СЕМАНТИЧЕСКИХ ОТНОШЕНИЙ МЕЖДУ НОМИНАТИВНЫМИ ЕДИНИЦАМИ
УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА**

**CREATING A SET OF SEMANTIC TAGS BASED ON THE LEXICAL-
SEMANTIC RELATIONSHIP BETWEEN THE UNITS OF THE UZBEK LANGUAGE**

Ахмедова Дилдора Баҳодировна

БухДУ бошланғич таълим назарияси кафедраси ўқитувчиси

Таянч сўзлар: синонимик, антонимик, градуонимик, партонимик, гипонимик муносабат, луғавий даражаланиш, майдон иерархияси, семантик майдон, лексик-семантик муносабат, тил корпуслари, семантик теглаш.

Ключевые слова: синонимические, антонимические, градуонимические, партонимические и гипонимические отношения, степень словесности, площадь иерархии, семантическое поле, лексико-семантическое отношения, языковой корпус, семантическая маркировка.

Key words: synonymic, antonymic, graduonymic, partonymic and hyponymic relations, degree of literature, area of hierarchy, semantic field, lexical-semantic relations, language corpus, semantic tagging.

Мақолада ўзбек тилидаги лексик-семантик муносабатларнинг атов бирликларини теглашдаги ўрни масаласи ёритилган. Шу асосда семантик теглар мажмуини яратиш бўйича намуна келтирилган. Синонимлик, антонимлик, уядошлик ҳодисалари атрофлича изоҳланган.

В данной статье освещены задачи лексико-семантических отношений номинативных единиц в узбекском языке. В статье приведены создание набор семантических тегов. Также подробно исследованы явления синонимии, антонимии и правила собирательности.

In this article the issue of the usage of lexic-semantic units to tag nominative units is analyzed. Here are given examples of creating a set of semantic tags. Features of synonyms, antonyms, and related words are analyzed thoroughly.

Кириш. Тил – яхлит бир бутунликни ташкил қилувчи элементлар системаси. Уни ташкил этувчи ҳар бир элементнинг маъноси бир вақтнинг ўзида системани ташкил қилаётган бошқа элементларнинг мавжуд бўлишидан келиб чиқади. “Моҳиятини ҳалигача ҳеч ким англамаган, умри давомида имкониятларининг миллиард-миллиарддан бир қисмидан ҳам ҳеч ким фойдаланишга улгуролмайдиган, чексиз саналган тил санокли маъно ғиштчалари (семалар), шакл бирликлари ва муносабат турларининг ўзаро ранг-баранг бирикиб, кўз кўролмайдиган, кулоқ эшитиб ниҳоясига етолмайдиган турли-туманликни ташкил этади. Буни фақат риёзиётда ўн рақами ва тўрт амалнинг соддалиги, риёзиёт эса шуларнинг турли хилдаги бирлашувининг натижасидан иборатлиги билан ёки моддаларининг хилма-хиллигини санаб, тавсифлаб поёнига ета олмайдиган Қуёш тизими сайёраларидаги барча моддаларни Д.И.Менделеевнинг кафтдек келадиган кимёвий элементларнинг даврий жадвали ўз ичига олиши билан қиёслаш мумкин. Тилшуносликнинг вазифаси эса мана шундай тизимни очишдан иборатдир” [6, 123].

TILSHUNOSLIK

Лексикага семантик майдон назарияси асосидаги ёндашувдан келиб чиқиб, корпусда тушунча орқали сўзга борилса, сўзлараро лексик-семантик муносабат орқали сўздан тушунчага бориш мумкин. Яъни бундай ёндашув тил корпусларида семантик белгилар асосидаги қидирувнинг яна бошқа кўринишини келтириб чиқаради.

Семантик тег (рус., разметка) – тил корпусларидаги сўз ёки сўз бирикманинг маълум бир семантик категория ёки ундан ҳам кичикроқ семантик гуруҳ (ЛСГ, семантик майдон ва тўда)га мансублигини билдирувчи, маънони махсуслаштирувчи белги, изоҳлар мажмуи [1, 48-49]. Корпуснинг семантик теглари сўз маъно(лар)и спецификаси, сўзнинг омонимлик, синонимлик билан боғлиқ изоҳлар мажмуини тузиш, сўзни категориялаш, унинг мавзувий гуруҳ, ЛСГ, семантик майдонга мансублигини белгилаш, деривацион характеристикаси, аташ маъноси каби белгиларни қамраб олади. Рус тили миллий корпуси (НКРЯ)нинг семантик тег(разметка)лаш принципларини кузатиш шуни кўрсатдики, бу корпусда бир сўзшаклга уч турдаги белгилар бириктирилади:

1) разряд (ном ёки унга ишора сўз: предмет, шахс ва ҳ.);

2) лексик-семантик характеристика (лексема тегишли бўлган ЛСГ ёки семантик майдон, каузативлик белгилари ва ҳ.);

3) деривацион тавсиф.

Семантик теглашда, бошқа разметкаларда бўлганидек, ягона стандарт шакл бўлмаса ҳам, ҳарф, рақам ёки фақат рақамдан иборат кодлардан фойдаланилади. Биринчи ҳарф ёки рақам умумий семантик маънони, кейинги белги эса сўз маъносини янада махсуслаштирувчи кичик семантик гуруҳни ифодалайди. Семантик тег нафақат сўз, балки кўплаб бирикмаларни ҳам семантик гуруҳларга бирлаштиради, бундай пайтда турли бирикувдаги бир маънони билдирувчи бирикмалар битта белги билан кодланади. Идиоматик бирлик (ибора) таркибидаги сўзлар миқдорини билдирувчи ахборот ҳам разметкадан жой олади. Семантик тег корпусдаги сўз маъносининг ихтисослашуви, омонимлик, синонимлик, маъновий гуруҳга ажратиш каби муаммоларни ҳал қилади. В.П.Захаров, С.Ю.Богдановалар ҳам рус тили миллий корпусини тузишда семантик разметкаланинг ўз вариантини таклиф қилади; [1;45] уларнинг фикрича, ҳар бир сўзга уч хил – сўз разряди, лексик-семантик тавсиф, деривацион изоҳ бериш маъқул.

Семантик разметка корпус воситасида лингвистик амаллар бажариш имконини кенгайтирувчи иш қуроли: корпусда семантик аннотацияланган бирликнинг мавжуд бўлиши фақат алоҳида сўзни эмас, балки фойдаланувчи томонидан сўралган бирикма ҳолидаги конструкция қидирувига жавоб бериш имконини пайдо қилади.

Маълумки, тил корпуслари – лингводидактик, лингвистик ва бошқа ижтимоий соҳаларнинг зарурий иш қуроли. Корпус ҳақидаги тадқиқотларда корпуснинг сўз ўрганишдаги катта ахборот базаси эканлиги аллақачон ўз исботини топган [1, 27]. Тил корпуслари сўзнинг барча маънолари, шу билан бирга лексик-семантик муносабатга киришадиган сўзлари билан ёнма-ён изоҳланиши билан изоҳли луғат, тезаурус ва гиперлуғатлардан фарқ қилади. Изоҳли луғатда фақат сўз маъноси изоҳланади; тезаурус ва гиперлуғат сўзнинг нисбатан кўпроқ қирраларини очишга қаратилган бўлса-да, қидирувнинг соддалиги, имконияти чекланганлиги билан корпусдан фарқ қилади. Катта ҳажмли тил корпуси, маълум маънода, сўзни изоҳлаш, уни тилдаги муносабатлари билан бирга кўрсата олиш имкониятининг мавжудлиги билан юқорида саналган ахборот манбаларидан афзаллиги билан ажралиб туради. Хўш, бунга қандай эришиш мумкин?

Асосий қисм. Семантик майдон назарияси асосида соҳалараро алоҳида илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш, асосан, 70-80 йиллардан бошланди. Шу муносабат билан ўзбек тили лексикологияси тавсифий босқичдан янги назарий босқичга кўтарилди. Бу босқич лексикани маълум бир семантик гуруҳлардан, муайян маъно элементларининг муносабатларидан ташкил топган яхлит бир система сифатида ўрганиш билан характерланади [3, 37].

А.Собировнинг фикрича, ўзбек тилшунослигига майдон назариясининг кириб келиши тил бирликларига нисбатан систем-структур методларнинг қўлланила бошлаши билан боғлиқ. Бу борада амалга оширилган илмий-тадқиқот ишлар ичида А.Нурмонов, Ҳ.Неъматов, Р.Расулов, И.Қўчқортюев, Э.Бегматов, Т.Мирзақулов,

Ш.Искандарова, О.Бозоров, Р.Сафарова, Б.Қиличев, М.Нарзиева, Ҳ.Ҳожиеваларнинг илмий кузатишлари ва олинган хулосалар ўзбек тили лексикасини майдон назарияси асосида ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, Ш.Искандарова шахс микромайдони мисолида ўзбек тили лексикасини семантик майдон сифатида ўрганиш муаммоларини кўтариб чиқди. Ш.Искандарова оламнинг гуруҳларга бўлиниши ва унинг тилда акс этиши ҳақида батафсил фикр юритиб, шахс микромайдонида фаолият кўрсатувчи 100га яқин лексик-семантик гуруҳ ҳақида маълумот беради. Масалан, **саводхон, донишманд, заковатли, фаросатли, идрокли, қолоқ** каби лексемалар савия асосида фарқ қилувчи номлар гуруҳига киритилади, уларнинг умумий ва фарқли томонлари изоҳланади. Т. Мирзақулов ўзбек тили морфем парадигматикаси ва синтагматикаси масалаларига тўхталар экан, функционал-семантик майдоннинг хусусиятларини ёритиб беради. Унинг таъкидлашича, тилшунослиқда майдон (лексик, лексик-семантик, семантик, морфосемантик, ассоциатив, грамматик, функционал-семантик майдон) парадигматика, парадигма тушунчаларидан фарқланмаган ҳолда қўлланилаверади. Аслида, майдон бир умумий мазмун ёки шакл ўхшашлиги асосида турли сатҳларга тегишли бирликларнинг функционал-семантик бирлашувидир. М.Абдувалиев ҳар қандай майдоннинг маъно ва ифода плани қисмларидан ташкил топишини таъкидлаган ҳолда, майдонда доминант, ядро ва периферия қисмлари мавжуд бўлиши ҳақида фикр юритади. Ҳар бир тилда лексемалар муайян қонун-қоидалар асосида бир ерга жамланади.

Тилдаги семантик майдон иерархиясини белгилаш, мазкур майдонлардаги макро, медио ва микроқурилмаларни аниқлаш учун, аввало, тилнинг фалсафий асосларига эътибор бериш лозим. Фалсафада оламга нарса ва ҳодисанинг боғланишлари, алоқадорлиги, муносабатларнинг тартибли, тадрижий ривожланиши, макон ва замондаги бирлигига асосланган яхлит бир система сифатида қаралади. Мазкур система ичидаги алоқаларни таъминлайдиган мустақил таркибий қисмларнинг ҳар бири элемент саналади [8, 206-207].

А. Собировнинг таъкидлашича, оламнинг ўз-ўзини ташкил этиши, макон ва замонда нарса/воқеаларнинг азалий кетма-кетлиги, ўзаро алоқадорлиги, уларнинг муайян тизимдан иборат сабабий боғланишлар асосида мавжудлиги синергетиканинг ўрганиш объекти саналади. Синергетика ютуқларига асосланган ҳолда оламни учга бўлиш мумкин:

1. Микродунё. Атом миқёсидан кичик бўлган дунё. Бу дунёга атомни ташкил қилувчи элементлар, атом ядроси, кварклар киради. Микродунё элементларини оддий кўз билан кўриб бўлмайди, лекин улар бутун оламнинг моддий асосини ташкил қилади. Ҳозирги илм-фаннинг аниқлашига кўра, реал борлиқдаги ҳар қандай жисм молекуладан, молекула эса атомлардан ташкил топади. Атомнинг ядросида протон, нейтрон, кварк, глюон, нуклон, гиперон, барион каби заррачалар мавжуд бўлади. Мазкур заррачалар ўзига хос қонуниятлар асосида бир-бири билан бирлашиб туриб, реал предмет/ҳодисани ҳосил қилади. Уларнинг ҳар бири тилда алоҳида номга эга бўлади.

2. Макродунё. Биз одатланган ўлчовдаги, яъни микроскопик катталиқдаги нарсаларга макродунё дейилади. Макродунё муайян жисм, нарса-ҳодиса сифатида намоён бўлади ва мегадунёнинг асоси саналади. Макродунёдаги ҳар бир аъзо тилда ўзининг муқим номига эга.

3. Мегадунё. Ер, ой, қуёш, юлдуз – бутун коинотнинг структуравий яхлитлиги, ўзаро гравитацион таъсири туфайли бирикиб турган дунё.

Юқорида айтилганидек, лингвистиканинг энг асосий муаммоси – тилнинг системалилиги. Система – ташкил этувчи элементларнинг ўзаро ички алоқадорлиги. Тилнинг лексик қатлами ҳам бундан мустасно эмас. Бу қатлам оддий алоқа эмас, балки парадигматик ва синтактик муносабатлардан ташкил топади. Шунга асосан, у турли муносабатлар асосидаги маъновий гуруҳлардан иборат.

Корпус бирлигини семантик теглашда “сўздан тушунчага” принципига амал қилиш корпусдаги сўз изоҳининг ҳар томонлама кенгайишига олиб келади. Бунда корпус фойдаланувчисига семантик белгилар асосидаги қидирув ойнасида сўз маъноси қидирувидан фойдаланиш имкони пайдо бўлади. Глобал тармоқда мавжуд тил

TILSHUNOSLIK

корпусларининг аксариятида семантик қидирувнинг сўз маъносини изоҳли луғат каби кенг изоҳламаслигини камчилик сифатида қайд этиш ўринли. Корпуслар сўзнинг қўллаш контекстига ҳавола қилиши, сўзнинг бошқа бирлик билан боғлана олиш имкониятини намоён қилиши семантик белгиларининг барчасини кўрсатмайди. Фойдаланувчи қидираётган сўз ҳақида тўлиқ ва яхлит маълумотни ҳам бир жойдан топиши лозим. Миллий корпусда тилда мавжуд барча сўзларнинг маъноси изоҳланса, муаллифлик корпусида айна муаллиф лексикасига оид сўзлар ҳамда уларнинг шу муаллиф лексикасида юзага чиққан маъноси ҳақида маълумот берилади.

Семантик теглашнинг бошқа йўналиши – “сўздан тушунчага” принципи сўз маънолари изоҳи, лексик-семантик муносабатга киришувчи лексемалари: синоним, антоним, гипоним/гипероним, градуоними, холо/мероними ҳақидаги изоҳларни тег сифатида бириктириш ҳисобланади. Семантик теглашнинг теглар тизимида сўзшакл, лемма, изоҳли луғатдагидек маънолари, мавжуд синоним, градуоним, гипоним/гипероним, холо/мероним, антонимлари ҳақидаги изоҳ киради. Қуйида бир сўзнинг семантик тегланишини таҳлил қиламиз. Семантик тег таркибига “туркумий белгиси”, “маъноси”, “синоними”, “антоними”, “уяси”, “уядоши”, “даражаланиш қатори”, “келиб чиқиши”, “омоними”, “услуги”, “пароними”, “варианти”, “қўлланиш даври” каби белгилар кириши мумкин. Юқорида саналган белгиларнинг барчаси сўзнинг семантик белгилари билан боғлиқ. Сўзнинг лексик-семантик муносабатига асосланиб, семантик теглашнинг қуйидаги кўринишини маъқуллаймиз.

№	Сўз (лемма)	Туркумий белгиси	Маъноси	Синоними	Антоними	Уяси	Уядоши	Даражаланиш қатори
1	<осмон>	от, ўрин жой номи	1. Ер устида гумбаз шаклида кўриниб турган мовий фазо; 2. Ер атрофини ўраб олган олам фазоси (астрономик жисмлар макони).	само, фалак, кўк.	Ер, замин	Фазо. Фазовий ҳолат. Шакл		
2	<ер>	от, ўрин жой номи	1. Қуёшдан кейинги учинчи планета. 2. Шу планетанинг қуруқлик қисми (сув билан қопланган қисмига қарама-қарши қўйилганда). 3. Планетамиз қобиғининг сиртқи қатлами. 4. Бирор нарса банд қилиб турган, эгаллаган ўрин, жой, макон.	ўрин, жой, макон.	Осмон	Текислик		
3	<хотин>	от, шахс оти, қариндошлик ЛМГ	1. Жинсий жиҳатдан эркак тоифасига зид, фарзанд кўриш, эмизиш қобилиятига эга	рафиқа, завжа	Эр	оила микромайдони		

BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI 2019/3 (75)

			одам; аёл. 2. Бирор эркак никоҳидаги аёл.					
4	<касал>	транспозиция сифатдан отга, ҳолат ЛМГ	1 <i>от</i> Организм меъерий ҳолатини, фаолиятини бузувчи нарса; касаллик, дард. 2 сфт. Организмининг меъерий ҳолати, фаолияти бузилган, касалликка йўлиққан; бетоб.	Бемор	соғ	Касаллик микромайдони		

А.Собировнинг фикрича, лексемаларнинг мавзувий майдони, мазмуний гуруҳ ва тўдалари, улар ўртасидаги маъновий муносабатларни ўрганиш ўзбек тили лексикологиясининг истиқболли йўналишларидан бирини ташкил қилади [2, 140]. Бу йўналиш маълум бир мавзу доирасига кирган лексик бирликларни атрофлича тадқиқ этиш, уларнинг лисоний белгиларини аниқлаш ва турли мақсадларга мўлжалланган луғат, глоссарийлар яратиш билан тавсифланади. Ш.Раҳматуллаевнинг фраземалар ва омонимлар, А.Ҳожиевнинг синонимлар, муаллифлар гуруҳининг антонимлар, Х.Бердиёров ва Р.Расуловнинг паремиологик бирликларга бағишланган луғатларини бунга мисол қилиш мумкин. Мазкур луғатларда лексемаларнинг ички ва ташқи алоқалари асосида уларнинг парадигматик ва синтагматик хусусиятлари очиб берилган.

Синонимлар луғати тил бирликларини семантик теглаш учун манба вазифасини ўтайди. Луғат ҳозирги ўзбек адабий тили учун характерли бўлган синонимик қаторларни ўз ичига олган. Унга фақат лексик синонимларгина киритилган (Тил корпуслари контекстуал синонимларни ҳам қамраб олиши лозим). Ёрдамчи сўзлар орасида ҳам синонимия ҳодисаси кузатилгани сабабли луғатга шундай синонимлар ҳам киритилган. Бир ўзакдан синоним аффикслар ёрдамида ясалган *қандайдир, аллақандай; раҳмсиз, бераҳм* каби сўзлар ўзаро, шунингдек, бир сўзнинг турли фонетик вариантлари (*гоҳо, гоийда, год* каби) луғатда мустақил синонимик қатор сифатида келтирилмаган. Лекин бундай сўзлар бошқа сўзлар билан синоним бўлган тақдирда, шу синонимик қаторда уларнинг фонетик вариантлари ва синоним аффикслар ёрдамида ясалган сўзлар ҳам келтирилган. Масалан, *гоҳо* сўзи *баъзан, унда-бунда, ора-сира* каби сўзлар билан синоним бўлгани учун шу синонимик қаторда унинг *гоҳида, гоийда, год* вариантлари ҳам келтирилган. Луғат мақоласи тузилиши қуйидагича:

Бир сўз бирдан ортиқ синонимик қаторда бош сўз бўладиган бўлса, бу ҳолат рим рақамлари билан кўрсатилган. Масалан:

АЙТМОҚ I, БАЁН ҚИЛМОҚ, ИЗҲОР ҚИЛМОҚ, БИЛДИРМОҚ. “Фикр, мақсадни (бирор гап-сўзни) оғзаки ифода этмоқ”.

АЙТМОҚ II, ТАКЛИФ ҚИЛМОҚ, ЧАҚИРМОҚ, ЧОРЛАМОҚ. “Келиш, иштирок этиш, ташриф буюришни илтимос қилиб мурожаат этмоқ”.

АЙТМОҚ III, ОЛМОҚ. “Ижро этмоқ” (ашула, қўшиқ ҳақида).

Ҳар бир луғат мақоласи қуйидаги қисмлардан ташкил топган: 1) синонимик қатор; 2) синонимик қатордаги сўзлар учун умумий бўлган маънонинг изоҳи; 3) синонимик қатордаги ҳар бир сўзга хос хусусиятнинг таърифи; 4) синонимик қатор ва ҳар бир синонимга берилган таърифни тасдиқловчи мисол. Синонимик қатордаги сўзлар бирдан ортиқ маънода ўзаро синоним бўлса, бу ҳолат араб рақамлари билан кўрсатилган:

АСРАМОҚ, САҚЛАМОҚ. 1. Ёмон таъсир, салбий ҳодисадан ҳимоя қилмоқ: *Золимнинг зўридан ўзинг асра!..* (Ойбек). *Лутфинисо... “ёмон кўздан сақласин” учун...* (Ойбек)

2. Йўқ бўлиш ва ш.к.га йўл қўймай эҳтиёт ҳолда тутмоқ: *Ёлвориб сўрайман, асра қалбингда,..* (Уйғун). *Ота, сен кўпдан йўқ... сенинг қалбингни қалбимда сақлайман,*

TILSHUNOSLIK

сақлайман ҳамон (Шухрат).

3. Бирор мақсад билан тутмоқ: *Узум сақламоқ, мол сақламоқ.*

Атов бирликларини тил корпуслари учун “сўздан тушунчага” принципи асосида семантик теглашда теглаш натижаси (натижа қидирув ойнасида кўринади) синонимлар луғатидаги луғат мақоласи таркиби тартибида бўлиши мақсадга мувофиқ.

Антонимлар луғати ҳам тил бирликларини семантик теглаш учун яхши манба бўла олади. Бу луғат ҳозирги ўзбек тилидаги антонимларнинг дастлабки луғати; унда 495 антонимик гуруҳга бирлашувчи 1800га яқин антонимик жуфтлик изоҳланган; антонимик муносабат лексик маънолар орасида белгиланиб, маъноси изоҳланган, мисол келтирилган. Ҳар бир антоним остида, агар мавжуд бўлса, синоними ҳам келтирилган. Луғат тузилиши қуйидагича:

1. Луғатда икки хил: изоҳ ва ҳавола мақолалар мавжуд.

2. Изоҳ мақоласи анча мураккаб тузилишли; унда аввал антонимик жуфт келтирилган; изоҳ мақоласини бошлаб берувчи бундай жуфтликда антонимлар алифбо тартибида жойлашган: *ёмон – яхши, секин – тез* каби.

3. Изоҳ мақоласида, агар мавжуд бўлса, ҳар бир антоним остида синоними келтирилган. Бундай синонимларни ост-уст жойлашда алифбо тартибига эмас, балки уларнинг нутқда оз/кўп ишлатилишига амал қилинган. Фразеологик ибора антоним бўлиб келса, у синоним сўзлардан кейин жойланган.

ХАФА 2*ғамгин**ғамли**ғуссали**қайғули**қовоғидан қор ёғади***ХУРСАНД 2***шод**хуррам**хушнуд**вақти чоғ**оғзи қулоғида*

Бундай антонимик гуруҳнинг биринчи вертикал қаторидаги ҳар бир сўз иккинчи вертикал қатордаги ҳар бир сўзга антоним бўлади.

5. Антонимик жуфтликлардан нутқда энг кўп ишлатиладигани – доминант жуфтлик белгиланган; луғат мақоласида доминант антонимик жуфтлик қора рангли бош ҳарфлар билан ёзилган; уларнинг синоними эса қора рангли кичик ҳарфлар билан ёзилган:

АЗОБ*азоб-уқубат**заҳмат**роҳат-фароғат***РОҲАТ***ҳузур**ҳузур-ҳаловат*

6. Ҳар бир антонимнинг маъносига таъриф берилган:

АЗОБ

.....

*Руҳан ёки жисмонан кучли**даражада қийналиш***РОҲАТ**

.....

*Руҳан ёки жисмонан кучли**даражада яйраш*

7. Ҳар бир антоним мисоллар билан далилланган.

8. Кўп маъноли сўз бир маъноси билан бир сўзга, бошқа маъноси билан бошқа бир сўзга антоним бўла олади. Масалан, *бутун* сўзи *йиртиқ*, *тешик жойи йўқ* маъноси билан *йиртиқ* сўзига, *синиқ жойи йўқ* маъноси билан *синиқ* сўзига антоним бўлади. Бундай антоним маънолар луғат мақолаларида араб рақамлари билан белгиланиб, алоҳида-алоҳида изоҳ мақоласи сифатида ишланган:

БУТУН 1*Йиртилмаган, тешилмаган,**йиртиқ, тешик жойи йўқ***ЙИРТИҚ***Йиртилган, тешилган, йиртиқ,**тешик жойи бор***БУТУН 2***Синмаган, синдирилмаган,**синиқ жойи йўқ***СИНИҚ***Бутун эмас, бирор жойи учган,**кўчган, ёрилган*

9. Айрим антонимик жуфтлар бирор бошқа сўз туркуми сифатида келганида ҳам шундай бўлади.

Мавжуд антоним ва синонимлар луғатини корпуснинг базасига боғлаш, қидирув

берилганда шу луғатлардан гиперссылка асосида топишни йўлга қўйиш дастурчи учун қийинчилик туғдирмайди. Энг асосийси, хомашё бор, фақатгина уни корпусга жойлаштириш ва қидирувга бўйсундириш муаммоси мавжуд. Тўғри, бунинг учун ушбу луғат матнлари бир неча техник қайта ишловлардан ўтказилиши лозим [қаранг:6].

Корпус учун шундай ахборот базаси вазифасини имкон қадар бажара олувчи луғат мактаб ўқувчиларига мўлжалланган даражаланиш қатори луғати бўлиб, ҳозирча луғатнинг бундай тури фақат мактаб ўқувчилари учун ишланган [қаранг:8]. Агар ўзбек тили миллий корпуси яратилса, луғатларнинг чексиз турлари автоматик тарзда пайдо бўлади; луғат материали эса тез-тез янгиланиб туради.

Сўзларни семантик теглаш учун гипер-гипонимик (жисм-тур) ва холо-меронимик (бутун-бўлак) муносабатларни акс эттирувчи луғатлар, афсуски, ўзбек тилида ҳали яратилмаган. Табиийки, сўзларни шу параметрлар асосида семантик теглаш учун лексикографик материал мавжуд эмас. Семантик теглашда фақат бу борада қилинган тадқиқотларга таянилган ҳолда, мустақил, қўл меҳнати билан эришиш мумкин.

Хулоса. Тил бирликларини корпус учун семантик теглашда шу пайтгача тилшуносликда лексик-семантик муносабатлар тадқиқи натижа-сида қўлга киритилган ютуқлар, назарий материал ва луғатлар лингвистик таъминот базаси сифатида хизмат қилади. Семантик теглаш ҳақидаги мавжуд тавсиялар асосида корпус семантик қидирувини мукамаллаштириш, тил бирликларини автоматик семантик теглашнинг лингвистик таъминотини ишлаб чиқиш – галдаги вазифа.

АДАБИЁТЛАР

1. **Захаров В.П.** Корпусная лингвистика. Учебно-методическое пособие. – Санкт-Петербург, 2005. – С. 27-48.
2. **Собиров А.** Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тамойили асосида тадқиқ этиш. – Тошкент: Маънавият, 2004.
3. **Нурмонов А.** Ўзбек тили лексикологиясининг шаклланиши ва такомиллашуви. Ҳадя (проф. Ҳ.Неъматовнинг 60 йиллигига бағишланган тўплам). – Тошкент: Мерос, 2001.
4. **Неъматов Ҳ., Расулов Р.** Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1995.
5. **Менглиев Б.** Лисоний тизим яхлитлиги ва унда сатҳлараро муносабатлар // Докторлик диссертацияси. – Т., 2002.
6. **Хамроева Ш.** Ўзбек тили муаллифлик корпусини тузишнинг лингвистик асослари: Филол.фан.бўйича фалсафа доктори (PhD)...дис. – Бухоро, 2018. – 250 б.
7. Фалсафа (ўқув қўлланма). – Тошкент: Шарқ, 1999.
8. **Bobojonov Sh., Islomov I.** O`zbek tilining so`zlar darajalanishi o`quv lug`ati. (maktab o`quvchilari uchun) – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2007.

УДК:821.512.133-131

“АЛПОМИШ” ТИЛИ – МАЪНАВИЯТ ТИЛИ ЯЗЫК "АЛПОМИШ" - ДУХОВНОСТЬ ЯЗЫК

“ALPAMISH” LANGUAGE IS THE LANGUAGE OF SPIRITUALITY

Ходжиев Юсуф Норқулович

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ўқитувчиси

Таянч сўзлар: маънавият, маънавий, маънан, тил, лисон, нутқ, экзотизм, эвфемизм, дисфемизм, этнографик лексика, этнографизм, лексема, ибора, сўз бирикмаси, мақол, матал.

Ключевые слова: духовность, духовный, духовно, язык, речь, экзотизм, эвфемизм, дисфемизм, этнографическая лексика, этнографизм, лексема, выражения, словосочетание, пословица.

Key words: spirituality, spiritual, meaning, language, speech, exotism, euphemism, dispfemism, ethnographic lexeme, word construction, proverb, saying.

TILSHUNOSLIK

Ушбу мақолада “Алпомиш” достонида ўзбек маънавиятини ифодалайдиган лексик-фразеологик ва паремиологик бирликлар таҳлил қилинган. Достондаги халқ руҳиятини зоҳир қилувчи ҳар бир сўз, ҳар бир қўшимча, фонетик товланиш ва вариантлар, тилнинг теран мантиғини намоён қилувчи бетакрор синтактик қурилмаларнинг халқ маънавиятини тарғиб этувчи восита эканлиги илмий асосланган.

В данной статье анализируются лексико-фразеологические и паремиологические единицы, представляющие узбекскую духовность в эпосе Алпомиш. С научной точки зрения обосновано, что каждое слово, каждое дополнение, фонетическое преобразование и вариант, которые выражают дух людей, и уникальные синтаксические устройства, представляющие глубокую логику языка, являются средствами поощрения духовности людей.

This article analyzes lexical and phrasiological and paramological units representing Uzbek spirituality in the epic of Alpomish. It is scientifically grounded that every word, every supplement, phonetic transformation and variant that expresses the spirit of the people, and the unique syntactic devices representing the deep logic of the language, are the means of promoting the spirituality of the people.

Кириш. Маънавий тарбия жараёнида халқ ва миллат идеалларининг ўрни беҳад катта. Бу идеаллар минг йиллар давомида шаклланган ва яратувчисининг эътиқоди ва тимсолига айланган. У илоҳий куч, эътиқод рамзи, афсонавий қаҳрамон сифатида халқ дунёқараши ва ҳаёт тарзининг ўлчови, эталони сифатида халқ тараққиёт йўлининг азимути, маънавий юксалишининг компаси, келажагини ёритувчи маёқ вазифасини ўтайди. “Маълумки, бу дунёда ҳар қайси миллатнинг ўз афсонавий қаҳрамонлари, ўзи севиб ардоқлайдиган паҳлавонлари бўлади. Халқимиз азалдан ўз вужуди, ўз томирида мавжуд илоҳий қудратга муносиб бўлмоққа интилиб, ўз ўғлонларини мардлик ва ҳалоллик, жасурлик руҳида, эл-юрт учун жонини ҳам аямайдиган асл паҳлавонлар этиб тарбиялаб келган” [1,32]. Бу паҳлавонларнинг барчаси маънавий юксак шахслардир. Бирор миллат маънавий қашшоқ шахсни миллат тимсоли, эзгулик рамзи сифатида ардоқламайди.

Асосий қисм. “Алпомиш” тили – маънавият тилидир. Шу маънода адабиётшунос М.Қўшмоқовнинг қуйидаги фикрларидан мулоҳазаларимизни қувватлаш учун фойдаланамиз: “Алпомиш алп бўлгани учун минг йиллар давомида халқ юрагида ўлмай яшаб келадими? Асло! Алплик Алпомиш образининг бир қирраси, холос. Алпомиш аслида маънавият қаҳрамонидир. У Ватан мустақиллиги, халқнинг маънавий бирлиги учун, озодлик, эзгулик, тинчлик учун курашган қаҳрамон... Маънавият қаҳрамони бўлгани туфайли ҳам у халқнинг идеал қаҳрамонига айланди. Шунинг учун ўзбек халқи ўз тарихининг энг қора кунларида ҳам Алпомишни юрагида сақлади, ундан мадад олди, уни ибрат қилиб, Алпомиш ўғилларни, Барчин қизларни вояга етказди” [2,43].

Маълумки, ўзбек миллий тафаккурида “маънавият” тушунчаси минг йиллар давомида барқарор ва бардавом бўлган, бу тушунча халқ дунёқарашининг таркибий қисми, ўзини ташкил этувчи бирликлар тизимининг марказий ва локомотив бирлиги сифатида уюштирувчилик вазифасини бажариб келган. Гарчи у ижтимоий онгда мавжуд бўлса-да, лекин яқин ўтмишимизда унинг расмий лисоний ифодаси йўқ, нутқда ҳам қўлланмас эди. На қомус, на энциклопедик луғатларда унинг моҳиятига дохил талқин ва изоҳларни кўрамиз. Дейлик, 2 томли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да *маънавият* лексемаси берилмаганлиги [5], бироқ унга генетик жиҳатдан алоқадор бўлган *маънавий* лексемаси изоҳланганлигининг бир неча мафкуравий ва гносеологик ҳамда когнитив асослари бор. Фикрларимизни луғатдан олинган иллюстратив далиллар билан қувватлашга ҳаракат қиламиз:

МАЪНАВИЙ (а) 1 Кишининг ички руҳий ҳаётига оид. Маънавий эҳтиёжлар. Маънавий ёрдам. *Ёш совет ўқитувчисининг ҳар бир иши зағчақўз домлага маънавий жиҳатдан ҳам, моддий жиҳатдан ҳам зарба эди.* П.Турсун, Ўқитувчи.

2 *айн. ахлоқий* Кишининг маънавий қиёфаси.

Шунингдек, *маънавият* сўзи изоҳланмаганлиги ҳолда, *маънан* сўзига изоҳ берилган эди. Эътибор беринг:

МАЪНАН [а] рвш 1 Маънавий жиҳатдан, руҳан. *Унинг* (Юсуфбек ҳожининг) *ҳар бир раъйига Нормухаммад қушбеги қонунан мажбур бўлмаса-да, маънан бир мажбурият ҳис этар эди.* А.Қодирий, Ўткан кунлар. *Маънан ва жисман эзилган ...Анвар ...гўё ҳушсиз каби бошини икки қўли орасига олиб, сандал устига энгашди.* А.Қодирий, Мехробдан чаён.

2 Маъно жиҳатдан, маъносига кўра. *Маънан бир хил сўзлар* [5,454].

Ушбу лексикографик далиллар шуни кўрсатадики, истиқлолгача бўлган ўзбек расмий лексиконида *маънавият* лексемаси ўта пассив бўлиб, ижтимоий тор қатлам нутқи ва тафаккуридагина мавжуд эди. Гарчи бу лексема қўлланмаса-да, унинг денотати – яъни борлиқдаги ифодаланмиши мавжуд эди. Маънавият умумий семали тил бирликлари, унинг таркибига кирувчи беҳад катта миқдордаги лисоний ифодалар – сўзлар, мақоллар, маталлар, иборалар минг-минг йиллар давомида халқимиз шуурида сайқалланиб, бойиб борар, ёзма адабиёт, халқ оғзаки ижодида фаол қўлланар эди. Янги давр изоҳли луғатларидаги қуйидаги талқинлар фикримизнинг далилидир:

“МАЪНАВИЯТ [а. مغنويت- ахлоқий ҳолат; барча ахлоқий нарсалар, хусусиятлар | Инсониятнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадий, диний, ахлоқий ва ш. к. Тасаввурлари ва тушунчалари мажмуи. *Маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди. Газетадан... маънавиятимизга таъсир этувчи жиҳатлар шунчалик кўпки, уларни санаб, саноғига ета олмаймиз.* Газетадан. *Зеро, нақибандия таълимоти — маънавиятимиз сарчашмаларидан бири ҳисобланади.* Газетадан. *Аждодларимиз фалсафаси ҳам маънавиятимиздир.* Газетадан. *Биз талабаларга Шарқ маънавиятининг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни ҳақида ўргатамиз.* Газетадан [5,314].

Модомики, инсон маънавиятсиз мавжуд бўлмас экан, уни луғатларга шунчаки киритмаслик билан маҳв этиб бўлмайди. Ёки *идеология* сўзини тилга зўрлаб киритиш ва унга берилган сохта ва объектив реалликдан йироқ тавсиф ёки сунъий равишда ёпиштирилган “моҳият” билан уни барҳақлиги ва бардавомлигидан маҳрум этишнинг иложи йўқ. Масалан, биргина “сиёсий” семаси *маънавият* ва *идеология* терминлари орасига чегара қўйиб, уларнинг муқобил тушунчалар эмаслигини кўрсатади. Эътибор қилинг:

“ИДЕОЛОГИЯ [р>грек] Идеаллар мажмуи, муайян синфнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи сиёсий, ҳуқуқий, фалсафий, диний, ахлоқий қарашлар системаси; мафкура. *Марксча-ленинча идеология. Буржуа идеологияси. Идеология ишлари*” [5,314].

Тилшунос Г.Тожиева *идеология* ва *маънавият*, *мафкура* сўзлари ҳақида фикр юритар экан, уларнинг мавжудлиги ва талқинлардаги беўхшовликларнинг гносеологик илдизларига эътибор қаратади. “Албатта, синфийлашган жамиятда идеологияни инсоният учун умумий ва муштарак ҳодиса сифатида талқин қилиш мумкин эмас эди. Шунингдек, эски луғатдаги *идеал*, *идея* каби сўзлар изоҳи ҳам юқоридаги тушунчанинг моҳиятини очишга хизмат қилади. Шу ўринда, *идеология* сўзига тенглаштирилган *мафкура* сўзининг ҳам ўтган даврдаги изоҳи эътиборли:

МАФКУРА [а] Муайян бир синфнинг манфаатларига қаратилган фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, диний ва бадий қарашлари системаси. Идеология. *Пролетариат мафкураси. Буржуа мафкураси.*

Эътибор қилинса, *идеология* ва *мафкура* сўзлари изоҳи орасидаги фарқ *бадий* (мафкура), *ҳимоя қилувчи* (идеология) ва *қаратилган* (мафкура) сўзларида мужассам” [4, 21].

Шундай нуқтаи назар асосида олима ўзбек тилида бугун ва кеча фарқли етакчиликка эга бўлган *маънавият*, *мафкура* ва *идеология* сўзларини компонент таҳлил асосида қиёслайди:

TILSHUNOSLIK

Умумий жиҳатлар	Фарқли жиҳатлар		
	<i>Маънавият</i>	<i>Мафкура</i>	<i>Идеология</i>
сиёсий, ҳуқуқий, фалсафий, диний, ахлоқий, (бадий), илмий тушунчалар, қарашлар системаси, мажмуи	инсониятнинг	синфнинг, қаратилган	синфнинг, ҳимоя қилувчи

Олиманинг талқинича, *мафкура* ва *идеология* сўзлари талқинида “синфий кураш” (ва муайян синфни ҳимоя қилиш) семасига эътибор қаратилган, бироқ *маънавият* сўзида бу сема мўтадил ва бетараф. Эски талқинлардаги *мафкура* ва *идеология* сўзлари моҳияти янги талқинлардаги *маънавият* сўзи моҳиятига қисман тўғри келади ва улар бир-бирини тўла маънода қопловчи ҳодисалар эмас [4,7] деганда олима, албатта, ҳақ.

Давр ўз сўзини айтади. *Маънавият* ифодаси ўзбек тилининг янги изоҳли луғатларида ўзгача талқинларда, ўзбек миллий психологияси билан боғлиқ равишда намоён бўлмоқда. Атама луғатнинг 1-жилдида 1март, 2-жилдида 13 март, 3-жилдида 5 март учраганлигини кузатишимиз мумкин. Бу *маънавият* сўзи (тушунчасининг эмас, албатта) ўзбек ижтимоий онгида қанчалик фаол ва устувор бўлиб келганлигининг расмий ифодаси бўлди дейиш мумкин.

Бугунги кунда мамлакатимизда миллий дунёқарашдаги туб ўзгаришлар, инсоннинг ўзини ва борлиқни идрок этиш усулининг янги сифат босқичига кўтарилаётганлиги, миллий маънавият ва меросга муносабатнинг янги тус олаётганлиги, “миллий ўзлик” тушунчасининг қадрият даражасига кўтарилаётганлиги, тараққиётнинг таянч ҳодисаси ифодаси сифатида англанаётганлиги, *маънавият* ҳодисасига муносабатни буткул ўзгартиришни тақозо этмоқда. Албатта, жаҳон айвонида муносиб мавқе ва рутбага эга бўлиш фақат техник-технологик ва иқтисодий омиллар билан эмас, балки маънавиятни сақлаш ва ривожлантириш, миллий қадриятларни умуминсоний идеаллар билан мос тараққий эттириш асосидагина содир бўлишини нафақат англаб етиш, балки унга амалий ёндашиш зарурлигини тақозо этмоқда.

Иқтисодиётни маънавият билан уйғун ривожлантирмас эканмиз, ҳеч қачон кўзланган мақсадга эриша олмаймиз. Инсонни ҳайвондан фарқловчи омил маънавият, фақат маънавий ривожланишгина инсониятнинг тараққиёт даражасини кўрсатади. Иқтисодий, техник ривожланиш маънавий юксалиш билан уйғун кечган тақдирдагина тараққиётнинг охири таназул билан тугамайди. Маънавий ва иқтисодий тараққиёт уйғунлиги таъминлансагина табиат инсон билан ўчакишмайди, инсоф, виждон, диёнат, ҳалоллик ва жонкуярлик ҳислари бошига тож бўлсагина инсониятни порлоқ келажак, гўзал табиат кутади. Жаҳонда экологик, молиявий-иқтисодий инқирознинг, терроризм, экстремизм ва диний радикализмнинг кучайиб бораётганлиги нафс тараққиётининг маънавий-ахлоқий тараққиёт билан тескари кутблар сари интилаётганлигини кўрсатади. “Глобаллашув шароитида бу инқироз турлари бир-бирлари билан чирмашиб, инсониятнинг илгари мисли кўрилмаган улкан глобал инқирозига айланиш хавфи кучайиб бормоқда. Агар бу хавфнинг олди олинмаса, нафақат бир миллат ёки халқ, балки бутун инсоният тараққиёт деб аталаётган, аслида тараққиёт эмас, балки тўла маънодаги инқироз олдида ожиз қолиши мумкин. Миллат ва шахс маънавиятининг ўзаги бўлган эътиқод, виждон, оила каби муқаддас тушунчаларнинг таназули шусиз ҳам ортиб бораётган халқаро зиддиятлар натижасида маънавий емирилишнинг ўзагига айланиб қолиши мумкин. Маънавиятни ана шу тизим таркибида англаш, уни яхлит тараққиётнинг асоси сифатида идрок этиш тенденциясини кучайтириш барча зарур амалларнинг муҳимига айланиб қолаётир. Бу эса, аввало, ҳар бир шахс дунёқарашини ривожлантириш асосида аҳолининг умумий маънавиятини юксалтириш заруратини кун тартибига қўяётир” [4,4]. Шу маънода, “биз маънавий ҳаётимизни, миллий онг ва қадриятларимиз, эътиқод ва тафаккуримиз, урф-одат ва анъаналаримизни авайлаб-асраш, маънавий оламимизни юксалтиришга интилар эканмиз, буларнинг барчаси ...таълим-тарбия тизими билан чамбарчас боғлиқдир.

Маълумки, ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат равнақининг асосий шarti ва гарови деб билган. Албатта, таълим-тарбия онг маҳсули, лекин айна вақтда онг даражаси ва унинг ривожланишини ҳам белгилайдиган, яъни халқ маънавиятини шакллантирадиган ва бойтадиган энг муҳим омилдир” [4,4]. Халқ оғзаки ижоди ана шу омилларнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида таълим-тарбиянинг асосий воситаларидан саналади.

Ўзбек халқи маънавий ҳаётида “Алпомиш” достони ва Алпомиш ана шундай ўрин тутади. “Халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдонаси бўлган “Алпомиш” достони миллатимизнинг ўзлигини намоён этадиган, авлодлардан-авлодларга ўтиб келаётган қаҳрамонлик қўшиғидир. Агарки халқимизнинг қадимий ва шонли тарихи туганмас бир дoston бўлса, “Алпомиш” ана шу дostonнинг шоҳбайти десак, тўғри бўлади. Бу мумтоз асарда тарих тўфонларидан, ҳаёт-мамот синовларидан омон чиқиб, ўзлигини доимо сақлаган эл-юртимизнинг бағрикенглик, матонат, олижаноблик, вафо ва садоқат каби эзгу фазилатлари ўз ифодасини топган” [1,32]. Дostonда халқ тилининг ноёб дурдоналарини, бебаҳо ифодаларини, эл қалбининг кўри билан қиздирилган лексик товланишларни кузатар эканмиз, ҳар бир ифодада асрлар силсиласидан омон ўтиб, бойиб, такомиллашиб борган юксак маънавиятни кўраимиз.

“Алпомиш” достони тил ва маънавият муштараклигининг ёрқин ифодасидир. Уни ҳеч иккиланмасдан “Ўзбек тили қомуси”, “Ўзбек маънавияти энциклопедияси” дейиш мумкин. Дostonда ўзбек тили бор бўйи билан намоён бўлади. “Минг йиллик маданиятимиз тарихида халқимиз бадий тафаккури даҳосининг маҳсули сифатида юзага келган нафис сўз санъати дурдоналари беҳисоб. Уларнинг аллақанчаси туркий тафаккур теранлиги ва тахайюл бепоёнлигининг муҳташам обидалари ўлароқ жаҳон бадиияти ганжинасининг тўрида кўр тўкиб турибди. Бу асарларда мислсиз маҳорат билан тараннум этилган эзгулик, озодлик, ватанпарварлик, халқпарварлик, қаҳрамонлик каби абадиятни аллаловчи инсоний ғоялар ва айна пайтда улардаги тил дейиладиган сурурбахш сеҳрга тўла қудратнинг беназирлиги, сўзнинг инсон қалби қатларига ҳузурбахш ҳайрат солувчи замзамалари, ўктам ишва ва эркли эркалик билан эшилувчи маъно жилвалари, пўртана мисол шиддат ва оқувчан оҳанг, камалақдек товланувчи зангин рангинлик одам боласини ҳамиша маънавий камолот сари етаклаган” [3,25]. “Алпомиш” достони халқ тилининг юксак намунаси, унинг ноёб кўринишидир. Унда ўзбек халқининг қадимий ва боқий тили ўзининг бутун қудрати билан намоён бўлган. Маълумки, халқ тили тарихий тараққиёт ўзанида қарор топган, қаттиқ объектив қонуниятлар тишларидан омон чиққан тил. Унинг гўзаллиги сунъий равишда ўрнатилган қатъий меъёрий қоидалар занжиридан озодлигида, ҳудудий ўзига хосликларга эга, гоҳ беҳад нозик, гоҳида анчайин дағал, дағаллиги ҳам халқ ибоси ва ҳаёти билан ўралганлигида. “Адабий тил эса ана шу халқ тилининг, айтиш мумкинки, ягона кўркли ва комил “фарзанди”дир. Ўзбек адабий тили ўзбек халқ тили заминиде таркиб топган, у халқ тилининг тегишли қонуниятлар асосида мезонлаштирилган, сайқалланган, оро берилган шаклидир. Ўзбек адабий тилининг шаклланиш асоси ҳам, бойиш ва озиқланиш манбаи ҳам айна шу халқ тилидир. Адабий тилимизнинг танти тиргаги, синоатли сарчашмаси қамрови сарҳад билмас халқ тилидир. Бугунги ўзбек адабий тилимизнинг бойлиги ва фавқулodда ифода имконларига эгалиги аслида халқ тилимизнинг расолиги ва равонлиги билан изоҳланади” [3,26]. Ана шу халқ тили, қатрада қуёш акс этганлиги сингари, “Алпомиш” достонида ўз ифодасини топган.

Хулоса. “Алпомиш” достонида ўзбек маънавиятини ифодалайдиган катта миқдордаги лексик-фразеологик ва паремиологик бойлик мужассам. Ҳар бир сўз, ҳар бир қўшимча, фонетик товланиш ва вариантлар, тилнинг чайир мантиғини намоён қилувчи бетакрор синтактик қурилмалар халқ руҳиятини зоҳир қилади, халқ маънавиятини кўринувчи гўзалликка айлантиради. Қуйида шахс маънавий қиёфасига дахлдор бўлган шундай ифодалардан айрим мисоллар келтираимиз:

лексемалар: *ақл, ақл-ҳуш, бадфеъл, баркамол, бахил, бефаросат, гуноҳкор, дини барҳақ, дўст, жабр, жафо, зеҳн, золим, зулм, илм, имонсиз, инсоф, ислом, калимаи шаҳодат, китоб, қабоҳат, қиблагох, қодир Худо, мактаб, мақсад, малоийк,*

TILSHUNOSLIK

малъун, манманлик, маслаҳат, меҳнат, меҳнаткаш, меҳр, меҳрибон, мулла бўлмоқ, мусулмон, муштипар, наби, назр-ниёз, насиҳат, номус-ор, Олло, омин, орият, ошиқ, панд, пир, расми-қаъда, раҳм, Раҳмон, савод, саводхон, салом бермоқ, сахий, сиғинмоқ, такаббурлик, тақдир, тиламоқ, ўқимоқ, уста бўлмоқ, фаришта, фаҳм, фоний дунё, Худо, ҳамроҳ, ҳароми, шайтон, шафоат, шаън, шоду хуррам, шумлик, эътиқод, юрт, яратган;

иборалар: кўнглини хушламоқ, ер юзига тушмоқ, қуллуқ бўлсинга келмоқ, юрагини ёролмаслик, бетига фотиҳани тортмоқ, кўнглига оғир олмоқ, ўсал бўлмоқ, ширин сўзли, пешвоз чиқмоқ, жавобини бермоқ, зиёрат қилмоқ, дуосини олмоқ, бирга-бирга бормоқ, кўнглини хушламоқ, қулоқ солмоқ, назар солмоқ, изза бермоқ, ҳаром билмоқ, худо демоқ, яратганга жиламоқ;

маталлар: давлат талаб давлат тилар; фарзанд талаб фарзанд тилар; охират талаб имон тилар; қирқ кун тунаган киши муродига етиб қайтар; бийларга худо берган – пирнинг дуосин олган; ҳар ким ўз элида бекми, тўрами, қарчиғай қаргага еттик берами; (Барчинойни тенқурига қўшмасам, маҳшар куни) унинг қўли ёқамда; одамни англади ўзбакнинг қизи, ақпинни олади бу жоду кўзи; ҳар ишни бандага худо қилар, худо қилганига банда кўнар; бошга менманлик бало бўлади;

афоризмлар: худо бизга бермаса, қаёқдан қиламиз тарадди; вақти-бевақт бировникига меҳмон келса, отини ушлаб, жойи бор бўлса, кўнглини хушлаб жўнатса, бул ҳам сахий; агар жойи бор туриб, жой йўқ, деб қўндирмай жўнатса, бул одам бахил; вақт-бевақт киши бир мазорнинг қабатидан ўтса, чап оёғини узангидан чиқариб, мазордаги одамларнинг ҳақиға дуо қилса, бул ҳам сахий, агар ҳар ким мазордан ўтганда, чап оёғини узангидан чиқармай, мазоротнинг ҳақиға дуо қилмаса, бул ҳам бахил; кишининг моли закотга етса, закот берса, бул ҳам сахий; агар закот бермаса, бул ҳам бахил; Бойсару ўлик ерда – ўлик, тирик бўлса – тирик; элат билан бирга юрок лозим; калимаи шаҳодат мусулмоннинг тилига, Азамат бош берар диннинг йўлига; ёмонлағурнинг ўйнагани ҳам яхшилик эмас; манманликман бизинг алплар ўлади; инжилма, кўнглим, сабр очар, бесабрдан давлат қочар; давлат эшигин сабр очар; ёмон одам мудом қилар ғовурди, лоф айтганга ботмондан ҳам оғирди; Тангри бир, расул барҳак, деб калима айтсанг, калити шул: очар жаннати ризвон; иймон ҳамроҳ қилиб ўтсанг дунёдан, хизмат қилар сенга ҳур билан ғилмон; худо деб йиғлай ҳар кунда, умринг ўтсин ислом динда; бир худонинг берганига кўнаман; жоним қўзим, билмаганим билдирма, дўст йиғлатиб, душманимни кулдирма; яхшилик қил, ёмонликни қилмагин; кўп еганман, тузинг оқлаб турайин; отасини урган фарзанд оқ бўлар.

“Алпомиш” достонида қўлланган ифодалар гоҳ адабий ёзма меъёрлар, гоҳ сўзлашув нутқиға номутаносиблиги билан ҳам ажралиб туради. Ундаги экзотизмлар, бой этнографик маълумотлар, эвфемизмлар, ўрни билан қўлланган дисфемик мазмунли бирликлар турли бадий-эстетик вазифа бажаради. Бу вазифаларни қуйидагича типлаштириш мумкин:

- 1) сўзловчи (бахши, халқ) нинг эпик муродини тингловчининг қабул қилиш самарадорлигини таъминлаш;
- 2) сўзловчи (бахши) нинг маҳоратини намоён этиш;
- 3) тасвир объекти ҳақида тўлақонли ва таъсирчан образ хосил қилиш;
- 4) халқ дунёқараши ва психологияси (менталитети)ни ойдин ифодалаш;
- 5) эзгулик ва ёзувлик ўртасидаги сўнгсиз курашни ва бу кураш жараёнида миллат иродасининг шаклланиб, тобланиб боришини кўрсатиб бериш ва ҳ.

АДАБИЁТЛАР

1. **Каримов И.** Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.32.
2. **Қўшмоқов М.** Чечанликда сўзга сувдайин оқиб... – Тошкент: Ғ.Ғулом, 1978. – Б.43.
3. **Маҳмудов Н.** Тил. – Тошкент: Ёзувчи, 1998. – Б.25.
4. **Тожиева Г.Н.** Ўзбек тили маънавий-маърифий лексикасининг мустақиллик йилларидаги тараққиёти (“миллий ғоя” атов бирликлари тизими): Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)... дисс. – Самарқанд, 2017. – 139 б. – б.4.

5. Ўзбек тилининг изоҳли Луғати. 2 томли. 1- том. – М.: Русский язык, 1981.

6. Ўзбек тилининг изоҳли Луғати. 5 жилдли. 2- жилд. – Тошкент: ЎЗМЭ Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 556.

УДК: 81`271.14

ОРТОЛОГИЯ АДАБИЙ МЕЪЁР ҲАҚИДАГИ ФАН СИФАТИДА

ОРТОЛОГИЯ КАК НАУКА О ЛИТЕРАТУРНОЙ НОРМЕ

ORTHOLOGY AS A SCIENCE ABOUT LITERARY NORM

Ширинова Мехригиё Шокировна

БухДУ тадқиқотчиси

Таянч сўзлар: ортология, тилшунослик, адабий тил, нутқ маданияти, адабий меъёр, тил меъёрлари, тил системаси, узус, коммуникатив жараён.

Ключевые слова: ортология, языкознание, литературный язык, речевая культура, литературная норм, языковые нормы, языковая система, узус, коммуникативный процесс.

Key words: orthology, linguistics, literary language, speech culture, literary norms, language norms, language system, uzus, communication process.

Мақолада ортология сўзининг келиб чиқиши, маъноси, қўлланилиш соҳалари луғатлар асосида шарҳланган ҳамда луғатларда берилган таърифлар умумлаштирилган.

В статье разъясняется происхождение, значение и сферы употребления слова ортология на основе словарей и обобщаются описания данные в разных словарях об ортологии.

The article gives an overview of the origin, meaning, application areas of the orthology on the basis of dictionaries and summarizes its interpretations given in the dictionaries.

Кириш. Тарих силсиласида ўзига хос ўрин ва аҳамиятга эга бўлган тилшунослик фани бир қанча йўналишу соҳалари ёрдамида турли хил муаммоларни ўрганиб, тарихий тараққиётга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Тилшуносликнинг ҳар бир йўналиши ўзининг қимматли тадқиқотлари билан жамият эҳтиёжларини қондиришда алоҳида аҳамиятга эга. Шундай йўналишлардан бири **ортология**дир.

Асосий қисм. Ортология сўзининг луғавий маъноси, этимологияси луғатларда қуйидагича изоҳланади:

1. “Ортология (<грек. *orthos* “тўғри” + *logos* “фан”) лингв. тилшуносликнинг тил меъёрлари, шунингдек, шу меъёрлардан чекиниш, нутқ хатоликларини ўрганувчи бўлимидир [6]. Таърифда ортология тил меъёрлари, яъни орфоэпик, орфографик, лексик, грамматик ва шу каби меъёрларни ҳамда ушбу меъёрларга риоя қилинмаганда ҳосил бўладиган нутқ хатоликларини ўрганиши айтиб ўтилган.

2. “Тилшунослик фанлари доирасида ортология – тил меъёрлари ва уларни ўрнатишни ўрганади. Ортология XIX асрда – тил системаси ва тил меъёрлари ўртасидаги фарқ анланган пайтда грамматикадан ажралиб чиқди ва мустақил бўлди [4]. Ортологиянинг грамматикадан ажралиб, мустақил бўлганлиги табиий ҳол. Чунки тил меъёрлари нафақат грамматика соҳаси, балки тилнинг барча соҳалари учун бирдек аҳамиятлидир.

3. “Ортология. 1. Узус ва тил системасига нисбатан меъёрларнинг тарихий ўзгарувчанлиги ва фаолиятини ўрганувчи тилшунослик бўлими. 2. Тўғри нутқ назарияси” [5]. Ушбу изоҳда ортология кўп маъноли сўз сифатида шарҳланган. Изоҳдан англаш мумкинки, ортология узус (бирор бир тил аҳлида тил системасида мавжуд бўлган имкониятлардан фойдаланиб келинаётган қисми) ва тил системасига нисбатан меъёрларнинг вақт ўтиши билан ўзгарган вариантларини ўрганар экан. Шу билан бирга, луғавий маъносидан келиб чиқиб тўғри нутқ назарияси деб таърифланган.

TILSHUNOSLIK

4. “Ортология – ўрганиш объекти тўғри адабий нутқ назариясини изоҳлайдиган тилшунослик бўлими. Ортология тушунчаси адабий тилнинг оғзаки ва ёзма меъёрларини эгаллаш, яъни нутқ маданияти таркибий қисмлари нормаларини ўрганиш билан боғлиқ” [7]. Бизнингча, келтирилган изоҳ тушунча моҳиятини юқоридагиларга қараганда яққолроқ ифодалаган.

Инглиз тили луғатларида ҳам ортология маъно жиҳатидан юқоридаги луғатлардан фарқ қилмаган ҳолда изоҳланган. Шу билан бирга кўшимча фактлар ҳам келтирилган:

1. **“Ортология 1. от. камдан-кам учрайдиган. Тилни тўғри, тасдиқланган ёки анъанавий ишлатиш билан шуғулланадиган грамматика соҳаси. Келиб чиқиши XVII аср бошлари; энг биринчи фойдаланиш Мартин Фотерби (1560-1620)да учрайди. Ортология 2. биология. Келиб чиқиши 1970 йиллар; илк марта тизимли зоологияда ишлатилган** [12]. Инглиз руҳонийси сифатида танилган Мартин Фотерби 1618 йил Салисбури черковининг епископи бўлган. Атеизмга қарши ғояларни акс эттирувчи асарлари мавжуд ва ушбу асарларида ортология сўзини биринчи марта ишлатган.

Ортология терминининг тизимли зоологияда илк марта 1970 йил ишлатилганлиги айтиб ўтилган. Назаримизда, кейинчалик биологик термин сифатида фойдаланилган. Чунки луғатлардан излаганимизда фақатгина биологик термин изоҳига кўзимиз тушди: *“Ортология биол. генетиканинг бир авлоддан пайдо бўлган турли хил жонзотларнинг ген хусусиятларини ўрганувчи бўлими”* [13].

Бизнингча, икки соҳада ишлатиладиган ортология терминлари ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжуд. Боғлиқлиги шундаки, мерос бўлишлик, кўчиб юривчанлик хусусиятлари ҳар икки термин учун умумийдир. Ген [юн. *genos* – уруғ, келиб чиқиш] – ирсиятнинг элементар бирлиги ва моддий асоси бўлиб, у организм белги ва хусусиятларини наслдан наслга ўтказиш функциясини бажарганидек [8], тилдаги адабий меъёр ҳам авлоддан авлодга кўчади, мерос бўлиб қолади.

1. “Ортология институти томонидан асосий инглиз тилига сўзларни танлаш учун ортология сўзи энг кўп ишлатилади. С.К. Огден ва И.А. Ричардсларнинг “The Meaning of Meaning” (“Маънонинг маъноси”) китоби ортологияга оид энг муҳим китобдир. Ортология термини Карл Пеарсоннинг “The Grammar of Science” (“Илм грамматикаси”) китоби орқали кириб келган [11].

XX асрда тилшунослик семантикаси ва семиотикасига оид ишларда тез-тез санаб ўтиладиган С.К. Огден (1889-1957) ва И.А. Ричардс (1893-1979)ларнинг “The Meaning of Meaning” (“Маънонинг маъноси”) китоби 1923 йилда ёзилган. Бу асар “Ортология” ва “ортологик” терминлари шарҳланган энг муҳим китоблардан бири саналади. Унда инглиз тилини соддалаштириш ортологиянинг муҳим соҳаларидан бири эканлиги таъкидланиб, осон ва содда инглиз тили меъёрларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилинган. Орадан биров вақт ўтгач, 1928 йил уларнинг тадқиқотлари Ортологик институт номи билан бирлаштирилади [14,15,16]. Огден асосий инглиз тилини тарғиб қилиш учун 1927 йилда Ортология институтини ташкил қилди. Институтнинг бош қароргоҳи Кембрижда Кинг парадида жойлашган эди. Кейинчалик 1943 йилда институт Лондоннинг Гордон майдонига кўчиб ўтади. Институт асосан инглиз тилига оид луғатларни тузиш ва тарғиб қилиш билан шуғулланади. Огденнинг асосий инглиз тилини ҳимоя қилиш ҳаракатлари 1925 йилдан то умрининг охиригача давом этган. У Basic English (асосий инглиз тили) – 850 сўздан иборат ёрдамчи халқаро тил луғатини яратади, бу луғат кундалик мақсадлар учун зарур бўлган барча жиҳатларни ўз ичига қамраб олган эди. Шунингдек, ogden.basic-english веб сайтини ҳам яратди. Умуман олганда, Огден ва Ричардсларнинг асосий мақсади инсонлар учун қулай бўлган тил меъёрларидан фойдаланиб, содда, ўрганилиши осон бўлган асосий инглиз тилини ишлаб чиқиш ва тарғиб этишдир [17].

Карл Персон (1857-1936) кучли инглиз математиги бўлиб, математик статистика фанини яратган. Унинг “The Grammar of Science” (“Илм грамматикаси”) асари дастлаб 1892 йил нашр этилган бўлиб, унда “ортология – мантиқнинг асосий қисми тилдан тўғри фойдаланишни ўганиш, аниқ белгилаш ва зарур бўлганда атамаларни ихтиро қилиш”

деган ортологиянинг 3 томонли таърифи тилдан тўғри фойдаланиш билан бошланиб, норматив ёндашув сифатида изоҳлаш билан тугаган. Инглиз тилшунослигида К.Персон 1-март ортологияни тилшунослик термини сифатида изоҳлаган. Ортологиянинг луғатдаги илк таърифи Оксфорд инглиз тили луғати (Oxford English Dictionary)да келтирилган: “Инсонларга сўзларни тўғри қўллашни ўргатиш” [14,15].

Бундан ташқари қуйидаги қизиқарли маълумотга ҳам дуч келдик: “Пифагор нумерологиясида ортологиянинг рақамли қиймати 9 га тенг” [12]. Тарихдан маълумки, сонлар фалсафаси, сонлар билан иш кўрувчи – нумерология фанининг асосчиси юнон файласуфи ва математиги Пифагордир. У Ер юзидаги барча воқеа-ҳодисалар рақамлар билан боғлиқлигини исботлаб берди, шунингдек, ҳар бир рақамда маълум бир маъно яширинганлигини айтиб ўтди. Жумладан, 9 рақамга шундай изоҳ берилган: “9 – ялли муваффақият рамзи, барча элементар сонларнинг энг йириги. У бутун гуруҳнинг хусусиятларини бирлаштиради, бу эса уни, агар тўлиқ даражада ривожланган бўлса, назорат этувчи омилга айлантиради. 3 нинг уч карраси сифатида эса 9 сони беқарорликни интилишга айлантириб юборади” [1,37].

9 рақамда ифодалаган юқоридаги маъноларни ортология тушунчасига юқлайдиган бўлсак, қуйидагича мазмун келиб чиқади: ҳақиқатдан ҳам, ортология тилшуносликдаги барча бўлимларнинг энг йириги ҳисобланиб, барча бўлимларни бирлаштиради ҳамда назорат қилади, беқарорлик, тартибсизликка барҳам беради. Демак, ортологиянинг нумерологиядаги қиймати тўғри ҳисобланган.

Статистик маълумотларга кўра, ортологиянинг “фойдаланиш частотаси бўйича машҳурлик даражаси қуйидагича: 129276” [12]. Частотадан кўриш мумкинки, ортология тушунчаси барча халқлар тилшунослигига тўлиқ кириб бормаган. Чиндан ҳам бу терминни айрим тил луғатлари (рус, инглиз, француз, қозоқ ва бқ.)дагина учратдик. Бу луғатларда ҳам ортология изоҳи таҳлилга тортилган луғатлардан фарқ қилмайди, шунинг учун мақолада келтиришни жоиз деб ҳисобламаймиз. Аммо изоҳлар бир-бирига яқин бўлса-да, ортология соҳасига оид тадқиқотлар ҳар бир тилда турличадир (бу тадқиқотлар таҳлилини бериш эса мақола дорасига кирмайди).

Ўзбек тилидаги луғатларни кузатар эканмиз, ортология сўзига кўзимиз тушмайди. Фақатгина янги таҳрирдаги ЎТИЛда орто- тушунчасига берилган изоҳни кўриш мумкин: “орто-, орфо- (юн. *orthos* – тўғри, тўппа-тўғри) Байналмилал ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми: бирор нарса-ҳодисанинг тўғрилигини, тиклигини, тўғридан-тўғри рўй беришини билдиради (Юнонча олд қўшимчанинг икки хил ўқилишидан икки хил вариантда ёзилади) мас.: ортопедия, орфография” [2,142].

Луғатларда берилган таърифларни умумлаштириб, шуни айтиш мумкинки, ортология тилшуносликка оид термин сифатида тилдаги адабий меъёрларни ўрганадиган соҳадир. Адабий меъёр – тилда лингвистик бирликларни ишлатиш учун тарихий ва ижтимоий жиҳатдан тасдиқланган қоидадир. Маълумки, меъёр динамик бўлиб, вақт ўтган сайин ўзгариб туради ва шу билан бирга консерватив, яъни барқарорликни ҳам билдиради.

Замонавий тилшуносликнинг антропоцентрик йўналишини кучайтириш, асосий эътиборни тил системасидан коммуникатив жараёнга қаратиш бир қатор нутқ фанларини ривожлантиришни ва қайта кўриб чиқишни тақозо этди. Нутқ маданияти билан боғлиқ муаммоларнинг ортганлиги замонавий илмий ғояларни акс эттирувчи лингвистик назарияни яратишга эҳтиёж туғдирди. Шу муносабат туфайли нутқ маданияти, адабий меъёр ва бу тушунчалар билан боғлиқ ҳодисаларни яхлит ифодаладиган ортология соҳаси тилшуносликка кириб келди.

XX асрда Россия, Чехия, Германия ва бошқа тил марказларида ортология муаммолари ўрганилди. Дунё тилшунослигида ортологик тадқиқотлар жуда кўпчиликни ташлил этади. Бу тадқиқотларнинг ҳар бирига бир мақола доирасида тўхталиб ўтишнинг имкони йўқдир. Сўнгги ўн йилликда рус тилшунослигида яратилган тадқиқотларда (А.Г. Жукова (2002), Е.М. Хакимова (2003), О.Г. Никонорова (2005), Г.Е. Дронова (2006), И.В. Береля (2007), А.Г. Кротова (2011), Т.А. Славгородская (2011),

TILSHUNOSLIK

В.В. Свинцов (2012))¹ ортология билан шуғулланган олимлар номи санаб ўтилган. Шунингдек, Э.Бегматов ва А.Маматовларнинг “Адабий норма назарияси”(1-қисм) китобида адабий тил, адабий нормага оид ишлар батафсил ўрганилган, таҳлил қилинган ва илмий жиҳатдан умумлаштирилган [13].

Ўзбек тилшунослигидаги айрим ишларда ортология тушунчасига қисқагина таъриф берилган бўлса (мас.: нутқ ҳақидаги таълимот – ортология [9]), айрим ишларда тилшуносликнинг янги йўналиши ёки махсус тадқиқ этилиши лозим бўлган соҳалардан бири эканлиги айтиб ўтилиб, номи келтирилган, холос [10]. Бу фақат ортология терминини ишлатилиши билан боғлиқ қараш. Ортология соҳаси таркибига кирадиган адабий норма, тил меъёри, нутқ маданияти ва услубияти, адабий тил каби бир қатор тушунчалар ўзбек тилшунослари томонидан тадқиқ этилган ва тадқиқ этилмоқда.

Ўзбек тилшунослигида 1960 йиллардан кейин тил нормаларига дахлдор бир қатор ишлар эълон қилинган. Ўзбек адабий тили нормаси ва нутқ маданиятининг назарий масалалари С.Иброҳимов, Э.Бегматов, Р.Қўнғировларнинг мақолаларида, лексик норма масалалари Ш.Шоабдурахмонов, А.Фуломов, О.Усмонов масалаларида, услубий норма Ғ.Абдурахмонов, И.Қўчқортоев, Б.Ўринбоев, М.Мукаррамов, Р.Қўнғуров, И.Тошалиев, Б.Умурқуловларнинг кузатишларида, нутқ маданиятида луғатларнинг ўрни ва роли С.Акобиров, Т.Алиқулов, Э.Фозиловлар ишларида, тиниш белгиларининг ишлатилиш нормалари Х.Ғозиев, К.Назаровалар ишларида, алифбо, имло ва талаффуз нормалари С.Иброҳимов, А.Ҳожиев, Ш.Рахматуллаев, Э.Бегматов, А.Маматовларнинг мақолаларида таҳлил қилинган [3,29].

Бугунги кунда ортология соҳасига берилган таърифлар турличадир: “сўзларни тўғри қўллашни ўргатадиган фан”, “нутқ маданияти ҳақидаги фан”, “нутқ маданиятининг таркибий қисми”, “нутқ тўғрисидаги таълимот”, “меъёр ҳақидаги фандир”. Бизнингча, ортологияни унинг луғавий маъносидан келиб чиқиб, адабий меъёрни, яъни тўғри, тартибга солинган адабий тил меъёрларини ўрганадиган ва уни тартибга солувчи қоидаларни ишлаб чиқадиган соҳа дейиш тўғрироқдир.

Хулоса. Дунё тилшунослигида ортология алоҳида ўқув фани сифатида ўрганилаётган бир даврда ҳали ўзбек тилшунослигига оид манбалар, луғатларда бу тушунчанинг кириб бормаганлиги тилшунослигимиз олдида қилиниши керак бўлган тадқиқотлар жуда кўплигидан далолат беради. Ортология тушунчаси ва ортология соҳасининг тилшунослигимизга кириб келиши кўплаб амалий ишларнинг юзага келишига туртки бўлади.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов Б.Х., Қаландаров А.Д. Сонлар фалсафаси. – Бухоро, 2010. – 405 б.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 3-жилд. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: ЎЗМЕ, 2007. – 688 б.
3. Бегматов Э., Маматов А. Адабий норма назарияси. 1-қисм. – Т.: Наврўз, 1997.
4. Литература и язык. Современная иллюстрированная энциклопедия. — М.: Росмэн. Под редакцией проф. Горкина А.П. 2006. https://dic.academic.ru/dic.nsf/enc_literature/5236/

¹Жукова А.Г. Ортология в теоретическом и прикладном рассмотрении: Автореф. дисс... канд. фил.наук. – Новосибирск, 2002; Хаимова Е.М. Статический и динамический аспекты языковой нормы: анализ, систематизация, обоснование: Автореф. дисс... канд. фил.наук. – Челябинск, 2003; Никонорова О.Г. Малые рекламные жанры в прагматическом, когнитивном и ортологическом аспектах: На примере бегущей строки: Автореф. дисс... канд. фил.наук. – Омск, 2005; Дронова Г.Е. Коммуникативная категория “ясность речи” в жанре лекции: Автореф. дисс... канд. фил.наук. – Екатеринбург, 2006; Береля И.В. Многоуровневая системность стилистических норм и проблема типологизации речевых отклонений от них: Автореф. дисс... канд. фил. наук. – Краснодар, 2007; Кротова А.Г. Лексическая норма и ее отражение в языковом сознании носителей языка: опыт экспериментального исследования: Автореф. дисс... канд. фил.наук. – Новосибирск, 2011; Славгородская Т.А. Реализация словообразовательного потенциала языка в текстах СМИ: нормативный аспект: Автореф. дисс... канд. фил.наук. – Краснодар, 2011; Свинцов В.В. Языковая трудность: системный, лексикографический и методический аспекты: на материале русского языка: Автореф. дисс... канд. фил. наук.–Москва, 2012.

5. Толковый словарь Ефремовой. Т. Ф. Ефремова. 2000. <https://dic.academic.ru/dic.nsf/efremova/278528/>
6. Толковый словарь иностранных слов Л. П. Крысина. – М: Русский язык, 1998. https://dic.academic.ru/dic.nsf/dic_fwords/53290/
7. Учебный словарь стилистических терминов. – Новосибирск: Новосибирский государственный университет. О.Н. Лагута. 1999. <https://stilistics.academic.ru/464/>
8. <https://uz.wikipedia.org/wiki/Gen>
9. <http://uz.denemetr.com/docs/768/index-280822-1.html?page=2>
10. <https://kun.uz/72304998>
11. [https://en.wikipedia.org/wiki/Orthology_\(language\)](https://en.wikipedia.org/wiki/Orthology_(language))
12. <https://www.lexico.com/en/definition/orthology>
13. <https://ru.wiktionary.org/wiki/>
14. <https://www.goodreads.com/book/show/3356445-the-grammar-of-science>
15. https://books.google.co.uz/books?id=E_Z8JaM_Q78C&pg=PA2582&lpg=PA2582&dq=%E2%80%9CThe+Meaning+of+Meaning%E2%80%9D+orthology&source
16. <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0388000113001095>
17. https://en.wikipedia.org/wiki/Charles_Kay_Ogden

УДК: 81'373.612.2

**SHAVKAT RAHMON SHE'RIYATIDAGI ZOOMORF METAFORALARNING
LINGVOMADANIY XUSUSIYATLARI**

**ЛИНГВОКУЛЬТУРНЫЕ ОСОБЕННОСТИ ЗООМОРФНЫХ МЕТАФОР В
ПРОИЗВЕДЕНИЯХ ШАВКАТА РАХМАНА**

**LINGUOCULTURAL FEATURES OF ZOOMORPHIC METAPHORS IN SHAVKAT
RAHMAN'S WORKS**

Sayidova Gulruh Yoqubovna

Buxoro viloyati Romitan tumani 22-son o'rta umumta'lim maktabi o'qituvchisi

Tayanch so'zlar: til, madaniyat, leksema, zoomorf, metafora, lingvistika, lingvokulturologiya, trop, metaforizatsiya.

Ключевые слова: язык, культура, лексема, зооморф, метафора, лингвистика, лингвокультурология, троп, метафоризация.

Key words: language, culture, lexeme, zoomorph, metaphor, linguistics, lingvoculturology, trope, metaphorization.

Maqolada o'zbek xalqining mashhur shoiri Shavkat Rahmon she'riyatidagi zoomorf metaforalar lingvistik, chunonchi, lingvokulturologik aspektda tahlil etilgan, shoir she'rlarida qo'llangan zoomorf metaforalar mavzuiy guruhlar bo'yicha tasniflangan, it, qush, laylak, qarg'a kabi zoomorf metaforalar ashyoviy materiallar asosida atroflicha o'rganilgan.

В статье анализируются зооморфные метафоры в поэзии известного узбекского поэта Шавката Рахмона в лингвистическом, а также лингвокультурологическом аспектах, зооморфные метафоры в произведениях поэта классифицированы по тематическим группам, зооморфные метафоры, такие как собака, птица, аист, ворон были подробно изучены на основе материала.

In the article, zoomorphic metaphors in the poetry of the famous Uzbek poet Shavkat Rahmon are analyzed in linguistic, as well as linguocultural aspects, the zoomorphic metaphors used in poetry poems are classified by thematic groups, and zoomorphic metaphors such as dogs, birds, storks, ravens have been extensively studied on the basis of material.

Kirish. O'zbek tilshunosligida zoonimlar (hayvon nomlari) bo'yicha ayrim ilmiy ishlar amalga oshirilgan. Bunday ishlar jumlasiga turkiy tillarda uy va yovvoyi hayvonlar nomi bo'yicha A.Shcherbak, «Zarbulmasal» asaridagi qush nomlari bo'yicha F.Is'hoqov, XI-XIV

TILSHUNOSLIK

asr turkiy yodnomalar tilidagi zoonimlar bo'yicha B.Abdushukurovlarning tadqiqotlarini aytib o'tish mumkin [1,2,8].

Bugungi kunda til va shaxs, til va madaniyat, til va tafakkur kabi masalalarni o'rganish tilshunoslik sohalari – psixolingvistika, lingvokulturologiya, kognitiv tilshunoslik, pragmalolingvistika kabi sohalarda chuqurlashib bormoqda. Tilga antropotsentrik yondashuv ushbu sohalarning eng so'nggi yutuqlarini o'zida mujassam etib, mustaqil paradigma sifatidagi maqomini tobora mustahkamlab bormoqda.

Asosiy qism. Muayyan badiiy asar tiliga xos lingvokulturologik xususiyatlarni tadqiq etishda ko'chim, ya'ni troplarga ham alohida diqqat qaratiladi. Ko'chimlar tizimida metafora eng muhim o'rin tutadi. Aksar ilmiy tadqiqotlarda metaforalar ikki turga, ya'ni lingvistik metafora va xususiy-muallif metaforalariga ajratiladi [3, 47]. Lingvistik metaforalar til taraqqiyoti bilan bog'liq hodisa hisoblanadi. «Bunday metaforalar asosan, atash, nomlash vazifasini bajarganligi uchun ularda uslubiy bo'yoq, ekspressivlik, binobarin, ular ifodalagan nutq predmetiga nisbatan subyektiv munosabat aks etmaydi» [5,13].

Xususiy-muallif metaforalari esa badiiy-estetik funksiya bajaradi, tasviriylik va ifodaviylikni kuchaytiradi. Mazkur metaforalarda hamisha konnotativ ma'no, estetik vazifa mavjud bo'ladi. Metafora orqali ma'no ko'chishida konnotativ ma'no yorqinroq aks etadi. Masalan, *ot*, *eshak*, *bo'ri*, *tulki* kabi hayvon va qushlarning nomlari bo'lgan leksemalar mavjudki, bu so'zlar o'z ma'nosidan tashqari, ko'chma ma'noda juda keng qo'llanadi [3, 12].

Badiiy matnning lingvistik tahlilida ko'proq xususiy metaforalarga e'tibor qaratiladi. Chunki bunday metaforalar asar mazmunini boyitish, ta'sirchanlik darajasini ko'tarish va kitobxon badiiy-estetik didini mukamallashtirishda muhim vosita bo'lib xizmat qiladi. Sharq mumtoz adabiyotshunosligida metafora istilohi istiora deb nomlanadi va u alohida badiiy san'at sifatida o'rganiladi. Ayonki, she'rni go'zal etuvchi, uning badiiy kuchini oshiruvchi vositalar tashbih, istiora va ohangdir. Bular orasida istiora muhim o'rin tutadi. Shoirning buyukligini ko'rsatuvchi fazilatlaridan biri, shubhasiz, uning istioralardan foydalanish mahorati bilan belgilanadi. She'rda lirik qahramonning murakkab kechinmalari, ruhiy holatlari, his-tuyg' ulari va chuqur qayg' usini ifodalashda istiora asosiy badiiy vosita bo'lib xizmat qiladi.

Metaforalar milliy-madaniy o'ziga xosliklarni yorqin namoyon etuvchi asosiy birlikdir. Ular dastlab faqat til hodisasi sifatida o'rganilgan bo'lsa, keyingi davrlarda u inson tafakkurining ajralmas bir qismi tarzida ham baholanib, shu nuqtai nazarlar bo'yicha ham tadqiq etilmoqda. Lingvokulturologiyaga oid adabiyotlarda metaforalar tilning asosiy lingvomadaniy birliklari hisoblangan maqollar, iboralar, o'xshatishlar bilan bir qatorga qo'yiladi. Lingvokulturologiya hamda kognitiv tilshunoslik bo'yicha jiddiy tadqiqotlar olib borgan V.A.Maslovaning fikricha, metafora o'zida "... fundamental madaniy qadriyatlarni aks ettiradi, zero, u milliy-madaniy dunyoqarashga asoslangandir" [4,91].

O'zbek xalqining mashhur shoirlaridan biri Shavkat Rahmon badiiy asarlarida qo'llangan metaforalarni kuzatish asosida shuni aytish mumkinki, ular ijodkorning individual nutqiy uslubiga xos jihatlarni ko'rsatishi bilan birga o'zbek millatiga mansub til sohiblarining badiiy tafakkuri, til birliklariga bo'lgan munosabatini ham namoyon etgan. Ma'lumki, til tashqi olamga ma'no orqali bog'lanadi. Til belgilari ortida turuvchi hodisalarni o'rganish inson kognitiv faoliyati va nutqiy faoliyat aloqasini yoritishda muhim ahamiyat kasb etadi. Shavkat Rahmon asarlaridagi hayvon nomlarining aksariyati ko'chma ma'noda qo'llanilgan. Ular orasida zoomorf metaforalar ko'pchilikni tashkil etadi. Insonlarga xos xususiyatlarni ifodalashda shoir ulardan keng va mohirona foydalangan.

O'zbek xalqining tili va nutqida eng ko'p metaforizatsiya qilingan so'zlardan biri *it* so'zidir. Mazkur metafora shaxsning subyektiv munosabatini bildirishda eng faol ko'chim sifatida xalq tilida qo'llaniladi. Xarakterli tomoni shundaki, *it* so'zi o'zbek tilida etalon bo'lib kelgan metaforalar soni o'ndan ortiq bo'lib, ularning barchasi insonga nisbatan qo'llangan. Buning sabablari sifatida quyidagilarni aytib o'tish mumkin:

1) itni osonlik bilan qo'lga o'rgatish mumkin, uning tabiatida moslashuvchanlik juda kuchli. Shunga ko'ra, it qo'lga o'rgatilgan eng dastlabki xonaki hayvon bo'lib, o'zbek xalqining turmush tarzida muhim o'rin tutadi;

2) it muntazam ravishda insonlarning ko'z o'ngida bo'lganligi, insonlar ularning kayfiyati, harakati va tabiatidan yaxshi xabardor ekanligi sabab itga xos xususiyatlar ko'chma

ma'noda insonga ko'chirilgan. Shu va boshqa sabablarga ko'ra *it* so'zining majoziy ma'noda qo'llanishi ko'p kuzatiladi. O'zbek tilida *it* so'zi ijobiy va salbiy ko'chma ma'noda qo'llaniladi. *It* vafodorlik, sodiqlik timsoli sifatida o'zbek xalq maqollarida ko'p uchraydi. Shavkat Rahmon she'riyatida esa *it* metaforasi, asosan, salbiy ma'noda ifodalangan.

It — yovuz odamlar timsoli:

Kezdim armon to'la jom ko'tarib,
malaklar yig'ladi, itlar tishladi...

Ushbu she'riy parcha shoirning "Yorilgan harakat bayoni" she'ridan. Bu o'rinda *itlar* so'zi *juda yovuz, butun hayoti ig'vo va bo'hton qilishdan iborat kishilar* ko'chma ma'nosida qo'llanilgan. Izoh sifatida aytish mumkinki, "O'zbek tilining izohli lug'ati"da *it* so'zining *boshqalarga zulm o'tkazuvchi odam, malay* ko'chma ma'nosi izohlangan bo'lib, Shavkat Rahmon she'riyatidagi mazkur ko'chma ma'nosi qayd etilmagan. Vaholanki, o'zbek xalqi tilida *it* so'zining *yovuz, butun hayoti ig'vo va bo'hton qilishdan iborat kishi* ko'chma ma'nosida qo'llanilishi ko'p kuzatiladi.

Adabiyotshunoslik ilmida ta'kidlanishicha, fikr-tuyg'uni ta'sirchan ifodalashda istiora tashbihdan kuchli sanaladi. Istiora san'atining ana shu xususiyatini teran anglagan o'tkir zehn sohibi Shavkat Rahmon ulardan keng foydalangan. U o'zbek xalqining ijtimoiy-maishiy hayot tarzida muhim o'rin tutgan va tabiati turlicha bo'lgan hayvonlarning xususiyat-tabiati bir-biriga zid qo'yish orqali she'rlarida tasvirning emotsional-ekspressivligini oshirishga erishgan. Shoir metaforalar vositasida o'zining falsafiy fikrlari, nozik va pokiza his-tuyg'ulari hamda chin ma'nodagi hurlikka bo'lgan sog'inchi va intilishlarini zo'r mahorat bilan badiiy ifoda etgan. Uning she'rlarida *qush* yoki *qushcha* ozod ruh timsoli sifatida namoyon bo'lgan:

Qushchalar, sayroqi qushchalar,
qafasda bo'g'ilib sayrashar.

Mazkur she'riy parcha shoirning "O'zgalar dardi" she'ridan. Hajman katta bo'lmagan ushbu she'rda shoir insonlarni ruhan ozod bo'lishga chorlaydi. Shoir she'rda *qushcha* so'zi vositasida *ozod ruh* tushunchasini ifodalashga harakat qilgan. Shoir timsolni to'g'ri va o'rinni tanlagan deyishga to'liq asos bor. Sabab shuki, qush tabiatda erkin yashashga, uzoq-uzoqlarga va osmonga parvoz qilishga moslashgan. Izoh sifatida aytish mumkinki, "O'zbek tilining izohli lug'ati"da *qushcha* so'zining Shavkat Rahmon she'riyatidagi mazkur ko'chma ma'nosi qayd etilmagan. O'zbek xalqi tilida *qush* so'zi *erkin, ozod kishiga* nisbatan majoziy ma'noda qo'llaniladi. Qush zoomorf metaforasi erk, ozodlik tushunchasi sifatida o'zbek she'riyatida an'anaviy tarzda qo'llanib kelinadi. Fikrimizning dalili sifatida XX asr boshlarida ijod etgan iste'dodli shoir Elbekning "Tutqun qushcha" she'ridan misol keltirib o'tish mumkin:

Yotardi bir *qushcha* doim qayg'uda,
Yig'lardi ko'b vaqt, tinmayin o'ksib.

Shoirning mazkur she'rda erk, ozodlik g'oyalari *qushcha* obrazi timsolida berilgan. She'rda oltindan to'qilgan tor qafasdagi qushchani tutqinlikdagi holati, uning erkinlik istab qilgan xatti-harakatlari tasvirlangan. Shavkat Rahmon an'anaviy tarzda qo'llanishda bo'lgan mazkur zoomorf metaforadan mahorat bilan foydalangan. Uning she'rlarida laylak ezgulik timsoli sifatida tasvirlangan:

Har yili in qurar laylaklar
minorning nuragan boshiga.

Mazkur she'riy parcha butun dunyoga mashhur Buxorodagi "Minorai kalon" nomli minoraga bag'ishlab yozilgan she'rdan. Ayonki, laylak obrazi o'zbek xalq ertaklarida ko'p uchraydi. Ularning aksariyatida laylak ijobiy xarakterda tasvirlangan. Laylakning tabiatan bezorligi va go'zalligi xalq tasavvurida ezgulik timsoli bo'lib, asosiy konsept sifatida shakllangan. Shavkat Rahmon xalq tasavvuridagi *laylak* obrazini she'rlari tilida tasvirlar ekan, uni *ezgulik, qut-baraka* ma'nolarida qo'llashga harakat qilgan. "O'zbek tilining izohli lug'ati"da laylak so'zining mazkur ko'chma ma'nosi qayd etilmagan. Shoirning ushbu she'rda qarg'a so'zi ham metaforik ma'noda qo'llanilgan.

Qarg'a — yovuzlik etaloni:

Minoraning boshiga bu yil ham,
xayriyat, qora qarg'alar qo'nmapti.

TILSHUNOSLIK

She'rdagi *qarg`a* so'zimajoziy ma'no ifodalaydi. Shoir *qarg`a* so'zi vositasida *motam, qayg`u tushunchasini* ifodalashga harakat qilgan, ularning ijod olamiga tasodifan kirib qolganligini aytadi. *Qora* so'zi *belgi, siyoh* kabi ma'nolaridan tashqari, *motam, yomon, ofat, qayg`u* kabi ko'chma ma'nolarni ham ifodalaydi [6, 730]. Shoir mazkur so'zni majoziy ma'noda qo'llagan. Bu istioraning yopiq ko'rinishidir.

Ma'lumki, *qarg`a* qish oylarida o'zbeklar yashaydigan hududlarga uchib keladi. Qadimda qish odamlarga ko'p azob-uqubat, tashvish, ochlik olib kelganligi bois ular bu faslni uncha xush ko'rishmagan. Ularning mifologik dunyoqarashida qishni *qarg`alar* olib keladi, degan tasavvur ham bo'lganligiga shubha yo'q. Shunga ko'ra *qarg`a* ularning ongida *yovuzlik, yomonlik* timsoli bo'lib shakllangan. Bundan tashqari o'zbek xalqi hayotida ranglar ham muhim ahamiyatga egaligini aytib o'tish o'rinlidir. *Qarg`aning* rangi qora. Qora rang salbiy belgiga egalikni; aza, motam, ifloslik, xunuklik ramzini bildiradi. Laylak esa oq rangli qush. Oq rang ezgulik, yaxshilik, to'g'rilik, tozalik, go'zallik ramzi sifatida o'zbek xalq tasavvurida shakllangan.

Shoir she'rlarida *olaqarg`a* zoomorf metaforasi ham ko'p qo'llangan. Ayonki, *olaqarg`a* — *qarg`alar* oilasiga mansub, qora va kulrang patli *qarg`a* [10, III, 40]. U odatda o'limtiklar bilan oziqlanadi. Shu xususiyatiga ko'ra mahalliy xalq uni baxtsizlik keltiruvchi, o'lim, uning xabarini olib keluvchi qush sifatida baholashadi. Shoir *olaqarg`a* obrazi orqali xalqning qayg`usidan, kishilarning o'limidan sevinadigan tuban kimsalarni tasvirlashga harakat qilgan. Tahlillar shuni ko'rsatdiki, shoir she'rlari tilida zoonimlardan quyidagilar metaforizatsiya qilingan:

- yirtqich hayvonlar: *bo'ri, arslon, it, sher, tulki, sirtlon;*
- tuyoqli hayvonlar: *qo'zi, qo'y, qo'zichoq, kiyik, tuya, ot, eshak, ho'kiz;*
- kemiruvchi hayvonlar: *sichqon, quyon;*
- qushlar: *turna, qarg`a, bulbul, olaqarg`a, boyqush, ko'rshapalak, oqqush, qaldirg`och, kaptar, kalxat, qoraqush;*
- hasharotlar: *chumoli, chivin, chigirtka, qurt, kapalak, o'rgumchak;*
- sudralib yuruvchi va o'rgimchaksimonlarga mansub jonivorlar: *ilon, kaltakesak, toshbaqa, o'rgimchak;*
- suvda yashovchi jonivorlar: *baliq, qurbaqa.*

Shoir badiiy asarlaridagi majoziy ma'nodagi zoonimlarni ikki guruhga ajratish mumkin:

- 1) *ezgulik va yaxshilik* tushunchalarini ifodalovchi zoomorf metaforalar;
- 2) *yovuzlik va tubanlik* tushunchalarini ifodalovchi zoomorf metaforalar.

Ezgulik va yaxshilik tushunchalarini ifodalovchi zoomorf metaforalar jumlasiga *turna, qaldirg`och, kabutar, kapalak* kabilarni qayd etish mumkin. *Yovuzlik va tubanlik* tushunchalarini ifodalovchi zoomorf metaforalar jumlasiga esa *it, bo'ri, qarg`a, olaqarg`a, boyqush, ko'rshapalak* kabilarni aytib o'tish mumkin. Ayonki, *bo'ri* yovuz, qonxo'r, shavqatsiz odam ko'chma ma'nosida [10, II, 287-b], *boyqush* esa bexosiyat, mash'um odam ko'chma ma'nosida [10, II, 175] qo'llaniladi. Mazkur hayvonlarga xos eng muhim xususiyat yirtqichlikdir. Shoir yovuz kishilarni tasvirlashda ana shu xususiyatni alohida e'tiborga olgan.

Shoir she'rlaridagi an'anaviy metaforalar ham, xususiy metaforalar ham umuminsoniy ezgu g'oyalarni yoyishga yo'naltirilgan. U qo'llagan metaforalar xalqning diniy e'tiqodi, ijtimoiy-siyosiy, estetik qarashlari asosida shakllangan, o'zbek xalqi madaniyatini o'zida to'liq aks ettiradi. Ular, shubhasiz, xalqning badiiy-estetik didini takomillashishiga asosiy manbalardan biri bo'la oladi.

Shu o'rinda mavzuga oid ba'zi fikrlarni aytib o'tish lozim. «O'zbek tilining izohli lug'ati»da ayrim hayvon va qush nomlarining ko'chma ma'nolari izohlangan. Bunday so'zlar jumlasiga *bo'ri, boyqush, qo'zichoq* («bola», «farzand» ma'nosida), *eshak* («befahm, hech narsaga qiziqmaydigan odam» ma'nosida) so'zlarini shunday so'zlar jumlasiga kiritish mumkin. Biroq *qarg`a, olaqarg`a, turna, o'rgimchak* kabi so'zlarning ko'chma ma'nolarda qo'llanishi izohlanmagan. Vaholanki, badiiy asarlar va xalq tilida bu kabi so'zlarning ko'chma ma'noda qo'llanishi ko'p kuzatiladi.

Xulosa sifatida shuni aytish mumkinki, Shavkat Rahmon she'riy asarlarida qo'llangan zoomorf metaforalar o'zbek xalqining ijtimoiy va madaniy hayotida juda muhim o'rin tutgan va kundalik turmushida muntazam munosabatda bo'lingan hayvon hamda parrandalar nomi

bo'lib, ular majoziy ma'noda ezgulik va yovuzlik, yaxshilik va yomonlik, to'g'rilik va egrilik, tozalik va ifloslik, go'zallik va xunuklik, erkinlik va tutqinlik kabi tushunchalarni ifodalab kelgan. Alohida ta'kidlash o'rinliki, o'zbek tili bo'yicha yaratiladigan izohli lug'atlarda shoir tomonidan qo'llangan zoomorf metaforalarni qayd etish, ularning izohini keltirish maqsadga muvofiqdir. Chunki ular til va madaniyatimizning ajralmas tarkibiy qismidir. Shavkat Rahmon she'rlaridagi metaforalar xalqimiz tafakkurining muhim qismidir. Ularni madaniyatimiz taraqqiyoti bilan bevosita bog'liq hodisa sifatida o'rganish fanimiz uchun hamisha dolzarb va ahamiyatlidir.

ADABIYOTLAR

1. **Абдушукуров Б.** XI-XIV аср туркий ёзма манбалар тилидаги зоонимлар: Филол. фан. ном. ... дисс. –Т.: 1998. – 207.
2. **Исҳоқов Ф.** «Зарбулмасал»даги қуш номларига доир / Ўзбек тили ва адабиёти, 1973. - № 1. – Б. 46-50.
3. **Йўлдошев М.** Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. –Тошкент: Фан, 2006. – 76 б.
4. **Маслова В.А.** Лингвокультурология. Учебное пособие для студентов высших учебных заведений. –М.: Академия, 2001. – С. 208.
5. **Мукаррамов М.** Ўзбек тилида ўхшатиш. – Тошкент: Фан, 1976.
6. **Навоий асарлари луғати.** – Т.: Адабиёт ва санъат, 1972. – 791 б.
7. **Шавкат Раҳмон.** Сайланма. – Т.: Шарқ, 1997. – 383 б.
8. **Щербак А.** Названия домашних и диких животных в тюркских языках // Историческое развитие лексики тюркских языков. – М.: Акад.наук. СССР, 1961. – С. 82-150.
9. **Xudoyberganova D.** Lingvokulturologiya terminlarining qisqacha izohli lug'ati. – Т.: Turon zamin ziyo, 2015. – 40 b.
10. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I-V. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006-2008. Т. I. 2006. -680 б.; Т. II. 2006. – 672 б.; Т. III. 2007. -688 б.; Т. IV. 2008. -608 б.; Т. V. 2008. – 592 б.

УДК: 801,663

ИНГЛИЗ ВА АМЕРИКА ШЕЪРИЯТИДАН ЎЗБЕКЧАГА ТАРЖИМАЛАРДА
ҚОФИЯНИНГ БЕРИЛИШИ МУАММОЛАРИ

ПРОБЛЕМЫ ВОССОЗДАНИЯ РИФМЫ В ПЕРЕВОДАХ АНГЛИЙСКОЙ И
АМЕРИКАНСКОЙ ПОЭЗИИ НА УЗБЕКСКИЙ ЯЗЫК

PROBLEMS OF GIVING RHYMES IN TRANSLATIONS FROM ENGLISH AND
AMERICAN POETRY INTO UZBEK

Бақоева Муҳаббат Қаюмовна

БухДУ инглиз адабиёти кафедраси профессори, фил.фан.докт.

Таянч сўзлар: қофия, музаккар қофия, муаннас қофия, дактил қофия, ритм, оҳанг, оқ шеър, шакл, мазмун.

Ключевые слова: рифма, мужская рифма, женская рифма, дактилическая рифма, ритм, интонация, форма, содержание

Key words: rhyme, masculine rhyme, feminine rhyme, dactylic rhyme, rhythm, intonation, blank verse, form, content.

Мақолада қофияларнинг назм оқимидаги ўрни ва уларнинг таржимада берилиши имкониятлари ҳақида сўз юритилади. Изланиш инглиз тилидан ўзбекчага шеърий таржималар мисолида олиб борилади.

И статье рассматривается роль рифм при создании поэтического произведения и возможности их воссоздания в переводах. Исследование ведётся на материале стихотворных переводов с английского на узбекский.

The article discusses the rhymes' role in the poem flow and their translation capabilities. The research is carried out on the material of poetical translations from English into Uzbek.

Кириш. Машҳур америка шоири Роберт Фрост ўз шеър ёзиш тажрибаси ҳақида сўз юритар экан, шеърни ҳаракатга келтирувчи муҳим нарса унинг мазмуни эканлигини, ундаги мусиқанинг маъно таъсири остида бойишини ёзади [9, 183-184]. Дарҳақиқат, шеър икки оқим таъсирида ҳаракатга келади. Биринчи оқим унинг мазмуни, яъни фикр оқими бўлса, иккинчи оқим шу мазмунни ўқувчига мумкин қадар таъсирчан етказишга ёрдам берувчи назм оқимидир. Назм оқимини вазн, қофия, банд, синтаксис ва синтактик услубий воситалар, яъни шеърий асар ритми ва оҳанги руёбга чиқаради. Бинобарин, "назм" оқими ҳақида сўз юритганда шеърий асарнинг ритм ва оҳанг хусусиятларини кўзда тутамиз. Қофиянинг назм оқимида ўз ўрни бор. Адабиётшунослар қофиянинг ритмик, оҳанг яратувчилик ва маъно ташувчилик вазифаларини эътироф этишади [4; 9, 183-184]. Бу вазифаларни таржимада қайта яратиш муаммолари олимларни асрлар давомида қизиқтириб келган. Буни Г.Эдвин, Т. Савори, Р.Фрост, Ю.Найда, Б.Эванс, П.Селвер, Ж. Брук, А.Жовтис, В.Сесил, У.Тўйчиев ва бошқа қатор олимлар ишидан ўқиб мумкин. Мазкур мақолада эса бу муаммоларни инглизчадан ўзбекчага шеърий таржималар асосида ўрганиш натижалари умумлаштирилган.

Асосий қисм. Маълумки, аслий бадий асар ёзиш ҳам, уни таржима қилиш ҳам бадий ижод намунасидир. Фарқ шундаки, аслий асар яратиш эркин ижод бўлса, таржима – тобе ижод. Ҳоя, мазмун, услуб, тил, шеърий шакл танлашда таржимон ихтиёрида эмас, шу аслият муаллифи айтмоқчи бўлган фикрни қайта бадий ифода этиши ва асарни ёзган ижодкорнинг ўқувчига ўтказмоқчи бўлган таъсирни мумкин қадар ўзгартирмасдан китобхонга етказиши лозим. Мана шу тобелик қофияли асарларни қайта яратишда янада яққолроқ намоён бўлади. Аслий асар яратишда қофия шеър равонлигини таъминлайдиган воситалардан бири бўлса, таржима жараёнида у катта қийинчиликлар туғдирувчи, матн таркибига айрим ўзгартишлар киритишга мажбур этувчи унсурга айланади. Аммо таржима амалга оширилганидан кейин, таржимоннинг

оғир ижодий меҳнати эвазига, у яна аслиятдаги сингари шеър равонлигини таъминловчи унсурлардан бири бўлиб қолади.

Қофияли шеърий асарларни ўгириш жараёнида учрайдиган қийинчиликларни тасвирлар экан, инглиз таржимашуноси Теодор Савори қофияни қайта тиклаш кераклиги таржимон маҳоратига сезиларли таъсир қилишини, у баъзида аслият муаллифи ишлатган сўзни қолдириб кетишга ёки, аксинча, ишлатмаган сўзни таржимага киритишга мажбур бўлишини ёзади. Эркин шеърларни таржима қилиш жараёнида эса мутаржим "қофия зулми"дан озод эканлигини эътироф этади [6,28, 84-85]. Яна бир таниқли таржимашунос олим, Юджин Найда, қофияли шеърни оқ шеър билан ўгириш кенг қўлланишини ёзади [5, 134].

Инглиз ва америка шеъриятларидан ўзбек тилига қилинган таржималарда қофияли шеърни қофиясиз тарзда ўгириш ҳоллари санокли бўлса-да учрайди. Мисол учун, Санжар Сиддиқнинг бевосита инглиз тилидан ўгирган кичик ҳажмдаги "Денгиз тинч" ва "Бозорчи хотин" таржималарида шу ҳолни кузатиш мумкин.

Кейинги таржималарнинг ҳаммаси қофия билан амалга оширилган. Аммо бу шеърий таржималар воситали бўлганлиги туфайли қофия тартиби рус таржималарига боғлиқ бўлиб қолган: рус таржимонлари қофия тартибини ўзгартиришган бўлса, у ўзбек тилида ҳам ўзгарган, ўзгаришсиз акс эттирган бўлсалар, ўзбек тилида ҳам ўзгармаган. Ҳозирги кунларда инглиз шеъриятдан таржималар бевосита аслиятдан амалга ошириляпти. Бу таржималарда аслиятдаги қофия тартиби сақлаб қолинмоқда. Байрон "Дон Жуан" достонининг ўзбек тилига бевосита таржимаси бунга мисол бўла олади. Умуман, ўзбек таржималарида қофияни таржима қилинаётган асар қофияси тартибида акс эттиришга интилиш жуда кучли. Бунга асосий сабаб ўзбек тилининг қофияга бойлигидир.

Инглиз ва америка шеъриятдан ўзбек тилига қилинган таржималарни ўрганар эканмиз, таржима амалиётида жуда кам учрайдиган оқ шеърнинг қофияли мисралар билан ўгирилиши ҳолларига ҳам дуч келдик. Мисол учун:

King

I have sent to seek him and to find the body.
How dangerous is it that this man goes loose!
Yet must we put the strong law on him.
He's lov'd of the distracted multitude,
Who like not in their judgment, but their eyes;
And where 'tis so, th' offender's scourge is weigh'd,
But never the offence. To bear all smooth and even,
This sudden sending him away must seem
Deliberate pause. Diseases desperate grown
By desperate appliance are reliev'd
Or not at all.

(Shakespeare. Hamlet. Act 4, Scene 3.)

Қирол

Уни топиб келмоқ учун киши юбордим,
Жасадни ҳам топингиз, деб айладим фармон.

Эркин юрар экан, қаранг, қандай хавфли у,
Лекин қаттиқ жазолаб ҳам бўлмас бегумон,
Авом унга ихлосманддир, биласиз, мардум
Ақли эмас, кўзи билан чиқарар ҳукм.
Жазо кўрган жойда шарҳи савол айламас,
Бу нечун деб. Силлиққина битсин учун, бас,
Бу сафарни келишилган, муқаррар бўлган
Хизмат юзасидан иш деб тасвирлагайсиз.

Оғир хасталарга ўткир дорилар жоиз.

(Шекспир. Ҳамлет. 4-парда, 3-саҳна. Жамол Камол таржимаси.)

Шекспирнинг "Ҳамлет" фожиасидан олинган юқоридаги парчаларни таққослаган кишида беихтиёр равишда таржимон нега оқ шеърни қофияли шеър билан ўгириб,

ADABIYOTSHUNOSLIK

Ўзини "қофия зулми"га дучор қилган, ўзига қўшимча қийинчиликлар орттирган деган савол туғилиши табиий. Бу саволга жавоб топиш учун яна бир марта аслият тилидаги "Ҳамлет" ва уни аслият тилида ўқиб таҳлил қилган олимлар асарларига мурожаат этамиз. Ватандоши Б.Эванзнинг таъкидлашича, Шекспир фожиаларининг буюклиги шундаки, ҳар бирининг тили фақат шу асарнинг ўзигагина хос бўлиб, асар мавзуи, воқеалар содир бўлаётган давр, фожиа асосланган руҳий ғоя (spiritual idea)ни бир поэтик образда мужассамлаштиради[2,184]. Шекспир асарларининг ҳамма ўзига хос томонларини таржимада акс эттириш ниҳоятда қийин. Табиийки, ҳар бир таржимон Шекспир фожиаларини ўзи аслиятга энг яқин деб ҳисоблаган кўринишда талқин этади. Ҳар бир таржима буюк драматург маҳоратининг янги бир ёки бир неча қиррасини очиб беради. Давр ўтиши, таржимага талаблар ўзгариши билан бу асарлар яна қайта-қайта таржима қилинаверади. Шекспир асарларининг француз тилига таржималари тадқиқотчиси Паул Селвер "Ҳамлет" француз тилига 14 марта таржима қилинганлигини қайд этади ва уларнинг ҳар бирини Ҳамлетнинг "алоҳида кўриниши" ("Separate versions") деб атади [7, 162].

Шекспир фожиаларининг ҳар бири фақат ўзигагина хос тилда берилиши билан бирга ҳар бир асар персонажларининг тиллари ҳам бир биридан фарқ қилади. Бу фарқ фақат гап, сўз, иборалар, услубий воситалардагина эмас, шу бирликларни қай ритмга солиб бериш, яъни фикрни ифода этиш шаклига ҳам таъсир кўрсатади. Шекспир фожиаларининг ҳаммасини бирлаштириб, беш стопали ямбдаги оқ шеър билан берилган, деб айтиш мумкин бўлса-да, ҳар бир асарни ўқиганда, такрорланмас оҳанг, ранг-баранглик сезилади. Жумладан, баъзи фожиаларда мисраларнинг барчаси қофиясиз бўлса, баъзиларида оқ шеър билан бирга қофияли мисралар ҳам учрайди. "Ҳамлет" фожиасида кам бўлса-да, қофияли мисраларга дуч келиш мумкин:

Let Hercules himself do what he may,

The cat will mew, and dog will have his day.

(Shakespeare.Hamlet. Act 5, Scene 1. Hamlet.)

Without debatement further, more or less,

He should the bearers put to sudden death,

(Act 5, Scene 2, Hamlet.)

An hour of quiet shortly shall we see;

Till then in patience our proceeding be.

(Act 5, Scene 1. King.)

Now pile your dust upon the quick and dead

Till of this flat a mountain you have made

T' o'ertop old Pelion or the skyish head

Of blue Olympus.

(Act 5, Scene 1. Laertes.)

Персонажларнинг бир-бирига муносабатлари баъзида назм ва наср орасидаги фарққа таяниб ёритилади. Шекспир фожиаларининг тили ҳақида сўз юритар экан, Ж.Л.Брук персонажлар ўз нутқларидан насрдан ҳам, назмдан ҳам фойдаланишларини, айрим ҳолларда бунинг сабабини тушунтириш мумкинлигини ёзади. Унинг кузатишича, Ҳамлет назмдан ёлғиз ўйсурганда ёки дўсти Ҳоратсио билан сўзлашганда, насрдан кўпинча ғанимлар қаторидаги персонажлар билан гаплашганда фойдаланади ва бунинг воситасида унинг нутқидаги сатирик таъсир кучаяди [1, 380-381]. Юқорида парчаси келтирилган 4-парданинг 3- сахнасида Қирол назмда, Ҳамлет насрда сўзлашади. Оҳангдаги тафовут Ҳамлет нутқидаги киноя ва аччиқ ҳақиқатни ҳамда қирол нутқидаги сохталикни бир-бирига қарама-қарши қабул этишга кўмаклашади.

Юқорида таржимаси берилган парчада қофия йўқлиги кўриниб турибди, аммо худди шу сахнада қирол нутқининг бошқа бир бўлагиде қофияли мисралар учрайди:

And, England, if my love thou hold'st at aught, -

As my great power thereof may give thee sense,

Since yet thy cicatrical looks raw and red

After the Danish sword, and thy free awe
 Pays homage to us, - thou mayst not coldly set
 Our sovereign process, which imports at full,
 By letters congruing to that effect,
 The present death of Hamlet. Do it, England;
 For like the hectic in my blood he rages,
 And thou must cure me. Till I know 'tis done,
 Howe'er my haps, my joys were ne'er begun.

(Shakespeare. Hamlet. Act 4, scene 3, King.)

Шундай қилиб, "Ҳамлет" аслиятини яна бир марта ўрганиб чиққандан кейин, шоир ва таржимон Жамол Камол оқ шеърни баъзида қофияли мисралар билан ўзгартиргани сабабларини тушунгандек бўлдик. Буни қуйидагича изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, аслиятни инглиз тилидан ўгирган таржимон унда қўлланган қофияли мисраларни эътибордан четда қолдирмаган. Ўзбек таржимасида ишлатилган қофияли мисралар аслиятдаги қофияли мисраларга айнан тўғри келмаса-да, асарнинг умумий хусусияти қирраларидан бирини тиклашга хизмат қилган.

Иккинчидан, "Ҳамлет"нинг ўзбекча таржимасида қўлланган қофиялар маълум бир тартибга бўйсунмаган. Таржима насрий нутқ ҳамда қофиясиз ва эркин қофияли мисралардан ташкил топган. Қофия эркинлиги таржимонни ортиқча қийинчиликдан фориғ этган: у худди аслий асар ёзгандай, фикр қандай мисраларда оқиб келса, шу ҳолда баён этиш имкониятига эга бўлган. Ўзбек тилида қофиядош сўз гуруҳларининг кўплиги, шоир Жамол Камол ижодининг кўпчилик қисми қофияли шеърлардан иборатлигини, иқтидорли шоирларда илҳом жўш урганда, мисралар қуйилиб келишини ҳисобга олганда, қофиясиз мисралар қаторида эркин қофияли мисраларнинг ишлатилиши анча қулайлик яратган: мисралар қофияли бўлиб қолганда, уларнинг қофиясини йўқотиш эҳтиёжи туғилмаган. Бунда таржимон "қофия зулми"га маҳкум бўлмай, қофияни ўз мақсад ва услубига бўйсундирган.

Учинчидан, оқ шеър ва эркин қофияли мисраларнинг аралаш қўлланиши персонажлар нутқи ритмини ўзгартириб туришга анча қулайлик яратган. Беш стопали ямбада ёзилган асарларнинг ўзбек тилига ўгирилиши имкониятларини ўрганишга бағишланган саҳифаларимизда Шекспир фожиаларида ўн бўғинли мисраларнинг баъзида узайтирилиши ёки қискартирилиши ҳолларини, бу нутқ ритми ва оҳангини ўзгартириб туришга ёрдам берувчи воситалардан бири эканлигини кузатгандик. "Ҳамлет"нинг ўзбек таржимасидаги нуқул ўн уч бўғинли мисралар ритмдаги турфаликни аслиятдагидек акс эттира олмайди. Таржимада қофиясиз мисралар қаторида эркин қофиянинг қўлланиши асар ритмини ўзгартиришга кўмак берувчи воситалардан бирига айланган, яъни аслиятда ритм ўзгаришига айрим ҳолларда мисра ўлчовининг ўзгариши воситасида эришилган бўлса, таржимада қофия ўзгариши орқали эришилган.

Тўртинчидан, "Ҳамлет" таржимасида қофия умуман қўлланмаслиги ҳам мумкин эди. Оқ шеър билан ёзилган асар таржимаси учун қофия ишлатилмаслиги табиийроқ кўринган бўларди. У ҳолда таржимон нутқдаги ритм турфалигини қайта тиклаш учун бошқа воситадан фойдаланиши керак бўларди. Қўлланиши мумкин бўлган барча воситалардан қофиянинг танланиши ўзбек тилида қофия захирасининг катталигидан, ўзбек таржимачилигида қофияли шеър билан ўгириш анъаналари кучлилигидан яна бир марта далолат беради.

Ҳар қандай бир турдаги нарса, ҳодиса ёки тушунчалар орасида ўхшашлик ва фарқ мавжудлиги сингари инглиз ва ўзбек шеърятларидаги қофия кўринишлари орасида ҳам ўхшашлик ва фарқлар мавжуд. Инглиз тилидаги шеърый асарларда учрайдиган қофия тартиблари, ички ва қўш, тўла ва нотўла қофиялар ўзбек шеърятларида ҳам учрайди. Шу боис бундай қофиялар кўпинча ўзгаришга учрамайди; айрим ҳолларда сезиларсиз ўзгаришлар киритилади (Мисол учун: **абаб** тартибидаги қофиянинг **абвб** тарзида, **абабб** тартибидаги қофиянинг **абвбб** тарзида, спенсер бандларидаги **абаббвбвв** тартибидаги қофиянинг **абабвгвгг** тарзида бироз енгиллаштирилиши ва ҳоказо).

ADABIYOTSHUNOSLIK

Аммо англиз қофияларининг шундай турлари ҳам мавжудки, улар шу тилнинг ўзбек тилидан фарқли томонларига, аъъаналарига таянади ва уларни ўзбек тилида ўзгартирмасдан тиклашнинг имконияти йўқ: улар таржимада табиий равишда ўзгаради, уларнинг вазифаси ўзбек тилига хос бўлган қофиялар зиммасига тушади. Инглиз тилининг ўзигагина хос бўлган "кўз учун" қофиялар (визуальные рифмы, рифмы для глаз) [3,82] ва кўчувчан урғули тилларга хос бўлган қайси бўғинига урғу тушишига қараб фарқланадиган сифатга таянган қофиялар шулар жумласидандир. Америка олими Ҳенри Уайльд Шекспир асарларидан "Sweat-heat", Милтон асарларидан "spreads-meats" қофиядош сўзлари ва бошқа мисоллар орқали "кўз учун" қофияларининг қандай пайдо бўлганини тушунтириб беради. Унинг ёзишича, бу қофия жуфтларидаги унлилар XVII асргача бир хил узун товуш [i:]ни билдирган. Вақт ўтиши билан "sweat" ва "spreads" сўзларидаги унлилар қисқа [e] сифатида талаффуз этила бошлаган. Аммо кейинчалик ҳам sweat-heat, spreads-meats, love-move каби сўзлар қофиядош сифатида ишлатилаверган. Ҳенри Уайльд бундай қофияларни ҳозирги кун нуқтаи назаридан "imperfect rhymes", яъни номукамал қофиялар деб атаб, Шекспир ва Милтон даврларида улар мукамал қофиялар "perfect rhymes" бўлганини таъкидлайди [8, 14].

Шеършунос А.Л.Жовтис англиз тилида "кўз учун" қофияларининг пайдо бўлишига яна бир сабаб кўрсатади. Унинг фикрича, аналитик тилларда, жумладан англиз тилида, кўшимчаларнинг деярли йўқлиги қофия захирасига таъсир кўрсатмай қўймайди. "Кўз учун" қофиялари шу захирани бойитишнинг кўшимча усулларида бирийдир [3, 89-81].

Инглиз поэзиясидаги "кўз учун" қофияларининг қофиядошлик даражаси ўзбек нотўла (оч) қофияларига монанд, уларнинг тўла қофиядош бўлмаса-да қофия захирасини бойитишга кўмаклашиши ҳам бир-бирига мутаносиб. Аммо XVII асргача ёзилган англиз шеърий асарларида бу қофияларнинг қофиядошлик даражаси ўзбек тўла (тўқ) қофияларига мос келади. Хуллас, англиз тилига хос бўлган "кўз учун" қофиялар ўзбек таржималарида тўла қофиялар билан ҳам, нотўла қофиялар билан ҳам тикланиши мумкин.

Инглиз қофияларининг сифат (урғу) жиҳатидан фарқланиши, яъни урғунинг қай бўғинга тушишига қараб турланиши ўзбек таржималарида ўз ифодасини топмайди. Бу табиий ҳол бўлиб, тиллар, шеър тизимлари ва вазнларидаги фарқдан келиб чиқади. Ўзбек тилида урғу ўтроқ бўлганлиги сабабли ўзбек қофиялари урғунинг қайси бўғинга тушишига қараб фарқланмайди. Инглиз тилида урғу кўчувчанлиги туфайли қофиядош сўзларнинг тўғри келган бўғинига тушиши мумкин. Мисол учун, урғу in'spire-ex'pire қофиядош сўзларининг охириги бўғинига тўғри келади. Бу сифатли қофиялар англиз шеършунослигида masculine rhyme деб аталади. (Рус шеъриясида мужская рифма); 'danger-'stranger қофиядош сўзларида урғу сўз охиридан иккинчи бўғинга тушяпти. Бу сифатли қофияларни англиз шеършунослигида feminine rhyme деб аташади (женская рифма). Sa'racity-sa'gacity қофиядош сўзларида сатр охиридан учинчи бўғин урғу олади ва англиз шеъриясида бу турдаги қофиялар "triple rhyme" атамаси билан юритилади. (Русча дактилическая рифма).

Ҳозирги пайтда ўзбек адабиётшунослигида "женская рифма", "мужская рифма", "дактилическая рифма" атамалари таржимаси сифатида ишлатилаётган барча бирикмалар орасида "музаккар қофия", "муаннас қофия", "дактил қофия" кўриниши бизга энг маъқул кўринади. Гарчи "музаккар", "муаннас" сўзлари араб тилидан олинган бўлсада, талаффузи ўзбек сўзларига ўхшаб кетиши, илгари ҳам ўзбек шеършунослигида араб тилидан олинган атамалар кўп ишлатилганлиги туфайли ёт сезилмайди. "Музаккар қофия", "муаннас қофия" атамалари рус тилидан ўзлаштирилган "мужская рифма", "женская рифма" бирикмаларидан, ёки сўзма-сўз таржима қилиш натижасида пайдо бўлган "эркак қофия", "аёл қофия" бирикмаларидан табиийроқ қабул қилинади. Шунингдек, бу сўз бирикмаларини фақат рус атамалари таржимаси сифатида эмас, бошқа тиллардаги муқобил атамалар таржимаси сифатида ҳам қўллаш мумкин. Шунинг учун "masculine rhyme", "feminine rhyme", "triple rhyme" атамаларини ишимизда "музаккар қофия", "муаннас қофия" ва "дактил қофия" деб юритамиз.

Шундай қилиб, қофиянинг қай бўғинга урғу тушишига қараб фарқланиши, яъни музаккар, муаннас ва дактил қофиялар орасидаги фарқни ўзбек таржималарида акс эттиришнинг иложи йўқ. Аммо моҳир таржимон қалами остида бу йўқотиш таржима сифатига салбий таъсир кўрсатмайди, чунки қофия фарқидан кўра унинг вазифасини тиклаш аҳамиятлироқдир. Қайси бўғинга урғу тушишидан қатъий назар, инглиз шеърларида ҳам, ўзбек шеърларида ҳам қофия оҳангдошлик ва хуш оҳанг яратиш, шеър равонлигини таъминлаш, бандни уюштириш, айрим сўзларга ўқувчи эътиборини тортиш, ритмни вужудга келтиришда иштирок этиш вазифаларини бажаради. Бу умумий вазифалар таржимада ўзбек қофиялари воситасида тикланади.

Аммо баъзида инглиз тилида ижод этаётган шоир музаккар, муаннас ва дактил қофиялар орасидаги фарқдан атайлаб, қандайдир мақсадни кўзлаб фойдаланиши мумкин. Мисолчун:

In all save form alone, how changed! and who
That marks the fire still sparkling in each eye,
Who but would deem their bosoms burned anew
With thy unquenched beam, lost Liberty!
And many dream withal the hour is nigh
That gives them back their fathers' heritage:
For foreign arms and aid they fondly sigh,
Nor solely dare encounter hostile rage,

Or tear their name defiled from Slavery's mournful page.

(G.G.Byron. Childe Harold's Pilgrimage. Canto 2, 75.)

Байроннинг "Чайльд Ҳарольд зиёратлари" достонидан олинган юқоридаги банд грек халқига бағишланган. Унда шоир грек халқи кўзидаги ажиб учкун ҳали сўнмаганини, уларнинг юраги йўқотилган озодликни яна қайта қўлга киритиш орзуси билан ёнаётганини, бир кун келиб, уларнинг ота мероси қайтарилиб, қуллик рўйхатидан ўчирилишларини орзиқиб кутаётганларини ёзади. (Ўша пайтларда Греция Турк давлати асоратида эди.) Бу банддаги энг асосий - калит сўз - "Liberty"- озодлик бўлиб, шоир унга ҳам ёзув, ҳам оҳанг воситасида урғу беради. Бир томондан "Liberty"сўзининг бош ҳарф билан ёзилиши, мисра охирига чиқарилиб, қофия қаторига қўйилиши ўқувчи эътиборини жалб этса, иккинчи томондан, худди шу "Liberty"сўзига келиб, музаккар қофия дактил қофияга айланади. Охириги бўғинга тушиши керак бўлган урғу кучи ҳам охиридан учинчи бўғинга тушиб, мисра ритмида худди шу "Liberty"сўзи бор жойда ўзгариш содир бўлади. (Тўққиз қатордан иборат банднинг фақат тўртинчи ва олтинчи мисраларида охириги урғу сатрнинг охириги бўғинига эмас, охиридан учинчи бўғинига тушган: 'Liberty, 'heritage.)

Шунингдек, "Liberty"сўзининг қофия қаторига чиқарилиши билан спенсер бандининг одатдаги тартиби кутилмаганда ўзгаришга учраган. Аслида "Liberty"сўзи ўрнида спенсер банди қофия тартиби бўйича "eye-nigh-sigh" ларга қофиядаш сўз келиши керак эди. Фақат қофиядош мисралардан иборат бандда тўсатдан бирон қатор билан қофиядош бўлмаган мисранинг пайдо бўлиши ҳам ритмни ўзгартириб, "Liberty"сўзига эътиборни янада кучайтиради.

Табиийки, қофияда келтирилган, ажратилиши керак бўлган сўзни ҳамма вақт ҳам таржимада аслиятдагидек мисра охирига чиқариб бўлмайди. Аммо таржима асар ғоясини, мазмунини чуқур идрок этган таржимон фикр оқимига тўсиқ бўлмайдиган назм оқимини ҳам, ўқувчи эътиборини тортиш керак бўлган сўзларни ажратиб бериш йўллари ҳам топади. Баъзида бу вазифа қофияга эмас, бошқа унсурларга юклатилади. Бунинг учун таржима қилинаётган муаллиф услубини ва мақсадини чуқур ўрганиш катта аҳамият касб этади. Кўпинча ечилиши керак бўлган муаммонинг жавобини таржима қилинаётган муаллиф асарларидан топиш мумкин. Жумладан, Байрон "Liberty"сўзини, худди шу матндаги сингари аҳамиятли бўлганда, бошқа бир асарида бошқача усулда ажратади:

Eternal Spirit of the chainless Mind!

Brightest in dungeons, Liberty! thou art:
For there thy habitation is the heart -

ADABIYOTSHUNOSLIK

The heart which love of thee alone can bind;

(G.G.Byron. Sonnet on Chillon.)

Келтирилган мисол "Шильон сонети"нинг биринчи тўртлиги бўлиб, унда Эрк "Liberty" шарафланади. Зиндонда ётган тутқунлар учун эрдан кўра азизроқ нарса йўқ. Улар фақат бир кун келиб, озод бўлиш орзуси билан яшайдилар. Бу бандда ҳам, аввалги мисолдаги каби, "Liberty" сўзи ўқувчи диққатини жалб этади; ажратиб, алоҳида урғу бериб ўқилади. Бунда ҳам "Liberty" сўзи бош ҳарфда ёзилган, аммо қофия қаторига чиқарилмаган. Энди бу сўз тамоман бошқа усулда ажратилган. Беш стопали ямбда ёзилган мисранинг икки жойида бошқа стопалар пайдо бўлган:

'Brightest in 'dungeons, 'Liberty! thou 'art: 10 / 01 / 01 / 00 / 01 / (бунда 1 – урғули бўғин, 0 – урғусиз бўғин)

Мисрадаги биринчи стоп ахорей ва тўртинчи стоп апирихий бўлиб, уларнинг ямб стопалари билан аралашуви натижасида "brightest" (энгпорлок) ва "Liberty" сўзларида ритм ўзгариб, улар оҳанг билан ажратилади. "Liberty" сўзи гапда ундалма вазифасини бажараётгани туфайли ажратилиши ритм ўзгариши билан кўшилиб, оҳангга таъсир этади ва у мисрадаги энг кучли урғу олган сўзга айланади. Шеърий мисрада сўзнинг ажратилиб, алоҳида урғу бериб ўқилиши унинг мисрадаги ўрнидан кўра ғоя ва мазмунни ифода этишда тутган ўрнига кўпроқ боғлиқлиги юқоридаги банднинг рус ва ўзбек таржималарида ҳам яққол кўриниб туради:

Свободной Мысли вечная Душа, -
Всего светлее ты в тюрьме, Свобода!
Там лучшие сердца всего народа
Тебя хранят, одной тобой дыша.
(Байрон. Сонет к Шильону. Перевод Г.Шенгели.)

Эрк! Озод фикрнинг қалбисан абад,
Зиндонда жамолинг ёрқинроқ яна!
Зиндонда ўғиллар сенга мардона
Бош уриб, талпиниб яшарлар фақат.

(Русчадан Муҳаммад Али таржимаси.)

Матндаги асосий маънони ташувчи калит сўз бўлган "Свобода" рус таржимасида қофия қаторига қўйилиб, унга диққатни тортишда аслиятга мутаносибликка эришилган. Демак, аслиятда шеър вазни зиммасига тушган сўзни ажратиш, унга диққатни тортиш вазифаси рус таржимасида қофия зиммасига тушган. Ўзбек таржимони ўз навбатида "Эрк" сўзини мисра бошига қўйиб, алоҳида ажратиш орқали ўқувчи эътиборини унга қаратишга муваффақ бўлган. Айни ҳолда, рус таржимасида қофия, ҳам шеър равонлигини таъминлаш, ҳам асар ғоявий мазмунида муҳим маънони ташувчи сўзга эътиборни жалб этиш вазифасини бажаряпти. Ўзбек таржимасида эса қофиянинг бу вазифалари иккига бўлиниб, шеър равонлигини фикр оқимида тўғри келган қофиялар таъминласа, асосий маънони ташувчи сўз бошқа восита орқали, яъни синтаксис ва оҳанг ёрдамида ажратилган.

Қуйидаги мисолда эса муаллиф музаккар ва муаннас қофиялар ўртасидаги фарқдан мисралар ритмини турфалантириш учун фойдаланган:

Armed with the lives of others,
The poets of the past,
The rebels and the fighters,
I'm satisfied at last.

(Patric Rowe. In My Garret.)

Ирланд шоири Патрик Роунинг "In My Garret" (Чердагимда) шеъридан келтирилган банднинг тоқ мисраларида муаннас, жуфт мисраларида музаккар қофия қўлланган, яъни охириги урғу тоқ мисраларда охиридан иккинчи бўғинга, жуфт мисраларда охириги бўғинга тўғри келган. Қофия сифатининг ўзгариши аксар ҳолларда мисра ўлчовининг ўзгариши билан бирга келади, чунки музаккар қофия муаннас қофияга айланиши учун мисра охирига бир бўғин қўшилади ёки аксинча, муаннас қофия музаккар қофия билан алмашиши учун мисра бир бўғинга қисқартирилади ва шу

BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI 2019/3 (75)

йўсинда мисралар ритмига, назм оқимига турфалик бағишланади. Юқоридаги бандда ҳам шу ҳол содир бўлиб, тоқ мисралар муаннас қофиялар билан тугаганлиги туфайли етти бўғиндан, жуфт мисралар музаккар қофия билан тугаганлиги сабабли олти бўғиндан иборат. Бундай ҳолларда қофиянинг сифат фарқи таянган ритм ўзгариши ўзбек қўшма вазнларидаги ритм ўзгаришига ўхшаб кетади. Мисол учун:

Найда даставал наво бўлиб
Кирди дилу ўйларга.
Ҳамма унга шайдо бўлиб
Олиб кетди тўйларга.

(Эркин Воҳидов. Найнинг қисмати.)

Мазкур ўзбекча бандда ритмнинг турфаланиши мисралар ўлчовидаги алмашиниб туришга ва охириги туроқларнинг ўзгаришига таянган. **Наво бўлиб-шайдо бўлиб, ўйларга-тўйларга** қофиялари неча бўғиндан иборатлиги билан бир-биридан фарқ қилади ва бу фарқ инглиз қофиялари орасидаги урғу тушиши билан боғлиқ тафовутни эслатади.

Баъзида инглиз музаккар, муаннас ва дактил қофияларининг алмашинуви мисра ўлчовига таъсир кўрсатмаслиги ҳам мумкин. Жумладан, куйидаги мисолда қофиянинг сифат жиҳатидан ўзгариши мисралар ўлчовига таъсир кўрсатмаган:

And thou, too, of the snow-white plume!

Whose realm refused thee ev'n a tomb;
Better hadst thou still been leading
France o'er hosts of hirelings bleeding,

(G.G.Byron. Ode from the French.)

Бунда қофиядаги ўзгариш ритмдан ритмга ўтиш натижасида содир бўлган. Берилган парчадаги музаккар қофияли биринчи ва иккинчи мисралар (plume-tomb) тўрт стопалиямбда бўлиб, уларнинг ритмик сурати куйидагича:

01 / 10 / 01 / 01 /
01 / 01 / 01 / 01 /

Муаннас қофияли (leading-bleeding) учинчи ва тўртинчи мисралар хорей вазнида ва уларнинг ритмик сурати куйидагича:

10 / 10 / 10 / 10 /
10 / 10 / 10 / 10 /

Бу мисолда қофиядаги алмашиш мисралар ўлчовига таъсир этмай, вазн ўзгаришига ҳамроҳ бўлган ва ритмни ўзгартирувчи қўшимча восита сифатида хизмат қилган.

Инглиз қофияларининг бу вазифалари ўзбек мисраларида ички туроқдорликнинг ўзгариши натижасида содир бўладиган ритм турфаланишига яқин. Мисол учун:

Ажабо! Битта халқ шунча жон чекиб,
Сўнги, оғир жангни этганда тайин.
Зўрға ағдарганда битта подшоҳни,
Ўрнига чиқибди мингта "хўжайин"!

(Омон Матжон. Тарих музейида.)

Юқоридаги 6+5 бармоқ вазнида ёзилган бандда биринчи ва тўртинчи мисралар 3+3+5, иккинчи ва учинчи мисралар 2+4+5 тарзидаги ички туроқларга бўлинган ва бу ритмнинг ўзгаришига олиб келиб, оҳангни бойитган. Қуйидаги бандда ҳам шу ҳолни кузатиш мумкин:

Яна ҳам қудратим беҳисоб,
Бардошим бепоён эканким,
Шунча ёниб, шунча куйсам ҳам
Висолингга етиш хоҳишим.
(Уйғун. Ёрнинг орзуси.)

Бунда биринчи ва иккинчи мисралар 3+3+3 тарзида, учинчи ва тўртинчи мисралар 4+5 тарзида туроқларга бўлиниб, ритмдан ритмга ўтиш содир бўлган ва бу назм оқимини турфалантиришга хизмат қилган. Демак, ўзбек бандларида учрайдиган бир туркумдаги мисраларнинг ритмдан ритмга ўтиш ҳолатлари ҳам баъзида урғу тушишига қараб фарқланадиган инглиз қофиялари яратадиган ритм ўзгаришини тиклай олади.

ADABIYOTSHUNOSLIK

Шунингдек, ўзбек қофияларининг бўгин сони жиҳатидан фарқланиб туриши, содда ва кўш қофиялар ритми орасидаги фарқ урғуга асосланган инглиз қофиялари юзага келтирувчи ритмик ўзгаришга яқин бўлган таасурот қолдиради. Таржимон-шоир Мақсуд Шайхзода ўғирмаларида ўзбек қофиялари фарқларидан маҳорат билан фойдаланган:

Ёраб, сен-ку, баракатни, неъматларингни
Бу фусункор мамлакатга ўзинг бахш этдинг!
Боғзорларда хушнуд қилдинг умматларингни,
Бу тоғларга ғазналарни кўмиб нақш этдинг.

(Байрон. Чайльд Ҳарольд зиёратлари. Мақсуд Шайхзода таржимаси. Биринчи кўшиқ, 15-банд, 1-4-мисралар.)

Неъматларингни - умматларингни, бахш этдинг - нақш этдинг каби қофиялардаги бўгинлар сони ва тузилиши орасидаги фарқ инглизча сифатий (урғуга таянган) қофиялар алмашинуви натижасида ҳосил бўладиган ритмик турфаликни қайта тиклай олади. Айтиб ўтиш керак, Мақсуд Шайхзода ишлатган юқоридаги қофиялар аслият мисраларидаги сифатий қофиялар алмашинувига сатрма-сатр мос келмайди, аммо улар асарнинг яхлит ҳолда аслиятга мос тарзда идрок этилишига, асар услубини яхлит ҳолда қайта тиклашга ёрдам беради.

Хулоса. Қофиянинг қайта тикланиши ўгирилаётган асар мазмуни, қофиянинг шу мазмунни ўқувчига етказишда бажараётган ўзига хос вазифасига боғлиқ ҳолда амалга ошади. Бошқача қилиб айтганда, қофиянинг қайта бунёд бўлиши, шакл унсури сифатида, мазмуннинг қайта яратилишига бўйсунди, мазмуннинг аслиятга мумкин қадар мутаносиб, таъсирчан ва табиий ифода қилинишига, муаллиф услуби ҳақида мувофиқ тушунча қолдиришга кўмаклашади. Ўзбек қофия захирасининг бойлиги туфайли инглизчадан ўзбек тилига қилинадиган шеърий таржимада қофия тартиби аксар ҳолларда ўзгаришсиз акс эттирилади. Ўзбек шеъриятида учрамайдиган айрим инглиз тилига хос қофиялар таржимада, уларнинг матнда бажарган вазифасига қараб, ўзбек тили учун хос бўлган қофиялар билан алмаштирилади. Шунингдек, баъзида қофиянинг шеърий матндаги вазифаси бошқа унсурлар, жумладан, вазн ва туроқдорлик воситасида қайта юзага келтирилиши мумкин.

АДАБИЁТЛАР

1. **Brook G.L.** The Language of Shakespeare. - London: Andre Deutch, 1976. – 231 p.
2. **Evans B.** I for. The Language of Shakespeare's Plays. - London: Methuen, 1963. – 226 p.
3. **Жовтис А.Л.** Опорный согласный в рифме.(Несколько сопоставлений из ис тории русского и английского стиха). // В.кн.: Исследования по теории стиха. – Ленинград: Наука, 1978. – С.75-84.
4. **Guest Edwin.** A History of English Rhythms. - New York: Haskell House Publishers, 1968.– 730 p.
5. **Найда Ю.А.** К науке переводить. // В кн.:Вопросы теории перевода в зарубежной лингвистике. – Москва: ИМО, 1978. – С.114-132.
6. **Savory Th.** The Art of Translation. – London: Jonathan Cape, 1968. – 191 p.
7. **Selver Paul.** The Art of Translating Poetry. – London: Pall Mall, 1966. – 122 p.
8. **Wyld Henry Cecil.** Studies in English Rhymes from Surrey to Pope. -New York: Russell & Russell. INC, 1965. –P. 1-13.
9. **Фрост Роберт.** Движение совершаемое в стихе. // В кн.: Писатели США о литературе. Т.2. – Москва.: Прогресс, 1982. – С.183-186.
10. **Тўйчиев У.** Ўзбек адабиётида бадиийлик. – Т.: Янги аср авлоди, 2011. – 508 б.

УДК 821. 512. 122

ТАРЖИМА - ЯРАТИШ САНЪАТИ
ПЕРЕВОД – ИСКУССТВО ВОССОЗДАНИЯ
TRANSLATION - THE ART OF RECREATION

Турисбек Рақымжан Сағымбекович*профессор Евразийского национального университета им. Л.Н.Гумилева, доктор филологических наук, литературовед*

Таянч сўзлар: таржима, адабиёт, расм, тарих, таълим, илм-фан, билим, услуб, поэтика эстетика, тил.

Ключевые слова: перевод, литература, традиция, история, образование, наука, познание, стиль, поэтика, эстетика, язык.

Key words: translation, literature, tradition, history, education, science, cognition, style, poetics, aesthetics, language.

Мақолада таржима санъатининг тарихи ва амалиёти, шунингдек ривожланиш тенденциялари муҳокама қилинади. Қозоқ таржима санъатининг замонавий босқичлари, шаклланиши ва тадқиқотлари турли ёндашувлар ва таққослашлар ёрдамида илмий жиҳатдан ўрганилмоқда. Таржимада анъаналар ва узлуксизлик, замонавий адабий жараён билан биргаликда ҳаёт кечирishiга қаратилган. Таржиманинг мақсади - асл мазмунни аниқ ва асл такрорлаш, унинг мазмунини ҳақиқий нусхага бадиий мувофиқлаштириш. Асл матн таржима қилинган матннинг асосидир.

В статье рассматриваются история и практика переводческого искусства, а также тенденции развития. Современные этапы казахского переводческого искусства, становления и исследования научно изучаются разными подходами и сравнениями. Традиции и преемственность в переводе, современный литературный процесс обсуждаются в сосуществовании. Цель перевода – точное и конкретное воспроизведение содержания подлинника, художественное соответствие его содержания оригиналу. Подлинник – это основа переводного текста.

The article discusses the history and practice of translation art, as well as development trends. The modern stages of the Kazakh translation art, the formation and research are scientifically studied by different approaches and comparisons. Tradition and continuity in translation, the modern literary process are discussed in coexistence. The purpose of the translation is the exact and specific reproduction of the content of the original, the artistic correspondence of its content to the original. The original is the basis of the translated text.

Введение. Перевод, искусство перевода – это творческий процесс, требующий от автора-переводчика разносторонних способностей и поисков, высокого уровня образования и знаний, трудолюбия и упорства, ответственности и настойчивости, мастерства и красноречия.

Перевод представляет собой воспроизведение содержания произведения с одного языка средствами другого языка, независимо от истории создания, темы произведения.

Переводной текст – это произведение искусства, которое воссоздаёт содержание подлинника, сохраняя при этом правдивое изображения жизни, художественное решение, целостность текста оригинала.

С точки зрения сохранения содержания и смысла оригинального произведения, его темы и жанровой природы, с позиции точности и соответствия подлиннику, все переводы делятся на точные, вольные и адекватные.

Точный перевод – это тип перевода, при котором жанровая природа подлинника, его структура, а также содержание, язык и стиль воспроизводятся сообразно оригиналу.

ADABIYOTSHUNOSLIK

Свободный, или вольный перевод – это тип перевода, при котором автор-переводчик не отступает от подлинника, выражает его общую концепцию. Такой перевод доступен для чтения и понимания. Художественность при этом также сохраняется.

Адекватный перевод – это тип перевода, при котором переводной текст соответствует тексту оригинала по жанровой природе, позиции автора и переводчика совпадают. Стиль переводчика созвучен стилю автора.

Кроме этого, существуют и другие разновидности перевода. Они по сути повторяют друг друга. Они во многом сходны, созвучны. Но объединяет их единство цели и задач. Произведения искусства присущи общность целей, творческий труд, основанный на использовании художественных возможностей.

Перевод всегда опирается на подлинник. В поле зрения автора-переводчика оказываются жанровая природа, тема и идея, события и система образов, содержание и форма, жанр и образность, язык и стиль произведения.

В этой связи обратимся к определению термина «перевод» в «Словаре литературоведческих терминов»: «Перевод – воспроизведение произведения с одного языка на другой, в результате этого создание на основе оригинала нового произведения на другом языке. На ранних этапах развития литературы произведений, написанных на широко известные, заимствованные сюжеты, было немного. Их нельзя назвать переводами в современном понимании этого слова. Они часто выступают как вольные переводы, иногда считаются близкими оригиналу. Для осуществления перевода переводчик должен владеть как минимум двумя языками народов. В противном случае перевод будет некачественным, национальный колорит подлинника, его особенности будут утеряны. При переводе уделяется внимание принципам словоупотребления, выражению основной мысли, идеи произведения, сохранению выразительности, а также значимости произведения в целом. Поэтому необходимо максимально сохранить и передать идею произведения, миропонимание автора, психологию героев» [1, 62].

Методология и метод исследования. В «Энциклопедическом справочнике» содержится следующее определение термина «перевод»: «Перевод, художественный перевод – это образец перевода литературного произведения с одного языка на другой, часть литературно-художественного творчества. В эпоху средневековья в казахской литературе существовала традиция создания произведений на основе популярных в восточной литературе сюжетов. Их нельзя рассматривать как переводы в современном его значении. Хотя они представляют собой вольные переводы, но близки к подлинникам. В действительности перевод должен соответствовать подлиннику. По степени близости его к оригиналу различают переводы вольные, адекватные. Художественный перевод ставит целью воспроизведение текста оригинала не слово в слово, а воссоздание смыслового содержания, художественности, образного воздействия. Переводчик должен достаточно хорошо владеть двумя языками. Без знания языков невозможно достичь качества перевода, передачи национального своеобразия и особенностей произведения. В процессе перевода необходимо руководствоваться принципами словоупотребления, полной передачи смысла слова, сохранения его образности и значимости» [2, 55].

Следовательно, если подлинник – ключ к переводу, то он должен обладать такими свойствами, как цель и значение, история становления и национальное своеобразие, специфика подлинника, образительно-выразительные, стилевые особенности. Потому что перевод – это искусство, составная часть литературы. Если литература есть «правдивое отображение действительности» (А. Твардовский), то перевод есть образное и действенное отображение действительности. Широко представлены этапы художественного познания, эстетические ценности.

Об искусстве перевода, его природе и наименовании сказано немало. К примеру, в энциклопедии «Казахстан» предлагается следующая трактовка данного термина: «сказанное или написанное на одном языке, переведённое на другой язык, специфическая составная часть литературы» [3]. В «Словаре литературоведческих

терминов» содержится другое определение данного термина: «вид литературного творчества, результатом которого является создание произведения на одном языке посредством перевода его на другой язык» [4].

Перевод – это передача с одного языка на другой названия, содержания, смысла, художественно-эстетических свойств предмета. В этой связи совершенно справедливо высказывание М.Ауэзова, который писал: «Иногда бывает счастьем говорить мысли, которые не говорили другие... большинство мыслей могут быть одни и те же, но рассказать это иным образом это уже способность» [5, 451-452].

А это все – область литературы, предметом её является мир человека и смысл его существования. По мнению З.Кабдолова, содержанием искусства в целом является мир человека, его мечты, стремления; в любом произведении искусства отражаются события общественной жизни. В любом произведении литературы мы найдём проблемы судьбы человека, гуманизма.

Судьба человека – для писателя это не столько предмет изображения, это способ познания жизни: изображение современников, их взаимоотношения, взгляды, мировоззрение. Наряду с изображением героев, событий, автор вправе выражать собственную позицию и точку зрения на изображаемое. В процессе художественного обобщения рождается творческий процесс [6, 87-88].

Это относится и к области перевода. Перевод – это искусство сочинения, это творческий труд. В нем есть жизнь, человек и его труд. И если цель искусства – раскрыть смысл жизни, показать труд человека, то и в переводческом искусстве они остаются объектом изображения и воссоздания.

Поистине высок смысл слов, высказанных В.А.Жуковским, который говорил: «Переводчик в прозе – слуга, в поэзии – соперник поэту», или А.С.Пушкин «переводчики – почтовые лошади, перевозящие культуру из одного государства в другое». Аналогичную точку зрения выразил автор слов: «Перевод возник одновременно с человечеством и сопровождает его постоянно» [7, 13].

Таким образом, перевод – это искусство, пример сотрудничества, основа дружбы и родства. Потому что: «когда один народ сближается с другим, то происходит взаимодействие. И основа этого взаимодействия – перевод» [8, 102]. С этой точки зрения в переводе наглядно прослеживаются взаимосвязь языка и культуры, духовного богатства и художественно-эстетических ценностей народов. В этом заключается конечная цель переводческого искусства.

Казахские писатели и литераторы – учёные, переводчики – всесторонне изучали природу и историю переводческого искусства, разработали цели и задачи перевода, основные принципы и требования к процессу перевода, определили художественно-эстетическую значимость и культурные ценности, языковые и стилистические особенности перевода. К примеру, в статье «Перевод» Ж.Аймауытов пишет: «цель перевода художественных, литературных слов на казахский должен быть не просто понятным простому человеку, а глубоко влиять на культуру, обогащать воображение, создавать чувства. Хорош тот художник или поэт, который смог поднять ученика на свой уровень. Лучше быть лидером, чем сопровождающим.

...одна причина перевода – это сравнить казахский народ с другими. С новым дыханием должны быть ознакомлены душа других народов. Поэтому иногда перевод должен избегать точности и не привыкать к регулярному жеванию. Конечно, такой перевод не будет непонятным и неясным, а будет красивым, значимым и весомым...

Легкие книжки, которые предназначены для публики, если сказать на русском популярные книжки, не правила, не закон, а слова, у которых должны быть выражены содержание, которые не влияют на воображение, а влияют на разум, то необходимо попытаться дать общее понятие, и следует избегать прямого перевода» [9, 128-129].

Известный писатель и переводчик Ж.Аймауытов, исследуя проблему художественного наследия, мир художественной литературы, изучает природу подлинника и перевода. При этом опирается на опыт исследования развитых литератур. Определяя идею автора и подлинника, особое внимание исследователь уделяет художественному своеобразию произведения. Не обходит вниманием и

ADABIYOTSHUNOSLIK

проблему соотношения культурной среды автора и читателя. В поле зрения ученого оказываются такие понятия, как точность и конкретность, художественно-эстетическое соответствие как важнейшие условия процесса перевода. Самое главное, конечно, в переводе – это творческий поиск, творческий труд.

М.Ауэзов, рассматривая переводоведение как часть литературоведения, в частности, пишет: «Теорию перевода... в литературе выявляются два различных склонностей, один из которых является сферой языкового исследования, понимая суть переводческого дела, увлекает эту проблему лингвистическим методом в сторону изучения, а второй, по-нашему правильный, склонность понимает перевод как один из видов словесного искусства, ставит эстетические принципы, выдвигает художественные качества, поэтому перевод является объектом изучения теории познания литературы» [10, 6-7].

В таком же направлении рассматривает проблему перевода писатель С.Шаймерденов, определяя сущность и значение перевода.

«Во-первых, что переводить? В мировой литературе непрочитанных произведений много. А возможно ли все это донести до читателя через переводы, возможно ли воспроизвести и передать нравственный смысл этих произведений в переводе. Конечно, нет. В таком случае, необходим принцип избирательности.

Во-вторых, как переводить? Эта проблема сложная многоаспектная. Художественный перевод должен соответствовать оригиналу.

В-третьих, кто должен переводить. Есть немало переводчиков, для некоторых перевод стал ремеслом, средством заработка...»

Академик Р. Нурғали писал: «Во все времена литература отдельного народа развивалась не изолированно. Рожденная на национальной почве, она широко распространялась, через перевод «входила» в другие национальные литературы и становилась достоянием другой культуры» [12, 40].

Переводчик не вправе отступать от оригинального текста. Текст оригинала должен быть непреложным законом для него [13, 229].

В процессе перевода некоторые проблемы, к примеру, передача значения одного слова другим словом – это один из способов достижения качественного воспроизведения текста оригинала.

Теоретик перевода Н. Сагындыкова утверждает: «В процессе перевода важно сохранить национальные особенности текста подлинника» [14, 208].

Т. Журтбай считает: «... Одним из условий качественного перевода является знание творческой лаборатории писателя, духовное родство автора и переводчика» [15, 198].

Заключение. Значит термины перевода создаются на языке международном, письменном. Общечеловеческие проблемы, значимые идеи и мысли являются текстом перевода.

Подводя итоги, следует отметить:

перевод – искусство воссоздания, основа литературных и культурных связей, искусство, рожденное на стыке оригинала и перевода, отражающее особенности оригинала и перевода.

По существу, искусство перевода – художественное воссоздание с одного языка на другой.

Природа оригинала и перевода – структура и содержание, система образования, опыт, мировоззрения, своеобразие мировоззрения – все это должно быть отражено в переводе, и только тогда произведение может оказать воздействие на читателей, только тогда оно может рассчитывать на долголетие.

Перевод – искусство воссоздания, составная часть духовной жизни.

ЛИТЕРАТУРА

1. Литературоведение. Словарь терминов. 3-е изд. Составители: Ахметов З., Шаңбай Т. – Семей-Новосибирск: Талер-Пресс, 2006. – С. 62.

2. Казахская литература. Энциклопедический справочник. – Алматы: Аруна, 2005. – С. 55.
3. Энциклопедия «Казахстан». – Алматы, 1999, том 1.
4. Литературный энциклопедический словарь. – М, 1987. – С. 273.
5. **Ауэзов М.** Сборник сочинений. Том 20. – Алматы: Жазушы, 1985. – С. 451-452.
- Кабдолов З. Искусство слова. – Алматы: Мектеп, 1976. – С. 87-88.
6. **Абдрахманов С.** Вер Бана ат // Страницы Пушкиноведения. – Астана: Елорда, 2006. – С. 13.
7. **Талжанов С.** Перевод и проблемы казахской литературы. – Алматы: Ғылым, 1975. – С. 102.
8. Терме. Сборник статей о литературе, образовании, воспитании. –Ташкент, 1925. – С. 28-129.
9. **Ауэзов М.** Некоторые теоретические проблемы художественного перевода// Время и литература. – Алматы, 1957. – С. 6-7.
10. **Шаймерденов С.** Перевод – Золотой мост. Мир. Алманах. – Алматы, 1990. – С. 11.
11. **Нурғали Р.** Эстетика словесного искусства. – Астана: Елорда, 2003. – С.420.
12. **Сатыбалдиев А.** Духовное Сокровище. – Алматы: Жазушы, 1987. – С. 229.
13. **Сағындықова Н.** Основы художественного перевода. –Алматы: Санат, 1996. – С. 208.
14. **Журтбай Т.** Художественный перевод: успех и стремление // Жұлдыз, 1980. №12. – С. 198.
15. **Сальмон Л.** Теория перевода. История. Наука. Профессия. Санкт-Петербург. – Астана, 2007. – С.26-28.

УДК: 891.709.

ЖАМОЛ КАМОЛ – ЛИРИКА НАЗАРИЁТЧИСИ СИФАТИДА

ДЖАМАЛ КАМАЛ КАК - ТЕОРЕТИК ЛИРИКИ

JAMOLKAMOLASATHEORISTOFLYRICS

(Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таваллудининг 80 йиллигига бағишланади)

Ахмедова Шоира Неъматовна

БухДУ ўзбек адабиёти кафедраси профессори, филология фанлари доктори

Тешаева Гулноза Жамшидовна

БухДУ талабаси

Таянч сўзлар: шоир, адабиётшунослик, лирика, лирика назарияси, композиция, лирик кечинма, Шарқ ва Ғарб, танқидчи.

Ключевые слова: поэт, литературоведение, лирика, теория лирики, композиция, лирическая ощущение, Запад и Восток, критик.

Key words: poet, literary criticism, lyric poetry, lyric theory, composition, lyrical sensation, West and East, critic.

Мақола Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камолнинг 80 йиллик таваллудига бағишланган. Унда ўзбек адабиётшунослигида лирик шеърият назариясига бағишланган тадқиқотлар орасида шоирнинг ўзига хос қарашлари ҳақида фикр юритилади.

Статья посвящена 80 летию народного поэта Узбекистана Жамола Камала. В нем рассматривается исследование теория лирики и лирического композиция в узбекском литературоведении и своеобразии поэта.

The article is dedicated to the 80th anniversary of the national poet of Uzbekistan, Jamol Kamal. It examines the study of the theory of lyricism and lyrical composition in Uzbek literary criticism and the poet's peculiarity.

Қириш. Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол истеъдодли ижодкор ва таржимон бўлиш билан бирга адабиёт назарияси масалалари билан жиддий шуғулланди. XX

ADABIYOTSHUNOSLIK

асрнинг 70-йилларида Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида илмий ходим бўлиб ишлади ва лирика масалаларига бағишланган тадқиқотлар яратди.

Ўзбек адабиётшунослигида XX асрнинг бошларида адабиётшунослик ривожига лирика масалалари билан Абдурауф Фитрат ("Адабиёт қоидалари"), А.Саъдий ("Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари", ўрта мактаблар учун дарслик) каби олимлар шуғулландилар. Улар айнан лирикага оид алоҳида китоб ёзмаган бўлсалар-да, адабиёт назариясига бағишланган асарларида лирика ҳақида фикр юритганларини кўриш мумкин.

XX асрнинг 30-йилларида Ўзбекистон халқ ёзувчиси, академик Ойбек лирикага бағишланган мақоласида унинг жонли халқ ҳаёти билан мустаҳкам боғланиши зарурлигини тўғри белгилайди. Лирика наинки шахс, халқнинг ҳам фикр-туйғулари, кечинмаларини эмоционал равишда ифодалаш керак деб билди. Ҳамид Олимжон, Уйғун, Ҳ.Пўлат шеърларини таҳлил қилганда, табиийки, у "социалистик лирика"нинг муҳим хусусиятларини янги давр билан боғлиқ ҳолда очишга интиладики, бу ўша давр тақозоси эди. "Сўнги йиллар ўзбек поэзияси" мақоласида муаллиф шоирларни поэтик маҳоратни мукамалроқ эгаллашга чақирди.

Адабиётшунос олим Ҳ.Ёқубовнинг, айниқса, "Лирикада конфликт" ва "Лирикада замондошимиз нафаси" мақолаларида бу жанрнинг ўзбек танқидчилигида шу вақтгача кўп ҳам очилмаган қирралари ёритилади, лирик шеърларда акс этган шу хусусиятлар нуқтаи назаридан таҳлил этилади, ютуқ ва камчиликлар аниқ далиллар асосида белгиланади. Бу ҳол Ҳ.Ёқубов қарашларининг адабий жараёнга таъсирини оширди: "Лирик асарда образнинг ҳаракати кенг равишда ривожлантирилмайди, воқеалар тез-тез алмашилиб турмайди, қаҳрамонлар турли-туман ҳолатларда, ҳар хил кишилар билан бўлган муносабатларда ўзини кўрсата бермайди... Лирик шеърят асосини шоирнинг кечинмалари унинг ҳис ва туйғулари, орзу ва интилишлари, фикр ва умидлари ташкил этади. Лирикада ҳаёт ҳаяжон билан ҳис қилинган, қалбдан ўтган, субъективлашган ҳолда гавдаланади. Лириканинг предмети худди кечинмаларнинг ўзгинасидир"[1,94]. Бу қарашлар давр лирикаси такомиллигига сўзсиз таъсирини кўрсатди. Ўзбек шеъриятидаги, айниқса, лирикадаги конфликт табиатига доир унинг қарашлари, наинки, ўзбек танқидчилиги, балки шоирлар учун ҳам муайян янги қарашлар сифатида қабул қилинди. Бундай қарашлар лирикада замондош образини эстетик таҳлил этиш жараёнида ҳам кўринади.

Шахсга сиғиниш исканжасидан озод бўла бошлаган ўзбек шеърияти, насри ва драматургиясида 50-йиллар охири ва 60- йиллар аввалида жиддий силжишлар, ўзгаришлар рўй берди. Танқид ҳам ана шу жараёни таҳлил қилишга ўтди. Ижодкорлар олдига янги-янги талаблар қўйди. Айниқса, шеърятда ҳаётга қизгин муносабат билдирилиб, замонавий руҳ чуқурлаша борди. Ўзбек назмида юз бераётган бундай ижодий ўзгаришлар Озод Шарафиддиновнинг "Замон. Қалб. Поэзия" деб номланган илмий кашфиётларга бой, ўзбек шеърятининг кечаги куни ва бугунидаги ютуқ, камчиликлар умумлаштирилган салмоқли китобида ўз ифодасини топди [4].

Академик С.Мамажонов ижодий фаолиятида ўзбек шеърятини атрофлича тадқиқ этиш марказий ўринлардан бирини ташкил қилади. Юзлаб тақриз ва мақолаларидан ташқари "Шеърят баҳсида" китоби каби "Ранглар ва оҳанглар" китоби ҳам поэзия масалалари ва поэтик асарлар таҳлилига бағишланди. "Лирик олам, эпик кўлам" номли йирик монографиясида тадқиқотчи Ҳ. Олимжон лирик маҳорати ва Шароф Рашидов эпик оламини кенг тарзда очиб берилди[3].

"Шеърят – изланиш демак" рисоласини шеърят ҳақидаги И.Ғафуровнинг ўйлари, кузатишларининг квинтэссенцияси, дастур сифатидаги тажассуми дейиш мумкин. Мунаққид адабиёт даргоҳига кирибдики, шеърят сеҳрини англашга интилади. У шеърят дардида одамлар, шоирлар, оламнинг бой тарихига шўнғийди, жаҳон поэзиясини узлуксиз ўрганади.

Асосий қисм. Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, юқорида тилга олинган тадқиқотларда лирик асарлардаги композиция масаласи алоҳида тадқиқ этилмаган. Шоир ва олим Жамол Камол айна шу ўрганилмаган мавзуга қўл уриб, «Лирик шеърят»

монографияси билан лирика, шу билан бирга адабиёт назариясини ҳам бойитишга катта ҳисса қўшди.

Китоб илмий-бадий тафаккурнинг синтези бўлган шундай сўзлар билан бошланади: «Башарият бадий мероси, илҳом ва калом хазинасининг сўлим, нафосатли ҳиссасини лирика ташкил этади. Кишилиқ жамияти босиб ўтган, этаги кўз илғамас асрларга бориб туташган ўша сермашаққат йўлларда унинг беҳисоб бисоти дурахшон юлдузлардек ярқираб турибди....Инсоният ўша худудсиз гўзаллик олами, ўша юлдузлар ҳашаматига ҳар замон бир қайрилиб қарайди. Қараб ҳайратга чўмади....»

Уч адабий жинснинг биттаси бўлмиш лирикани бир қадар баланд пардаларда тавсифлар эканмиз, бу уни атай махсус ва мумтоз бир ўринга қўйишни кўзлаган бир уриниш эмас. Бу – унинг табиатидан, ички моҳиятидан, чунончи, ҳамма жойда ҳозир-нозирлигидан, тез ва шиддаткорлик билан фаолият кўрсата билишидан...ва шунга ўхшаш жуда кўп хусусиятларидан”[2,3].

Тадқиқотнинг биринчи бобида лирика табиати, унинг алоҳида адабий жинс сифатидаги ўзига хос хусусиятлари, лирикада сўз санъати қандай намоён бўлиши, конфликт, қаҳрамон, характер лирикада қандай акс этиши, лирикага хос ва унга алоқадор бўлган жанрлар хусусида сўз юритилади.

Аввало, лирика нима? деган саволга муаллиф В.Г.Белинскийнинг “М.Лермонтов шеърлари” мақоласидан “шеърият- бу чақалоқнинг беғубор кулгуси, ёруғ нигоҳи...” билан бошланган таърифидан парча келтириб, жавоб беради. Шу билан бирга ўзи қўшимча қилади: “Адабиёт- маънавият. Лирика – маънавиятнинг маънавияти, яъни, мағизнинг мағзи...У башарият зеҳнининг маҳсули бўлмиш адабий ижоднинг бир тармоғи, бадий тафаккурнинг бир шохобчаси ўлароқ оламни конкрет образлар орқали инъикос этади, нафис сўз воситасида гавдалантиради..”[2,6].

Олим лирика тарихига, унинг Шарқ ва Ғарбдаги ривожига тўхталади. Лирикада лирик кечинманинг ўрни, унинг қандай унсурлардан таркиб топиши, моҳиятини нималар ташкил этади деган аниқ саволлар қўйиб, унга жавоб излайди. Таҳлиллар асосида “Лирик кечинмада фикр ва ҳиссиёт қоришиқ яшайди. Бугина эмас, улар бир-бирининг мағиз-мағзига шундай сингиб кетадики, ажратиб кўришнинг иложи бўлмай қолади. Бу ажралмас бирлик-бутунлик лирик кечинманинг моҳиятини ташкил этади”, -деб ҳисоблаб, бунда яна эҳтиросли фикрнинг ўрни улкан эканлигига диққат қаратиб, Ғ.Ғуломнинг “Соғиниш” шеърини теран таҳлилга тортади.

“Лирикада сўз санъати” фаслида олим бадий ифодани мазмунан қуюқлаштириш, уни ҳис-ҳаяжонга йўғириш учун лирика сўз салоҳиятига суяниши ва шеърий шаклларга мурожаат қилишини таъкидлар экан, маънавий ва лафзий санъатларнинг ўрни масаласига эътибор қаратади. Китобда кўрсатиб ўтилган шеърий санъатлар бадийликнинг муҳим ва таъсирчан омилларидан эканини исботлаб беради. Лирикада характер, конфликт ва қаҳрамон масаласини ёритар экан, “шоир шахсининг биринчи планга чиқиши ва у орқали объектив оламнинг акс этиши –лирика қиёфасини белгиловчи муҳим хусусиятлардан” эканлигини асос қилиб олади.

Лирикада табиат лавҳалари инсоний кечинмалар билан йўғрилганлиги, лирик характер ана шу ҳолатларда яшаши ва акс этишини шоир Миртемирнинг “Денгиз тинчимади – биз тинчимадик”, Ғ. Ғуломнинг “Қор” шеъри таҳлили мисолида очиб беради.

Лирик характерни юзага келтириб чиқарувчи ҳаётий зиддият лирикада асосан уч кўринишда: а) тасдиқ, б) инкор, в) ҳам иқдор, ҳам инкор кўринишида гавдаланишини мисоллар орқали кўрсатиб беради. Бунда Асқад Мухторнинг “Поэзия” шеъри чуқур таҳлил қилиниб, шундай хулоса келтириб чиқарилади: “Шундай қилиб, лирик конфликт шоирнинг воқеликка қизғин муносабати, шу муносабат туфайли туғилган фикр ва кечинмаларнинг жўшқин ҳаракати, ижодкорнинг ҳаёт фактларига нисбатан актив иқдори ва инкори воситасида тажассум топади ҳам лирик характерни ифодалайди”[2,45]. Шу билан бирга лирик конфликт тасвирида меъёр масаласи ҳам муҳим эканлиги таъкидланади.

Жамол Камол лирик қаҳрамон масаласи ҳам лирик шеъриятда ҳаётни тасвир этиш хусусияти масаласи эканлиги, лирик қаҳрамон характери ўзига хос марказ бўлиб,

ADABIYOTSHUNOSLIK

объектив воқелик лавҳалари, кишиларнинг ўзига хос образлари ана шу марказ атрофига уюшиши ҳақида фикр юритар экан, ҳамма гап унинг оригиналлиги, индивидуаллиги, жонлилик ва жўшқинлик даражасида эканлиги, лирик шеърятнинг қаҳрамони, асосан, шоирнинг ўзи эканлиги, “аммо бундан мазкур лирик қаҳрамон билан шоирнинг автобиографик қиёфаси худди ўлчаб қўйгандек, бир-бирига тенг деб ҳисоблаш ҳам нотўғри бўлур эди” каби хулосалари бугунги кун ўқувчисига ҳам лирик қаҳрамон масаласини ойдинлаштиришга ёрдам беради: “Лирикада конфликт ва қаҳрамон ҳамда улар воситасида тажассум топадиган лирик характер тушунчасининг бағри кенг. Чунончи, шоир ўз кечинмаларини бевосита ифодалаш йўли билан ҳам, ўзгалар тақдирини ўз тақдиридай кечиниб тасвирлаш йўли билан ҳам, баъзида эса бу усулларни турли йўсинда аралаштириб қўллаш йўли билан ҳам лирик характерни рўёбга чиқаради”[2,47].

Муаллиф лириканинг – сўз санъатининг мураккаб, специфик воситалар билан иш кўрувчи ўзига хос жанри эканлигини таъкидлаб борар экан, лирик ва лиро-эпик жанрлар муаммосини ёритишга ҳаракат қилади. Ғарб шеърятдаги қўшиқ, дифирамблар, ода, бағишлов, сатира, элегия, сонет, терцина каби, Шарқдаги ғазал, қасида, рубоий, қитъа каби жанрларга тўхталади, лирика жанрлари масаласидаги баҳсларга муносабат билдиради, мустақил адабий жинс сифатида ҳаёт кечиришнинг биринчи ва асосий шarti - ўзининг “соф элементи”га эга бўлиш назарда тутиладиган бўлса, лиро-эпик асарларда шундай бир “соф” элемент мавжуд эмас деб ҳисоблайди. Шундай бўлса-да, лиро-эпик асарлар табиатига хос жиҳатларни масал, дoston каби жанрлар мисолида аниқ ва ёрқин кўрсатиб беради.

Китобнинг “Лирикада композиция” деб номланган бобида шеърни қандай бошлаш ва қандай тугаллаш масаласи шоирнинг композицион маҳоратига бориб тақалишидан келиб чиқиб, ана шу масалага оид мулоҳаза ва мушоҳадалар баён этилган. Муаллиф лирик композиция тушунчасини очиб беришда шоирлар учун қатъий талабларга эга бўлган ўзбек мумтоз шеърятига мурожаат қилади. Шу билан бирга Арасту, Буало каби назарийётчиларнинг мулоҳазаларига, рус олимлари ва ўзбек адабиётшуносларининг фикрларига тўхталиб ўтади. Ғ. Ғулом шеърларининг таҳлили асосида маълум хулосаларга келади: “Лирик композиция – умумий адабий композициянинг бир тури, бошқача айтганда, катта доира ичидаги кичик бир доира...”

Мазмуннинг, поэтик ғоянинг аниқлиги; ҳаққонийлиги; эмоционаллиги, шу поэтик ғояга нисбатан қисмлар ва образларнинг мувофиқлиги даражаси; тасвир меъёри; ва жойланиш мутаносиблиги” каби тамойиллар сўз санъати майдонида ҳамма учун баравар амал қилувчи қонуний талаблар эканлиги ва у лирик композицияга тегишли экани очиб берилади.

Олим лирик композиция таснифига киришар экан, икки муҳим нарсага: 1) тасниф ҳаётий ва ҳаққоний асос-эътиборга суяниши; 2) тасниф лирик композиция кўринишларининг бутун ранг-баранглигини ўзида акс эттириши шартлигига эътибор қаратади. Шеършуносликдаги лирик композициянинг турли даврларда юзага келган ранг-баранг таснифларига ҳам муносабат билдиради. Тематик таснифнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги, рус олими В.Иванисенконинг таснифида эса изчиллик етишмаслигини танқид қилиб ўтар экан, унинг ўзи “лирик-композицион силсила” деб аталган шакллар мажмуасини таклиф этади, уларни уч гуруҳга бўлиб ўрганади. Масалан, туйғулар диалектикаси лирик-композицион силсиланинг учинчи ҳалқасини ташкил этувчи шеърларда кўриниши, бундай шеърлар замиридан келиб чиқувчи ғояни зукко танқидчи икки чақмоқ тошнинг бир-бирига урилишидан хосил бўлувчи учкун-алангага ўхшатади.

Лирик композициянинг зоҳирий элементлари ҳақида фикр юритганда, Жамол Камол шеърини нутқнинг катта-кичик бўлаклари: ярми мисра, мисра, байт ва бандларни, шулар асосида юзага чиқувчи ритми, сўнгра эса шеърини композицион усулларни назарда тутиб, анафорик композиция, амбей композиция, композицион ечим, композицион ҳалқа, композицион занжир, рефрен, кўчув каби бир қанча унсурларнинг изоҳини мисоллар орқали кўрсатиб беради.

“Лирик композиция ва индивидуал поэтик услуб” бобида энг аввало, услуб ҳақида назарий маълумотлар берилгач, олим уч шоир: Ойбек, Мақсуд Шайхзода ва Шухрат шеърятининг ўзига хос жиҳатларини очиб беради.

Ойбек услуби ҳақида гапирганда, шоирнинг поэтик услубида бир-бирига боғлиқ бўлган икки муҳим қиррани белгиловчи деб ҳисоблайди, яъни 1) ҳамиша, ҳамма ерда нафосатни кўришга ва уни тасдиқлашга қаратилган, маълум даражада, шоирнинг “шеър- ахлоқий гўзалликдир” деган ўзига хос ақидасидан келиб чиқувчи тамойил;

2) лирик жанр доираси эпик назарга эга бўлиш, лирик ҳолат, лирик лавҳаларни эпик назар билан кўриш, ёритиш тамойили. Олим ана шу тамойилларни “Ойбекнинг поэтик дунёси чексиз ҳаракат билан тўла. Бошқа замондош шоирларда буни камдан-кам учратамиз. Ойбек лирикасида сўз, деталь, образ – ҳаммаси аниқ сўзлайди, жонли ҳис билан ёнади, ҳаракат қилади, инсоний туйғу билан яшайди” деган хулосалари ва талқинлари мисолида исботлаб беради.

Олим “Шайхона шеър” ҳақида гапирганда эса, Шайхзода услубини Ғ. Ғуломга яқин, аммо бу ўхшашлик улар ҳар қайсисининг ўзига хос қиёфага эга бўлган, оригинал ижодкор эканлигини рад этмайди, - деб ҳисоблайди. “Ҳамиша чексиз борлиқни бутун жилвалари билан қучишга интилувчи, кенг қамровли мушоҳада, муҳокама оқими Шайхзода шеърятининг етакчи йўналишини, бош пафосини ташкил этади...”

Шайхзоданинг поэтик услуби табиатан оламни ҳамиша ўткир тафаккур кўзи билан кўришга интилган, ижод ва ижодкорнинг ҳақиқий қиймати ва жанговар бурчини чуқур ҳис қилган, хаёл ва илҳом уфқи кенг бўлган файласуф шоир услубидир” [2, 125].

Жамол Камол шайхона ифода усулини белгилашда шоирнинг лирик композицияни сайқаллаштириш йўлида вазнларни қоришиқ ҳолда ишлатиши, бармоқ вазнидан эркин вазнга, эркин вазндан бармоқ вазнига бемалол ўтавериши, строфика соҳасидаги ўзига хослигига эътибор қаратади. Шу билан бирга шоирнинг ўз поэтик услубини белгиловчи баъзи тамойиллардан чекинишини танқид қилиб ўтади. Шайхона лирик композициядаги бағри кенглик унинг поэтик тафаккуридаги, поэтик услубидаги бағри кенгликнинг ўзига хос ифодаси деган хулосага келадики, бу хулосалар ўқувчини Шайхзода шеърятига янада яқинроқ ошно этади.

Олим Шухрат шеърининг услубий хусусиятларини очиб беришда лирик композицион услубнинг асосий белгиларига диққат қаратади: “Ҳар бир сатри муайян метафорадан иборат ортикча образли бўёқдорлик услуби ҳам, поэтик тафаккурнинг мураккаб чатишмаси, лирик-фалсафий муҳокамаларга берилиш тамойили ҳам Шухрат шеърятидан йироқ... Шухратона поэтик мушоҳада, кўп ҳолларда тўғри йўналишли, енгил парвозли, конкрет-ҳиссий мушоҳада” [2, 134].

Шоир Шухратнинг ўзига хос лирик композицион услубида 1) диалог принципи асосида қурилган рамзий-метафорик; 2) психологик параллелизм принципи асосида қурилган; 3) композицион мурожаат асосида қурилган шеърлар тасниф қилинади ва ажратиб кўрсатилади. Танқидчи сифатида Жамол Камол шоир шеърларида қуруқ риторик оҳанг касб этганлари ҳам борлигини кўрсатиб ўтади. Муҳими шундаки, мазкур бобда китобхон ўзбек адабиётининг уч забардаст шоири ва уларнинг поэтик услуби ҳақида янгича қарашларга, мушоҳадаларга бой кузатишлардан баҳраманд бўлади.

Хулоса. Шу билан бирга тадқиқотни ўқиш жараёнида шоир ва олим, мунаққид ва зукко шеършунос Жамол Камолнинг содда, илмий-назарий қарашлар билан тўйинган мулоҳазаларига ошно бўлади. Гарчанд, китобда ёзилган даври билан боғлиқ эскирган баъзи фикрлар учраса-да, мазкур монография бугун ҳам шеършуносликда ўз аҳамияти ва қимматини йўқотмаган тадқиқот сифатида қадрлидир. Унинг хулосасидаги мана бу сўзлар фикримизнинг исботи бўлиб қолади: “Лирика буюк ва мунаввар оламга ҳайрат ва ҳаяжон назари билан термулиб, уни идрок ва инъикос этишга интилган бадиий сўз санъатининг умрбоқийлигини, унинг доимий қонуни бўлмиш ҳаётий гўзалликни ўзига хос йўсинда жилвалантиради”.

АДАБИЁТЛАР

1. Ёқубов Ҳ. Сайланма. Икки жилдлик. 1- жилд. – Тошкент: 1983. – Б. 94.
2. Жамол Камол. Лирик шеърят. – Тошкент: Фан, 1986. – 140 б.

3. **Мамажонов С.** Лирик олам, эпик кўлам. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. – 178 б.

4. **Шарафиддинов Озод.** Замон. Қалб. Поэзия. – Тошкент: Ўзбекистон Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1962. – 284 б.

УДК: 576

АЁЛ ОБРАЗИ: ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ

ОБРАЗ ЖЕНЩИНЫ: ИНТЕРПРЕТАЦИЯ И АНАЛИЗ

THE IMAGE OF A WOMAN: INTERPRETATION AND ANALYSIS

Пардаева Зулфия Джураевна

ЖДПИ рус тили ва адабиётини ўқитиш методикаси кафедраси профессори, филология фанлари доктори

Таянч сўзлар: аёл образи, концептуал образ, наср, роман, бадиий тафаккур, синтезлашган реализм.

Ключевые слова: образ женщины, концептуальный образ, проза, роман, художественное мышление, синтезированный реализм.

Key words: woman's image, conceptual image, prose, novel, artistic thinking, synthesized realism.

Мақолада ўзбек адабиётида яратилган аёл образи ҳақида сўз юритилади. Тоғай Мурод, Улугбек Ҳамдам, Лукмон Бўрихон, Саломат Вафолар асарларида концептуал аҳамиятга эга бўлган аёллар образи таҳлил этилган.

В статье рассмотрены концептуальные образы женщин, созданные такими узбекскими писателями, как Тоғай Мурод, Улугбек Ҳамдам, Лукмон Бурихон, Саломат Вафо.

The article reviewed the conceptual images of women created by such Uzbek writers as Togai Murod, Ulugbek Hamdam, Lukmon Burikhon and Salomat Vafo.

Кириш. Жаҳон адабиётида аёл сиймоси бадиий инкишоф этилган шундай асарлар борки, асарлар ўтса ҳам-ки улар ўз жилосини йўқотмайди, вақт ўтган сари тобора сайқалланиб ўз ижодкори бадиий тафаккури нақадар кенг ва жилвакор эканлигини намоён қилаверади. Жаҳон буюк шоир сифатида эътироф этган Алишер Навоийнинг ҳар бир асарида аёл бир хилқат сифатида бўй кўрсатади, энг гўзал, бетакрор ташбеҳлар билан таърифланади, уларнинг хусни моҳитоб дея ойга менгзанилади, ифорлари гулга қиёсланади, кўнгилга ҳаяжон ва ғулу солувчи баҳор шодликлари уларнинг номи билан боғланади, аёлнинг меҳридан қуёш нурланади

Асосий қисм. Етук ёзувчилар ижодида шундай аёл образлари яратилганки, улар тимсол даражасига кўтарилган. Шу маънода ғарб адабиётида Гейне, Гюго, Балзак, Мопассан бир қатор аёл бадиий портрети яратиш ижод мактабларини, А.С.Пушкин, И.С.Тургенев, Н.А.Некрасов, Л.Н.Толстой, Ф.М.Достоевский каби рус ёзувчилари юксак маҳорат билан яратган аёллар образини келтириш мумкин. Кўнгилда севинч ва ифтихор билан айтиш мумкин: ёзувчилар қай қитъада яшамасин, қайси миллатга, қайси динга мансуб бўлмасин, улар яратган аёл образида исломий қарашлар, аёл дунё юкини кўтаришга қодир деган тушунча мужассамки, ўзбек аёллари тутумларига яқин деб ҳайратланасан.

Бугун жаҳон билан юзлашаётган ўзбек адабиётида А.Қодирий, А.Қаҳҳор, Ойбек, Ў.Ҳошимов, Тоғай Муродлар яратган шундай аёлларимиз, оналаримиз сиймоси борки, бу бадиий портретларни ҳам ўзбек романчилигидаги ўзига хос аёл бадиий портрети яратиш мактаби деб аташ мумкин. Қаҳрамон портретини яратишда ёзувчилар аёлнинг юз, қалб, характер ифодасини алоҳида тасвирламайди, балки асар руҳига синдириб юборади.

Устоз шоиралар Зулфия, Эътибор Охунова, Халима Худойбердиевалар ҳам аёл образининг гўзал бадиий сиймоларини яратганлар. Янги давр ўзбек адабиётига Нигина

Ниёз, Саломат Вафо, Зулфия Қуролбой қизи, Хосият Рустамова каби ўз овозига эга истеъдодли адибаларимиз кириб келди.

Замонавий ўзбек адабиётида ҳам ўзбек аёлининг бетакрор бадиий портретлари яратилди, десак муболаға бўлмайди. Ана шундай аёллар образи сирасига Тоғай Муроднинг Зулайхосини, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг Фикриясини, Луқмон Бўрихоннинг Лоласини, Саломат Вафонинг Салтанатини, У.Ҳамдамнинг Сабосини киритиш мумкин. Бундай аёл образларини кўплаб келтириш мумкин. Ушбу бадиий портретларни тақдим этган асарлар бадиий жиҳатдан мукамал бўлиб, улар ўзбек романчилигининг янги саҳифаларини ташкил этади. Яна эътиборли жиҳати шундаки, ҳар бир асар реализмнинг синтезлашган янгидан янги имкониятларини кашф этган, уларда концептуал образлар яратилган.

Тоғай Муроднинг “Отамдан қолган далалар” [3] романи адабий жараёнда кўплаб баҳс ва мунозараларга сабаб бўлгани сир эмас. Ўзбек романчилигининг етук романларидан деб эътироф этилган асар ғоясини юзага чиқаришда Зулайҳо образининг алоҳида ўрни бор. Концептуал қаҳрамон Деҳқонқул образи ғоясини очиб беришда ва роман тафаккурини юзага чиқаришда Зулайҳо образи ғоявий-бадиий аҳамият касб этади.

«Аёлимиз аёллар ашуласини бошлади:

- Дунёга келиб нима кўрдим... Киядиган кийимим йўқ...

Мен иссиқ-иссиқ чой ичдим. Мен оғзим куйиб-куйиб чой ичдим.

Мен ич-ичимдан хоксорландим. Мен ич-ичимдан хўрландим.

Падарига лаънат бундай дунёни, дедим» [3, 98].

Хотинига бир кийимлик атлас олиб беролмагани учун Деҳқонқулнинг ўзи ҳам хижолатда. Аммо қўли калталиги унинг нафақат хоҳиш-иродасини, имконларини ҳам тизгинлаган. Зулайҳо бир ўзбек аёли сингари «кун ботгунча далада ишлайди, оқшом чоғи тут айрисига илинган чироғ ёруғида лой тепади, белдастага суяна дам олиб-белдаста суяна дам олиб Деҳқонқулга лой олиб беради».

Аёллар тақдиридаги оғриқли, аянчли нуқталар ўткир реалистик бўёқларда очиб берилади:

«... аёлимиз сочларидан... аёлимиз сочларидан... бутифос... бутифос ҳиди келди!

«Ё пирим-е, ҳали далага бутифос сепмадик. Бутифос ҳиди қаердан бино бўлди? - дея ўйлай-ўйлай топдим. - Аёлимиз Жарариқдан молга ўт олиб келади. Ўтни бошида кўтариб келади. Бу ҳид ўтган йили сепилиб, ҳалиям ўтларда ётмиш бутифос ҳиди бўлди» [3, 108].

Роман сюжетини ташкил қилган ҳар бир воқеа, эпизодни таҳлил қилар экан, оддий деҳқон ва унинг оиласининг оғир меҳнат оқибатида жисмонан азобланиши - субҳдан шомгача қора меҳнат қилса-да косаси оқармаса, моддий манфаатдорлик бўлмаса, кўрган ит кунига ҳам шукроналик келтириб яшаса, Оллоҳ берган неъмат деб, ўзи носоғлом бўлишига қарамай бир этак фарзанд орттирса, бу азобларнинг чеки борми деб ўйлаган сари йўқчилик, оғир меҳнат ўз турмуш ташвишлари комига тортади:

«Деразага ранг кирди.

Аёлимизни уйқули туртдим.

- Ай, тур, тонг отди, - дедим.

- Э-э-э...

...Дераза оқарди. Оппоқ пардадай бўлди.

Мен энди аёлимиз сочидан тортқиладим.

- Ай, тонг отди деяпман.

- Э-э-э...

Бу сафар билагидан чимчилаб олдим.

Аёлимиз сапчиб турди. Қўлимга тарсиллатиб бир урди.

- Ўлсам қутуламанми шундан, ўлсам қутуламанми? - деди.

Рўмолини бошига ила-ила ташқарилади...[3, 110].

Сигир соғиш, ўтини бериш, болаларга чой ичказиш, уларни кийинтириш, мактабга жўнатиш, чақалоғини олиб, далага чиқиш, пахтани чопиқ қилиш, даладан қайтишда бошига ўт куйиб қайтиш, рўзғорга қараш, овқат тайёрлаш, нон ёпиш - ўзбек аёли

ADABIYOTSHUNOSLIK

қилиши шарт бўлган кундалик юмушлар. Айни пайтда, тўйиб овқат емаслик, дам олмаслик унинг силласини қуритади. Ҳар бир лавҳада аёлнинг исёни бўй кўрсатади:

«Қош қорайди.

Ғўза билан ёввойи ўт фарқига бориб бўлмайд қолди.

Ана шунда аёлларга жавоб бердим.

Аёллар бирин-кетин қишлоқ йўл олди.

- Эртага кун чиқмай келинлар, салқинда иш унади! - дедим.

- Эртага бозор-ку! - деди биров.

Ўйнаб кўяй, пахта бозорни билладими!

- Бу дунёдан дам нималигини билмай ўтамизми энди.

Аёлимиз боши узра гумбаз тугун кўндирди. Аёлимиз бағри аро қўшқўллаб бола кучди.

Аёлимиз қишлоқ йўл олди.

Қўл-ҳимосиз гумбаз ҳавода сузиб юрмиш шар мисол қишлоқлади. Қўл-ҳимосиз гумбаз тугун оҳиста тебрана қишлоқлади.

Аёлимиз аёллар ашуласини айта-айта қишлоқлади:

- Кўрган куним курсин... [3, 114].

Ҳаётини шароит қанчалар оғирлашгани сайин аёл қалбида норозилик шунчалар кучаяди. Роман сюжетида тобора кучли зиддиятлар юз берар экан, аёлнинг онгида, кўнглида бу ҳаётдан қутулиш чораси етила боради. «Ўлиб қутуламан!» - деган ўй-хаёлда юрган аёл замонга, даврга, кўнглидаги армонларига кўшиб, исён кўтаради, ўзига ўт қўйиб юборади.

Дунёга келиб кун кўрмаган Деҳқонқул илк бор ҳақиқатни англагандай бўлади:

«Куйди-куйди - аёлимни тани куйди.

Куйди-куйди - мени бағрим куйди.

Куйди-куйди - болаларимни шўри куйди».

Зулайхонинг ўзига ўт қўйган эпизоди - романнинг энг кучли эпизоди. Ёнаётган Зулайхонинг ловуллаган вужуди портрети беихтиёр китобхон руҳиятига аёл дардлари, ситамлари, куюклари оғриғи бўлиб киради. Ушбу образнинг бадиий аҳамияти шундаки, унинг тимсолида ёзувчининг портрет яратиш маҳорати мукамал намоён бўлади.

Улуғбек Ҳамдамнинг “Сабо ва Самандар” [4] романида аёлнинг бошқа бир куюги – ишқ куюги намоён бўлади, десак адашмаймиз.

Асардаги Сабо образи доимий ўсиш-улғайишда, интенсив тикланишда тасвирлангани учун бўлса керак, китобхон кўз ўнгида унинг ички гўзаллиги тобора очила боради. Бой-бадавлат оиланинг эрка қизи бўлишига қарамай унинг ишқи ўзининг устози Самандарга тушади. Сабонинг Яратганга илтижоси илоҳий тус олади ва роман воқеалари ривожда тўла-тўқис ижобат бўлади ҳам:

“Вой Худойим, агар муҳаббат бахт бўлса, мен пойинга тиз чўкиб, ишқдан ўзга бахт сўрамайман! Менга шуни бер ва то тирик эканман, мени ундан маҳрум айлама! Мен ишқнинг уйида сўнгги нафасимгача қолишни истайман! Ишқ билан кўз очиб, ишқ билан кўз юмсам дейман! Мени шу ерда тўхтат, мени ҳаёт деб аталмиш узун йўлнинг ишқ бекатида тушириб ва унутиб қолдир, эй Парвардигор!” [4, 80]. Ушбу сатрларни ўқир эканмиз, беихтиёр ёдимизга Алишер Навоийнинг Лайлиси тушади. Ишқ саҳросида жунун Қайснинг ишқ дарди ёдимизга тушади.

Инсон ўзида Раббоний ва нафсоний хусусиятларни бирлаштирган борлиқ. Нафс унсурларидан қутула бориш жараёнида комиллик сари йўл очилади. Сабо ҳам ўзини кутаётган дабадали ҳаётдан кўра, ҳақиқий ишқни дейди. Бу йўлнинг қандай эканлигини тасаввур қилолмаса-да, унинг бекатида қолиб кетишни истайди. Гўё-ки унинг илтижоси Аллоҳ томонидан қабул қилинади – у бир умр ишқ уйида қолиб кетади. Сабо образини таҳлил этар эканмиз, ўзбек аёлиги хос фидоийлик, меҳр ўзга бир йўсинда бадиий ифодаланганига амин бўламиз.

Аёл сиймосини ўзига хос услубда талқин этган романлар сирасига Луқмон Бўрихоннинг “Ҳазирамадаги одамлар” [1] романи ҳам киради. Роман қаҳрамони Лолахон талқини айтишимиз мумкин-ки, романда ҳам оддий аёл, ҳам ижтимоий муҳит хосиласи сифатида бўй кўрсатади. Шаҳарлик келин, оддий меҳнаткаш оиланинг

фарзанди Лолахон ўзининг гўзаллиги, очиқлиги, одамшинавандалиги билан келин бўлиб тушган хонадони ва қишлоқ аҳлининг меҳрини қозонади. Аммо ҳаёт синовлардан иборат. Янги куёв – Уроқбой хизматга чақирилади. Субутсииз Уроқбойнинг хизматда “ҳалок бўлиши” сирли, унинг жасади темир қутида келтирилади, ҳатто очилмайди ва шу тарзда дафн этилади. Одамларни ўз ғоясига хизмат қилдирувчи мутассаддилар учун энди Лолахон уруш қаҳрамонининг беваси сифатида ташвиқот қуролига айланади. Уни сиёсий тусдаги йиғинларга таклиф этишади, минбарга чиқариб қўйишади, бева сифатида бардор-бардор қилишади. Бир йиғинда ёши бир жойга бориб қолган уруш қаҳрамони бевасининг букчайган қадди, бурушган юзи Лолахонга қисматни англатгандай бўлади. Ўзидан, ўз ҳаётидан нафратланиб кетади. Оддий аёл бўлиб яшагиси, севиб-севилишни истайди. Айнан мана шу – унинг оддий аёл бўлиб яшаш ҳоҳишини атрофдагилар тушунмайди. Лолахон фожеаси, бундай олиб қараганда, бир аёл фожеасига ўхшайди. Унинг ҳаётига боғлиқ ҳолатда жамият фожеаси, давлатнинг сиёсати ёрқин намоён бўлади.

Аёл образи талқини, аёл тақдири, аёлнинг бошига тушган синоатлар Саломат Вафонинг “Оворанинг кўрган-кечирганлари”[2] романида бошқа бир йўсинда очиб берилган.

Саломат Вафо асарларининг ўқир эканмиз, беихтиёр тасвирда муаллиф йўқлигини сезиб қоламиз, қаҳрамон бераётган риторик саволлар китобхонга қаратилганидан у ҳам воқеалар иштирокчисига айланади: гўё қаҳрамон қаршисида қўлини қовуштириб, оёғини чалиштириб, юзда ҳеч бир ифодани зуҳр этмай қаҳрамонни эшитаётгандай. Саволлари жавобсиз қолган қаҳрамон қайта ҳаёт комига шўнғийди: “Ўзи, менга бир бало бўлган. Ишхонага ҳам бормасам бўларкан. Лекин уйда ҳам қолмасдим, айниқса ўғри ургандай шип-шийдам уйда” [2, 17].

Роман воқелиги қаҳрамонига айланган китобхон ҳам асар руҳига сингиб боради. Анъанавий асарларни ўқишга ўрганган китобхон асарнинг учинчи саҳифасидан нариёғига ўтмайди, ёки ўтса ҳам тушунмайди. Китобхоннинг шаклланган эстетикаси уни қабул қилишга йўл бермайди. Беихтиёр китобхон асар қаҳрамони ҳаётига сингиб кетади. Романнинг номланиши ҳам рамзий маъно касб этади. Оворанинг кўрган-кечирганлари ҳам аслида дунё деб аталмиш инсон яшаб ўтиши керак бўлган бу оламда роман қаҳрамони Салтанатнинг кечмиши – кўрган кечирганлари орқали унинг қисмати тикланади. Қисмат – Яратган бандасига буюрган тақдирини, ёки инсон ўзи танлаган йўлми? Чорасизлик тугунлари тугулганда банда қайси йўлни танлайди. Арифметик логарифм ҳам аслида ҳаёт жумбоғи асосида яратилганми, деймиз. Роман воқеалари тизимида ҳеч бир зўракилик сезилмайди. Салтанат бошига тушадиган кўргилик бирин-кетин келади, гўё навбатга ёзилиб қўйилган одамдай.

“Дил нима ўзи? Ҳамма нарсани унга бемалол тўнкариш мумкин” – дея фалсафа суққан Ч.Айтматовнинг қаҳрамони Арсен Саманчин сўзларининг тасдиғини Салтанат Маҳмудова ҳаётида кўра бошлаймиз.

Ҳаёт жумбоғи, бошга тушганни кўз кўрар қисмати Салтанат тақдири мисолида очила борар экан, саҳифама-саҳифа, сатрма-сатр бўй кўрсатаётган рамзлар тили ўқувчини ўқишга ундайди. Асар матнидан “Турли нағмали саслар чиқарадиган минг йиллик столимиз Анор Холиқнинг шарпалиги чиндик, негадир овоз чиқармади” [2, 19] ифодаси орқали Анор Холиқ образининг тағматндаги портретини намоён этса, “Бир оғиз сўз билан тинчитса бўларди. Кекса одамлар – айбли одамлар” [2, 21] тасвири кексалик азоблари – бировга муҳтожлик, ҳатто яқинларига мутелик, кетиб кетолмаслик, қолиб қолибмасликни ифодалайдики, беихтиёр ўқувчи ботинида “тирс” дея овоз бермаган синиш сурати кўзларида акс этади. “Қариндош-уруғлар, она-бола орасидаги даҳанаки жанглари оғриниб кузатаман. Ҳаёт паст-баландлигини англаган, ўқиган ва икки нафар фарзанди бор одамнинг аҳволи шу эди. Яна бир оздан сўнг укам бақиради, онам йиғлайди”[2, 75].

Ҳатто Салтанат фикрлари соатдай ишлайди: “Энди дуч келган одам билан кетавераманми? Энди эрсиз хотинга қарашгандай муносабатда бўлишади” [2, 26]да изоҳ йўқ, таҳлил йўқ, хулоса бор. Бу ҳаёт хулосаси. Қаҳрамон онгидаги ўзбек аёли хулосаси. Шунингдек, роман қаҳрамони Саодатнинг “- Сенга байрамда нима бор?

ADABIYOTSHUNOSLIK

Ниқоб кийишинга бало бормиди? Риторик сўроғининг ўзида хулоса бор: “Дунёнинг ўзи ниқоб кийиб олган”. Бирдан китобхон кўз ўнгида улкан ниқобдаги дунё... унинг ичидаги ниқобдаги кимсалар акс этади. Китобхон тасаввури қаҳрамон хулосасидан андоза олади”.

Роман матнида қаҳрамон бир вақтнинг ўзида икки хил нутқни ифодалай олиши ҳам, бадиий образ моҳиятини реалликка яқинлаштиради:

- Раҳмат, онамнинг бир оз мазалари йўқ эди. Шунга ушланиб қолдим, - ёлғонни Худо кечирсин [2, 186].

Ёзувчининг маҳорати шундаки, икки нутқ тиниш белги (-) ёрдамида бирдан бирига ўтади. Биринчи нутқ суҳбатдошига қаратилган, иккинчи нутқ қаҳрамоннинг ўзига қаратилган.

Саломат Вафо ижодига хос яна бир хусусият “Оворанинг кўрган-кечирганлари” романида янада яққорлоқ намоён бўлган. Бу онг талқини. Қаҳрамон ҳаётида юз бераётган воқеа-ҳодисаларнинг унинг онгида кечаётган давомийлиги: Жуда чарчаганим учун кўзларим юмилиб кетар, оғриқ ва азоблардан қақшаб ётган вужудимни поезд аллаларди. “Агар эсон-омон Тошкентга қайтар бўлсам, чиндан уйига ўт қўяман”. Миямнинг миллион-миллион қаватлари чайқалиб мудранарди. Тонг саҳар бошим узра алланарса “шарақ” этди. Вагоннинг тор купесидида жуда таниш, умрлар мисоли қора бахтсизликдай изимдан қолмайдиган пичоқлар, норасидамни кесгандагидай бошим узра кафтларини бир-бирига уриб садр тушарди [2, 242].

Бадиий матнда қаҳрамон гўё бир ҳолатдан иккинчи бир ҳолатга ўтгандай тасвир намоён бўлади. Ҳатто энг зукко ўқувчи ҳам бу ҳолатлар қаҳрамон ўнгида кечаяптими, ёки тушида кўраяптими англолмай қолади.

“Гўё купе ичида чақмоқ чақиб, бирдан бошқа дунёлардан очилгандай эшик очилиб кетди. Аллақандай аёллар билан сафга тизилганимча кетиб борардим. Юзларига ниқоб кийган семиз-семиз хотинларнинг қўлларида турли байроқлар ҳилпирайди. Андижонда ўт ёқсам, Фарғонада тутуни! Бу дунёда бормикан сира бағри бутуни?” [2, 243].

“Оворанинг кўрган-кечирганлари” романида жамиятда кечаётган воқеа-ҳодисалар талқинидан фарқли инсон бошидан кечирганлари муҳимлик касб этади. Ҳатто образлар тизими таҳлил этилганда, ҳар бир образ алоҳида тасвир моҳиятига эга эканлиги бўлиши билан бирга ҳар бир одам ўз ҳаётига жавобгар бўлиши билан бирга, ўзгалар учун ҳам, ҳеч бўлмаса инсон насли учун маъсуллигини таъкидлагандай бўлади.

Асар моҳиятини англаган сари Саломат Вафонинг романнавис сифатида ўзига хос услубда ижод қилаётганига амин бўламиз. Роман қаҳрамони Салтанат Маҳмудованинг фамилияси билан аталиши ҳам оддий ўзбек аёлини англамайди. Салтанат Маҳмудованинг оддий аёлдан фарқи унинг Маҳмудова фамилияси орқали талқин этилишида. Ўз мавқеига эга, оилали, нуфузга эга аёлнинг – санъаткорнинг, нафақат хизматчи, она, қиз, опа сифатидаги бурч ва вазифаларидан ташқари, у ҳам инсон, аёл эканлигининг ҳеч кимга аҳамияти йўқ. Ҳатто шахсий манфаати қондирилмаган кимсалар (Аббос Сулаймон, Идея) Салтанатни жазолаш учун, ҳатто ўлдириб юбориш учун ҳеч нарсадан қайтмайди.

Нима учун Салтанат жазога маҳкум. Унинг айби нимада? Бор-йўғи инсонлигини сақлаб қолмоқчи бўлганида, аёл сифатида қадрланишни хоҳлаганида. Уни жамият қабул ҳам қилмайди, ўзидан узоқлаштиришни ҳам истамайди. Салтанат яшаган жамият ўз қонунларига эга, аммо аёл уни тан олмайди, унинг кўнгли кўнгил бўлиб қолишни истайди. Аммо жамият унга ҳам изн бермайди. Романнинг саҳифама-саҳифа мутолааси жараёнида Салтанатнинг умргузаронлик қилиши – ука-сингилларини “одам қилиши”, оиласини тиклаши билан баробарида эрининг уруғларига эътиборли бўлиши, ошна-оғайнилариининг ҳолини сўраши, кам-кўстига яраши каби вазифаларни бажарган ҳолда бошига туҳмату маломатлар ёғилганда ёлғизланиб қолади. Ҳатто онаси унга ишонмайди, туғишган укасининг қувғинига учрайди.

Бошига тушаётган кўргиликларнинг адоғи кўринмайди. Барча синовларга туриб беришини кўриб, беихтиёр Салтанат “бир бошга бир ўлим, ҳеч бўлмаса Аллоҳ буюрмаган ишларни қилмай ўлай”, деган хулосага келганлиги аён бўлади.

“Оворанинг кўрган-кечирганлари” романини таҳлил этар эканмиз, ёзувчи Саломат Вафо асарга олиб кирган мавзу – аёл қисмати, уни болалари билан эри томонидан ташлаб кетилиши, бўлим бошлиғи Аббос Сулаймоннинг эрмагига айланиши, алал-оқибат ўзининг алданганини билиб Аббос Сулаймонга қарши бош кўтариши, унинг уйига ўт қўйиб юбориши ва қамоққа маҳкум этилиши Салтанат адашаётган йўллар тобора чигаллашиб қаҳрамон учун аҳамиятини йўқотаётганини кўрсатади. Салтанат тақдиридаги энг аянчли қора кунлар маҳбусалик ҳаётидир. Ҳар бир маҳбусанинг “жиноят иши”да маълум маънода ўзи, яқинлари, жамият айбдор. Ёзувчи талқин этган маҳбусалик ҳаётини аёлнинг аёллигига исёни деб изоҳлаш мумкин. Аллоҳ яратган бандаларидан эркаклар қавмига оиласи, онаси, сингиллари, қизлари учун биринчи навбатда жавобгарлик топширилмаганми? Азиза, Шоира, Салтанат каби маҳбусалар фожеасида ким айбдор деган савол туғилиши, табиий. Йигитлар маъсулиятни ўз зиммаларига олганларида эди, жамиятдаги тошу-тарозу бузилмаган, Салтанатлар хору зор бўлмаган бўлар эди. “Оворанинг кўрган-кечирганлари” романида ёзувчи кўзлаган мақсад ҳам, бизнинг-ча, шунда намоён бўлади.

Хулоса. Бир мақола имкониятидан келиб чиқиб, бадиий адабиётда аёл образи талқини хусусида сўз юритдик. Мақолага хулоса ёзар эканмиз, беихтиёр таъсирландик. Ҳеч бир асарда шеър у ғазалларда куйланган хилқат – бахтидан масрур аёлнинг осон ва тинч ҳаёт йўлини кўрмадик, аёл қачон куюкка айланиб улгурди экан?! Ҳаётни тўғри қуришни режалаштиришдан кўра ичкиликка муккасидан кетаётган, йўлини йўқотаётган, аламини хотинидан, болаларидан, оиласидан олаётган субутсизлик қачон миллатимизга хос бўлди?! Кўз ўнгимизда ловуллаб ёнаётган Зулайҳо, ўлими олдидан ҳам шаънини ўйлаган Лолахон, бир умр ишқ уйида қолиб кетган мажнуннамо Сабо, адашаётган йўллари тобора чигаллашиб аҳамиятини йўқотаётган имконсиз Салтанат... гўё-ки бонг ураётгандай:

Оталар.. Оғалар... Укалар... Ўғиллар... марду майдон Йигитлар! Оналарни, опаларни, сингилларни, аёлларни асранг, эъзозланг, уларни тақдирнинг ҳукмига ташламанг, йўлларида адашишмасин.

Шу бонгни эшитдикми, демак, адабиёт уйғоқ, бизни огоҳликка чорлаган ёзувчи бедор... изланяпти, куюняпти, топяпти, ва туҳфа этипти.

АДАБИЁТЛАР

1. **Луқмон Бўрихон.** Жазирамадаги одамлар. – Т.: Ғофур Ғулом, 2005.
2. **Саломат Вафо.** Оворанинг кўрган-кечирганлари. – Т.: Шарқ, 2008.
3. **Тоғай Мурод.** Отамдан қолган далалар. – Тошкент: 1994.
4. **Улуғбек Ҳамдам.** «Сабо ва Самандар». – Тошкент: Муҳаррир, 2009.

УДК: 891.709

МУҲАММАД ҒОЗИЙ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ ЖИЗНЬ И ТВОРЧЕСТВО МУҲАММАД ҒОЗИЙ MUHAMMAD GOZIY LIFE AND CREATION

Мухитдинова Назмия Муслихиддиновна

СамДУ мумтоз адабиёт тарихи кафедраси доценти, PhD

Таянч сўзлар: ижодкорлик, адабий муҳит, адабий анъаналар, шеърый услуб.

Ключевые слова: творчество, литературный круг, литературные традиции, стилистическое изложение поэзии.

Key words: creativity, literary environment, literary traditions, stylistic statement of poetry.

Мақола XVIII асрнинг охири XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган ўзбек адабиётининг етук намояндаси Муҳаммад Ғозий ижодининг Қўқон адабий муҳитида

ADABIYOTSHUNOSLIK

тутган ўрни ва аҳамиятини аниқлашга бағишланган. Шоир шеърятининг моҳияти ва юксак бадиий маҳорати, ўзбек адабиёти тараққиётида тутган ўрни ўзи томонидан тартиб берилган девони асосида таҳлилга тортилган.

Статья посвящена определению места и роли творчества известного, но до сих пор недостаточно изученного представителя узбекской литературы конца XVIII и первой половины XIX вв. Мухаммад Газий, жившего и творившего в своё время в Кокандской литературной среде. Стихи поэта проанализированы по рукописи сборника, составленного им самим, определены место и значение творчества поэта в узбекской литературе, особо подчёркиваются высокое художественное мастерство и значимость творчества поэта, сыгравших значительную роль для дальнейшего развития узбекской литературы в целом.

The article is devoted to determining the place and role of the work of the famous, but still insufficiently studied, representative of Uzbek literature of the late XVIII and first half of the XIX centuries. Muhammad Gazi, who lived and worked at one time in the Kokand literary environment. Poems of the poet are analyzed according to the manuscript of the collection compiled by himself, the place and significance of the poet's work in Uzbek literature are determined, the high artistic skill and significance of the poet's creativity, which played a significant role in the further development of Uzbek literature as a whole, are emphasized.

Кириш. XVIII аср охири – XIX аср биринчи ярми Кўқон адабий мухитининг кўзга кўринган йирик вакилларида бири – Мухаммад Ғозий Хўқандийдир. У ўз даврининг Акмал, Махмур, Маъдан, Гулханий, Хозиқ каби илғор фикрли ижодкорларидан бири эди. Ғозий ҳаёти ва ижодиёти ҳақида ягона илмий тадқиқот яратган олим А.Қаюмов ўзбек адабиёти тарихини ўрганишда шоир ижодининг тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида шундай ёзади: «Ғозийнинг социал мазмундаги шеърий асарлари XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX асрнинг бошларидаги ижтимоий ҳаётнинг реал картинасини очишда ёрдамлашди, адабий ҳаётда мавжуд бўлган турли йўналишларнинг моҳиятини тўлароқ аниқлашга имкон беради» [5, 25].

Ўз даврининг машҳур шоирларидан бўлган бу ижодкор ҳақида XX асрнинг ўрталарида (1959 йил) ўзбек адабиётшунослиги шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида мухтасар маълумот берувчи академик Азиз Қаюмов муаллифлигидаги «Ғозий» деб номланган монографиядан ташқари узоқ йиллар на бирор асар ёки на илмий-тадқиқот иши, на бирор мақола ёхуд кичик ахборот ёзилган эди.

Ўтмиш тарихнавис ва тазкиранависларининг шу даврга оид асарларида, хусусан, Қори Раҳматуллоҳ Возеҳнинг «Тухфатул-аҳбоб фи тазкират - ил - асҳоб» асарида, «Тазкираи Афзалий»да, халқимиз ва адабиётимиз тарихига оид бошқа тазкираларда ҳам Ғозий тўғрисида ҳеч қандай маълумот учрамайди. Фақат икки мўътабар қўлёзма асар – 1821 йили Кўқонда тузилган Абдулкарим Фазлий Намангонийнинг «Мажмуаи шоирон» тазкираси ва 1950-1953 йилларда кўқонлик Пўлатжон домудла Қаюмов тузган «Тазкираи Қаюмий»да шоир ҳаёти ва ижодига оид айрим маълумотлар учрайди.

Асосий қисм. Фазлий Намангоний тазкирасида шоирнинг асл исми МухаммадҒозий бўлиб, Кўқон атрофидаги қишлоқлардан бирида туғилганлиги кўрсатилади. Тазкиранавис хонадони, аждодлари ҳақида ҳам кичик бир маълумот беради. Унинг ёзишича:

Падар то падар хоки ин остон,

Ба даргоҳи соҳибқирон қадрдон [3, 249].

Бу ишорага кўра, Ғозийнинг ота-боболари соҳибқирон даргоҳининг қадрдонлари бўлишган. Агар Кўқон хонлари тарихида «Соҳибқирон» унвонини олган подшоҳ ўтмаганлигини назарда тутсак, демак, бу ерда сўз бевосита юртимиз тарихида ўтган ягона Соҳибқирон – Амир Темур ҳақида кетмоқда. Бундай бўлмаган тақдирда эса асар муаллифи Амир Умархонни муболаға билан улуғлаб, «соҳибқирон» деб атамоқда. Нодирабегим ўзининг бир ғазалида «Яна бир бобурийзода дунёга келди», деган эътирофини эсласак, аввалги фикрда ҳам жон бордек кўринади. Аммо Фазлий

Ғозийнинг Соҳибқирон Амир Темургача бўлган аждодлари ҳақида маълумотга эга бўлиши шубҳа уйғотади. Муаллиф бу ерда хуштакаллуф билан Амир Умархон – Амирий даргоҳи ҳақида сўз юритаётгани ҳақиқатга яқин.

Демак, Ғозий Қўқон хонларига дўст – қадрдон бўлган ёки қариндош бўлган, ёки хонлар саройида хизмат қилган. Аслзода зодагонлар хонадонида таваллуд топган. Бу фикримизни шоир девонидан жой олган бир тарих – «Тарихи Авлиёхон» ҳам тасдиқлайди. Ундан маълум бўлишича, шоирнинг Авлиёхон исми ўғли бўлиб, 1801-1802 йилларда вафот этган. Ўғлининг исми Авлиёхон деб аташи, ўзига «Ғозий» тахаллусини олиши унинг диний-руҳоний, аристократик доираларига тааллуқли шахс бўлганлигидан далолат беради.

Шоирнинг исми ва тахаллуси хусусида ҳам аниқлик киритилиши лозим бўлган жиҳатлар мавжуд. Фазлий тазкирасида шоирнинг исми МуҳаммадҒозий деб келтиради. Бу исмининг маъноси – Пайғамбарнинг ёнида туриб ислом йўлида жанг қилган ва ғалабага эришган, деганидир. Шу мазмундан келиб чиқиб, шоир исмининг иккинчи қисмини тахаллус қилиб олган бўлиши мумкин. Аммо исми шоир бирор шеърда тўлиқ келтирмайди.

Агар шоирнинг исми Муҳаммад бўлиб, «Ғозий» тахаллусини унинг ўзи танлаган десак, тахаллус маъноси анча кенгайди. Яъни шоир ўзининг башариятнинг энг комил инсони ғояларига содиқ қолиб, уларни тарғиб қилиб, зулматни нур билан, жаҳолатни маърифат билан енга олувчи ва бу курашда албатта музаффар бўлувчи кучли шахс эканлигини таъкидлайди. Бу фикр нафақат шоир шеърларида, балки унинг амалий фаолиятида ҳам ўз ифодасини топган. У бир муддат Қўқонда диний назоратчи, фатво берувчи, раҳнамо-муфтий вазифасида ҳам ишлаган. Шу мулоҳазалар нуқтаи назаридан биз шоир исми ва тахаллусини Муҳаммад Ғозий деб ёзишни маъқул кўрдик.

Фазлий тазкирасида шоир таржимаи ҳолига доир бошқа маълумотлар ҳам мавжуд. Хусусан, муаллиф ўз даврининг таниқли шоирларидан бири Акмал ҳақида сўзлар экан, ундан сўнг (яъни, Акмалдан кейинги истеъдод) ширин ва кўнгилочар ғазаллари билан шеърда синалган Ғозий эди, улар бир-бирлари билан доимо ҳамсуҳбат, ҳамфикр эдилар, деган мисраларни келтиради:

Азон баъд Ғозист шеър озмо,
Ғазалҳои ширини ў дилкушо...
Ҳамедошт суҳбат бо Акмал мудом,
Баҳам будаҳ он муттафиқ дар калом [3, 48-49].

Эътибор қилинса, адабиётшунос сифатида Фазлий икки шоир ижодий қудратига, истеъдодига баҳо бериб, уларни адабий муҳитдаги мавқеъларига кўра бирин-кетин жойлаштирмақда.

Фазлий тазкирасидаги яна бир муҳим маълумот – Ғозийнинг Акмалдан олдин вафот этганидир:

Зи ваҳшатгоҳи олами пурхатар,
Сафар кард ў ҳам аз ин пештар [3, 49].

Шоир Акмалнинг зикри ўтган баъзи қўлёмаларда, хусусан «Мунтаҳаб ут-тавориҳ», «Ансоб ус - салотин» асарларида Акмалнинг тарих ёзишга моҳир бўлгани ҳақида маълумот берилади. Демак, Акмал девонининг топилиши шоир Ғозий вафоти санасини аниқлаб бериши мумкин. Чунки, тарихнависликда моҳир Акмал ўзининг яқин дўсти, ҳамфикри Ғозий вафоти муносабати билан, албатта, тарих битган бўлиши лозим. Бундай ҳодиса ўша давр зиёлилари этикаси талабларидан бири эди.

Фазлий ўз тазкирасида Ғозий ижодига жуда юксак баҳо беради. Уни нафақат шоир балки илм-фанда дунёга ўрнатқан бўлган, сўз жанги майдонида тил тифи билан машҳар сафини ёрувчи аъламул – уламо сифатида таърифлайди:

Ба олам буд дар илму-фан,
Гузашт аз ҷаҳон, монд аз вай суҳан....
Чу Ғозийки дар корзори суҳан,
Ба тифи забон буд лашкаршикан.
Сафар кард аз оламе бемадад,
Ғазал монд аз ў дар ҷаҳон ёдгор,

ADABIYOTSHUNOSLIK

Зи файзи сухан гўраш обод бод,
Ки аз дўстон руҳи ў шод бод [3, 50].

«Мажмуаи шоирон»нинг 1821 йилда тузилганлигини эътиборга олсак, демак, бу асар ёзилаётган пайтда Ғозий ҳаёт бўлмаган.

Ғозий ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берувчи яна бир муҳим манба – Пўлатжон домулла Қаюмийнинг 1950-1953 йилларда тузилган «Тазкираи Қаюмий» асаридир. Тазкирада Ғозий ҳақида шундай сатрлар келтирилади: «Ғозий – Бу киши асли туғилмиш ери Яйпан қишлоғида бўлуб, шул томонга оз вақт қози бўлуб турғони ҳам сўзланадур. Норбўтахон саройига яқин аёнлар ва сипоҳлар қаторида бўлмиш эсада, Умархон даврида саройдан йироқлашган. Кучли шоир ва олим, фозиллардан бири бўлуб номи Муҳаммад Ғозийдир. Кўп шеърлари диний кучга эга бўлуб Навоийга эргашувчи шоирдур. Вафоти Умархон даврида 1817 йилга тўғри келадур...» [4, 93-94].

Манбаларнинг кўрсатишича, шоир Ғозийнинг мухтасар таржимаи ҳоли қуйидагича: XVIII аср охирларида Қўқон атрофларидаги қишлоқлардан бирида таваллуд топган. Бухоро мадрасаларидан бирида ўқиган, сўнгра Қўқон шаҳридаги Мадрасаи Мирда мударрислик қилган. Бир муддатдан сўнг, Бухородан Устод Муҳаммад Яъқуб деган бир мударрис келгач, Қўқонда муфтийлик вазифасида ишлаган. Оилавий аҳволи ва қариндош-уруғлари ҳақида маълумот жуда кам, фарзандлари – уч ўғли бўлганлиги ва уларнинг жуда барвақт оламдан ўтганлиги ҳақида маълумотлар ўзининг шеърий асарларида мавжуд. Қаюмий тазкирасида шоирнинг вафот йили 1818 йил, деб кўрсатилади.

Юқорида келтирганимиздек, Ғозий ҳаёти ва ижоди ҳақида кенгроқ ва изчил маълумот берувчи монографик тадқиқот таниқли олим А.Қаюмов қаламига мансуб. Китобда Ғозий ҳаёти ва ижоди ҳақида сўз юритилган қўлёзма манбалар таҳлили, шоир ҳаёти саналари, фарзандлари, шеърий девон нусхалари, адабий ҳаётда тутган ўрни ва бадиий санъаткорлик маҳорати қирралари ҳақида маълумотлар келтирилади. Олимнинг Ғозий шеърияти илмий-танқидий матнини яратиш йўлидаги хизматлари диққатга молик. У китобга Ғозийнинг 60 ғазали, 7 мустаҳзоди, рубоийларидан намуналар, 8 мухаммаси, 1 мусаддаси ва 1 таржеъбандини эски ўзбек алифбосидан танслитерация қилиб киритади. Шоир шеъриятини вазн, бадиий санъатлар, тимсоллар талқини, услуб ва тил хусусиятлари нуқтаи назардан тадқиқ этади.

Шундан сўнг, ўзбек адабиётшунослигида Ғозий ижоди ҳақида бошқа бирор махсус тадқиқот учрамайди. Фақат монография яратилгандан кейин икки йил кейинроқ нашрдан чиққан В.Зоҳидовнинг «Ўзбек адабиёти тарихидан» деб номланган китобида Ғозий ижоди ҳақида бир саҳифалик қисқа маълумот ва А.Қаюмийнинг бу соҳадаги илмий тадқиқотига қисқа муносабат билдиради [2, 58].

Ғозий ҳаёти, оиласи, фарзандлари, уни қуршаган муҳит ва унинг вакиллари, баъзи бир тарихий воқеа ва ҳодисалар, шоир дунёқараши ва ғоявий интилишлари, ўзи мансуб бўлган ижтимоий ҳаётдан талаблари, мақсад ва орзу-умидлари ҳақида анча муфассал берувчи манба, албатта, шоирнинг ўзи тартиб берган девонидир.

А.Қаюмов маълумот беришича: «Унинг бошқа девони бизга маълум эмас. Қўлимизда бўлган тўртала қўлёзма девоннинг ҳам бир – биридан кўчирилган нусха эканини тахмин қилиш мумкин» [5, 13].

Бу қўлёзма девонлардан учтаси Ўзбекистон ФА Беруний номидаги Шарқшунослик институтида, биттаси эса РФФА Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлимида сақланади [5, 7-8].

Олим таъкидлаганидек, девон қўлёмалари ичида энг мукаммали ва муайян тартиб билан ёзилгани ЎзФАШИда №121 инвентарь рақами билан сақланаётган нусхадир. Унда шоирнинг 3000 минг мисрадан ортиқроқ турли жанрлардаги шеърий мероси жамланган. Девонни кўчирган котиб унинг охириги саҳифасида ўзи ҳақида маълумот қолдирган: «Итмом ёфт девони Мулло Муҳаммад Ғозии Хўқандий ба дастёрии хомаи мушкин мақотир, дар дасти фақири ҳақир саропо тақсире – Муҳаммади Маҳдум ибн Мулло Ашўр Муҳаммад, ба авни Малики Маннон».

BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI 2019/3 (75)

Шу сўзлар, яъни хатм ул – китобдан кейин ҳам девон ниҳоясида Мирзо Солеҳ номли шахс вафотига бағишлаб ёзилган форсий тилдаги бир марсия ва шу тилда ёзилган арзи ҳол ва маърифий руҳдаги икки, тўрт байтли ғазаллар жойлаштирилган.

Девон* «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм» калимасидан сўнг:

Илоҳо дех, зи номад зеб авроқи баёнамо,
Муҳалло аз санои хеш кун теги забонамо.

матлаи билан бошланувчи етти байтли ҳамд билан очилади. Шундан сўнг саккиз байтдан иборат:

Эй бар қадами зоти ту шоҳид ҳама ашъё,
Авсофи камоли ту зи таъриф мубарро.
деб бошланувчи яна бир ҳамд келади.

Девоннинг учинчи ғазали тўққиз байтдан иборат бўлган форсий тилдаги наътдир. Шундан сўнг ўзбек ва форс-тожик тилларида қатор наътлар жойлаштирилган. Уларнинг матлаълари қуйидагилар:

- Орази ҳолингни бир дам кўрмасам, эй маҳлиқо,
Телбаман андоқ кўринмай кўзума оху қаво;
- Оразинг лола, бўюнғ – сарв, сочинг – сунбули тар,
Сўзларинг – руҳафзо, лаъли лабинг жонпарвар;
- Дорад дили ман орзуи рӯи Муҳаммад,
Ҷон карда ҳавас турраи гесӯи Муҳаммад;
- Эй туро моҳ бувад бандаву чокар хуршед,
Кай шавад бо руҳи моҳи ту баробар хуршед;
- Эй вужудинг ҳамаи ҳилқати ашъға сабаб,
Қиблаи зотингга мубоҳат ажам фаҳри араб;
- Эй вужуди комилинг пирояи арши барин,
Вай ғубори мақдаминг пирояи дунёву дин.

Девондан ўрин олган кейинги ғазаллар маърифий ва ижтимоий мазмун касб этади. Шоирнинг ишқий ғазаллари ниҳоятда дилкаш ва руҳафзо бўлиб, асосан, Навоий, Машраб, Фузулий шеърятти услуби ва тарзида ёзилган.

Девон композицияси анча мукамал, жанр таркиби ранг-баранг. Ундан 123 ғазал, 12 муҳаммас, 1 мусаддас, 1 мусамман, 13 мустаҳзод, 11 рубоий, 10 тарих, 1 таржеъбанд ва 1 марсия жанридаги асарлар ўрин олган. Ҳозир зуллисонайн шоир эди. Девондаги асар, икки тилда ижод этилган. Шоир ғазалётининг тил таркибини қуйидаги тарзда жадвал қилиб акс эттириш мумкин:

№	Асарлар жанр таркиби	Умумий сони	Ўзбек тилида	Тожик тилида	Ширу-шакар
1	Ғазаллар	123	68	54	1
2	Муҳаммас	11	6	5	
3	Мусаддас	2	2		
4	Мусамман	1		1	
5	Мустаҳзод	12	9	2	1
6	Рубоий	9	4	5	
7	Таърих	10		10	
8	Таржиъбанд	1			1
9	Марсия	1		1	

Хулоса. Шундай қилиб, Ҳозир девонидан шарқ мумтоз тадвинчилиги услубида жойлаштирилган икки тилдаги (форс-тожик ва ўзбек), 9 лирик жанрдаги 171 асар ўрин олган. XVIII аср охири – XIX аср бошлари Қўқон адабий муҳитининг кўзга кўринган номояндаларидан бири бўлган «илғор халқпарвар» (А.Қаюмов) ва хушнафас шоир Муҳаммад Ҳозир Хўқандий Қўқон хонларидан Норбўтабий даврида ёшлик айёмини ўтказиб, Олимхон ҳукмронлиги йилларида кексалик ёшига етди. Тарихнавис манбалар ва шоир девонидан жой олган асарларда келган маълумотларга кўра Амир Умархон ва Нодирабегим ҳокимиятлари бошларида ҳам шоир ҳаёт бўлган. Унинг девонида

ADABIYOTSHUNOSLIK

Олимхоннинг ўлдирилиши ва Умархоннинг унинг ўрнига тахтга чиқиши ҳақидаги шеър бор. Шунга кўра Ғозий Фазлий ўз тазкирасини ёзаётган йилларда, яъни 1821-1822 йилларда вафот этган, деган фикрга келиш учун асос бор. Шоирдан икки тилда (Форс-тожик ва ўзбек) ва 9 лирик жанрда ёзилган асарлардан иборат девон мерос бўлиб қолган. Ғозий девони унинг ижодини тўла ва ҳар томонлама акс эттирувчи мўътабар манбадир. Девондан ўрин олган шеърят намуналари шоирнинг юксак салоҳият ва кенг дунёқараш соҳиби, шеърят қоидаларини пухта эгаллаган ва уларни ўз асарларида муваффақиятли қўллаган пешқадам шоирлардан бўлганлигини намоён этади. Шу боисдан ўзбек адабиётшунослиги бу ижодкор мероси юзасидан бугунги кунда янги илмий тадқиқотларнинг юзага келишига эҳтиёж сезмоқда.

* **Ғозий.** Девон. Инвентарь №121 Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди.
Изоҳ: Мақолада келтирилган шеърлар Ғозий девонининг мазкур нусхасидан олинди.

АДАБИЁТЛАР

1. **Ғозий.** Девон. Инвентарь №121 Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди.
2. **Зоҳидов В.** Ўзбек адабиёти тарихидан. – Тошкент, 1966.
3. **Фазлий.** Мажмуаи шоирон. ЎзФАШИ, қўлёзма инвентар № 9139.
4. **Қайюмов П.** Тазкират уш-шуаро. 1-китоб (нашрга тайёрловчи Қайюмов А). – Тошкент: ЎзРФА Давлат Адабиёт музейи таҳрир бўлими, 2006. – 340 б.
5. **Қайюмов А.** Ғозий. – Тошкент: ЎзФА, 1959. – 146 б.
6. **Қайюмов А.** Қўқон адабий муҳити (XVIII – XIX асрлар). – Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1961. – 361 б.

УДК: 39(=512.133):811.111'25

ИЖОДКОР ВА ИЖОД ПСИХОЛОГИЯСИ
ПСИХОЛОГИЯ ПИСАТЕЛЯ И ТВОРЧЕСТВА
PSYCHOLOGY OF WRITER AND CREATIVITY

Қобилова Наргиса Сулаймоновна

БухДУ инглиз тилшунослиги кафедраси катта ўқитувчиси

Таянч сўзлар: ижод, бадиий психологизм, қиёсий таҳлил, маданият, хусусият, талқин.

Ключевые слова: творчество, художественный психологизм, сравнительный анализ, культура, особенность, интерпретация.

Key words: creation, literary psychology, comparative analysis, culture, feature, interpretation.

Мақолада Америка адабиёти намоёнчаси Жек Лондоннинг “Мартин Иден” ва ўзбек ёзувчиси Абдулла Қаҳҳорнинг “Сароб” романлари бош қаҳрамонлари характери ижодкор шахслар сифатида реал ижодкорлар характерлари билан қиёсий таҳлил қилинган.

В данной статье анализируются характеры главных героев романа “Мартин Иден” и “Мираж” в качестве творческих личностей по отношению к характерам настоящих авторов.

In the article there is given wide information about main heroes of the novels “Martin Eden” of american writer Jack London and “Sarob” (“Mirage”) byuzbek writer Abdulla Kakhkhar as creative personalities in relation to the characters of genuine authors.

Кириш. Жаҳон адабиёти тарихида – реал тарихий шахсларга бағишланган соф бадиий, шунингдек, биографик асарларни истисно қилганда, марказида ижодкор шахс тақдири турган асарлар анча-мунча яратилган.

“Мартин Иден” ва “Сароб” романларида ҳам бош қаҳрамон – ижодкордир. Ҳар иккала романда адиблар ижодкор шахсининг руҳий олами, характер-хусусиятларини жуда ёрқин ва ишонарли тасвирлаганлар. Аммо бу икки романда ижодкор шахсининг

BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI 2019/3 (75)

икки хил типи яратилган. Албатта, бу, аввало, мазкур қаҳрамонларни етиштирган ижтимоий муҳит, маданий-маънавий омиллар, миллий менталитет кабилардан келиб чиқади. Бироқ бизни буларга боғлиқ бўлмаган, соф руҳий-психологик омиллар қизиқтиради.

Асосий қисм. Мартин асар бошида роман муаллифи томонидан ижодкор сифатида тақдим қилинмаса-да, Морзлар хонадонидagi дастлабки учрашувданоқ, унинг ижодкорга хос бўлган жуда кучли тасаввур соҳиби эканлиги билинади. Умуман, Мартиндаги ижодкорга хос энг муҳим хусусият тасаввурнинг кучлилигидир: “Унинг мияси худди хотиралар ва уйдирмалар тўла каттакон омборга ўхшарди... Мартиннинг хаёли ўша омбордан бир зумда бир-бирига ўхшаш ёки, аксинча, бир-бирига зид нарсаларни олиб чиқарди-да, уни ёрқин образларда ифодалаб берарди. Бу иш тамомила ғайри ихтиёрий равишда бажариларди”.

Энди айрим ижодкорларнинг эътирофларини Мартиннинг психологик ҳолатлари билан қиёслайлик:

Мартин Иден	Ижодкор шахс
У кўпдан бери миясида пайдо бўлган ҳар бир фикрни аввал яхшилаб пишитишни, яхшилаб ўйлаб олишни ва шундан кейингина уни қоғозга кўчиришни одат қилган эди. Асар ёзиш унинг учун мураккаб ақлий жараённинг сўнгги босқичи, йиғилган факт ва ҳолатларни умумлаштирувчи, алоҳида-алоҳида тарқоқ фикрларни боғловчи сўнгги тугун эди.	Гончаров: “Иш жараёни каллада давом этади. Қиёфалар тинчлик бермайди, ёпишиб олади, саҳнада туриб қолишади, мен суҳбатлардан парчалар эшита бошлайман, ё раббим! Мен буларни ўйлаб чиқармайман, буларнинг ҳаммаси бурнимнинг тагида ҳавода осилиб туради; менга эса уларга қараш ва тўқиб чиқаришгина қолади”.
Унинг кўз олдида ҳар дақиқа сайин шу тарзда ҳар турли манзаралар пайдо бўлар, аммо улар Мартиннинг фикр юритишига ҳалал бериш у ёқда турсин, аксинча, унинг мулоҳазаларини равшанлаштирарди (250). Мен кўзим очиқ ҳолича туш кўрдим (96).	И.Тургенев: “Тасаввур қилинг: шундоққина яқинингизда кимдир туради, сиз билан бирга юради – мана, ниҳоят, жонли қиёфа намоён бўлади. Бу худди тушга ўхшаган нарса. Роман қаҳрамонлари ичида юрасан, ўзингни улар орасида кўрасан... У (қаҳрамон – Л.Т.) мен учун эски бир қадрдон танишга айланмагунча, уни кўрмагунимча ва овозини эшитмагунимча мен ёзишни бошламайман”.
У ўз тасаввурининг фавқулодда кучи туфайли бу воқеани худди кинематографда ўтиргандек аниқ-таниқ, равшан кўрарди. У айна вақтда бу воқеанинг ҳам иштирокчиси, ҳам томошабини эди (145).	Флобер: “Ўз-ўзингга қамалиб қолмасдан тасвирлаётганинг улкан оламга юзланмоқ қандай ажойиб! Бугун мен, масалан, бир вақтнинг ўзида ҳам аёл, ҳам эркак; ҳам ошиқ, ҳам маъшук бўлиб, куз кунларининг бирида тушдан кейин... отлиқ сайр қилдим”.
... унинг кучли тасаввурини ҳар қандай кимёвий реакцияларни ҳам яққол тасаввур қилишга имкон берардики, оқибат, уларни тажриба тепасида турган студентлардан ҳам яхшироқ тушунарди (102).	Ибсен ўз қаҳрамонларини энг охириги тугмаси, рафтори, манераси ва овозигага кўриб турарди.
Нима учун шоирлар қилган ишни у қилиши мумкин эмас? Улар муҳаббат ҳақида куйлайдилар. У ҳам куйлайди. Арвоҳ урсин! Бу сўзлар унинг қулоғи остида момоқалдиросадосидек гулдираб кетди. У хаёлга берилиб кетиб,	Шолоховнинг ҳамюртларидан бири ҳикоя қилади: “Қармоқни ташлаган, Шолохов оғзида трубкаси билан Дон қирғоғида ўтирарди. У бир соатдан ортиқроқ қимирламасдан, кўзини бир нуқтага тикканча жим ўтираварди. Ҳамроҳининг

ADABIYOTSHUNOSLIK

бу сўзларни овоз чиқариб айтиб юборган эди. Юзига қон қуйилиб, офтобда қорайган бадани тирноқларининг учигача қизариб кетди. “Мен... мен, ўтинаман, афв этинг мени, – деб пичирлади йигит, – хаёлга берилиб кетибман”. (97).

сўз қотиши ҳам фойда бермади – жавоб бўлмади. Бу ҳолат, сувга йўналтирилган қилт этмас нигоҳ, теварак-атрофга бепарволик ўртоғини кўрқитиб қўйди. У Шолоховнинг ҳар бир ҳаракатини кузатишга аҳд қилди. Ниҳоят, Шолохов худди уйқудан уйғонгандай абзалларини йиғиштиришга тушди ва уйига қараб югурди. Кейин эса бутун кун ва тун бўйи столга ўтириб, ёзиш билан машғул бўлди”.

Агар “Мартин ҳаётининг жавҳари нима?” деган савол қўйилса, романни ташқи воқеаларга кўра таҳлил қилган киши “муҳаббат” деб жавоб бериши мумкин. Аммо Мартин психологиясига чуқур разм солинса, Мартин ҳаётининг мазмуни, тирикликнинг омили ижод, ижод унинг учун ҳатто муҳаббатдан ҳам кучлироқ эҳтиёж эди, дейиш мумкин. Романда бу фикрни далиллайдиган очиқ ишоралар бор. Мартин ижодий хаёлларга берилган чоғида ҳамиша Руфни унутиб қўяди, Руфь ҳеч қачон унинг учун ижоддан олдинги планга чиққан эмас. Масалан, унда биринчи марта шеър ёзиш хаёли пайдо бўлиши билан, ўз ёнида ўтирган қизни эсидан чиқариб қўяди”... шу чоқ бирдан, мени ҳаяжонга солган жамики гўзалликни шеърини мисралар воситаси-ла ифодаласам бўлмасмикан, деб ўйлаб қолди.... Нима, шоирлар қилган ишни у қилиши мумкин эмас? Улар муҳаббат ҳақида куйлайдилар. У ҳам куйлайди. Арвоҳ урсин!...”. Шу аснода ихтиёрсиз овоз чиқариб айтган ўз сўзларининг ҳайқириғидан бирдан ўзига келади-ю, Руфга “Мен... мен, ўтинаман, афв этинг мени... хаёлга берилиб кетибман...”, – дейди. Руфнинг “– I – I beg your pardon, – he stammered. – I was thinking. – It sounded as if you were praying” (89). (“Сиз худди “Мен ибодат қиляпман” дегандек оҳангда талаффуз этдингиз” (97)) деган сўзлари ҳам ижоднинг Мартин ҳаётидаги ўрнини кўрсатишга хизмат қилади. Ижод қила бошлагач эса “илгари у фақат худоларгагина хос нарса деб ҳисоблаб юрган яратувчилик қувончига энди ўзи ҳам мушарраф” бўлади (99). (“The joy of creating that is supposed to belong to the gods was his” (90)). Яна бир пайт эса “сонет ёзиш билан овора бўлиб, Руфни унутиб қўйган эди” (107). (“In his battle with the sonnet he had forgotten her existence”. (96)). Мартин ижод ўзини тутиб турган ҳаётини куч эканлигини Руфга бир ҳикоясини ўқиб бергандан сўнг ўз ичида очиқ эътироф ҳам этади: “Saints in heaven – how could they be anything but fair and pure? No praise to them. But saints in smile – ah, that was the everlasting wonder! That was what made life worth while. To see moral grandeur rising out of cesspools of iniquity; to rise himself and first glimpse beauty, faint and far, through mud-dripping eyes; to see out of weakness, and frailty, and viciousness, and all abysmal brutishness, arising strength, and truth, and high spiritual endowment” (118-119). (“Самовий малоикаларнинг пок ва бенуқсонлигидан ҳеч ким ажабланмайди. Бу ўринда уларнинг хизмати йўқ. Лекин ифлосликлар ўртасида авлиёлар бўлиши, бу – чинакам мўъжиза! Шу мўъжиза туфайли ҳам яшаш керак! Адолатсизлик ахлатхонасидан униб чиқаётган (бу ерда оддий денгизчининг ижодкор бўлиб етишиши назарда тутилган – Н.Қ.) ахлоқий камолотнинг шоҳиди бўлиш; шахсан ўзининг ўсиш ва ҳали исқирти ювилмаган кўзлари билан гўзалликнинг илк нурларини илғаб олиш; заифлик, ахлоқсизлик, олчоқлик ва ҳайвоний бетамизликдан ҳам куч, ҳам ҳақиқат, ҳам маънавий олижаноблик хислатларининг бунёдга келаётганини кузатиш учун яшаш керак!” (134-135)). Шунинг учун ижодни Мартин ҳаётининг жавҳари, муҳаббатни эса шу ҳаётини кучни уйғотган ва уни рағбатлантириб турган омил сифатида талқин қилиш ўринли. Чунки Руфь “Мартин Иден қалбида муҳаббат, покликка интилиш ҳамда ўша илоҳий қувватни синаб кўриш (таъкид бизники – Н.Қ.) ҳиссини уйғота олиш” (135) учун яратилган эди. Ташқаридан қараганда, Мартиннинг ижод билан шуғулланиши Руфга етишиш ва пул топиш билан шартланган каби. Аммо асарда шундай эпизод борки, бу эпизод пул топиш – Мартин учун ижод қилишнинг асосий сабаби эмаслигини кўрсатади. “Глобус” журналида жуда катта ўзгартириш ва таҳрирлар билан босилиб чиққан шеърлари Мартинни дарғазаб қилади.

“Martin groaned and sweated and thrust his hands through his hair. Phrases, lines, and stanzas were cut out, interchanged, or juggled about in the most incomprehensible manner. Sometimes lines and stanzas not his own were substituted for his” (229). (У “ғазабдан тишларини ғижирлатар, сочларини юларди. Жумлалар, сатрлар, бутун-бутун бандлар тушириб қолдирилган, жойи алмашиб кетганидан баъзи бандларни мутлақ тушуниб бўлмасди. Баъзи мисралар тамомила бошқа шеър мисралари билан алмаштирилган эди” (266)). Мартин пулга ҳар қанча муҳтож бўлмасин, “шеърларимни босишни зудлик билан тўхтатиб, ўзимга қайтариб юборинг” деб хат ёзади. Бу Мартин учун ижод – пул топиш воситасигина бўлмаганлигини кўрсатади. Ижодкор шахс учун ўз яратмалари фарзанди сингари шундай азиз ва қадрли бўладики, муаллиф уларни хоҳлаганча ўзгартиришларига бемалол қараб туrolмайди. Яна бир ўринда эса Руфга ўзи ҳақиқий санъат намунаси бўлмаган ҳикоялари ҳақида: “I was secretly glad when the market failed, even if my clothes did go into pawn” (239), (“Жўн” ҳикояларимни сотиб олмай қўйишганида ҳатто ичимдан севинган ҳам эдим, ҳолбуки, бунинг натижасида костюмимини гаровга қўйишга мажбур эдим” (278)), – дейди. Демак, ижод Мартин учун пул топиш манбаигина бўлмаган. Мартин характерининг мана шу мантиғидан келиб чиққанлиги учун ҳам машҳур рус шоири В.Маяковский 1919 йилда мазкур роман асосида яратилган киносценарийсини “Пул учун туғилмагани” (“Не для денег родившийся”) деб номлаган.

М.Пришвин ижодини қиёсий аспектда ўрганган адабиётшунос олима А.Давшан докторлик тадқиқотида шундай ёзади: “20-50-йиллар маданий ҳаётида (XX аср назарда тутилмоқда – Н.Қ.) санъаткор шахснинг трагик қисмати рус адабиётининг бутун олдинги тарихидагидан кўра кўпроқ учрайди. Аммо бадиий адабиёт саҳифаларида ёзувчи, шоир ва санъаткор образи унча кўп эмас ёхуд бундай образлар бадиий матнда ўтмиш ва келажак билан боғланмаган равишда қисқа эпизодларда пайдо бўладилар”. Ўтган асрнинг 20-50-йилларида трагик қисмат соҳиби бўлган санъаткор шахслар – булар: ўз ватанини тарк этиб, муҳожирликда кун кечирришга мажбур бўлган Д.Мережковский, З.Гиппиус, А.Солженицин; булар: қисмати фожиа билан тугаган В.Маяковский, С.Есенин, А.Фитрат, А.Қодирий, А.Чўлпон; булар: бўғилган муҳитда ўз сўзини айтишга жазм қилган Б.Пастернак, О.Мандельштам, Ойбек, М.Шайхзода...

А.Давшан санъаткор образи яратилган бундай асарларнинг ёрқин намунаси сифатида Михаил Булгаковнинг “Уста ва Маргарита” романини қайд этади. “Улуғ Устанинг тақдири ўзининг фантастик шикаст топишида реал ҳаётнинг бурилишлари (изгибы) мужассамлаштиргандир, – деб ёзади давом этиб олима. – Баёндаги шартлилик, бир тарафдан, конкрет давр манзараларини яратишга имкон туғдирган бўлса, бошқа томондан ижодкор шахс ҳалокати тузумнинг илк қурбони эканлигини намоён қилади”.

Абдулла Қаҳҳор ҳам Михаил Булгаков сингари миллий адабиётда биринчилардан бўлиб марказида ижодкор шахснинг аянчли тақдири турган психологик роман яратди. Уста ер юзида ўзи учун руҳий хасталар шифохонасидан бошқа жой йўқлигини англаб, онгли равишда ана шу бадбахтлик маконига йўл олгани каби Саидий ҳам тақдир ўзига ҳозирлаган қисматни англаб етди. А.Қаҳҳор романда ижодкорга табиат берган характер-хусусиятнинг мудҳиш ижтимоий муҳит билан тўқнашувини катта маҳорат билан тасвирлай билди. Саидий тимсолида табиат қонунлари жамият қонунларига зид келиб қолган эди: табиат ижод қобилиятига эга бўлган бир фарзандини ёлғизликни севувчи, одамови, бир масалани турли томонлардан ўйламасдан туриб дарҳол бир қарорга келолмайдиган, иродаси заиф, айна пайтда ўта ҳиссиётчан, улуғвор муҳаббатга қодир, ақлли-идрокли, андишали қилиб яратган эди-ю, у тақдир ва тарих тақозоси билан инсоннинг индивидуал хусусиятларини эътиборга олмайдиган, ёппасига ўз мафкурасига содиқлик талаб қиладиган, у кўрсатган йўлдан салгина чекинганларни шафқатсиз парчалаб ташлайдиган долғали ижтимоий муҳитга тушиб қолган эди. Саидий ўзидаги санъаткор сифатида табиат томонидан берилган характер-хусусиятларни жамоавийлик психологиси, монополистик мафкурага мослаштира олмай, дафъатан пайдо бўлган катта ижтимоий ўзгаришлар ичида ҳақ йўлни, ҳеч бўлмаганда, ҳалокатдан йироқ бўлган йўлни тезда аниқлай олмай қолади. Шу тариқа

ADABIYOTSHUNOSLIK

Саидий, А.Давшан айтмоқчи, трагик тақдир соҳибига айланган кўплаб санъаткор шахслардан бирига айланади.

Саидий образининг адабиётшуносликдаги айрим талқинларида унинг ижодкор шахс эканлиги эътиборга олинмаган. Шунинг учун бу образ кўпроқ худбин шахс сифатида талқин қилинган. “Инсон – барча жонзотлар ичида энг худбини, барча жонли махлуқларлар ичида энг худпарастидир”, – дейди А.Дюма (“Граф Монте-Кристо”)нинг қахрамонларидан бири. Худбинлик – фақат Саидийга эмас, умуман, инсонга хос хусусият. Шунинг учун академик М.Қўшжонов ўз тадқиқотининг “Худбинликнинг туғилиши” фаслида худбинликка мойиллик ҳаммага бўлмаса-да, айрим ёшларга хос хусусият эканлигини, Саидий ҳам мана шундай ёшлар тоифасига киришини таъкидлаб, худбинликка “мойиллик унга мос келадиган ҳаёт шароитида гуркираб ўсиб, ўша шахсни худбинлик кўчасига келтириб қўйиши мумкин; бошқа шароитда эса у ўзининг ўша биологик ва психологик мойиллигини йўқотиб, тўғри йўл билан кетиши ва жамият учун энг керакли бўлиб етишиши мумкин” деб ёзаркан, Саидийга аёвсиз қора чаплашдан сақланиб, образга холисона, жуда нозик ёндашади. Адабиётшунос М.Олимов эса Саидийдаги ижодкорга хос бўлган хусусиятларга биринчилардан бўлиб диққат қаратди.

Саидийда ижодкорга хос бўлган, бўртиб турган биринчи хусусият – одамовилик, узлатга интилишдир. Бу, умуман, ижодга мойил кишиларга хос бўлган хусусият. Чунончи, рус адиби ва адабиётшуноси Дмитрий Мережковский “Автобиографик қайдлар” мақоласида болалик йилларини хотирлаб шундай ёзади: “Ҳали ҳам ўша қарағай бор эди. Мен бу қарағай дарахтининг шохлари орасида – худди қуш сингари баландликда туриб, ўқиш, хаёл суриш, одамлардан узоқда ўзимни эркин ва “ёввойиларча” ҳис этиш учун – юпқа тахтадан ўтирғич ясаб олган эдим”.

“Бобурнома”да ҳазрат Алишер Навоийнинг таъби ҳар нарсани ёқтиравермайдиган, жуда нозик бўлганлиги ёзиб қолдирилган.

Заҳриддин Муҳаммад Бобурдай бутун ҳаёти аскарлар, фуқаро қуршовида, жангу жадалларда, суронларда ўтган бир шахс ҳам ўзи ҳақида:

Улфатим эл бирла оздир, кўпдир эл жаври манга,

Не менинг таврим ёқар элга, не эл таври манга, –

деб ёзади. Абдулла Орипов эса: “Менга узлат керақдир, издиҳомдан тўйганман, Тўда-тўда жойларга энди бормай қўйганман”, – дейди. Бу хусусиятлар, табиийки, Саидийга ҳам ёт эмас. У ҳам одамлардан ўзини олиб қочади, кўпроқ ёлғизликка интилади. Хоҳлаган одам билан дарров аралашиб кетолмаслик, ўзини бегона сезиш, тортинчоқлик унинг йўл танлашига, ўзини намоён қилишига халақит беради. Уни муайян гуруҳга олиб келган сабаблардан бири Мунисхоннинг муҳаббатидан кейин ёзувчи сифатида донг чиқариш учун йўл қидириши асносида Салимхоннинг “обрўйи, улуғ сифатлилигига қарамай, такаббур ҳам эмас”лиги; “дилкаш, кўнглида кири йўқ”лиги; “ким қандай ёмон аҳволда қолса, ёрдам қўлини чўз”иши; “кишидаги қобилият заковатни ўта кўр”иши эди. Жамоавийлик психологиясига асосланган муҳитдаги тартиб-қоидалар эса Саидийдаги мана шу узлатнишинликка мутлақо тескари эди. Аммо Саидийнинг одамовилиги то бирор муҳитга кириб кетгунга қадар эди. Жумладан, университет комсомоллари ер ислоҳоти масаласида қишлоққа юборилар экан, Аббосхон таъсиридаги Саидий учун дастлаб бу “вужуди билан нафратланадиган иш, зўр ташвиш” бўлиб кўринади, у бу ишда иштирок этмаслик учун турли йўллар излайди. Аммо қишлоққа келиб, таниш-билиш орттиргач, у ишга боши билан шўнғиб кетади, унда янги ижодий ниятлар туғилади: “Саидий, ўша Раҳимжон Саидий, қишлоқдан кетишга шошилмас эди.

У қишлоққа келганида, дастлаб, янги муҳитга ўргана олмай, кўп қийналган эди, аммо ўргангандан сўнг таъби очилиб кетди. Унинг бошида сон-саноксиз тайёр, фақат қоғозга туширишга маҳтал бўлган ҳикоялар бор. Буларнинг ҳаммаси бир ипга тизилиб роман бўлишни ваъда қилар эди” (61).

Асарларининг нашр қилиниши, хусусан, эълон қилинган биринчи асар қувончи ижодкор ҳаётининг алоҳида моментидир. Чунки ижодкор – эътироф этилишга, рағбатга ва ўқувчига эҳтиёжманд одам. Бу психологик ҳолат жуда кўп ёзувчиларнинг ўзлари томонидан эътироф этилган, қайд қилинган. Биргина мисол келтирамиз: Д.

Мережковский юқорида эслатилган автобиографик мақоласида шундай ёзади: “Мен ўша пайтларда илк танқидий мақоламни ёзган эдим. Бу – “Игорь полки жангномаси” ҳақидаги мактаб иншоси эди. Мазкур иншо учун ўқитувчим менга “5” баҳо қўйди. Мени шундай бир муаллифлик ғурури чулғаб олдики, кейинчалик бирор марта ҳам бундай туйғуни ҳис қилган эмасман”. Албатта, бундай туйғуни Жек Лондон ҳам, Абдулла Қаҳҳор ҳам ўз бошларидан кечирганларига шубҳа йўқ. Чунки адабий ижод ҳамма даврларда алоҳида кишиларнинг фаолияти, алоҳида истеъдод шакли ҳисобланган, ижодий фаолият эгаларига айрича қаралган. Бадиий асарнинг эълон қилиниши эса, шубҳасиз, муаллифни ана шундай алоҳида тоифага мансуб қилади. Шунинг учун ҳар икки адиб нашр қилинган илк асар таассуроти моментига алоҳида эътибор берганлар. Албатта, бу Мартин ва Саидий учун, аввало, сеvimли маҳбубанинг назарига тушиш, унинг эътироф этиши билан алоқадор эди. Башарти, мана шундай омил билан боғланмаганда ҳам биринчи асар қувончи ижодкор психологиясининг муҳим жиҳати бўлиб қолаверади.

Мартин Иден очлик туфайли ҳолдан кетиб, касалликка маҳкум бўлган ва шулар туфайли адабий фаолиятдан воз кечаман, деб турган бир пайтда “Оқ сичқон” журналидан ҳикоясининг босилиши ҳақидаги хабарни эшитади. Бу хабарни азабаройи касаллигидан хатларни ҳам ўқий олмай қолган Мартинга кир ювувчи аёл Мариянинг қизи Тереза ўқиб бераётган эди. “What magazine is that? Martin shouted. – Here, give it to me. He could see to read, now, and he was unaware of the pain of an action... He read the letter through again and again” (199-200). (“Хат қаёқдан, қайси журналдан? – деб қичқириб юборди Мартин. – Бу ёққа бер-чи. У кўзининг оғриғини ҳам унутиб қўйиб, жон-жаҳди билан ўқий бошлади... Мартин хатни бир неча марта ўқиб чиқди” (231)). Асарлари чиқа бошлаган лаҳзаларни эса ёзувчи “The sun of Martin’s good fortune rose” (209). (“Мартиннинг бахт куёши балқиди” (242)) дея таърифлайди.

Абдулла Қаҳҳорда “биринчи асар қувончи” “Мартин Иден”дагидан кўра анча муфассал тасвирланган. Бутун ёз бўйи бирор жойда ишламай, ижод билан “баъзи кийимларидан тортиб, Эҳсондан қолган парку ёстиққача бозорга” олиб чиқиш даражасида камбағаллашиб шуғулланган Саидий бир куни бир шеър ва бир ҳикоясининг айрим таҳрирлар билан босилиши, шунинг учун редакцияга бир келиб-кетиши лозимлиги ҳақидаги хат олади. “Саидийнинг вужудини титроқ босди, бу титроқ кўркувданми, кутилмаган севинчданми эканин ўзи ҳам билмас эди. У хатни икки-уч қайта ўқигандан сўнг, ўзини андак босиб олиб, атрофига қаради, назарида, бутун ашёлар туси ўзгарган, кулиб тургандай кўринар эди. Саидий хатарли довонга ёпишиб, охири эсон-омон унинг устига чиққандай уф тортди-да, “Олам яхши. Ҳаёт гўзал. Натижасиз меҳнат бўлмайди” деди” (41). Бу кайфият бир неча кун давом этади, шу бир неча кун давомида у асари босилишини интизорлик билан кутади. Романда Саидийнинг илк ҳикояси чиққан пайтдаги руҳий ҳолати ҳам психологик жиҳатдан тўғри, жуда таъсирли, ҳаётий тасвирланган. Ҳикоясини журналда кўриши билан у “маст кишидай тентирар ва назарида ер оёғи остида кигиз сингари юмшаргандай эди. Шунча узоқ йўлдан ҳужрасига қандай ва қайси кўчадан келганини, эшикни қандай очиб, стол ёнига борганини, қўлидаги китобларни нима қилганини билмас эди...”

Яна ўқиди. Шундан сўнг назарида “Қаландар” банд қилган саҳифалар эскирган, кўп ўқилган китоб сингари кирлангандай бўлди. Журналнинг иккинчи нусхасини қирқди. Дам ўтмай, бу ҳам назарида шундай кўринди. Чиқиб будқадан яна бир нусха олиб кирди-да, қирқмасдан столнинг тортмасига солиб қўйди. Столнинг тортмасида туриб ҳам унинг шу саҳифалари эскираётгандай бўлар эди...

Кўчага чиққанда худди биров муборакбод қилаётгандай, Саидий шу куни овқатга ҳам бормади” (48).

Хулоса. Ҳар икки асарда ижодкор шахс психологияси ва ижод психологияси ишонарли, асосли очиб берилган. Албатта, бу биринчи навбатда, муаллифларнинг ўзлари ҳам ижодкор шахс эканликларидан келиб чиқса-да, икки ёзувчида икки хил характерга эга. Абдулла Қаҳҳор эътирофига кўра, “Сароб”да мафкуриси бутунлай роман муаллифи қарашларига ёт бўлган ижодкор шахс тақдири қаламга олинган;

ADABIYOTSHUNOSLIK

шундай бўлса-да, ижодкор психологияси тасвирида айнан муаллиф руҳий олами излари бор, десак хато бўлмайди.

“Мартин Иден” эса, жуда кўп тадқиқотчилар таъкидлаганидек, автобиографик роман. “Мартин Иден образида Лондоннинг лирик қаҳрамони белгилари ҳамда автобиографиявийлик ўзаро уйғунлашади”, “Мартиннинг изтиробларида Лондоннинг замонавий капиталистик жамиятда санъатнинг аҳамияти қолмаганлиги ҳақидаги адибнинг дастлабки мақолаларидан бирида айтилган аччиқ мулоҳазаларни кўриш мумкин”.

Умуман, романи Жек Лондоннинг бутун ижодий фаолияти ҳамда адабий-танқидий мақолалари билан қиёслаш – алоҳида катта тадқиқот учун мавзу бера олади. Ҳозирча эса айтиш мумкинки, Жек Лондон ижодкор ва ижод психологиясини ифодалашда бевосита ўз руҳияти ва тажрибаларидан келиб чиққан.

АДАБИЁТЛАР

1. **Богословский В.** К истории реализма в США. Творчество Джека Лондона и Эптона Синклера. Автореф.дисс... доктора филол.наук. – М., 1963. – С. 13
2. **Баданова И.** Джек Лондон и его герой. Творчество Джека Лондона 1900-1910 гг. – Автореф.дисс... канд.филол.наук. – М., 1963. – С. 12
3. **Быков В.** Романы Джека Лондона. Автореф.дисс. ...канд.филол.наук. – М., 1966. – 19 с.
4. **Давшан А.** Творчество М.Пришвина в контексте русской литературы: Автореф. дисс... доктора филол. наук. – Т., 2001. – 44 с.
5. **Лондон Ж.** Мартин Иден. – Т.: Ф.Фуллом, 1968. – 432 б.
6. **Қаҳҳор А.** Сароб. – Т.: Шарқ, 1995. – 240 б.
7. **Олимов М.** Ҳозирги ўзбек адабиётида пафос муаммоси. – Т., 1994. – 99 б.
8. **Тимофеев Л.** Основы теории литературы. – М.: Просвещение, 1971. – 464 с.
9. **Қўшжонов М.** Адашганлар фожиаси // Қўшжонов М. Ҳаёт ва қаҳрамон. – Т.: Ф.Фуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – Б.196-249.
10. **Қўшжонов М.** Ижод сабоқлари. Адабий ўйлар. – Т.: Ёш гвардия, 1973. – 192 б.

УДК 87

“МИНГ БИР КЕЧА» ВА ЖАҲОН АДАБИЁТИ

“ТЫСЯЧА И ОДНА НОЧЬ” И МИРОВАЯ ЛИТЕРАТУРА

“A THOUSAND AND ONE NIGHTS” AND WORLD LITERATURE

Астанова Гулнора Аминовна

БухДУ ўзбек тилшунослиги кафедраси доценти

Таянч сўзлар: “Минг бир кеча”, “Декамерон”, ҳикоят, “Сабъаи сайёр”, “Шум бола”, эртак, канизак, “Синдбоднома”.

Ключевые слова: “1001ночь”, “Декамерон”, рассказ, “Сабъаи сайёр”, “Шум бола”, сказка, служанка, “Синбад”.

Key words: “1001 nights”, “Decameron”, story, “Sabai sayor”, “Noise bola”, fairy tale, maid, “Sinbad”.

“Минг бир кеча” ва жаҳон адабиёти мақоласида мазкур асар асосида яратилган жаҳон адабиётининг энг сара асарлари таҳлил этилган.

В статье под названием “1001ночь” и мировая литература” проанализируется наилучшие произведения мировой литературы которые созданы на основе арабских сказок “1001 ночь”.

The article titled “1001 Nights and World Literature” analyzes the best work of world literature that was created on the basis of the Arabian tales “1001 nights”.

Кириш. XII-XIV асрларда кўплаб сеҳрли эртак ва афсоналар, ғаройиб саргузаштлардан ҳикоя қилувчи қиссалар, турли-туман Шарқ ишқий-романтик асарларни Европа халқлари тилларига таржима қилинганлиги сир эмас. Европа

тилларига таржима бўлган арабча асарлар орасида “Минг бир кеча” эртақларининг сеҳрловчи ҳикоятлари қадим замонлардан буён дунё китобхонлари қалбини забт этганлиги ҳам маълум. “Минг бир кеча” XII-XIV асрларда лотинчага тўлиқ ўгирилмаган бўлса-да, унинг айрим қисмлари, алоҳида – алоҳида сюжетлари роман халқлари орасида сингиб кетган эди. Ўрта аср Европа адабиётига “Минг бир кеча” эртақларидан кўчган сюжетлар орасида, айниқса “Синдбоднома” ва “Қирқ вазир” ҳикоятлари машҳурдир. “Асли ҳинд заминида пайдо бўлиб, кейин форс ва араб тилларига таржима этилган «Минг бир кеча»даги бу туркум ҳикоялар Педро Альфонс, Хуан Мануэл ва бошқа Европа адиблари ижодига кучли таъсир кўрсатган. Зеро бу ҳикоятлар XVIII асргача француз, испан ва италян тилларига қайта-қайта нашр этилган”, - деб ёзади олим Н.Комилов ўзининг китобида [4, 131].

Асосий қисм. Адабиётшунос Б.Рифтин маълумотида кўра европалик адиблардан Хуан Руис де Аларкон (XVII аср), Франсуа Бланше (XVIII аср), Хуан Валера, Х.Андерсен (XIX аср) ва бошқалар Ўрта аср ҳинд ҳамда араб адабиётида кенг тарқалган ҳикоятлар ва сюжетлардан ўз роман ва қиссалари, драма ҳамда комедияларида самарали фойдаланганлар, Шарқ мотивлари асосида ажойиб характерлар ижод этганлар [6, 81].

Хуллас, Шарқ адабиётида қадим замонлардан давом этиб келаётган ўзига хос ижодий услуб –ҳикоя ичида ҳикоя айтиш, муаян мақсадни кўзлаб, мазмунан ўзаро яқин асарларни бир ипга тизиш билан китоб тартиб бериш аввал Испанияда, кейинчалик Италия, Франция ва Англияда кўпгина ажойиб насрий асарларнинг яратилишига замин ҳозирлади. Уйғониш даври адиблари ва ундан кейинги Европа ёзувчилари ҳам Шарқ хусусан, “Минг бир кеча”дек муаззам асар сюжетларидан унумли фойдаланганлар. Бу сюжетлар асосида Ғарбда яратилган асарлар классик обидаларга айланган. Шулар қаторида “Декамерон”нинг алоҳида ўрни бор.

Шарқнинг ишқий-романтик асарлари Европа халқлари тилларига таржима қилинганлиги ҳақида кўплаб маълумотлар мавжуд. Шунга кўра араб тилини яхши билган испан зиёлилари ҳам Шарқ адабиётини аслидан ўқиб, халқ орасида ёйганлар. Сайёҳ актёрлар, бахшилар шаҳарма-шаҳар юриб бу асарларни ижро этганлар.

Шунингдек, италянлар ҳам испанлар билан яқин алоқада бўлганлар. Бундан ташқари италянлар Ўрта Ер денгизи орқали Шарқ мамлакатлари билан билан иқтисодий ва маданий алоқа ўрнатганлар. XII-XIV асрларда Италияда қизиқарли саргузашт, ишқий-романтик асарлар кўпроқ тарқалган.

Ж.Бокаччонинг ижоди ҳақида олим Н.Комилов машҳур ёзувчининг ижодига илҳом бахш этган асарлар тўғрисида фикр билдираркан, дейди: “Жованни Боккаччо бир неча дарёдан баҳравар эди. Унинг ихтиёрида арабча ўгирилган таржима асарлар, Шарқ ҳикоятлари асосида яратилган испан ва италян адибларининг китоблари фольклордаги Шарқ-Ғарб эртақ-афсоналари қадимий румо ҳамда юнон манбалари замондошларининг хотиралари, сайёҳлар, савдогарлар эсдаликлари бор эди. Италян адиби бу манбаларнинг ҳаммасидан ижобий фойдаланди. Хусусан, Шарқ ҳикоячилигидаги қолиплаш жуда қўл келганлигидан ўзи жамлаган катта-кичик асарлар мазкур йўл билан композицион яхлит ҳолда таркиб топди” [4, 132].

Дарҳақиқат, Ж.Бокаччонинг машҳур “Декамерон” асари [2,135] шарқ халқларининг нодир асари бўлмиш “Минг бир кеча”дан олинган таассурот заминида яратилганига шубҳа йўқ. Чунки Бокаччо ўз асарини ёзишда “Минг бир кеча” услубларидан, жумладан қолиплашдан фойдаланганлигига шубҳа қолдирмайди. “Минг бир кеча”да уч юздан ортиқ эртақ ва қисса жамланган. Бу эса қолиплаш йўли билан амалга оширилган. Бокаччо “Декамерон”да юзта ҳикояни бир қолип-сюжетга жойлаб, уларни мавзулар бўйича ўн кунга мослаб, ўн бобга ажратади, аммо мазмун ва ғоя нуқтаи назаридан бир-бирига яқин ва ўхшаш ҳикоялар асарда кўп. “Минг бир кеча”да эса кўпчилик ички ҳикоятлар мазмун эътибори билан бевосита қолипловчи ҳикоятга мантиқий боғлангандир.

“Минг бир кеча” ишқий-романтик, саргузаштларга бой асар бўлиб, унда драматизмни келтириб чиқарадиган мавзу аёллар фаолияти билан алоқадордир, шунингдек, аёллар аксарият бош қаҳрамон сифатида ҳам гавдаланадилар.

ADABIYOTSHUNOSLIK

Бокаччонинг “Декамерон”и ҳам шу типдаги асарлар сирасига киради. Чунки бунда ҳам аёллар марказий образ сифатида тасвирланган. Шаҳардаги даҳшатли манзарани бир оз бўлса-да, унутиш мақсадида чекка қишлоққа чиқиш фикри ўшалардан чиқади. Қизлар фаол ҳаракат қиладилар, ташаббус кўрсатадилар, ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун курашадилар.

“Минг бир кеча” ҳикоятлари ҳажм жиҳатидан турличадир. Унда бир-икки варақни банд этган кичик ҳикоятлардан тортиб, катта-катта қиссаларгача бор. Айни хусусият “Декамерон”нинг ҳам муҳим белгиларидандир. “Минг бир кеча”нинг самарали таъсирини Бокаччо асарининг кўпгина бобларида кўриш мумкин. “Минг бир кеча” ҳикоятлари сюжетлари баъзан анча ўзгартирилган шаклда, баъзан эса тўғридан-тўғри кўчирилади. Жумладан, бир ҳикоятда маркиз Монферрат христианларнинг салиб юришларида қатнашмоқ учун жўнаб кетади. Қирол Филипп Маркизнинг гўзал хотини таърифини эшитиб, унга ғойибона ошиқ бўлади. Қирол аёлни кўриш мақсадида Монферрат қасрига меҳмон бўлиб боради. Маркизнинг хотини уни ҳурматига муносиб кутиб олади. Аммо дастурхонга нуқул товук гўшtidан тайёрланган хилма-хил таомларни тартади. Буни сезган қирол аёлга тегишиб: “Бегойим! Наҳот сиз ёқларда фақат товук бўлса, нима, хўрозлар йўқми?”-дейди. Шунда Маркиза: “Нега энди, аёло ҳазрат, бизда хўрозлар бор, шу боисдан товукларимиз ўзга хўрозларга муҳтож эмас”, - дея оқилона жавоб беради ва қирол мот бўлиб, йўлига қайтади [2, 85].

Ҳозиржавоблик асосига қурилган латифасимон бу ҳикоят “Минг бир кеча”нинг “Шаҳзода ва етти вазир” бобида қуйидаги шаклда учрайди: Подшо ўз қасрига айланиб юрар экан, кўзи яқиндаги бир томга чиқиб турган аёлга кўзи тушади ва унга ошиқ бўлади. Подшо суриштириб, бу уй ўз вазирларидан бирига тегишли эканлигини аниқлайди. Шоҳ вазирни вилоят сафарига амр этиб, ўзи унинг уйига ташриф буюради. Вазирнинг хотини подшони хуштавозеълик билан қарши олади. Ўзи овқат тайёрлаш билан банд экан, подшога панд-насиҳатлар китобини ўқишни тавсия этади. Аёл подшо олдида тўқсон хил таом тартади. Таомлар кўриниши турли-туман бўлгани билан, ҳаммасининг ҳам таъми бир хил. Подшо бунинг маъносини сўраганда, аёл: “Бундан сиз ибрат олинг, деб шундай қилдим. Саройингизда тўқсонга каниз бор, уларнинг рангу рўйи ҳар хил бўлса ҳам, таъми бирдир”, - дейди. Подшо бу сўздан уялиб чиқиб кетади... [5, 87].

Деталларнинг ишланиши, номлар, вазият турлича бўлгани билан мазмун ва ундан келиб чиқадиган хулоса бир. Аммо, “Минг бир кеча”дан келтирилган ҳикоятда мантиқ кучли.

“Минг бир кеча”нинг айни бобидаги яна бир ҳикоят ҳам “Декамерон”да ҳеч ўзгаришсиз учрайди. Унда вазир хотинлар макрени шоҳга исботлаш мақсадида дейди: Подшолардан бирининг соқчиси бир хотинни севар экан. Бир куни у, ўз қулини хотиннинг олдига юборади. Хотин қул билан ўйнаб-кулиб, вақтичоғлик қилиб турганида, соқчининг ўзи эшик қоқиб қолади. Хотин қул йигитни токчага яширади. Соқчи қўлида қиличи билан уйга кириб, хотин ёнига ўтириб олади ва ишқибозликни бошлайди. Шу онда хотиннинг эри эшик қоқади. Соқчи: “Энди нима қилдим?”-деб қўрқиб турганида, хотин: “Сен қилич яланғочлаб мени сўкиб тур, эрим кирганида, чиқиб кетавер”, - дейди-да, дарвозани очади. Бу вазиятни кўрган эрига: “Эй, эржон, хўб вақтида келдинг-да, бир мўмин банда қочиб келиб ҳовлимизга кирди, менга ўзини қутқаришни ялиниб сўради, мен уни токчага яширган эдим, мана бу одам қилич яланғочлаб кириб қолди, сал кечиксанг ўлдиради”, - дейди. Эри йигитни токчадан тушириб, эсон-омон кузатиб қўяди [5, 380].

Бокаччога эса қуйидагича:

Донна Изабелла исмли аслзода хотин Леонетто деган йигитга ошиқ бўлиб, эридан яширинча у билан мулоқот қилади. Бу соҳибжамол ҳуртароват жувонга мессер Ламбертуччо деган бошқа бир зот ҳам шайдо эди. Хоним мессерни ёқтирмаса-да, устма-уст элчи-совчи юборавериб, охири дўқ-пўписа қилгач, учрашишга розилик беради. Бир куни эри уйда йўқлигидан фойдаланиб, хоним Леонетто билан айш қилиб ўтирганида, мессер Ламбертуччо ташриф буюради. Хотин ошиғини парда орқасига яшириб, уни қабул қилади. Хоним билан мессер ишқибозликни айни авжга

етказётганларида, тўсатдан Изабелланинг эри қайтиб келиб, эшикни қоқади. Шунда хоним Ламбертуччога қараб:” Агар мени ўлимдан халос этмоқчи бўлсангиз, амримга бўйсуниб иш тутинг, қўлингизга пичоқни олиб, дағдаға билан қичқиринг ва шу алпозда отилганча эшиқдан чиқиб кетинг”,- дейди. Мессер топширини бекаму кўст бажариб, ғойиб бўлади. Ҳайрон қолиб кириб келган эрининг саволларига Изабелла: ”Кутилмаганда уйимга бир йигитча отилиб кирди. Мессер Ламбертуччо унинг орқасидан пичоқ яланғочлаб югуриб келарди, тасодифан хонамнинг эшиги очиқ қолган экан, йигитча кириб, дағ-дағ титраганча, мени қутқаринг, дея илтижо қилгач, уни парда орқасига яширдим. Сўнг остонада туриб, Ламбертуччони киришга қўймадим, шу пайт сен кириб келдинг”,- деб жавоб беради [2, 85].

Кўриниб турибдики, ҳар иккала ҳикоя сюжетида айтарли фарқ йўқ. Аммо тасвирда, воқеалар тафсилотини беришда Бокаччо қалами ўткирроқдир. П.Гринцер фикрича, мазкур сюжет дастлаб ҳиндларнинг “Хитопадеша” ва “Шукасаптати” (“Тўтинома”нинг ҳиндча варианты) асарларида учрайди [3, 229].

Ж. Бокаччо ижодини таҳлил қилар экан: “Бокаччо давридаги феодал қонунлари очиқ-ошкора муҳаббатга йўл қўймас, хусусан аёллар эрки бўлган, улар ўз туйғуларини яширин изҳор этишга мажбур эдилар. Ёзувчи ана шунга қарши чиқади. Бу яхши гап. Аммо изабелчасига ишқибозлик соф муҳаббат белгиси эмас. Бу ҳолни олижаноб, муқаддас инсоний туйғулар даражасига кўтариб, таърифлаб бўлмайди” [4, 148], -деганида тўла ҳақли эди профессор Н. Комилов.

Дарҳақиқат, вафо ҳамда садоқат, покликни куйлаш Шарқ адабиётида қадим-қадимдан давом этиб келаётган муқаддас мавзулардандир. Шарқнинг буюк шоирлари бу ғояларни турли жанрларда ғоят эҳтирос ва сўнмас ихлос билан тасвирлаганлар. Бу мустаҳкам ахлоқий кодекс халқларимиз турмушига, онгига сингиб, катта ижтимоий маъно касб этиб келган. Оилани мустаҳкамлашга ёрдам берган. Зеро, эр-хотин орасидаги садоқат ва муҳаббат инсоний зурриётнинг безавол пойдеворидир.

“Минг бир кеча” эртаклари бадиий жиҳатдан пухта ишланган бўлиб, ниҳоят мафтункордир. Шу сабабли бу эртаклар бутун дунё китобхонларининг энг сеvimли асарларидан бирига айланиб қолди.

Асарнинг бундай шухрат қозонишига, албатта, таржимонлар ҳам ҳиссаси беқиёсдир. Унинг Европага XIV асрдаёқ кириб боргани ва кўп ёзувчилар ижодига таъсир ўтказган.

Аммо асарнинг аниқ ва тўлиқ таржимаси Антуан Галлан(1646-1715) томонидан амалга оширилган эди. Кейин бу французча таржимадан инглизча, русча, немисча таржималар яратилди. Асл арабча нусхасидан таржималар қилинди. XIX аср ўрталарига келиб, “Минг бир кеча” эртаклари Европанинг энг оммавий нашрлари орасидан ўрин олди, биргина инглиз тилида у шу давр ичида 25 марта жуда катта тираж билан чоп этилган.

Халқ ижодиётига жуда ката ҳурмат билан муносабатда бўлган Н.Г.Чернишевский бу асарни кўп марта қайта-қайта ўқиб чиқади. Эртакларнинг сеҳрловчи кучи улғу адибнинг хаёлини банд этади. У ёзади: “Мен ёшлигимда “Минг бир кеча”эртакларига мафтун бўлган эдим.Кейин ёшим улғайганда ҳам бу ажойиб тўпламни бир неча марта қайта-қайта ўқиб чиқиб, ҳар гал янгидан мафтун бўлганман. Мен прозанинг жуда кўп гўзал намуналарини биламан, лекин бундан гўзалроғини билмайман” [9, 8].

Характерлиси шундаки, Шарқ адабиётининг самарали таъсирини Чернишевский бевосита ўз ижодида ҳис этган эди. Бу жиҳатдан адибнинг “Қиссалар ичида қиссалар” романи диққатга сазовордир.

“1863 йилда Петропавловск зиндонида ёзилган адабий-баллетристтик ва ҳам илмий-танқидий характерга эга бу асар, муаллифнинг ўзи қайд қилганидай,-деб ёзади Н.Комилов, бевосита “Минг бир кеча” таъсирида дунёга келган: “Менинг “Қиссалар ичида қиссалар” романим тўғридан-тўғри “Минг бир кеча”нинг ажойиб эртакларига нисбатан муҳаббатим туфайли пайдо бўлгандир [4, 225].

“Минг бир кеча” асари нафақат Ғарб адиблари ижодига балки, ўзбек халқ оғзаки ижоди ва мутафаккир адиблари ижодига ҳам самарали таъсир кўрсатганини қайд этмоқ зарур.

ADABIYOTSHUNOSLIK

Чунончи, Хоразм халқ эртақларидан бўлмиш “Тухматчилар жазоси” [10, 14-18] эртаги, “Ўрозбой билан Олтинжон”, “Камбағал хотин” [8, 100] эртақларининг сюжети ҳам “Минг бир кеча” ҳикоятлари сюжетига ўхшашдир.

Булардан ташқари Ҳ.Ҳ.Ниёзийнинг “Майсаранинг иши” [12, 73] комедияси ҳам деярли худди шунинг ўзи. Чунки, бу комедияда “Минг бир кеча” асарининг “Шаҳзода ва етти вазир” бобидаги олтинчи вазир ҳикояти сюжетига жуда ҳам яқинлигини сезишимиз мумкин.

“Минг бир кеча” асарининг “Шаҳзода ва етти вазир” ҳикоятидаги канизакнинг шоҳга сўзлаганлари орасида “Канизак билан заргар” [5, 399] воқеаси ҳам ўрин олган. Унда канизак шоҳга бир дурадгорнинг суратдаги қизга ошиқ бўлганлиги-ю, ишқ дардига муфтало бўлиб, қизни топиш учун ҳар қандай машаққатга розилиги ҳақида сўзлаганлари бор. Ҳикояда келтирилишича дурадгор йигит суратдаги қизга ошиқу беқарор бўлиб, ишқ дарди уни бетоб қилиб кўяди. Бир кун дўстларидан бири унинг ҳолидан хабар олгани келиб, бетоблигининг сабабини сўраганида, у: “...Э биродар, дардим оғир, касалимнинг сабаби юрагимга тушган ишқдан. Мен фалончи дўстимнинг уйида осиглиқ турган суратга ошиқ бўлиб қолдим”, -деган эди, дўсти койиб: “...Жинни бўлгансан, дўстим. Суратга киши ошиқ бўладими, ахир, у жонсиз нарса-ку, шу ҳам гап бўлдимиз?-Рассом қандайдир бир гўзал хотиннинг суратини чизганда”, -дейди [5, 400].

Уқорида келтирилган воқеалар жараёнидаги айрим лавҳалар сўз мулканинг султони Мир Алишер Навоий ҳазратларининг “Сабъайи сайёр” асаридаги айрим лавҳаларга ўхшаб кетади. Эсланг: Овни яхши кўрадиган шоҳ Баҳром саҳрода кезиб юрган йўловчини олдиға чақириб, ундан кимлигини сўрайди. У шаҳарма-шаҳар кезиб, шоҳ Баҳром билан учрашиш орзусида эканлигини, унга қалбидаги сирни айтмоқчилигини, ўзи эса бир рассом эканлигини сўзлайди. Шоҳ Баҳром ўзини танитгач, у дейди: “ Эшитишни лозим кўрсалар, уни арз этайин: мени жаҳон эллари Моний деб атайдилар. Хотирим жуда кўп билимлар билан бойиган, лекин дунёда рассомлик билан шухрат қозонганман” [1, 386].

Шундан сўнг жаҳонгашта рассом-Моний кўп мамлакатларга бўлгани-ю, кўп ҳодисалардан хабардор эканлиги сўзларкан, шулар қаторида Хитойда ҳам бўлиб, бир савдогарнинг базмида соз чалгувчи қизни кўрганини айтади: “ У шундай маҳваш-гўзал ўйинчики, уни кўриб бутун Хитой – Чин халқлари безовта бўлиб қолган. Одам боласи унга шунчалик ўз жонини бергудек бўлади-ки, мабодо, бирон одам уни кўрганда жон бермай қолса, у гўзал ўз қўлиға чанг оларкан, энди унинг ҳолиға вой, деяверинг. Агар унинг чанги жонфидо садо чекиб, ўзи у оҳангга жўр бўлиб наво қиладиган бўлса, адоий тамом бўлади...” [1, 389].

Рассом бу қизнинг суратини чизганини айтиб, Баҳром шоҳга уни кўрсатади. “Шоҳ эса бу парининг суратини кўриши билан девона бўлиб қолди” [1, 389].

Шаҳзода ва етти вазир” бобининг “Канизак ва заргар” ҳикоятида эса заргарни кўргани келган кишилар суратни чизган рассомни суриштира бошлайдилар. Рассом бир шаҳарга кетган экан, топилмайди. “Биродарлари унинг ҳолиға ачиниб, рассомга кўйидаги мазмунда хат ёзиб: “Суратингни хаёлдан чиқариб чизган эдингми ёки дунёда шундай аёлни кўрган эдингми?”-деб сўрадилар. Рассом эса уларга : “ Мен Ҳинд мамлакатининг Кашмир шаҳри вазирларидан бирининг созанда канизагининг суратини чизган эдим”, -деб жавоб ёзди” [5, 400].

Кўрганимиздек, Алишер Навоийнинг Баҳроми “Минг бир кеча”даги заргар йигит, Дилоромкашмирлик созанда-канизак, рассом Моний – “Минг бир кеча”даги қайсидир рассом. Бу - образлардаги ўхшашлик. Лавҳалардаги ўхшашлик эса, Баҳромнинг (ёки заргарнинг) гўзал қиз суратини кўриб, ошиқ бўлиши, иккаласининг ҳам ишқ дардида бетобланиши, ҳуснда тенги йўқ Дилоромхитойлик савдогарнинг созандаси, ҳикоятдаги гўзал қиз – Ҳинд мамлакатининг Кашмир вилояти вазирларидан бирининг созанда канизаги .

Бироқ, Навоийнинг Баҳроми-шоҳ, ҳикоят қаҳрамони-заргар, шоҳ Баҳром учун у қиз Хитойнинг бир йиллик хирожидан воз кечиш эвазига эришиладиган маъшуқа, ҳикоятдаги заргар учун ҳийла-найранг ишлатиш орқали эришиладиган маъшуқа. Чунки ҳикоятда заргар туғилиб ўсган Форс мамлакатидан Ҳинд мамлакатига бориб, у ерда

турли хийла-найранглар ишлатиб, қизни ўз юртига олиб қочиш лавҳалари ифода этилади.

Диққат қилсак, “Минг бир кеча”даги бу ҳикоят (“Канизак ва етти вазир) аслида канизакнинг ўзининг нопок ишини хаспўшлаш мақсадида эркалар ҳам ишқ йўлида қўлидан келган макру хийласини ишлатиши мумкинлигини исботлаш учун шоҳга сўзлаб берганларидир. Янада чуқурроқ таҳлил қиладиган бўлсак, бу ҳикоятни Шаҳризода ўз хожаси – Шаҳриёрни ишқ йўлида нафақат аёллар, балки эркалар ҳам ўзлигини йўқотиб қўйишини мумкинлигини айтиб, унинг ғазаб ўтини сўндиришга бўлган ҳаракати деб тушунамиз. Ғоя эса маълум-ишқ домига тушиб қолган шахсни айбламаслик. Бироқ биз ҳамisha ҳам “Минг бир кеча” илгари сурган ғояларга қўшила олмаслигимиз аниқ.

Алишер Навоийнинг бу сюжетни бошқачароқ ифода этиб, уни кенгайтириб, ишқ деб аталмиш бу туйғуни эъзозлаган ҳолда Баҳром Гўр образи орқали кўрсатган.

Навоий бу сюжетдан ўзининг илғор ғояларини ифода этиш мақсадида фойдаланиб, қолипловчи ҳикояга кирган новеллаларни ихчамлаштириб, мазмун ва шакл жиҳатидан мукамал асар яратишга муваффақ бўлган. Муҳими шундаки, Алишер Навоий етти ҳикояни дostonнинг асосий қисми бўлиб ҳисобланувчи қолипловчи ҳикоя билан чамбарчас боғлаган. Бу боғланиш санъаткорнинг маҳорати туфайли еттинчи ҳикоя орқали усталик билан амалга оширилган. Бу эса дostonнинг бир бутун композицион занжирга эга бўлган асар сифатида шаклланишини таъминлаган.

Юқорида келтирилган ҳикоятдан ташқари “Минг бир кеча” асарининг биринчи жилдида “Савдогар Айюб билан унинг ўғли Ғаним ибни Айюб” ҳикояси бор [5, 343] Ундаги ҳикоят тафсилотида аҳамият берсак, воқеалар ривожи адиб Ғ.Ғуломнинг ўзбек халқи учун севимли бўлиб қолган “Шум бола” [11, 141] асаридаги китобни энг қизиқарлилик даражасини оширган лавҳалардан бирига жуда ҳам ўхшаб кетади [11, 64].

Хулоса. Бу лавҳаларга аҳамият берсак, адиб Ғ.Ғулом ўз асарида “Минг бир кеча”даги юқорида зикр этилган ҳикояти лавҳаларидан завқ олиб, ўзининг “Шум бола” асарида қўллаган.Натижада, Ғ.Ғуломнинг “Шум бола” асаридаги мазкур ўхшаш лавҳалар асарни қизиқарли чиқишига олиб келган ҳамда бир-биридан завқли лавҳалар ичида энг юқори чўққини эгаллаган. Чунки ёзувчи “Минг бир кеча” ҳикоятидаги қулнинг тўқиган ёлғонларини бир оз ўзгартириб, бир оз кенгайтириб, шум бола образига сингдириб, унга ўзбекона руҳ бағишлаган. Ғ.Ғулом ўз асарини китобхонга тақдим этар экан, бу билан у ўзбек адабиётида ўз ўрнини мустаҳкам эгаллади, йиллар оша, асрлар оша ўз жозибаси, ўқимишлилик кучини йўқотмайдиган бир ўлмас асар яратишга эришди.

Юқорида қайд этиб ўтилган бундай сара асарларнинг бунёд бўлишига табиийки, “Минг бир кеча” асарининг ҳиссаси беқиёслигини тан олмай иложимиз йўқ.

АДАБИЁТЛАР

1. **Navoiy A.** Xamsa. – Т.: Yangi asr avlodi, 2010. – 346 b.
2. **Бокаччо Ж.** Декамерон./пер.с итал.А.Н.Веселовкого. – Т.: Ёзувчи, 1991. – 667 с.
3. **Гринцер. П.А.** Литературные и фольклорные связи санскритской обрамленной повести, «Типология и взаимосвязи средневековых литератур Востока и Запада». – М.: Наука, - 229 с.
4. **Комилов Н.** Тафаккур карвонлари. – Т.: Маънавият, 1999. – 279 б.
5. Минг бир кеча. Араб эртаклари /С.Муталлибов тарж. – Т.: Янги аср авлоди, 2008. 8жилдлик . 2 ж. – 199 б.
6. **Рифтин Б.Л.** Типология и взаимосвязи средневековых литератур Востока и Запада. – М.: Наука, 1974. – 210 с.
7. **Салье М.** Тысяча и одна ночь. – Ашгабат: Туран-1, 1993. в 8 и томах.Т.2. – 255 с.
8. Хоразм эртаклари./Нашрга тайёрловчи Ф. Абдуллаев. – Т.: Ғ.Ғулом, 1961. – Б. 14-18.
9. **Чернишевский. Н.Г.** Повести в повести. – Грозный.1951. – 265с.
10. **Ўзбек xalq ertaklari.** /Tuzuvchilar: M. Abzalov, X. Rasulov, Z. Xusainova. 3 jildlik. J.2. – Т.: Шарқ, 2002. – 367 б.
11. **Ғулом Ғ.** Шум бола. – Т.: Фафур Ғулом, 2016. – 248 б.
12. **Ҳамза.** Тўла асарлар тўплами./Таҳрир ҳайъати Н.Каримов ва бошқ. – Т.: Фан, 1989. 5 жилдлик. Ж.4. – 345 б.

УДК:891.709

**ФУЗУЛИЙНИНГ “ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН” ДОСТОНИДА ФАНО ТАЛҚИНИ
ПОЭТИЧЕСКОЕ ТОЛКОВАНИЕ НЕБЫТИЕ (ФАНА) В ЭПОСЕ ФУЗУЛИ «ЛАЙЛИ ВА
МАЖНУН»**

**POETIC INTERPRETATION OF NONEXISTANCE (FANA) IN THE EPIC “LAILI AND
MAJNUN” OF FUZULI**

Қаҳҳорова Шаҳноза Абдимуминовна

ҚаршДУ адабиётшунослик кафедраси доценти, филология фанлари номзоди

Таянч сўзлар: солик, мақом, сулук, фано, бақо, ваҳдат ул-вужуд, унс, нафс, нафси аммора, тавҳид, жамъ, тафриқа, саҳф, суқр.

Ключевые слова: странник, стоянки, странствие, небытие, вечность, близость, дружба, душа, душа, склоняющаяся ко злу, единство Божье, собрание воедино, разъединение, духовная трезвость, духовное опьянение, упоенность.

Key words: wanderer, makom, wandering, nonexistence, eternity, proximity, friendship, soul, soul inclined to evil, the unity of God, gathering together, disconnection, spiritual sobriety, spiritual intoxication, ecstasy.

Мақолада Муҳаммад Фузулийнинг “Лайли ва Мажнун” достонида ижодкорнинг тасаввуфий қарашлари, хусусан, фано ва бақо мақомининг бадиий талқини ҳақида фикр юритилган.

В статье рассматриваются о взглядах автора согласно суфизму, в частности, о художественной интерпретации статуса фано и бако в эпической поэме “Лайли и Мажнун”.

In the article It is conceived about the views of the author according to Sufism, particularly, about the artistic interpretation of the status of FanoendBaka in the epic poem of “Layli end Majnun”.

Кириш. Фано ислом дини пайдо бўлгандан икки аср ўтиб, яъни IX асрда тасаввуфий техник термин сифатида қўллана бошлаган.[2,32]Фано барча сулукларда тариқат йўлига кирган соликнинг олий мақсади, энг сўнгги манзили сифатида катта аҳамият касб этади. “Фано” луғатларда “йўқ бўлиш”, “ажал”, “ўлиш”, “ўткинчи”, тасаввуф истилоҳи сифатида эса “ўзликни йўқотиб, бутун борлиқдан кечиб илоҳиятга сингиш”, тўлиқ шакли “алфанаау филлааҳ”, яъни “Аллоҳга фоний бўлиш” деган маънони англатади [7,161].

Эронлик олим Саййид Жаъфар Сажжодий “Мусталаҳоти урафо” асарида “фано” сўзини шарҳлаб ёзади: “Фано” калимаси билан мазмуна сифатлар (ёмон сифатлар)нинг соқит этилишига ишора қиладилар ва “бақо” калимаси билан маҳмуда сифатлар (мақталган сифат) қиёмига ишора этадилар [3,142]. Демак, фано соликнинг ўзидаги барча ёмон сифатларни йўқ қилиш йўли билан Аллоҳга яқинлик ҳосил қилишдир. Тасаввуфда солик фано мақомига етгач, Аллоҳнинг ҳақлиги ва улуглиги тўғрисидаги фикру зикрга ғарқ бўлиб, бу фоний дунёдаги жамики нарсаларни унутади.

Асосий қисм.Тасаввуф илми ҳол мажмуи бўлиб, унда *фано* ҳам инсон маънавий камолотининг энг юқори мақоми, юсак даражадаги ҳол сифатида эътироф этилади. Вужуди мутлақ билан қовушиш, яъни инсон руҳининг илоҳий руҳга қовушмоғидир. Фано Сайёрнинг *жамъ ва тафриқа*, Мансур Халложнинг *аналҳақ*, Жунайд Бағдодийнинг *саҳф*, Боязид Бистомийнинг *суқр*, Ҳорис Мухосибийнинг *тажриди тавҳид* каби алоҳида таълимотга айланган Муҳйиддин ибн Арабийнинг ваҳдат ул-вужуд ғоясининг моҳиятини ифодалайди.

Боязид Бистомий номи тасаввуф илмида Аллоҳга бўлган муҳаббат орқали ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини поклаш, Аллоҳга фоний бўлиш, Аллоҳга боқий бўлиш фикрини илгари сурганлиги билан машҳурдир. У Робия Адавия илгари сурган таъмасиз

муҳаббат ғоясини сўфий руҳияти билан боғлади. Унинг уқтиришича, ваҳдат ва фано шундай бир руҳий ҳолатда юз берадики, солиқ худди шароб ичган одамдай маст бўлиб ўзини унутади. Боязид ал-Бистомий ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини поклашни одамлар олдида ҳам, ўз-ўзи олдида ҳам риё, ёлғон кабилардан кўркмаслик, балки Аллоҳга муҳаббат ва садоқатни тушунган. Унинг фикрича, асосийси, Аллоҳга фаний бўлиш ва шахс сифатида “Мен”дан воз кечиш ҳисобланади. Бинобарин, Боязид Бистомий таълимоти боис фано ва бақо тасаввуфда муҳим масала бўлиб қолди.

Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат”да гувоҳлик беришича, фано ва бақо таълимотидан биринчи бўлиб сўз очган киши бу шайх Абу Саъид Харроздир[5, 42]. Шайх Абу Саид Харроз фанонинг уч турини ажратиб кўрсатган: биринчи – фанои афъол бўлиб, қул (солик)нинг ўз нафси ва сифатларидан фано бўлиб, Ҳақ сифатларига эга бўлишидир. Иккинчи – фанои сифот: қул (солик)нинг Ҳақни билиш билан Ҳақнинг сифатларидан ҳам фано бўлиши. Учинчиси – фанои зот, яъни қул (солик)нинг Ҳақ борлиғига фанолигидир.

Озарбайжон халқининг забардаст шоири Муҳаммад Фузулий тасаввуфга доир маълумотларнинг деярли барчасини ўзлаштириб, ўз фаолиятида уларнинг бадиий талқини борасида катта муваффақиятларни қўлга киритди. Хусусан, “Лайли ва Мажнун” достони жаҳон адабиёти хазинасини юсак бадиий тафаккур дурдонаси билан бойитиш қаторида тасаввуфнинг ишқ, тавҳид, истиғно, фано ва бақо каби муҳим тушунчаларининг ҳам бадиий талқинини намоён этди. Фузулийнинг мазкур асари ундан олдин яратилган дostonлар қаторида айрим жиҳатларда ўхшаса-да, бир қатор услубий, ғоявий, бадиий ўзига хосликларибилан фарқ қилади. Шу билан бирга, ижодкор Мажнун образи орқали сўфийнинг маънавий қиёфасини моддийлаштиришга ҳаракат қилган.

Маълумки, Низомий Ганжавийнинг “Лайли ва Мажнун” достони мавжуд кўпгина афсоналарнинг шоир томонидан қайта ишланиши, ижодкорнинг бадиий тафаккури синтезидан ўтиши натижасида вужудга келган асари бўлиб, унда дунёвий турмуш тарзи, инсоний ҳаётнинг энг муҳим жиҳатларини ёритиши билан характерланади. Алишер Навоий яратган дostonда уч асосий ғоя: дунёвий, илмий, тасаввуфий қарашлар ўз аксини топган. Фузулий достонининг бошланмасида уч рубоий келтирилиб, уларда шоирнинг асарга тасаввуфий ёндашуви намоён бўлади. Жумладан, уларнинг иккинчисида ҳақиқатни излаб мажоз йўлидан боришини, афсона баҳонасида дилидаги розни, сирни, яъни фанои (“*Ким, аввали ғам, сўнги фанодир*”) акс эттиришни мақсад қилиб олгани ёрқин акс этади. Лайли ишқини куйлаш бир баҳона, сабаб, аслида шоир Лайли мисолида Ҳақ васфини куйлашни, Мажнун тили билан шоир ўз дилидагилар – тасаввуфда солиқ руҳий камолотининг энг камолотга етган мақоми фақру фано йўлини тасвирлаб беришни ният қилишини таъкидлайди:

*Тутсам талаби ҳақиқата роҳи мажоз,
Афсона баҳонасила арз этсам роз.
Лайли сабабила васфин этсам оғоз,
Мажнун дили ила этсам изҳори ниёз [6,5].*

Фузулий яратган Мажнун Навоий “Хамса”сининг икки қаҳрамони Фарҳод ва Мажнун каби туғма истеъдоди кўринган мажзуб солиқдир. Мажнун – туғма Ҳақ жазбаси теккан, Ҳақ жамолини кучли шавқ билан соғинган солиқ тимсоли. Лайли эса мазҳар. Шоир эндигина туғилган чақалоқни “*Бир тифли музаккару музакко. Хуршид киби тифлликда комил*” деб таърифлаган. Мажнун дунёга келиши биланоқ, “*Эй ишқ, ғариби олам ўлдим, Овораи водийи ғам ўлдум*” деб дод солади. Демак, илоҳий ишқ унга жибиллий, ғам водийси, оҳу ноласи солиқ руҳининг илоҳиётга эришаётганидан нишона. Фузулий бу ҳолни “*аҳли ҳолға маълум*” бўлган “*нусахаи ишқнинг тимсоли*” дея таъкидлайди. Ишқ уни “*Кун-кундан эдиб камол хосил, Ул моҳи нав ўлди бадри комил*”. Ғам, дард, бало солиқни Руҳи мутлаққа яқинлаштиради.

*Сармастда ихтиёт ўлмаз,
Мадхушда эътибор ўлмаз.
Жон ўлди ғаминг йўлинда барбод,
Таъвиши фанодин ўлдим озод [6,21].*

ADABIYOTSHUNOSLIK

Мажнуннинг отаси Каъбани тавоф этса, зора дардига шифо топса, деб умид қилади. Лекин Мажнун “Қил қобили саодати фақру фано мани” деб илтижо қилади. Иложсиз қолган ота ўғлини қайтариб олиб келади ва у яна саҳрога чиқиб кетади. Ошиқ ва ошиқликнинг бу хусусиятини тасаввуф назариётчилари “тафрид” (ёлғизланиш) деб атаганлар. Ошиқ шундай бир ҳол мартабасини эгаллайдики, ўзига ўхшаганлар, яқинларидан безор бўлади, инсон зотини ёқтирмайди. У яқкаликни, ёлғизликни қўмсайди ва саҳрога чиқиб кетади. “Ва жумладан ҳеч кимга бўйсунмайди, ўз руҳини ёлғиз тутишни хоҳлайди ва халқдан узлатга чекинади”[4, 132]. Ёлғизланиш дилнинг Ҳаққа юзланиши учун имкон яратади, Ёр ёдини фикрдан қувадиган ағёрлардан халос этади.

Мажнун ўн ёшга тўлганида “таълими улума етти навбат”. Бу ўринда тариқат боқичини босиб ўтиб, маърифат босқичига етган солиқ тасвирланади. Фузулий Алишер Навоий каби Мажнуннинг илм эгаллаш ҳолатини батафсил ёритмайди, балки Лайли портретини бериб, “Қайс они кўриб ҳалок ўлди, Минг шавқ ила дарднок ўлди” дейди. Шоир Лайлининг гўзал портретини чизиш билан Ҳусни мутлақнинг таърифини келтирганки, Лайлига боқиб Мажнун (“Бир кўзгуга гар очиб кўзини, Кўзгуда кўрарди ўз-ўзини”) ўз-ўзини кўзгуда кўргандай бўлди. Бу билан шоир сўфиёна маъно: фанога етган солиқ руҳида Илоҳ сифатларининг мужассам топганлигини таъкидлайди.

Худди шу ҳолатни Фузулий дostonдаги “Бу сифти Мажнундир ва ибтидои меҳнати фузундир” бобини яратишда фано назариясининг асосчиси Боязид Бистомий ҳаётини акс эттирган “Ҳикоят қиладиларки, “бир киши шайх Боязид уйи олдиға келдию уни чақирди. Ичкаридан шайхнинг овози эшитилди: “Кимни ахтараяпсан?” Деди: “Боязидни”. Деди: “Уйда Худодан ташқари ҳеч ким йўқ” [1, 128] деган ҳикоятга ҳамоҳанг мисраларни яратганки, бу ҳолат солиқнинг фанога етиш жараёнининг бадиий талқинини беради:

*Ул ики суманбару саҳи қад,
Бир-бирига ўлдилар муқайяд.
Ул иккихароби бодаи завқ,
Бир жомдан ичдилар майи шавқ.
Гирдобу балоя ўлдилар фарқ,
Қолмади ароларинда бир фарқ.
Авзои муҳолиф ўлди яқсон,
Гўё икки танда эди бир жон,
Ҳар ким сўрар ўлса Қайса бир роз,
Лайлидан анга етарди овоз.
Ким Лайлия қилса бир хитоби
Қайс эди анга веран жавоби [6,25].*

Ёки Ибн Салом вафот этиб, Лайли уйига қайтади ва Мажнунга ёр бўлиш учун уни излаб саҳрога боради. Лекин Мажнуннинг ҳуши ўзида эмас, энди унга Лайли керак эмас эди. Чунки Лайли унинг учун хаёлий тимсолга айланиб бўлган эди.

Фано мақоми солиқнинг Ҳақ билан бирлик хосил қилишини ҳам талаб этади. Тасаввуф таълимотида олам юлдузлар, ой, куюш, одамлар, ҳайвонлар, қушлар, капалаклар ва бошқа жами нарсалар худонинг зухуротидан иборат. Уларнинг бирлик риштасини идрок этиш ва улар билан ўз хилқати ваҳдатини таъминлаш солиқнинг юксалишига омил бўлади. Шунинг учун ҳам Фузулий дostonининг “Бу шукуфаи гулзори тавҳиддур ва навбаваи бўстони тамжиддур” деб номланган бобида ана шу ўзак масала ўзига хос талқинларда зикр этилади:

*Эй мабдаи файзи офариниш,
Сандин равшан чироғи биниш!
Эй пардаи мосиво ниқобинг,
Сандин ўзга санинг ниқобинг!
Эй сирри вужудингамри маълум,
Мавжуд ҳамин сан, ўзга маъдум! [6,6]*

Ҳақнинг воҳидияти Мажнунга ўзини кашф этишга асос бўлади. Борлиқ, барча гўзалликлар ва энг юксак ақл-тамиз фақат Аллоҳда ва ундангина ёғилиши, у аслларнинг асли, ўзакларнинг ўзаги эканлиги; фақат у ҳамиша борлиги, яқка-ягона

эканлиги сўфийни ҳайратга солади. Бу ҳайрат шунчалик кучлики, энди унинг ақлида, кўнглида ва кўзида фақат Ҳақ жилваланади ва ўша жилвадан ҳайратланиш барқарор қолади. Шу ҳайрат манбаи учун у ҳамма нарсадан: бойлик, давлат, кишилар ўзилигидан воз кечиб, “фано филлоҳ”га эришади. Фузулийнинг маҳорати шундаки, улуғ санъаткор ишқ-муҳаббат, тавҳид тушунчаларини ниҳоятда юксак баҳолаб, уни макон ва замондан ажратиб олган ҳолда эмас, балки шу ҳаёт бағрида туғилиб, ўсиб яшаётган инсон атрофидаги табиат, воқеа ва ҳодисаларга боғлаб, улар ўртасидаги қонуний ва мантиқий алоқаларни тушунган ҳолда тасвирлайди.

Тасаввуфда фано билан биргаликда бақо тушунчаси ҳам мавжудки, Фузулий мана шу фано ва бақонинг бадиий талқинини бера олган. Бақо, яъни абадий бирликни фақат бирлик, ўлим воситасида тасвирлаш мумкин бўлади. Бошқа ҳеч қандай ҳолатда уларнинг бирлигини исботлаш мумкин эмас. Лайлининг ўлими, Мажнуннинг Лайли қабрига бориб ўша ерда вафот этишида тасаввуфдаги ваҳдат ул-вужуд тушунчаси ўз аксини топган. Достондаги Лайли ва Мажнуннинг вафотидан кейин Зайднинг кўрган туши, яъни икки севишганнинг жаннатда бирга юриши тасвири бақога етган солиқ ёки касратдан ваҳдатга етган солиқнинг бадиий талқинидир.

Фузулий Лайли вафот этган пайтда Мажнун тилидан айтилган бир ғазални келтирадики, унда шоирнинг фано, бақо, ваҳдат ул-вужуд хусусидаги фикрлари яққол кўзга ташланади:

*Бу оламким, кўнгул, қайдин чекарсан меҳнату ғамдир,
Фано сарманзилин сайр айлаким, бир хушча оламдир.*

*Онғуб танҳолиғи қабр ичра нафрат қилма ўлмакдан,
Тарийқи унс тутким, ҳар ҳовуч тупроқ бир одамдур.*

*Дағил маҳкам жаҳон мулкинда ҳар бунёдким қилсанг,
Бақо мулкинда тут манзилким, ул бунёд маҳкамдур.*

*Ажал олойиши хавфу хатардан қурторар нафси,
Бу жавҳар кимиёи нафса бир иксири аъзамдур.*

*Камоли ишқи инсон мавт иландур роҳи ҳикматда,
Бале, мужро қилан ҳукмин мисолин нақши хотамдур.*

*Баҳор айёми кирсанг полазора хок ажзосин,
Муҳаққар кўрмаким, ҳар зарра бир жом ила бир жамдур.*

*Асири нафсдур аҳли жаҳон билмаз фано қадрин,
Фузулий, тарк тажриди санга онжақ мусалламдур [6,171].*

Ғазалнинг биринчи байтида бу олам меҳнат ва ғамдан иборат эканлиги, фано хуш манзил, агар абадийлик истасанг, бақо мулкани маҳкам тутиш лозимлиги; ажал, ишқ кимё, унда ҳикмат кўплиги, албатта, солиқни фано ва бақога етказувчи воситалар эканлиги таъкидланади. Ғазал мақтаъсида эса шоир ўзига мурожаат қилиб, нафсга асир жаҳон аҳли фано қадрини билмайди, сен учун ваҳдат ул-вужуд ягона мақсад бўлиб қолсин, деб таъкидлайди. Бу ғазал бутун дoston ғоясини ёритиб беришга хизмат қилган.

Хулоса. Фузулийнинг “Лайли ва Мажнун” достони дунёвийлик билан бирга тасаввуфий дoston бўлиб, унда шоир моҳирлик билан фано ва бақони мақсад қилган солиқни Мажнун, Руҳи Мутлақни Лайли тимсолида ярата олди.

АДАБИЁТЛАР

1. **Аттор Фаридудин.** Тазкират ул-авлиё. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1997. – 175 б.
2. **Бертельс Е.Э.** Суфизм и суфийская литература. Избранные труды. – Москва: Наука, 1965. – 528 б.
3. **Комилов Н.** Тасаввуф ва комил инсон ахлоқи. – Тошкент: Ёзувчи, 1996.
4. **Комилов Н.** Тасаввуф. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. – 272 б.
5. **Навоий Алишер.** Насойим ул-муҳаббат. – Тошкент: Фан, 2001. – 401 б.
6. **Фузулий.** Лайли ва Мажнун. – Тошкент: Ф. Фулом, 1988. – 121 б.
7. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2-том. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. – 878 б.

УДК(809)8И

Т – 50

**ЭМИЛЬ ЗОЛЯНИНГ АСАРЛАРИДА КУНДАЛИК ҲАЁТНИ НАТУРАЛИСТИК
ТАҲЛИЛ ЭТИШГА ИНТИЛИШ**

**СТРЕМЛЕНИЕ К НАТУРАЛИСТИЧЕСКОМУ АНАЛИЗУ ДЕТАЛЕЙ БЫТА
ВПРОИЗВЕДЕНИЯХЭМИЛЯЗОЛЯ**

**THE ATTEMPT FOR A NATURALISTIC ANALYSIS OF MODE OF LIFE
IN THE WORKS OFEMIL ZOLYA**

Тоирова Дилфуза Файзуллаевна

заведующий кафедры Языков СФ ТУИТ, д.ф.н. (PhD)

Таянч сўзлар: революция, жаҳон адабиёти, ривожланиш, куч, гуруҳ, озодлик, эпоха, поэма, романтизм, натурализм, жамият.

Ключевые слова: революция, мировая литература, развитие, власть, комунна, свобода, эпоха, поэма, романтизм, натурализм, общества.

Key words: revolution, world literature, development, power, commune, freedom, epoch, poem, romanticism, naturalism, societies.

XIX аср охирида Куба озодлик учун курашди, 1910 йил Мексикада, 1911 йил Хитойда революция бошланди. Адабий кураш авж олди. Давр ёзувчи олдида катта талаблар қўйди. Адабий кураш авж олди. Адабиётда ҳеч қачон XIX аср охири ва XX аср бошларидагидек бир вақтнинг ўзида кўплаб оқимлар юзага келган эмас. Натурализм назарияси Эмиль Золя ишларида илғари сурилди. Эмиль Золя инсонни ўраб турган атроф-муҳит, профессионал меҳнат, нарса ва ҳодисалар тасвирига катта эътибор қаратди. Ёзувчи илмий ва профессионал аниқлик билан бу нарсаларни ўз асарларида қайта яратади. “Онғисизлик ва уятсизлик” даврининг мантиқий натижалари франко-прусс уруши давомида Франциянинг инқирозига сабаб бўлди. “Мағлубият (Defeat)” асари нафақат армиянинг, балки шарт-шароит (режим)нинг мағлубиятини намоён этади. Золя халқнинг патриотлиги, солдат ва офицерларнинг мардлигини ҳукуматнинг ночорлиги, бошқарувчилик уқувининг йўқлиги, буржуазиянинг қўрқоқлиги ва сотқинлигига қарама-қарши қўяди.

В конце XIX века борется за свою свободу Куба, в 1910 году начинается революция в Мексике, в 1911 году – в Китае. Литературная борьба обостряется. Жизнь выдвигает перед писателями все новые задачи. Пожалуй, ни в одну эпоху не развивалось одновременно столько различных направлений в литературе, как в конце XIX и XX веков. Теория натурализма была изложена в работах Золя. Эмиль Золя придавал большое значение описанию среды, обстановки, профессионального труда, вещей, окружающих человека. С почти научной, профессиональной достоверностью воссоздаёт он в своих романах. Закономерным итогом «эпохи безумия и позора» явилось поражение Франции, позорная капитуляция во время франко-прусской войны. Роман «Разгром» посвящён не столько поражению армии, сколько поражению режима. Беспомощности и растерянности правительства, бездарности командования, трусости и продажности буржуазии Золя противопоставляет патриотизм народа, мужество солдат и офицеров.

At the end of the XIX century Cuba was fighting for its freedom, in 1910 the revolution began in Mexico, in 1911 – in China. Literary struggle escalates. Life puts forward new challenges for the writer. Literary struggle escalates. Perhaps, in any era did not develop at the same time as many different directions in the literature, as in the end of XIX and in the XX century the Theory of naturalism was given in works of Zola. Emil Zola attached great importance to the description of the environment, professional work, things surrounding people. With almost scientific, professional accuracy he recreates in his novels. The logical result of the " era of madness and shame " was the defeat of France, the shameful capitulation during the Franco-Prussian war. The novel "Defeat" is dedicated not so much to

the defeat of the army as to the defeat of the regime. The helplessness and confusion of the government, the mediocrity of command, cowardice and venality of the bourgeoisie Zola contrasts the patriotism of the people, the courage of soldiers and officers.

Введение. В полувековой период от Парижской коммуны 1871 г. до Великой Октябрьской социалистической революции отмечен существенными сдвигами в общественной жизни народов, сказавшимися и на развитии мировой литературы.

Капитализм вступает в новую фазу своего развития. Всесильные монополии подчиняют себе весь мир. Но растёт и сопротивление их власти. Все активнее и решительнее в странах Европы выступает рабочий класс. Парижская коммуна явилась первым опытом завоевания власти пролетариатом. Широкий отклик в международном рабочем движении вызывает русская революция 1905 г. в странах Латинской Америки и Азии ширится национально-освободительное движение. В конце XIX века борется за свою свободу Куба, в 1910 году начинается революция в Мексике, в 1911 году – в Китае [2, 155-171].

Основная часть. В основной части статьи о том, как жизнь выдвигает перед писателем все новые задачи. Литературная борьба обостряется. Пожалуй, ни в одну эпоху не развивалось одновременно столько различных направлений в литературе, как в конце XIX и в XX в. Но главным направлением в литературе новейшего времени остаётся реализм. Новое понимание задач искусства характерно прежде всего для живописцев, вступивших в 60-х годах в полемику с академическим искусством. Художники-импрессионисты (по-французски «impression» означает «впечатление») [1, 119]– Эдуард Мане, Клод Моне, Огюст Ренуар, Поль Сезанн, Эдгар Дега, Камиль Писарро, Альфред Сислей, продолжая национальные традиции, стремились с наибольшей непосредственностью и искренностью воссоздать гармонию природы и сцены повседневной жизни. Они смело пользовались колористическими возможностями живописи, создавая поэмы на полотне, полные света, ликующие и как бы восполняющие недостаток поэзии в самой действительности.

В отличие от них натуралисты, выступавшие в 70-х годах преимущественно в литературе их возглавил Эмиль Золя, стремились к документальному, научно-объективному отображению буржуазных отношений.

Теория натурализма была изложена в работах Золя: «Экспериментальный роман» (leRomanexpérimental, 1880), «Натурализм в театре» (leNaturalismeautheater, 1881), «Романисты-натуралисты» (lesRomamanciersnaturalistes, 1881) и др.

Прежде всего Золя ставил перед собой задачу приближения искусства к жизни. Отвергая субъективизм и произвол фантазии, он требовал объективного изучения фактов. В этом смысле Золя причислял себя к преемникам Стендаля, и в особенности Бальзака.

Однако при всем уважении к этим замечательным писателям, Золя критиковал их за то, что он называл романтизмом, то есть за те элементы вымысла и преувеличения, которые были связаны у них с их стремлением дать большие обобщения, представить своих героев в наиболее наглядных и выразительных обстоятельствах.

Споря с Бальзаком, Золя сознательно отказывается от всяких обобщений и выводов. «Для меня, - пишет он в «Экспериментальном романе», - более всего важно быть чистым натуралистом, чистым физиологом. Вместе принципов («королевская власть, католицизм») у меня будут законы (наследственность, врождённость). «Я не хочу, как Бальзак, решать – каков должен быть строй человеческой жизни, быть политиком, философом, моралистом. Я удовольствуюсь ролью учёного, буду изображать действительность, ища при этом её внутренние скрытые основания. К тому же выводов у нас не будет».

Золя придавал большое значение описанию среды, обстановки, профессионального труда, вещей, окружающих человека. С почти научной, профессиональной достоверностью воссоздаёт он в своих романах и шахту («Жерминаль»), и железную дорогу («Человек-зверь»), и универсальный магазин («Дамское счастье»), и биржу («Деньги»), и парижский рынок («Чрево Парижа»). Это

ADABIYOTSHUNOSLIK

увлечение фактами, документами, вещами нередко вытесняет или заслоняет человека, подчиняя его фатальной власти среды.

Вместе с тем самое обращение писателя ко многим сторонам человеческой жизни, которые ранее было неприято изображать, несомненно, расширяло рамки реализма. Ведь натуралисты оправдывали свою откровенность именно стремлением передать неприкрытую правду жизни. В частности, в упомянутом романе «Земля» натуралистическая обнажённость и даже известная грубоватость изображаемых сцен являются для писателя способом показать дикость, невежество, грубость, которые царят во французской деревне, где жители обречены на поистине животное существование.

К тому же у такого большого художника, как Золя, взгляд на жизнь был шире, чем это можно было предположить на основе его натуралистической теории. Показывая человека с биологической стороны, исследуя влияние законов наследственности, Золя одновременно разворачивал широкую картину нравов эпохи, с такой же точностью и основательностью изучал и показывал главные социальные противоречия эпохи. При этом натуралистические моменты иногда вступали в противоречие с социальным анализом, а часто лишь дополняли этот социальный анализ и даже усиливали общественные суждения и оценки писателя.

Самое стремление натуралистов показывать изнанку жизни, её тёмные, неприглядные, отвратительные стороны вело к демократизации тематики. В частности, крупной заслугой Золя явилось изображение контрастов богатства и нищеты, кричащих противоречий капиталистической Франции. Подобные контрасты мы встречали во французской литературе лишь у романтика Гюго (например, в романе «Отверженные»). При этом Золя заговорил не просто о бедняке, нищем, а именно о пролетарии. Он обнажил социальную трагедию рабочего класса, не прибегая к идеалистическому истолкованию общественных противоречий в духе извечной борьбы добра и зла, как это было у Гюго.

Стремление к натуралистическому анализу деталей быта, интерес к физиологии сочетались у Золя с тенденцией к созданию циклов романов, охватывающих большие группы людей разных классов, связанных между собой и родственными отношениями, и социальными судьбами. Основной цикл Золя - «Ругон-Маккары»[5:270-279]. Золя называл 20-томную серию романов, вышедших с 1871 по 1893 г., «естественной и социальной историей одной семьи в эпоху Второй империи», т.е. в период правления Наполеона III, продолжавшийся с 1851 по 1871 г. так определены две задачи: во первых, изобразить историю разных представителей семьи Ругон-Маккаров в нескольких поколениях на основании теории наследственности; во-вторых, показать социальную обстановку, в которой живут и действуют Ругон-Маккары [4, 270-276].

Золя назвал 20-томную серию романов, вышедших с 1871 по 1893г., «естественной и социальной историей одной семьи в эпоху Второй империи», т.е. в период правления Наполеона III, продолжавшийся с 1851 по 1871 г. Так определены две задачи: во-первых, изобразить историю разных представителей семьи Ругон-Маккаров в нескольких поколениях на основании теории наследственности; во-вторых, показать социальную обстановку, в которой живут и действуют Ругон-Маккары.

Первая задача явилась отражением натуралистической теории Золя и определила композиционное построение всей серии: во всех 20-ти томах фигурируют представители семьи Ругон-Маккаров, выходцы из города Плассана, стоящие на разных ступенях общественной лестницы, люди разных профессий. Золя прослеживает судьбу детей и внуков Ругон-Маккаров. Ругоны оказываются более цепкими в жизни, унаследовав энергию и расчётливость своего предка-крестьянина Ругона. Потомки бродяги, пьяницы Маккара отягощены дурной наследственностью как со стороны матери, так и со стороны отца: лень, неврастения, алкоголизм проявляются у всех представителей этой семьи, принимая у некоторых из них патологические формы.

Однако «Ругон-Маккары» - это прежде всего художественная летопись жизни Франции в период Второй империи. Золя показывает положение различных классов и

социальных групп: в его романах изображены правящая верхушка, высший свет империи («Его превосходительство Эжен Ругон», «Нина»); крупная финансовая буржуазия, банкиры, спекулянты, для которых режим Наполеон III представлял удобную возможность грабить Францию («Добыча», «Деньги»); мелкая буржуазия, лавочники, являвшиеся опорой режима Второй империи («Чрево Парижа», «Накись»); реакционное духовенство («Поколение Плассана», «Проступок аббата Мурэ»); ремесленники и рабочие («Западня», «Жерминаль»); крестьянство («Земля»); интеллигенция («Творчество», «Доктор Паскаль») и др. Золя отобразил жизнь народных масс с большей широтой, чем его предшественники. Судьбы и характеры героев Золя объясняются не биологическими, а социальными факторами [3, 211-221].

Тщательно изучив жизнь современного общества, Золя с объективностью учёного показал «хозяев» Франции – наполеоновскую аристократию и финансовую буржуазию. Все эти министры и банкиры, чувствуя недолговечность режима Наполеона III, стараются использовать своё положение для обогащения, не задумываясь о судьбе Франции, которая стала их «добычей». Один за другим создаются банки, осуществляются спекуляции, разоряющие тысячи мелких собственников, но выгодные для сотен дельцов. Безумная роскошь, разврат, всеобщая продажность – таковы нравы правящей верхушки Второй империи. Не менее неприглядную картину представляет средняя и мелкая буржуазия, поддерживающая наполеоновский режим. Особенно ярко эта среда изображена в романе «Чрево Парижа». «Чрево Парижа» - центральный парижский рынок, символ сытости, господства «жирных» над «тощими».

Заключение. В заключении мы можем сказать, что вся жизнь лавочников подчинена заботам о собственном благополучии, о сытости; они считают себя «порядочными людьми», с недоверием и неприязнью относясь к людям, живущим другими интересами, к «тощим»; они поддерживают политику правительства, позволяющую им спокойно торговать и наживаться.

Опорой режима является и реакционное духовенство, ненавидящее свободу и республику. Пользуясь своим влиянием на верующих, представители духовенства помогают в борьбе с оппозицией наполеоновскому режиму. Таким политиком в рясе является аббат Фожа («Покорение Плассана»).

Закономерным итогом «эпохи безумия и позора» явилось поражение Франции, позорная капитуляция во время франко-прусской войны. Роман «Разгром» посвящён не столько поражению армии, сколько поражению режима.

Беспомощности и растерянности правительства, бездарности командования, трусости и продажности буржуазии Золя противопоставляет патриотизм народа, мужество солдат и офицеров. Роман заканчивается словами веры в народ и будущее Франции: «Опустошенное поле ждало пахаря, сожжённый дом лежал в развалинах, и Жан, которому больше всего пришлось пережить унижений и мук, пошёл навстречу будущему – ему предстояла великая и трудная задача – пересоздать всю Францию».

Золя представляет собой сложную структуру, которую можно проанализировать синхронически (как включающую в себя субстратные элементы материальной и духовной культуры, а также природы Парижа) и диахронически (как следствие развернутых в историческом времени социокультурных и природных процессов, определивших наличное состояние парижского текста). Парижский текст характеризуется взаимосвязанностью всех своих компонентов, так что упоминание о некоторых из этих компонентов неизбежно влечет за собой присоединение к уже поименованным компонентам остальных, связанных с данным городом (локусом) После появления романов Золя Париж уже немыслим не только без Нотр-Дам, Бастилии, Лувра, Сен-Жерменского предместья, Монмартра, Эсмеральды и Квазимодо, мушкетеров короля и гвардейцев кардинала, Гобсека и Биржи - здесь невозможно перечислить все литературные ассоциации, созданные длительной литературной традицией изображения Парижа и парижан и обеспечивающие экспериенциальность парижского текста - но без Центрального рынка и улицы Рамбюто, холма Трокадеро и бульвара Шапель, заставы Пуассоньер и множества других кварталов и улиц, где живут, любят,

ADABIYOTSHUNOSLIK

страдают, трудятся и гибнут персонажи романов Золя Конвенциональная гибкость городского текста обусловила возможность адаптации традиционных образов парижского текста французской литературы (например, Нотр-Дам, Лувр или молодой провинциал в Париже) новым условиям функционирования в романах Золя выполняет существенные функции на сюжетно-фабульном уровне текст города становится фоном, который придает актуальность изображаемым событиям, тем культурным континуумом, в котором разворачиваются события. Этому, помимо прочего, способствует воссоздание объективного и субъективного художественного времени. Материально-культурный субстрат парижского текста, изображение запахов, гастрономии, климата и пространственных характеристик Парижа обеспечивают детализированное воссоздание исторического колорита эпохи. На уровне персонажей парижский текст позволяет проявиться в активном взаимодействии со «средой» основным качествам героев.

ЛИТЕРАТУРЫ

1. **Жирмунский В.М.** Проблемы сравнительно-исторического изучения литератур //Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение: Восток и Запад. – Л.: Наука, 1979. – 119 с.
2. **Ивбулис В.Я.** Романтизм и традиционная индийская мысль //Сб. Восток и Запад. Взаимодействие культур. – М., 1987. – С. 155-171.
3. История зарубежной литературы XIXвека. Часть первая. – М.: МГУ, 1979. – С. 211-221.
4. Историческая поэтика. Итоги и перспективы изучения. – М.: Наука, 1986. – С. 270-276.
5. **Штейн А.Л.** История французской литературы. – М., 1988. – С. 270-279.
6. **Гололобов М.А.** Городской текст и ракурсы его интерпритации //Вестник Тамбовского государственного университета. Сер.: Гуманитарные науки. – Тамбов, 2008 – Вып.1(57). – С. 178-182.
7. **Гололобов М.А.** Парижский дискурс и парижский текст в романе Э.Золя «Западня» //Вестник Тамбовского государственного университета. Сер.: Гуманитарные науки. – Тамбов, 2008. –Вып.12(68). – С. 232-236.
8. **Гололобов М.А.** Парижский текст в романе Виктора Гюго «Собор Парижской Богоматери» // Филология и культура Материалы VI Международного науч.конф 17-19 октября.2007 года / От вред Н.Н. Болдырёв – Тамбов Изд-во ТГУ им. Г.Р. Державина, 2007. – С. 537-539.

УДК: 809.1.001.2

НАВОИЙ АСАРЛАРИНИ АНГЛАШДА БИОГРАФИК МЕТОДДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

ЗНАЧИМОСТЬ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ БИОГРАФИЧЕСКОГО МЕТОДА В ОСМЫСЛЕНИИ ПРОИЗВЕДЕНИЙ НАВОИ

THE SIGNIFICANCE OF USING A BIOGRAPHICAL METHOD IN CONCEPTUALIZING NAVOI'S LITERATURE

Адизова Ободон Истамовна

БухДУ немис ва француз тиллари кафедраси ўқитувчиси, (PhD)

Қаҳҳорова Гулрух Шавкатовна

БухДУ изланувчиси

Таянч сўзлар: бадий образ, адабиётшунос, биографик усул, биографик характер, қомусий мутафаккир, шоир, академик олим, ватанпарвар, илмпарвар.

Ключевые слова: художественный образ, литературовед, биографический метод, биографический характер, мыслитель-энциклопедист, поэт, ученый академик, патриот, ревнитель науки.

Key words: literary image, specialist in literature, biographical method, biographical character, sophist encyclopedist, king and poet, modern writer, academic scientist, patriot, science adherent.

Мақолада академик Азиз Қаюмовнинг Навоий асарларини англашда биографик усулдан фойдаланиш маҳорати ёритилган. Бу метод воситасида шоир асарларида унинг биографиясига оид маълумотлар аниқлаб берилгани асосланган.

В данной статье освящено умение академика Азиза Каюмова использовать биографический метод в понимании исторических произведениях.

The article highlights the academic Aziz Kayumov's ability to use biographical techniques in understanding Navoi's works. This method is based on the fact that the poet's works contain information about his biography.

Кириш. Ўзбек адабиётшунослигининг катта билимдони, академик Азиз Қаюмов улуғ шоир Алишер Навоий асарларини англашда биографик усулдан фойдаланиш ўзига хос самара беришини англаб, кўпинча бу методга таянгани, у орқали шоир асарларида унинг биографиясига оид маълумотларни аниқлаб бергани кузатилади.

Асосий қисм. Маълумки, Алишер Навоий ҳақида ёзилган манбалар унинг шахс сифатида ҳимматли бўлганини ошкор этади. Унинг ҳимматлилиги, аввало, истеъдодли инсонларни иқтисодий-маънавий қўллаб-қувватлаганида намоён бўлади. Навоий баланд ҳимматли бўлмоқни ҳаммавақт қадрлаган ва бошқаларни ҳам мудом шунга ундаб келган. “Ҳайрат ул-аброр”, “Лисон ут-тайр” дostonларида Навоийнинг ҳиммат тўғрисидаги эзгу фикрлари изҳорининг янгича бир кўриниши кўзга ташланади. Айни дамда шоир таъмага қарши курашиш заруриятини ҳам бу асарларида билдириб ўтган. Ҳатто таъмагирликни қоралаш шоирнинг таълим-тарбия ишидаги асосий принципларидан бўлган. Шоир ижодини унинг ҳаёт йўли билан боғлаб ўрганишга бошқалардан кўра кўпроқ интилган академик Азиз Қаюмов: “Лисон ут-тайр”да Навоийнинг бошқа дostonларида бўлгани каби шоир ҳаёти, кундалик турмушида содир бўлган айрим кўринишларнинг тасвирини топамиз. Бу маълумот Навоийнинг ўзи томонидан келтирилаётгани учун ҳам ғоят ишонарли ва муҳимдир” [1] – дейди. Дарҳақиқат, “Лисон ут-тайр”нинг охирида “Бу китоб назмида ўз муносабатининг тақриби” сарлавҳали боб бўлиб, унда Навоийнинг мактабда ўқиб юрган пайтида Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” дostonини қанчалар берилиб ўқигани тўғрисидаги маълумот бор. Шу маълумот асосида яна Навоий болалиқда таҳсил олган мактабда ўқиш-ўқитиш жараёни қандай уюштирилган эканлигидан хабар топиш, ўша мактабдаги ўқитиш усули билан танишиш мумкин. Чунки шоир бу ўринда ўзи болалиқ чоғида ўқиган мактабда ўқишнинг қандай уюштирилганлигини эса олиб ўтади. “Лисон ут-тайр” дostonида Навоийнинг болалиқ йилларидан шеър ёза бошлагани, бу шеърлар туркий (эски ўзбек) тилида ёзилган экани, ўз шеърларида Навоий ва Фоний тахаллусларини ишлатгани тўғрисидаги биографик маълумотлар учрайди. Шу тариқа Навоийнинг ижод тажрибасига нигоҳ ташлаб, жуда кўп тарихий маълумотларга эга бўлиш мумкин. Ундаги маълумотлар шоирнинг “Лисон ут-тайр”ни олтмиш ёшга қадам қўяётганида ёзганини билдиради. Яна Навоий ўзининг бу дostonини “Дилкашнома” деб атаганини ва уни 905 йилда ёза бошлагани ўша йили бор-йўғи бир-икки ой ичида муттасил ҳар кеча ижодий иш билан машғул бўлиши оқибатида тез ёзиб тугаллаганини, бу эса 905 ҳижрий йили 1498-1499 мелодий йилга тўғри келишини билдиради. Бу пайтда Навоий 60 ёшда эди.

Умуман айтганда, Навоий асарларида учрайдиган бу каби абжад ҳисобига алоқадор сатрлар унинг таржимаи ҳолига оид маълумотларни янада ойдинлаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Масалан, “Маҳбуб ул-қулуб” асарининг ёзилиш пайтини Навоий “хуш” сўзининг сон маъноси билан белгиллаган. Бу 906 ҳижрий йилидир. Ҳозирги ҳисобда 1500-1501 йил бўлади. Навоий 1501 йил 3 январь куни дунёдан ўтган. Демак, “Маҳбуб ул-қулуб” унинг вафотидан озгина фурсат олдин ёзиб тугалланган асаридир[2], – деб кўрсатади А.Қаюмов.

“Лисон ут-тайр”да мазкур дostonнинг ёзилган вақти ҳақида шундай маълумот келтирилган:

ADABIYOTSHUNOSLIK

Йил тўққиз юз ўттиз эрди доғи тўрт,
Ким улуснинг кўнглига солди бу ўрт.

“Лисон ут-тайр”да Навоий ўзининг бахтсиз севгиси тўғрисида ҳам сўзлайди. Бу иқрор шарҳи Шайх Санъон ҳикоясидан кейин келган. Ўша шўх тарсо қиз ишқида шайх Санъоннинг бошига тушган савдоларини баён этиб бўлгач, Навоий ўзининг муҳаббати тўғрисида шундай дейди:

Шайхни андоққи, шайдо этти ишқ,
Одам аҳли ичра расво этди ишқ.
Сўнгра мендин солмади ғавгосини,
Кимса кўнгли мулкига яғмосини.
Ҳолимандин кимса гар ортуғ демас,
Ортуқ эрмас бўлса ҳам ўксук эрмас.

Шу сатрлар таҳлилини қилган А.Қаюмов фикрича: “Демак, Навоийнинг кўнглига тушган ишқ оташи Шайх Санъоннинг қалбига тушган севги оловидан кам эмас эди. Эҳтимол, ундан кучлироқ ҳам бўлган. Лекин ундан кам бўлмаган. Шоирнинг аҳволи ҳам Шайхнинг аҳволи каби дардлар билан тўла бўлган”[3].

А.Қаюмов улуғ шоир асарларини синчиклаб ўрганар экан, шу ўрганганлари асосида уни “она тилининг жонбоз курашчиси”[4]дея таърифлайди. Олим бу фикрларини Навоийнинг ўз она тили туркий (эски ўзбек) тилининг ўсиши, гуллаб-яшнаши, унинг барча имкониятларини юзага чиқариши учун беҳад хизматлар қилгани мисолида асослайди.

Дарҳақиқат, Навоий “Лайли ва Мажнун”, “Лисон ут-тайр” каби дostonларини ёзар экан, уларни она тили туркийда ёзганлигини қайта-қайта таъкидлаб ўтиши бежиз эмас. Бу билан шоир она тилининг мавқеъини кўтармоқнигина эмас, уни ривожлантириш, ўз халқи – турк халқига олий даражадаги тафаккур маҳсулларини етказмоқни мақсад қилгани аёнлашади.

“Навоийнинг “Ҳаво хуш эрдию илкимда бир қадаҳ майи ноб” мисраси билан бошланадиган бу ғазалидаги ошиқ ва маҳбубанинг учрашуви, уларнинг бир қадаҳ май устидаги муомаласи, бу муомаланинг бошида ошиқ томонидан билдирилган гинахонлик, ўртада шу туфайли туғилган таранглик, сўнгра маҳбубанинг лутфу марҳамати билан бу тарангликнинг йўқолиши, ниҳоят ушбу учрашувнинг лирик қаҳрамон — ошиқ учун “васл беҳишти” сингари туюлмоғи реал ҳаётий лавҳалар сингари кўрилмоғи керак. Навоийнинг лирик шеърларида ана шундай реал турмуш кўринишларини акс эттирувчи бадий сувратлар анча бор. Булар Навоийнинг ҳеч қачон реал ҳаётий воқелиқдан узилмаганини кўрсатиб туради”[5].

“Насойим ул-муҳаббат”да Навоий ўзи учун қадрли ва ҳурматли бўлган жуда кўп инсонларни эҳтиром билан ёдга олиб ўтган. Улар ҳақида ўз билганларини баён этган. Бобо Пирий, Бобо Хокий, Мавлоно Шарафиддин Яздий ва бошқалар ана шундай кишилардан эди. Масалан, Навоий ўзининг болалик чоғида машҳур тарихчи Шарафиддин Яздий билан учрашгани тўғрисидаги ҳикояни келтириб: “Бу ҳақир сиғарисинда ул букҳада алар хизматларига мушарраф бўлуб, менинг борамда фотиҳалар ўқудилар”, – дейди ва уни “донишманд ва соҳибжамол киши”, деб таърифлайди.

Шоирнинг “Насойим ул-муҳаббат” китобида Навоийнинг таржимаи ҳоли, унинг атрофидаги кишилар, дўстлари ва устозлари тўғрисида кўшимча муҳим маълумотлар мавжуд. А.Қаюмов таъкидлаб ўтганидек, бу маълумотларнинг аниқланиши ва ўрганилиши Навоий ҳаёти ва ижодини тўлароқ тадқиқ қилишда алоҳида аҳамият касб этмоғи шубҳасиздир[6].

Навоийнинг устозлари эътирофи борасида ёзган асарлари, фикр-мулоҳазалари ҳам алоҳида эътиборни тортади. 1492-1494 йили Навоий ўзининг энг яқин дўстлари ва маслакдошларидан бири бўлган устози Абдурахмон Жомий хотирасига бағишланган “Хамсат ул-мутаҳаййирин” асарини ёзганлиги маълум. У Навоий ва Жомий ўртасидаги устоз ва шогирдлик, ижодий ҳамкорлик тўғрисида маълумот етказа олиши билан диққатга сазовордир. Хирот фозилларидан Хожа Абдулазиз Жомий ҳам Навоийга илтифотли бўлган муҳтарам зотлардан бўлган. Бу ҳақда Навоий шундай деб ёзади: “Ва

бу фақир борасида илтифотлари кўп эрди ва кўп қатла фотиҳа билан дуои хайр қилибтурлар, умид улки, мустажоб ўлмиш бўлғай” (160 бет). Хожа Абдулазиз Жомий саксон икки ёшида 902 (1496-97) йилда дунёдан ўтган.

Навоийнинг қаҳрамони ҳамиша шоирнинг ўз шахси деб қаралмаслиги керак. Ана шуни инобатга олиб, академик А.Қаюмов: “Навоий ўз ўқувчисининг юрак сирларини ҳам баён этади” дея огоҳлантириб ўтади.[7] Тўғрироғи, Навоий шеърларини фақат шоир қалбидаги кечинмалар инъикоси деб қабул қилмай, балки умуминсоний туйғуларнинг умумбашарий қонуниятлар асосида кўрсатилмоғи деб қараш тўғри бўлади.

Алишер Навоийни англашда А.Қаюмов Навоийнинг ижодига назар ташлар экан, улуғ шоирнинг айрим ғазал ёки қитъалари яратилишига қайсидир бир воқелик асос бўлганини аниқлаб, уларни янада чуқурроқ ўрганишга эътибор қаратган. Масалан, Навоий “Бадойиъ ул-васат” девонидаги қитъалардан бирида “Шоҳдан тундлиғ аччиқ, ғазаб, шиддат кўргузмаслик” ижроси учун келтирилган ўғитида хотирлашича, Қобулий деган ёш шоирнинг бир шеъри ўзига маъқул тушиб, уни шоҳ ҳузурида шеърхонликда ўқимоқ учун тавсия этган. Аммо ундаги бир байтни ёш шоир тузата олмагани учун Навоий ўзи ёзиб бериб қўя қолган эди. Навоий услубидан яқин хабардор Султон Ҳусайн эса буни дарҳол пайқаган. Навоий ҳам султоннинг ҳақ эканини айтган. Навоийга Султон ёш шоирни шеърхонлик даврасида бу иш учун танбеҳ қилажагини билдирган. Аммо шеърхонликда Қобулий қатнашиб, ўз шеърини ўқиган чоғда султон унга ҳеч нарса демаган. ҳаёт тажрибаси асосида шакллантирган. Келтирилган ҳикояни Султон Ҳусайн Бойқаронинг бағрикенглиги, адолатпешалиги ҳақида айтилган ривоят сифатида ҳам қабул қилиш мумкин. Аммо ривоятлар жанрий табиати нуқтаи назаридан ҳаётий уйдирмага асосланиши ёдга олинса, ҳикоя қилинаётган воқеликнинг ҳаётда ҳақиқатан ҳам юз берган ёки бермагани тингловчини қизиқтиради.

Навоийнинг “Наводир ун-ниҳоя” девонидаги ғазалларида ҳам шоир кўнглига энг яқин бўлган ғоя ва фикрлар учрайди. Уларни шоир бевосита лирик қаҳрамоннинг ҳис-туйғулари, кечинмаларининг бадиий изҳори сифатида баён этгани кузатилади. Шоир ўзи яшаган давр, ижтимоий-сиёсий муҳит, атрофидаги доирага муносабатини очиқ-ойдин кўрсатишга ҳаракат қилади. Масалан, у “Наводир ун-ниҳоя”даги бир ғазалида шундай ёзган:

Навоий ўзингни қил ул навъфард
Ки, ўзлукни ҳам сол ўзингдан қироқ.

А.Қаюмов шоирнинг ушбу сатрларини таҳлил қилар экан, бу ғазал (№338) бошидан охиригача дунё, жаҳондан четланиш, ёлғизлик, алоҳидаликни тарғиб этувчи шеър эканини, Навоий “ўзингни қил ул навъфард” деган даъватига риоя этиб, шахсий ҳаётини мардона фард (якка)ликда ўтказганини афсус билан билдиради. Шу ўринда олим лирик чекиниш қилиб: “Улуғлар ҳаётни биздан кўра яхшироқ билганлар. Шунинг учун уларнинг қилмишларига баҳо беришдан биз бу масалада бирор узил-кесил фикр билдирмоқдан тортинамиз, узоқмиз ва бунга журъатимиз ҳам йўқ. Шунинг учун муҳтарам ўқувчиларимизга бу масалада бирор узил-кесил фикр билдирмоқчи эмасмиз. Эҳтимол, шоирда бундай қараш (фардлик) бошқа сабаблар туфайли ҳам юз бергандир”, – деб ёзади[8].

Навоий ҳеч қачон одамларни ирқи, дини, бир халққа мансублиги билан ажратмайди. Аксинча, у ҳамиша ҳамма одамни баробар қўяди. Улар ўртасида соф, покиза, ҳалол инсоний сифатларни ёймоққа бор кучи билан ҳаракат қилади. Унинг бу интилиши асарларида яратган образларининг турли миллат вакиллари сифатида танлангани орқали аёнлашади. Айниқса, бу чинлик Фарҳоднинг эронлик Шопур билан дўстлашиб, арман қизига муҳаббат қўйиши лавҳаларида ёрқин намоён бўлади. Бундай лавҳалар ёрдамида Навоий одамларнинг бир-бирига муҳаббатли ва ғамхўр бўлишини тарғиб этади.

Навоий дин ниқобини кийиб, элу юртини таловчи, халқни ғамхўр ва қоронғуликка мубтало этувчи ясама, қалбаки “шайх”ларга қарши кескин ва қатъият билан курашган. Унинг “Ҳайрат ул-аброр”даги риёи хирқапўшлар тўғрисида ёзганлари, девонларидаги шу мавзуга бағишланган шеърлари ана шу курашга оид бадиий лавҳалар бўлиб, шоирнинг бу борадаги дунёқарашидан огоҳ этиб туради.

ADABIYOTSHUNOSLIK

Азиз Қаюмов ўз кузатишлари давомида Навоийнинг “Хазойин ул-маоний” ёки “Чор девон” куллиёти таркибига кирувчи учинчи “Бадое ул-васат” девонидаги ғазаллар орасида умуминсоний, оламшумул масалалардан ташқари, бевосита шоирнинг кундалик турмуши, ўзининг шахсий ҳолати, ксчинмалари, ҳатто нотоблигини тасвир этувчи шеърлари ҳам учраб туришини таъкидлаб, унинг сариғ касали билан оғригандаги аҳволини кўрсатувчи бир ғазал шу девонда борлигини билдиради. Жумладан, бу девондаги № 297-рақамли ғазал бўлиб, унда шундай дейилади:

Ярақондин менга гар бор эса рухсор сариғ.
Турфа кўнгилки, эрур дийдаи хунбор сариғ.
Кўзки, қон ёш оқибон бўлмаса сариғлиғи дафъ
Ранги гўёки сариғ лола киби бор сариғ...

Бу ғазалда шоир ўша сариғ касалининг қандай кечаётгани тўғрисида ёзади. Аммо шеър бетобликдан ҳасрат, хафалик билан эмас, балки боғда гулзор ҳам гоҳо гулни сариғ кўрсатмоғига нисбат билан якунланади:

Хас киби бўлса Навоийга сариғ юз, кулмагил,
Кўргизур гулни дағи боғда гулзор сариғ.

Навоий ижодига биографик нуқтаи назардан ёндашилганда, шоирнинг “Хазойин ул-маоний” куллиёти таркибидан ўрин олган тўртинчи “Фавойид ул-кибар” девонидаги турлича ҳажмли 32 бўлимлик “Соқийнома”си айрича эътиборни тортади. Чунки бу асар мазмуни Навоий мансуб бўлган муҳит, ундаги ижтимоий кайфият, Навоийнинг ҳурмат ва эътиборини қозонган айрим кишилар, шунингдек, шоирнинг ўз шахсий ҳаётига оид лавҳалар, фикр-ўйлари баёнидан ташкил топган. Шоир унда дунёдан ўтган айрим яқинлари, уларнинг “Бири ҳамсуҳбату ҳамдарду рафиқ, туққанимдан дағи юз қатла шафиқ” бўлиб, ҳаётини ё энг яқин дўст, ё ёр, ё фарзанд каби тўлдирганини айтиб ўтади. Айниқса, улар орасида Мирзобек, Мир Дарвеш, Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Муҳаммадлар номини алоҳида тилга олиб ўтади. Уларнинг вафот этганини айтиб, нурли хотирасига ҳурматини баён қилади ва руҳидан ўзига мадад тилайди.

Хулоса. Алишер Навоий ижоди Азиз Қаюмов тадқиқотларининг асосий диққат марказидан ўрин эгаллаган. Олим кўп йиллик илмий изланишлари давомида улуғ шоир меросига ҳурмат ва ихлос билан назар солиб, унинг форсий, арабий, туркий ғазалларидан тузилган ҳар бир девонию “Хамса” таркибидаги дostonларидан тортиб, насрий, илмий асарларигача таҳлил ва тадқиқ этишга эришди. А.Қаюмовнинг кўпгина китоб ва мақолаларида Алишер Навоий асарларининг бадиий хусусиятлари, нозик қирралари шоирнинг биографиясига таяниб очиб берилгани муҳим жиҳат сифатида кўзга ташланади. Навоий асарларини биографик усулда, яъни муаллиф асарига унинг таржимаи ҳоли, яшаган даври нуқтаи назаридан ёндашиб ўрганиш адабиётшунос А.Қаюмов фаолиятининг устувор йўли бўлиб, Навоийни англашда, унинг асарлари моҳиятини чуқур тушунишда энг мақбул метод эканини тўлиқ намоён этади

АДАБИЁТЛАР

1. **Қаюмов А.** Асарлар. 1-жилд, 2-китоб. –Тошкент: Мумтоз сўз, 2008. – 183 б.
2. **Қаюмов А.** Асарлар.1-жилд, 2-китоб. – Т.: Мумтоз сўз, 2008. – 400 б.
3. **Қаюмов А.** Алишер Навоий. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 150 б.
4. **Қаюмов А.** Асарлар. 2-жилд. Навоийнинг “Қуш тили” достони. Гўзалликлар ва нодирликлар (Навоийнинг “Бадойиъ ул-бидоя” ва “Наводир ун-ниҳоя” девонлари тўғрисида). – Тошкент: “Мумтоз сўз”, 2008. – 249 б.
5. **Қаюмов А.** Асарлар. 3-жилд. “Хамса” сарлавҳалари. “Бадоеъ ул-васат”. Навоийнинг ҳаёт ва ижод йўли. – Тошкент: “Мумтоз сўз”, 2009. – 384 б.
6. **Қаюмов А.** Алишер Навоий. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 301 б.
7. **Навоий Алишер.** Лисон-ут тайр. (Насрий баёни билан). – Т.: Адабиёт ва санъат, 1991. – 464 б.
8. [<http://www.litdefrance.ru/199/1131>]

УДК: 82.09 (575.1)

ЭРКИН АЪЗАМ АСАРЛАРИНИНГ ИНГЛИЗЧА ТАРЖИМАСИДА РЕАЛИЯЛАРНИНГ
БЕРИЛИШИ

ПЕРЕВОД РЕАЛИЙ НА АНГЛИЙСКИЙ ЯЗЫК В ПРОИЗВЕДЕНИЯХ Э. АЪЗАМА

TRANSLATING REALIAS INTO ENGLISH IN THE WORKS OF E. A'ZAM

Баротова Мубашира Баротовна

БухМТИ институти хорижий тиллар кафедраси ўқитувчиси

Таянч сўзлар: таржима, лексик тизим, реалия, эквивалент, ноаниқлик, мурожаат, миллий колорит, кийим реалиялари, интерьер реалиялари, миллий таомлар реалияси.

Ключевые слова: лексическая система, перевод, реалии, эквивалент, неопределенность, адрес, национальный колорит, реалии одежды, реалии интерьера, реалии национальной кухни.

Key words: lexical system, translation, realia, equivalent, indefiniteness, address, national colour, realias of clothes, realias of interior, realias of national food.

Эркин Аъзамнинг “Гули-Гули” қиссаси, “Пакананинг ошиқ кўнгли”, “Ўзувчи”, “Аралашқўрғон” ҳикоялари Аъзам Обидов томонидан инглиз тилига таржима қилинган. Бу асарларида ўзбек халқининг ўзигагина хос бўлган сўзлари – реалиялар таржимасига ҳам эътибор қаратилган. Мақолада адиб асарларидаги шундай сўзларни яхлит тизим сифатида ўрганиш ва таҳлил этиш асосий мақсад қилиб белгиланган. Шу мақсаддан келиб чиқиб, ўзувчи қисса ва ҳикояларида қўлланган миллий сўзлар аниқланган, уларнинг инглиз тилида берилиши қиёсий-типологик аспектда текширилган.

Рассказы Эркина Азама «Гули-Гули», «Нежный гном», «Сад писателя» и «Собака босса» переведены на английский язык Азамом Обидовым. Он обратил внимание на передачу реалий. Цель статьи - изучить и проанализировать реалии как систему. По этому случаю были найдены национальные слова, а их переводы были изучены в сравнительном типологическом аспекте.

Erkin A'zam's stories "Guli-Guli", "A Tender-hearted Dwarf", "The Writer's Garden" and "The Boss's Dog" are translated into English by A'zam Obidov. He paid attention to the translation of realias too. The aim of the article to learn and analyse the realias as a system. On this case, the national words were found and their translations were learnt in comparative typological aspect.

Кириш. Таржима тиллар ва адабиётларни боғловчи воситадир. Хусусан, қардош бўлмаган тиллар орасида бадиий адабиёт намуналарини таржима қилишда ўзига хос жиҳатлар мавжуд. В.В. Ризун бадиий таржимани миллатлараро машхур ва таъсирчан алоқа турларидан бири эканлигини, шу сабабли эстетик, бадиий ва лисоний воқелик сифатида адабий меросга эҳтиёткорлик ва диққатни талаб этишини [1, 3] деб таъкидлайди. Таниқли ўзбек ўзувчиси Э. Аъзамнинг ҳикоя, қисса ва романлари мутаржим А. Обидов томонидан инглиз китобхонига тақдим этилди. Бу асарлар таржимаси жараёнида таржимон ўзбек миллати маданияти ва маънавиятини, урф-одат ва анъаналарини ифода этувчи сўзларни тушуниб, аслиятга мос ҳолда етказишга ҳаракат қилган. Шундай сўзлар орасида реалиялар алоҳида ўрин тутди. Бундай сўзлар, Л.Соболевнинг фикрига кўра, реалиялар махсус хусусиятга эга бўлган, бир тилда ва бошқа мамлакатлардаги тиллар муҳитида бошқа эквивалентлари бўлмаган миллий сўз ва сўз бирикмаларидир [10, 281]. Шу нуқтаи назардан қаралса, ўзбекча реалиялар таржимасида ҳам бир қатор қулайлик ва ноқулайликлар кузатилади.

Бинобарин, реалиялар тил лексик тизимининг мураккаб ва сермаъно категориясидир. Улар миллий колоритни билдирувчи тушунчалардан бири ҳисобланади. Ҳар бир халқнинг турмуши, маданияти, тарихига оид алоҳида тушунча, ҳодисалар номлари бўлган реалема ўша халқ ҳаёт тарзининг бир бўлагини ўз ичига олади. С. Влахов, С. Флоринларнинг ёзишича: “Реалия – шундай

ADABIYOTSHUNOSLIK

сўзлар (ва сўз бирликмалари)дирки, улар объектларни атайди, бирор халқ ҳаёти учун ҳарактерга эга (турмуш тарзи, маданият, тарихий ва ижтимоий ривожланиш), лекин бошқа халққа ёт бўлган, миллий ва тарихий колоритни ташувчилари бўлмиш улар, ўз навбатида, бошқа тилда аниқ эквивалент (мос сўзлар ва сўз бирикмалар)га эга бўлмаган, ва пировардида, алоҳида эътиборга молик бўлиб, умумий асосда таржимага мойил эмас” [2, 55]. Шу нуқтаи назардан Э.Аъзам асарларида учрайдиган реалияларни таржима билан қиёсан таҳлил ва тадқиқ этишга ҳаракат қиламиз.

Усуллар ва материаллар. Мақолада киёсий-типологик метод асосида адабнинг “Гули-Гули” қиссаси, “Пақананинг ошиқ кўнгли”, “Ёзувчи”, “Аралашкўрғон” ҳикоялари таржимасида реалияларнинг берилиши таҳлил қилинган.

Натижа ва мулоҳазалар. Матнда реалияни таржима қилиш ва уни тушунтириш таржимон учун ўта муҳимдир. Бундай сўзларни таржима қилишда, асосан, иккита қийинчилик кузатилади: таржима қилинаётган тилда реалия ифодалаётган объектнинг йўқлиги боис унинг муқобилининг мавжуд эмаслиги ва реалиянинг предмет маъноси билан миллий ва тарихий бўёқдорлигини таржимада бериш муҳимлиги. Бундай қийинчиликларни бартараф этиш учун таржима қилишдан олдин асл матнда реалиянинг маъносини англаш ва унинг контекстдаги ўрнини аниқлаш керак бўлади. Бошқача қилиб айтганда, реалия муаллиф томонидан қандай ишлатилганлиги, унинг семантик ва коннотатив маъносини ўқувчининг онгига етказиш учун муаллиф қайси воситалардан фойдаланганлигига эътибор қаратилади. Бунда контекстнинг роли муҳимдир. Демак, таржимон матндаги реалиянинг маъносини аниқлаши ва бир вақтнинг ўзида бошқа тилда унга мос вариантыни топиши лозим бўлади.

Таржимонни чалғитувчи яна бир жиҳат – “реалия” ва “термин” тушунчаларини бир хил тушуниш билан боғлиқ. Аслида, бу тушунчалар ўзаро фарқланади. “Реалия бадиий адабиёт ва оммавий ахборот воситалари тилига хос бўлиб, маълум бир халқ маданияти билан чамбарчас боғланган, айнан шу халқ тили учун умумишлатиладиган ва бошқа халққа ёт бўлган ҳарактерга эгадир. Терминлар эса миллий бўёқдорликка эга бўлмаган, асосан, илм-фан соҳасига тегишли бўлиб, фақатгина бирор предмет ёки воқеликни номлаш учун сунъий яратилади ва шу орқали кенг ишлатилади [3,17]. С. Влахов ва С. Флоринларнинг ёзишича, терминлар деярли исталган матнда таржима қилинадиган муқобилларга эга бирликларга киради, реалиялар эса, юқорида таъкидланганидек, муқобилсиз лексикага оид. Реалиялардан терминлар ўз келиб чиқиши билан ҳам фарқланади [2, 17].

Эркин Аъзам асарларида ҳам реалиялар ўз ўрнида қўлланганки, бу реалиялар ўзбек халқи маданияти, урф-одатлари, яшаш тарзи, миллийлигини ифодалашга хизмат қилган. Бу фикрларимизни мисоллар орқали асослашга ҳаракат қиламиз. Жумладан, “Гули-гули” қиссасида бир қатор миллий сўзлар борки, уларни таржима қилиш анча мушкул: “Тоға идорада телефон қўриқлаб мудраб ўтирар, жиян – ёнбошида тўппонча ўрнига увада тикилган ғилоф, кун бўйи чорбоғдаги чойхона теварагида жанжал пойлаб айланиб юрар эди” [4, 11] парчасида “**чойхона**” реалияси қўлланилган. Инглиз тилига: “All day long, the uncle would wait for the phone to ring in his office, whilst the nephew walked around the teahouse waiting for a quarrel, with the gun case dangling on his side stuffed full of cotton, instead of a pistol” [6, 85]. Матнда “чойхона” сўзи “teahouse” сифатида ўгирилган. “Tea” (чай) инглиз халқи тушунчасига кўра, ширинлик билан истеъмол қилинадиган суюқлик маъносини беради. Рус тилида ҳам “чаепитие” тушунчаси ширинлик истеъмол қилиш жараёнини билдиради. Аммо ўзбек халқида “чойхўрлик” тушунчаси кенг қамровли бўлиб, у овқатланиш процессини англатади. Худди шундай чойхона ҳам улфатлар билан бориб, овқат пишириб, паловхўрлик қилинадиган махсус жой. Шу сабабли бу ўринда “teahouse” ўзбек тилидаги “**чойхона**” тушунчасини тўлиқ қамраб олмайди. Таржимада “чойхона” сўзини аслича қолдириб, матн охирида изоҳ қилиб берилса, тўғри бўлар эди. Бошқа бир мисолда таржимон реалиянинг таржимасини асл ҳолича қолдирган: “We gather at this makeshift *chaikhana* at the weekend to play cards, sometimes from mid-morning to midday, sometimes in the cool of

the evening” [7, 265]. Бунда юқорида таъкидланган реалияларнинг таржима қилинмаслиги тамойилига риоя қилинган.

“Қирғоқда кўққайиб у бир нафас кўлга тикилади, сўнгра шошилмай **иштонбоғини** ечади-да, сувга қараб чоптириб юборади” [4, 3]. Бу ерда кийимлар, уларнинг фасонлари гуруҳига кирувчи “**иштонбоғ**” реалияси қўлланган. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “**иштонбоғ**” сўзи “иштоннинг липпасига ўтказилган боғ деб талқин қилинган” [5, 260]. Иштонбоғ иштонни тутиб туришга хизмат қилувчи ва иштоннинг юқори қисмида жойлашган узун тасма илдир. Инглиз тилига бу парча қуйидагича таржима қилинган: “Silently, he looks down for a moment, and then deliberately unties his pants and begins to pee into the water” [6, 74]. Мазкур парчада “иштонбоғ” сўзи таржимаси берилмаган, аммо таржимон “unties” (бўшатмоқ, тугун қилиб боғланган нарсани ечмоқ) сўзини қўллаб, матн моҳиятини ақс эттира олган.

“Сибирга жўнатганмиш, самолётда қишлоқ устидан ўтаётиб ҳовлисини мўлжаллаб хат ташлаган экан, хат тўппа-тўғри келиб **чалпак** пишираётган Майрам кампирнинг (онаси) қозонига тушибди, унда “Қайтиб келиб у фарзотнинг бор уруғ-аймоғини пичоқдан ўтказмасам, энам хотиним бўлсин!” дея қасам ичиб ёзган эмиш;...” [4, 5] парчасида “**чалпак**” реалияси қўлланилган. Чалпак ўзбек миллий таоми бўлиб, хамирни юпқа ёйиб, ёғда пишириб олинади. Бу сўз инглиз тилида қуйидагича берилган: “Some said he had been sent to Siberia, and that whilst he was on the plane he threw down a letter out of the window, and the letter landed right in the pan on which grandma Mayram (his mother) was baking a flat bread. In the letter, he had allegedly sworn that he would return one day to kill all his wife’s remaining relatives or else he would marry his own mother” [6, 78]. Бунда, “**чалпак**” сўзи “a flat bread” (текис нон) тарзида таржима қилинган. Айрим халқларда, шунингдек, ўзбек халқида ҳам қизиқ турган текис қозонда пиширилган текис нонлар мавжуд. Аммо чалпакни нон деб атай олмаслигимизга сабаблар бор: 1. Ўзбек халқида чалпак нон ўрнида емас, балки ис ўрнида танаввул қилинади ва асосан, аза маросимида пиширилади; 2. Нон ёғда пиширилмайди чалпак эса юпқа ёйилган хамирнинг ёғда пиширилганидир. Таржимон “bread” сўзи ўрнига “bun” ёки “roll” сўзини қўлласа, китобхонда янада аниқ тасаввур уйғотарди.

Асарда берилган “Улар кетгач, сершовқин **чорбоғ**да тун алламаҳалга қадар янграб турадиган оврупоча шўх оҳанглару рақслар тинди, кинохона биқинидаги муштлашувлар, оқшомги башанг кўча сайрлари ҳам барҳам топиб, жўшқин туман бамисоли бир сокин қабристон сиёғини олди” [4, 11]. Ушбу парчада ишлатилган “**чорбоғ**” сўзи тўртта боғ ёки шаҳар ташқарисидаги ҳовли-жой, кўрғонли боғ деган маъноларни англатади. Инглиз тилида бу парча қуйидагича таржима қилинган: “Before they left, they played naughty European music and danced past midnight in her garden. This continued, until the quarrels at the cinema hall and all night promenades ceased, leaving the lively district as quiet as a graveyard” [6, 85]. Бу ўринда “чорбоғ” сўзи “garden” (боғ) сифатида ўғирилган. Чорбоғ эса кўлами жиҳатдан боғдан фарқ қилиб, боғда бир турдаги ўсимлик ёки дарахт ўстирилади. Чорбоғда эса турли-туман ўсимликлар ва дарахтларни кўкартириш мумкин. Бу ноўшашликни инглиз китобхонига ўз тилидаги “wood” (ўрмон) ва “forest” (ўрмон) тушунчалари ўртасидаги фарқ орқали тушунтирса бўлади. Зеро, “wood” фақат бир турдаги дарахтлар учрайдиган ўрмон тури.. “Forest” эса барча турдаги ўсимлик ва дарахт турларини ўзида жамлаган ўрмондир.

“Бундан уч ойлар бурун Кўтарма қишлоғидаги қабристондан тобут йўқолади. Бу ҳол ўша **маҳаллалик** бир кекса новвой қазо қилган куни маълум бўлади. Ҳамма хайрон. Ақл шошадиган ҳодиса! Ноилож қолган маҳалла аҳли шунда кўшни Қизилча қабристонидан тобут “қарз” олмоққа мажбур бўлади” [4, 50]. Бу парчада “маҳалла” реалияси қўлланган. Манбаларда “**маҳалла**” сўзи шаҳарнинг маълум бир ҳудудини ўз ичига олган ва аҳолиси бир жамоага бирлашган, ўзини-ўзи бошқаришга асосланган ижтимоий ҳудудий бўлак, деб изоҳланган [5, 58]. Улар оқсоқоллар томонидан бошқарилган. Маҳалла сўзи бошқа бирор халқда учрамайдиган соф ўзбекча реалия ҳисобланади ва матнга миллий руҳ бағишлайди. Инглиз тилида бу матн қуйидагича берилган: “Three months ago, a coffin went missing in Kutarma village graveyard. People only noticed it’s gone missing on the day when an old baker from the same village had died.

ADABIYOTSHUNOSLIK

Everyone wondered about it. It was a strange case indeed. Out of necessity, the people in the neighborhood were forced to borrow a coffin from the neighboring graveyard of Qizilcha village” [6, 125]. “Маҳалла” сўзи бу таржимада “same village” (ўша қишлоқ) ва “the people in the neighborhood” (яқин атрофдаги одамлар) сифатида таржима қилинган. Ҳар иккала таржима ҳам маҳалла маъносини тўлиқ бермайди. Шунинг учун “маҳалла” сўзини таржима қилиб бўлмайди.

– Номи дostonларда зикр этилган, ўзи **қўшиқ-яллаларда** мадҳ этилган шундоқ сўлим, шундоқ гўзал маскан ташландиқ бир бойўғлилар маконига айланиб қолди-я!” [4, 13]. Бу парчада ишлатилган “ялла” сўзи реалия ҳисобланади ва у рақс билан ижро этиладиган, асосан тўй, базмларда айтиладиган енгил ва шўх қўшиқдир. Таржимада у “folk songs” (халқ қўшиқлари) сифатида таржима қилинган ва матн мазмунини бера олган: “What a pity that such a wonderful and beautiful place, which was once praised in folk songs, has become a home for nobody but owls!” [6, 88].

“Сенга нима денг? **Чопонинг** барини белига боғлаб, хоҳлаган хонадонига ишшайибгина кириб бораверади. У ерда кўрган-эшитганини кейин бирзумда бутун кўрган бўйлаб ёйиб чиқади” [8, 9]. Парчада ўзбек реалияларидан яна бири “чопон” сўзи қўлланилган. Чопонкийим устидан кийиладиган, ичига пахта солиб қавилган узун миллий кийим. Бу кийим халқ орасида “тўн” деб ҳам юритилади. Инглиз тилида бу гапнинг таржимаси қуйидагича берилган: “He was accompanied by Saidjalol, who was in the habit of barging into everyone’s house without permission, tying the edge of his robe up round his waist. He used to take gossip from one house to another” [6, 147]. Таржимада “чопон” сўзи “robe” тарзида берилган. “Robe” сўзи ўзбек тилида “узун кийим”, “мантия” каби маъноларни англатади ва фақат материалдан қилинган бўлади. Бу сўз инглиз китобхонига чопон ҳақида тўлиқ тасаввур беролмайди. Шунинг учун сўзни айнан қолдириб, изоҳи берилса, реалияни маъноси тўғри етиб боради.

“Униси раҳбарлик тажрибасини пеш қилади, буниси– темир сандиққа босаётган сармоясини. Биз – томошабин, биз – муаллақ бир тарафкаш” [8, 15]. Мазкур парчада интерьер предметлари номларидан бири “сандиқ” реалияси қўлланилган. Инглиз тилига бу матн қуйидагича ўгирилган: “The first will cite his rich leadership experience, the second his wealth. We are all spectators” [6, 159]. Мазкур парчада гарчи бойлик маъноси англашилса-да, “айнан тўпланган бойлик” деган маънони билдирган “сандиқ” сўзи таржима қилинмаган. Сандиқ азалдан ўзбек халқи маданиятига сингиб кетган миллий уй-рўзғор буюмларидан биридир. Чунки сандиқ тўй куни қизлар сепига қўшиб берилади ва бир умр ўша хонадонда туради. У очилиб-ёпиладиган, қулф-калитли яшик шаклидаги буюм ва унда фақат жуда керакли, бошқалардан беркитилладиган нарсабуюмлар йиғилган. Бу сўз матнда қаҳрамоннинг бошқалардан яширинча бойлик йиққанига ишорани ҳам ифодалайди. Таржимада бу маъно чиқмаган. Уни “trunk” ёки “chest” сўзлари билан бериш мумкин.

“Акали бўлгач, Эгам бечора Эгамбой атала кетди; боши-да янги **қалампирнусха дўппи**, эгнида оҳорли костюм-шим, юз-кўзига ҳам истара битиб, кўча-кўйда ўзича савлат ясаб юрмоққа одатланди” [4, 30]. Бу гапда ўзбек миллий бош кийимидан “дўппи” реалияси қўлланилган. Дўппи – авра-астарли, кўпинча қавима, гулдор ёки гулсиз тўртбурчак ёки айлана шаклидаги бош кийим. Бу кийим ўзбек миллий маданиятининг асосини ташкил этади. Эркаклар уни йилнинг хоҳлаган вақтида, миллий байрамларда, айниқса, маъракаларда кийишади. Қалампирнусха дўппи эса водий томонларда кўп тарқалган. Таржимада берилган “beautiful skullcap” сўзи мазмунни тўлиқ акс эттирмайди. Бош кийими деган маънони беради, аммо айнан “дўппи” сўзини ифода этмайди: “Having gained an elder brother, Egam-the-poor completely changed: he started wearing a beautiful skullcap and a suit and began looking as handsome as he could, strutting proudly down the street. Hence he became Egam-boy (Egam-the-rich), blessed by God!” [6, 97].

“Бу эса шундай ширин, шундай мазали бир **нишолдаки**, ялайтуриб ҳар қандай қаламни синдириб отгингиз келади” [9, 11]. “Нишолда” миллий таомлар реалиясига киради. У миллий ширинликлар туркумига кириб, азалдан хонадонларда эрталабки нонуштада ёки ифторлик (рўза ойида) истеъмол қилиб келинган. Таржимада у

қуйидагича берилган: “ Ah yes, it is such a sweet, tasty marshmallow cream – one lick and you’re hooked, writing flies right out of the window” [7, 9]. Бунда берилган “marshmallow cream” ҳам ширинлик тури ва оқ рангда бўлса-да, унинг таркибида тухум оқи бўлмайди. Шунингдек, бу ширинлик газ, оловда пиширилади. Нишолда эса тухум оқи ва шакар қиёмини махсус етмак дарахти новдаси билан узоқ уриб кўпиртириладиган ширинлик туридир. Унга олов теккизилмайди, шунинг учун рўза ойида кўп истеъмол қилинади. Демак, реалія маъносини китобхонга етказиш учун сўз таржимасини аслича қолдириб, матн охирида изоҳлаш мумкин.

“Байрамона киноанжуманларга у “миллий кўринмоқ” учун ял-ял **хонатлас** либослару **зардўзи нимчалар** кийиб боради. (Рига фестивалида Фарҳод унишу қиёфада кўрган)” [9, 27]. Бу парчада “хонатлас” ва “**зардўзи нимчалар**” каби миллий кийимлар реаліяси қўлланилган. Инглиз тилига улар қуйидагича таржима қилинган: “She spends her time at various festivals and resorts, clad in her bright *khan*-atlas dress and traditional embroidered robe to give her an “ethnic” look (as a matter of fact, Farhod had seen her like that at the Riga film festival) [7, 25]. Қуйидаги таржимада “**хонатлас**” сўзини аслича берилган ва матн охирида “Very bright traditional Uzbek dresses” (жуда ёрқин миллий ўзбек кўйлаги) тарзида изоҳланган. “Хонатлас” маҳаллий саккиз тепкили атлас матосининг энг аъло нусхаси бўлиб, изоҳда уни кийим деб эмас материал деб бериш лозим эди. “**Зардўзи нимчалар**” эса таржимада “traditional embroidered robe” сифатида берилган. “Embroidery” бу кашта бўлиб, унда матога ипак толалар билан безак берилади. “Зардўзлик” ҳунари эса, асосан, Бухоро вилоятига хос бўлиб, бунда матога зар иплар билан нақш солинади ва “golden embroidery” деб юритилади. “Нимча” аёллар томонидан кийиладиган енгисиз ва ёқасиз калта кийим бўлиб, таржимада берилган “robe” сўзига мос тушмайди. Юқорида айтганимиздек, “robe” узун кийим бўлиб, нимчанинг аксидир.

“Лекин “Қалдирғоч”дан кейин Ақобиров билан оралари бузилиб-узилиб, узоқлашиб кетган эди. Ўшандан бери мана энди бир **дастурхонда** ўтиришлари” [9, 30]. “Дастурхон” ўзбек хонадонидида овқат маҳали истисносиз ишлатиладиган, стол устига ёйилиб, таом ва бошқа егуликлар қўйиладиган махсус мато ҳисобланади. Ва у муқаддас нарса сифатида ардоқланади. Унга оёқ босиш, устига чиқиш гуноҳ ҳисобланиб, энг яқин кишилар муносабатлари кўпда “бир дастурхон атрофида” ёки “бир дастурхонга ўтириш” каби иборалар билан ифодаланади. Таржимада бу парча “After “Swallows” Mr. Akobirov and Farhod fell out and became estranged. This was the first time they had sat down together afterso many years” [7, 29] каби берилган. Бу парчада таржимон “sat down together” сифатида таржима қилган ва матн мазмунини тўла сақлаган.

Шуни ҳам эътироф этиш керакки, ўзбек реалемалари ўз таркибига мурожаатларни ҳам олиши мумкин: ака, опа, ойи, отахон. Гарчи бу сўзлар инглиз тилида ўз эквивалентларига эга бўлса-да, таржима қилинганда ўз асл моҳиятини, миллий колоритини, миллийликни йўқотиши мумкин. Таржимон ушбу реалемалар таржимасини маҳорат билан ишлаган. Масалан: “Партиявий назоратда ишларди у. Худяков Леонид. “Латиф ака” дерди ҳамма, Худякови–Худояков; худо бир, ягона дегани-да” [9, 46] парчасида келтирилган “ака” сўзи ёши катта, ҳурматга сазовор, обрўси баланд одамларга нисбатан қўлланилади. Таржимон бу парчадаги “ака” сўзини аслича қолдирган ва изоҳда қуйидагича тушунтирган: “Uzbeks are fond of nicknames and suffixes are often added as a sign of endearment. For example, *-opa/sister*, *-khon/khan*, *-boy/wealthy*, *rich*, *-jon/soul* all denote respect or endearment as in Farhod-*jon*, Valya-*khon*, Ramazon-*boy*, etc” [7, 15]. Таржима қуйидагича: “His name was Khudyakov Leonid. Everyone called him “Latif-aka.” Khudyakov is Khudoyakov, which means ‘Allah is alone”” [7, 223].

Шунингдек “Ақобирова келди”, “Барфина опа айтди” деганга ўхшаш гапларни мен болалигимда отамдан кўп бора эшитган, аммо ўша арбоб хотиннинг ўзини сира кўрмаган, ҳозир ўлик-тирикликдан ҳам беҳабар эдим” [9, 47] парчасидаги “опа” сўзи ҳам таржима қилинмаган: “As a boy I remember hearing my father saying things like: “Ms.

ADABIYOTSHUNOSLIK

Akobirova came” or “Barfina-*opa* said such-and-such”, but I had never set eyes on her, nor did I know whether she is alive or dead” [7, 45].

Аммо айрим матнларда таржимада ноаниқликлар учрайди. Масалан: “Тош кўчада тўриқнинг туёқ товуши ва завқ билан кишнагани эшитилади. Шўро бобомиз! Бу манзилда бир дам тўхтаб, “ёвни барбод айлагач, ундан сўгин ватанига қайтмоқчи” [4, 28] парчаси таржимаси бироз мавҳум. Бу парча “The sound of horse hoofs and neighing resounded from the cobbled road. It was our Daddy Shuro! He was going to stop by for a moment and then “return home victorious, having defeated the enemy” [6, 94] тарзида ўғирилган. Аммо таржимадаги “daddy” сўзи отага нисбатан эркалаб чақирилганда ишлатилади. Асар қаҳрамони эса ёши улўғ, тажрибаси бой инсон бўлгани учун “бобо” деб улўғланган ва ҳурмат қилинган. Бунда эркалаш эмас, балки ҳурмат қилиш маъноси устун. Шунинг учун бу жиҳат таржимада аниқ изоҳланмаса, ўқувчида бу қаҳрамонга нисбатан ноаниқ тасаввур уйғониши мумкин.

Яна бир мисол: “– Устоз ҳам шу ердалар шекилли, а, Элмирахон опа? – деб сўради Фарҳод; Камолова ундан беш-олти ёш каттароқ эди” [9, 26] парчасида қаҳрамон Элмирахонга ёши катталиги учун ҳурмат маъносида “опа” деб мурожаат қилган. Таржимон қуйидаги парчани беришда мурожаат сифатида “sister” сўзини қўллашни афзал топган: “Our Master is also here, isn’t he, sister Elmira-khon?” Farhod asked Kamolova, who was five or six years older than he” [7, 24]. Эътибор берилса, таржимада миллий колорит сақланмаган. Чунки “sister” сўзи инглиз китобхони луғатида “қондош опа” ёки руҳоний аёлларга нисбатан ишлатиладиган сўздир. Таржимада “опа” сўзини ишлатганда, таржимон ўзбек миллий урф-одатини аслидай, тўлиғича етказиб берган бўлар эди.

Хулоса. Замоनावий ўзбек адабиётининг таниқли намояндаси Э. Аъзамнинг бир қатор асарларида қўлланган реалиялар таржимасига хос хусусиятларни умумлаштиришга ҳаракат қилдик. Келтирилган мисоллар ва ўрганиб чиқилган материаллардан шундай хулоса чикадики, реалиялар таржимаси, уларни бир тилдан иккинчи тилга ўгириш жуда муҳим ҳисобланади. Чунки ҳар бир халқнинг ўзига хослиги, миллий хусусиятлари, урф-одат ва анъаналари реалияларда ўз аксини топади. Адиб асарларининг Аъзам Обидов томонидан қилинган инглизча таржималари реалияларни беришда муваффақиятга эришган. Бунда таржимон, асосан, изоҳлаш усулидан фойдаланган. Натижада, асар таржимаси инглиз китобхони учун тушунарли, тили равон ўқиб англаши осон бўлган. Бироқ мавжуд реалия маъноси инглиз тилида бошқа мазмун моҳиятни ифодалаган ўринлар ҳам йўқ эмас. Шундай қилиб, таржимон реалиялар таржимасида замоनावий тилшуносликдаги муайян тамойилларга таянган ва ўзбек халқи ҳаётини миллий рангларда инглиз китобхонига беришга эришган.

АДАБИЁТЛАР

1. **Ризун В.В.** “К вопросу о социально-культурной адаптации художественного произведения” Теория и практика перевода. – Киев: Вышая школа, 1982. – 438 с
2. **Влахов С., Флорин С.** “Непереводимое в перевода”. – М.: Международные отношения. 1986. – 346 с
3. **Мусаев. Қ.** “Таржима назарияси”. – Тошкент. 2005. – 108. б
4. **Эркин Аъзам.** “Гули-Гули” қисса. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – Б. 52.
5. **Ўзбек тилининг изоҳли луғати.** 2- Жилд. – Тошкент: Ўзбекистонмиллий энциклопедияси, - Б. 511.
6. **Erkin A'zam.** (translated from Uzbek by A'zam Abidov) Heirs to the Great Sinner Sheikh San'on. – United Kingdom: Published in Herdfordshire Press Ltd, 2016. – P.375
7. **Erkin A'zam.** (translated from Uzbek by A'zamAbidov) Farewell to Fairy Tales Published in Herdfordshire Press Ltd, United Kingdom 2016. – 296 p.
8. **Эркин Аъзам.** “Жаннат ўзи қайдадир” бир йил битиклари (ҳикоялар, киноқиссалар, драматик асар ва публицистик миниатюралар). – Т.: Шарқ, 2007. – Б. 128.
9. **Эркин Аъзам.** Шовқин роман, қисса, ҳикоялар. – Т.: Ўзбекистон, 2011.
10. **Соболев Л.Н.** Пособие по переводу с русского языка на французский. – М., 1952.
12. **Русча-ўзбекча луғат 1-2 том.** – Т., 1983, 1984. – 802 б.

13. Muller V.K. English-Russian Dictionary. – Moscow, 1997.
 14. Russian-English Dictionary. – Moscow, 1969. – 208 p.
 15. Узбекско-русский словарь. – Москва, 1959. – 230 с.

УДК 821.161.1

“АЁЛЛАР НАСРИ” ФАЛСАФАСИ
ФИЛОСОФИЯ «ЖЕНСКОЙ ПРОЗЫ»
PHILOSOPHY OF “FEMALE PROSE”

Муртазаева Феруза Рашитовна

преподаватель кафедры русского языка и литературы БухГУ

Таянч сўзлар: “аёллар насри”, феномен, ҳикоялар, қиссалар, романлар, баён, диалоглик, илмий концепция.

Ключевые слова: «женская проза», феномен, рассказы, повести, романы, повествование, диалогичность, научная концепция.

Key words: “female prose”, phenomenon, stories, novels, narration, dialogism, scientific concept.

Мақолада “Аёллар насри” феномен сифатида қаралади. Ёзувчи Викториа Токарева ижоди алоҳида аҳамиятга эга. Унинг ижоди Людмила Петрушевская, Татьяна Толстая, Людмила Улицкая каби етук ёзувчилар авлодига мансуб.

В статье рассматривается «Женская проза» как феномен. Особый интерес представляет творчество яркой русской писательницы Виктории Токаревой. Чье творчество можно отнести к плеяде Людмилы Петрушевской, Татьяны Толстой, Людмилы Улицкой и др.

The article considers “female prose” as a phenomenon. Of particular interest is the work of the bright Russian writer Victoria Tokareva. Whose work can be attributed to the galaxy of Lyudmila Petrushevskaya, Tatyana Tolstoy, Lyudmila Ulitskaya, etc.

Введение. В 2004 году в Узбекистане ООН проводил конкурс на лучшее сочинение на тему: «Женщина о женщине», лучшие материалы были изданы в виде сборника. В сборник были включены рассказы, публицистические очерки, эссе и другие по жанру произведения. В каждом произведении на конкретном примере были раскрыты женские личности, наши современницы. В мировом контексте были изучены гендерные вопросы нашего общества.

«Женский вопрос» во всех временах был актуальным вопросом времени и общества. В нашем глобализационном мире еще более усугубился этот вопрос. Президент Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёев постоянно акцентирует свое внимание на роль женщин в обществе, достижению гендерного паритета, мотивацию женщин к более активной позиции, развитию института семьи. Он отметил: «Нежность и красота, ум и преданность, любовь и самоотверженность и многие другие прекрасные качества, присущие женщинам, испокон веков служили источником самых благородных человеческих чувств и поступков. Именно женщинам посвящены лучшие произведения искусства, поэмы и песни, шедевры зодчества во всем мире»[1].

Неотъемлемой частью «женского вопроса», является «женская проза», которую хотим рассмотреть в данной статье. В литературном процессе особое место занимает «женская проза». Как отмечает Тернова Т.А., рождение женской прозы можно связать с произведением Н.Грековой «Вдовый пароход» (1981 г.), в котором одинокие женщины, живущие в послевоенной коммуналке, обретают свое маленькое счастье в любви к единственному ребенку в их общем доме – Вадиму, при этом, не позволяя ему стать собой [7, 6].

Следует отметить, на рубеже XX-XXI веков феноменальной стала «женская литература», в этом русле особо выделяется «женская проза» и «женская поэзия». Каждая национальная литература имеет своих представительниц. Имя Саломат Вафо, Зульфия Куролбойкизи знакомо не только узбекским читателям, их знают и за рубежом.

ADABIYOTSHUNOSLIK

В рассказах, повестях и романах писательниц представлены не просто женские характеры, они созданы как воплощение гендерных проблем.

В этом отношении особый интерес представляет творчество яркой русской писательницы Виктории Токаревой. Чье творчество можно отнести к плеяде Людмилы Петрушевской, Татьяны Толстой, Людмилы Улицкой, Марины Вишневецкой, Ольги Славниковой, Марины Палей, Галины Щербаковой, Нины Садур и др.

Придерживаясь научной концепции Н.Лейдермана, Л.Аннинского, П.Басинского, характерной признанием приоритета философско-аксиологического содержания, хотим исследовать философию «женской прозы» на примере прозы Виктории Токаревой.

Основная часть. Женские образы занимают особое место в художественной литературе. «Женская проза» В.Токаревой, Л.Улицкой и других привлекает особое внимание. Американская исследовательница Хелена Гоцило объясняет феномен «новой женской прозы» тем, что она «разрушает традиционные для русской культуры идеальные представления о женской скромности, верности, жертвенности, выдвигая на первый план жизнь женского тела»[5, 346]. Таковой является Марина, главная героиня повести Виктории Токаревой «Своя правда». Она знала, что Рустам не женится на ней, азербайджанцы женятся только на своих. Виктория Токарева, для наибольшего понимания читателем возникшей ситуации, придания яркого эффекта контексту, использовала слово «джуляб».

Ярким примером может служить Таня - дочь Сонечки, героиня повести Л. Улицкой «Сонечка». Однако главная героиня повести, Сонечка, обладает совершенно иными манерами. Она прощает измену мужу, помогает ей в этом мир книг: «...А безмятежная душа Сонечки, закутанная в кокон из тысячи прочитанных томов, забаяканная дымчатым рокотом греческих мифов, гипнотически-резкими звуками флейты Средневековья...» [5, 6]. Особое внимание к проблемам отдельного человека, различные ситуации, сложность во взаимоотношениях мужчины и женщины, рассмотренные сквозь призму легкого юмора, все входит в формулу, приведшую за собой читательский успех. Все это достигается своеобразными, присущими рассматриваемому автору, лингвопоэтическими особенностями.

Неотъемлемым свойством повестей Виктории Токаревой является диалогичность. Это может быть передача чужой речи, либо авторской в форме прямой или несобственно-прямой речи. С помощью диалога автор передает разнообразия жизни, нормальной, обыденной: в любовных отношениях, в семейном быту и т.д. Как отметил М.М.Бахтин «текст живет, только соприкасаясь с другим текстом (контекстом), только в точке этого контакта текстов вспыхивает свет, освещающий и назад, и вперед, приобщающий данный текст к диалогу»[4, 384]. Опираясь на научную концепцию Бахтина, можем сказать, в обоих случаях литературовед имеет дело с несколькими текстами, при их сравнении состоится диалог, выявляющий своеобразие каждого текста.

Телефонный разговор-знакомство Марины с Рустамом: « - Але!... - Попросите, пожалуйста, Джамала, - попросил приятный мужской голос. - Вы не туда попали, - вежливо ответила Марина и положила трубку...»

Встречаются разнообразные словосочетания разных лексико-семантических и функционально-стилевых типов: «интернациональный город», «орущая мать», «дерущийся брат», «азербайджанские родители», «униженное детство», «заискивающие лица» и пр.

Наблюдается активное использование в тексте тропов, что характеризует индивидуальный стиль автора: сравнения – «боялся Марины, как мелкий травоядный зверь боялся крупного», «звенела, как колокольчик», «двигалась, как лунатик», «мотал головой, как ужаленный конь», «пропадал где-то, как мартовский кот»; метафоры – «льняные волосы», «золотые руки», «глаза – большие, бархатные», «серое лицо»; олицетворения – «улыбка резанула по сердцу», «сердце всколыхнулось»; эпитеты – «сладостное предчувствие»; «орущая мать», «заискивающие лица», «маленький начальник»; метонимия «ставить их(детей) на крыло», «тонкий девичий стан».[5]

Виктория Токарева также использует в повести беллетризмы: «высокий красавец», «впечатывать свои губы в её губы», «целовалась с другим настроением», «хорошенький, со светлыми кудряшками».

В повестях присутствуют разговорные обороты речи: «короче говоря», «тормозить руки», «дёргать вопросами», «оторвался от армянки», «ее мутило», «прихватывать из столовой».

Автор употребляет в повестях синлексы, не осложнённые экспрессией составные номинативные единицы языка: «русской семье», «советские времена», «соседскими детьми», «нефтяную вышку», «задние ноги», «педагогический институт», «глубинные знания», «восточным девочкам», «студенческие годы».

Мы можем наблюдать в тексте повести штампы, «клишированность»: «спала без задних ног», «тела напивались друг другом», «зуб на зуб не попадал», «слезы высыхали на ветру».

В повести мы встречаем паремы, единицы, несущие законченный смысл, выработанные в живой разговорной речи: «И что с того?», «А почему нет?», «Жаль?», «А что теперь?», «Что делать?».

Также немаловажна роль цитат, фразеологизмов, крылатых выражений, пословиц и поговорок в повестях Виктории Токаревой: «Курица - не птица, Болгария не заграница», «Не хлебом единым жив человек», «У природы свои законы», «Вылетает, как птица из гнезда», «Билась о стены, как случайно залетевшая птица».

Таким образом, художественное повествование Виктории Токаревой эмоционально и экспрессивно, образовывается некий диалог между автором и читателем. Автор создаёт свою собственную, неповторимую шкалу жизни.

Интересные взаимосвязи обнаруживаются в постановке проблем «разлада мечты и действительности», «утраченного рая», поисков смысла жизни «маленьким человеком» в произведениях Виктории Токаревой.

Творчество Виктории Токаревой представляет собой жанровое единство. В рассказах писательницы выделяются характерные принципы и приёмы: говорящие детали, психологические пейзажи. Из их совокупности складывается общее представление и о проблематике, и о героях, и о своеобразии конфликтных ситуаций и путях их разрешения в «женской прозе».

«Женская проза» сложна и многообразна, поскольку она несёт новый духовный опыт, новое самосознание и мировидение, построенные на основе трагического социального опыта XX века. Писательницы напряжённо ищут такие ценностные ориентиры и творческие методы, которые открыли бы возможность эстетически запечатлеть кризисное состояние мира рубежа веков. Суетности, жестокости, неверию, дисгармонии человеческой жизни в их произведениях противостоит библейское постоянство мира, а переключка мировых культур, открытость шуму времени ведёт к пониманию истинного смысла бытия.

Женская проза – проза, написанная женщиной о женщине. Стилистически она может быть и реалистической, и постреалистической, в зависимости эстетических установок автора. Тем не менее, женская проза тяготеет к реализму, так как утверждает утраченные семейно-бытовые нормы, говорит о праве женщины на сугубо женскую реализацию (дом, дети, семья), то есть отстаивает традиционный набор ценностных позиций. Женская проза дискуссионная по отношению к советской литературе, которая рассматривала женщину, прежде всего, как гражданина, участника процесса социалистического строительства. И мы присоединяемся к мнению, что русская «женская проза» не равна феминистскому движению, поскольку имеет принципиально иные смысловые установки: феминизм отстаивает право женщины на самоопределение вне системы традиционных ролей, женская проза настаивает на том, что женское счастье стоит искать в пространстве семьи [2, 7].

Исходя из признания единства и многообразия поэтических авторских концепций, мы считаем возможным говорить об особой системе эстетического мировосприятия применительно к «женской прозе» рубежа веков, образующей целостное культурное пространство, в которое входят произведения, «несущие и традиционную функцию

ADABIYOTSHUNOSLIK

нравственного воспитания, и эстетически эпатажную постмодернистскую... тенденцию» [2, 13].

Виктория Токарева – признанный художник слова. Произведения писательницы на протяжении многих лет любимы читателями и постоянно находятся в поле зрения литературных критиков. Специалисты неоднозначны в своих оценках её творчества. Среди них есть те, кто считает её произведения оригинальными, свежими и талантливыми, есть и другие, кто подчёркивает злободневность и социальность её прозы, третьи утверждают, что Виктория Токарева всего лишь бытописатель и в её текстах – обычная будничная жизнь, художественное осмысление которой отличается особенной глубиной.

Тематика её произведений многообразна и многопланова. Токареву интересуют такие нравственные категории, как душевная неуспокоенность, потребность самовыражения, страх одиночества. Кэтим категориям никогда не обращаются писатели низкопробной литературы с сугубо развлекательной функцией, когда читатель становится «воображателем» или «мечтателем», пассивным потребителем и наблюдателем. Произведения Виктории Токаревой лишены пошлости и штампов – этих неперенных спутников масскульта.

Удивительное в произведениях Токаревой: истории, легшие в основу произведений писательницы, могли бы произойти и десять, и двадцать, и сто лет назад. Менялись бы детали, но суть оставалась бы прежней. В этом принадлежность произведений Виктории Токаревой к «вечной» теме.

Заключение. Хочется завершить статью на высокой ноте Ю.А.Букиной: «У писательнице свой собственный, неповторимый, индивидуальный стиль, пронизанный и мягкой иронией, и юмором, и теплотой, и участием к своим героям, который оказался близок и понятен широким слоям читателей» [4, 324].

ЛИТЕРАТУРА

1. **Мирзиёев Ш.М.** Выступление Пр.Р Уз Ш.М. на встрече, посвященной Международному женскому дню. 07.03.2018. uza.uz/
2. **Алексеева Л.Ф.** Литературная жизнь 1970–2000-х гг. / Л.Ф. Алексеева // История русской литературы XX в. В4-х кн. – М., 2008. – Кн. 4. – С. 5–19.
3. **Бахтин М.М.** Эстетика словесного творчества. / М.М.Бахтин. – 2-ое изд. – М., 1979. – С.384.
4. **Букина Ю.А.** Доминантные черты художественного мира В.Токаревой // Русская литература. Исследования. Выпуск XIV (2010). – С.234.
5. **Виктория Токарева.** «Своя правда». WWW. электронная книга.
6. **Лейдерман Н.Л., Липовецкий М.Н.** Современная русская литература: 1950-90-е годы: в 2-х т. М.: Академия, 2003.
7. Современный литературный процесс. Составитель Т.А.Тернова. // Учебное пособие для вузов. Воронеж, 2007. – С. 6.

УДК 82-142

УСМОН АЗИМ ШЕЪРИЯТИДА ЁПИҚ МАКОН ИФОДАЛАРИ

ИЗОБРАЖЕНИЯ ЗАКРЫТЫХ МЕСТ В ПОЭЗИИ УСМОН АЗИМ

THE IMAGES OF CLOSED DESTINATIONS IN THE POETRY OF USMON AZIM

Хурсанов Дилшод Бахтиёрович

СамДУ тадқиқотчиси

Таянч сўзлар: шеърият, лирик қаҳрамон, бадий макон, очик ва ёпиқ маконлар, макон чегаралари, бадий деталлар, психологик ҳолат, изтироб талқини.

Ключевые слова: Поэзия, лирический герой, художественное место, открытые и закрытые места, границы мест, художественные детали, интерпретация испытаний.

Key words: Poetry, lyrical hero, artistic place, open and closed places, boundaries of places, artistic details, interpretation of tests.

Ушбу мақолада бадиий маконнинг ёпиқ хусусиятлари ҳақида сўз боради. Усмон Азим шеъриятидаги хона, бекаат, кўча хронотоплари орқали юзага келадиган лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолати очиқ берилди. Шоир шеъриятидаги ҳар бир ёпиқ макон алоҳида функционал аҳамиятга эга бўлиб, кечинманинг бошланиш ва тугаш сабабларини кўрсатиб келади.

В настоящей статье говорится о закрытых особенностях художественного места. В ней раскрывается духовное состояние художественного героя, появляющегося с помощью хронотопов комнаты, остановки и улицы в поэзии Усмон Азим. Каждое закрытое место обладает отдельным функциональным значением в лирике поэта, изображает причины начала и конца переживаний.

This article talks about the closed features of the art space. It reveals the spiritual state of the artistic hero, which appears with the help of chronotopes of the room, stop and street in the poetry of UsmonAzim. Each closed place, having a separate functional meaning in the poet's lyrics, depicts the reasons for the beginning and end of experiences.

Кириш. Лирикада ёпиқ макон ифодалари орқали лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини динамик равишда ўзгариб бориши тасвирланади. Макон чегаралари ҳолатнинг ўзгариш босқичи учун асос вазифасини бажаради. Шоир ёпиқ макон орқали чексиз маконга, вақтга ишора қилади. Очиқ ва ёпиқ маконлар ўзининг функционал аҳамиятига эга маконлар ҳисобланади.

Асосий қисм. У. Азим шеъриятида очиқ маконлар, асосан, маълум бир воқелик асосида тарих, соғинч, муҳаббат, мардлик, жасорат, бурч, садоқат мотивларини ифодалаб келса, ёпиқ макон ижтимоий ҳақиқатлар асосида изтироб талқини муҳимлиги билан аҳамиятга эгадир. Ёпиқ маконларнинг ўз чегаралари дераза, эшик, сурат ва бошқа элементлари борки, уларда лирик қаҳрамоннинг объектив борлиққа ҳиссий қарашлари орқали субъектив кечинманинг лирик ифодаси тасвирланади.

Бурилиб бўлмади хонамиз ичра,
(Эҳтиёт бўлсанг-чи!) тўрт тараф буюм,
Оламда кезаман кўзларим хира,
Теграмда айланар буюмдан куюн [1, 39].

Воқеа ривожига фақат хонада рўй бермайди. Шеърнинг кейинги мисраларида лирик қаҳрамон гўёки бутун умрини рўзғор ташвишларига ўралашиб қолганлигини, дунёга тўйиб “боқмаганлиги”, майсаларнинг “бўйини” ҳам унутганлиги ҳақида ўйлари орқали маконий чегарани кенгайтиради. “Хона” бадиий макони орқали шоир олам ва одам ҳақидаги қарашлари, фалсафий тушунчалари реал ҳаётга бўлган муносабати акс этади.

Бу ерга келтирди мени тасодиф,
Кимдир шеригига латифа сўйлар.
Кимдир креслода ухлайди қотиб,
Марк Бернес турналар ҳақида куйлар.
Қаршимда лобар қиз ўлтирар жо жиддий.
Ичмаган. Столда қадаҳи лим-лим.
Сездингми, хонада бир армон ҳиди,
Турналар оламда учмоқда, синглим! [1, 43].

Шоир шу хонадаги ҳар бир образнинг ташқи қиёфаси ёки руҳий ҳолатини тасвирлашни ўз олдига мақсад қилмайди. Балки, у одамлар ичида ёлғизлиги, давранинг кўтаринки кайфияти ҳам унинг кўнглига таъсир қилмаслиги, унинг ўз олами ва унда пок ниятлар жўш уриши ҳақидаги тасаввурларига эрк беради. Турна образида қалбининг пучмоқларида қолиб кетган муҳаббат ва изтиробларини акс эттиради. Ёпиқ макон аста-секинлик билан очиқ маконга кўчади. Шоир шеъриятида хона хронотопида бошланган психологик жараён, одатда, денгиз, кема, тўлқин образларида қоришиб кетади. Бир бадиий макондан бошқасига силжиб бораверади. Ана шу силжиш натижасида шоир ўзининг мукамал орзу интилишларини метафорик тасвирларда баён этади.

ADABIYOTSHUNOSLIK

Лирик жанрлар табиатида қўлланган барча ёпиқ маконлар орқали хотирлаш, нисбий таққослаш, ўлим, айрилиқ, муҳаббат, эрк ва озодлик, ижтимоий муносабатлар қаламга олинади. Тўғри, очиқ маконларда ҳам бу тушунчалар кенг қўлланилади, бироқ, очиқ маконларда объектив борлиқ кўпинча табиат тасвири орқали юзага келади. Ёпиқ маконларда уй ёки хона қайсидир ҳис биринчи ўринга чиқишида туртки вазифасини бажаради. Ҳар бир бадиий детал бунда жуда катта вазифа бажаради. Кучли драматизм, лирик қаҳрамоннинг туш билан ҳуш ўртасидаги ҳолати тасвирида ана шу бадиий деталларнинг у ёки бу кўриниши туфайли юзага келади.

Рашк, ғийбатнинг тўлқинларида
Кема мисол чайқалди хонам.
Энди бизлар ҳеч учрашмаймиз...
Хайр!

Хона хронотопи ҳаётий зиддиятлар тугуннинг бошланиш нуқтаси ҳисобланади. Усмон Азим шеърларидаги лирик қаҳрамон билан у яшаётган ҳаётий шароит ўртасидаги конфликт ўзига хос фалсафий юк ташиydi. Бир-бирига қарама-қарши характерлар ўртасидаги конфликт нисбатан кам учрасада кўпинча, ошиқ ва машуқ иккилигида намоён бўлади. Шоир шеърлятида энг кўп учрайдиган конфликт лирик қаҳрамоннинг ички дунёсидаги қарама-қаршилиқнинг инъикоси сифатида унинг характеридаги ожиз жиҳатлар билан кучли томонларининг кураши тарзида кўринади. Юқоридаги мисраларда ҳам лирик қаҳрамоннинг ўз маъшуқасидан айрилишига ғийбат ва унинг орқасидан келадиган рашк сабаб қилиб кўрсатилади. Лирик замон кун ва тунни ўз ичига олиб “Тонг отади, //Сен йўқ// Кун ботади, //Сен йўқ” тарзида вақт тушунчасига ойдинлик киритади. Шоир ижодида “хона” хронотопи лирик субъектнинг психологик ҳолатини бошланиш жараёни ҳисобланади. Бадиий макондаги ҳар бир деталь кейинги воқеликка йўл очади.

Столимда сен ёзган хатлар,
Девордаги суратда ҳам сен
Меҳр билан боқиб турибсан.
Деразадан кўринган осмон
Парчасига шодмон боқардик,
Юлдузлари кулганида ҳам,
Ол шафаққа тўлганида ҳам...
Хонам, ўзим, бу улкан олам
Сендан қолган ғамгин хотира [1, 46].

Эпик асарларда уй ёки хона хронотопи ёзувчи нигоҳи орқали жуда кенг ва атрофлича тасвирланади. Лирик асарлар лаконизмга асосланганлиги сабаб ёпиқ маконни тўлиқ тасвирлаб бўлмайди. Бу маконлар лирик қаҳрамонларнинг маълум маънода характер ва руҳиятини очиш маркази ҳам ҳисобланади. Шу сабаб маълум руҳий ҳолат қувватини бериш учун хонадаги деталларга тўхталиб ўтишга тўғри келади. Адабий турларга эътибор қаратилса, драматик асарларда бу ҳолат яққолроқ кўринади. Айнан воқеа ривожини маълум хоналарда кечади. “Сюжет ва композиция нуқтаи назаридан бу ерда учрашувлар рўй беради, фитналар, саргузаштлар тугуни ҳосил бўлади, ечимлар юзага келади ва, ниҳоят, роман учун ўта муҳим бўлган характерлар, “ғоялар”, қаҳрамонна “эҳтирослар” очилади” [2, 203]. Юқорида таъкид этганимиздек, лирик асар табиати сиқиклиги, ҳиссий кечинма устунлиги сабаб бу ҳолат бироз бошқача, яъни, ҳар бир бадиий деталь шеърда маълум функцияни бажаради. Улар орқали фалсафий маъно ифодаланади. Ҳар бир бадиий деталь ўтган кун ва бугунги замон объектида лирик қаҳрамонга ўз маъшуқаси ёдини солишга хизмат қилади. Энди у хона ҳатто “олам” ҳам ёрдан қолган хотирага айланади.

Менга бироз ёмғир,
бироз коньяк,
бироз-да кўз ёши лозимдир,
бир-да яна бу хона,
бу чироқ, бу қоғоз-қалам
бугун лозимдир ёмон [3, 11].

Усмон Азим шеърлятидаги ёпиқ макон хона образидан фарқли равишда Озарбайжон шоири Воқиф Самадўгли лирикасидаги хона образида лирик қаҳрамонга сокинлик бағишлайдиган, роҳат бағишлайдиган макон сифатида тасвирланади. Мозор образининг киритилиши ҳам ёпиқ маконлардан бири бўлиб, лирик кечинманинг маҳзун кайфиятини ифодалаш билан бирга поэтик ғояда ҳаёт ва ўлим концепсияси илгари сурилади. Унда ҳеч қандай кучли лиризм, изтиробнинг ёркин алангаси тасвир этилмайди. Одатда ижодкор халқи ёлғизликни, айрим пайтларда ўз хаёллари оғушида яшашни ёқтиришади. Бу ҳолатда улар реал ҳаётдан узиладилар, ўзи яратган образлар билан бирга яшайдилар ёки хаёлий дилдор васлига талпинадилар. Лирик қаҳрамон ўзига энг зарур деталларни келтириш билан бирга улар орқали ўз руҳий ҳолатини ифодалайди. Психологик жараёни ифодалаш учун “бироз ёмғир” (романтик руҳ бериш учун), “бироз конъяк” (руҳни жисмдан енгиллатиш учун), “бироз-да кўз ёши” (ғамгин хотира ва ўтган умрга ачиниш ҳисси), “хона” (ёлғизлик учун), “чиноқ, қоғоз-қалам” (кечинмани ифодалаш учун), “мозор” (жамиятдан ажралиш, узлатга чекиниш) керак бўлади. Хона хронотопи Усмон Азим шеърлятида туйғу ва изтиробларнинг юзага келиш объекти ҳисобланса, Воқиф Самадўгли шеърлятида келаси замон шаклида ўша изтироб ва туйғуларнинг келиши учун зарур объект вазифасини бажаради. Шунинг учун ҳам хона хронотопи шоирларнинг ижодий кайфиятидан келиб чиқиб ҳар-хил функцияни бажариб келади. Ижтимоий давр, турли географик жойлашув, ижодий концепсия ҳам албатта бунда муҳим рол ўйнайди.

Усмон Азим ижодида бекат ҳам алоҳида аҳамиятга эга хронотоплардан бири ҳисобланади. У асосан, учрашув мотиви билан боғлансада, бироқ, унда ошиқ ўз маъшуқасини учратмайди. Фақат ташқи объектдан кузатувчи вазифасини бажаради.

Ўша – мени ҳеч ким соғинмаган шом

Авто бекатида ҳайрона турдим.

Бошимни кўтариб боқдим бир замон.

Қаршимда бир йигит, бир қизни кўрдим [1, 155].

Лирик қаҳрамон ёлғизлик тушунчасини шеърнинг илк мисраларидаёқ “мени ҳеч ким соғинмаган шом” жумласи орқали китобхонга маълум қилади. Китобхон тасавурида ошиқ ўз маъшуқасини учратди деган таассурот туғилиши табиий. Бироқ, асар ўқилиш жараёнида бунинг тамом тескариси эканлигини англай бошлайди. Шоир шеърлятидаги бекат хронотопи хона хронотопидан фарқ қилади. Хона хронотопида қаҳрамон руҳий изтироблари у англаган ҳақиқатлар туфайли юзага келса, бекат хронотопида асосан тасодиф учрашув бирламчи хусусият кас бэтади. Чунки ҳар бир бадиий макон шеър табиатида ўзининг функционал аҳамиятига эга ҳисобланади. Уй, хона хронотоплари шахсийликни, хусусийликни ифодалаб, унда одатда бўлиб ўтган, бўлаётган ёки, бўлмақчи бўлган воқелик тўғрисида муаллиф фикрлари баён қилинади. Бекат хронотопи эса бадиий матн контекстида умумийлик касб этиб, унда бўлаётган воқелик тасодиф, кутилмаганда рўй бериши билан фарқланади. Юқоридаги мисраларда ҳам лирик қаҳрамон тасодиф туфайли йигит ва қизни бекатда учратиб қолиши, қизнинг гўзаллигини майда деталларигача таърифлаши “Белларини кучган белбоғи ҳам кўк. // Ҳатто кўм-кўк эди тўртта тугмаси...// Шамол титар эди – кўзи, қошига // Манглайига тушган бир тутам сочин” ва ниҳоят йигитга ҳавас қилиши билан яқунланади.

Ёмғир.

Бекат.

Эркакнинг эғнида ёмғирпўш.

Аёлнинг куйлаги баданига ёпишган.

(Олтмишинчи автобус тўхтаб ўтади).

Одатда тасодиф асносида рўй берган воқелик ҳар қандай шахсни иккиланишига олиб келади. Эпик асарларда тасодиф воқеликни бошланиши йўл хронотопи орқали юз беради. Унда сюжет элементлари воқеа ривожи, тугун, кульминацион нуқта, ечим тасодиф учрашувлар замирида қурилади ва асар қаҳрамонлари тақдирлари ўша йўлда кесишади. Лирик асарларда воқелик ҳиссий кечинма билан боғланганлиги учун ҳам унда катта тақдирлар ўтмиши, ҳозир, ёки, келажакка қаламга олинмайди. Айнан рўй

ADABIYOTSHUNOSLIK

бераётган воқелик лирик субъектнинг ўйлари асосида, унинг ички кечинмасини ёритиш орқалигина тасвирланади. Бекатда ёмғирдан ивиб ҳўл бўлган аёлга биргина шу ёмғирпўшини беришини ҳам бермаслигини ҳам ўйлагунча аёл манзилига етади. Лирик қаҳрамоннинг иккиланиши уларнинг тақдир йўллари кесишмаслигига олиб келади.

Хулоса. Умуман олганда лирик турда ёпиқ маконлар кечинманинг қай даражада акс этиши, унда бадиий деталларнинг ўрни ва аҳамияти, образларнинг бажариб келадиган вазифалари шоир услуби билан белгиланади. Шунинг учун ҳам ёпиқ маконлар ҳар бир шоир ижодида турли хил кайфиятни юзага келтиради. Ўша кайфият асносида лирик қаҳрамоннинг орзу-интилишлари, армонлари, хаёллари тасвирланади.

АДАБИЁТЛАР

1. **Усмон Азим.** Танланган асарлар. 1- жилд. – Тошкент: Фафур Фулом, 2016. – Б. 471.
2. **Жўрақулов У.** Назарий поэтика масалалари: Муаллиф. Жанр. Хронотоп. Илмий-назарий тадқиқотлар, адабий-танқидий мақолалар. – Тошкент: Фафур Фулом, 2015. – Б. 354.
3. Адабиёт газетаси. - № 9-10, 2019 йил, 15 май.– 11б.
4. **Фёдоров В.В.** Оприроде поэтической реальности. – М.: Наука, 1984. – С. 184.
5. **Хализев В.Е.** Время и пространство. Теория литературы: Учебник. – М.: Высшая школа, 1999. – С. 240.
6. Ритм, пространство и время в литературе и искусстве: Сб./Отв. ред. Б.Ф.Егоров. – Л.: Наука, 1974. – С. 299.
7. **Топоров В.** Пространство и текст. – Из работ московского семиотического круга. – М., 1997. – С. 515.

УДК:891.709

НАСРИЙ АДАБИЙ ЭРТАКЛАРДА АНЪАНАВИЙ МОТИВЛАР ВА МИФОЛОГИК ОБРАЗЛАР СТИЛИЗАЦИЯСИ

СТИЛИЗАЦИЯ ТРАДИЦИОННЫХ МОТИВОВ И МИФОЛОГИЧЕСКИХ ОБРАЗОВ В ПРОЗАИЧЕСКИХ ЛИТЕРАТУРНЫХ СКАЗКАХ

THE STYLIZATION OF TRADITIONAL MOTIVES AND MYTHOLOGICAL IMAGES IN PROSE LITERARY FAIRY TALES

Ражабова Раъно Зариповна

БухДУ ўзбек адабиёти кафедраси ўқитувчиси

Таянч сўзлар: эртақ, халқ эртаги, адабий эртақ, насрий эртақ, эврилиш, аждар, дев, пари, жин, мотив, образ, стилизация.

Ключевые слова: Сказка, народная сказка, литературная сказка, прозаическая сказка, превращения, дракон, дев, пари, джин, мотив, образ, стилизация.

Key words: Fairy tale, folk tale, literary tale, prose tale, transformations, dragon, dev (a mythological huge creature), fairy, gin, motive, image, stylization.

Мақолада насрий адабий эртақларда эврилиш анъанавий мотиви ҳамда аждар, дев, пари, жин сингари мифологик образлар стилизацияси хусусида фикр юритилган.

В статье рассматривается стилизация мифологических образов как дракон, дев, пари, джин и традиционный мотив превращения.

The article considers the stylization of mythological images like a dragon, devs (mythological huge creatures), fairy, gin and the traditional motive of transformation.

Кириш. Халқ эртақларида сеҳр-жоду иштирок этган мотивлар, воқеликнинг хаёлий уйдирма орқали талқин қилиниши, сирли воқеалар баёни, сирли предметлар образи муҳим ўрин тутаяди. Тилсимий ҳодисалар, сеҳр-жоду аралашган воқеликлар ҳаёт воқелиги билан ёнма-ён келтирилади. Айтайлик, эпик қаҳрамонларнинг ўз қиёфасини ўзгартириши, бир кўринишдан бошқа кўринишга айланишини ифода этувчи эврилиш мотиви [3, 48-51] сеҳрли-фантастик йўналишдаги насрий ёзма эртақлар сюжетининг ҳам етакчи мотивларидан бири бўлиб, бу афсонавий мотивдан адабий

эртақ муаллифлари маҳорат билан ўринли фойдаланишгани кузатилади. Адиблар ундан фойдаланиб, ўз асарларининг халқона руҳини оширишга, таъсирчанлигини кучайтиришга ҳаракат қилганлар.

Асосий қисм. «Қор одам» эртаги – анъанавий афсонавий қор одамни излаб топиш мавзuida. Олимлар кўпдан бери бу ҳақда бош қотирадилар, изланадилар. Иттифоқо, Тянь-шань тоғи этакларида қор одам пайдо бўлган деган шов-шувнинг ҳақиқат ё ёлғонлигини аниқлаш мақсадида уч олим йўлга тушадилар, ниҳоят унинг изига тушадилар, беҳуш қиладиган доридан тайёрланган ўқ билан уни отиб, қўлга туширадилар. Бироқ бу чинаккам қор одам эмас, балки қачонлардир ҳаммани безор қилган, дангаса, текинтомоқ ва худбин бир бола бўлиб чиқади. Аслида у магазинчи ўғли бўлиб, сеҳргар чолни туртгани учун тоғ ёнбағрига улоқтирилган эди. Кимсасиз тоғда ёввойиларча ҳаёт кечириб улғайган, аммо қилмишларидан хулоса чиқаргани туфайли қайта тарбияланиб, асл инсонлар сафига қўшилади.

«Қор одам» эртагида сеҳргар чолнинг бўйи секин-аста чўзилиб беш қаватли иморатдан ҳам баланд бўлиб кетибди» Яна «сеҳргар чол уни кафтида ўйнаб туриб аслида қайтиб, йўлида кетаверибди. Безори бўлса, қор уюмининг устига «поп!» этиб тушибди. Атроф совуқ, бўрон, биронта жондор йўқ эмиш. Бирдан у яланғоч қолганини ва бадани оппоқ юнг билан қопланганини кўриб қолибди». Кўринаётирки, бундай эврилиш воқеликнинг ваҳимали тус олишини таъминлаган ва ички маънавий эҳтиёж замирида воқеликка айланган.

Т.Ғойиповнинг “Салом – биринчи калом” эртагида сўз сеҳри билан инсоннинг тезкор балиққа, лочин қушга, одобсиз боланинг эса кесакка айланиб қолиши, Д.Абдурахимованинг “Етимнинг бахти” эртагида бойнинг сеҳр-жодуси билан турнага айлантирилган онанинг ўғли чалган най овозини эшитиб яна ўз ҳолига қайтиши ифода этилган.

Эврилиш мотиви Т.Ғойиповнинг «Гилосхон» эртагида ҳам учрайди. Унда яккаю ягона ўғли Рустам аждарни йўқотгани кетиб бедарак йўқолгач, ёлғизликдан эзилиб азият чека бошлаган миришкор деҳқон Тожибой ота ногоҳ одам қиёфасига кирган гилос уруғидан қувноқ ва хушчақчақ Гилосхонга дуч келиб қолади. Гилосхон унга ёлғизлигини сездирмайди, хизматини адо эта бошлайди, ҳатто бедарак кетган акаси Рустамни топиб, сеҳрли пат ёрдамида унинг жароҳатини даволайди. Акасига ўзи ва минг кишининг кули теккан жодуланган қилични беради. У шу қилич билан аждарнинг қолган каллаларини чопиб ташлайди. Халқ осойишталиги ва тинч турмушини таъминлайди. Гилосхон қасоскорлик ғайрати билан халқ эртақларидаги камситилган инсонлар тимсолига айланган кўринмас Нўхатполвонни эслатади.

Эртақда Аждар образи ҳам қўлланганлиги эътиборни тортади. Маълумки, аждар ўзбек фольклоридаги мифологик образлардан биридир. У кўпинча сеҳрли-фантастик эртақларда учрайди ва эпик қаҳрамонга асосий рақиб сифатида иштирок этади.

Адабий эртақларда дев, аждар каби образлар айнан ўзбек халқ эпик асарларидаги каби анъанавий тарзда тасвирлангани кузатилади. Халқ тасаввурига кўра, Аждар қирдай бир йирик махлуқ бўлиб, кўзларидан ва оғзидан ўт пуркайди. Унинг оғзи ёрдай баҳайбат бўлиб, ҳамма нарсани домига тортишга уринади.

Т.Ғойиповнинг “Ҳар ким экканини ўради” эртагида қаҳрамон “бораверибди, бораверибди, неча-неча адирлардан ошиб, неча чўлдан ўтиб, охири буюк бир тоғ ёнида тўхтабди. Қараса, тоғ тепасига томон илонизи йўл чўзилиб кетганмиш. Тоғ устида ажойиб кунгирадор қўрғон ястаниб ётганмиш. “бой хонадонга ўхшайди, қарайчи, ким яшаркин, балки бирон фойдали нарса ундираман”, - деган ниятда терлаб-пишиб қўрғон сари кўтарилибди. Қўрғон остига еткач, шарпа эшитиб қараса... катта бир аждар ёрдай келадиган оғзини кенг очиб, кўзларидан чарсиллатиб ўт олов сочиб, паншаха панжаларини ерга дуп-дуп босиб, Эшматга томон тиш қайраб келаётганмиш!”.

Келтирилган тасвир шуни кўрсатадики, аждар образи адабий эртақларда халқ эртақлари анъаналари руҳида тасвирланади.

Т. Ғойиповнинг “Атомдев”, “Дев ва техника”, “Раҳмат девни қандай алдагани” каби эртақларида анъанавий мифологик персонажлардан яна бири – дев образи келтирилган.

ADABIYOTSHUNOSLIK

“Раҳмат девни қандай алдагани” эртагида дев момоқалди роқдек гулдираган товуш билан инсонлардек гапириши тасвирланган. Бу эртақда дев китобнинг қули сифатида акс эттирилади. Маълумки, халқ эртақларида, одатда, у узукнинг ёки чироқнинг, ё кўзанинг қули қилиб тасвирланади. Демак, бу ўринда адибнинг ўзига хос ижодкорлик қилгани кузатилади[4, 12-13]. Ушбу эртақда дев уч юз йилдирки, китоб қули эканлиги айтилади. Сеҳргар уни бир вақтлар китоб ичига қамаб қулфлаб, калитини уч шохли қайрағоч дарахтининг остига кўмиб кетган бўлади. Тасодифан қуюқ ўрмонга кириб қолган ўқувчи Раҳматни кўриб қолган дев ундан ўзини озод қилишини ялиниб сўрайди. Раҳмат сеҳрли калитни топиб, девни озод қилади. Китоб ичидан кўлларини бир-бирига ишқаб, баҳайбат дев чиқади. Бу худди эртақларда ҳикоя қилинадиган девнинг ўзгинаси экан. Дев елкаларини қимирлатиб, кўлларини ҳар томонга силкибди ва қаҳ-қаҳ уриб қулиб, рақсга тушиб кетибди. Бола эса девнинг тинчланишини кутибди. Дев бир пайт рақсдан тўхтаб: “Эй, бола! Сени нима қилай? Ҳув олисда кўринган баланд тоғ устига олиб чиқиб, саҳрога улоқтирайми ёки туби йўқ, даҳшатли денгиз сувларига чўктириб юборайми? Тез бўл, бирини танла!” – дебди. Бола девдан бундай гапни сира кутмаган экан, ҳайрон бўлибди. Раҳмат ақлли бола экан. У дарров елкасидаги транзисторни олиб, девга узатибди-да: “Агар сен ҳақиқатан ҳам қудратли бўлсанг, шу кичкина қутичани бир сайратиб юбор-чи”, - дебди.

Дев олайган кўзлари билан гоҳ болага, гоҳ транзисторга ажабланиб қарабди. Ниҳоят транзисторни боланинг қўлидан олиб, айлантириб кўрибди, ялабди, искабди-да, бош чайқабди. Бола эса девга “Эй, замондан орқада қолган, фан-техникадан хабарсиз дев” –деб, девни калака қилибди. Сўнгра бола транзисторни бурабди. Приёмникдан баланд, ваҳимали кичқириқлар эшитила бошлабди: “Олға, югур! Ур!!! Чапдан сол! Бўш келма, теп!” Бу футбол ўйинининг энг қизғин чоғи, ишқибозлар ўзларини унутиб, бақаришаётган пайт экан. Футбол ўйини нималигини билмайдиган дев бу овозларни эшитиб, қулоқларини беркитиб олибди. “Бўлди бас. Шерикларингни чақирма. Улар мени бир бурдадан қилиб юборишади, деб ялинибди. Айтганларининг барчасини бажараман дебди. Раҳмат эса: “Сендақа девларнинг инсон билан куч синашадиган вақти ўтиб кетган! Ҳеч кимга ёмонлик қилмайман, деб сўз бер. Кейин мени ўртоқларим ёнига элтиб қўй”, - дебди. Дев ҳеч кимга ёмонлик қилмасликка сўз берибди ва болани ўрмондан уйига олиб бориб қўйибди.

“Кичкина боланинг қўлидан шунақа ишлар келса, катталарнинг қўлидан нималар келмайди, қойил-э! – деб ўйлабди дев. Кейин эртақлар оламига қайтиб кетибди.

Бу ўринда дев лақма кўринишда тасвирланган. Девларнинг гўл кўринишда тасвирланиши “Қўрқмас чол ва айёр тулки” номли халқ эртагида ҳам кузатилади.

Т. Ғойиповнинг “Ҳар ким экканини ўради” эртагида эртақ қаҳрамони – қиз икки марта қарс урар экан, ҳаво гулдираб, чақмоқ чақнаб, ҳаводан даҳшатли дев учиб келиб ерга қўниши тасвирланади. Кўриниб турибдики, бу тасвир девнинг эпик тасвирига жуда мосдир.

Адабий эртақларда ўзбек фольклоридаги мифологик образлардан яна бири – жин ҳам акс эттирилганлиги кузатилади. Т. Ғойиповнинг “Ҳар ким экканини ўради” эртагида жинларнинг кўриниши шундай тасвирланади: “Эрматнинг ёнига ажойиб қиёфали икки махлуқ чиқиб келибди. Улар қотма ва узун бўйли эмиш. Қора юзларида кўзлари чўғдай қизариб ёниб турганмиш. Қулоқлари от қулоғидай диккайган. Эгниларида узун қора кўйлак, бармоқлари узун ва ингичка эмиш. Улардан бири эчки соқолли экан. Жинлардан бирининг исми Мисқол жин, иккинчисиники Ғалвирак жин экан. Улар гавҳар чироқлар билан ёритилган ғор ичида яшар эканлар”.

Ушбу эртақда адиб айрим олифта, тарбиясиз, такасалтанг ёшларнинг ҳаётини, уларнинг маишатли турмушини жинлар базмига ўхшатади.

Эртақда тасвирланишича, ҳалиги жинлар Эшматни кенг залга бошлаб киришибди. Эҳ-ҳе, у ерда жаз мусиқа дейсизми, рокн-ролми, бақариш, чинқириш, увлаш, тарақлаш, гумбирлаш овозлари оламни титратармиш, қанча ёш-яланг жинлар ер тепиб, сакрашиб, кичқириб, ув тортишиб, рақс тушаётганмишлар, туёқлари тақирлар, калта кўйлақлари ҳилпирар, уларнинг лаблари, юзлари қип-қизил рангга бўялганмиш. Бир четда бўлса бир неча жин катта пул тикиб қимор ўйнашмоқда. Оғизларига келган

сўзлар билан сўкиниб бир-бирига дўқ уришади. Еб ташланган овқат пўчоқлари ерга сочилган, умуман жинлар озодаликка сира эътибор бермайдиган тоифа экан. Эшмат ҳам уларга қўшилиб “кўнгил оча” бошлабди.

Эртақда болалигидан нотўғри қадам ташлаб, қинғир йўлга кириб кетадиган ёшлар танқид қилинган. Уларнинг характер-хусусиятини очиб кўрсатишда ёзувчи жин образидан маҳорат билан рамзий усулда фойдалана олган.

Адабий эртақларда анъанавий пари образи ҳам учрайди. Масалан, Турғунбой Ғойиповнинг “Парилар макони” эртагида халқнинг парилар ҳақидаги эпик қарашлари, ишонч-эътиқодлари ўзига хос бадий талқин этилган. Ушбу эртақ шундай бошланади: “Бир вақтлар Шохимардон тоғлари этагида бир йигит деҳқончилик қилар экан. Ойдин кечада йигит экинларини суғориб юрган экан.” Шунда у сув париларига дуч келади.

Маълумки, халқ орасида сув бўйига борилса, париларга ёки ажинага йўлиқиш мумкин деган қараш бор. Бу ўринда ёзувчи халқнинг шу тасаввур-тушунчасини бадий ифодалашни назарда тутган.

Эртақда сув париларининг кўриниши шундай чизиб берилади: “Тим қора, ярқироқ, узун сочлари чиннидек оппоқ елкаларига ёйиларкан, шўх кўзлари юлдуздай чақнаркан. Кейин улар ўзаро қувлашиб, сув сепишиб қирғоққа чиқишаркан. Улар боғларда гуллар териб, гулчамбарлар тўқишаркан. Кейин бир жойга тўпланиб олиб кўшиқ куйлашаркан. Кейин улар ўринларидан туриб, бекинмачоқ ўйнашибди. Бундан хабардор бўлиб қолган деҳқон йигит бир четга яшириниб ётиб, уларнинг ўйин-кулгуларини роса томоша қилибди. Шу пайт қизлар нималарнидир кўриб кўрқиб қичқириб юборишибди.

Йигит қараса ўтлар орасидан бир бўри сакраб чиқиб, қизларга ташланмоқчи бўлибди. Қизлар кўрқиб қочибдилар. Лекин бир қиз нимагадир қоқилиб йиқилибди-ю ҳушидан кетибди. Йигит уни бўридан қутқариб олибди. Йигит қутқариб қолган қиз парилар подшоҳининг қизи экан. Улар сув ости мамлакатиининг фуқаролари бўлиб, инсонларни у қадар ёқтиришмас экан. Бироқ қиз йигитнинг ҳалол ва очик кўнгил, мард ва шижоатли эканлигини билиб, унга кўнгил қўйибди. Йигит ҳам бир кўришда пари қизга ошиқ бўлиб қолибди. Пари қиз билан йигит тўй қилишиб, оила қуришибди.

Кунлардан бир куни пари қиз ота-онасини соғиниб, сув ости мамлакатига равона бўлади. Бироқ отаси қизини яхши кутиб олмайди. Уни шармандалиқда айблаб, қаттиқ жазоламоқчи бўлади. Лекин шу пайт йигит етиб келиб, ўз донолиги ва ҳалоллиги билан қайнотасининг кўнглини овлаб, хотинини қутқариб қолади. Шундай қилиб, инсон боласи – деҳқон йигит билан пари қиз ували-жували бўлиб, бахтли ҳаёт кечирадилар. Улар бирга яшаб, бир неча бола кўрадилар. Болалари парилар сингари ҳусндор бўлади. Ўз одоблари ва ишчанликлари билан таниладилар.

Пари ва инсон никоҳи халқ эртақларига хос анъанавий мотивлардан биридир. Жумладан бу мотивни “Гулиқаҳқаҳ”, “Бахтли кал” каби халқ эртақлари сюжетида ҳам кузатиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, халқ эртақлари сюжетида хос сеҳр-жоду, хаёлий уйдирма талқини, анъанавий мифологик ва афсонавий мотивлар, демонологик образлар тасвири адабий эртақлар сюжетида ҳам учраши кузатилади. Бу эса адабий эртақларнинг халқ эртақлари асосида шаклланиб, бадий такомилга эришганлигидан далолат беради.

АДАБИЁТЛАР

1. **Гўзалев Физули.** Сеҳрли эртақларда эврилиш ва унинг қадимий шакли // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1989. – № 4. – Б. 48-51.
2. **Жумабоев М.** Болалар адабиёти ва фольклор. Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2006. – 216 б.
3. **Жўраев М., Шомусаров Ш.** Ўзбек мифологияси ва араб фольклори. – Т.: Фан, 2001. – 136 б.
4. **Ғойипов Т.** Сеҳргарнинг хатоси. Эртақлар. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – 239 б.

УДК 871.82.32.

МАГНУС ФЛОРИННИНГ “БОҒ” ВА УЛУҒБЕК ҲАМДАМНИНГ “НАЪМАТАК” МИНИ-РОМАНЛАРИДА ҚУРАМА КОМПОЗИЦИЯНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ
ОСОБЕННОСТИ МОНТАЖНОЙ КОМПОЗИЦИИ В МИНИ-РОМАНАХ «САД» МАГНУСА ФЛОРИНА И «ШИПОВНИК» УЛУҒБЕКА ХАМДАМА
FEATURES OF THE INSTALLATION COMPOSITION IN THE MINI-NOVELS “GARDEN” OF MAGNUS FLORIN AND THE “DOGROSE” OF ULUGBEK HAMDAM

Холбоева Ситорабону Зоҳировна
магистрант СамГУ

Таянч сўзлар: фрагмент, композиция, мини-роман, монтаж, дунёнинг бадий модели.

Ключевые слова: фрагмент, композиция, мини-роман, монтаж, художественная миромодель.

Key words: fragment, composition, mini-novel, montage, art model of world.

Мақолада швед ва ўзбек ёзувчилари мини-романларининг композицияси илк марта қиёсий ўрганилиб, асарлардаги фрагментар сюжет қурилиши таққосланган, ўсимлик ва табиат образларининг фалсафий аҳамияти ёритилган.

В данной статье впервые рассматриваются композиция мини-романов шведского и узбекского писателей в типологическом плане. В работе сравнивается фрагментарное сюжетостроение произведений и раскрывается философское значение образов растений и природы в приведенных мини-романах.

This article for the first time considered composition mini novels Swedish and Uzbek writers. In the work of compared fragmentary plot works and philosophical the value of the image of plants and the nature of the above mini novels

Введение. Со времён Платона и Аристотеля до сих пор жанр колеблется между призванием центральной художественной категории до полного отрицания как литературное явление. Метаморфозы современного литературного процесса породили ряд новых явлений в художественном пространстве, в том числе и в области жанра. Например, один из них мини-романы, которые являются продуктом минимизации большого эпического жанра.

Само определение мини-роман авторская номинатива. Мини-роман, микророман, миниатюр роман употребляются в едином значении. Как жанр нового явления мини-романы имеют ряд принципов, которые свойственны классическому образцу жанра роман. Динамика повествования, сюжетостроение классического жанра имеют ряд канонов, свойственные и к жанру мини-роман, учитывая субъективную особенность языка художественного повествования. Как говорит Джемиле Арзу Айтекин, “структура литературного произведения (шумерская поэма), учитывая универсальное, общее и базовое использование языка и структуры, внутренние части, художественную литературу, воображаемую структуру, имеет дух идеи человечества. Очевидно, что к языку следует подходить не только с грамматической структурой, как это происходит в теориях лингвистики, которая рассматривает и изучает язык как социальную единицу, но также относится к нему как духовному, семантическому, символическому, воображаемому, социальному и семиотическому” [6, 2].

Основная часть. Мини-романы как жанр имеют свои аспекты композиции, что делают их структуру мозаичным. Такой особенностью входит и расстановка персонажей, и событийная (сюжетная) связь произведения, и монтаж деталей (психологических, портретных, пейзажных и т. д.), и повторы символических деталей (образующих мотивы и лейтмотивы), и смена в потоке речи. Здесь имеет особую структуру строение этого потока: повествование, описание, диалог, рассуждение, а также смены субъекта речи, и членения текста на части (в том числе на рамочный и основной текст).

Разнообразный аспект композиции даст возможность подходить к произведению как к эстетическому объекту, у которого части объединены по природе же этих компонентов. Сюжетное обрамление мини-романа, исходя из индивидуальных качеств художественного текста имеет ряд особенностей. Литературный метод монтажа в данном случае является одним из важнейших приёмов в структурном отношении мини-романа. Термин монтаж (фр. *montage* – сборка, подборка) заимствован в литературном пространстве из кинематографии. Суть монтажа в прерывности (дискретности) изображения, разбивке повествования на множество мелких эпизодов, в создании некоего литературного калейдоскопа. За фрагментарностью, однако, открывается единство замысла.

Так и парадокс фрагментарность-целостность [2, 843] свойственный литературе постмодернизма, является неизменной составной частью мини-романа. Под фрагментарностью литературного текста подразумевается два значения: 1) часть текста, то есть отрывок от художественного текста; 2) литературный жанр, характеризующийся, с одной стороны, внешней незаконченностью, с другой, – качеством художественной целостности и внутренней завершённости [3, 118]. Рассмотрение явления фрагментарности в строении сюжета в эпических жанрах, а именно в мини-романах, является одним из важных аспектов изучения нового жанра с призмы формального строения.

Ўзбекистон Республикасида диний мақсадларни ўзида намоён этувчи сиёсий партия ва жамоат ҳаракати, шунингдек республикадан ташқарида тузилган диний партияларнинг филиаллари ва бўлимларини тузишга ва уларнинг фаолият юритишига йўл қўйилмайди. Бинобарин, республикада диний ташкилотлар амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этишлари шарт. Ўз навбатида, прозелитизм ҳаракатлари оқибатида диндан давлатга ва конституцияга қарши тарғибот олиб бориш орқали душманлик, нафрат, миллатлараро адоват уйғотиш, ахлоқий меъёрларни ва фуқаровий тотувликни бузишда, бўҳтон, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмаларни тарқатишда, аҳоли ўртасида ваҳима чиқаришда ҳамда давлатга, жамият ва шахсга қарши қаратилган бошқа хатти-ҳаракатларда фойдаланишга йўл қўйилмайди. Хусусан, ўзида ғаразли мақсадларни кўзловчи терроризм, наркобизнес ва уюшган жиноятчиликка кўмаклашадиган прозелитизм ҳаракатини олиб борувчи диний ташкилотлар, оқимлар, секталар ва бошқаларнинг фаолияти қонунан тақиқланади. Зеро, прозелитизм таъсирига берилган инсонда ўз ота-онаси, оиласи, Ватани ва миллатига нисбатан эътиқоди йўқолади. Прозелитизмнинг асосий мақсади геосиёсий манфаатини кўзлаган ҳолда жамиятда кўпуровчилик ва саросималик келтириб чиқариш орқали амалдаги Конституциявий давлатга қарши ғалаёнлар кўтариш, юртимизда яшовчи миллат ва элатлар ўртасида, диний нифоқ чиқариб, республикадаги барқарорликка раҳна солиш эканлиги намоён бўлмоқда. Бинобарин, мазкур ҳолат, ўз навбатида ўзга дин вакиллари диний эътиқодига нисбатан адоват уйғотиш орқали уларни ҳақ-ҳуқуқларини поймол этилишига уларнинг диний эътиқодларини камситилишига сабаб бўлмоқда. Шу тариқа, прозелитизмнинг мазкур кўринишлари жамият хавфсизлиги ва давлат барқарорлигига нисбатан реал хавф келтириб чиқаришини англаш лозим. Айниқса, прозелитизм ҳаракатлари ўтмишда давлатлараро бўлиб ўтган низоларда асосий ўрин тутиб, урушлар вақтида мустамлакачи империяларни барпо этиш ва мустаҳкамлашда ғоявий-мафкуравий ҳужум қуролларидан бири сифатида муҳим аҳамият касб этган. Зеро, прозелитизмнинг асл моҳияти у динни тарғиб этишни эмас, балки сиёсий мақсадларни ўзида намоён этмоқда. Айниқса, миссионерлик ва прозелитизм ҳаракатлари XIX асрда Осиё, Африка ва Америкада ўз давлатларининг сиёсатини ўтказишда муҳим ўрин тутган. Прозелитизм тарафдорлари фаолият юритган минтақа ва ҳудудда бирга ишлаган империалист кучларга ёрдам кўрсатган. Ушбу ўзаро алоқада баъзи ифодаларга кўра прозелитизм империализмнинг актив агентлари (вакиллари) номи билан фаолият кўрсатганлар [6]. Айниқса, мазкур ҳаракатлар замирида ҳар қандай жамият ва давлатни диний аснода бўлиб ташлашга бўлган ҳаракатлар намоён бўлаётганлигини англаш қийин эмас. Шу тариқа, прозелитизм оқибатида ҳар қандай жамият, давлат миқёсида фанатизм, миллатчилик ва диний фундаментализмнинг кучайиши учун замин яратганлигини англаш лозим. Бу ҳақда Кембриж университети профессори Тимоти Уинтер: “Мақсадга эришиш учун беғуноҳ кишиларнинг қонини тўкиш - бу дин талаб қиладиган мутлақ ахлоқий чекловларга нисбатан тескари ишдир” [1], - дея таъкидлаб ўтади.

Хулоса. Зеро, мазкур омиллар дунё миқёсида бир қатор салбий ҳолатларни келтириб чиқараётганлиги ташвишли ҳолдир. Хусусан, прозелитизм ҳаракатлари дунё миқёсида реал хавф сифатида давлатлараро муносабатларда алоҳида ўрин тутган.

FALSAFA, HUQUQ VA SIYOSATSHUNOSLIK

Айнан шу мақсадлари орқали амалдаги ҳукумат бошқарувига нисбатан фуқаролар ўртасида низо ва нифоқ солиш туфайли норозичилик кайфиятларини келтириб чиқариш асосий мақсади эканлиги тобора ойдинлашмоқда. Шу тариқа, мазкур ҳаракатлар оқибатида дунё миқёсида диний тўқнашувларнинг авж олиши миллатлараро зиддиятларга замин яратмоқда. Жумладан, Англияда Ольстер, Францияда Корсика, Испанияда Каталония, Италияда жанубий Тиролия, Белгияда Фламандия, Хитойда Уйғур автоном тумани ва Тибет, Болгарияда турклар, Туркияда курдлар муаммолари миллий низоларга, сиёсий-ижтимоий тўқнашувларга сабаб бўлиб келади [5]. Зеро, прозелитизм оқибатида диний адоват уйғотиш орқали миллатлараро зиддиятларга замин яратилмоқда. Дунё миқёсида, миллий ва диний адоватларни келтириб чиқариш орқали хавфсизлик, барқарорликка раҳна солувчи прозелитизм таҳдидига қарши барча Юртдошларимизни ғоявий-мафкуравий қуроллантириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

АДАБИЁТЛАР

1. **Эргашев А.** Глобаллашув огоҳликка ундайди. // Туркистон газетаси, 2014 йил 13 декабр. - №100. – Б 3.
2. **Виктор Еленский.** Религиозная свобода: глобальные измерения. <http://tatpolit.ru/category/zvezda/2011-06-21/6008>.
Миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик – халқимиз тинчлиги ва фаровонлигининг муҳим омилidir. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллигига бағишланган учрашувдаги нутқи. <http://www.uza.uz/oz/politics/millatlararo-d-stlik-va-amzhi-atlik-khal-imiz-tinchliqi-va-f-24-01-2017>.
3. **Қуронов М.** Ниқоб ортига бир нигоҳ. – Т.: Маънавият, 2018. – 116.
4. **Мусаев. О.Р.** Миллатлараро зиддиятларнинг ижтимоий омиллари. “Конфессиялараро мулоқот ва диний бағрикенглик – жамият барқарорлиги гарови”. Халқаро конференция материаллари тўплами. – Т.: 2014. ТИУ.НМБ. – Б. 246.
5. **Shillington K.** History of Africa. London, 1995, ss. 292 vd.
6. **Хасанбоев Ў.** Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари: диний ташкилотлар, оқимлар мафкуравий курашнинг долзарб йўналишлари. – Т.: Тошкент ислом университети, 2014. – Б. 6.
7. **Хасанбоев Ў.** Ўзбекистонда даавлат ва дин муносабатлари: диний ташкилотлар, оқимлар мафкуравий курашнинг долзарб йўналишлари. – Т.: Тошкент ислом университети, 2014. – Б. 378.

УДК:94

АҲЛУ СУННА УЛАМОЛАРИНИНГ ТАСАВВУФГА МУНОСАБАТИ ВА ФИКРЛАРИ ОТНОШЕНИЕ И ВЗГЛЯДЫ УЧЕНЫХ СУННИТСКОГО ТОЛКА К СУФИЗМУ THE ATTITUDE AND VIEWS OF THE SUNNY ISLAMIC SCHOLARS TO SUFIZM

Қодиров Даврон Ҳошимович

БухДУ миллий ғоя, ҳуқуқ ва маънавият асослари кафедраси ўқитувчиси

Мавлонова Ўғилой Ҳамдамовна

БухДУ чет тиллар кафедраси катта ўқитувчиси

Адилов Рустам Хасанович

БухДУ факультетлараро жисмоний тарбия кафедраси катта ўқитувчиси

Таянч сўзлар: тасаввуф, мазҳаб уламолари, тариқат, ханафий, шозилий, шофеъий, моликий, ханбалий, тўғри йўл, мулойим бўлмоқ, инсонпарварлик, комил инсон тарбияси.

Ключевые слова: суфизм, ученые мазхаба, тарикат, ханафия, шазилия, шафеъия, маликия, ханбалия, правильный путь, быть мягче, гуманизм, воспитание совершенного человека.

Key words: sufizm, scholars of mazkhab, tarikah, hanafi, shazili, shafei, maliki, hanbali, aright way, to be softer, humanism, education of aideal person.

Мақолада Ислом оламидаги йирик уламолар ва мужтаҳид олимларнинг тасаввуф борасидаги қарашлари баён қилинади.

В статье раскрываются взгляды знатных ученых и мужтахидов Ислама о суфизме.

In the article the views of notable scientists and mujtahids of Islam about sufizm are analyzed.

Кириш. Юртимизда сўнги йилларда Ислом дини ва тасаввуфни ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан Ислом цивилизацияси маркази, Тасаввуф илмий мактаби ва Ҳадис илми мактабининг ташкил этилганлиги, Етти пир зиёратгоҳларининг таъмирланиши ҳамда зиёрат туризмнинг йўлга қўйилиши маънавий меросимизни қайта тиклаш ва юксалтиришга қаратилган ишларнинг самарали амалга оширилаётганига яққол мисолдир. Шу билан бирга тасаввуф илмини ва маънавий асосларини чуқур ўрганиш, тадқиқ қилиш ва ундаги эзгу умуминсоний ғояларини халқимизга, айниқса, ёш авлодга етказиш асосий вазифалардан биридир.

Асосий қисм. Тасаввуф ҳақида гапирар эканмиз, аввало, Ислом уламолари ва мазҳаб асосчиларининг у ҳақдаги фикрлари, муносабати ва баён этган асарларини ўрганишимиз талаб этилади. Аҳли сунна олимларининг сўфийлар ва сўфийлик тўғрисидаги айтган сўзларини билибгина Ислом ва тасаввуфнинг алоҳида йўл эмаслигини англаб етамиз. Шу сабабли илк ислом давридаги олимлар ва мужтаҳидларнинг тасаввуф ҳақидаги фикрларини манбаларга таянган ҳолда ёритиш тариқатларни тадқиқ қилиш ва англаб етишда билим пойдеворига айланади.

Ҳасан ал-Басрий (642-728 й) Каъба атрофида айланиб, тавоф қилаётган сўфий ҳақида шундай дейди: “Мен Каъбани тавоф қилаётган бир сўфийни кўрдим ва унга пул бермоқчи бўлдим. У эса садақани рад этиб, пулни олмади ва деди: “Менда тўрт чақа бор, шунинг ўзи менга етарли”. Бу сўфий Ҳасан ал-Басрийдан бир дирҳамчалик пули бўлмаса ҳам пулни олмади, яъни ўзида бор арзимас чақаларга қаноат қилди. Бу ҳикояни у сўфийнинг ҳақиқий қалб бойлигидан ҳайратланиб, таъсирланиб айтиб беряпти. Чунки ҳадисга мувофиқ: “Ҳақиқий бойлик - бу давлатнинг кўплиги эмас, балки қалб бойлигидир” [1, 22].

Маълумки, Ҳасан ал-Басрий дунёдаги барча мусулмонлар эъзозлайдиган ва саҳобалардан кейин яшаган тобеъинлардандир. Ҳаттоки, баъзи уламолар уни Увайс ал-Қароний, Саид бин ал-Мсаййиб, Умар ибн Абдулазиздан ҳам афзал ҳисоблайдилар. Олимнинг сўзларини барча Ислом уммати ҳақ деб билади. Бу олим 25 ҳижрий йилида туғилган ва 110 йилда вафот этган.

Суфён ас-Саврий (97-161/716-778 й) айтади: “Агар сўфий Абу Ҳишом бўлмаганида, мен риёнинг нозик томонларини билмаган бўлар эдим” [2, 491]. Кўриняптики, Фиқҳ ва ҳадис илмида йирик олимлардан бўлган Суфён ас-Саврий сўфий Абу Ҳишомдан риё ҳақида жавоб олаяпти. Чунки ҳадисга кўра риё бу кичик ширк, яъни бошқа бир махлукни Аллоҳга шерик қилиш деганидир. Шу ўринда айтиш жоиз, у баъзи бир шарқшунос ва тасаввуфшунос олимларга ўхшаб Абу Ҳишомни насроний, мушрик, зардуштий, буддист ёки ҳинд ва юнон файласуфи деб атамаяпти.

Абдуллоҳ ибн Муборак (118-181/736-797й) қарийб 20 минг ҳадисни ёд билар эди. Имом ан-Нававий у ҳақда: “У шундай инсонки, у ҳақда эслаганда раҳмат ёғилади ва унга нисбатан муҳаббат ҳаққидан гуноҳлар афв этиладиган имом деб бутун уммат баҳамжиҳат тан олади” [3, 285]. Олимлар унинг номини биринчи сўфийлар сирасида тилга оладилар.

Имом Абу Ҳанифа (80-150/699-767 й) доим Абдуллоҳ ибн Муборак, Иброҳим ибн Адҳам, Шақиқ ал-Балхий, Лайс ибн Саъд, Ҳасан ибн Салим каби замонасининг машҳур сўфийлари билан биргаликда бўлган. Шунингдек, у ўз давридаги сўфийлар - имом Жаъфар ас-Содиқ, Муҳаммад ал-Боқир, Ҳаммод ибн Абу Сулаймонлардан таълим олган [4, 329].

FALSAFA, HUQUQ VA SIYOSATSHUNOSLIK

Ибн Обидиннинг “Ҳошият” ва Ҳанафий Ҳаскафийнинг “Ад-дурр ул-Мухтор” асарларида шундай дейилган: “Довуд ат-Тойи Абу Ҳанифадан ҳам шариат, ҳам тариқатни олди”. Ҳанафий олим Муҳаммад Али Ҳаскафий (1025-1088) қуйидаги маълумотни келтиради: “Устоз Абул Қосим ал-Қушайрий ўзининг мазҳабдаги юксак олий мартабаси ва тариқатдаги етакчилик ҳолатида рисоласи (Рисолаи Қушайрия)да шундай дейди: “Эшитдимки, устоз Абу Али ад-Даққоқ: Мен тариқатни Абул-Қосим Насрабозийдан олдим. Абул-Қосим Аш-Шиблийдан, у Сирри Сақатийдан, у Маъруф Кархийдан, у эса Довуд ат-Тойидан олган. Довуд ат-Тойи эса илм ва тариқатни Абу Ҳанифадан қабул қилиб олган. Ва уларнинг ҳар бири Абу Ҳанифани шарафлаб мақтарди ва унинг фазилатини тан оларди, деб айтганди”. Таъкидлаш жоизки, Довуд ат-Тойи ижозатни Маъруф Кархийга, у эса Сирри Сақатийга ва у Шиблийга берган ва Нақшбандия тариқатининг бир тармоғи ҳам айнан шундай давом этган.

Имом Абу Ҳанифа 4000 дан ортиқ олимдан таълим олган, ундан эса 1500 киши илм ўрганган ва уларнинг 40 таси мужтаҳид даражасига етишган. Олим ҳар куни икки ва ундан ортиқ Қуръонни ўқиб чиқар эди. Бағдодда яшаган пайти Қуръонни беш минг марта ўқиб чиққан. Абу Ҳанифанинг шогирди Муҳаммад ибн ал-Ҳасан мингтага яқин асар ёзган. Имом 40 йил бомдод намозини хуфтон намозидаги таҳорати билан ўқиган. Бу олимнинг туни билан ухламасдан ибодат қилиб чиққанлигини англатади. Шундай муборак зот сўфийларни бирор марта айбламаган ва жуда ҳурмат қилган.

Имом Молик (93-179/711-795 й) мужтаҳиди мутлақ, ҳадис илми билимдони ва тўрт мазҳаблардан бирининг асосчисидир. Мужтаҳиди мутлақ деб шариатнинг асосий манбалари асосида ҳукм чиқаришга изн берадиган ижтиҳоднинг юксак даражасига айтилади. Бу зот уч юзтаси тобеъинлардан бўлган етти юзта олимдан таълим олган. Имом Молик бирор марта тасаввуфни ёмонламаган, унинг энг яхши шогирдлари ҳам Иброҳим ибн Адҳам, Зуннун Мисрий, Абдуллоҳ ибн Муборак каби сўфийлар бўлишган. Имом Абу Ҳанифа у ҳақда шундай деган: “Мен имом Моликчалик Аллоҳнинг расули суннатини яхши биладиган бирор кимсани билмасдим”. Пайғамбар Муҳаммад а.с. деган экан: “Одамлар илмни ҳар ерда қидиришни бошлайдилар, аммо мадиналик олимдан кўпроқ биладиган кишини тополмайдилар”. Ибн Уайна ва Абдурраззоқ бу ҳадисни имом Моликка тааллуқли деб айтганлар. Буюк олим сўфийлик ҳақида шундай деган: “Кимки, шариат илмларини ўрганишни бошласа-ю, тасаввуфни ўрганмаса у албатта фосиқ бўлади”[7, 566]. Яъни имом тасаввуфни ўрганмаган фақиҳ муллолар Аллоҳга осий бўлади демоқчи. Ушбу ҳадис ва фикр илмидаги буюк олим сўфийлар билан дўст тутиниб, тасаввуфни ўрганмаслик тўғри йўлдан адаштиришини айтмоқда.

Имом Шофеъий (50-204/767-820 й) шофеъийлик мазҳабининг асосчиси, усули фикр илмига асос солган ва мусулмон оламини ўз илми билан тўлдирган уламолардан биридир. Бу зот Қуръонни 7 ёшида тўлиқ ёд олиб, уни ҳар куни ўқиган ва 10 ёшида имом Моликнинг машҳур “Ал-муватто” асарини ёддан билган. Олим 15 ёшида фатво берадиган даражага эришган. Ислом олимлар пайғамбар а.с.нинг: “Қурайшликларни лаънатламанглар, улар орасидан бутун оламини илмга тўлдирадиган олим чиқади” деган ҳадислари айнан имом Шофеъий ҳақида айтилган дейдилар. Абдулмалик Исфохоний ҳам ушбу ҳадис фақат имом Шофеъий ҳақида айтилган деб ёзади. Шунингдек, бу зот ҳақда имом Аҳмад ўз даврининг мужаддиди, яъни янгиловчиси деб айтган.

Имом Шофеъийнинг ўзи шундай дейди: “Мен сўфийлар билан дўст тутинар эдим ва улардан учта ҳикматни билиб олдим: Вақт - бу жанг майдонидаги шамширдир, агар уни хайр учун ўз йўлингга ишлатмасанг, у сенга қарши ишлатилади. Агар нафсингни хайрли ишларга бурмасанг, у сени ёмонликка буради. Йўқлик (ҳою ҳавас ва нафс истакларидан воз кечиш) нажотдир”. Буни шундай тушуниш керак, агар вақтни тўғри тақсимламасанг ва ҳамма эзгу ишга ажратмасанг, у лаҳза сингари ўтиб кетади ва қайтмайди, шу билан бирга барча хайрли амаллардан сени юлиб олади.

Имом Шофеъий бу дунёда менга уч нарсага муҳаббат сингдирилганди: 1. Табиий бўлмаган нарсадан воз кечишга; 2. Инсонларга мулоим муносабатда бўлишга; 3. Аҳли тасаввуф йўлидан бормоқликка, деб айтганди. Бир рубоийсида мужтаҳид шундай дейди:

Фақиҳан ва суфиян фақун лайса ваҳидан,
 Фаинний ва ҳаққал-Лоҳу ийяка ансаҳу.
 Фазалик қосин лам язуқ қалбуҳу туқан,
 Ва ҳаза жаҳулун кайфа зул-жаҳл яслуҳу?!

(Таржимаси: Фақиҳ бўл, ҳам сўфий, лек иккови ҳам бўлма. Албатта, мен сени Аллоҳ йўлида ислоҳ қилгумдир. Фақиҳ, аммо сўфиймас – қалби қаттиқ ва тақво таъмин билмас. Сўфий, аммо фақиҳ эмас – у жоҳилдир, жоҳил ниятига етмас (қандай қилиб жоҳил тузалсин?!)) [8, 46]

Баъзилар имом Шофеъий: сўфий бўлган киши куннинг ярмига бориб жинни бўлади деб айтган дейдилар. Бироқ бу сўзлар сохта ва амалсиз сўфийлар тўғрисида айтилгандир. Буни имом ва ҳофиз Абу Бакр ал-Байҳақийнинг (384-458 ҳ.й.) “Маноқиб аш-Шофеъий” асарида кўриш мумкин: “Абу Абдуллоҳ ал-Ҳофизнинг бизга хабар бериб, дейдики: “Эшитдимки, Абу Муҳаммад Жаъфар ибн Муҳаммад ибн Ҳорис Юнус ибн Абдулаълодан у эса аш-Шофеъийдан эшитган: “Агар бирор кимса куннинг бошида сўфий бўлса, уни туш пайти киргунча ақлидан озганини кўрасан” деб айтган... Мен дейманки, у (Шофеъий) тасаввуфга кирган ва сўфийликнинг ҳақиқий моҳиятидан эмас, балки фақат номи ҳамда ташқи шаклидан қаноатланган одамни назарда тутган. Улар риёзатдан ва амалдан юз ўгирган, муаммоларини мусулмонларга юклаган, уларни ўйламаган ва уларга нисбатан вазифасини адо этмаган, билим эгалламаган ва тўғри ибодатини бажармаган кишилардир. Шунингдек, у бундай сўфийларни бошқа бир жойда қуйидагича тавсифлайди: сўфий токи унда тўртта хислат мужассам бўлмаса сўфий бўлмайди: дангасалик, кўп овқат ейиш, кўп ухлаш ва исрофгарчилик. Бу ерда у шундай хислатга эга бўлганларни танқид қилади. Ҳақиқий сўфийларга келсак, улар сидқ ила Аллоҳга тақво қиладилар ва шариат ахлоқига риоя этадилар, хоҳ ибодатда бўлсин, хоҳ инсонларга муносабатда. Бу гап унинг ҳақиқий сўфийлар билан дўст тутингани ва улардан фойдалар олганлиги сабабидан айтилгандир”. Келтирилган маълумотлардан кўринадики, имом Шофеъий тариқат аҳли билан яқин дўстона муносабатда бўлиб, суҳбатлар қурган.

Имом Аҳмад (164-241/780-855 й) буюк фикҳ ва ҳадисшунос олимлардан биридир. У 30 минг ҳадисни ўз ичига олган “Муснад” асарининг муаллифи. Олим 700 мингта ҳадисни ёддан билган [9, 339]. Ҳар тунда ибодатда бўлган ва ҳар куни Қуръонни тўлиқ ўқиган. Бу зот сўфийларга муҳаббат қўйиб, уларни дўст тутган. Баъзи бир ғаразгўйлар уни тасаввуфга қарши бўлган деб кўрсатишга ҳаракат қилмоқдалар. Бунга сабаб қилиб, олимнинг машҳур сўфий Ҳорис ал-Мухосибий билан учрашишни таъқиқлаганини мисол қилиб келтирадилар. Ибн Касирнинг ёзишича, Ҳорис ал-Мухосибий дунёдан ўта йироқ инсон бўлган, бироқ шариат мусулмондан дунёдан бу даражада кескин узоқлашишни талаб қилмайди. Унинг шу иши имом Аҳмаднинг тақиқ қўйишга сабаб бўлган. Имом ал-Байҳақий бу тақиқнинг сабаби Ҳорис ал-Мухосибийнинг Калом илмига мойиллигида деб билган. Ибн Халдун: “Калом – бу эътиқод аҳкомларини ақл ёрдамида ҳимоя қилишни ва Аҳли сунна ҳамда салафлар йўлидан эътиқодда ажралиб чиққан бидъатчиларни инкор этишни ўз ичига олган илмдир” дейди [10, 485]. Бироқ шунга қарамай, имом Аҳмад Исмоил ибн Исҳоқ Сирождан Ҳорис ал-Мухосибий ва унинг муридларини ўз уйига меҳмонга таклиф қилишни илтимос қилади. Имом Аҳмад улар келганда ҳеч ким уни кўрмайдиган жойда ўтиради. У Ҳориснинг ваъзини эшитгач, йиғлаб юборади ва ҳушидан кетишига оз қолади. Мажлисдан сўнг диндаги варо (тақво) ва дунёни тарк этиш ҳақидаги бундай маърузани бирор марта эшитмаганлигини айтади.

Агар имом Аҳмад тўлиқ Ҳорис ал-Мухосибийни инкор этган тақдирда ҳам, у тасаввуфга қарши бўлмаган. Бу олим дин борасида ўта қаттиққўллиги билан ажралиб турган. Маълумки, қайсидир масала борасида келишмай машҳур олим Яҳё ибн Муин билан алоқани узган. Кўпчилик олимлар имомнинг Ҳорис ал-Мухосибий билан унинг мўътазилийларга қарши Калом бўйича ёзган китоби сабабли келишмаган дейдилар. Сўфийларга келсак, олим уларни жуда ҳурмат қилган, чунки машҳур сўфий Бишр ал-Хофий дунёдан ўтганини эшитгач: “Унга Амр бин Қайсдан ўзга тенг келадиган киши йўқ эди. Агар Бишр уйланганида эди янада юксак комилликка эришган бўларди”. Яна

FALSAFA, HUQUQ VA SIYOSATSHUNOSLIK

Бишрнинг вафотидан сўнг, унга ўхшаш одам қолмади деган маълумотлар мавжуд. Зоҳир илми уламолари имом Аҳмад ва Яҳё ибн Муинлар билим борасида кучли бўлишларига қарамай, улар Маъруф ал-Кархийга бир қанча масалалар борасида савол бериш учун унинг олдига борардилар.

Аввалида имом Аҳмад ўз ўғлига сўфийлардан ўзини йироқ тутиши кераклигини айтарди. Аммо сўфий Абу Ҳамза ал-Бағдодий билан дўстлашганидан ва аҳли тасаввуфни яхшироқ таниганидан кейин ўғлига: “Улар билан бўлгин, чунки улар билимда, қалбни асрашда, тақвода, дунёдан узоқлашишда ва олий даражаларга эришишда биздан ўзиб кетгандирлар” деб айтган.

Имом Иброҳим ибн Абдуллоҳ ал-Каланасийнинг таъкидлашича имом Аҳмад сўфийлар тўғрисида шундай деган: “Мен улардан афзалроқ бирор одамларни билмайман”. Имом ҳол пайтида жазбага тушган сўфийлар ҳақида бир киши сўраганида: “Майли, улар Аллоҳдан нозил бўлганга бироз вақт (соат) қувонсинлар” деб айтган экан.

Ибн Сурайж (249-306/863-918 й) ўз давридаги машҳур шофеъий мазҳаби уламози бўлган. Ибн Касирнинг маълумот беришича, Ибн Сурайж исломий илмларга доир 400 дан ортиқ асар ёзган [11, 136]. Баъзилар олимлар уни ўз даврининг мужаддиди деб атаган. Бу буюк олим ва имом машҳур сўфийлардан Жунайд ал-Бағдодий ва аш-Шиблийнинг мажлисларида иштирок этган. Ибн Сурайжнинг ўзи шундай дейди: “Сўфийлардан мен бошқалардан олмаган билимни олдим”. Одамлар бир куни Жунайд ал-Бағдодийдан баъзи бир сўзларни эшитадилар ва унинг маъносини тушунмайдилар. Шунда улар унинг маъносини Ибн Сурайждан сўраганларида, у шундай жавоб берган экан: “Мен улар айтадиган сўзлардан бирортасига тушунмайман, аммо улар сўзининг кучи танбеҳга лойиқ гапирадиган кишиларникига ўхшамайди”. Бундан кўринадики, сўфийлардан бирор ёмонликка чорлайдиган ва танбеҳ эшителишга олиб келадиган сўз чиқмайди.

Хулоса. Тўрт мазҳаб имоми ва салафи солиҳлар давридаги олимлар тасаввуфни жуда қадрлаганлар ва сўфийларга эҳтиром кўрсатганлар. Тасаввуф таълимотидаги поклик, инсонпарварлик ғоялари жамиятимизда долзарбдир. Шу билан бирга, миллий мафкурамиздаги асосий ғоялардан бири комил инсон тарбиясида тасаввуфни ўрганиш аҳамият касб этади.

АДАБИЁТЛАР

1. **Абу Наср Сирожиддинат-Туси.** (378 в.э.) “Ал-лумъафит-тасаввуф”. – Байрут: Дор ул-китоб ал-илмия, 2007.– 22 б.
2. **Мустафоаш-Шукъа.** “Исламбила мазоҳиб”. – Қоҳира: Матбаатус-саодат, 2008. – 491 б.
3. **Имом ан-Нававий.** Тазҳибул-асмо вал-луғат. – Қоҳира: Дор ул-маърифат, 2011. – 285 б.
4. **Муҳаммад Аз-Забидий.** “Итҳоф ас-содат ал-муттақин би шарҳи ихёи улум ад-дин”. – Қоҳира: Матбаатул-маймана, 2015.- т 1. – 329 б.
5. **Муҳаммад бин Абдурахмон Ҳанафий ал-Ҳаскафий.** Ад-дуррул-мухтор шарҳи танвири ал-абсор ва жомеъ ал-биҳор. – Байрут: Дор ул-китоб ал-илмия, 2002. Том 1. – 43 б.
6. **Муҳаммад Абдуллоҳ ал-Журдоний.** Фатҳул-аллом би шарҳи муршидал-аном. – Байрут, Дор Ибн Ҳазм, 1997. Том 4.– 315 б.
7. **Абул Ҳасан ал-Адавий ал-Моликий.** Ҳошиятул-Адавий. Том 3.– 95 б.; Мулла Али ал-Қорий “Шарҳайнал-илм”, том 1, 33 Б; Юсуф Хаттор Муҳаммад “Ал-мавсуатул-Юсуфия”, 55 б; Абдулқодир Исо “Ҳақоику анит-тасаввуф”.– 566 б.
8. **Муҳаммад бин Идрисаш-Шофеъий.** Девониаш-Шофеъий.– Қоҳира: Мактабат Ибн ино. 2009.– 46 б.
9. **Муҳаммад Аз-Забидий.** Итҳоф ас-содат ал-муттақин би шарҳи ихёи улум ад-дин. – Қоҳира: Матбаатул-маймана, 2015.- Т 1.– 339 б.
10. **Ибн Халдун.** Муқаддима.– Байрут: Дору ихёат-турас ал-арабий. 2008. 1 том. – 485 б.

11. Исмоил ибн Умар ибн Касир. Ал-бидояван-ниҳоя. – Байрут: Мактабатул-маориф, 1990. Том 11.– 136 б.

УДК: 35

**ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР КАФОЛАТИ:
МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА**

**СРЕДСТВА МАССОВОЙ ИНФОРМАЦИИ – ГАРАНТИЕ ДЕМОКРАТИЧЕСКИХ
ПРИНЦИПОВ: НАЦИОНАЛЬНЫЙ И ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ**

**THE MASS MEDIA AS THE GUARANTEE OF DEMOCRATIC PRINCIPLES:
NATIONAL AND FOREIGN EXPERIENCE**

Қурбанова Нодирабегим Шукуржон қизи

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси таянч докторанти(PhD)

Таянч сўзлар: сиёсат, жамоатчилик, фикр, ахборот, восита, коммуникация, мулоқот, журналистика, тажриба.

Ключевые слова: политика, общественность, мысль, новости, средство, коммуникация, диалог, журналистика, опыт.

Key words: policy, public, opinion, news, means, communication, dialogue, journalism, proficiency.

Мақолада оммавий ахборот воситалари жамиятнинг сиёсий минбари сифатида тадқиқ этилиб, мазкур йўналишда мамлакатимизда амалга оширилган ҳуқуқий ислохотлар ва уларнинг аҳамияти ёритиб берилган. Шунингдек, миллий оммавий ахборот воситалари обрўсини халқ орасида ошириш масалалари хорижий тажриба асосида таҳлил қилинган.

В данной статье анализируется деятельность средств массовой информации в качестве политической трибуны, раскрыты правовые реформы и их значимость в нашем государстве. А также на основе зарубежного опыта определен роль национальной масс-медии в решении общественных проблем.

The article surveys the mass media as means of the political asset of the society and reveals the legal reforms conducted in our country and their significance. Also, the prominence of the national mass media is analyzed through the problem solving among the masses based on the foreign expertise.

Кириш. Оммавий ахборот воситаларига “тўртинчи ҳокимият” дея баҳо берилади. Сабаби демократик тамойилларга кўра, ушбу тармоқ конструктив шаклдаги муҳолифат сифатида қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимияти устидан назорат юритувчи субъект ҳисобланади. Демократик тамойилларга кўра, оммавий ахборот воситалари давлат ва жамият, фуқаролар манфаатларига хизмат қилувчи субъект бўлганлиги сабабли унинг фаолиятини эркинлаштириш учун мамлакатда ҳар томонлама имкониятлар яратилиши зарур. Бугунги замонавий технологияларнинг тезкор ривожини натижасида ушбу соҳани ҳар томонлама ривожлантириш учун моддий-техник базани мунтазам равишда мустаҳкамлаб бориш талаб этилмоқда. Ушбу масала доирасида баҳс-мунозаралар юзага келган пайтда айрим мутахассислар томонидан мазкур соҳада давлат улушини қисқартириб, хориж инвестицияси улушини кенгайтириш лозимлиги ҳақида бонг урилади. Албатта, ушбу фикр бир қарашда энг тўғри ечимдек кўринади. Бироқ таҳлилий кузатишларимиздан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, ушбу мулоҳаза бир ёқлама фикрни ифодалайди. Шарқ ва Ғарб оммавий ахборот воситаларини қиёсий ўрганганда, улар орасида айрим мамлакатларнинг оммавий ахборот воситалари иқтисодий эркинлигини йўқотгани боис, молиявий улуши кўп бўлган кучлар манфаатларига хизмат қилувчи воситага айланиб қолганлиги ҳақидаги маълумотлар кузатилди. Бундан ташқари, хорижий инвесторлар томонидан бугунги кунда ушбу соҳага катта инвестиция киритиши эҳтимоли юқори эмас.

FALSAFA, HUQUQ VA SIYOSATSHUNOSLIK

Тадқиқотларимизга кўра, оммавий ахборот воситалари 2007 йилдаёқ “Хатарли инвестициялар Топ-10 талиги”дан ўрин олган. Ўша даврдаги сўнги сиёсий майдонда юз берган айрим жанжаллар оқибатида ушбу соҳадаги бозор сержило бўлиб кетган ва бизнес вакиллари томонидан ушбу жабҳага инвестиция киритиш борасидаги таклифлар рад этилган”[14]. Сўнги йиллардаги инвестицион ғоялар шарҳлари баён этилган рейтинглар, энг яхши ва энг салбий даромад келтирган сармоялар рўйхати келтирилган рейтингларда ҳам оммавий ахборот воситаларига киритилган инвестициялар ҳақида муайян маълумот аниқланмади [15].

Мазкур ҳолатдан келиб чиқиб, муайян сиёсий мақсади бўлмаса, ўз бизнесини ривожлантириш учун сармоядорлар оммавий ахборот воситалари фаолиятига давлат улушидан юқори бўлган катта миқдордаги инвестицияни соҳага йўналтирмайди, деган хулосага келиш мумкин. Демак, ушбу мушоҳадаларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, “соҳада хориж инвестицияси улушини кенгайтириш” ғояси бир ёқлама фикрлиги тасдиғини топмоқда. Таъкидлаш жоиз, оммавий ахборот воситалари жамиятнинг сиёсий феномени бўлгани боис уларнинг фаолиятини катта миқдордаги хорижий инвестиция билан эркинлаштириш масаласи моҳиятан нозик ҳисобланади. Чунки оммавий ахборот воситалари ижтимоий фикр ва сиёсий коммуникацияни шакллантирувчи восита. Ушбу воситадан тўғри ва самарали фойдаланиш, уни давлат ва халқ манфаатларига хизмат қилувчи воситага айлантиришда бир ёқлама фикрларга таяниб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан ҳам Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонунининг 8-моддаси, сўнги хатбошисида оммавий ахборот воситалари фаолиятида хорижий инвестициялар улуши 30 фоиздан ошмаслиги юзасидан тегишли меъёр белгиланган.

Асосий қисм. Сиёсий фанлар қоидаларига кўра, очиқ ҳокимият ва объектив оммавий ахборот воситалари демократик тамойилларга асосланган жамиятни ифодалайди. Бунга эришиш учун Ўзбекистон Республикасида зарур тизим ҳамда асослар яратилган. Хусусан, мамлакатимизда кенг миқёсли ислохотлар амалга оширилиши натижасида халқ билан мулоқот тизими ривожлантирилди, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар яратилмоқда, мавжудлари такомиллаштирилмоқда. Хусусан, 2018 йил фераль ойида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги қонуни билан “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонунга 5-модда киритилди, шунингдек:

“солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар ва тарифлар бўйича имтиёзлар ҳамда преференциялар бериш;

давлат субсидиялари, давлат грантлари ва давлат ижтимоий буюртмалари тизими орқали молиявий қўллаб-қувватлаш;

моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

таҳририят ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш;

оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш жамғармалари фаолиятини ташкил этиш;

таҳририятлар ходимларини тайёрлашга, қайта тайёрлашга ва уларнинг малакасини оширишга кўмаклашиш.

Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашдан оммавий ахборот воситаларининг мустақил касбий фаолиятини чеклаб қўйиш учун фойдаланилиши мумкин эмас” [7], деган нормалар белгилаб қўйилди.

Қонунга киритилган ушбу моддалар мазмунидан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши учун давлат томонидан ҳар томонлама – моддий ва маънавий кўмак берилиши устувор вазифа ҳисобланади. Шу билан бирга, ушбу қонундаги “Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашдан оммавий ахборот воситаларининг мустақил касбий фаолиятини чеклаб қўйиш учун фойдаланилиши мумкин эмас” [7], деган меъёр соҳа фаолияти эркинлигининг кафолатланишини англатмоқда. Бундан ташқари, ушбу моддада белгиланган вазифалардан соҳада давлат ва хусусий шерикликни ривожлантириш тамойилларига риоя қилинишини тушуниш мумкин. Шу ўринда,

Ўзбекистон Республикасида миллий оммавий ахборот воситаларининг ижтимоий фикрни шакллантириш борасидаги ҳолатига тўхталиб ўтсак. Бугунги кунда Ўзбекистон журналистикаси мутлақо ўзгача қиёфага эга. Ушбу соҳа жамиятда юз бераётган воқеа-ҳодисалар ҳақида очиқ, холис ахборотлар тарқатмоқда. Хусусан, оммавий ахборот воситалари орқали узатилаётган ахборотларнинг таъсирчанлигини таъминлаш, халқ билан мулоқотни ҳар томонлама йўлга қўйиш борасида замонавий ахборот технологияларидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Масалан, “Telegram” ижтимоий тармоғида “Халқ сўзи”, “Ўзбекистон овози”, “Оила ва жамият”, “Инсон ва қонун”, “Uzbekistan today”, “Постда” ва бошқа қатор нашрлар каналлари фаолият юритмоқда. Бундан ташқари, “Facebook”, “Instagram” ижтимоий тармоқларида ҳам миллий оммавий ахборот воситалари таҳририятларининг саҳифалари очилган. “Маърифат” газетасининг “Facebook” ижтимоий тармоғидаги саҳифасига бугунги кунда 1275 та фойдаланувчи обуна бўлган [5]. Бироқ обуна ҳақида сўз очар эканмиз, шу ерда бир нечта ҳақли саволлар юзага келади, жумладан: “Бугунги кунда мамлакатимизда ижтимоий фикрни шакллантиришда қайси оммавий ахборот воситалари лидерликни қўлга олган?”, “Халқ орасида миллий нашрларнинг обрўси қандай?”, “Нашрларга обуна бўлиш масаласи нега халигача оғриқли масала бўлиб қолмоқда?” кабилар. Албатта, оммавий ахборот воситалари таъсирчанлиги борасида эришилган ютуқлар ва ҳал этилиши зарур бўлган масалаларни тадқиқ этиш жараёнида кўплаб бундай саволлар юзага келиши табиий ҳолат. Чунки бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган серқирра ислохотлар барча соҳаларда тўпланиб қолган кўплаб муаммоларни очиб бермоқда. Бундан ахборот соҳаси ҳам мустасно эмас.

Юқоридаги саволларга жавоб бериш учун мисол қилинган нашрларга “Telegram” ижтимоий тармоғида обуна бўлган фойдаланувчилар сони бўйича кўрсаткичларга диққатингизни тортмоқчимиз (2019 йил 24 март ҳолатига кўра):

“Халқ сўзи” газетасига – 12 247 та[11];

“Ўзбекистон овози” газетасига – 38 та[9];

“Оила ва жамият” газетасига – 58 та[6];

“Инсон ва қонун” газетасига – 607 та[4];

“Uzbekistan today” газетасига – 52 та[3];

“Постда” газетасига – 235 та[8] фойдаланувчи обуна бўлган.

Таққослаш учун 2019 йил 24 март ҳолатига кўра, хусусий нашрлардан “Даракчи” газетасининг “darakchi.uz” сайти телеграм каналидаги обуначилар сонини ўрганганимизда ушбу канал фойдаланувчилари 18 368 тага етгани маълум бўлди.

Юқорида санаб ўтилган нашрлар орасида телеграм каналида энг кўп фойдаланувчиларига эга нашр “Халқ сўзи” газетасининг анъанавий шакли бугунги кунда 68 943 нусхада чоп этилмоқда. 2019 йил 24 март соат 15:21 ҳолатига кўра, “Халқ сўзи” газетасининг интернет тармоғидаги сайтида эълон қилинган материалларни кўриб чиқаётган ўқувчилар сони энг кўпи 15 985 тани ташкил этмоқда. Бироқ барча мавзуларда ҳам бундай кўрсаткични кузатиб бўлмайди. Масалан, 15 985 та ўқувчи 2018 йил 13 сентябрда эълон қилинган “RAVON кетма-кет учинчи ой ҳам Россия бозорида бирорта автомобиль сота олмади” номли хабар билан қизиққан, ундан 1 нафари мақолада кўтарилган масала юзасидан ўз мулоҳазасини қолдирган.

Шунингдек, ушбу сайтдаги материаллар билан қизиққанлар бўйича статистика қуйидаги ҳолатда (2019 йил 24 март, соат 15:31) [10]:

“Давлат солиқ кўмитаси ишга таклиф этади” – 13 449 та ўқувчи, улардан 1 таси изоҳ қолдирган;

“Ўзбекистон ва Миср ҳамкорлигига оид 12 та ҳужжат имзоланди” – 2375 та ўқувчи, улардан 1 таси изоҳ қолдирган;

“Осиё қаҳрамонлари тантанали равишда кутиб олинди (фотожамланма)” – 3514 та ўқувчи, улардан 1 таси изоҳ қолдирган;

“Тест синовлари: имтиҳондаги ғаройиб қаллоблик фош бўлди” – 11 146 та ўқувчи, улардан 1 таси изоҳ қолдирган.

FALSAFA, HUQUQ VA SIYOSATSHUNOSLIK

Ушбу материаллар сайтнинг “Муҳокама қилинган” рукнига киритилган. “Кўп ўқилганлар” рукнидаги материаллар бўйича кўрсаткичлар қуйидагича (2019 йил 24 март, соат 15:31):

“Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Матбуот хизмати ахбороти” – 2788 та;

“Ўзбек қизи жаҳон рекордини янгилаб, жаҳон чемпионатининг учта олтин медалига эга чиқди” – 1337 та;

“Қозоғистон Президенти Нурсултан Назарбаев истеъфога чиқишини маълум қилди” – 1111 та;

“Шерзод Шерматов: газеталар обунасининг тушиб кетишига мен айбдор эмасман” – 1031 та;

“Шов-шув кўтаришдан кимга наф?” ёхуд тарқатилган нотўғри хабардан бир оиланинг юзи ерга қаради, маҳаллий ҳокимиятга тўхмат қилинди” – 902 та ўқувчи танишган. Интернет тармоғидаги Ўзбекистон миллий қидирув тизими www.uz сайти эълон қилган рейтингда “Daگو” интернет нашри 2019 йил 22 февралдан 24 мартгача бўлган давр оралиғида энг кўп фойдаланилган сайтлар рўйхатининг дастлабки ўнталиғида 1-ўринни эгаллаган. Ўзбекистон миллий қидирув тизими www.uz сайти маълумотларига кўра, “Daگو” интернет нашри саҳифаларини Ucell мобиль тармоғи орқали 3 350 862 нафар, Beeline мобиль тармоғи орқали 4 191 041 нафар, Uzmobilе мобиль тармоғи орқали 1 071 659 нафар, Uzonline миллий провайдери орқали 1 295 741 нафар, хорижий провайдерлар орқали 2 672 271 нафар ва бошқа провайдерлар орқали 358 934 нафар фойдаланувчи кузатган[13].

2019 йил 24 март соат 17:00 ҳолатига кўра, нашрда эълон қилинган материалларнинг ўқувчилари сони бўйича статистика қуйидагича:

“ИИББ янги формага ёғдирилаётган танқидларга муносабат билдирди ва дунё полициясининг формасини тақдим этди (фото)” номли хабарни яқин 3 соат ичида 51827 нафар фойдаланувчи ўқиган, “Facebook” ижтимоий тармоғида 5 нафар фуқаро ушбу хабарга ўзининг муносабатини билдирган;

“Тошкентда 22 ёшли қизнинг шахсий фотоларини тарқатиб юбориш билан кўрқитган шантажчилар қўлга олинди” номли хабарни 7 соат ичида 76611 нафар интернет фойдаланувчиси ўқиган;

“Миллий Гвардия таркибидаги Қўриқлаш бошқармасининг 25 нафар фахрий ходими нафақага кузатилди” номли хабар 3 ярим соат ичида 20502 та интернет фойдаланувчи томонидан ўқилган. Ушбу нашрдаги бундай статистик маълумотларни узоқ давом эттириш мумкин[1].

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, бугунги кунда анъанавий нашрлардан кўра, интернет нашрлар ижтимоий фикрни шакллантиришда лидерликни қўлга киритган. Буни “Daگو” интернет нашрининг телеграм каналига аъзо бўлганлар сонидан ҳам кузатиш мумкин. 2019 йил 24 март ҳолати бўйича ушбу каналга 478521 та фойдаланувчи аъзо бўлган[2]. Нашрнинг “Facebook” ижтимоий тармоғидаги саҳифасида эса 95385 та аъзо бор[2]. Халқ билан мулоқот тизимида оммавий ахборот воситаларининг тутган ўрни юзасидан олиб бораётган тадқиқотларимиздан маълум бўлмоқдаки, бугунги кунда мамлакатимизда ушбу соҳани ривожлантириш борасида чуқур ислохотлар амалга оширилмоқда. Бироқ халқ билан мулоқот тизимига кирувчи барча жабҳаларда учраётган муаммолар оммавий ахборот воситалари таъсирчанлигини ошириш, уларни халқ олдидаги обрўсини янада кўтариш бўйича бажарилиши керак бўлган қатор вазифалар борлигини кўрсатмоқда. Шу ўринда, оммавий ахборот воситаларининг халқ олдидаги обрўсини кўтариш, мажбурий эмас, ихтиёрий обунага эришиш учун хориж тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Маълумки, мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг оммабоплиғига эришиш ҳақида сўз борганда аксарият ҳолларда ушбу масаланинг ечими сўз эркинлиги ва иқтисодий таъминланганлик билан ўлчанади. Бир томондан бу тўғри ёндашув. Лекин иккинчи томондан биз ушбу ёндашувни бир ёқлама, деб ҳисоблаймиз. Чунки бугунги кунда миллий оммавий ахборот воситаларимиз ҳар доимгидан кўра эркин. Иқтисодий таъминот масаласида қийинчиликлар бўлгани билан биз бугун ахборот

асрида, яъни замонавий ахборот технологиялари ривожланган даврда яшаяпмиз. Бу ҳар қандай нашр, теле ва радиоканаллар материалларини бемалол интернет тармоғи ёрдамида кенг миқёсда реклама қилиш имкониятини беради. Биламизки, миллий оммавий ахборот воситалари таҳририятлари бундай имкониятдан фойдаланиши учун моддий ва техник базага ҳам эга. Бироқ юқорида келтирилган мисоллардан маълум бўлмоқдаки, замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланиш ҳам бугунги кунда унчалик юқори натижаларни бермаяпти. Масалан, “Халқ сўзи” нашрига бўлган омманинг қизиқиши “Daryo” интернет нашрига нисбатан анча паст. Бошқа нашрларни гапирмаса ҳам бўлади.

Ҳозирда миллий оммавий ахборот воситалари юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида ўзига хос кўринишга эга бўлиб, мамлакатимиз ва фуқароларимиз ҳаётида рўй бераётган воқеа ва ходисаларни холис ёритмоқда. Шу билан бирга, жамиятимиздаги мавжуд муаммолар, долзарб мавзуларни кўтармоқда. Бироқ шунга қарамай, юртимиз аҳолисининг ахборотга бўлган эҳтиёжи унчалик юқори эмас. Бунинг оммавий ахборот воситаларининг интернет сайларидаги халқнинг фаоллик даражаси орқали ҳам кузатиш мумкин. Аксарият ҳолларда аҳолининг катта қисми оммавий ахборот воситалари орқали узатилган хабарларни ижтимоий тармоқлардагина муҳокама қилади. Оммавий ахборот воситаси сайтларида муҳокама имконияти бўлса-да, аҳолининг фикр-мулоҳазалари жуда кам. Демак, муаммонинг ечими қаерда? Муҳаммадjon Обидовнинг фикрига таяниб “Хитойликларни “Смартфон ихтиро қилиб, газета ўқийдиган халқ” дейиш мумкин. Гап шундаки, дунёдаги смартфонларнинг 80 фоизини ишлаб чиқараётган Хитойда газеталар миллионлаб ададда чоп этиляпти ва ўқилмоқда. Мисол учун, “Женьмин Жибао”нинг расмий ахборот босилган сонлари 10 миллион нусхагача, бошқа кунлари эса 6 миллиондан кам бўлмаган ададда чиқаётгани айни ҳақиқат. Бугун ҳар бир хитойликда 1-2 тадан смартфон бор. Лекин у газета ўқишни тарк этмаган. Биз атайин сўраб-суриштирган ўттизга яқин газетхоннинг бирон биридан уни газета обуна бўлишга, сотиб олишга, ўқишга кимдир мажбурлагани тўғрисида эшитмадик. Хитой жамиятининг ўзи таҳлилий мақола, қизиқарли ахборот, таҳлил марказларининг хулосалари ва рекламаларни газетадан ўқиш зарурат, деб билади”[16], деган мулоҳазаларни билдириб, мамлакатимизда “мажбурий обуна” тушунчаси юзага келганлигини танқид остига олади.

Демак, оммавий ахборот воситаларининг оммабоплиги муайян даражада аҳолининг ахборотга бўлган қизиқиши ва талаби билан боғлиқ масала. Оммавий ахборот воситаларида долзарб, таҳлилий, танқидий мавзулар ёритилгани билан аудиториянинг бунга эҳтиёжи ва талаби бўлмаса, ахборотнинг таъсирчанлигини ошириш ҳам мураккаб вазифага айланиб қолади. Шу нуқтаи назардан ҳам бу борада хориж тажрибасида амалга ошириладиган чора-тадбирларни тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, Жанубий Корея мисолида кўрадиган бўлсак, аҳолининг оммавий ахборот воситалари орқали узатиладиган ахборотга бўлган эҳтиёжини ошириш учун ўзига хос механизмдан фойдаланилади. Яъни оммавий ахборот воситалари, уларнинг аҳамияти ҳақидаги тушунчалар жамиятда ўсиб келаётган ёш авлодга мактаб парталариданоқ сингдириб борилади. Хусусан, мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган турли тўгараклар – радио студия, фотомухбирлар, мактаб нашри каби ўқувчилар ҳаётдан лавҳалар тайёрловчи, ўқувчи ёшлар орасида мактабдаги ижтимоий фикрни шакллантирувчи тўгараклар ташкил этилади ва шу орқали ўсиб келаётган ёшларда оммавий ахборот воситаларини кузатиб бориш кўникмаси ҳосил қилинади. Бундан ташқари, ушбу механизм таълимнинг кейинги босқичларида ҳам давом эттирилади. Олий таълим тизимида ҳам, давлат хизматчиларининг хизмат поғоналарида ўсишларини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларда ҳам бундай ёндашув қўлланилади. Масалан, бунинг Жанубий Корея тажрибасида қуйидаги мисол билан кузатиш мумкин. Кореянинг Инсон ресурсларини ривожлантириш миллий институти томонидан тайёрланган давлат хизматчиларини хизмат поғоналарига кўтарилишини таъминловчи таълим ва баҳолаш тизими бўйича Давлат бошқаруви академияси ходимларини малакасини ошириш курслари учун

FALSAFA, HUQUQ VA SIYOSATSHUNOSLIK

мўлжалланган 3 кунлик дастурда берилган машқлар орқали ушбу мамлакатда оммавий ахборот воситаларининг жамиятда тутган ўрни ва оммавий ахборот воситаларининг давлат органлари билан олиб борадиган мулоқоти тартиби очиб берилган. Бундан ташқари, ушбу дастурда давлат хизматчиларида кадриятларни шакллантириш услублари орқали оммавий коммуникация воситаларидан фойдаланиш механизмлари кўрсатиб берилган. Масалан, миллий ғурур туйғусини ривожлантириш, мамлакат раҳбари томонидан илгари сурилаётган бош ғоялар моҳиятини очиб бериш, давлатга бўлган муносабат ва ватанпарварлик каби кадриятларни шакллантириш учун давлат хизматига янги қабул қилинганлар махсус курсларда ўқитилади. Ушбу курсларда тингловчиларда ватанпарварлик, миллий ғурур туйғулари муайян қўшиқ, кино ёки театр саҳнаси орқали сингдирилади. Яъни тингловчиларнинг севган қўшиқлари, кинофильмлари ёки театр саҳналарига ўзлари режиссёр, оператор, сценарий ёки матн тузувчи бўлиб, ўтилган мавзу доирасида уларнинг мазмунига ўзгартириш киритган ҳолда янги шаклдаги асарни яратиш топшириғи берилади. Тингловчилар ушбу вазифаларни бажариш учун аудиториядан ташқарига чиқадилар. Камера ва бошқа техник воситалар ёрдамида ўзларининг севимли санъат асарларини ватанпарварлик руҳидаги асарга айлантирадилар. Шунингдек, ушбу курсларда мамлакат раҳбарининг олиб бораётган сиёсатини тингловчиларга таъсирли қилиб етказиш учун Жанубий Корея Президентининг оммавий ахборот воситалари орқали эфирга узатилган нутқлари, янги йил табриги ёки мурожаатномасидан парчалар олинган роликлар намойиш қилинади. Ушбу роликда кўтарилган масаланинг тингловчиларга таъсирини кучайтириш учун намойиш этилган мавзу доирасида пиктограмма тузиб келиш вазифаси топширилади. Ижтимоий фикрни шакллантириш борасида оммавий ахборот воситаларининг тутган ўрни борасида Жанубий Корея тадқиқотчилари томонидан ҳам қатор илмий ёндашувлар илгари сурилган. Хусусан, ушбу мавзуда олиб борилган тадқиқотларда оммавий ахборот воситаларини “тўртинчи ҳокимият” даражасига кўтариш, сўз эркинлигини таъминлаш масалаларига урғу берилади. Шунингдек, демократияни оммавий ахборот воситаларида эркин фикр билдириб, ижтимоий, сиёсий жараёнларда иштирок этувчи фуқаролар таъминлаши таъкидланиб, демократик тамойилларни рўёбга чиқаришда фуқаролар масъулияти муҳим ўрин тутиши эътироф этилади.

Хулоса. Халқ билан мулоқот тизимини янги босқичга олиб чиқишда оммавий ахборот воситаларининг роли ва аҳамияти катта. Шу нуқтаи назардан сиёсий жараёнларни аҳолига етказишда оммавий ахборот воситаларидан унумли фойдаланиш давр талаби. Айниқса, оммавий ахборот воситаларига бўлган халқ ишончини таъминлаш борасида аҳолининг ахборотга бўлган эҳтиёжини ошириш механизмларини жорий қилиш, сиёсий коммуникацияни жадаллаштириш лозим. Сабаби мамлакатимизда соҳада чуқур ислохотлар амалга оширилаётган бўлса-да, сиёсий коммуникация технологиялари имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш хали йўлга қўйилмаган. Шу нуқтаи назардан сиёсий технологияларни яратувчи илмий тадқиқот институтларини ташкил этиш таклифини илгари сурамиз. Сабаби сиёсий коммуникация технологияларининг самарали қўлланилиши миллий оммавий ахборот воситаларининг аҳоли ҳамда дунё ҳамжамиятидаги обрўсини янада кўтариш имконини беради.

АДАБИЁТЛАР

1. “Daryo” интернет нашри // daryo.uz // 2019 йил 24 март, соат 17:00.14
2. “Daryo” интернет нашрининг “Facebook” ижтимоий тармоғидаги саҳифаси, 2019 йил 24 март, соат 17:10.
3. “Uzbekistan today” газетасининг “Telegram” ижтимоий тармоғидаги канали, 2019 йил 24 март, соат 15:15.
4. “Инсон ва қонун” газетасининг “Telegram” ижтимоий тармоғидаги канали, 2019 йил 24 март, соат 15:14.
5. “Маърифат” газетасининг “Facebook” ижтимоий тармоғидаги саҳифаси, 2019 йил 24 март, соат 15:05.

6. "Оила ва жамият" газетасининг "Telegram" ижтимоий тармоғидаги канали, 2019 йил 24 март, соат 15:13.
7. "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 3-сон, 20-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон. // lex.uz /.
8. "Постда" газетасининг "Telegram" ижтимоий тармоғидаги канали, 2019 йил 24 март, соат 15:16.
9. "Ўзбекистон овози" газетасининг "Telegram" ижтимоий тармоғидаги канали, 2019 йил 24 март, соат 15:12.
10. "Халқ сўзи" газетаси интернет сайти //xs.uz// 2019 йил 24 март, соат 15:31.
11. "Халқ сўзи" газетасининг "Telegram" ижтимоий тармоғидаги канали, 2019 йил 24 март, соат 15:10.
12. **Kim Joo-Han** Identified. On the Roles of News Media Use and Political Conversation in the Political Process. Vol.45 No.2, 2001.3, 86-116 (32 pages) //www.dbpia.co.kr/Journal/ArticleDetail//.
13. Ўзбекистон миллий қидирув тизими www.uz, 2019 йил, 24 март, соат 16:05.
14. Медиапредприятие как объект инвестиции. Электронный журнал "История журналистики". URL: <https://students-library.com/library/read/39476-mediapredpriatie-kak-obekt-investicij>.
15. Обзор инвестиционных идей февраля 2018 года. Информационный портал Invest-Rating.ru. URL: <https://www.invest-rating.ru/best-investments/?id=12693> ;
16. **Тимур Нигматуллин**. На какие инвестиции стоит делать ставку в 2017 году. Издание "Ведомости". 5 декабря 2016 г. URL: <https://m.vedomosti.ru/finance/blogs/2016/12/05/668143-investitsii-stavku-2017>
17. **Обидов М.** Маънавий-маърифий қашшоқликка етаклайдиган тескари тарғибот. "Халқсўзи" газетаси. 2018 йил 27 ноябрь. URL: <http://xs.uz/uzkr/post/manavij-marifij-qashshoqlikka-etaklajdigigan-teskari-targibot>.

УДК: 1(091)(55)

ФАРИДУДДИН АТТОРНИНГ ОНТОЛОГИК НАЗАРИЯСИ

ОНТОЛОГИЧЕСКАЯ ТЕОРИЯ ФАРИДУДДИНА АТТОРА

ONTOLOGY THEORY OF FARIDUDDIN ATTOR

Муродов Санжар Аслонович

БухМТИ ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

Таянч сўзлар: мавжудлик, инсон, материя, субстанция, онтология.

Ключевые слова: сущность, человек, материя, субстанция, онтология.

Key words: essence, person, matters, substance, ontology.

Шарқнинг буюк файласуфи Аттот қуйидаги фалсафий таълимотларни кўриб чиқади: мавжудлик ва инсон, материянинг пайдо бўлиши, инсоннинг ривожланиши. Аттотнинг онтологик назариясида ҳақиқий субстанция сифатида Аллоҳ қаралган, барча нарсаларнинг намоён бўлиши унга асосланган. Аттотнинг таълимоти бўйича бутун олам Аллоҳнинг таъсирида мавжуддир.

В данной статье рассмотрены взгляды Аттот на следующие философские концепции: сущность и человек, преобразование материи, развитие человека. В основе теории Аттот лежит мысль о том, что Бог - это чистая субстанция, в нём самом заложены многочисленные возможности для проявления. Согласно доктрине Аттот, весь мир существует благодаря Богу.

Attot considers the following philosophical concepts: essence and person, transformation to matters, development of the person. The Ontology of F. Attot is concluded in that - God is clean substance, in him there is the most mortgaged multiple possibilities for manifestation. According to doctrine Attot, the whole world exists at the mediation of the Allah.

FALSAFA, HUQUQ VA SIYOSATSHUNOSLIK

Кириш. Инсоният қадим замондан бошлаб олам борлиғи, ўз борлиғи, ўзгалар борлиғи устида бош қотирган. Борлиқ тушунчасини юнон олими Парменид илк бор фанга киритади. Борлиқ моддий ва маънавий воқеликни энг кенг тушунчаси сифатида намоён бўлади.

Борлиқни фалсафанинг алоҳида йўналиши онтология ўрганади. Шарқ мамлакатларида ҳам борлиқ тушунчасига кўп алломалар мурожаат қилиб, ўз назарияларини, қарашларини ифодалаб, олам, одам ва инсонининг борлиқдаги ўрни ҳақида тўхталиб ўтганлар. Шундай алломалардан бири шоир, тасаввуфшунос олим Фаридуддин Атторнинг онтологик назарияси XIII аср бошларида Марказий Осиё ва Эрон худудларида юзага келган фалсафий ғояларни тасвирлаш имконини беради.

Асосий қисм. Аттор қарашларида моддий борлиқ билан маънавий борлиқни жипслаштиради. Диний дунёқараш таъсирида оламни яратувчи ягона Аллоҳ эканлигини таъкидлайди. Аттор яратувчини инсон ҳиссиётларидан ташқарида деб билади.

Худованддир ўшалким, бору чандон,
Етолмай зотига ҳар кимса ҳайрон.
Унинг сиррига биз қандоқ етармиз?
Унинг тавсифини қандоқ этармиз?

Фаридуддин Аттор ушбу тўртлигида Аллоҳни нур сифатида тасвирлайди. Табиатнинг турли-туман бўлиши, шу нурнинг акси сифатида гавдаланади. Аттор яшаган даврда диний дунёқараш ривожланган. Диний дунёқараш ҳар бир даврда муайян ижтимоий вазифаларни бажариб келган. Диний дунёқараш умуминсоний ахлоқ меъёрларини ўзига сингдиргани билан аҳамиятлидир. Оламнинг пайдо бўлишини Аттор қуйидагича изоҳлайди:

Ҳар чи буду хастхоҳад буду низ,
Жумла з-он партав гирифтаст исми чиз.
Номи он партав ба ҳақ жон уфтод,
Ҳарду оламро мадад он уфтод.

Таржимаси: Нима мавжуд эди, мавжуд ва мавжуд бўлади ўз моҳиятини ўша нурдан олди. Бу нурнинг ҳақиқий номи қалбдир. Бу нур туфайли икки олам пайдо бўлди.

Қалб барча кичик зарраларни қамраб олди, унинг порлаши натижасида арш пайдо бўлди. Арш порлаши натижасида осмон ва юлдузлар юзага келди. Осмон ва юлдузлар ёрқин порлаши натижасида тўрт унсур: олов, тупроқ, сув ва ҳаво пайдо бўлганидан сўнг порлаш тўхтаб қолади ҳамда улар бир-бири билан араллашиб, қушлар, ҳайвонлар ва ўсимликлар дунёсини пайдо қилади.

Аттор борлиқнинг асосий тушунчаларидан бири ҳаракат категориясига алоҳида тўхталади. Аттор оламнинг сарҳадлари йўқ, доимий ҳаракатда деб тасаввур қилади.

Чунон аввалки, пешони кўринмас,
Чунон охири, поёни кўринмас.

Инсон оламнинг боши ва охири, ибтидо ва интихосини онги орқали тасаввур эта олмаслигини таъкидлаб, ҳаракат орқали воқеа ва ҳодисалар юзага келади ва ушбу ҳаракат доимийдир, деган фикрни айтиб ўтади.

Аттор Аллоҳ ягоналигини мадҳ этар экан, Унинг порлаши натижасида юзага келган моддий олам нарсаларини таъкидлаб ўтади.

Як партав афканда жаҳон гашта пур чароғ,
Як тухм кишта, ин ҳама бар бор омада.
Дар боғи ишқ як аҳадият, ки тофтаст
Шоҳу дарахту баргу гулу хор омада.

Бир порлаш натижасида бутун олам нурга тўлиб кетди. Бир буғдойни экди, ҳамма ер хосилдор бўлди. Боғда бир ишқ порлаши натижасида дарахт, барг, гул ва тиканлар пайдо бўлди.

Оламдаги воқеа ва ҳодисалар доимо такрорланиб туради. Ҳеч бир нарса бордан йўқ, йўқдан бор бўлиб кетмайди. Масалан, ўсимликлар қуёш таъсири остида ўсади,

хосил беради, сўлиб қолади, унинг уруғи яна ўша жараённи такрорлайди. Шакл ўзгариши билан мазмун ўзгармайди.

Мутлақ қалб асрор хазинаси сифатида юзага келиб, ўзини секин-аста намоён қилади. У ўзи мавжуд эди, бироқ моддий нарсаларда ўз аксини топади ва ўзига қарашни бошлайди.

Аттор концепциясига мувофиқ, бутун олам Аллоҳ воситасида мавжуддир.

Жумлаи олам ба ту бинам аён,
Ва-аз ту дар олам намебинам нишон.

Инсон оламни Аллоҳ туфайли кўришини, лекин унинг ўзини оламда кўра олмаслигини таъкидлайди. Одамлар ақли шу қадар чекланганки, Аллоҳнинг буюклигини билса ҳам, бу билими шу қадар камки, гўё у зотдан зарра нишона топмаган билан тенгдир. Ҳатто фалак шунча кўзлари- юлдузлари бўлса ҳам, Аллоҳнинг улуғворлигини кўришдан ожиздир. Юлдузлардан беҳад кичик бўлган инсон эса Аллоҳнинг нақадар улуғлигини тасаввур қилолмайди, - деган маънода айтган, Аттор.

Аттор, инсон қаерга қарамасин Аллоҳни кўришини, унинг нури туфайли яратилган моддий нарсаларга тикилишини, Аллоҳ томонидан яратилган нарсаларни фақат кашф эта олишини таъкидлаб ўтади.

Моддий олам билан Аллоҳни боғлиқликда тасвир қилар экан, Аттор пантеизм ғоясини олдинга суради. У Аллоҳни моддий оламга сингиб кетганини, таъкидлайди. Бошқача қилиб айтганда, у Аллоҳни табиат билан айнанлаштиради. Аттор Аллоҳда турли-туман атрибутлар: кўл-оёқ, кўз-қулоқ бўлиши мумкинлигини инкор қилади.

Сен у ҳақда фикрлайсан ваҳоланки, ўзинг ўшасан, сен ўзинг буюк, сен ўзинг олам, ўзинг жазоловчи, ўзинг рағбатлантирувчисан. Аллоҳни турли атрибутларни қўйиб, ҳамсухбат топишни хоҳлайсан.

Аттор Аллоҳни субстанция сифатида таърифлайди. Унинг ўзида намоён бўлиш учун турли имкониятлар мавжуд, чунки тасвир кўринишсиз намоён бўла олмайди. Ҳатто кўринганида ҳам хазина сифатида кўп асрорларни ўз ичида сақлайди. Шу боис инсон қанчалик табиатдаги воқеа ва ҳодисаларнинг моҳиятини кашф қилишга уринмасин, унинг мутлақ тарзда намоён бўлиши мумкин эмаслигига гувоҳ бўлади.

Аттор Худога ном қўйишни ҳам танқид остига олади.

Он муриде пеши шайх номдор,
Номи ҳақ мегуфт берун аз шумор.
Шайх ўро гуфт, эй бас нотаом,
Нест ҳақро дар ҳавиват ҳеч ном.
3-он ки ҳарч-ш он ту хони он на ўст,
Он туию ҳар чи дони, он на ўст.

Бир мурид доимо Аллоҳнинг номини машҳур муршиди олдида такрорлайди. Муршид унга дейди. “Эй, номукаммал мурид, Аллоҳнинг ҳақиқатан исми йўқ. Сен айтаётган исм у эмас, бу ўзинг. У ҳақда нима билсанг, у эмас.

Аттор, ҳар бир нарсанинг моҳиятини унга қарама-қарши бўлган нарса билан таққослаш орқали тушуниш ва аниқлаш мумкин, дейди. Унинг фикрича, Аллоҳ якка бўлганлиги туфайли, уни ҳеч нима билан таққослаш мумкин эмас.

Гар аён жўй ниҳон он гаҳ бувад,
Ва-ар ниҳон жўй аён он гаҳ бувад.
Ва-ар ба ҳам жўй, чу бечун аст ў.

Уни яширин деб изласанг, у аёндин. Агар уни аён деб изласанг, у яшириндир. Агар бирга олиб уни “қандай?” деб қидирсанг, унда у ҳар икки ҳолатдан ҳам ташқаридадир.

Он замон аз ҳарду берун аст ў
Тан арконига мағз маъдан эрур бот,
Келур мағзу маъдандин наботот.
Келур сўнгра наботот ичра ҳайвон,
Кейин ул мағзи ҳайвон ичра инсон.

Аттор таълимотига қараганда, одам босқичма-босқич ривожланади. Олдин маъдан, сўнгра ўсимлик, кейин ҳайвон ва ниҳоят, инсон шаклланади. Бу жараён узоқ муддатни ўз ичига олиб, Аллоҳнинг таъсири остида ривожланади. Нима мавжуд, бу

FALSAFA, HUQUQ VA SIYOSATSHUNOSLIK

нурнинг порлаши асосида юзага келади. Инсон пайдо бўлганидан сўнг жараён тўхталиб қолади. Энди инсон ўз навбатида нур даражасига кўтарилиши лозим. Бироқ одам бир вақтнинг ўзида руҳий ва жисмоний, ҳайвоний ва наботий хусусиятларга эга экан, улар ўртасида доимий зиддият кураш мавжуд. Агар кимда ҳайвоний хусусиятлар устунлик қилса, у умуман яратувчи моҳиятини англамайди. Агар кимда наботий хусусиятлар устунлик қилса, у яратувчининг моҳиятини англайди. Қандай ҳаракат қилмасин, қандай фикр айтмасин, яратувчи номидан қилади, яратувчи номидан айтади.

“Яратувчини ўзинг билан эмас, ўзи билан танигин, Унга томон йўл ундан бошланади”. Аттор маънавий борлиқ асосида Аллоҳни кўяди, моддий борлиқ эса Аллоҳнинг табиатда акс эттишини кўрсатади. Яратувчини ақл билан англаб бўлмасанда, бироқ тафаккур орқали оламдаги воқеа ва ҳодисаларни тушуниш мумкинлигини таъкидлайди. Аттор борлиқнинг кўринишларидан бири мегадунё ҳақида тўхталиб ўтган. У осмон ва юлдузлар аршнинг порлаши натижасида юзага келганини таъкидлаган эди. Сир-синоатга бой бўлган “Асрорнома” да қизиқарли маълумотга гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Фалакда неча юлдуз борки, равшан,
Заминдан бир юзу ўн карра улкан.

Аттор осмондаги юлдузлар ердан бир юз ўн марта катта эканлигини ушбу мисрасида беради. Ер учун ёруғ ва яқин юлдуз Қуёш ҳисобланади. Астрономия фани маълумотига қараганда, қуёш диаметрига 109 та Ер сайёрасидан ҳалқа сиғишар экан. Бу маълумот ҳақида 8 аср олдин Аттор хабар беради. Шу ерда у давом этади:

Ародин минг эмас, минг йиллар ўтгай,
Учиб то аввалин жойига етгай.

Коинотдаги сайёра ва юлдузлар ҳаракатда эканлиги, йиллар давомида бундай ҳаракат давом этишини таъкидлайди. Юлдузни сайёрадан икки ҳодиса, яъни ҳаракат ва ёруғлик фарқлайди. Бироқ галактика ҳам ҳаракат қилишини инобатга олсак, фақатгина ёруғлик сочиш юлдузга хос.

Фалақдин тош отар бўлсанг агарда,
Етар ул беш асрдин сўнгра ерга.

Ушбу мисрада эса, буюк Шайх коинотда содир бўладиган айрим ўзгаришлар, жумладан баъзи осмон жисмларининг ерга тушиши мумкинлигини ифодалайди. Энг қизиқ жойи вақтини ҳам кўрсатиб ўтган.

Борлиқ инсон онгида юза келадиган воқеа ва ҳодисалар мажмуи. Аттор унинг ўрни Аллоҳ қудрати олдида пастроқ туришини таъкидлайди. Борлиқ охир-оқибат йўқликка жой бериши лозим. Ваҳоланки, борлиқ ҳақидаги тасаввурлар бўлмаганида, воқеа ва ҳодисаларнинг содир бўлиши ҳам гумон бўлиб қоларди.

Бу борлиқ аслида пастлик эмишдир,
Бу борлиқ маҳсули йўқлик демишдир.
Шу борлиқ боримиз бор бўлмасайди,
У йўқлик ҳам бача осуда эди.

Аттор табиатдаги ҳодисаларни пухта ўрганган олим сифатида гаудаланади.

Деди денгизга ул: эй бениҳоят,
Сенинг сокинлигинг қўрқинч бағоят
Вале қўзғолса тўлқин, найлагай ул,
Тамомий кемани фарқ айлагай ул.

Денгиз тинч кўриниши мумкин, лекин моҳияти аксинча жараённи содир қилади. Сокинлик остида сир ётишини, агар унга тўлқин туртки сифатида таъсир кўрсатса, унинг асл қиёфаси намоён бўлишини таъкидлайди.

Аттор табиатдаги тоғу-тош, дарё, чўл-биёбонларга ҳам ўз нигоҳини қаратган.

“Буюк Уммон дейиладиган бу денгизда олам бир заррадир ва зарра олам кабидир.

Бу Уммон кўпиради, ана шу кўпикни олам деб бил. Шуни ҳам билки, бир зарра – бир кўпикдир. Агар олам йўқолса ва зарра ҳам йўқолса, бу Уммондан икки кўпик йўқолади, холос. Бу чуқур денгизда тошчалар қадрлими ё ақиқ-инсон билмайди.

Бир зарранинг камолини билиш учун ақл, жон, дин ва дил бағишладик”.

Аттор Аллоҳни билишда ақлнинг роли йўқлигини таъкидлайди. Бироқ оламдаги воқеа ва ҳодисаларни билиш учун ақлнинг ўрнини юқори баҳолайди.

Хулоса. Демак Атторнинг борлиқ ҳақидаги қарашлари ниҳоятда ранг-баранг, у

1. ўша давр дунёқарашига мувофиқ оламнинг субстанция(асос)си Аллоҳ эканлигини таъкидлайди;
2. оламнинг шаклланиш жараёнини чизиб беради;
3. одамнинг пайдо бўлиш эволюциясини тушунтиради;
4. пантеизм ғоясини олдинга суради;
5. моддий борлиқдаги воқеа ва ҳодисаларни тасвирлаб беради;
6. фалакиёт илмига оид билимларни бойитади.

АДАБИЁТЛАР

1. **Шайх Фаридуддин Аттор.** Илоҳийнома. Жамол Камол таржимаси. – Т.: Муסיқа, 2007. – Б. 18.
2. **Шайх Фаридуддин Аттор.** Нишобурй. Муסיбатнома. – Техрон: 1959. –С. 358.
3. **Шайх Фаридуддин Аттор.** Асрорнома. Жамол Камол таржимаси. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. –Б. 36.
4. Девони ғазалиёт ва қасоиди Аттор. – Техрон, 1962. –С.336.
5. **Фаридуддин Аттор.** Мантиқ ут тайр. Нажмиддин Комилов таржимаси. – Т.: Фафур Фулом, 2006. – Б. 16.
6. **Мухаммедходжаев А.** Мироззрение Фаридиддина Аттора. – Д.: Дониш, 1974. – С. 42.

UDK: 811

MENTALLIK VA MENTALITET IJTIMOYIY MADANIYAT FENOMENASI
МЕНТАЛЬНОСТЬ И МЕНТАЛИТЕТ – КАК ФЕНОМЕН СОЦИОКУЛЬТУРНОЙ
ФИЛОСОФИИ
“MENTALITY AND MENTAL SETUP” - AS A SOCIO CULTURAL PHILOSOPHY
PHENOMENON

Isakova Dilafruz Faxriddinovna

undergraduate UZSWLU Faculty of Linguistics

Teshaboyeva Dilfuza Muminovnaa

scientific supervisor: Dr of Philology sciences, Phd

Tayanch soʻzlar: mentalitet, mentallik, tuzilish, yondashuv, metodologiya.

Ключевые слова: менталитет, ментальность, структура, подход, методология.

Key words: mentality, mental setup, structure, approach, methodology.

Maqolada XIX-XX asrlarda turli ilmiy yondashuvlar doirasida mentalitetning xorijiy va ichki tadqiqotlar uslubiy asoslari muhokama qilingan. “Zehniyat” va “mentalitet” toifalari talqini va ularning oʻzaro munosabatini tahlil qilish natijasida bir qator tadqiqotlar ushbu kategoriyalarni ijtimoiy va falsafiy yoʻnalishda farqlash uchun muallifning mantiqiy asosini taklif qiladi.

В статье рассматриваются методологические основания зарубежных и отечественных исследований менталитета в рамках различных научных подходов на протяжении XIX–XX столетий. В результате анализа трактовок категорий “менталитет” и “ментальность” и их соотношения в ряде исследований предлагается авторское обоснование дифференциации данных категорий в рамках социально-философского направления.

The article considers the methodological foundations of international and Russian studies of mentality within the framework of different approaches in the XIX–XX centuries. Having analyzed interpretations of the categories mentality and mental setup and their interrelation in a number of studies, the author’s justification of the differentiation of these categories in social philosophy is offered.

FALSAFA, HUQUQ VA SIYOSATSHUNOSLIK

Introduction. The social reality of the 20th century clearly showed that the historical process was caused not only by economics, politics, the confrontation of social class forces and the development of cultural processes, but also by the influence of the mental structures of society. In connection with this circumstance, humanitarian studies have increasingly begun to refer to the concept of “mentality”, implying some specific reality (ideal, spiritual, or just psychological). The uncertainty, the vagueness of the scientific meaning of the notion “mentality” and at the same time the theoretical and practical significance of the study of the phenomenon “mentality” for the development of modern social science and in general humanitarian knowledge clearly demonstrate the relevance of the chosen research topic.

The actualization of the study of mentality is connected with the urgent objective need to look at a person in a comprehensive manner, in the totality of manifestations of his social qualities, due to the increasing complexity of the social structure, as well as accelerating the dynamics of social processes and changing the role of the individual in social space. In this regard, the private scientific approaches to the study of the individual have been replaced by a systematic approach, which is demanded in the framework of both social philosophy and sociology and psychology. The purpose of this article is to analyze the methodological positions in the research of mentality.

According to I. V. Gerasimov's phrase, the term “mentality” is quite high and goes beyond the actual practice of this hypothesis. Nevertheless, this term was not only a scientific one, but also a lively place in the live speech, not because it was a tradition but rather a lack of similar understanding of the Russian language. In this article, we focus on one aspect of the problem of mentality in the scientific literature, or more precisely, that we are interested in the differentiation of mentality and mentality [1].

Regrettably, today there are some confusion among mental and mentality concepts in our local psychological literature. Some researchers believe that these terms are synonyms. This is what we look at in a roundtable discussion in 1993 by the Journal of the Philosophical Issues. As long as these concepts are synonymous, then their existence is superfluous.

V.V. Kozlovsky is one of those categories trying to distinguish these categories, and mentality, in his opinion, reflects the order of mentality and determines the stereotypes of the world around him, provides the opportunity to adapt to external circumstances and adjusts the choice of alternative forms of social behavior. On the other hand, mentality, on the one hand, is the daily repetition and preservation of the usual lifestyle and way of life. On the other hand, it consists of the quality or group of features, and includes the cognitive, affective, and ethical attributes of the individual or group of thoughts. As Kozlovsky rightly defines, mentality is a simplified form of mentality, but the researcher's mentality and mentality are “a multidimensional phenomenon of human mind, imagination, attitudes and behavior, and can be described in various ways”, so these definitions make the borders even more intense, they are merged into one another and lose their sense of meaning.

Other researcher D. V. Polejayeve proposes to see the mentality and mentality proportionally and entirely. In his opinion, the mentality of a person can be defined as a deep degree of consciousness of the individual. At the same time, in the category of “mentality” the ideological principles of spirituality, first of all, its socio-political organization, are reflected in the society [2]. A similar point of view Anufriev and L.V. Lesnaya also argues that “unlike mentality, mentality means that mentality is a partial aspect of the mentality that is associated with or connected with the mentality of the subject ... even when mentality is more important for the theoretical analysis in normal life, often with mentality”. A similar point of view L. N. Pushkaryov also states that the mentality is universal, universal (meaning “hinking” and “conscious”) categories. At the same time, mentality can be divided into different social layers and historical periods. The historian builds his conclusions on the basis of the following: the rule of the word “-nost” in qualitative words is a horse that separates itself from the subject, as well as the quality or condition. Therefore, according to him, “mentality” can be seen as a sign of a person who is specific to a particular person at that particular time. It is difficult to agree with this definition of mentality, because after the introduction of mentality and mentality into the scientific approach, it is not strongly possible, but at least at the same time, the position reflecting collective consciousness has been strengthened. Therefore, if

mentality is the first phase of national mentality, then the classification can be made individually in a collective line. In this sense I. It is impossible to completely agree with Dzyaloshinsky's opinion, he believes that "individual mentality" is nothing more than cinema. Mentality is a collective act of behavior, a fundamental layer of activity, a particular ethnicity, or a strong social group, with a passionate attitude toward various situations. A single person has some degree of individual regulatory significance, but its basis - mentality - has a general character, is connected with a relative, relative, and a member of the class. It is because of this reason that mentality remains stronger than the conventional had of its transformation".

Other researcher O. G. Usenko offers mentality to be characterized as a single person's psyche with a unique ability to maintain typical indifferent structures that represent a particular social layer and time belonging to one individual. His clear historical appearance is seen in the mentality of different times and peoples' minds. This definition, in our opinion, is more than just a methodological aspect, and the researcher, in his research, learns these concepts from the collective consciousness. However, in our opinion, it is not right to define mentality as mentality in a particular historical period. So, in our opinion, the concept of mentality should not go beyond the limits set by researchers who have been involved in scientific research.

Analysis and results. The concept of mentality corresponds to the general philosophical category of the particular. Its content should include the following basic characteristics. 1. Mentality is a system of socio-psychological characteristics of individuals or social groups. In the first case, this is what distinguishes one person from another spiritually. The features that make up a group mentality appear to be common in relation to the members of the group (for example, representatives of a given nation), and in relation to the broader community (say, the population of the country) - as a single one, that is, the group mentality can have different degrees of commonality. Is the concept of "the mentality of humanity" correct? It seems that no. The concept of mentality is of a comparative nature and corresponds to the category of the particular, suggesting the existence of a broader than the particular community. For humanity, there is no such broader community. There is a consciousness of humanity, the psyche of humanity, the collective unconscious, but the mentality of humanity cannot be distinguished. If the extraterrestrial forms of the mind are discovered, the concept of the "mentality of humanity" will take on meaning. Our mentality will be one of the types of, say, humanoid mentality. The mentality should include features of those components of the psyche that are subject to intersubjective differentiation, that is, different people and social groups may be different, such as: sensory and perceptual, including attitudes, perceptions, goals, and ideas about significant values and norms of behavior ; motivational, represented by specific needs, interests, ideals, value orientations, goals; sensually emotional, including faithful; volitional and characterological; mnemonic; cognitive-intellectual (makings, abilities, knowledge); mental, or rational; temperament features. Sometimes mentality is associated only with the rational sphere of consciousness. But since the controlling function is inherent in the whole psyche, and all its components influence the activity, it is important to study the differences between people not only in the rational, but also in other spheres of the psyche. Therefore, the mentality should include features of all components of the psyche. And such an interpretation of the mentality does not contradict the etymology of the term. It is customary to note that the Latin "mens" and "mentis" mean mind, thinking. Usually it remains unaddressed that these words, from which the term "mentality" originates, mean more character, peace of mind and soul. Mentality is also situational features due to current circumstances and relatively stable features. The first are the upper levels of mentality, and the second are its lower, deep levels. The deeper and more stable the mental feature is, the more regulating power it possesses. The mentality includes not only qualitative, but also quantitative mental features. The concrete study of one or another mentality implies the isolation and description of mental peculiarities of three types: 1) the subject's unique social and psychological characteristics; 2) a peculiar combination of socio-psychological signs; 3) specific size of signs. The study of mentality is a more difficult task than just a study of the spiritual world, it involves two stages: 1) identification of the socio-psychological signs in different subjects and the degree of

FALSAFA, HUQUQ VA SIYOSATSHUNOSLIK

expression of these signs; 2) a comparison of the characteristics of various subjects and the identification on the basis of this of their features, that is, the mentality of each of them. If the comparison procedure is not done, then this is the study of just consciousness or the unconscious, but not of mentality.

2. Since the consciousness and psyche of the subject as a whole are determined by the genotype, the environment and the subject's own spiritual creativity, the mentality is determined, firstly, by the characteristics of the genotype, secondly, by the peculiarity of the natural and social conditions and, thirdly, by the quality and degree the subject's own spiritual activity as a form of self-determination. The first two determining factors - genotype and environment - ensure the preservation and transmission of mentality - the transfer of mental characteristics from one generation to another and from one person to another. The third factor, the spiritual activity of a person, determines the development of mentality and its improvement. 3. The mentality through perceptual and mental installations, the dominant needs and the emotions caused by them determines the peculiar nature of the perception of the world and the emotional response to its events.

4. Consciousness of the subject and in general his psyche regulate speech, behavior and activity of people, and the mentality determines the specific nature of human activity, in particular, its orientation.

5. Mentality is a means of social self-identification of the subject, the basis of social solidarity, a factor that ensures the unity and continuity of the existence of a social community. The subject, based on the awareness of his mental characteristics and comparing them with the characteristics of other subjects, identifies himself to a certain social community. Awareness of oneself as a particle of this community further forms a sense of social solidarity and the resulting desire to maintain intragroup ties and provide moral, material and organizational support to members of their group.

6. Mentality serves as a factor stimulating social progress through cultural innovations, which constitute the content of new mental features.

In order to identify the differences in mentality and mentality, we first try to identify what these concepts are and, secondly, how they separate. So, mentality and mentality are part of the collective (social) thinking, and secondly, mentality and mentality are in the field of psychology of peoples, and thirdly, mentality is a simplified form of mentality, so ethical mentality is the first stage of national mentality, It is the worldview, and the ethnic mentality is the feeling of the world, the national mentality is the attribute of the nation, the ethnic mentality is the attribute of nationalism and the opportunity to become a nation of them are not all the stages. The knowledge of the national mentality needs to be wider and the integration of higher education needs.

Mentality is a social philosophical concept, an ideal reality that reflects the socio-cultural status of a person in a historical entity - a nation, a nation, an ethnic group, a social group. It is formed as a result of historically long and sufficiently stable interaction of geographical, ethnic, socio-cultural and civilizational conditions of human life. It also appears in social and psychological direction.

The content and psychological characteristics of the mentality concept are also varied in various scientific literature. Specifically:

- Mentality is the depth of collective and individual consciousness. It also includes the underlying mind. A mentality is a set of individuals and groups that can act, feel, feel, and understand the world in a particular way.

- Mentality is to perceive and accept traditional, national customs, lifestyle, thinking, behavioral world.

- Mentality is a set of mental behaviors, beliefs, mental formation complexes, behaviors, thinking, thinking about something that is specific to a particular human association or group.

It follows from these definitions that the meaning of mentality is a state of the nation, historically formed social, psychological, psychological, and ethnic formation. His psychological characteristics give mentality a psychological category.

Conclusion. In our opinion, in determining the mentality it is worth considering the social characteristics of its carrier subject. The cultural-historical context of social life determines the specifics of the public consciousness of a large number of people in common, for example, an ethnic group or a nation, which determines behavioral stereotypes, linguistic features, etc. However, when it comes to a specific social community, the group functioning within the framework of a given social system, their perception of the world, worldview characteristics, and also behavioral patterns are very pronounced. Together, they are caused not only by living in a territory with a particular culture and history, but to a greater degree by level of education, social circle, profession, income and other social characteristics that underlie social differentiation and determine the social status of the group. In this regard, mental characteristics should be attributed to narrower social groups and communities. Such a private mentality is formed against the background of the national mentality as a reflection of the social characteristics of individual structural components of society.

Summarizing the above, the mentality can be defined as a system of qualitative and quantitative social and psychological characteristics of a person or a social community that emerged on the basis of a genotype under the influence of the natural and social environment and as a result of the subject's own spiritual creativity. This system determines the specific nature of the perception of the world, behavior, activity, self-identification of the subject, ensures the unity and continuity of the existence of a social community, and also stimulates social progress through the production of cultural innovations

REFERENCE

1. **Gerasimov I.V.** Modernization of Russia as a process of mentality transformation // Russian history: problems of mentality. Abstracts of scientific conferences. Moscow. October 4-6, 1994. M., 1994. 2.
2. **Polezhaev D.V.** Mentality and mentality as part and whole // Psychology of St. Petersburg and St. Petersburg for three centuries. SPb., 1999. 5
3. **P. Dashkovsky.** On the question of the relationship between the categories of "mentality" and "mental setup": a historical and philosophical aspect. Philosophical descript. Release 2., 2002.
4. **Castells, M.** Information Age: Economy, Society and Culture. M.: Science, 2000. 606
5. Observable images as a cultural phenomenon of public life. Monograph. Ekaterinburg: Publishing house of USUE, 2002. - 162 p.

УДК: 323/327(091)(575.1)

ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШНИНГ УМУМБАШАРИЙ ВА МИЛЛИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ УЙҒУНЛАШУВИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

ОСОБЕННОСТИ ГАРМОНИЗАЦИИ ОБЩЕЧЕЛОВЕЧЕСКИХ И ОБЩЕНАЦИОНАЛЬНЫХ ПРИНЦИПОВ ДЕМОКРАТИЗАЦИИ ОБЩЕСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ

FEATURES OF HARMONIZATION OF UNIVERSAL AND NATIONAL PRINCIPLES OF DEMOCRATIZATION OF SOCIETY IN UZBEKISTAN

Иноятлов Маҳмуд Бафоевич

ЎзМУ тадқиқотчиси

Таянч сўзлар: демократия, демократлашув, демократик давлат, демократик институтлар, демократик тамойиллар, қонун устуворлиги, халқ ҳоқимияти.

Ключевые слова: демократия, демократизация, демократическое государство, демократические институты, демократические принципы, верховенство закона, народная власть.

Key words: democracy, democratization, democratic state, democratic institutions, democratic principles, rule of law, people's power.

Ушбу мақола Ўзбекистонда демократлаштиришнинг умумбашарий ва миллий тамойилларини уйғунлаштириш хусусиятларини ўрганишга бағишланган.

FALSAFA, HUQUQ VA SIYOSATSHUNOSLIK

Данная статья посвящена изучению особенностей гармонизации общечеловеческих и национальных принципов демократизации в Узбекистане.

This article is devoted to the study of the features of harmonization of universal and national principles of democratization in Uzbekistan.

Кириш. Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг миллий, умумбашарий тамойиллари ва қадриятларининг методологик асослари, илмий ва амалий жиҳатлари мамлакатимизнинг етакчи олимлари томонидан бир мунча ишлар қилинди. Шунга қарамай, мамлакатимизда демократик фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва намоён бўлиш хусусиятларини жиддий ўрганишни талаб этади. Президентимиз таъбири билан айтганда, “Биз демократик ислохотлар йўлидан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз. Қанчалик қийин бўлмасин, фақат олдинга – янги, юксак марралар сари борамиз”.

Асосий қисм. Бизга маълумки, демократиянинг умумжаҳон эътироф этган асосий тамойиллари мавжуд бўлиб улар қуйидагилардир:

- эркин ва адолатли сайловлар;
- қарорлар қабул қилиш жараёнида озчиликнинг кўпчиликка бўйсиниши ва озчилик ҳуқуқларининг ҳам ҳимоя қилиниши;
- очиқ ва ҳисобот берувчи ҳукумат;
- инсон эркинлиги, манфаати ва ҳуқуқларининг устуворлиги;
- ҳокимият органларининг сайланиб қўйилиши;
- сўз, матбуот ва виждон эркинлигининг Конституция ва қонунлар билан кафолатланиши;
- қонун устуворлиги;
- фуқароларнинг сиёсий ва иқтисодий ҳуқуқлари мавжудлиги ва тенглиги;
- тайинлаш йўли билан шаклланидиган давлат органларининг сайлаб қўйиладиган органлар олдида ҳисоб бериш бурчлилиги;
- кўппартиявийлик тизимининг мавжудлиги;
- умуммиллий масалаларнинг ҳал этилишида референдумларнинг ўтказилиши;
- мулк шакллари хилма-хиллиги ва уларнинг тенглигини кафолатловчи қонунларнинг мавжудлиги;
- сиёсий муҳолифатнинг очиқ фаолият кўрсатиши;
- жамиятда плюрализм, яъни фикрлар хилма-хиллиги, ранг-баранглигини кафолатловчи қонунлар ҳамда уларни амалий ҳаётга жорий этиш имкониятларининг мавжудлиги.

Ҳозирги кунда дунёда 200 дан ортиқ давлат мавжуд бўлса, уларнинг 160га яқини демократик тараққиёт йўлидан бормоқда. Бу давлатларда демократия миллий ва умумбашарий қадрият сифатида қарор топганлиги дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Айнан ҳозирги даврга келиб, демократия инсоният ҳаёт тарзининг энг мақбул ривожланиш йўли эканлигини дунё жамоатчилиги томонидан эътироф этилаётганлиги демократияни миллий ва умумбашарий қадрият сифатида ўрганишни тақозо этаётган сабаблардан биридир.

“Демократия” сўзи грекча сўз бўлиб “халқ ҳокимияти” деган маънони англатади. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, демократиянинг асосий белгиси алоҳида олинган у ёки бу мамлакатда халқни олий ҳокимиятнинг манбаи эканлигини амалда эътироф этишдир. Айни пайтда, турли халқлар демократиянинг шакли ва мазмунини турли даврларда турлича талқин этишган. Демократиянинг антик даврдаги талқини билан ҳозирги замон талқини айнан бир хил эмас.

Ғарб олимларининг таъкидлашича, ҳозирги вақтга қадар демократия тўғрисидаги тўпланган таъриф ва таснифлар сони қарийб 550 тадан ортиқдир.

Р. Даль эътироф қилганидек, “демократиянинг табиати икки ярим минг йилдан бери ҳар томонлама муҳокама қилиб келинмоқда, бир қарашда ушбу муддат барчани қониқтирадиган демократия ғоялари йиғиндисини ишлаб чиқиш учун бемалол етарлидек туюлади. Лекин бу амалга ошмади. Йигирма беш аср давомида демократия

ғоялари илгари сурилди, ҳимоя қилинди, танқид қилинди, йўқ қилинди, кейин яна тикланди, аммо ушбу ҳодисанинг моҳиятини ташкил қилувчи фундаментал масалалар бўйича ягона тўхтамга келингани йўқ”.

Демократия тўғрисидаги таърифларнинг барчасида демократиянинг атрибутлари турлича талқин қилинган. Лекин масаланинг энг муҳим томони шундаки, шу пайтга қадар, жаҳон илмий фикрига демократияни жамиятда жорий қилишнинг барча учун умумий бўлган қоидасини яратдик, деб ҳеч ким даъво қилгани йўқ. Чунки демократиянинг моҳиятини ташкил қилувчи умумий белгилари ва мезонлари бўлгани ҳолда, ҳар бир жамият масалага ўзига хос имкониятлар ва уларнинг хусусиятларидан келиб чиқибгина ёндаша олади. Демократлашув жараёнининг ниҳоятда мураккаблиги, уни амалга ошириш кўламининг кенглигини назарга оладиган бўлсак, бугунги кунда демократияни фақатгина сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш усули сифатида қабул қилсак ва шу эскирган ёндашувдан келиб чиқиб жамиятда демократияни жорий қилишни тасаввур қилсак, албатта, катта хатога йўл қўямиз. Чунки, бунда демократияга ўта бир томонлама ёндашган бўламиз. Инсоният тўплаган тажрибалардан маълумки, бундай усулда ҳали бирор бир жамият демократияга тўлиқ ўтолмаган.

Демократия ва демократлашув муаммоси билан шуғулланган мутахассислардан бири Дж. Дьюи демократияга бундай тор ёндашувни қаттиқ танқид қилган. Унинг фикрича, “...демократия авваламбор сиёсий бошқарувнинг усули эмас, балки етакчи равишда ҳаётни ташкил қилиш усули, турмуш тарзидир”. Бугунги кунда демократлашув жараёни билан боғлиқ назариялар, маълумотлар кўпчилиги боис, демократияга ўтиш вазифаларини ҳал қилиш йўлларининг хилма-хиллиги ошиб бормоқда ва шунинг учун ҳам унинг концептуал масалалари мураккаблигича қолмоқда.

А. Пшеворский таъкидлаганидек, “демократияга олиб борувчи йўллар турли-тумандир. Охириги натижа эса айнан қайси йўлнинг танлаб олинишига боғлиқ бўлади”.

Бир нарсани алоҳида қайд қилиш керакки демократик ғоялар турли хил миллий маданий шароитларда яшай олиш хусусиятига эга. Бу дегани, бир томондан, демократия миллий хусусиятларга эга бўлса, иккинчидан, у турли миллатлар, халқлар ҳаётидан, давлатчилиқ, анъаналарда намоён бўла олади. Ўзининг миллий-маънавий қадриятларига таянмаган, уни ҳисобга олиб, айна пайтда умуминсоний қадриятлар, принциплар билан уйғун бўлмаган демократияни ҳақиқий демократия деб бўлмайди. Бу борада ҳозиргача баҳслар давом этиб келмоқда.

Бугунги кунда демократиянинг “Шарқона демократия” ва “Ғарбона демократия” деб аталган шакллари ҳақида ҳам турли зиддиятли мулоҳазалар мавжуд.

Демократик қадриятлар - давлатни бошқаришнинг демократик тамойиллари ва меъёрларини тан олиш, асосий сиёсий институтларга бўлган ишонч, турли фикрлар ва қарашларга нисбатан бағрикенглик, сиёсий ва ижтимоий фаоллик, эркинлик, тенглик, инсон ҳуқуқлари, шахсий мустақиллик, қонунларга итоат қилиш, давлат бошқарувида фаол иштирок этиш, масъулият демақдир.

Жамият демократик деб аталиши учун у қатор талабларга жавоб бериши лозим. Улар демократиянинг тамойиллари ёки мезонлари деб аталади. Замонавий сиёсий фанда демократик тамойиллар қаторига қуйидагилар киритилади:

- халқни ҳокимият манбаи ва олий ҳокимият эгаси деб тан олиш;
- аҳолининг кенг доирасига фуқаролик ҳуқуқларининг берилганлиги;
- барча фуқароларга сиёсий ҳаётда иштирок этиш учун тенг имкониятларнинг берилганлиги;
- ҳокимият асосий органларининг сайлов йўли билан шакллантирилиши;
- масалаларнинг овоз бериш йўли билан ҳал қилиниши;
- ҳар бир фуқарога кўрилаётган масаланинг моҳиятига доир барча ахборотни олиш имконининг берилганлиги;
- ҳар бир фуқаро, гуруҳ ёки жамоат ташкилотлари томонидан ҳокимиятнинг фаолиятини назорат қилиш ҳуқуқининг берилганлиги.

Таъкидлаш лозимки, бу мезонлар демократияга интилаётган жамият учун идеал ҳисобланади. Замонавий дунёда мазкур талаблар тўла бажарилган бирон бир

FALSAFA, HUQUQ VA SIYOSATSHUNOSLIK

мамлакат йўқ. Реал демократия доимо яхши кўринишда кўпчиликнинг озчилик устидан ҳокимияти сифатида намоён бўлса, салбий кўринишда яхши уюшган озчиликнинг кўпчилик устидан ҳокимияти (кўпчиликнинг бўйсунушига расмий розилиги асосида) сифатида намоён бўлади.

Демократия тамойилларининг ҳаётга татбиқ қилиниши муайян механизмларнинг “ишлаши”ни талаб қилади. Демократияни амалга ошириш механизмнинг муҳим таркибий қисмлари қуйидагилардир:

- инсоннинг асосий иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳуқуқларининг қонунчиликда мустаҳкамланиши;
- ҳокимият идораларига эркин, тенг, тўғридан-тўғри, яширин сайловлар;
- муаммоларнинг кўпчилик томонидан ҳал қилиниши, бунда озчиликка ўз манфаатларини ҳимоя қилишнинг кафолатлари берилиши керак;
- жамият ишларини бошқаришда фуқароларнинг бевосита ва билвосита иштирок этишларининг уйғунлиги;
- сиёсий плюрализм, яъни камида икки сиёсий партиянинг мавжудлиги;
- конструктив муҳолифатнинг мавжудлиги;
- ҳокимиятларнинг бўлиниши, уларнинг ўз ваколатлари доирасидаги мустақиллиги;
- суднинг мустақиллиги;
- қонун устуворлиги;
- ахборотнинг муқобил манбаларининг мавжудлиги.

Маълумки, Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгач, дунёнинг кўпгина давлатлари қатори ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган демократик жамиятни барпо этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Табиийки, бундай жамиятни шакллантиришда, авваламбор, Ўзбекистон тараққиётининг ўзига хос миллий тамойилларини жаҳонда кечаётган умуминсоний тамойиллар билан уйғунлаштириб бормоқда.

АҚШлик машҳур сиёсатшунос ва собиқ давлат арбоби З. Бжезинский бир пайтлар собиқ иттифоқ таркибига кирган, бугун эса мустақил давлат сифатида демократик жамият қуриш йўлидан бораётган республикалар ҳақида шундай дейди: “Инсон ҳуқуқлари муаммоси узоқ муддатли интилиш ва мақсад сифатида муҳимдир, буни эътироф этиш лозим. Аммо бу мақсадга интилиш унга дарҳол эришиш дегани эмас, буни ҳам эътироф этиш лозим. Биз шунини тушунишимиз керакки, бу давлатлар аслида мустамлакачилик муносабатлардан эндигина қутилди, бундай муносабатлар демократик сиёсий маданиятни яратишга хизмат қилмаган, албатта. Демократик сиёсий маданиятни парвариш қилиш вақтни талаб қилади ва бунга онгли равишда интилиш лозим”.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов I чақириқ Олий Мажлисининг I сессиядаги маърузасида “Шарқда - демократик жараёнларнинг қадимдан шаклланган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятлари бор. Шарқда демократик жараёнлар узвий равишда ва аста-секин тараққий топади. Бу соҳада инқилобий ўзгаришлар яшашга уринишлар ғоят ноҳуш, ҳатто фожиали натижаларга олиб келади. Инқилобни ғарб олимлари ҳам “ижтимоий тараққиётнинг ибтидоий ва ёввойи шакли” деб атаганлар. Табиийки, бундай йўл бизга асло тўғри келмайди”. Шу ўринда демократик жамият қуришнинг миллий, умумбашарий тамойилларида шарқона қадриятлар қандай ўрин эгаллайди, деган савол туғилади. Агар эътибор билан қаралса, бу ўринда жараёнлар сўзи тамойиллар маъносини ҳам англамоқда. “Жамиятни демократлаштиришнинг иккинчи муҳим шарти одамларнинг тафаккури ва ижтимоий савияси билан демократик ўзгаришлар даражаси ва суръатлари бир-бирига қанчалик мутаносиб бўлишига боғлиқдир. Учинчидан, демократик жараёнлар ҳалқимиз миллий маданиятининг ўзига хос жиҳатларини, унинг табиатини ўзида мужассам этмоғи керак. Маълумки, Ғарб намунаси кўп ҳолларда индивидуализм фалсафасига таянади ва оммани ҳаддан ташқари сиёсийлаштиришга олиб келади”. Демак, миллий тамойиллар билан бирга миллий ва минтақавий тамойиллар ҳам мавжуд. Кўриниб турибдики, демократияни шакллантиришда Ўзбекистон учун Ғарб намунаси эмас, кўпроқ Шарқ тажрибаси қўл келади. “Осиё” минтақаси ва мусулмон Шарқидаги

демократик кадриятлар ва ўзгаришлар ривожининг тажрибаси ўзига хос хусусиятлар, ўзига хос анъаналарга эга. Шарқда демократия тушунчаси ҳамжиҳатлик ғояси, жамоатчилик фикрининг устуворлиги заминда шаклланади. Демак, Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришда умумэтироф этилган умуминсоний ва миллий тамойилларнинг уйғунлигига асосланади.

Демократия учун инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг муҳим аҳамиятга эгаллигини алоҳида таъкидлаш лозим. Ана шундай кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликларсиз демократик сиёсий жараён амалга оширилиши мумкин эмас.

Шунинг учун қонунларда инсон ҳақ-ҳуқуқлари аниқ ифодаланиши, инсон манфаатининг устуворлиги қонунан эътироф этилиши шарт. Қонунга таяниш ва қонун асосида муаммони ҳал этиш умумэтироф этилган демократик кадриятдир. “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият ҳисобланади” дейилган. Шунга асосланиш ва таяниб иш кўриш Шарқ ва Ғарб демократияси учун ҳам умумий, муштарак нуқталардир.

Демократиянинг Шарқона ва Ғарбона кўринишлари ҳам миллий-маънавий хусусиятларни эътироф этадиган, унга таянадиган умуминсоний моҳият касб этади. Демократиянинг қандай шакли бўлишидан қатъий назар миллий-маънавий хусусиятлардан озуқа олади, унга таянсагина умуминсоний кадриятга айланиб боради. Бу ҳалқлар ҳаётида муҳим ўрин тутди. Демократик жамият қуришни кафолатлайди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожланишнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида демократик институтларни ривожлантириш, уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш вазифаси белгиланган. Стратегияга кўра, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида давлатнинг ролини қисқартириш, давлат бошқарув тизимини демократлаштириш, давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш, нодавлат, жамоат ташкилотлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ошириш каби ишлар кўзда тутилган.

Хулоса. Ушбу йўналишдаги ислохотларнинг дастлабки босқичлари шундан далолат берадики, бу ислохотлар муваффақиятли давом этса оламшумул натижаларга олиб келади, чунки, шуни ҳам унутмаслик керакки, Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида энг нуфузли ва етакчи давлат бўлиб, унинг минтақа миқёсидаги таъсири жуда кучлидир. Шунинг учун Ўзбекистон ўз сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ютуқлари билан минтақада пешқадам бўлиб, қўшни давлатларга ўрнатиб бўла олиш имкониятларига эга.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 28.12.2018. Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
2. **Даль Р.** О демократии/Пер. с англ. А.С. Богдановского; под ред. О.А. Алякринского. – М.: Аспект Пресс, 2000. – С. 28.
3. **Дьюи Дж.** Демократия и образование. – М.: Педагогика-Пресс, 2000. – С. 46.
4. <https://nsportal.ru/ap/.../demokratiya-eto-prezhde-vsego-opredelennost-protsedur-pri>.
5. An interview with Zb. Brzezinski: Thoughts on the Political and Geostrategic Realities of the Caucasus and Central Asia, in The Cyber-Caravan, Vol.1, N.2, 25 January. 1999.
6. **Каримов И.А.** Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3 Т. – Т.: Ўзбекистон, 1996.– Б. 8-9.
7. **Каримов И.А.** Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3 Т. –Т.: Ўзбекистон, 1996. – 9б.
8. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2016. 13 модда.

УДК: 316.6

ЎСМИРЛИК ДАВРИДА МУСТАҚИЛ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ЎРГАНИЛГАНЛИК ҲОЛАТИ

ПСИХОЛОГИЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ ПРИНЯТИЯ САМОСТОЯТЕЛЬНОГО ПРИНЯТИЯ РЕШЕНИЙ В ПОДРОСТКОВОМ ПЕРИОДЕ

PSYCHOLOGICAL STUDY OF INDEPENDENT DECISION MAKING DURING THE ADOLESCENCE

Содиқова Гулбарно Одилжон қизи

FALSAFA, HUQUQ VA SIYOSATSHUNOSLIK

Ўзбекистон Халқаро Ислом академияси магистранти

Таянч сўзлар: Ўсмирлик даври, қарор қабул қилиш, психологик ҳолат, ўсмирларда мустақил қарор қабул қилиш.

Ключевые слова: Подростковый возраст, принятие решений, психологическое состояние, принятие решений в подростковом возрасте.

Key words: Adolescence, decision making, psychological state, decision making in adolescence.

Мазкур мақолада ўсмирлик даврида мустақил қарор қабул қилишнинг психологик ўрганилганлик ҳолати тадқиқ этилган. Шунингдек, ушбу даврда мустақил қарор қабул қилишнинг босқичлари ижтимоий-психологик жаҳатдан таҳлил этилиб, хулосалар чиқарилган.

В данной статье исследуется психологическое состояние самостоятельного принятия решений в подростковом возрасте. Также были проанализированы этапы самостоятельного принятия решений в этот период с социально-психологической точки зрения и сделаны выводы.

This article explores the psychological state of independent decision making in adolescence. Also during this period, the stages of independent decision-making were analyzed from a socio-psychological point of view and conclusions were drawn.

Кириш. Комил инсоннинг хусусиятларидан бири тўғри қарор қабул қилиш қобилиятидир. Ўсмирлик даврида қабул қилинадиган баъзи бир муҳим қарор шахсни бутун ҳаётига таъсир қилиши мумкин. Муҳим қарорлар таълим олиш, касб танлаш, дўст танлаш, бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш, тиббий ёрдам ва соғлиққа таъсир қилувчи одатлар юзасидан бўлиши мумкин.

Асосий қисм. Ўсмирлик даври – бу синовлар ва ўзгаришлар даври, онгли ва беғараз қарорлар қабул қилиш вақти. Улар ўсмирларнинг бутун ҳаёти давомида таъсир қилади. Ўсмирлар ота-онасининг мавқеига (обруёсига) гумон билан қараб, дўст танлаш, таълим олиши, касб танлаши билан боғлиқ баъзи қарорларни ўзлари қабул қилишни хоҳлайдилар. Қарорларнинг оқибати ечими қанчалик тўғри қабул қилинганига боғлиқ.

Қарор қабул қилиш - бу мураккаб жараён, у мумкин бўлган имкониятларни тушуниш учун ахборотни излаш ва қайта ишлашни, янги ёки креатив ечимларни топиш учун масалаларни ечишни ўз ичига олади. С.Роснинг тахминича, қарор қабул қилувчилар бешта кўникмага эга бўлиши керак [1]:

- 1) ҳаракатларнинг альтернатив вариантлари аниқлаш;
- 2) вариантларни кўриб чиқиш учун мос келувчи мезонларни аниқлаш;
- 3) мезонлар бўйича йўналишларни баҳолаш;
- 4) вариантлар ҳақида ахборотни изоҳлаш;
- 5) қарор қабул қилиш жараёни натижасини баҳолаш.

Ўсмирлик даврида қарор қабул қилиш бўйича тадқиқотларда аниқланишича, ўрта ёшдаги ўсмирлар кичик ёшдаги ўсмирларга нисбатан қарор қабул қилиш жараёнига нималар киришини яхши англай оладилар. Кичик ёшдаги ўсмирлар қарор қабул қилиш жараёнини бажариш учун аниқ мақсад қўйиш, ечимларни топиш, қандайдир ҳаракатни амалга оширгунча турли йўналишларни такрор кўриб чиқишни етарлича англамайди. Мазкур хулоса тадқиқотнинг бошқа маълумотлари билан мувофиқлаштирилади, унга кўра кичик ёшдаги ўсмирлар катталарга нисбатан камроқ ечимга оид йўлларни ишлаб чиқадилар, ўз қарорларининг натижасини олдиндан кўра оладилар ҳамда манбаларнинг ишончилигини баҳолашлари табиий хол. Кўпчилик тадқиқотчилар, шахсни ёши ва қарор қабул қилиш қобилияти ўртасида алоқани аниқладилар. Катта ёшдаги ўсмирлар (17-25) келажакдаги оқибатларга кўпроқ эътибор қаратадилар, мутахассислар билан кўпроқ маслаҳатлашадилар, бирон-бир шахсий қизиқиш билан қараганларнинг маслаҳатига эътиёткорлик билан амал қилдилар. Ўсмирлар ҳақидаги бошқа тадқиқотларда аниқланишича, уларда хотиранинг яхшиланиши, ахборотни қайта ишлаш қобилиятининг яхшиланиши, билимларни қўллаш каби когнитив ўзгаришлар юз беради.

Тажрибанинг кенг қўламлилиги қабул қилинаётган ечимларнинг сифатига катта таъсир кўрсатади. Қадимги мақолда: «тажриба–энг яхши ўқитувчи». Исбот қилинишича, ўзига нисбатан қарор қабул қилишда кўп имкониятга эга бўлган ўсмирлар ва бундай имкониятга эга бўлмаган ўсмирларга нисбатан яхшироқ қарор қабул қиладилар. Ўз ўсмирларини оилавий қарор қабул қилиш жараёнига жалб қилган ота-оналар уларни катта ҳаётга тайёрлашга ёрдам берадилар. Ушбу кўникма шунчалик муҳимки, мактабларда ўсмирларнинг танқидий фикрлаш кўникмасини ҳосил қилиш мақсадида дастурлар ишлаб чиққанлар[1].

Фойдали қарор қабул қилиш таҳлилига эътибор қаратган тадқиқотчилар сифатида Г. Манн ва унинг сафдошларини кўрсатишимиз мумкин. Улар компетент ечим қабул қилишнинг тўққизта белгисини асослаб берганлар: танлов, фикрлаш, креативлик, компромисс, оқибатларни кўра билиш, тўғрилиқ, ишончлилиқ, кетма-кетлик ва мажбурийлик.

Танлашга тайёрлик – бу қарор қабул қилишнинг муҳим дастлабки шарти. Юқори баҳо бериш ўсмирларга танлашда ишонч ва мардлик беради. Агар ўсмирларни назорат қилиш моҳияти ташқи эмас, ички бўлса, у ҳолда қарор қабул қилганда ўзларига ишонадилар. Одатда анча каттароқ ўсмирлар (15 дан 17 ёшгача) кичикроқ ўсмирларга нисбатан (12 ёшдан 14 ёшгача) ўзига ишонади. Баъзи ўсмирлар ўз гуруҳидаги тенгдошларига мос келишни истаб қарор қабул қилишда ўзига йўналганликни бўшаштириб юборадилар. Тенгдошларнинг таъсири 12-13 ёшларда ўз чўққисига етади, шунинг учун гуруҳга нисбатан конформлик жуда катта. Ўсмирларнинг бир қисми ўз қароридан воз кечиши мумкин, чунки ўйлаш қобилияти эндигина шаклланимуда ҳамда танлов улар учун жуда оғир.

Тушуниш - когнитив жараён сифатида қарор қабул қилишнинг таркибий қисми ҳисобланади. У кўпинча метакогниция (метаанглаш) сифатида белгиланади, чунки фикрлаш қобилиятига тегишли бўлади ва ўз фикрлаши ҳамда билиш жараёнларини тушунади. Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, бажариш назоратини яхшилаш ўсмирлик даврида билиш прогресси учун жавоб беради. Клачинскийнинг айтишича, ўсмирлар кўпроқ фикрлаб таҳлил қиладилар. Улар чуқур ўйлайдилар ва ўйлаганда ўз фикрларини кузатадилар. Тўсатдан жавоб бериш ўрнига улар ўз фикрлаш жараёнларини онгли равишда, фаол бошқарадилар.

Стернберг ва Уильямсга кўра, креативлик ягона когнитив кўникма эмас, балки уч гуруҳ қобилиятларнинг мажмуи ҳисобланади [1]. Биринчи гуруҳ – синтезлаш қобилияти – ўхшашларини кўриш учун янги, қизиқарли ғояларни генерациялаш ҳамда вазифалар ўртасида алоқаларни топиш кўникмаларини ўз ичига олади. Кўпчилик инсонларнинг ўйлашича, бу қобилиятлар креатив инсонларнинг белгиловчи тавсифи ҳисобланади, аммо Стернберг ва Уильямс ушбу кўникмалар етарли эмас деб ҳисоблайди. Улар айтиб ўтган кўникмаларнинг иккинчи гуруҳи аналитик қобилият деб аталади. Бу танқидий фикрлаш қобилияти, ғояларни баҳолаш имконини беради (барча ғоялар ҳам бир хилда яхши бўлавермайди). Ҳамда амалий қобилиятлар-ғояларни амалга ошириш учун керак. Амалий қобилиятлар мавҳум (абстракт) ғояларни ҳақиқатга айлантириш имконини беради.

Ўсмирлар креативми? Уларни креативликка тортадиган омиллар мавжуд бўлса ҳам, кўпинча одатий нарсаларни рад этадилар ва янгича ўйлайдилар. Шундай омиллар борки, улар креативлик даражаси ўсишига йўл қўймайди. Хусусан, ўсмирлар тасавури бойишига аудитория томонидан босим салбий таъсир кўрсатади, натижада ўз тенгдошларига ўхшашга мажбур бўладилар. Ўсмирлар креатив бўлиши мумкин, аммо улар бу имкониятдан ҳар доим ҳам онгли амалий фойдалана олмайдилар.

Қарор қабул қилиш кўпинча ўзаро келишишга тайёрлик билан боғлиқ, яъни оила аъзолари ёки дўстлари билан келиша олмай қолганда иккала томон учун

FALSAFA, HUQUQ VA SIYOSATSHUNOSLIK

яхши бўладиган ечимга келишдан иборат. Шунингдек, бу бошқа инсоннинг фикрини тўғри деб қабул қилишга тайёрликни ҳам ўз ичига олади [2].

Компетент қарор қабул қилиш маълум ҳаракатларни танлаш мақсадида ўзи учун ёки бошқалар учун бўлиши мумкин бўлган оқибатлар ҳақида ўйлашга тайёрлигини ўз ичига олади. Катта ёшдаги ўсмирлар кичик ёшдаги ўсмирларга қараганда ўз ҳаракатларининг оқибатини олдиндан кўзлай оладилар ва ўз хатоларидан сабоқ оладилар.

Танловнинг бир неча вариантлари орасидан ҳақиқий ахборотни аниқлаш қобилияти ҳам бор. Кичик ёшдаги ўсмирлар маслаҳат берувчиларнинг қондошлигини камроқ англайдилар, манбанинг ишончилиги ёки компетентлигини шубҳа остига олмайдилар. Катта ёшдаги ўсмирлар аввалги билимларига қарамай, янги ахборотни кўпроқ текширадилар. Компетентли қарор қабул қилувчи инсон танлаш принципида кетма-кет ва доимийликка риоя қиладилар.

Хулоса. Кўпчилик ўсмирлар қарор қабул қилиш тизимига кирувчи босқичларни англайдилар ҳамда вазифаларни креатив ечиш қобилиятига эгадирлар. Тадқиқотнинг кўрсатишича, катта тажрибага эга катта ёшдаги ўсмирлар кичик ёшдагиларга қараганда яхши енгиб ўтадилар. 15 ёшга келиб ўсмирлар маълум даражада мустақилликка эришгач, қарор қабул қилишда компетентли ҳисобланадилар. Шунга қарамай, баъзида қарор қабул қилиш қобилияти ва қарор қабул қилиш реал жараёни ўртасида номутаносиблик пайдо бўлади. Ўзига паст баҳо бериш, тенгдошлари томонидан босим ўтказиш, оила тузилмаси билан боғлиқ вазиятлар, юридик чекловлар ўсмирларга ўз қарор қабул қилиш жараёнларига киришишларига ҳалақит бериши мумкин. Бу кўникмани ривожлантириш учун ўсмирларни ечим қабул қилишга ўргатиш, уни қабул қилишга имкон бериш керак. Ота-оналар ва ўқитувчи ўсмирларга тўғри ечим қабул қилишга ёрдам беришда машқ қилиш имконини беришлари керак. Қабул қилинган тўғри қарорлар кўникмасини доимий чархлаб бориш лозим. Ўсмирларга ўзи учун қарор қабул қилиш имконини бериш ва ўз хатоларидан сабоқ олишга ўргатиш уларда шахслик сифатлари таркиб топишига таъсир этади.

АДАБИЁТЛАР

1. **Райс Ф., Ким Долджин.** Психология подросткового и юношеского возраста 12-е издание. – П: 2012. – С. 280-282.
2. Google.ru www. Принятие решений в подростковом возрасте.
3. **Выготский Л.С.** Инструментальный метод в психологии. – М.: Педагогика, 2006. – С. 103-108.
4. **Завалишина Д.Н.** Оперативное мышление и принятие решения.– М.: Наука, 2003. – С.105-111.
5. **Козелецкий Ю.** Психологическая теория решений:/ Юзеф Козелецкий; Пер. с польск. Г. В. Минца и В. Н. Поруса. Послесловие Б. В. Бирюкова и О. К. Тихомирова. – М.: Прогресс, 2000. – С.504.
6. **Дўстмухамедова Ш.А., Нишанова З.Т., Жалилова С.Х., Каримова Ш.К., Алимбаева Ш.Т.** Ёш даврлари ва педагогик психология. – Т., 2013. – Б. 144-145.
7. **Душанов Х., Фарфиев Ё.А.** Касбий психология. – Т., 2010. – 65 б.
8. **Каримова В.** Оила психологияси: Педагогика олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. – Т.: 2007. – 152 б.
9. **Ғозиев Э.Ғ., Сапаров М.** Онтогенез ва дифференциал психология. – Т., 2014. – 143 б.

УДК:94(47/420).081:94(581):841.222

ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ТУРКИСТОНЛИКЛАР МАТБУОТИ
(1920-1960 ЙИЛЛАР)

ПЕЧАТЬ ТУРКЕСТАНЦЕВ В ТУРЕЦКОЙ РЕСПУБЛИКИ (1920-1960)

THE TURKISTANI MEDIA IN THE TURKISH REPUBLIC (1920-1960)

Ҳайитов Шодмон Аҳмадович

БухДУ жaxon тарихи кафедраси мудири, тарих фанлари доктори, профессор

Таянч сўзлар: Янги Туркистон (Yeni Turkistan), Яқин тарихимиз (Yakin Tarihimiz), Туркистон овози (Turkistan sesi), Туркистон (Turkistan), муҳожир, хотиралар, мақола, жадидчилик, маданият, сиёсат.

Ключевые слова: Новых Туркестан, Недавняя история, Голос Туркестана, Туркестан, мигрант, воспоминания, статья, джадидизм, культура, политика.

Key words: New Turkestan, Recent history, Voice of Turkestan, Turkestan, migrant, reminiscences, article, jadidism, culture, politics.

Ушбу мақолада совет ҳокимияти йилларида муҳожирликка маҳкум этилган туркистонлик (ўзбек)ларнинг 1920-1960 йилларда Туркия Республикасида чоп эттирган айрим матбуот органлари ҳақида манбалар таҳлили орқали илмий мушоҳада юритилган.

В данной статье научное аспекте исследуется анализ по первоначальному источникам о некоторых печатные органы Туркестанских мигрантов в Турецкой Республики 1920-1960 годах.

In the following article the data on media outlets of the turkistanis who were sent to emigration during the soviet authorities in 1920-1960 s. are scientifically reconsidered based on the sources.

Кириш. Совет ҳокимияти йилларида (1917-1991 йиллар) муҳожирликка маҳкум этилган туркистонликлар (ўзбек)ларнинг катта қисми Шарқ мамлакатларида, асосан Афғонистон ва Туркия Республикасида бориб жойлашади. 1930 – йиллардан ўзбек сиёсий муҳожирлигининг маркази Афғонистондан Туркияга кўчди. Афғонистонга кўчиб ўтган собиқ “қулоқ”, бой-бадавлат кишилар ҳам, нотенг жанглarda енгилган “босмачи” гуруҳ раҳбарлари бўлган кўрбошилар бир қисми ҳам, БХСР ва ХХСР ҳукуматлари таркибида ишлаб совет ҳокимиятининг буюк давлатчилик сиёсатига қарши чиққан миллат фидоийлари ҳам, 1920 йилларда Германияда таҳсил кўриб, хорижда қолиб кетган Туркистон (БХСР, ХХСР, ТАССР) талабалари ҳам Туркия Республикаси шаҳарлари бўйлаб тарқалиб кетдилар. 1920-1930 йилларда Туркияга кўчиб ўтган ўзбек муҳожирлари орасида моддий аҳволи ночор бўлганлар сони ҳам анчагина фоизни ташкил этар эди. Иккинчи жаҳон уруши (1939-1945 йй) дан сўнг, айниқса, 1951-1952 йиллардан бошлаб Афғонистондан Туркия Республикасига 400 оила ўзбекларнинг кўчиши, уларнинг Адана, Истанбул, Измир, Кўня каби турли шаҳарлар ва турли вилоятларда жойлашиши кузатилади [1].

1952 йил Туркияга Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон ва Саудия Арабистонидан бир гуруҳ туркистонликлар кўчиб, улар “исконли” (ночор) ва “исконли бўлмаган” (моддий сарбаст) оилаларга бўлинишган. “Исконли” муҳожирларга турк ҳукумати ер-мулк, чорва моллари ва маблағ билан ёрдам кўрсатган. Бундай туркистонликларга асосан Туркия Республикасининг қўшни давлатлар билан чегара ҳудудларидан ер-мулк ажратилган. Бу каби тадбирдан кўзланган мақсад ўзлаштирилмаган ерларни экинзорлар, боғ-роғларга айлантириш ва турклар билан қўшни халқлар ўртасидаги тинч-осуда, яқин қўшничилик муносабатларни мувозанатида туркистонлик муҳожирлар воситачилигига таяниш бўлган. “Бироқ ўзбек хонадонлари ўзларига ажратилган ер-участкаларини сотиб, тижорат ва тадбиркорлик қилдилар. Шарқий Туркистондан келган

TARIXSHUNOSLIK

уйғур ва дунганлар берилган ерларни сақлаб қолдилар” деб – эслайди туркиялик муҳожир ўзбек Собир Сайхонли. [2]

Асосий қисм. Туркиянинг Истанбул шаҳрида 1953-1956 йилларда чоп этилган “Туркистон” (TURKISTAN) номли журналда: “Кашмир ва Ҳиндистондан 1952 йилда 182 нафар туркистонлик “исконли” кўчишни сўраб турк маъмурий доираларига мурожаат қилдилар ва улар талаби қондирилди. Ушбу ҳудудлардан яна 65 киши мурожаат қилган. Шунингдек, Саудия арабистонлик туркистонликлардан 1414 нафар кишилар Туркияга “исконли” кўчишни сўраб мурожаат қилишган. Сарбаст (исконли бўлмаган) яъни ҳукумат ёрдамига муҳтож бўлмаган 77 та оила Афғонистондан, 54 киши Саудия Арабистонидан, 23 киши Покистон ва бошқа араб мамлакатдаридан Туркияга кўчиб ўтдилар. Афғонистондан Туркия Республикасига кўчган сарбаст ўзбек оилалари Адана шаҳрида жўйлашишди” – деб маълумот келтирилади.[3.305.]

Туркия Республикасига 1960-1980 йилларда ҳам туркистонликларнинг кўчиб ўтиши жараёни давом этди. 1960 йилда Хитойдан Ҳиндистон ва Покистон орқали 3 минг киши, Афғонистондаги 1978 йил апрель (“Савр инқилоби”) воқеаларидан сўнг дунё бўйлаб кўчган 600 минг нафар муҳожирларнинг бир қисми, шунингдек, 1980 йилларда Покистондан Туркияга 4,5 минг оила кўчиб ўтганлиги архив ҳужжатларида қайд этилади.[6. 3 в, 86 в.] Туркия матбуотининг маълумотича, 1953 йилда Туркия Республикасида 120.000 сонли туркистонликлар истиқомат қилишган. Улар турли табақа вакиллари бўлиб, кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланувчилар муҳожирлар орасида кўпчиликни ташкил этган. Муҳожир туркистонликлар орасида илм-фан ва маданият намоёндалари, матбаачилар, зиёлилар, сиёсий муҳожирлар салмоқли фоиизни ташкил этарди. Улар Туркистон (Ўзбекистон)ни турли даврларда муҳожир бўлган юртдошларига, Туркия ва Шарқ дунёсига танитиш учун бир қатор матбуот органларига асос солдилар. Ушбу матбуот органлари асосан Туркия туркчасида, араб ва лотин имлосида чоп этилган бўлиб, уларнинг таъсисчилари Туркистондан муҳожир бўлганлар ёхуд уларнинг авлодлари бўлса-да, журнал ва газеталар турк тилида дунё юзини кўрди. Туркия Республикасига кўчиб ўтган ўзбеклар қисқа вақтда турк тилини ўзлаштириб олдилар. Лекин ўзбек оилаларида ўзаро мулоқот ўзбек тилида олиб борилиши ёзилмаган қонун эди. Шу сабабли Туркияда дунёга келиб, шу мамлакатда вояга етган ўзбекларнинг ҳозирда кекса ва ўрта ёш авлоди ўзбек тилида (қирғиз, қозок, туркман, тожик ва қорақалпоқ тилларида ҳам) эркин фикр билдира олади.

Туркия Республикасида 1920 – йилларда туркий халқлар вакилларининг журнал ва газеталарини чоп эттириш ҳаракати бошланган. Ушбу ҳаракат бошида Туркияга кўчиб ўтган сиёсий муҳожирлар, зиёлилар туришган. 1927 йил июнда “Yeni Turkiston” (“Янги Туркистон”) номи билан ойда бир бор чоп этиладиган сиёсий, илмий ва адабий мазмундаги мажмуага асос солинган. Ушбу журнал 1927-1931 йиллар давомида чиқиб турган. “Yeni Turkiston”ни нашрдан чиқариш Усмон Хўжа Пўлатхўжав, Носир афанди, Мажидиддин Делиллар зиммасига юклатилган. “Yeni Turkiston”нинг 24 та сони араб имлосида Туркия туркчасида нашр юзини кўриб, 25-сонидан бошлаб лотин имлосида ҳам босила бошланган, журналнинг жаъми 39 сони чиқарилган [8, 126]. “Yeni Turkiston” саҳифаларида Туркистон иқтисодиёти, сиёсий ва маданий ҳаёти, совет ҳукуматининг ноинсоний сиёсати, Ўзбекистондаги болшевиизмнинг буюк давлатчилик сиёсати, муҳожирларнинг миллий мустақиллик йўлидаги саъй-ҳаракатлари каби кўпдан кўп мақолалар босилган. Журнал таъсисчиларидан Усмон Хўжа Пўлатхўжаевнинг “Yeni Turkiston” журналида 30 га яқин нутқ ва мақолалари босилган. Жумладан, унинг “Миллатчилик ва большевеклар”, “Троцкий, троцкийчилик ва бизнинг нуқтаи-назаримиз”, “Афғонистон ва Туркистон”, “Мустақил Тожикистон шўролар жумҳуриятининг асл қиёфаси”, “Большевеклар сафида миллий тамойиллар”, “Ўтган кунларимиз”, “Алдамчи Москва”, “Бухоро жумҳуриятининг ташкил этилиши”, “Бухоро жумҳурияти” мақолалари, “Туркистон турк генчлери дернеги” (Туркистонликлар ёшлар уюшмаси), “Туркистон Миллий Бирлиги” (ТМБ) йиллик байрамлари ва конгрессларида ирода қилинган ва миллий масалаларга қаратилган нутқларини қайд этиш мумкин [1, 79-82; 92-93]. Ушбу журнал муҳожир ўзбекларда миллий онгни уйғотишда, совет ҳокимиятининг буюк давлатчилик ва шовинизмдан иборат сиёсатини англантишида,

хориждаги ўзбек зиёлиларининг бирлашиб иш кўришида, четда туриб истиқлол учун курашларни давом эттириш ишларида муҳим аҳамиятга эга бўлди. “Yeni Turkiston” ўз фаолиятини тўхтатганидан сўнг, унинг давомчиси сифатида Мустафо Чўқай (1886-1941 йй) муҳаррирлигида Париж (Франция) ва Берлин (Германия)да 1929-1939 - йилларда “Ёш Туркистон” журнали чоп этилди. “Ёш Туркистон” журнали саҳифаларида ҳам туркиялик ўзбек зиёлиларининг мақолалари чоп этиб турилди.

Туркия Республикасида туркистонликлар (Фарбий Туркистон – ҳозирги Марказий Осиё Республикалари, Шарқий Туркистон – ХХРнинг Шинг-Жонг мухтор райони) иккинчи жаҳон урушидан сўнг 1950-1960 йилларда бир қатор журнал ва газеталарга асос солдилар. Ушбу газеталар лотин имлосида Туркия туркчасида нашр қилинди. Шундай журналлардан бири Меҳмет Амин Буғробош муҳаррирлигида чоп этилган “Туркистон” бўлиб, у қисқа вақт, яъни 1953-1956 йилларда чоп этилган бўлса-да, ушбу нашр туркистонликлар тарихини ташқи дунёга танитишда муҳим роль ўйнади. Журналнинг биринчи сони билан танишар эканмиз, унинг мундарижасида 35 саҳифада 19 та мақола ва хабарлар босилганига гувоҳ бўламиз. Мақолаларда туркий халқлар учун қадрли бўлган Юсуф Хос Ҳожибнинг “Девону луғотит турк” асарига 880 ёш тўлганлиги (М.Е. Буғро), “Туркистонда зироат ва чорвачилик” (Орифхон), “Туркистонда жадидчилик ҳаракати бошланди” (Доктор А.Ўқтой) каби мавзулар ҳақида илмий баҳс юритилган [4. 5-11, 11-14, 25-27, 30-33]. “Туркистон” журнали саҳифаларида А.Фитрат, А.С. Чўлпон сингари шоирларнинг миллий руҳдаги шеър ҳамда асарларидан намуналар бериб борилган. Журнал туркиялик ватандошлар маблағи ҳисобига чоп этилган бўлиб, ҳар бир муҳожир туркистонлик ўз моддий аҳволига қараб уни чоп этилиши учун пул (сармоя) берган. “Туркистон”нинг барча сонларида журналга ҳомийлик қилган шахслар рўйхати, уларнинг журналга ўтказган пул миқдори қайд этиб борилган. “Туркистон”нинг 1-сони чиқишида маблағ билан иштирок этган туркистонликлар рўйхатини келтириш ўринли бўларди.

1. Доктор Ўқтой – 100 Т.Л (лира)
2. А.Охунбой – 100
3. М.Е. Буғро – 100
4. Собит Талъат Мусабой – 50
5. Исмини ёздирмаган бир юртдош – 50
6. Ҳожи Ҳодибой – 25
7. Проф. А.Ўқой – 10
8. Абдуллакарим Туркистонли – 25
9. Абдурахмон Шавкат – 10
10. Аҳмад Пахта – 10
11. Доктор Рашод Тўлқин – 20
12. Аҳмад Ўғурдой – 10
13. Яхё Чиғатой – 15
14. Азет Икбатыр (қозоқ) – 15
15. Шоҳ Билол Ўзол м 25
16. Маҳмуд Қутай – 10
17. Қобил Акончой – 15
18. Муқимбой Ўзтурк – 5
19. Шоҳ Мурод Узули – 25
20. Ҳаким Ўзтурк – 10
21. Наждат Ойтош – 10
22. Бату Карабай – 15
23. Турғут Чан – 50
24. Собир Туркистонли – 30
25. Доктор Ясси Мирзотош – 25
26. Низомиддин Олот – 10
27. Уйғур Ўзёнтурк – 5
28. Олим Ахмат – 10
29. Абдурахим Қорабай – 15

TARIXSHUNOSLIK

Жаъми 800 Т.Л (пира) турк лираси миқдорида маблағ тўпланиб, хорижлик туркистонликлар “Туркистон” журналининг биринчи сонини чиқаришди [4, 45]. Журналга ҳомийлик қилганлар орасида ўзбек, қozoқ, уйғур, қирғиз миллати вакиллари бор эди. Улар турли табақа вакиллари бўлиб, зиёли, олим, тижоратчи, тадбиркорлар бу хайрли ишда иштирок этган эдилар. “Туркистон” журналида Мустафо Чўқай, Аҳмад Заки Валидий Тўғон (1890-1970 йй), Туркистондаги жаид мунавварлари Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов кабилар ҳақида мақолалар босилган. Шунингдек, Туркиянинг Истанбул, Адана каби шаҳарларидаги “Туркистонликлар ёрдамлашма дернеги” (Туркистонликлар ёрдамлашма жамияти) фаолияти, ташаббуслари тўғрисида батафсил маълумотлар бериб борилган. “Туркистон” материаллари Туркия Республикасидиги ўзбек уюшмалари тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиши мумкин.

Туркиянинг Истанбул шаҳрида 1956 йилда “Туркистон овози” (“Turkistan sese”) номи билан бир мажмуа чоп этилиб, уни “Туркистон” журнали (дергеси) нинг давомчиси деб аташ мумкин. Ушбу журнални ҳам чоп этишда М.Е. Буғро бошчилик қилган ва унинг фаолиятида Саит Самил, И.Алптегин, доктор Арин Эрген, Олим Олтибой, Халифа Олтой, Мутлу, Илҳом Мусабой, Мурод Тошмурод, Мустажоб, Улкасел, Яҳё Чигатой, Субҳи Тошкентли кабилар ўз мақолалари билан иштирок этганлар. “Туркистон овози” мажмуасининг бир қатор сонлари билан танишиш асносида унинг ҳар бир сониди Б.Е. Буғро учтагача, айрим сонларида тўртталаб ўз мақолаларини чоп эттирганлигига гувоҳ бўлинди. Муҳими шундаки, ушбу журнал саҳифаларида Туркистон озодлиги учун курашларда фаол қатнашган Шермуҳаммадбек Қўшоқбой ўғли (1893-1970 йй)нинг хотира парчалари “Туркистон миллий ҳаракатларидан бир парча” сарлавҳаси остида эълон қилинган [5. 19, 20, 21, 22, 23, 25, 27, 28]. Шермуҳаммадбек хотиралари орқали Туркистон озодлик ҳаракатининг ҳамон қоронғу бўлиб келаётган саҳифаларидан хабардор бўлиш мумкин.

1962-1963 йилларда “Яқин тарихимиз” (“Yakin Tarihimiz”, Hatiralar, Vesikalar, Resimlere, Berinci Mesrutiyetten Zanimimiza kadar) мажмуаси чоп этилиб, ушбу нашр органининг 1-13 сонлари ва 14-26 сонлари 1 ва 2 жилдларда жамланган бўлиб, Истанбул университети кутубхонаси фондида сақланади. Ушбу мажмуада Усманийлар салтанатининг сўнгги ҳукмдорлари Абдулҳамид II, Абдулазиз Султон кабилар ҳақида, улар бошқаруви даврида фаолият юритган ҳукумат аъзоларининг эсдаликлари, “Ёш турклар” ҳукумати вакиллари Анвар пошо, Талъат пошо, Жамол пошоларнинг ва улар фарзандларининг хотиралари, турк қўмондонларининг хотира парчалари мунтазам эълон қилиб борилган. Шуниси эътиборга лойиқки “Яқин тарихимиз”нинг 1962 йил март ва май сонларида БХСР Марказий Ижроия қўмитаси раиси лавозимида ишлаб, 1922 йилдан токим вафотига қадар яъни, 1968 йилгача Туркияда муҳожирликда яшаган Усмон Хўжа Пўлатхўжаевнинг “Анвар пошо Бухорода қолса эди”, “Рус ёрдамнинг моҳияти”, “Анвар пошога мадад берардим”, “Туркистон ва Бухоро” каби хотира парчалари босилган [7, 103-104, 77-79, 291-293, 105-107]. 1962 йил Усмон Хўжа анча кексайиб қолган бўлсада, ўз хотира лавҳаларида 1920-1924 йилларда Бухорода кечган сиёсий воқеаларни жонли гувоҳ сифатида холисона баён этган. Унинг хотираларида Шарқий Бухоро (ҳозирги Жанубий Ўзбекистон ва Тожикистон Республикаси)да кечган қуролли тўқнашувлар, Анвар пошо билан ўзаро учрашувлар ва мактубий ёзишмалар, совет ҳокимиятининг Туркия “Муваққат Ҳукумати”га БХСР олтинлари орқали кўрсатган ёрдами кабилар ҳақида маълумотлар келтирилади. Усмон Хўжанинг хотира парчалари босилган “Яқин тарихимиз” саҳифаларида унга тегишли кексалик ва ўрта ёшдаги айрим фотолавлалар берилиши эътиборга лойиқ.

1970-1980 йилларда Туркияда муҳожир туркистонликларнинг “Хур Туркистон учун. Истиқлолчи газета” “Туркистон” номли журнал кабилар ҳам чоп этилган. Ушбу нашрларнинг ҳам асосий мавзуси Туркистон мустақиллиги, иқтисодиёти, сиёсати, маданий-маърифий масалаларига йўналтирилган. Бу ҳақдаги тадқиқот эса алоҳида мақолага оиддир.

1920-1960 йилларда Туркия Республикасида чоп этилган туркистонликлар матбуоти таҳлил қилинар экан, қуйидаги якуний хулосаларга келиш мумкин.

- 1920-1960 йилларда Туркия Республикасидаги Истанбул, Адана, Измир, Кўня каби шаҳарларда ва улар атрофида минг-минглаб ўзбек (туркистонлик) ларнинг оилалари келиб жойлашдилар. Туркиядаги ўзбеклар сони 175 мингга қадар етганлиги манбаларда маълум қилинади. Туркияда яшай бошлаган ўзбек зиёлилари ўзликни сақлаб қолиш, дунёга Ўзбекистонни танитиш, Туркистон тарихи, иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаётдан ташқаридаги миллатдошларни танитиш мақсадида 1920 йилдаёқ матбуот органларига асос солдилар.

- Туркистонликлар матбуоти турк ва форс-тожик тилида, лотин ва араб имлосида чоп этилиб, улар дунё юзини кўришида муҳожирлар томонидан тўпланган хайрия маблағлари ва ионалар муҳим роль ўйнади. Матбуот органлари атрофида ўзбек ва бошқа туркий миллат зиёлилари бирлашди. Айниқса, сиёсий муҳожирлар ва Германия ҳамда Туркияга 1920 йилларда ўқиш учун юборилган, кейинчалик Туркия Республикасига кўчган “собик талабалар” матбуот органларида фаол иштирок этдилар. Аҳмад Наим Ўқой, Аҳмаджон Иброҳим Ўқой, Тоҳир Чифатой, Иброҳим Ёрқин, Маждиддин Делил кабиларнинг бу борада хизматлари беқиёс бўлди.

- Ўрганган хронологик чегарада Туркия Республикасида чоп этилган “Янги Туркистон”, “Туркистон”, “Туркистон овози”, “Яқин тарихимиз” каби матбуот органлари “Туркистон мустақиллиги” мавзусини етакчи ўринга қўйиб, озодлик учун кураш ғояларини тарғиб қилган. Туркистон тарихига оид мақолалар билан бирга истиқлол руҳидаги шеър ва бадиий асарлардан парчалар улар саҳифаларида эълон қилиб борилди. Бу эса ўзбек муҳожирларида миллий онг, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга хизмат қилди.

Хулоса. Кичик тадқиқотимиз сўнгида қуйидагича тақлиф ва мулоҳазалар беришни лозим топдик

- Туркия Республикасидаги Истанбул, Мармара, Адана каби университетларнинг кутубхоналарида Туркистон (Ўзбекистон) тарихининг турли даврларига оид юзлаб китоб, журнал ва газета сонлари, хориж олимларининг асарлари жамланган. Улардан ксеронусхалар ва электрон вариантлар олиб келиш орқали бу борадаги тадқиқотларга кенг имкониятлар очиш мумкин.

- Туркияда яшаб Туркистон (Ўзбекистон) тарихи билан шуғулланаётган, ватандошларнинг фарзандлари ҳисобланган Хайрулла Чифатой, Аҳад Андижоний, Абдулқодир Дўнуқ, Ўрхун Қовунчи, Чифатой Кўчар, Абдулваҳаб Кара (қозоқ), Саодатхоним, Пинар Чингиз (қозоқ), Меҳмет Сарай (турк), Али Бодомчи (турк) кабилар билан мунтазам илмий ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали Туркиядаги Туркистон матбуоти фондини яратиш ҳамда уни интернет саҳифаларида жойлаштириш фойдали бўларди.

АДАБИЁТЛАР

1. **Murat Yavan.** Turkistanli aydin ve sivaset adami Osman Kocaocilinin hayati ve faoliretleri (1868-1878). Uksek Lisanstezi. – Istanbul, 2019. – 100 s.
2. Муаллифнинг Туркия Республикасидаги ўзбек муҳожир Собир Сайхонли билан шахсий мулоқоти, 1931 йилда Фарғона вилоятида туғилган. 2019 йил 13 август, Истанбул (Туркия).
3. Turkistan AylikKulturel. Derdesi 1953. №7. – S. 28-30
4. “Turkistan” (Ilmiy, Ictimai, Iktisadi ve kulturel. Aylikdergider, Bas muharriri: Mehmet EminBugra, Nisan, 1953. – 1 sani).
5. “Turkistan sesi” (1956) EylulEkim, 1956, S. 30,31,32; Aralik 1956; 19,20,21; Ocak, 1957; 19,20,21; Subat-Mart 1957; 19,20,21,22; Nisan-Mayis. 1957; 25,26,27,28.
6. ЎзРМДА, Р-2822 – фонд, 1-рўйхат, 89-иш, 65-варақ.
7. Yakın Tarihimiz: Hatıralar, Vasikalar, Resemlerle. Cilt 1. Savi 3; 1962 y; 103-104 s. Cilt 1. Savi 10; 1962 y. 77-79 s. Cilt 1. Savi 10: 291-293 s; Cilt 2. Savi 14. – S.105-107.
8. **Ҳайитов Ш.А.** Ўзбек муҳожирлиги тарихи (1917-1991 йиллар). –Т.: ABU MATBUOT-KONSALT, 2008. – 208 б.

УДК373 Т-21

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ИНГЛИЗ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА
ЎЛКАШУНОСЛИК КОМПОНЕНТЛАРИДАН Фойдаланишнинг айрим
жиҳатлари**

**НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ КОМПОНЕНТОВ ПО КРАЕВЕДЕНИЮ
НА УРОКАХ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА В ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ШКОЛАХ
SOME ASPECTS OF COUNTRY STUDY USING IN ENGLISH LANGUAGE CLASSES AT
THE SECONDARY SCHOOL**

Бабашев Фархад Айтмуратович

ЎзДЖТУ педагогика ва психология кафедраси доценти, п.ф.н.,

Тангирбердиева Нилуфар Султанбой қизи

ЎзДЖТУ магистранти

Таянч сўзлар: инглиз тили, ўлкашуностик, дарс, мактаб, усуллар, восита, синф.

Ключевые слова: английский язык, краеведение, урок, школа, метод, средства, класс.

Key words: English language, country study, lesson, school, methods, facilities, class.

Ушбу мақола умум таълим мактабларида инглиз тилини ўқитиш жараёнида ўлкашуностик материалларидан фойдаланиш бўйича педагогик таҳлил натижалари ёритиб берилган. Бундан ташқари хорижий мамлакатларнинг изланувчи-олимлари томонидан ушбу йўналишда тайёрланган материаллар ва тузилган айрим дастурларнинг намуналари келтирилган.

В данной статье даны итоги проведённого педагогического анализа по использованию материалов краеведения в общеобразовательных школах на уроках английского языка. Кроме того, приведены некоторые программы и материалы составленные зарубежными учёными-соисследователями.

In this article presented the results of pedagogical analysis on country study materials in English language classes at the secondary schools. Furthermore, there were some programs and materials compiled by foreign scientists.

Кириш. Ўқув материаллари тизимида ўлкашуностик материалларининг бўлиши дидактиканинг муҳим талаблари – тарихийлик принципини таъминлаш, таълим мазмунини миллий негизига эга бўлишига имкон беради.

Дарс жараёнида ўлкашуностик материалларидан фойдаланишда бир қатор психологик, физиологик, педагогик ва методик жиҳатларни эътиборга олиш талаб этилади. Уларни ҳисобга олиш эса таълим мазмунига киритиладиган ўлкашуностик материалларини танлаб олиш мезонларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Инглиз тили таълими учун ўқув материалларини танлаб олишда фойдаланилган ўлкашуностик материаллари ўз мазмуни, моҳияти, тарбиявий таъсир доираси ва кучига кўра биринчидан, инглиз тили таълимининг ўқув-тарбиявий мақсади ва вазифаларига, иккинчидан, ўқувчиларнинг қизиқишлари, тасвирий малакалари даражасига мос бўлиши; уларнинг инглиз тили бўйича мунтазам тарзда қўлланиши ўлкашуностик материалларидан фойдаланишни мунтазамлик касб этиши ўқувчиларининг ўлка материаллари ҳақидаги тасаввурларини шакллантиришнинг узвийлигини таъминлайди.

Инглиз тили дарслари жараёнида ўлкашуностик материалларидан фойдаланиш ўқувчиларда бир қатор таълимий ва тарбиявий самараларни педагогик жиҳатдан кафолатлайди. Хусусан, ўлкашуностик мазмунидаги бадиий таълим ўқувчиларда бадиий тафаккур, миллий тарих, унда ўлка маданияти ва санъатининг ўрни, ўлкашуностик материалларига нисбатан онгли муносабат, ғурурни тарбиялаш каби сифатларни ривожлантиришга замин яратади. Ўлкашуностик материалларини танлаб олишда таълимнинг дидактик принципларига ҳам алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Айниқса, илмийлик ва тарихийлик принципи диққат марказида бўлмоғи лозим.

Зеро, ҳар қандай ўлкашунослик материали ҳам муайян даражада илмий, ҳам тарихий қиймат, аҳамият касб этади. Шунингдек, мунтазамлик, кетма-кетлик принципи ўқувчиларнинг ўлкашунослик бўйича эгаллаётган билимларини бир-бири билан узвий боғлиқликда шаклланишини таъминлайди. Бу принцип ўз навбатида айрим ташкилий-педагогик муаммоларини ҳал этишни ҳам тақозо этади. Хусусан, инглиз тилидан ўлкашунослик материаллари асосида машғулотларни самарали олиб боришда бевосита инглиз тили дарсларида қўлланадиган натура фонди (натурага қараб тасвирлаш дарсларида фойдаланиладиган амалий санъат буюмлари, асори атиқалар), ўлкашуносликка оид тарихий материаллар (композицион фаолият учун) ҳамда турли ёзма манбалар (санъатшунослик асарлари дарслари учун), шунингдек, инглиз тили учун иллюстратив, фото ва видео материалларининг етарли миқдордаги захирасига эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга.

Илмийлик принципи инглиз тили ўқитувчисидан ўқувчиларга дарс жараёнида ва дарсдан ташқари машғулотларда етказиб берадиган материал ва маълумотларни илмий асосланганлигини, мактаб шароитида амалиётда синаб кўрилганлигини ва ўқувчилар ёшига мос келишини талаб қилади.

Асосий қисм. Умумий ўрта таълим мактабининг замонавий тизимида инглиз тили дарсларида аниқликдан фойдаланиш катта аҳамият касб этади. Ўқитувчи ўз фанидан яхши таълим бериш ва педагогик маҳорати ушбу жараён асосида бўлиб, таълимнинг асосий дидактик тамойилларини қуришга қаратилган. Ушбу принциплардан бири равшанлик тамойилидир. Коммуникатив мотивацияни сақлаб қолиш ва ривожлантириш учун ўқув жараёнини турли хил ўқув воситалари билан жиҳозлаш зарур. Визуализация ва таълимнинг техник воситаларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Карталар, ситуацион суратлар, слайдлар, проектор, видеофильмлар ва компьютер каби воситалар дастлабки ва иккинчи даражали тренинглари учун мўлжалланган. Бу мактаб ўқувчиларининг психологик хусусиятларинига боғлиқ бўлиб, улар учун ўқув жараёнини ташкил қилишда аниқликдан фойдаланиш жуда муҳимдир. Болалар синфда содир бўлаётган ҳодисаларга, жумладан, рол ўйинида иштирок этаётганини ҳис қиладиган турли хил вазиятларни яратишда иштирок этиш - буларнинг барчаси ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятини ривожлантиришга ёрдам беради. Хорижий тилни ўрганишга қизиқиш тобора ортиб боради.

Дарс - мактабнинг асосий ташкилий шаклидир. Дарс ўтказишнинг муҳим шarti дарснинг вазифаларини тўғри шакллантириш ва уларни муваффақиятли амалга оширишдир. Чет тилини ўрганишда амалий таълим, тарбия ва ривожланиш масалаларини қамраб олади. Амалий ёки коммуникатив топшириғи ўқувчиларнинг коммуникатив маҳоратини шакллантириш, яъни нутқий фаолиятга қаратилган. Умумтаълим вазифалари мактаб ўқувчиларининг филологик таълими учун асос яратишга қаратилган; махсус мулоқот қобилиятларида намоён бўлган таълим маданиятини такомиллаштириш: суҳбатни бошлаш, уни қўллаб-қувватлаш, диққат эътиборни кўрсатиш, қизиқиш билдириш, суҳбатни тугатиш. Таълим вазифаларига катта аҳамият берилмоқда. Хорижий тилнинг аҳамияти – ўқувчиларга дунёга нисбатан баҳоловли-ҳиссий муносабатда бўлиш, хорижий тилга ижобий муносабатда бўлиш, ушбу тилда гапирадиган кишилар маданиятига ўргатишдир. Ривожланиш вазифаларини ўқувчилар шахсиятини мотивацион ва ҳиссий соҳаларини шакллантириш ва ривожлантириш, қадрлашга йўналтириш, хорижий тилда мустақил ўқишга тайёр бўлиш йўллари белгилайди.

Аниқлик принципи аввал Я.А.Коменский томонидан тузилган бўлиб, инсон билимининг йўли маълум факт ва ҳодисаларнинг ҳиссий туюлиш билан бошланганлиги сабабли, ўрганишнинг энг муҳим тамойилларидан бири эканлигини таъкидлаган. Унинг томонидан тузилган “олтин қоида” да дейилганки: кўзга кўринадиган, қулоққа эшитиладиган, ҳидлаш, ҳидга эга бўлган, сезиш, тегиниш, яъни илмда иложи борица кўпроқ рецепторларни киритиш талаб этилади.

П. Песталоцци асарларида аниқлик принципи янада кенг ёритилган. Яъни у аниқлик принципида ҳар бир ривожланишнинг ягона асосини кўради.

PEDAGOGIKA

Бироқ В.И. Загвязинский шуни назарда тутганки, аниқлик ва мавҳумлик ўртасида тенг муносабатни талаб қилади, шунинг учун таркибий, схематик ва рамзий кўринишнинг муҳим ролини, шунингдек, мавҳумликдан конкретликка қарши қарама-қарши ўтишнинг ривожланишидаги мавҳумликнинг табиий ва тасвирий кўриши кенг тарқалган бўлиб улар қўлланилишида сезувчидан схематикка ўтишни ўз ичига олади.

Р.К. Миняр-Белоручев аниқликни дидактик принципи сифатида белгилайди, уни ўрганиш жараёнида атрофимиздаги нарса-ҳодисаларнинг яшаш инъикосини самарадорлигини эълон қилади.

А.П. Старковнинг фикрига кўра, чет тилини ўрганаётган аниқлик - бу семантизациянинг асосий воситаси эмас, балки вазиятнинг сўзлаш шартларини ўзлаштирадиган воситадир.

Г.В. Роговой фикрича сўзнинг образли кўриниши, унинг объектив маъносини инобатга олиб, ҳис қилиш имконини беради.

И.А. Зимняя хорижий тилни ўрганишда аниқликдан фойдаланишнинг қуйидаги усулларини таъкидлайди:

- нутқ намунасини яратиш (талаффуз, интонация, лексик ва грамматик);
- оғзаки белгиланиши маълум бўлган нарса ва ҳодисаларнинг чегараларини чеклаш; қўллаб-қувватлаш (манتيқий тартиб, сўз объектининг таърифи); ифода этиш ва мулоқотни яратиш.

Кўриш, чет сўзларни эслаб қолиш. Чет тилидаги сўзлар билан ифодаланадиган нарсалар ёки уларнинг тасвирларини кўрсатиб ушбу сўзларни янада яхшироқ таниб олиш ва такрорлаш. (сўзларнинг ташқи ва ички тузилишини эгаллаш).

Тил қоидаларини тасвирий тушунтириш. Масалан, улар сўзларнинг охири ёки турли хил морфологик таркиби билан ажралиб турадиган жадваллар; турли грамматик ва синтактик схемалар, турли хил жумлалар тузиш ва сўз тартибини тушунтириш; ўқув филмлар ва бошқалар. Ҳаётда уларни фақат тил назарияси билан таништирганда ишлатиши керак.

Чет тилидаги нутқ учун иллюстрация. А.П.Старков ситуатив кўринишдан фойдаланишни таклиф қилади. Қуйидаги иллюстратив материаллар қўлланилиши мумкин:

А) макетлар ва моделлар, шунингдек ҳар қандай бутафория ва ўйинчоқлар.

В) айрим техник воситалар, асосан, чет эл ёзувлари билан филмлар, шунингдек нусха кўчирилган бадиий филмлар.

Тил аниқлиги. Чет тили ўқитувчиси ўқувчиларга чет тилини алоқа воситаси сифатида, қандай қилиб ишлатиш кераклигини кўрсатишлари керак. Бу шуни англатадики, синфда ўқувчилар чет тилида доимий равишда тинглашлари, гапиришлари, ўқишлари ва ёзишлари керак.

Аниқлик воситалари ўқувчиларнинг ақлий фаолиятини сафарбар қилиш каби вазифаларни ҳал қилишга ёрдам беради; ўқув жараёнига янгилик киритиш; дарсларга қизиқиш ортиб бориши; материални мажбурий ёдлаш имкониятини ошириш; ўзлаштира оладиган материал миқдорини кенгайтириш; материалдаги асосий нарсаларни танлаш ва уни тизимлаштириш. Бошланғич босқичда ўрганишнинг рағбатлантириш учун ёшга боғлиқ хусусиятларини ҳисобга олиб, аниқлик тамойилидан фойдаланиш керак. Аниқлик воситалари таълимнинг барча соҳаларида деярли қўлланилади: янги материални тушунтириш босқичида (ахборотни тақдим этиш), билимларни шакллантириш ва мустаҳкамлаш босқичида (ўқувчилар аниқ ҳаракатларга ўргатиш)ни, материални ўзлаштириш ва малакасини шакллантириш босқичида назорат қилиш (ўқувчиларнинг қилган ишларини баҳолаш), материалларни тизимлаштириш, қайта такрорлаш, умумлаштириш босқичи (ўрганилаётган материалдан энг муҳимини танлаш). Чет тилини ўрганиш жараёнида аниқликнинг барча турдаги кўринишларини қўллаш керак. Бироқ чет эл сўзларининг семантик қисмини очиш учун аниқликдан қочиш керак. Шундай қилиб, аниқлик материалларини қўллаш, ўқувчиларда қизиқиш уйғотади, қабул қилинган маълумотларнинг оралиғини кенгайтиради, чарчоқни камайтиради ва умуман бутун ўқув жараёнини осонлаштиради.

Замонавий инглиз тили дарсликлариди миллий ўзбек маданияти қисқа топшириқлар кўринишида тақдим этилган. Ҳақиқий маълумотни танлаш учун жуда кўп вақт талаб этилади. Бундан ташқари, ўқувчилар ўзларининг туман, шаҳар ёки қишлоқларида содир бўлаётган воқеалар ҳақида хорижий тилда маълумот топиши қийин.

Ўлкашунослик материалларининг асосини ўқувчиларнинг минтақа ҳақидаги билимлари ташкил этган бўлиб, бошқа бир гуманитар фанлар ва табиий цикллардан ўзлаштирган маълумотларни ўз ичига қамраб олган бўлади. Бу географик, тарихий, биологик, адабий, бадиий тарих ва мамлакат ҳақидаги маълумотлардир. Ўлкашуносликнинг асосини ўқувчилар она тилида олган билимлари ташкил этади. Бу вилоятнинг номи, унинг рамзлари, аҳоли миллати ва тили, чегара ва чегара ҳудудлари, сув объектлари, дарёлар, иқлимий хусусиятлар ва табиий ресурсларнинг номлари.

Ўлкашунослик материалларининг қўлланилишини аниқлаш мақсадида ўрта умумтаълим мактаблардаги 6-10 синф инглиз тили дарсликларини таҳлил қилинганда қуйидаги мавзулар аниқланди: «Do you know Uzbekistan?», «East or west, home is best!», «Tashkent - capital city» ва бошқалар. Ушбу мавзуларни ўрганишда ўқувчилар презентация орқали Республикамизнинг хусусиятлари билан танишиб чиқишади.

Республикамиз вилоятларидан бирига боғлиқ бўлган ёзувчилар, шоирлар ва журналистларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишда маданий ва минтақавий географик ахборотни тўплаш ва танлаш қобилиятини ривожлантиради. Минтақавий адабиётлар, энг кенг тарқалган афсоналар, минтақадаги ҳикоялар, газета ва журналларнинг номлари ва мақолалари ўқувчиларнинг фикрлаш оламини кенгайтиради.

Ўлкашунослик материалларидан фойдаланиш инглиз тилини ўқитиш жараёнида долзарб масала бўлиб қолди. Замонавий методикада ягона танлов асосида ўлкавий ва минтақавий материалларни танлаш ва ташкил этиш мезонлари ишлаб чиқилди. Бу муқобил тушунчадир. Бунга мисол сифатида Пятигорск давлат университетининг методистлари ўлкашунослик материалларидан фойдаланишнинг тизимли моделини ишлаб чиқди ва ўлкашуносликнинг хусусиятларини маданиятлараро мулоқотга ўргатишнинг самарали воситаси сифатида хизмат қилади. Мазкур принциплар қуйидагилар:

1. Ўлкашунослик материалларидан фойдаланиш мактаб ўқув дастурининг бошқа мавзуларига алоқаси бўлган интердисциплинарлик[5];

2. Мақсадга қаратилган, режалаштирилганлик асосида ўлкашунослик материалларидан фойдаланишнинг тартиблилик принципи;

3. Стандарт дарсликнинг ҳар бир мавзуси учун тегишли материалларини ишлаб чиқишни ўз ичига ўлган тематиклик;

4. Ўлкашунослик материалларини танлаб олишда ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш, таълимга кириш принципи;

5. Ўйин технологияларидан фойдаланишни, ўқувчиларнинг ижодга бўлган ишончини, уларнинг тасаввурини, сунъий шароитда “шартли реал” алоқани моделлаштириш қобилиятини назарда тутадиган технологиялаш;[3]

6. Когнитив принципи ўлкашунослик материаллари орқали ўрганиш жараёнида янги билим ва маълумот;

7. Этноцентризм, этно-эгоизмга тушиб қолмасдан, бошқа маданиятларни тушуниш ва қабул қилиш қобилиятини ривожлантириш назарда тутилган бағрикенглик; [4]

Ўқишни муваффақиятли амалга ошириш учун ўлкашунослик материалларидан фойдаланган холда ушбу принципларга риоя қилиш зарур.

Инглиз тили дарсларида минтақавий компонентни ишлатишдан асосий мақсад – ўқиш, лингвистик ва умумий кўринишни кенгайтириш, оғзаки ва ёзма тилни шакллантириш, уларнинг ижодий қобилиятини ривожлантиришдир. Ўлкашуносликка оид бўлган мавзуларни ўрганиш жараёнида ўқувчилар ўқиш, ёзиш ва сўзлашишда коммуникатив кўникмаларни ривожлантиради.

Тошкент шаҳридаги баъзи ўрта умумтаълим мактабларидаги инглиз тили дарсларини таҳлил қилдик. Барча дарслар аниқлик тамойилига амал қилади:

PEDAGOGIKA

фотосуръатлар, расмларни қайта ишлаш, китоб иллюстрацияси ва видеофильмлар фойдаланилиши аниқланди. Умумлаштирилган дарсларда викториналар, назорат тестлар, мусобақа шаклида умумлаштирилган вазифалар кўпроқ ўтказилиши керак деган хулосага келдик.

Ишнинг якуний босқичида болалар маданиятнинг бевосита мулоқотида иштирок этиш, инглиз тилини такомиллиштиришга эҳтиёж сезадилар. Ўқувчалар ўз ҳудудлари, шаҳарларидаги маданий ходисалар ҳақида гапиришнинг мантиқий ва изчил усулларини ўрганишади.

Хулоса. Ўтказилган педагогик таҳлил ва амалиёт шуни кўрсатадики, хорижий тилларни ўқитиш жараёнида ўлкашунослик материаллари ўқувчиларга маълум тиллардаги воқеаларни яхшироқ тушуниш ва ўзлаштириш имконини беради. Минтақавий материаллар билан ишлашнинг тавсифланган соҳалари (гарчи улар тугамасалар-да) ўлкашунослик компонентидан фойдаланиш бўйича янги ёндашувларни ўрганиш ва ривожлантириш зарурлигини тасдиқлайди, бу фақат чет тилини ўқитиш мазмунини янгилаш ва чуқурлаштириш эмас, балки ўқувчиларни давом эттириши учун олий ўқув юртларига тайёрлаш ва республикаимиз манфаати учун профессионал фаолиятни амалга оширишга кўмаклашади.

АДАБИЁТЛАР

1. **Бурлакова И.И.** Проект «Использование регионального компонента на уроках английского языка» ИЯШ № 6, 2008. – С.15-16.
2. **Дехнич О.В., Серее Т.К.** Готовимся к ЕГЭ. Учебно-методическое пособие к УМК В.П.Кузовлева. – Белгород, 2009. – С. 32-39.
3. **Иванова Н.Н., Чудилова А.И., Вилкова Н.Д.** Использование краеведческого материала в обучении иностранному языку. Метод проектов // Иностранные языки в школе. 2006. №4. – С. 25-29.
4. **Корниенко П.А.** Краеведческие материалы как средство обучения иностранному языку //Иностранные языки в школе. № 6. 2004. – С. 28-3.
5. **Топленкина И.П.** Региональный компонент на уроках иностранного языка. //Иностранные языки в школе. 2007. №3. – С. 25-30.
6. **Ромашова Н.И., Дегтярь И.Г.** “My native land Belgorodia” (сборник материалов по краеведению). – Белгород, 2004. – С. 15-17.
7. Ресурсно-методический центр иноязычного образования “Belgorod region. Guide book”. Белгород, 2006. – С. 23-27.

УДК:37.013.2

ПРОФЕССИОНАЛ РАСМНИНГ ТАВСИФЛАРИ ВА ТУЗИЛИШИ

ХАРАКТЕРИСТИКА И СТРУКТУРА ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ИМИДЖА

CHARACTERISTICS AND STRUCTURE OF A PROFESSIONAL IMAGE

Нарзикулова Фируза Ботуровна

доктор философии по психологическим наукам (PhD), доцент, зав. кафедрой Педагогика, Психологии и образовательных технологий Самаркандского РЦППКРНО, Узбекистан

Таянч сўзлар: имиж, касбий имиж, педагог имижи, замонавий педагог имижининг психологик-педагогик модели, педагогик маҳорат, қиёфа, ривожланиш.

Ключевые слова: имидж, профессиональный имидж, имидж педагога, психолого-педагогическая модель имиджа современного педагога, педагогическое мастерство, образ, развитие.

Key words: image, professional image, image of a teacher, psychological and pedagogical model of the image of a modern teacher, pedagogical skills, appearance, development.

Мақолада инсон ҳақидаги муҳим фан сифатида имиджеологиянинг бош ғояси келтирилган бўлиб, унинг асосий мақсади шахснинг ўз ички микониятларини рўйбга

чиқаришга йўналтирилмоқда. Шунингдек, педагогнинг касбий фаолияти давомида имижни шакллантиришнинг психологик-педагогик аспекти очиқ берилган ҳамда касбий имижнинг тузилмаси ва уни шакллантириш тамойиллари кўриб чиқилган.

В статье раскрыт психолого-педагогический аспект формирования имиджа в профессиональной деятельности педагога. В статье представлена главная идея науки имиджелогии – как особой науке о человеке - главной целью, которой, становится самореализация личности. Рассмотрены структура профессионального имиджа и принципы его построения.

The article reveals the psychological and pedagogical aspect of image formation in the professional activity of a teacher. The article presents the main idea of the science of imageology - as a special science of the man, whose main goal is an individual self-realization. The structure of the professional image and the principles of its construction are considered.

Введение. Реформирование системы образования современного Узбекистана, характеризуется поиском оптимального соответствия между устоявшимися традициями в отечественной школе и новыми тенденциями, связанными с вхождением в мировое образовательное пространство. Современная образовательная система должна отвечать высоким требованиям общества к личности педагога. Становится очевидным, что достижение целей современного образования во многом связано с личностным потенциалом педагога, его общей и профессиональной культурой. Поэтому, одна из главных задач, становится важнейшей социокультурной проблемой, обусловленной интенсивным процессом глобализации, необходимостью формировать условия для индивидуального развития личности и ее самореализации.

В связи с этим все большее значение приобретает культурологический аспект в подготовке, как будущих педагогов, так и в процессе повышения их квалификации. Наряду с традиционными подходами к формированию педагогической культуры значительное внимание должно уделяться развитию духовной сферы педагога, основными критериями которой является культура мышления, чувств, гуманное поведение личности. Духовная культура является необходимой составляющей педагогической культуры преподавателя, его общенаучной и профессиональной подготовленности.

В последнее время психолого-педагогические науки постоянно уделяют внимание вопросам самообразования, самосовершенствования и самоопределения личности, полагаясь все больше на стремление человека создать в себе силу своей профессии, путем построения жизненной стратегии и планирования профессиональной деятельности. Такое стремление должно выступать основной задачей профессионального образования, как будущих преподавателей, так и в процессе повышения квалификации педагогических кадров. Привлечение личности к созданию в воображении образа будущей профессии (результат профессиональной подготовки) может стать побудительной силой, превратиться в целенаправленное формирование имиджа.

Основная часть. Для того чтобы дать определение сущности профессионального имиджа, а так же определения его структурных компонентов, необходимо провести анализ дефиниции, т.е. смысла понятия "профессиональный имидж", а также уточнить в ходе анализа содержание терминологемы, т.е. значение "развитие" в профессиональном имидже.

Неоспорим и тот факт, что научные представления о процессах, связанных с возникновением и формированием профессионального имиджа, складывались неразрывно, прежде всего, в категориальном поле двух таких наук: как социологии и психологии. Так же, неоспорим и тот факт, что представители этих наук создали большое количество фундаментальных теорий, существенное влияние которых отразилось на формирование, прежде всего, основ современной теории имиджа.

Так, открытие «бессознательного» (З.Фрейд), «коллективного бессознательного» и «архетипов» (К. Юнг), осмысление социокультурных и этносоциальных феноменов в

PEDAGOGIKA

жизни больших общностей людей (Г.Лебон) побудило, как известно, к пониманию механизмов формирования образов, возникающих в индивидуальной и массовом сознании. Представители бихевиористских направлений (Дж. Уотсон, Б. Торндайк, Э. Толмен, Б. Скиннер и др.) исследовали, как в процессе социального взаимодействия через подражание (Г.Тард) усваивается социальный опыт, в свою очередь формируются привычки, навыки общения, впечатления и вкусы. А, обоснование такого понятия, как «полезности» (В. Парето), как одного из наиболее значимых в процессе социализации и разработка проблемы человеческих потребностей (А. Маслоу) охарактеризовали явления, детерминирующие возникновением имиджа. К ним относятся, прежде всего, потребность в одобрении и принадлежности, а так же потребность в самовыражении и самоактуализации, а так же в получении статуса и престижа.

Одним из важных феноменов в исследованиях, рассматривается феномен имиджа в психологии, и является теорией социально-перцептивного подхода, которая была разработана на основе идей С. Рубинштейна. [1] и продолжена в трудах современных ученых. В свою очередь нужно отметить, что психологи придавали особое значение научной фундаментальности проблемы изучения невербального социального поведения. Так, ученые исследователи, утверждают о том, что действия человека часто не исчерпываются внешней стороной деятельности [2,с.142].

Анализ психологической литературы позволил нам сделать вывод, что сущность понятия «имидж» представлен через категории «образ», «мысль», «суждение», «представление» и другие.

При определении профессионального имиджа обязательно следует признать и выделить как внутренние, так и внешние аспекты, которые в свою очередь и составляют целостный образ человека. Так, например - от обуви до головного убора (вербальный, кинетический, габитарный) базирующийся на этих элементах, является внешним аспектом. Именно здесь возникает потребность в помощи визажиста, стилиста, где учитываются характерные особенности человека: походка, мимика, голос, жесты, манера поведения, одежда и т.д. Внутренним же аспектом профессионального имиджа (ЗУНЫ, знания, умения, способности, установки, самооценка, Я-концепция) имеют особо значимое значение, так как именно этот аспект составляет духовную основу личности (менталитет личности, интеллект, интересы личности, а так же потребности, ценности, цели, смысл жизни личности, так же, его мастерство), то есть все, что определяет его назначением в мире, то, что является сущностью человека.

Кроме этого, существует энергоинформационное поле человека, изучается структура и влияние. Эксперименты фиксируют с помощью приборов, как меняется энергетическое поле человека в зависимости от различных состояний и внешних условий, измеряется сила личностного влияния человека на человека. [3] Из всего набора характеристик в работе над формированием профессионального имиджа выбирают те, которые, несомненно, должны положительно оцениваться окружающими.

Нужно отметить интересный факт, что профессиональный имидж порождение социальное, и предполагает в свою очередь, обязательное наличие людей, которые и воспринимают публичное «Я» любого человека. Именно это восприятие происходит через призму личности. Вместе с тем, человеческая способность к восприятию других личностей основывается на эмоциях и чувствах. М. Монтень указывал на роль красоты в общении людей друг с другом следующим образом: «.....она имеет первостепенное значение во взаимоотношениях между людьми: ее замечают раньше все, направляя на нас чудодейственное впечатление, она властно владеет нашими мыслями»[4]. В результате первичное восприятие имиджа так впечатляюще, нечаянно следует внутреннему захвату без раздумий. Таким образом, влияет красота на человека.

Однако нужно отметить, что волшебной внешности недостаточно, чтобы стать привлекательной личностью. Внешность, конечно же, имеет большое значение в формировании профессионального имиджа, но все-таки не решающее. Определяющим принципом создания профессионального имиджа влияние не только

на сознание, но и на подсознание людей, требует представления внутренних качеств личности. Таких как: интеллект, духовная, нравственная составляющие, ораторские способности.

Однако, нужно отметить, что глубинная личность с богатой духовной жизнью не всегда может вызвать чувство симпатии. Профессиональный имидж - это не видение, а исследования, поиск ответа на вопрос: «Кто я такой?». Поэтому важным значением, на наш взгляд, имеет овладение, прежде всего, технологией самосоздания, представления и познания, прежде всего самого себя.

Большинство психологов (С. Рубинштейн, Г. Костюк, А. Леонтьев, И. Бех) считают, что образы, как психологические образования оказывают существенное влияние на поведение человека. В целом все наше сознательное поведение побуждается и регулируется образами. Цель направляет наши действия. Ставя перед собой цель, мы обязательно представляем конечный результат. Как видим, именно образ стимулирует и направляет действие. [5; 6; 7] Так например, ученый исследователь И. Бех используя эти функции образов, предлагает программу формирования ценностного отношения к профессиональной деятельности, что, по нашему мнению, вполне соответствует профессии преподавателя. Автор описывает четыре основных блока программы формирования профессионального имиджа:

1) знакомство с профессиональной деятельностью и создание обобщенного представления о ней;

2) формирование реального представления о профессионале по выбранной специальности;

3) формирование ценностных представлений;

4) составление «образа себя - как - профессионала» [8, с. 268]. Больше всего ученый исследователь, на наш взгляд, акцентировал внимание на четвертом блоке, который имеет первостепенное значение и для нашего исследования, поскольку проблема образа (для нас создание имиджа) возможной профессиональной деятельности и образа себя в ней может в дальнейшем выполнять направляющую функцию, задавать перспективу собственного становления и повышать ценность в избранном профессиональном пути.

В нашем исследовании – психолого-педагогические аспекты имиджа преподавателя, на наш взгляд, в формировании представления о профессиональном имидже, т.е. создание образа, в процессе повышения педагогического мастерства, в профессиональной деятельности выполняет направляющую функцию, тем самым предоставляет, перспективу собственного становления, как профессионала [9]. Изучение состояния разработки в науке особенностей формирования имиджа и состояния их практического использования показывает назревшее противоречие между необходимостью теоретико-методологического осмысления сущности, природы и особенностей имиджа личности и уровнем его реализации в деятельности педагога-профессионала. Указанное противоречие и вызвало необходимость исследования теоретико-методологических основ и особенностей формирования имиджа специалиста-профессионала. Разрешение данного противоречия и недостаточная разработанность психолого-педагогической теории и практики развития имиджа педагога и определили выбор темы нашего исследования. **Объектом нашего исследования** является личность педагога в процессе развития профессионального имиджа. **Предметом нашего исследования** являются психолого-педагогические условия и сам процесс создания позитивного имиджа педагога, как специалиста-профессионала. **Целью исследования** является изучение сущности и особенностей профессионального имиджа, как психолого-педагогическое явление, а так же разработка теоретических и научно-практических основ развития профессионального имиджа педагога и технологии его реализации в практической деятельности. **Методы исследования.** Для решения поставленных нами задач, в нашем исследовании мы предусматриваем использование анализа общепсихологической, социально-психологической, педагогической и философской литературы по данной проблеме исследования; методы экспериментального исследования, такие как: наблюдения,

PEDAGOGIKA

изучение и анализ документов, анкетирование, интервьюирование и ряд специфических методов, таких как: социометрия, экспертная оценка личности, рейтинг, шкалирование, ранжирование, самооценка, самоанализ, тестирование и т.д.; а так же методы статистической обработки и многие другие.

Таким образом, самореализация в профессиональной деятельности, в первую очередь на наш взгляд, предполагает постоянный поиск средств, а так же методов, адекватных приобретенным знаниям, как опыту, так и умениям и навыкам - всему, что составляет профессионально-личностный портрет. Как показывает анализ отечественной и зарубежной литературы, что на современном этапе развития имиджологии существуют различные междисциплинарные подходы к изучению данного феномена.

В свою очередь феноменологический подход рассматривает имидж, прежде всего как возможность самоактуализации личности, как уникальный целостный образ, целенаправленно формируемый субъектом. А вот имидж, как социально-психологическое явление, которое отражает влияние сознательного и бессознательного компонентов психики различных социальных групп, рассматривается в исследовании психоаналитического подхода. (Р. Ромашкина, М. Фишер-Фельтен, З. Фрейд).

По нашему глубокому утверждению, на основе анализа теоретических аспектов определяющие сущность имиджа, по форме и содержанию понятие «имидж», является достаточно сложным и многогранным, требующим в свою очередь, осторожного решения. А недостаточная изученность этого явления подтверждает необходимость изучения проблемы, как профессиональное формирование педагога.

Заключение. Главной целью науки имиджологии – как особой науке о человеке - становится самореализация личности, развитие ее активной гражданской позиции, как субъекта и деятеля, который отвечает за свои дела и поступки перед самим собой, своей родиной и человечеством. Если рассматривать сферу межличностных отношений, то человек создает привлекательный имидж-образ, вызывающий у людей в первую очередь чувство взаимной симпатии. Современные требования общества, требуют научного подхода в отработке имиджа, который предусматривает системность, непрерывность и последовательность в имиджологии, а так же связь с другими науками.

ЛИТЕРАТУРА

1. **Рубинштейн С.Л.** Бытие и сознание. Человек и мир / С.Л. Рубинштейн. - СПб. : Питер, 2003. – 512 с.
2. **Бодалев А.А.** Вершина в развитии взрослого человека: характеристика и условия достижения / А.А. Бодалев. - М.: Флинта: Наука, 1998. – 165 с.
3. **Суслова Л.** У каждого своя аура / Л.Суслова // Учительская газета. - 2002. - 3 января. – С. 5-6.
4. От Монтеня до Арагона. / пер с французского. – М.: РАДУГА, 1983 – 256 с.
5. **Рубинштейн С.Л.** Основы общей психологии / Сергей Леонидович Рубинштейн. - СПб: Питер, 2004. – 720 с.
6. **Леонтьев А.Н.** Деятельность. Сознание. Личность: [пособ.] / Алексей Николаевич Леонтьев. - М.: Политиздат, 1977. – 304 с.
7. **Бех И.Д.** Гуманистическая педагогика в траектории воспитания личности / И. Д. Бех // Воспитание и культура. - 2002. - № 1. – С. 9-13.
8. **Бех И.Д.** Воспитание личности: личностно ориентированный подход: научно-практические основы: [учеб.пособие.] / Иван Дмитриевич Бех. в 2 кн. – М.: Просвещение, 2003. - Кн. 2. – 344 с.
9. **Нарзикулова Ф.Б.** Профессиональный имидж – как социально-психологический и педагогический феномен, в контексте педагогической деятельности // Когнитивные исследования в образовании [Электронный ресурс] : сб. науч. ст. / Урал.гос. пед. ун-т ; под науч. ред. С. Л. Фоменко; общ. ред. Н. Е. Поповой. – Электрон.дан. – Екатеринбург : [б. и.], 2019. – 1 электрон.опт. диск (CD-ROM).

УДК: 81-139.81-133

“HOZIRGI O‘ZBEK ADABIY TILI” FANINI O‘QITISHDA MASOFAVIY TA’LIMNING
IMKONIYATLARIDAN FOYDALANISH

ВОЗМОЖНОСТИ ДИСТАНЦИОННОГО ОБУЧЕНИЯ ИСПОЛЬЗОВАНИИ НА
ПРЕДМЕТУ “HOZIRGI O‘ZBEK ADABIY TILI” (СОВРЕМЕННЫЙ УЗБЕКИСКИЙ
ЛИТЕРАТУРНЫЙ ЯЗЫК)

POSSIBILITIES OF DISTANCE LEARNING IN TEACHING THE SUBJECT “MODERN
UZBEK LITERARYLANGUAGE”

Toirova Guli Ibragimovna

BuxDU o‘zbek tilshunosligi kafedrasida dotsenti, (PhD)

Raximova Nodira Kodirovna

BuxDU o‘zbek tilshunosligi kafedrasida o‘qituvchisi

Tayanch so‘zlar: masofaviy ta’lim, tutor, modelli o‘qitish, o‘qitish jarayoni, virtual laboratoriya, masofaviy shakl, o‘qitish subyekti, o‘qitish obyekt.

Ключевые слова: дистанционное обучение, репетитор, моделирование, учебный процесс, виртуальная лаборатория, дистанционная форма, предмет обучения, учебный объект.

Key words: distance learning, tutor, modeling, learning process, virtual lab, distance form, subject of study, learning object.

Maqolada masofaviy ta’lim tizimini yaratilish va amalda qo‘llanilish uchun mamlakatimizda kerakli kadrlar, ilmiy-texnik va ilmiy salohiyat yetarli ekanligi, talabaga internet orqali bilimni yetkazish yo‘llari, masofaviy ta’limning an’anaviy o‘qitish shaklidan ba’zi farqli xususiyatlari haqida fikr yuritilgan. Masofadan turib o‘qitish portali bilan ishlash uchun “Hozirgi o‘zbek adabiy tili” fani namuna sifatida tahlil qilingan.

В статье представлен необходимый персонал, научно-технический и научно-методический потенциал для создания и практического применения системы дистанционного образования. А также способы, которыми учащиеся учатся через Интернет, обсуждаются различия между традиционными формами дистанционного обучения и следующими особенностями. На примере портала дистанционного обучения в качестве примера анализируется предмет «Hozirgi o‘zbek adabiy tili».

The article presents the necessary personnel, scientific, technical and scientific and methodological potential for the creation and practical application of a distance education system. And also the ways in which learners learn via the Internet discusses the differences between traditional forms of distance learning and the following features. Working with a distance learning portal as an example is analyzed the subject “Hozirgi o‘zbek adabiy tili”.

Kirish. Masofaviy ta’lim (lotincha “distantiya” – masofadan foydalanish) o‘qituvchi va o‘quvchi o‘rtasidagi to‘g‘ridan-to‘g‘ri, shaxsiy aloqasiz “masofadan o‘qitish” imkonini yaratib beruvchi zamonaviy axborot va telekommunikatsion texnologiyalardan foydalanish bo‘lib, unga ko‘ra ta’lim jarayoni yangi axborot texnologiyalari, multimedia vositalari yordamida tashkil etiladi. U fanlar bo‘yicha o‘zlashtirish samaradorligini ta’minlash va ta’lim oluvchining idrok etish qobiliyatini rivojlantirish imkoniyatiga ega.

O‘zbekiston Respublikasida masofaviy ta’lim tizimini yaratish va rivojlantirish konsepsiyasining ishlab chiqilishi oxirgi yillarda ta’lim olish xizmatiga bo‘lgan talabning keskin oshishi hamda masofaviy ta’limning yuqori ijtimoiy ahamiyati tufayli yuzaga keldi. Masofaviy ta’lim tizimining yaratilishi va amalda qo‘llanilishi uchun mamlakatimizda kerakli kadrlar, ilmiy salohiyat yetarli. Bundan tashqari, respublikamizda bu borada muayyan tajriba orttirilgan va masofaviy ta’lim innovatsion texnologiyalarining yetarli negizi mavjud. O‘zbekistonda masofadan turib o‘qitish bo‘yicha ko‘pgina ishlar amalga oshirilgan. Kadrlarimiz chet el oliy o‘quv yurtlarida yo‘lga qo‘yilgan masofadan turib o‘qitish markazlarida bo‘lib masofadan turib o‘qitish sistemalari bilan tanishib, bu boradagi ma’lum bir ishlarni o‘rganib keldilar. Masofadan turib o‘qitish kurslarini yaratish bo‘yicha o‘quv darslari yo‘lga qo‘yildi. Bunga misol

PEDAGOGIKA

qilib, oliy o'quv yurtlaridagi malaka oshirish va qayta tayyorlov kurslarini ko'rishimiz mumkin. Masofadan turib o'qitishni yo'lga qo'yish uchun masofadan turib o'rgatuvchidarslarva tutorlar katta ahamiyat kasb etadi. Masofadan turib o'qitish kursi qanchalik to'liq berilgan bo'lsa, bu kursni o'qigan talaba shuncha ko'p bilimga ega bo'ladi. Lekin kursda faqatgina ma'lumotni ko'paytirib talabaga yetkazishningo'zi bilan ko'zda tutilgan natijaga ega bo'la olmaymiz. Kurslar shunday tuzilishi kerakki, o'rganuvchi bu kursni o'qib rohatlanishi va berilayotgan bilim yuqori darajada talabaning ongiga yetib borishi kerak. Aks holda biz talabaga ko'p ma'lumot bergan bilan yetarlibilim bera olmaymiz. Shu sababdan kursni yaratish mezonlari ishlab chiqilgan. Ma'lumotni talabaga qay tarzda yetkazish yo'llarini yaxshilab o'rganib chiqish kerak. O'rganuvchining o'qituvchidan uzoqdaligini inobatga olib va shunga o'xshash boshqa muammolarni o'rgangan holda darslar tashkil etiladi. Talaba birgina ma'ruzani o'qib yoki eshitib barcha bilimni egallay olmaydi, shu sababdan talabaga o'rgatishning turli yo'llarini qo'llash kerak. Masalan, talabaga internet orqali bilimni yetkazish yo'llari:

- Ma'ruzani qiziqarli misollar bilan qism-qism qilib yetkazish;
- Turli video lavhalar, foto suratlar orqali tushuntirish;
- Animatsiyalardan foydalanish;
- Kurs(mashg'ulot)da virtual laboratoriyalar joylashtirish;
- O'z-o'zini baholovchi testlar yoki mashqlar berish;
- Dars vaqtini talabaning shaxsiy jadvali asosida o'rgatish.

Kompyuter yordamida talabaga bilim berish juda katta yutuqlarni olib keladi. Bunga misol sifatida laboratoriya ishlarini o'tkazish uchun asbob-anjom, maxsus laboratoriya yoki biror bir moddalar talab qilinadi. Bu juda katta xarajat keltirib chiqaradi. Kompyuter bilan o'tkaziladigan virtual laboratoriya orqali talabaga o'tkazilayotgan tajriba-sinov ishi haqida batafsil ma'lumotni yetkazish mumkin. Bu laboratoriya (tajriba-sinov) ishini ixtiyoriy holda takrorlash imkoniyati bo'ladi. Talabaning bilimni tekshiruvchi sistemalar esa o'qituvchining ishini yengillashtiradi.

Masofadan turib o'qitishning yutuqlari ko'p, ammo kamchiliklari ham mavjud. Chunonchi, bilim olmoqchi bo'lgan talaba (o'rganivch) kompyuter savodxonligiga ega bo'lishi shart.

Masofaviy ta'lim an'anaviy o'qitish shakllaridan quyidagi xususiyatlari bilan farq qiladi:

Qulaylik. O'zi uchun qulay bo'lgan joy, vaqt va sur'atda ishlash; Fanni o'zlashtirish uchun vaqtning cheklanmasligi;

Modullilik. Mustaqil o'quv kurs-modullar majmuasidan shaxsiy va guruh talablariga javob beruvchi o'quv rejasini tuzish imkoniyati;

Parallellik. Kasbiy faoliyat bilan parallel ravishda, ya'ni ishlab chiqarishdan ajralmagan(uzilmalmagan) holda o'qitish.

Qamrovligi. Ko'p sonli o'quvchilarning bir vaqtning o'zida bir necha o'quv- axborot manbalariga (elektron kutubxonalar, ma'lumotlar banki, tayanch bilimlar va h.k.) murojaat qilishi, aloqa tarmoqlari orqali o'zaro yoki o'qituvchi bilan muloqotda bo'lishi;

Tejamlilik. O'quv maydonlari, texnik va transport vositalaridan samarali foydalanish, o'quv axborotini ixchamlashtirilgan va mukammallashtirilgan holda havola etish va undan foydalanishga keng imkoniyatlar yaratish mutaxassislar tayyorlashga ketadigan sarf-xarajatlarni kamaytiradi;

Texnologiyaviylik. Insonning sanoatdan keyingi axborot muhitiga o'tishiga yordam beruvchi axborot va telekommunikatsiya texnologiyalarning eng yangi yutuqlaridan o'quv jarayonida foydalanish;

Ijtimoiy teng huquqlik. O'quvchining turar joyi, sog'ligi, qaysi tabaqaga mansubligi va iqtisodiy jihatdan qanday ta'minlanganlik darajasidan qat'iy nazar ta'lim olish imkoniyati tengligi;

Ijoiy ta'sir. Masofaviy ta'lim, rejalilik, bilim olishga intilish, kompyuter texnikasidan foydalanish va mas'ul qarorlarni mustaqil qabul qilish qobiliyati yordamida o'quvchining ijodiy va aqliy qobiliyatini ko'tarib, unga ijodiy ta'sir ko'rsatadi [1,4].

O'qitishning maqsadi. Belgilangan tartibda tasdiqlangan ta'lim dasturi, mutaxassis modeli va davlat buyurtmasiga mos ravishda ta'lim oluvchi tomonidan qobiliyat va bilimlar tizimini egallab olish.

BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI 2019/3 (75)

O'qitish mazmuni. Ijtimoiy buyurtmaning pedagogik modeli o'qitish jarayoni, uni amalga oshirish usullari va tashkiliy shakllari uning mazmuni bilan belgilanadi.

O'qitish obyekti. Masofaviy ta'limning ta'lim xizmatlaridan foydalanuvchilar (talabalar, ta'lim olayotganlar va boshqalar) o'qitish obyektlari hisoblanadi. Ushbu ta'lim olish shaklining an'anaviy shaklda ta'lim oluvchi talabalardan farqli ravishda masofaviy o'qitish tinglovchilari yuqori darajadagi qat'iyatlilik, bilimga intilish, rejalilik, mustaqil ishlash qobiliyatiga ega bo'lishi va kompyuter hamda telekommunikatsion aloqa vositalaridan foydalana olishlari lozim.

O'qitish subyektlari. O'qituvchilar – o'qitish subyektlaridir. O'qituvchi – masofaviy o'qitish ta'lim jarayonining yuqori samaraliligini ta'minlashda asosiy bo'g'inidir. Masofaviy o'qitishni olib boruvchi o'qituvchilar faoliyatining o'ziga xosligi tutor terminini qo'llashda zarurat tug'dirdi. Bu fundamental informatika va telekommunikatsiya asoslaridan voqif bo'lishi kerak bo'lgan maslahatchi o'qituvchidir.

Qo'llash doirasi. Masofaviy o'qitishni O'zbekiston Respublikasining uzluksiz ta'lim tizimining barcha pog'onalarida qo'llash mumkin. Masofaviy o'qitishning yuqori samaraliligi o'rta-maxsus, oliy ta'lim tizimi, o'qituvchi va mutaxassislarni qayta tayyorlash va malaka oshirishda namoyon bo'ladi.

O'qitish usullari. Masofaviy o'qitish to'rt yo'l bilan amalga oshiriladi. TV-konferensiyalar; Video konferensiyalar; Internet va (yoki) Intranet orqali o'quv materiallar yig'imini tayyorlash va uzatish. Masofaviy o'qitishning yuqori sifatligiga shu to'rt usulni mujassamlashtirish orqali erishiladi.

O'qitishning umumiy didaktik usullari. Masofaviy shakl beshta umumiy didaktik usullarni o'z ichiga oladi: axborot-retseptiv, muammoli bayon, evristik va tadqiqiy. Ular o'rganuvchi va o'rgatuvchining o'zaro aloqasiga taalluqli pedagogik hujjat (akt)lar majmuasini o'z ichiga oladi.

O'qitish vositalari. Masofaviy o'qitish jarayonida ham an'anaviy, ham kompyuter texnikasi va telekommunikatsiyani qo'llashga asoslangan yangi o'qitish vositalaridan foydalaniladi [2,5].

O'qitish jarayonining foydalanayotgan tarkibiy qismiga qarab jahonda ko'p modellar qo'llaniladi. Masofaviy ta'limning istiqbollari sifatida quyidagi modeli o'qitishni misol keltirish mumkin:

1. Taqsimlangan sinf modeli.
2. Mustaqil o'qitish modeli.
3. «Ochiq o'qitish sinf» modeli [7].

Bakalavr ta'lim yo'nalishida tahsil olayotgan talabalar uchun ayrim fanlarni masofaviy ta'lim tizimi asosida o'qitilishini e'tiboringizga havola qilmoqchimiz.

Asosiy qism. «Hozirgi o'zbek adabiy tili. Sintaksis va morfologiya» kursi masofaviy ta'lim tizimi asosida o'qitilishini elektron kitob asosida olib borish mumkin bo'ladi. Ushbu elektron kitob orqali talabalar ma'ruzada (ma'ruza onlayn shaklda olib boriladi) olgan bilimlarini sinab ko'rish imkoniga ega bo'ladilar. Elektron kitobning amaliy ahamiyati shundaki, talaba faqat bir marotaba bitta mavzuni ko'rib chiqishi mumkin, ya'ni kompyuter uning ism-sharifini qayta qabul qilmaydi. Talabaning har bir mavzu bo'yicha bergan javobi avtomatik ravishda baholanib boriladi. O'qituvchi reyting tizimi asosida nazoratlarni qabul qilish imkoniyatiga ega bo'ladi.

**Masofadan turib o'qitish portali bilan ishlash uchun namuna
Hozirgi o'zbek adabiy tili**

**Masofaviy
ta'lim**

BuxDU

Agarda siz masofadan turib o'qitish portali ro'yxatidan o'tgan bo'lsangiz, unda portal imkoniyatlarini ko'rib chiqamiz:

Masofadan turib o'qitish portali sahifasini ochamiz natijada oynaning chap qismida quyidagi oynani ko'ramiz.

Bu oyna orqali kerakli bo'limlarga o'tishimiz mumkin.

Masalan, Markazlar bo'limiga kirib biz masofadan turib o'quv markazlari haqida

**ANIQ VA TABIIY FANI AR
PEDAGOGIKA**

ma'lumotga ega bo'lamiz.

Bosh sahifa
Biz haqimizda
Prayelrt haqida
Markazlar
Mutaxassis Moduli
O'qituvchilar
Abituriyentlar
Ro'yxatdan o'tish
Tutorlar Markazlar
Kuratorlar
Login
Parol

Masofadan turib o'qitish markazlari

Markaz nomi _____

Telefon _____

Manzil _____

Mas'ul _____

Markaz qayerda joylashgani, markazga kim mas'ul, markaz telefoni, markazning ichki pochta adresi haqidagi ma'lumotlarni olishimiz mumkin. Boshqa qismlar haqida shu oynaning chap qismidagi silklar bilan qismlar haqidagi oynalarga o'tishimiz mumkin. Masofadan turib o'qitish portali haqida bilganimizdan so'ng endi biz talabalar qismiga o'tamiz. Talabalar qismiga o'tish uchun o'zimizning login va parolimizni chap oynaning pastki qismida joylashgan oynaga teramiz va kirish tugmasini bosamiz. Agar biz login va parolni to'g'ri kiritgan bo'lsak, natijada bizga portalning talaba qismi namoyon bo'ladi. Bu oyna ikki qismdan iborat. Birinchisi kerakli oynalarga o'tish uchun silklar, ikkinchisi esa birinchi qismda tanlangan oynalar.

Modullar
Muloqotlar
Nazoratlar
Reyting daftari
E'lonlar
Pochta
Kutubxona
Forum
Chat
Yangiliklar
Yordam
Chiaish

Bu qism orqali biz kerakli oynalarga o'tamiz.

- | | | |
|--------------------|--------------|-----------------|
| 1. Modullar | 5. E'lonlar | 9.Chat |
| 2. Muloqotlar | 6. Pochta | 10. Yangiliklar |
| 3. Nazoratlar | 7. Kutubxona | 11.Yordam |
| 4. Reyting daftari | 8. Forum | 12. Chiqish |

Endi biz shu 12 ta oynadan foydalanish amallarni ko'rib o'tamiz.

Modullar

Modullar oynasi:

Modullar	O'qituvchi	Muloqotlar	Nazoratlar
Sintaksis	G.Toirova		

BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI 2019/3 (75)

Bu oynada siz o`qishingiz kerak bo`lgan modullar va shu modulni sizga o`qitadigan o`qituvchi haqida ma`lumotga ega bo`lasiz. Modullar berilgan silklar orqali siz modul mazmuni bilan tanishib chiqishingiz mumkin. Bu oynadagi **Muloqotlar** silkasi orqali siz shu modulda o`qituvchi bilan bo`ladigan muloqotlar jadvali oynasiga o`tishingiz mumkin. **Nazoratlar** silkasi orqali modullardan olgan nazorat baholaringiz haqidagi oynaga o`tishingiz mumkin. Siz qaysi vaqt qaysi modulni o`rganganingiz haqidagi ma`lumot avtomatik ravishda qayd qilib boriladi.

Muloqotlar

Muloqotlar oynasi:

Modul	O`qituvchi	Dars maqsadi	Vaqt
Sintaksis va uning birliklari	Toirova	Sintaksis tushunchasi	5.05.2018
Sintaktik aloqa va valentlik	Toirova	Valentlik ko`rinishlari	6.05.2018 12:00:00

Bu oynada siz o`qituvchilar bilan bo`lib o`tadigan muloqotlar jadvalini ko`rishingiz mumkin. Oynada qaysi modul, qaysi o`qituvchi, qanday mavzuda va qachon bo`lib o`tishini bilishingiz mumkin. Qaysiki modul nomi qizil bo`lgan muloqot aktiv hisoblanadi va siz bu muloqotga qatnashishingiz shart. Muloqotga kirish ushuncha qizil rangdagi kirishingiz kerak bo`lgan "modul" yozuvi ustiga sichqoncha tugmasini bosib, natijada siz muloqotlar oynasiga kirasiz.

Modul dars mavzusi
Sintaksis Sintaksis va uning birliklari
O`qituvchi
Kimga (kimdan)

matn

Yubor

E`lonlar

E`lonlar doskasini ko`zdan kechiring, bu oynada siz uchun **e`lonlar bo`lishi mumkin.**

24.06.18. 13.11.42

Bu oynada sizga tegishli e`lonlar bilan tanishasiz.

Pochta

Pochta oynasi:

Yangi xatlar yo`q

Kelgan xatlar 1

Yuborilgan xatlar 0

O`chirilgan xatlar 0

Xat yozish

**ANIQ VA TABIIY FANI AR
PEDAGOGIKA**

Bu oyna orqali sizga kelgan xatlarni o'qishingiz yoki xat yozishingiz mumkin. Kelgan xatlarni o'qish uchun oynadan **kelgan xatlar** qismiga kiramiz. Natijada bizga kelgan xatlar ro'yxati oynada namoyon bo'ladi va bizga kerakli bo'lgan xatni tanlab o'qishimiz mumkin. Xatni o'qib bo'lgach, uni o'chirib yuborishimiz yoki bu xatga javob yozishimiz mumkin. Agar biz xat yozmoqchi bo'lsak, pochta oynasidan **xat yozish** qismiga o'tamiz va xatni yozib yuborishimiz mumkin. Xat o'sha zahoti kimga yuborilgan bo'lsa, uning pochtaga borib tushadi. Xatni nusxasini saqlash ushuncha xatni yozayotganda xat nusxasini saqlash tugmachasini bosamiz, so'ng xatni yuboramiz. Xatga qo'shib ma'lum bir faylni jo'natishimiz mumkin. Buning ushuncha xat yozayotganda **yubor** tugmasi bosilib kerakli fayl topiladi va oq tugmacha bosiladi va xat jonatiladi. O'qituvchiga nazorat ishlari shu usulda yuboriladi.

Xulosa. Axborot, ayniqsa, o'qituvchilar uchun zarurligi, o'rganuvchilar uchun eskirib qolgan axborot emas, zamon talabiga mos keluvchi axborot kerakligini inobatga olgan holda yangi axborotni tezkor ravishda elektron ko'rinishda olish sharoitini yaratish darkor. «Tanlanganlar uchun ta'limdan», «Hamma uchun ta'lim» kabi shiori ostida ta'lim tizimini yangilash kerak.

O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi va „Ta'lim to'g'risida“ gi Qonunga binoan, dini, yoshi, ijtimoiy kelib chiqishi, millati, sog'ligi va turar joyi kabi farqlanuvchi omillardan qat'iy nazar O'zbekistonning hamma fuqarolari ta'lim olish huquqiga ega. Masfaviy ta'lim tizimining o'qish, o'qitish qulayligi va ahamiyati shundaki, o'qitish jarayonini ham o'qituvchi, ham o'quvchi uchun qulay vaqt, joy va sur'atda olib borish imkoniyati evaziga erishiladi. Kursni o'zlashtirish uchun ajratilgan vaqtning qat'iy cheklanmaganligi o'quvchilarga cheklangan muddatli kursga nisbatan xoh kamroq, xoh ko'proq vaqtda o'zlashtirish sharoitini yaratadi.

Bugungi kunda xorijda masofaviy ta'limdan shaxsiy reja asosida uydun turib bilim olish, universitet tomonidan tayyorlangan videodarslardan foydalanish, ishlab chiqarishdan ajralmagan holda ta'lim olish, shuningdek, bir vaqtning o'zida qo'shimcha tarzda boshqa yo'nalishlarda ta'lim olish va shaxsiy qiziqishlari bo'yicha salohiyatini oshirish tajribasi keng tatbiq qilinmoqda. Yurtimiz ta'lim muassasalarida joriy qilinayotgan axborot-kommunikatsiya texnologiyalari infratuzilmasi ham kelajakda bu kabi imkoniyatlardan foydalanishga xizmat qiladi.

ADABIYOTLAR

1. **Абдуқодиров А.А. ва б.** Ахборот технологиялари. – Т., 2002. – 152 б.
2. **Абдуқодиров А.А., Пардаев А.Х.** Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти. – Т.: Фан, 2009. – 46 б.
3. **Атабаева К.Р.** Таълим тизимида масофавий ўқитишнинг афзалликлари // Молодой ученый. – 2017. - №24.1. – С. 5-7.
4. **Azizxo'jaeva N.N.** Pedagogik texnologiya va pedagogik mahorat. – Т.: TDPU, 2003. – 174 б.
5. **Ishmuhammedov R.J.** Innovatsiya texnologiyalari yordamida ta'lim samaradorligini oshirish yo'llari. – Т.: TDPU, 2004. – 134 б.
6. **Roziqov O., Og'ayev S., Mahmudov M., Adizov B.** Ta'lim texnologiyasi. – Т.: O'qituvchi, 1999. – Б. 69.
7. **Og'ayev S.** Ilg'or pedagogik texnologiyalar-hayotiy ehtiyoj. "Xalq ta'limi" jurnali. 2001. - №3. - B. 69-71.
8. **Тоирова Г. ва б.** Hozirgi o'zbek adabiy tili. Morfologiya va sintaksis Электрон дарслик. Guvohnoma № 000254 "Intellekt Ekspert" Ўзбекистон Республикасининг интеллектуал мулк агентлиги. – Тошкент, 2016.

УДК: 37.035.3

**ҲАМШИРАЛИК ИШИ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАРИНИНГ
АҲАМИЯТИ**

**ЗНАЧЕНИЕ ИНТЕРАКТИВНЫХ МЕТОДОВ ИНТЕРФАОЛОВ ОБУЧЕНИИ ПРЕДМЕТА
МЕДСЕСТРИНСКОЕ ДЕЛО ДЛЯ УЧЕБНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ**

THE IMPORTANCE OF INTERACTIVE METHODS IN TRAINING THE NURSE

Ҳазратов Ўткир Ҳайдарович

БухДТИ ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси катта ўқитувчиси, тиббиёт фанлари номзоди.

Аслонова Ибодат Жабборовна

БухДТИ ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси катта ўқитувчиси, тиббиёт фанлари номзоди.

Халимова Дилрабо Жалиловна

БухДТИ ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси ассистенти

Таянч сўзлар: интерфаол, интерфаол усул, “Мия хужуми” усули, “Уч поғонали интервью” усули, талабалар, самарадорлик, натижа.

Ключевые слова: интерактивный, интерактивный метод, метод мозгового штурма, трехэтапное интервью, студенты, эффективность, результат.

Key words: interactive, interactive method, brainstorming, three-stage interview, students, effectiveness, result.

Мақолада Бухоро тиббиёт институти ва Бухоро тиббиёт коллежи I курс талабаларига “Ҳамширалик иши” фанидан ўтказилган амалий дарс жараёнида “мия хужуми” ва “уч поғонали интервью” интерфаол усулини қўлланилиш самарадорлиги натижалари келтирилди.

В статье приведены результаты сравнительной эффективности интерактивных методов обучения “мозговой штурм” и “трехступенчатой интервью” по предметам медсестринского дела студентам I- курса Бухарского Государственного медицинского института и Бухарского медицинского колледжа.

The article presents the results of the comparative effectiveness of interactive teaching methods “brainstorming” and “three-stage interviews” in nursing students of I-year students of the Bukhara State Medical Institute and the Bukhara Medical College.

Кириш. “Интерфаол” тушунчаси инглизча «Interact» («Inter»- “биргалиқда” «act» “таъсир қилиш” маъносини англатади. Бундан чиқадики, “интерфаол усуллар” деганда талабаларнинг ўзаро таъсири тушунилади. “Интерфаол ўқитиш усули” ўқитиладиган талабаларнинг ҳамкорлиқда фаолият кўрсатиш шаклини кўрсатади. Интерфаол усулнинг моҳияти ҳамма талабалар ва ўқитувчининг ўзаро таъсиридан иборат [6,7,12]. Илмий-техника тараққиётдан ортда қолмайдиган малакали рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашни олий ва ўрта махсус ўқув юртлари профессор ўқитувчилари олдида турган долзарб масалалардан биридир. Шунингдек, замонавий олий таълимда иқтидорли касб эгаларини етиштириб бериш учун ўқитишнинг услубларини қайта шакллантириш талаб қилинади [1,10,11]. Маълумки, амалиётда ўқитувчини ўз билим фаолияти маҳсулини қўллаш талабанинг клиник тафаккурини ривожланишига турли хил таъсир кўрсатади. Кенг имкониятга эга бундай тараққиётга эришиш йўлида ҳар хил интерфаол усулларни қўллашнинг, хусусан “Уч поғонали интервью” ўқитиш усулини тиббиёт соҳасида амалий кўникмаларни ўргатишда қўллаш муҳим.

“Мия хужуми” усули (инглизча brain storming – мия хужуми) янги усуллардан бири бўлиб, кўриб ўтиладиган йўналишларга тааллуқли саналади [8,9]. Бу усулнинг мақсади янги ғоялар тузиш, яхши ғояга эга бўлиш, яхшироқ натижага эришиш ва масалалар ечимининг янги йўналишини қидиришдан иборат. “Мия хужуми” – бу муаммони ечишнинг тезкор интенсив жараёни саналади. Бу ижодий фаолликка чорлаш

PEDAGOGIKA

асосида талабалардан муаммо ечимининг турли вариантлари айтишга, жумладан, фантастик тасаввурни намойиш қилишга чорлайди. Ўқитувчи айтилган ғоялар орасидан амалиёт учун аҳамиятли бўлганларини саралаб олади.

Ўқитувчи дарсни ўтишдан олдин талабаларга асосий муҳокама принципларини айтади, максимал сонда ғоялар сифатига эътибор қилинмаган ҳолда, қисқача муаммонинг ечими, бунда критик ва таҳлил қилинмасдан ақлга келган ҳамма ғоялар мужмал бўлса ҳам айтилади, шунингдек, бировларнинг ғоясини ривожлантириш мумкин, фақат танқид қилинмайди. Бунда ўқитувчида аввалдан тайёрлаб қўйилган дарсга оид саволлар тўплами лаборатор машғулоти бажариш жараёнида қўлланиши мумкин.

Усул ноанъанавий турдаги ҳар хил масалларни ечимини излаш учун купчилик ташкилотларда шу жумладан турли муаммоли ва зиддиятли масалаларда кенг қўлланади. Кўриб чиқилган усулни аниқ фанлардан магистратура йўналишида ҳам қўллаш мумкин. Дарсни бошлашдан олдин ўқитувчи талабаларга максимал сондаги ғояларни унинг сифатига эътибор қаратмасдан беради; қисқача муаммонинг ечиш усулини таклиф қилади, бунда фикрлар фақат эшитилади, умуман баҳоланмайди; ҳамма иштирокчилар ҳаёлида пайдо бўлган фикрларни унинг танқидийлигига қарамасдан бериши мумкин.

Усулни 3-5 кишидан иборат гуруҳда лаборатория ишининг ҳимояси учун таклиф қилиш мумкин. Бунда ўқитувчи томондан илгаридан тайёрланган лаборатория ишини бажариш учун муўжалланган саволлар тўплами ҳавола қилинади.

Ўқув жараёнини оптималлаштиришда янги педагогик технологияларни ва интерфаол усулларни қўллаш талабанинг клиник билимини баҳоланишга такомиллаштиришга олиб келади [1,2,3]. Тиббиёт ўқув юртлирида амалий кўникмаларни ўргатиш ва унинг бажарилишини баҳоланиш алоҳида ёндашувни талаб қилади [7]. Замонавий педагогик технологияларни, ўқитишнинг янги турлари ва такомиллашган усулларини татбиқ қилмасдан, тиббий таълимни ҳар томонлама ривожлантириб бўлмайди [4, 5, 6]. Таклиф қилинган “Мия ҳужуми” ва “Уч поғонали интервью” усули талабаларнинг клиник билимини такомиллаштириш учун муҳим саналади [8,9].

“Уч поғонали интервью” усули ўқув предмети ёки бўлим бўйича барча мавзуларни тингловчилар томонидан ёдга олиш, ёки бирон-бир мавзу бўйича тренер-ўқитувчи томонидан берилган топширик, вазифаларга мустақил равишда ўз муносабатларини билдириш, шу орқали эгалланган билим, кўникма, малакаларини ўзлари текшириб, баҳоланишга имконият яратиш ва ўқитувчи томонидан қисқа вақт ичида барча тингловчиларни ҳам илмий-назарий, ҳам амалий жиҳатдан билимлари, кўникмаларини баҳоланишга йўналтирилган. Усулнинг мақсади тингловчиларни амалий машғулотида ўтилган мавзунинг кўникмаларини эгаллаганлиги ва мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириб олинганлик даражаларини аниқлаш, мустақил равишда ўзларининг билим даражаларини баҳоланиш, ўз билимларини бир тизимга солишга ўргатишдан иборат.

Асосий қисм. Бухоро давлат тиббиёт институтининг “Ички касалликлар пропедевтикаси” ва Бухоро тиббиёт коллежининг “Ҳамширалик иши” кафедраси бошланғич курс талабаларига “Ҳамширалик иши” фанидан ўтказилган амалий машғулотида интерфаол усулнинг самарадорлигини ўрганиш мақолининг асосий мақсади саналади.


Материал ва усуллар. Қўйилган мақсадни амалга ошириш учун рейтинг кўрсаткичлари бўйича деярли тенг ва ўтиладиган мавзулар айнан ўхшаш иккита репрезентатив гуруҳларда интерфаол ва анъанавий усулларда ўтилган машғулотида самарадорлик кўрсаткичлари баҳоланди. Нафас аъзоларининг хасталикларига оид 4 та амалий машғулоти натижалари қиёсланди. Ҳамма талабалар иккита гуруҳга ажратилди: биринчи гуруҳда 4 та мавзуда (21 талаба) “Мия ҳужуми” усули, иккинчи гуруҳда (22 талаба) – “Уч поғонали интервью” интерфаол усули технологияси қўлланди.

“Мия ҳужуми” усулида муаммолар талабалар диққатига ҳавола қилинади, тезда биргаликда таҳлил қилишиб 1-1,5 дақиқада жавоб қайтаришади. “Уч поғонали интервью” усулида ҳар гуруҳда уч кишидан иборат гуруҳ “врач”, “бемор”, “эксперт-

BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI 2019/3 (75)

УАШ” ролини талабалар бажаради, 10-15 дақиқа вақт ажратилади, ”бемор”ни текшириш жараёни амалга оширилади ва таҳлил утказилади.. “Эксперт” шифокор ҳаракатларига баҳо беради, бунда “нима тўғри бажарилди”, “нимада хатолик бўлди?”, “қандай бажариш лозим?” таҳлил қилади, сўнгра ўқитувчи томонидан муҳокама қилинади.

“Мия ҳужуми” усули фаннинг умумий қисми мавзуларини, “Уч поғонали интервью” усули махсус бўлимларини ўргатишда қўлланилди. Талабаларнинг билим даражаси ва унинг мустақамлиги савол-жавобларда, ёзма ишлар, тест натижалари, оралиқ ва якуний баҳолаш натижалари бўйича ўрганилди. “Мия ҳужуми” усулида (α_1 , α_2 ва α_3) вариантдаги саволлар берилди. Текшириш натижаларининг кўрсатишича, “Мия ҳужуми” ва “Уч поғонали интервью” усули талабаларнинг билим даражасини шаклланишига ҳар хил таъсир қилди. Бу ҳақида академик гуруҳларда олинган назорат иши натижалари таҳлили далолат берди. Олинган далиллар асосида кўринадики, “Мия ҳужуми” усули талабаларнинг оғзаки ва тезкор фикрлашини ривожлантириши эгалланган билим назорати таҳлилида намоён бўлди. “Мия ҳужуми” интерфаол усулида дарс ўтилган 14 ҳолатда (66,7%) клиник билим эгаллашда оғзаки нутқ, 6 ҳолатда (28,6%) эса клиник мушоҳада кўникмалари шаклланди, бундан англаш мумкинки, усул машғулотнинг фақат назарий қисми учун муҳим бўлиб, амалиёт кўникмаларини эгаллаш учун етарли даражада аҳамиятга эга бўлмайди.



Дарс жараёнида “уч поғонали интервью” усулида дарс ўтказилган талабаларнинг ўзлаштириш натижалари бўйича II гуруҳдаги талабаларда I-гуруҳдаги талабаларга нисбатан сезиларли ижобий ўзгаришлар кузатилди. “Бемор” ролини ижро қиладиган талабалар касалликнинг белгиларини имкон қадар чуқур ўрганишга, субъектив маълумотларни ўзлаштириши 75% га етганлиги аниқланди, “врач” ролини бажарувчи талабаларда эса субъектив маълумотлардан беморларни сўраб-суриштириш, касалликни келтириб чиқарувчи омилларни ҳар бирини синчиклаб ўрганиш, беморнинг ҳаёт анамнезини пухта ўрганиш, эпидемиологик ва аллергологик анамнез йиғиш, касалликка сабабчи аллергик ва экологик омилларни баҳолаш, наслий-генетик факторларни баҳолаш билан бир қаторда объектив маълумотлар – ички аъзоларни пальпация қилиш, моно- ва бимануал перкуссия усулини ўтказиш, аускультация кўникмаларини пухта ўргандилар ва амалий кўникмани бажариш 78% га етди. Шунингдек, лаборатор-инструментал текширишларнинг натижаларини ўзлаштириши талабаларда 27% га ортганлиги, беморнинг олдиди ўзини тутишни ўрганишига ёрдам берди. “Эксперт” ролини ижро қилувчи талабалар ижобий ютуқлар билан биргаликда йўл қўйилган хато-камчиликларни ўз вақтида пайқаб бунинг олдини олиш ёки бартараф қилишнинг тезкор чораларини нисбатан пухта ўргандилар. Усулнинг камчилик томони шундаки, ҳамма иштирокчилар дарс жараёнига фаол қатнаша олмади. Бундан келиб чиқадики, “уч поғонали интервью” усули талабаларни эркин фикр юритишига имкон бериб, клиник тафаккурини ва амалий кўникмаларини ўзлаштириш кўрсаткичини оширади.

I гуруҳдаги талабаларда клиник ҳолатларни таҳлил қилишда тезкорлик 21% га ортди, дарс давомида ўзларини нисбатан эркин ҳис қилишди, ютуқ ва камчиликларни

PEDAGOGIKA

ўзаро таҳлил қилишни, мустақил фикрлашни ўргандилар, амалий билимларни ўзлаштириш кўрсаткичи II гуруҳдаги талабалардан сезиларли даражада ортда қолганлиги аниқланди.

Юқоридаги натижалар таҳлили шундан далолат берадики, “Мия ҳужуми” усули талабаларни назарий билимини мустаҳкамлашга, тезкорликка ўргатади, “уч поғонали интервью” усули эса клиник мушоҳада қилишга ва амалий кўникмаларни эгаллашига ёрдам беради.

Бундан келиб чиқадики, “Мия ҳужуми” усули амалий машғулотларнинг назарий қисмини, “уч поғонали интервью” усули эса амалий қисмини ўтиш учун қулай.

Хулоса: 1. “Мия ҳужуми” ва “уч поғонали интервью” усули талабаларнинг билимини шаклланишига турлича таъсир кўрсатади.

2. Амалий машғулотларда интерфаол усулни ҳар бир мавзу учун аниқ белгилаб, шунга мос ёндашиш лозим.

3. “Мия ҳужуми” усули машғулотларнинг назарий қисмига мос келади, талабани тезкор фикрлашга ўргатади. “Уч поғонали интервью” усули мавзунинг махсус қисмига мос келиб, амалий кўникмани пухта эгаллашига ёрдам беради.

4. “Уч поғонали интервью” усулининг амалий кўникмани эгаллаши учун юқори самарадорлиги талабанинг мустақиллиги ва эркинлигига боғлиқ бўлиб, бироқ айрим камчиликларга эга бўлади. Бунда айрим гуруҳ аъзолари бир хил фаолликда иштирок эта олмайди.

АДАБИЁТЛАР

1. **Григораш О.В.** Система подготовки специалистов высшего профессионального образования / О.В. Григораш // Политематический сетевой электронный научный журнал Кубанского Государственного аграрного университета (Научный журнал КубГАУ) [Электронный ресурс]. – Краснодар.: КубГАУ, 2014. -№ 06(100). – С. 411-430.
2. **Каримов Х.Я.** Новые педагогические технологии. Второй Ташкентский Государственный медицинский институт. 2001. – С. 150.
3. Контроль знаний в высшей медицинской школе: учебное пособие/ Сост. Г.В. Безродная и соавт. Шпикс. – Новосибирск: Сибмедиздат НГМУ. 2007.–С. 125.
4. **Лазарева И.А.** Возможности повышения качества учебного процесса при использовании методов активного обучения. Инновации в образовании 2004; 3: - С. 52-60.
5. **Дронова Т.А.** «К вопросу о преподавании пропедевтики внутренних болезней». Клиническая медицина.- №3. 2003. – С. 67-70.
6. **Нарзиев Ш.С., Хазратов У.Х., Аслонова И.Ж.** Оценка эффективности интерактивных методов обучения в формировании знаний студентов по терапии //Бухоро давлат университети илмий ахбороти. №4 2015. –С. 174-179.
7. **Панина Т.С., Вавилова Л.Н.** Современные Способы активации обучения/ под ред. Т.С. Паниной. – М.: Академия, 2007. – С. 176.
8. **Реутова Е.А.** Применения активных и интерактивных методов обучение в образовательном процессе ВУЗ. Методическое рекомендации. – Новосибирск. 2012. – С. 4.
9. **Beni G., Wang J.** Swarm Intelligence // Annual Meeting of the Robotics Society: Proceedings of Seventh International Conference. – Tokyo: RSJ Press, 1989. – P. 425-428.
10. **Bonabeau E., Dorigo M., Theraulaz G.** Swarm Intelligence: From Natural to Artificial Systems. – New York: Oxford University Press, 1999. – 320 p.
11. **Chong S.C., Low M.Y.H.** A Bee Colony Optimization Algorithm to Job Shop Scheduling //Winter Simulation Conference: Proceedings of the 38th Conference on Winter simulation. – Monterey: Monterey Press, 2006. – P. 1954-1961.
12. **Teodorović D., Dell’Orco M.** Bee Colony Optimization – a Cooperative Learning Approach to Complex Transportation Problems // Advanced OR and AI Methods in Transportation: Proceedings of 16th Mini-EURO Conference and 10th Meeting of EWGT (13-16 September 2005). – Poznan: Publishing House of the Polish Operational and System Research, 2005. – P. 51-60.

УДК 37.013

**ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ЭВРИСТИК ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ
ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ЭВРИСТИЧЕСКОГО ОБУЧЕНИЯ В ВЫСШЕМ
ОБРАЗОВАНИИ**

USE OF HEURISTIC LEARNING TECHNOLOGY IN HIGHER EDUCATION

Исмоилова Маҳсума Нарзиқуловна

преподаватель кафедры Информационных технологий, БухГУ

Халимова Дилрабо Жалиловна

преподаватель, БухМИ

Таянч сўзлар: тарбиявий ўқитиш усули, самарадорлик, ўқитувчининг профессионал фаолияти, фараз, композиция, модель, шахсий тажриба.

Ключевые слова: эвристические методы обучения, эффективность, профессиональная деятельность педагога, гипотеза, сочинение, модель, личный опыт.

Key words: heuristic teaching methods, efficiency, professional activity of a teacher, hypothesis, composition, model, personal experience.

Педагогик фаолиятни таҳлил қилиш асосида эвристик ўқитиш усулларидан интенсив фойдаланиш зарурияти, қайси ҳолларда таълим беришда эвристик таълим усулларидан фойдаланиш ҳамда бу усуллар ўқитувчининг касбий фаолияти самарадорлигини ва ўқувчиларнинг ўқитиш даражасини қандай ошириши мумкинлиги кўрсатилган.

На основе анализа педагогической деятельности выявлена необходимость интенсивного использования эвристических методов обучения показано, в каких случаях целесообразно применение эвристических методов обучения в преподавании и каким образом данные методы могут повысить эффективность профессиональной деятельности педагога и степень усвоения материала студентами.

On the basis of the analysis of pedagogical activity, it was revealed the need for intensive use of heuristic teaching methods, it is shown in which cases it is advisable to use heuristic teaching methods in teaching and how these methods can improve the effectiveness of a teacher's professional activity and the degree of material learning by students.

Введение. В методике преподавания учебных дисциплин особое место занимают эвристические методы обучения, ставящие целью конструирование студентами собственного смысла, целей и содержания образования, а также процесса его организации, диагностики и осознания. Эвристическое обучение для студента — непрерывное открытие нового знания. Иными словами, в процессе эвристического обучения студент изначально конструирует знания в исследуемой области реальности, опираясь на личный образовательный потенциал и технологию продуктивной деятельности. Полученный им продукт деятельности (гипотеза, сочинение, модель и т. п.) сопоставляется затем с помощью педагога с культурно-историческими аналогами, в результате чего данный продукт переосмысливается, достраивается, совершенствуется или драматизируется, вызывая необходимость новой деятельности. В данном случае неизбежно личное образовательное совершенствование студента через совершенствование его знаний, чувств, способностей, опыта, материальной продукции. Иногда это совершенствование является частью общекультурного совершенствования. В этом случае студент оказывается включенным в культурно-исторические процессы в качестве их полноправного участника. В настоящее время, когда компьютеризация охватила все сферы деятельности, наблюдается увеличение функций информационных технологий и способов их применения в профессиональной деятельности. Компьютерные средства обеспечивают доступ в единое экономическое пространство и управление современными предприятиями все в большей степени зависит от информированности

PEDAGOGIKA

управленческого персонала и их способности эффективно использовать имеющуюся информацию.

Основная часть. Процесс решения задач с помощью метода эвристических приемов состоит из 5 последовательных этапов:

1. Постановка задачи технического творчества.
2. Выбор подходящих приемов на основе анализа недостатков и дефектов прототипа (прототип - наиболее близкий по технической сущности (по смыслу) и по достигаемому эффекту аналог (устройство, способ, вещество, штамм) предполагаемого изобретения) и противоречий его развития.
3. Преобразование прототипа с помощью выбранных приемов и формирование нескольких новых технических решений.
4. Анализ новых технических решений относительно осуществимости и степени эффективности использования.
5. Работу этапов 2 - 4 выполняют, выбирая другие прототипы.

Таким образом, информационные технологии являются инструментом в процессе принятия управленческих решений. В современном образовании студент должен обладать навыками обработки информации и ее эффективного использования в своей деятельности, т.е. студенты должны проявлять творческий подход к использованию информационных технологий. В связи с этим в процессе обучения студентов, в частности при обучении информатике необходимо применять такие формы и методы обучения, которые позволят сформировать креативность в сфере информационных технологий у студентов. Развитие, таких качеств будет способствовать повышению востребованности и конкурентоспособности выпускников.

Современными педагогами обсуждается проблема формирования личности способной к креативному использованию информационных технологий, и тем самым удовлетворять требованиям информационного общества и запросам работодателей.

Наиболее распространенными методами решения эвристических задач являются:

1. Метод «мозгового штурма»
2. Метод коллективного поиска оригинальных идей базируется на следующих психолого-педагогических закономерностях и соответствующих им принципах.
3. Метод эвристических вопросов.
4. Метод многомерных матриц.
5. Метод свободных ассоциаций.
6. Метод инверсии.
7. Метод эмпатии (метод личной аналогии)
8. Метод синектики.
9. Метод организованных стратегий.

Эвристические методы обучения не имеют строгого алгоритмического обоснования, но, как показывает многовековой опыт, дают приемлемый результат в большинстве практически значимых случаев, имеющих место в процессе обучения. В настоящее время одним из самых популярных инновационных методов является эвристический метод обучения. Эвристическое обучение – это обучение, основная цель которого заключается в конструировании студентами собственного смысла, цели и содержания, организации и осознания необходимости обучения. Таким образом, обучение, основанное на эвристическом методе, для студентов – это непрерывное открытие нового. Задачи эвристического метода обучения: формирование и создание у студентов собственного личного опыта, направленного на получение знаний будущего. Конструирование у каждого студента собственного смысла и наполнения процесса обучения. Эвристический метод обучения сочетает в себе познавательную творческую деятельность. Это связано с тем, что педагог не дает студентам готовые знания, а предоставляет им объект, знания о котором они должны найти самостоятельно информацию и овладеть ей. В качестве объекта могут выступать природные явления, исторические события, художественные произведения и т.п. На основании объекта студенты создают продукт деятельности в виде гипотезы, текста, изделия, схемы и т.д. В рамках эвристического метода, результат творческой деятельности студента не

предсказуем, так как он полностью зависит от его базовых знаний и личности. После представления педагогу получившегося результата, студент сопоставляет его с уже известными достижениями в данной области и осмысливают.

Конечной целью эвристического метода обучения является, не получение конкретных знаний и умений, а осуществление творческой самореализации студента. Оценке по итогам выполнения эвристического задания подвергаются не усвоенные студентами знания по конкретному предмету, а его творческие достижения в данной сфере.

Реализация эвристического метода обучения базируется на определенных принципах. Среди них: Принцип личностного целеполагания студента – предполагает организацию учебного процесса на основании учета личных учебных целей каждого из студентов. Принцип индивидуальной образовательной траектории – предусматривает возможность выбора индивидуальной траектории обучения студентов, на основании собственного представления о смысле, целях, задачах, содержании, темпа и т.д. процесса обучения. Принцип метапредметности содержания образования – состоит в том, что основа содержания учебных и образовательных дисциплин представлена фундаментальными образовательными объектами, которые обеспечивают возможность их субъективного личностного познания студентов. Принцип продуктивности обучения – направлен на личностный образовательный прогресс студентов, состоящий из продуктов его учебной деятельности. Принцип первичности учебной продукции студента – заключается в том, что довольно часто создаваемое студентами личное содержание процесса обучения, может опережать изучение образовательных стандартов и общепризнанных достижений в изучаемой области. Принцип ситуативности обучения – основан на том, что процесс обучения строится на ситуациях, организованных педагогом и направленных на самоопределение студентов, их эвристический поиск. Задача педагога – сопровождение и поддержка. Принцип образовательной рефлексии – предусматривает непрерывное осознание студентов и педагогом реализуемой в процессе обучения собственной деятельности.

Ўзбекистонда Тошкент, Чуст, Бухоро, Самарқанд, Бойсун, Шаҳрисабз дўппилари машҳур бўлиб, улар номи ва ўзига хослиги билан бир-биридан ажралиб туради. Унинг ироқи, чуст, гилам дўппи, чакма тўр, қизил гул, пилтадўзи, зардўппи, тўлдирма деб номланган хиллари бор. Дўппидўзлик жуда қадимдан ривожлаган амалий санъат тури бўлиб, уни қадимий ҳайкалларда, ёдгорликларда, қўлёзмаларда, деворий рангтасвирларда, Ўрта Осиёда (XV-XVI) мансуб китоб миниатюраларида, ҳаттоки халқ оғзаки ижоди намуналарида кўриш мумкин. Дўппиларнинг қариялар, эркаклар, аёллар, шу жумладан, ўғил болалар, қизлар ва эмизикли гўдаклар учун мўлжалланган турлари ҳам бор. Улар рамзий маънога эга бўлиб, туморли, попукли, шакли, рангдорлиги, ипакдан шарсимон попук тўқилганлиги ва бошқа турлари билан фарқ қилади.

Дўппиларда кўп учрайдиган бодом элементи бўлиб, у қут - барака ва ҳаёт рамзи сифатида қўлланилиб келинган, яъни шу одамнинг уйдан ҳаёти давомида қут - барака кетмасин, умри узоқ бўлсин, деган маънони англатган. Шу билан бир қаторда, бодом нақши кўпгина касалликларга даво ҳамда фаслларнинг келинчаги бўлмиш баҳорнинг даракчисидир.

Рамзий нақшларнинг яна бири - бу қалампир тасвирдир. Қалампир ёмон кўздан асраш маъносини англатиши ҳеч кимга сир эмас, шу сабабли қалампирдан тузилган нақш композиция инсониятни доимо ўраб турган. Бу нақш тасвирини бош кийимларда, либосларда, сўзана ва палакларда, уй-рўзғор буюмларида доимо учратиш мумкин. Янги туғилган чақалоқларга, шунингдек, кўзи ёриган аёлларга ёмон кўзлардан асраш

SAN'ATSHUNOSLIK

маъносида қалампир шаклидаги тақинчоқлар ва туморли безаклар тақилган. Амалий санъат турлари наққошлик, кулолчилик, каштачилик, санъат намуналарида илон ёки илон изи тасвири кўп ишлатилади.

Илон ёмонликдан асровчи тимсол сифатида ишлатилган. Ўтмишда илонга сажда қилишган, илоннинг сеҳри, куч - қудратига ишонишган, илон захридан тайёрланган дори-дармонлардан табобат дунёсида кенг фойдаланилади, шунинг учун дўппиларда ҳам илон тасвири ишлатилган. Дўппиларда ҳайвонлар, тоғ кийиги, чаён ва қоплонга ўхшаш тасвирлар ҳам тасвирланади.

Ҳандасавий нақшлар ҳам оммавий бўлган, тик ва кўндаланг чизиқлар ва тўғри бурчаклар чатишувига комил уйғунлик деб қаралган. Тўлқинсимон ва сочма нақшлар оби ҳаёт тўлқинлари тимсолини акс эттириб, улар деҳқончиликда қут - барака рамзи бўлган.

Дўппиларда тасвирланган нақш композицияларда қатор ҳолларда араб ёзуви каштада уйғунлашиб кетган. Ибратли ва доно сўзлар, самимий тилаклар ва ҳаётий иборалар дўппи каштасининг мазмуни ва ифодавий нафосатини теранлаштирган. Бу нақш ва ёзувлар бир вақтнинг ўзида кўзларни қувонтириш, ҳамда халқни онгини ривожлантириш учун хизмат қилган.

Ўзбекистон халқлари тарихи Давлат музейида сақланаётган XX аср бошига мансуб Бухороча эркалар дўпписида араб ёзувида оқ ипак билан шундай сўзлар битилган: “Қулоқ, майли бошда қолсин, душман ер билан яксон бўлсин!”

Дўппилар амалий ва маънавий қимматга эга бўлиб, инсон бошини қуёшдан, шамолдан, иссиқдан, совуқдан асраган, одамнинг жисмоний камчилигини яширган, бош оғриғидан асраб, шамоллашнинг олдини олган. Дўппининг маънавий қиммати эса аждодларнинг ўлмас қадриятларини сингдириши, безаши, кишини кўркам кўрсатиб, қайси миллат вакили эканлигидан далолат берган, инсониятни ахлоқий тарбиялаб, ёмон кўзлардан асраб келган.

Квадрат шаклидаги дўппилар бошга кийишда қулайлиги, чиройлилиги билан ажралиб, дунёнинг тўрт томонини, яъни осмон саройи, Қуёш фарзанди, абадийлик ва ёруғликни билдиради.

Дўппи тепа қисмида тўртга қиррасининг битта нуқтада бирикиши эса, Оллоҳнинг ягоналигини билдиради, оқ рангдаги ярим айлана ва бодом – бу бахт ва иқбол рамзидир. Пастги қисмидаги тўртбурчак, яъни қубба шаклининг такрорланишидан хосил бўлган ислимий нақш, қалъани ўраб турган деворларни эслатиб туради ва бу тўрт томондан ёмон кўзлардан ҳамда офатлардан сақлаб турувчи қалъа деворидир.

Хулоса. Бош кийим бўлмиш дўппиларда мардлик, жасорат, ҳалоллик, поклик, каби белгилар мужассам ва дўппи тимсолидаги бундай рамзлар миллий туйғу устуворлигидан далолат беради. Дўппи тикишда катта ҳаётий тажриба, ақл - заковат, зеҳн - идрок, дид, мушоҳада юритиш, қузатувчанлик каби фазилатлар талаб қилинади. Турли безакларга бой дўппилар нафақат ўзбек халқ анъанавий миллий либосларидан бири, балки миллий колоритига йўғрилган замонавий бош- кийим сифатида ҳам яшаб қолади.

Ота – боболар қадимдан инсон бошидаги дўпписи орқали, “Бошинг ҳар доим омон бўлсин!” деб, яхши ният ва дуо қилганлар.

АДАБИЁТЛАР

1. Булатов С. Халқ амалий безак санъати. – Т., 1991. – 312 б.
2. Ҳакимов А. Прикладное искусство Узбекистана: традиции и инновации. – Т., 2013. – С. 39.
3. Альмеев Р.В. Бухоро давлат бадиий меъморий музей кўриқхона. – Т., 2004. – 79 б.
4. Раҳмонова М., Хамроев А., Хамроев С. Бухоро хунармандчилиги зебу зарлари. – Т., - 2017. – 63 б.
5. Абдуллаева Ш., Турсунова Г., Мусабаева К. Каштачилик. – Т., 2005. – 2 б.
6. Нестерова Д.В. Энциклопедия. Рукоделие. – М., 2007. – С. 1-2.

УДК: 781.7(575.1):78.078(575.1)

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ МАҚОМ САНЪАТИ МУАММОЛАРИ
ПРОБЛЕМЫ УЗБЕКСКОГО НАЦИОНАЛЬНОГО ИСКУССТВА МАКОМ
THE PROBLEMS OF THE UZBEK NATIONAL ART OF MAKOM

Каримова Махфуза Вахобовна

Ўзбекистон давлат консерваторияси мақом хонандалиги кафедраси доценти в.б.

Таянч сўзлар: Президент, фрактал, мақом, Мандельброт, Шашмақом, Сарахбор, тадқиқот, дунёқараш.

Ключевые слова: Президент, фрактал, мақом, Мандельброт, Шашмақом, Сарахбор, исследование, мировоззрение.

Key words: President, fractal, makom, Mandelbrot, Shashmakom, Saraxbor, research, world view.

Мазкур мақолада фракталлар, уларнинг асосий хоссаларидан бири – бир хиллик ва ўхшашлик шунингдек, ушбу хоссани ўзбек миллий мақом санъатини тадқиқ этишга қўллаш ҳақида сўз кетади.

В данной статье речь идёт о фракталах, об одном из основных свойств – похожести и подобии, а также об использовании этого свойства фракталов в исследовании узбекского национального искусства маком.

In this article it is said about fractals and their main properties – similar and like, also about using these properties in the researching of the makoms.

***Мақомларнинг илдизи Бухорода,
дарахти Хоразмда, меваси Фарғонада***

***Корни мақомов в Бухаре, дерево
в Хорезме, а плоды в Фергане***

***the roots of the makoms are in Buxoro, the tree
is in Xorazm and the fruits are in Farg'ona***

Кириш. 2018 йилнинг сентябр ойида Қашқадарёнинг кўҳна Шахрисабз шаҳрида, кўплаб мамлакатлардан келган мақомчилар иштирокида Халқаро мақом форуми ўтказилди. 2019 йилнинг апрел ойида эса худди шу каби Халқаро бахшичилик форуми Хивада кўтаринки руҳда бўлиб ўтди. Бу тадбирлар ёш авлодимизни мусиқий анъаналаримиз ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида таълим-тарбия беришимизда муҳим омил ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев фармонлари билан [1] ўзбек миллий “Мақом” санъати маркази ташкил этилганига ҳам ҳеч қанча вақт бўлмасда, мақомот муаммолари бўйича тадқиқот ишлари айни авжида. Бу борада Ўзбекистон давлат Консерваториясида мақом йўналиши бўйича фаолият олиб бораётган мутахассислар ҳам ўз ҳиссаларини қўшиш иштиёқида тинмай ижод қилмоқдалар.

Нобел мукофоти лауреати Бенуа Мандельброт ўтган асрнинг 80-йилларида биринчи бўлиб оламнинг энг асосий “сири”дан воқиф бўлди [2], яъни бизни ўраб турган борлиқ – атроф-муҳит, дунё, коинотдаги барча нарса, манзара, жараёнлар фрактал табиатга эгаллиги ва улар олам яралгандан буён фрактал қонуниятлар асосида шаклланиб келгани ҳақида одамзот кўзини катта очиб қўйди, чунки нигоҳ ташлашимиздан тортиб, ўй-хаёлларимизгача фрактал тусга эга экан. Бу ихтиро одамзот асрлар мобайнида ва, ҳатто, ханузгача мудраб ётгани ҳамда “бурни остидаги” нарсани кўрмаётганини яққол кўрсатди.

Фрактал лотинча “синиқлик, эгрилик, ғадир-будурлик” деган маънони англатади ва унинг энг муҳим хоссаси бир хиллик ва ўхшашлик [3]. Фрактал сўзи аллақачон барча фан соҳаларига кириб улгурган бир даврда, афсуски, бу тушунча ва у билан боғлиқ қарашлар Ўзбекистонга эндигина, у ҳам бўлса охириги йилларда юртимизда кечаётган

SAN'ATSHUNOSLIK

асрларга татигулик ислохотлар туфайли тобора кенг кириб келмоқда ва бугун унга ҳар қачонгидан долзарброқ эҳтиёж сезилмоқда.

Фрактал қонуниятлар нафақат табиат, тиббиёт, архитектура, шеърятда, ҳатто, санъат ва мусиқа соҳасида ҳам очилмоқда [4].

Асосий қисм. Табиатдаги энг содда фрактал бу – дарахт. Эътибор берилса, ҳеч бир дарахт бошқаларига умуман ўхшамайди. Дарахт уруғи ва ундан униб чиққан ниҳол биринчи бўғин – айнан ота-она. Дарахт шохи – бу фарзанд, бут-бутоғи – бу эвара, чевара ва ҳоказо. Бу “уруғ-аймоғлар” бир-бирига айнаи ўхшаш, ўлчамларигина ҳар хил. Қизиғи, дарахт энг “бахтли” фрактал, чунки у бир умр ўз “фарзандлари” – шоҳ-шабба ва бут-бутоқлари билан “умргузаронлик” қилади ва минглаб йиллардан сўнг бўлса-да, унинг умри, афсуски, “зурриётлари” билан бирга поёнига етади: ё кесилади ёки қулайди.

Мақомлар ҳам шундай. Қанча даврлар ўтди, аммо мақомларнинг яралиш ва яратилиш тарихи, шаклланиш жараёни ҳануз қоронғу. Ўтган аср бошларигача бизнинг юртимизда мусиқа назариясини биладиган бирорта мусиқашунос йўқ эди, чунки у даврда нота ёзуви бўлмагани боис ўтмиш мусиқамизнинг жонли намуналари ҳақида маълумот деярли йўқлигидан улар ҳақида тўлақонли тасаввурга эга эмас эдик [5]. Шашмақом тарихида ҳам ҳануз очилмаган сирлар ва қарама-қарши жараёнлар мавжуд [6]. Устозларнинг таъкидлашларича [7], Шашмақомдан аввал “ўн икки мақом” мавжуд бўлган ва мақомлар унинг негизда шаклланиб, ҳозирги “олти мақом” – Шашмақом ҳолига келган.

Мақомдон устозлар О. Матёқубов ва Р. Юнусовлар мақомнинг барқарор қонун-қоидалари эркин ижодий изланиш ва бадиий янгилиниш учун тўсиқ эмаслигини [8] ва ўзбек бастакорлик ижодиётининг деярли икки минг йиллик тарихий ривожланиш йўлини ёритиш мусиқашуносликнинг энг долзарб вазифалари қаторида турганини [9] таъкидлайдилар. Албатта, бу борада биз академик Ю. Ражабий куйиниб айтган ўғитларга риоя қилишимиз, яъни мақом ижрочилигида уларнинг анъанавий қонун-қоидаларига беписанд бўлмаслик ва ўзбўларчиликка йўл қўймаслик жоиз. Устознинг бу хавотирлари бежизга эмас, албатта, чунки улар халқ ёдаки куйлаб келган ашула ва кўшиқларни, дилкаш чолғу куйларни тўплаб тартибга солганлар, тўлатиб сайқаллаганлар ва келгуси авлодга, яъни бизга Шашмақом ҳолида совға қилганлар [10].

Тарихан маълумки, янги илмий дунёқараш секин-асталик билан бўлса-да, эртамикеч ҳаётимизда ўз ўрнини топади ва бахтимизга фрактал тасаввурлар билан боғлиқ дунёқараш бугунги кунда бизнинг шоҳидлигимизда ўзига йўл очиб бормоқда.

Энди келинг, “ўн икки мақом”ни мажозан дарахтга ўхшатсак, бу – ота-она. “Олти мақом”даги “бош мақомлар” – Сарахборлар эса бу дарахтнинг олтига забардаст шохи – фарзанди: Сарахбори Бузрук, Сарахбори Рост, Сарахбори Наво, Сарахбори Дугоҳ, Сарахбори Сегоҳ, Сарахбори Ироқ. Сарахборлар негизда яратилган турли-туман ашула, куй ва кўшиқлар – Тароналар унинг “набиралари”. Шашмақом таркибига ҳали кирмаган, аммо салобати бўйича Шашмақомдаги мақомлардан ортиқ бўлса борки, кам бўлмаган, улар ҳам асрлар мобайнида куйланиб ва ижро этилиб келинаётган мақомлар бу – бут-бутоқлар. Ким билади, бу мақомлар тарих зарварақларида тарқалиб ва сочилиб ётган, аросатда қолган “ўн икки мақом” мақомларидир. Мабодо шундай бўлса, уларни энди Шашмақом теварагида жамлаш лозим.

Фракталнинг энг муҳим хоссаси, яъни “бутуннинг ўз қисмида акс этиши”га бир мисол. Бунинг учун мозийга, мактаб тарих дарси билан боғлиқ хотирамиз қаърига ғарқ бўламиз. Кишилиқ жамияти – одамзот вақт уммонида айнаи шу дақиқадаги ҳолатига қай тарзда келганини хронологик тарзда кўз олдимизга келтирамиз. Бунда фарзандимиз чақалоқлигидан кўз ўнгимизда қандай катта бўлса, одамзот ҳаёти ҳам тезлаштирилган кинотасмадагидек, бир одам ҳаёт кечинмалари сингари намоён бўлади – бутун ўз қисмида акс этади.

Дарвин таълимоти тўғри деб ҳисоблайлик. Унда аجدодларимиз дарахтдан тушгач, турли хавф-хатардан қочиб, ғорга яширинганлар. Табиийки, дастлаб улар минглаб йил мобайнида Ерни ясси дея тасаввур қилганлар, гўё океанда сузиб юрган кит ёки тошбақа ва ҳатто, улар устида муаллақ турган шохли қўтос Ерни кўтариб

туради, деб ўйлаганлар. Сўнг улардан бири, кўпроқ бошқаларга нисбатан “этиборли” ва ҳурматга сазовори (“дастлабки олим”) атрофдаги замондошлари диққатини юлдузлар Ер атрофида айланаётганига қаратган, оқибатда Ерни коинот маркази деб қарай бошланганлар. Диний қарашлар ва билимлар ҳам “замонавийлашиб”, оташпарастлик ва бошқа “паст” поғонадаги сиғинишдан ушбу “юқориқ” поғонада шакллана бошлаган. Бир неча асрлар шундай сокин кечади, аммо, бирдан, Ер коинот маркази эмаслиги, балки у Қуёш атрофида айланувчи бир сайёрагина экани аён бўлган (Коперник). Ушбу “ҳақиқат”ни одамлар, айниқса, диний нуқтаи назардан ҳазм қилишлари қийин кечган ва оқибатда ноҳақ таҳқирланишлар (Галилей) ва катта қурбонларга (Джордано Бруно, Мирзо Улуғбек) дуч келинган. Кейинчалик эса Қуёш Галактикамиздаги бир ўртача қизил юлдуз экани аён бўлди ва ҳоказо.

Бугунги давр назари билан қаралса бу тарихий “можаро”лар бизга кулгили бўлиб туюлади, албатта, аммо бу – тараққиёт бир жойда қотиб турмаслигига яққол мисол. Олам ҳақидаги “дастлабки” билимлар ўз даврида бизга керакли ва муҳим хизматини кўрсатган. Бизнинг аجدодларимиз шу аснода табиат сирлари ва ҳодисаларини аста-аста тушуна борганлар. Дастлаб ғор шароитида ҳаёт кечирган бу одамларнинг савиялари, ҳатто, шу даражада бўлганки, осмонни қора булутлар қоплагач, кўпинча албатта ёмғир ёғиши мумкинлиги ўртасида узвий боғлиқлик борлигини тушуниш учун юз минглаб йиллар керак бўлган.

Бугун ҳам шу – фрактал қарашлар асносида, айниқса ижтимоий соҳада, ҳажмий фикрлай олиш кўникмаси эртами-кеч ҳаётимизга кириб келади ва режа тузганда вақт факторини ҳам инобатга оладиган дунёқарашга айланади.

Фракталнинг ўхшашлик қонунини кенгроқ тасаввур этиш учун яна бир мисол: Қуёш тизими ва атом структураси мисолида табиатнинг нақадар “чевар” экани намоён бўлади, чунки атом ядроси атрофида гирди-капалак бўлиб айланаётган электронлар булути коинотда муаллақ турган Қуёшимиз атрофида айланаётган планеталар тизимидан андоза олгандек.

Фракталлар бу коинот, табиат ва улардаги хаослик – тартибсиз жараёнлар инъикоси, табиатдаги тартиб ва тартибсизлик ўртасидаги уйғунлик, гармония. **Биринчидан**, фрактал жараёнлар ва объектлар табиатда икки хил ҳолатда учрайди – турғун ва нотурғун. Тоғ сирти, дарё ва денгиз бўйлари деярли ўзгармайди ва бу турғун фракталлар, аммо булутлар, дарахтлар ёки ўзгарувчан тирик организмлар бу нотурғун фракталлар. Иккала тур фракталларга ўз-ўзига ўхшашлик хос. Юзаки қараганда нотурғун фракталлар – булут, дарахт, ариқ ирмоқларида ҳеч бир тартиб йўқдек, аммо суқланиб қаралса улардаги тартиб ва нотартиблик ўртасида ҳамоҳанглик борлигини сезиш мумкин. Зеро, довуллар таъсирида эгри-бугри бўлиб ўсган баргсиз дарахт манзараси тунги ойли осмонда нима учун бизга чиройли бўлиб кўринади, қалбимизга ўзгача бир шоирона таъсир этади, нима учун бу мавзуга рассомлар қайта ва қайта мурожаат қилишади? Чунки биздаги гўзаллик ҳисси тартиб ва тартибсизлик ўртасида мавжуд бўлган ўзаро уйғунлик туфайли. Нотурғун фракталларда тартиб ва тартибсизлик бир-бирини гўё яратади, бир-бирига айланади[12]. Табиатнинг энг олий тамойили ҳам коинот ва хаос, тартиб ва тартибсизлик ўртасида мавжуд бўлган уйғунлик бўлса керак. Дунё бу – тартиб ва тартибсизлик ўртасидаги гармония, деган эди Гегель. Қани энди бу машҳур файласуф табиат ва коинот ҳодисалари асосида фракталлар ётишини билганда эди. Мазкур жараёнлар нафақат табиатда, балки турли ижтимоий соҳаларда кузатилади. Масалан, санъатда “чапяримшар” ва “ўнгаримшар” деб ном олган йўналишларда ижод қиладиган ижодкорлар бор. Улардан бири тартибга, анъана ва қадриятларга, гармонияга мойил бўлса, иккинчиси тартибсизликка, хаосга, дисгармонияга мойилроқ. Космоген, гармоник стилга оддийлик, аниқлик ва мувозанатлик хос бўлса, хаосоген, дисгармоник стилга мураккаблик, ноаниқлик, иккиламчилик ва номувозанатлик хос. Қадим грек санъатидаги тартибга мойиллик, мағрурлик ва босиқлик ўрнини кейинги эллинизм даврида дабдабозлилик ва тартибсизлик эгаллади. Давлат бошқарувида Республикачи Римда юзлаб йиллар мобайнида намуна сифатида қаралган қадимги грек тартиби Рим империяси даври тартибсизликлари ва анархиясида чилпарчин бўлди. Грек харамларидаги геометрик тартибга хос оддийлик ўрнини готика давридаги гулсифат наққошдор стил, Уйғониш давридаги соғлом ва ҳаётни улуғлайдиган очиқ санъат ўрнини ундан кейин келган эгри-

SAN'ATSHUNOSLIK

бугри барокко ва рококо стили эгаллайди, классик даврга хос аниқ ритм ўрнини романтик давр бўҳрони эгаллайди, критик реализм эса табиатан тартибсиз импрессионизм ва модернизм билан алмашади. Қизиғи, даврларга хос гармоник ва дисгармоник стиллар ўзгарувини мазкур замонда яшаб ижод қилган рассомлар ижодида ҳам кузатиш мумкин. Шундай қилиб санъат тарихи ва ижодкорлар ҳаётига эътибор билан қаралса, уларнинг ижод маҳсуллари қанчалик бир-бирига зид келмасин, аммо бу асарларда бир-бирига уйғунлашиб кетган фракталлар гармониясини кузатамиз.

Иккинчидан, фракталларга, юқорида зикр этилгандек, ўзаро ўхшашлик хос. Айнан бу хосса эстетиканинг асосий қонуни бўлмиш ранг-баранглик ва турли-туманлик ўртасидаги бирликни таъминлайди. Фракталлардаги ўхшашлик икки турда намоён бўлади. Биринчи ҳолда қисм бутуннинг тўғридан-тўғри ва аниқ нусхаси, у билан бир хил, фақат ўлчамда фарқ қилади. Иккинчи ҳолда қисм бутуннинг деформацияга учраган нусхаси, унга жуда ўхшаш бўлади.

Турли-туман табиатга эга объектлар ва ҳодисалар ўртасидаги ўхшашлик ва бирлик бу эстетиканинг универсал қонуни. Шу боис уни ҳам моддий, ҳам руҳий жараёнларга бемалол қўлласса бўлади[13]. Буюк принципларнинг буюклиги ҳам шундаки, уларни турли соҳада қўллаш мумкин, улар асосида турли ва сон-саноксиз хулосалар чиқариш мумкин. Табиатда учрайдиган турли хил фракталлар айнан шундай табиатга эга. Чунки тоғлар, дарёлар, дарахт ва булутлар, чақмоқ, тиббиёт, жамият, санъат ва мусиқа сингари турли ҳодиса ва нарсалар фрактал деб аталган буюк принципнинг ҳар хил кўриниши.

Учинчидан, фрактал – гўзаллик оддийликда экани. Қуйида келтирилган фрактал алгоритмини:

$$z_{n+1} = z_n^2 + c$$

Пифагор теоремаси:

$$a^2 + b^2 = c^2$$

ёки Эйнштейн формуласига:

$$E = mc^2$$

тенглаштира бўлади.

Фрактал алгоритмининг соддалиги ва ундан келиб чиқадиган натижалар исталган табиат жараёнини ифодалашга имкон беради. Айниқса, эстетиканинг асосий қонуни бўлмиш турли-туманликдаги бирлик айнан фрактал алгоритми воситасида яққол намоён бўлади. Бу принцип инсон ва ҳайвон геномида ҳам мавжуд, чунки одам организми ҳақидаги деярли барча ДНК генетик маълумот тирик организм ҳужайрасида мужассам. Демак, гўзаллик асосида оддийлик ётади, оддийлик – гўзаллик аломати. Оддийликда чек-чеки йўқ эстетик куч мужассам ва бу куч фрактал шаклларда намоён бўлади.

Тўртинчидан, санъатда ҳам табиатда бўлганидек, “олтин кесим” деган тушунча кенг ўрин эгаллайди. Олтин кесим иккита энг муҳим хоссага эга: қисмда бутун акс этади ва, аксинча, бутунда қисм акс этади. Ва яна: қисм бутунга қолдиқсиз йиғилади. Олтин кесим геометрик муносабат ҳисобланади ва “олтин кесим коэффициенти” деб юритиладиган сон билан ифодаланади. Мисол учун, ҳайкалтарошликда одам танаси учун идеал пропорция – Гераклит гармонияси принципи мавжуд ва бу принцип Фиди сони билан ифодаланади:

$$\Phi = 1,62 \text{ ёки } \varphi = 0,62$$

Бешинчидан, табиат ва санъатда асосий омиллардан ҳисобланган олтин кесим қонуни гўзалликни морфологик ва семантик фрактал деб қарашимизга асос бўлади. Яъни, ҳақиқий гўзал санъат асарига суқланиб қараганимиз сайин ундан шунча маъно топамиз. Худди шу фикрни биз у ёки бу мақом асарига нисбатан ҳам айтишимиз мумкин. Ҳар бир инсон бир асарни ўз-ўзича ва турлича тушунади. Ҳар биримизнинг ўз Алишер Навоимиз бор, ҳар биримизнинг ўз Заҳириддин Муҳаммад Бобуримиз бор ва уларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги тасаввурларимиз ҳеч қачон бир-бирига тўғри келмайди. Демак, бир асар ҳар хил кўринишга – ўнлаб миллион фракталга эга. Ҳақиқий гўзаллик, ҳақиқий мақом асари чексиз мазмунга эга ва вақт ўтган сайин кейинги авлодлар ҳам биз эшитган мақомларни ўзгача, ўз даврларининг савиясидан келиб чиққан ҳолда тушунадилар. Бундан гўзаллик ҳам фрактал экани келиб чиқади.

Хулоса. Мақомотда фракталликни топиш учун аввало санъат соҳасида тадқиқ этилган фракталлик ҳақида эшлаш лозим. Масалан, қадимдан “Иллиада” ва “Одиссея”ни Гомер эмас, балки ҳар хил муаллифлар ёзган деб келинган. Иллиадада 15693 қатор, Одиссеяда 12110 қатор шеър борки, бунча ҳажмдаги асарни бир одам ёза олмайди, деб келинади. Улар эрамиздан олдинги III асрдан буён ўрганилиб келинади. Бу асарларни ҳар хил муаллифлар ёзган дегувчилар тарихда хоридзонтлар (иккига бўлувчилар) ва, аксинча, бу асарни бир муаллиф – Гомер ёзган, дегувчилар унитарлар деб ном олганлар. Қизиғи, унитарлар қаторида Аристотель ҳам бўлган. Шу тариқа тарихда Гомер муаммоси деган бошқотирма пайдо бўлган. Фрактал тадқиқотлар натижасида шу нарса маълум бўлдики, иккала асар – “Иллиада” ва “Одиссея”да бир хил ички мантиқ, бир хил ички композиция ва бир хил фрактал қисмлар мавжуд экан...

Бизнинг пировард мақсад – миллий ўзбек мақомлари ва Шашмақомда ҳам фрактал аломатларини топиш ва шу аснода уларни фрактал қонуниятлар асосида тадқиқ этиш.

АДАБИЁТЛАР

1. **Мирзиёев Ш.М.** “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарор.Халқ сўзи.Т.18-ноябр 2017-йил. - 1 б.
2. **Mandelbrot B.B.** The Fractal Geometry of Nature. San Francisco. Freeman.1982.
3. **Галилей Г.** Пробирных дел мастер. – М.: Наука, 1987. – 272 б.
4. **Мандельброт Б.** Фракталы и теория итераций. – М.:Мир, 1993. – 131 б.
5. **Розенов Э.К.** Закон золотого сечения в поэзии и музыке. - М.: Музыка, 1982. – 119 б.
6. **Фитрат А.**Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. - Т., 1993. – 57 б.
7. **Ибрагимов О.** Фергано-ташкентские макомы.Медиа-ленд. – Т., 2006. – 74 б.
8. **Ражабов И.** Мақомлар.Санъат. - Т., 2006. – 34б.
9. **Матёкубов О.** Мақомот.Мусиқа. – Т., 2004. – 46б.
- 10.**Юнусов Р.** Фахриддин Содиқов.ЮНЕСКО. - Т., 2005. – 18б.
11. **Ражабий Ю.** Музыка меросимизга бир назар. – Т.: Фафур Фулом, 1978. – 5 б.
12. **Бонавентура Д.Ф.** Путеводитель ума к Богу.//В кн.: История эстетики. Памятники мировой эстетической мысли. – Т1.М.АХ СССР.1962. – С.285.
13. **Дуади А.** Множество Жюлиа и множествр Мандельброта //В кн.:Х.О. Пайтген, П.Х.Рихтер. Красота фракталов. – М.:МИР, 1993. – С.141-153.

УДК 78.071.2: 398.8 (575.1)

БАХШИЧИЛИК САНЪАТИ МАКТАБЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИЖРО ХУСУСИЯТЛАРИ ШКОЛЫ ИСКУССТВА БАХШИ И ИХ ИСПОЛНИТЕЛЬСКИЕ ОСОБЕННОСТИ BAKHSHI ART SCHOOLS AND THEIR PERFORMING FEATURES

Қўшаев Илхом Ахтамович

БухДУ мусиқа таълими кафедраси катта ўқитувчиси

Таянч сўзлар: бахши, жирав, нома, дўмбира, дутор, қўбиз, дostonчи шоир, ёпиқ гуллиги куйлаш, очик овоздаги куйлаш, бахшичилик мактаблари, терма, ёзма дostonлар.

Ключевые слова: бахши (исполнитель дастана), жирав, нома, думбира, дутар, кобиз, дostonчи шоир (сочинитель дастанов), гуллиги ижро (горловое пение), очик ижро (естественное пение), школы бахши, терма (небольшое сочинение в традиции дастана), письменные дастаны.

Key words: bakhshi (performer of dastan),jirav, noma, dumbira, dutor, kobiz, dostonchi shoir (composer of dastans), gulligi ijro (throat singing), ochik ijro (natural singing), bakhshi school, terma (short composition in the tradition of dastan), written dastans.

Мақолада бахшичилик санъати маҳаллий мактаблари, уларнинг ижрочилари, дostonларнинг ижро усуллари, репертуарлари, назарий асослари ҳамда уларнинг таълими масалалари ҳақида фикр юритилган.

В статье идёт речь о региональных школах искусства бахши, об их исполнителях, традициях исполнения, о репертуаре, а также о современных вопросах обучения дастанов.

SAN'ATSHUNOSLIK

The article deals with the art of bakhshi, a school that was formed, their performers, traditions of performance, repertoire, as well as contemporary issues of education of dastans.

Кириш. Биз ўзида ҳам сўз санъати, ҳам созандалик, ҳам хонандаликни мужассам этган бахшичилик санъати билан ёшларимизни ошно қилар эканмиз, уларда айрим дoston ва терма намуналарини тинглаш орқали бу қадимий санъат ҳақида тасаввур пайдо қилиш, ундаги нома ва термаларни куйлаш ижросига хос бетакрор хусусиятларни англашни ўргатамиз.

Президентимизнинг 2018 йил 1 ноябрдаги “Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида”ги қарорига [1] асосан 2019 йил 6-10 апрел кунлари Термиз шаҳрида ўтказилган улкан халқаро анжуман бахшилар санъати маҳсули бўлган терма ва дostonларимизни халқаро даражага олиб чиқди десак янглишмаймиз.

Ҳар икки йилда бир марта ўтказиладиган Хақаро бахшичилик санъати анжуманлари ўлкамизда мавжуд бўлган бахшичилик мактаблари ва уларнинг ижро анъаналарини янги ижодий босқичда ривожлантириш билан бирга ўқувчи ёшларни бу юксак бадиий санъатга бўлган қизиқишларини янада оширишга хизмат қилади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуслари билан Термизда ташкил этилган бахшичилик мактаби ижодий тажрибаларидан руҳланиб ватанимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам шундай мактаблар пайдо бўлиши мумкин. [3]

Асосий қисм. Биз анъанавий мусиқий мерос дарслари жараёнида бўлажак мусиқа муаллимларига терма ва дostonлар ҳақида маълумотлар бериш, айрим дoston намуналарини тинглаш, таҳлил қилиш ва қисман куйлаш учун репертуар танлашда талабаларга очиқ овозда куйланадиган Хоразм дostonларидан кўпроқ мисоллар танладик [4].

Хоразм дoston номаларининг **парда тузилиши** масаласи Ю. Кон ва И. Акбаровлар “Ўзбек халқ мусикаси” тўпламининг IX жилдига ёзган сўз бошида таҳлил қилинган. Уларнинг кузатишларича, Хоразм дoston номаларининг лад асослари, яъни товушқатор ва куй ҳаракатларида 7 поғанали диатоник ладга асосланган ионий (табиий мажор), эолий (табиий минор) ва кўп учрайдиган миксолидий ладлари билан бирга ўзбек мусикасида кам учрайдиган, таркибида орттирилган секунда интервали бўлган товушқатор, таянч нуқтаси товушқатор ўртасида жойлашган гипофригий (ёки локрий) каби ладларнинг мавжудлиги, уларнинг ўзига хос хусусиятларга эга бўлган лад асослари қонунияти белгиларидир.

Номалар **лад асосларини** ўрганишда аввало бахшиларнинг асрлар давомида асосий чолғуси бўлиб келган дотор парда тузилиши, сар парда ёки бош (беш) парда, Ширвон парда, Мискин парда, лол парда ва зоринжи парда, уларнинг куй тузилишидаги ўрни каби тушунчаларга эга бўлиш муҳим аҳамият касб этади. Бу пардаларнинг (товушсиз лол пардасидан ташқари) ҳар биридан номалар бошланиб, улар мустақил тугал куйлар бўлишига қарамай, нома шеърий матнларига бўйсунди. Айрим номаларнинг Оврўпа мусикасидаги модуляция ва оғишмага ўхшаб, бир товушқатор (тоналлик) пардасидан бошланиб, бошқасида тугаши ёки маълум бир пардадан бошланиб, куй ўртасида бошқа тоналликка оғиши ва куй охирида яна дастлабки асосий тоналликка қайтиб якунланиши ҳам кузатилади.

Дoston куй номаларидаги бундай лад ўзгаришлари, мақомларга ўхшаб дорий-миксолидий, эолий-дорий, миксолидий–ионий каби қўша ладларнинг пайдо бўлиши ва ёндош тоналликларга кўчишларнинг асосий сабаби тингловчилар диққатини доимий назоратда сақлаш учун дoston ижроси қувватини ошириш, куй авжларининг жуда баландлашиб кетиб, ижрочини толиқтириб қўймаслиги ва тингловчиларни зериктириб қўядиган бир хиллик (якка тоналлик)ни олдини олиш бўлиши мумкин.

Дoston номаларининг ҳажми ва товуш диапазони турлича бўлиб, улар беш пардадан бошланиб, бир ярим октава баъзан ундан ҳам кўпроқ диапазога эга бўлиши мумкин. Улар ички тузилиши ва шакли жиҳатидан халқ кўшиқларига ўхшаш бўлиб, бу кўшиқларнинг юзага келишида куй тузилишининг **куплет** шакли асосий ўрин эгаллайди. Номаларда шеър тuroқларига куй бўлаги, шеър бандига куй банди, шеър тўртлигига куй даври мутаносиб - мос келиши шунингдек, чолғу муқаддима, кўшиқ “нақорати”нинг чолғуда такрорланиши, якуний туширим ёки “сайқал” деб юритиладиган, кўпинча кўшиқ

тонлигини ўзгартирувчи чолғу интихоси айтим йўли ва унга чолғу жўрлигини чамбарчас боғлайди.

Ўзбек халқ дostonчилиги анъаналарида **номаларни куйлаб айтиш услуби** асосан икки хил йўналишда шаклланган. Биринчиси Қашқадарё, Сухондарё ва Самарқанд бахши-шоирларининг “ички овоз-гуллиги” услубида дўмбира жўрлигида айтиш шунингдек, жировларнинг қадимги бўғиқ-ёпиқ (гулиги) овозга асосланган худди шундай ички овозда кўбиз жўрлигидаги ижролари бўлса, иккинчиси Хоразм бахшиларининг эркин очиқ овоз билан дутор жўрлигида, Ширвоний услуби бахшилари эса, кейинги пайтларда тор, ғижжак, бўламон ва доира чолғулари ансамбли жўрлигида кўшиқ номалари ижросидир.

Ўтмишда дoston ижрочилиги анъаналари таркибида ижронинг маълум ўзига хос жилolari билан бир-биридан фарқ қиладиган дostonчилик мактаблари вужудга келган. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда Булунғур, Қўрғон, Шаҳрисабз, Қамай, Шеробод, Хоразм ва бошқа дostonчилик мактаблари мавжуд. Самарқанд дostonчилиги анъаналари асосан вилоят туманларида қарор топган бўлиб, улар Булунғур, Нурота (Қўрғон) ва Нарпай дostonчилик мактабларини ўз ичига олади. Булунғур дostonчилик мактабида кўпинча “Алпомиш”, “Ёдгор”, “Юсуф билан Аҳмад”, “Рустамхон”, “Гўрўғлининг туғилиши”, “Жаҳонгир” “Ойсулув”, “Ҳасанхон”, “Чамбил қамали” каби қаҳрамонлик дostonлари зўр маҳорат билан куйланган. Муҳаммад шоир, Султонмурод Суяр, Раҳим – булбул, Амин бахши, Чинни шоир, Товбузар шоир, Қурбонбек шоир, Йўлдош – булбул, Йўлдош шоир, Қўлдош Суяр, каби бахшилар бу мактабнинг ўтмишдаги йирик намояндаларидир. Фозил Йўлдош ўғли (1872-1955) бу мактабнинг сўнгги йирик вакилларидан эди.

Самарқандда яна бир машҳур мактаб Қўрғон дostonчилиги деб аталади. Бу мактабда ҳам “Гўрўғли” каби қаҳрамонлик дostonлари айtilган бўлса-да, бироқ, унда “Гулнор пари”, “Қундуз билан Юлдуз”, “Ойсулув”, “Равшан”, “Далли” “Кунтуғмиш” каби ишқий – романтик дostonлар нисбатан кўпроқ ижро этилган. Ёдгор, Лафас, Мулла Тош, Мулла Холмурод, Жуманбулбул, Бўрон бахши, Жассоқ бахши каби ўтмишда Қўрғон дostonчилик мактабининг йирик вакиллари бўлган устоз бахшилар қаторида Султон кампир ва Тилла кампир исмли истеъдодли моҳир аёл бахшилар ҳам фаолият кўрсатганлар.

Қарийб 350 йиллик тарихга эга бўлган Қўрғон дostonчилик мактаби ҳақида Эргаш Жуманбулбул ўғли асарларида бир мунча қимматли маълумотлар берилган. Унинг “Таржимаи ҳол” дostonида “Мен эллик бир яшар Эргаш Жуманбулбул ўғли, Жуманбулбул Мулла Холмурод ўғли, Мулла Холмурод Мулла Тошнинг ўғли, Мулла Тош Уста Лапаснинг ўғли, Уста Лапас Ёдгорнинг ўғли, ўзим ўзбек, туркман жамоасидан, уруғим асли қора-қисса қозιοёқлигига кўшилади” деб ёзади. Эргаш Жуманбулбул ўғли (1868-1937) қирқдан зиёд дostonни, жумладан, “Гўрўғли” туркумига кирувчи йигирмадан зиёд дostonни куйлаган. Эргаш шоир ижро этган “Якка Аҳмад”, “Кунтуғмиш”, “Хушкелди”, “Холдорхон”, “Далли”, “Қундуз билан Юлдуз”, “Равшан”, “Алибек билан Болибек”, “Қизжибек”, “Ҳасанхон”, “Авазхон”, “Нурали”, “Алпомиш”, “Ошиқ Ғариб”, “Ойсулув” каби дostonлар бадийий етуклиги билан ажралиб туради [6].

Эргаш Жуманбулбул ўғли (1868-1937) ва Пўлкан шоирлар (1874-1941) бу мактабнинг сўнгги йирик намояндалари эди.

Нарпай дostonчилик мактабининг таниқли вакиллари Ражаб шоир ва унинг тарбиясида бўлган Исломо шоир, Нурмон Абдувой ўғли ва бошқа устоз бахшилар ҳам ўзбек эпоси ривожига маълум ҳисса қўшганлар. Бу мактабнинг йирик намояндалари кўпроқ “Орзигул”, “Соҳибқирон”, “Гулихирмон” каби дostonларни зўр маҳорат билан ижро этганлар.

Шаҳрисабз дostonчилик мактаби XIX асрда вужудга келган. Унинг сўнгги йирик намояндаси Абдулла Нурали ўғли эди. Бу мактаб бахшилари дoston куй – номаларини шўх, қувноқ, нисбатан тезроқ суръатда ва кўтаринки руҳда куйлаганлар.

Шеробод дostonчилик мактабига мансуб Умир Сафар ўғли, Шерназар Бекназар ўғли, Аҳмад бахши, Нурмурод бахши, Жўра Эшмирза ўғли, Нурали Боймат ўғли ва ушбу мактабнинг энг иқтидорли вакили Мардонакул Авлиёкул ўғли каби санъаткорлар ижодида ҳам Гўрўғли туркуми дostonлари алоҳида ўрин тутди. Бу бахшилар репертуаридаги дostonлар ўзининг соддалиги, матнининг ихчамлиги билан фарқланади. Бу мактаб вакиллари айниқса, “Нурали”, “Малла савдогар”, “Оллоназар

SAN'ATSHUNOSLIK

Олчинбек”, “Олтин қабоқ”, “Санам Гавҳар” дostonларини бадий юксак даражада ижро этганлар.

Жанубий Тожикистоннинг Данғара тумани, Жорўб қишлоғида яшаб ўтган Ҳайбат Шамол ўғли, Тўла Ҳайбат ўғли, Мустафоқул Қундуз ўғли каби таниқли ўзбек бахшилари ҳам асосан “Гўрўғли” туркумидаги ва бошқа дostonларни ўзига хос усулда ижро этиб, ўзбек дostonчилиги ривожига маълум ҳисса қўшганлар. Улар репертуаридаги дostonлар матни ниҳоятда ихчамлиги билан ажралиб туради.

Қорақалпоқ дostonчилиги одатдаги қадимий жировчилик ва кейинчалик шаклланган бахшичилик йўналишларида ривожланиб келмоқда. Жировлар қаҳрамонлик ва баҳодирлик дostonларини ўз ота-боболари аънаналрига риоя қилиб, қўбиз жўрлигида ички ёпиқ овозда куйлаб келмоқдалар. Бахшилар эса хоразм дostonчилиги аънаналарига яқин бўлиб, очиқ овозда доторда жўр бўлиб, “Гўрўғли” туркумидаги дostonлар, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” каби лирик дostonларни кўпроқ ижро этадилар. Машҳур қорақалпоқ жировлари Шанқай ёки Шанкет жиров (1814-1884), Жиямурат жиров (1836-1908), Нурабилла жиров (1862-1922), Ерполат жиров (1861-1938), Қурбанбай жиров (1876-1958), Тўра жиров (1879-1044), Отаниёз жиров (1883-1989), Оғиз жиров (1884-1954), Қиёс жиров (1903-1974) ва бошқалар ҳақида филолог профессор Қалли Айимбетовнинг “Қалқ даналиғи” китобида анчагина маълумотлар берилган. Шулар қаторида Оқмамбет бахши, Муса бахши, Эденбай бахши, Адилбай бахши, Ўринбай бахши, Жапақ (Жобборберген) бахши Шамуратов (1893-1970), Жуман бахши (1871-1949), Ибрайим Патуллаев (1909-1967), Қиз бахши Ҳуриломон (1861-1949) каби машҳур бахшиларни ҳам эслаб ўтиш ўринлидир. [5]

Хулоса. Биз ўқувчи ёшларни дoston намуналари, хусусан уларнинг муסיқий номалари билан таништириш, тинглаш орқали дostonлар ҳақида тасаввурга эга бўлиш, айрим номаларни куйлаш, ўрганиш ва ўзлаштиришларини янада яхшилаш мақсадида “Қайдин галдинг” (Баҳром ва Гуландом), “Фарзанд гарақдур йигита” (Гўрўғли), “Сабо келибсиз” (Гўзалхон), “Саёдхон боғдадур” (Саёдхон Ҳамро), “Қадрин на билсин” (Гўрўғли), “Бобожон” (Алпомиш), “Оғажон кайга борурсан”, “Болам ўхшайди овозинг сени”, “Ёрнинг гули галди, ўзи галмади”, “Озод қил”, “Боғ сайлина галади”, “Душдимда галдим”, “Найлайн” (Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам) каби бирқанча дostonлардан номалар танлаб, уларнинг ўқувчи ёшлар дидига яқинлиги, тинглаб идрок этиш имкониятлари, дoston номалари таъсиридаги психик кечинмалар, дoston муסיқасининг бошқа муסיқий жанрлардан фарқли, ўзига хос бетакрор хусусиятларини англаб олиш ва дoston оҳанглари эшитганда, уларни таниб, дoston ёки нома эканлигини айта олишларига ҳаракат қилдик.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 6 апрель куни Термиз шаҳрида Халқаро бахшичилик санъати фестивали очилишига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида [2] айтганидек, **“Агар биз бу ноёб санъатни сақлаб қолиш учун бугун барчамиз биргаликда ҳаракат қилмасак, эртага, афсуски, кеч бўлади, келгуси авлодлар, тарих бизни кечирмайди”.**

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида»ги 2018 йил 1 ноябрдаги ПҚ-3990-сон қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 6 апрел куни Термиз шаҳрида ўтказилган Халқаро бахшичилик санъати фестивали очилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи //“Тошкент оқшоми” газетаси, 2019 йил 8 апрель, 56-сон.
3. Дунё бахшилари наволари Амударё узра таралмоқда.”Тошкент оқшоми” газетаси, 2019 йил 8 апрель, 56-сон.
4. Муסיқий педагогик таълимда дostonнинг ўрни. - Санъат йўналишларида ёшларни маънавий тарбиялаш: изланиш, ечим ва истиқболлари. Мавзуидаги Республика конференцияси. – Бухоро. 2013. – Б. 138-140.
5. **Матёқубов Б.** Дoston наволари. Тошкент, 2009.
6. Қўрғон дostonчилиги мактаби: аънана давом этмоқда. Маърифат газетаси: Ма’naviyat, maktabdan tashqari ta’lim 11 / 09 / 2018.

E'LON

“BUXORO DAVLAT UNIVERSITETILMIY AXBOROTI” JURNALIDA MAQOLA E'LON QILISH TALAB VA SHARTLARI

Hurmatli mualliflar! Mazkur ilmiy jurnalda maqola e'lon qilish uchun Siz shaxsan o'zingiz yoki elektron pochta orqali maqola matnini hamda muallif(lar) haqidagi quyidagi ma'lumotlarni jo'natishingiz kerak: muallif(lar)ning ism-sharifi (to'liq), ilmiy darajasi, ish joyi va lavozimi, *e-mail*, aloqa telefonibo'lishi lozim.

Maqolani rasmiylashtirishga oid talablar

Maqola tahririyatga Arial shrifti 11 o'lchamida, 1 interval oralig'ida, MS Word formatida 2 nusxa (bosma va elektron variant)da yuboriladi. Taqdim etiluvchi maqolalarning **hajmi 4** betdan kam bo'lmasligi kerak. Shuningdek, maqolada UDK raqami, maqola nomi, muallif(lar) haqidagima'lumotlarni, tayanch so'zlar va annotatsiya (o'zbek, rus, ingliz tilida) berilishi lozim.

УДК: 81`373.2:821.512.133(092)

СИНТАКТИК ҚУРИЛМАЛАРНИНГ СУБСТАНЦИАЛ АСОСЛАРИ
СУБСТАНЦИАЛЬНАЯ ОСНОВА СИНТАКСИЧЕСКИХ КОНСТРУКЦИЙ
SUBSTANSIAL BASIS OF SYNTACTIC CONSTRUCTIONS

Абузалова Мехринисо Кадировна

доцент кафедры узбекского языкознания БГУ, д-р филол.наук

Таянч сўзлар: лексик валентлик, семантик валентлик, лексик-семантик валентлик, семантик-синтактик валентлик, /WPm/, содда гапларнинг минимал шакли, рамзий белги, эга, ҳол, кириш бирликлар.

Ключевые слова: лексическая валентность, семантическая валентность, лексико-семантическая валентность, семантико-синтаксическая валентность, /WPm/, минимальная форма простого предложения, символический знак, подлежащее, обстоятельство, вводные единицы.

Key words: lexical valency, semantic valency, lexico-semantic valency, semantic-syntactic valence, /WPm/, symbolic sign, subject, circumstances, introductory units.

Ушбу мақолада /WF/ /W/(атов бирлиги) мансуб бўлган ССГ(семантик-синтактик гуруҳ)нинг семантик валентлиги ва /F/(шакл) грамматик валентлигининг ўзаро таъсири ҳамда уйғунлашишидан иборат бўлган бутунлик эканлиги, барча турдаги гапларда имконият даражасида туриши асосланган.

В данной статье разъяснена степень возможной общности языковой синтаксической модели словоформы (/WF/) во всех типах предложений; обоснована валентная способность /WF/, возникшая в результате взаимодействия и гармонизования семантической валентности ССГ(семантико-синтаксической группы), к которой относится /W/ (единица называния) и /F/ (формы), в определении структуры синтаксической конструкции и её роли в предложении.

In this article the degree of potential unity of a wordform syntactic model (/WF/) in all types of sentences has been defined; it has been proven that the valency potential of /WF/ which has been formed as a result of mutual influence of the semantic valency of SSG(semantic-syntactic groups) belonging to /W/ and /F/ grammatic valency can establish the contents of a semantic structure and its status in the sentence.

Кириш. Асосий қисм. Хулоса.

Аниқ ва табиий фанлар рукни остида журналда чоп этиладиган мақолаларда охириги 10 йил ичида Scopus.com, Web of know ledge.com, Science direct.com маълумотлар базасидаги юқори импакт факторли илмий журналларда чоп этилган илмий мақолаларга ҳамда “Бухоро давлат университети илмий ахбороти” журналидаги мақолаларга ҳаволалар берилиши зарур.

ADABIYOTLAR

1. **Yo'ldoshev M.** Badiiy matn va uning lingvopoetik tahlili asoslari. – T.: Fan, 2006. – 76 b.
2. **Fitrat A.** Adabiyot qoidalari. Tanlangan asarlar. V jildlik. – T.: Ma'naviyat, 2006. – IV jild. – B. 11-88.
3. **Muxamedov A.** O'zbek kompyuter lingvistikasi: rivojlanish tarixi, buguni va kelajagi //O'zbektili va adabiyoti. – Toshkent, 2001. – № 3. – B. 37-41.
4. **Rustamov Sh.** Kuzgi bug'doy begona o'tlari va ularni yo'qotish omillari //Agrar fani: yutuqlari va istiqbollari /SamQXI ilmiy ishlar to'plami. – Samarqand, 2001. – B. 27-30.
5. **Küpper H.** Wörterbuch der deutschen Umgangssprache. – 3 Bände. – Hamburg, Classen Verlag, 2003. – 964 p.

Maqolalar, tahrir hay'ati tomonidan ko'rib chiqiladi. Maqolaga salbiy taqriz berilganda, nashr etmaslik to'g'risidagi xulosa beriladi va maqola muallifga qaytarilmaydi. **Maqolada plagiatlar 70%danoshmasligilozim.**Maqolada keltirilgan ma'lumotlar uchun muallif javobgar.

Materiallar quyidagi manzil bo'yicha qabul qilinadi: tahririyat12@umail.uz (savollar bo'yicha ham shu manzilga xat yozishingiz yoki **0 (365) 221-30-32** raqamiga murojaat qilishingiz mumkin). Shuningdek, batafsil ma'lumotlarni www.almamater.uz saytidan olishingiz mumkin.

ОБЪЯВЛЕНИЕ

ПЕРЕЧЕНЬ ТРЕБОВАНИЙ И УСЛОВИЙ ПУБЛИКАЦИИ СТАТЕЙ В ЖУРНАЛЕ “НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК БУХАРСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА”

Уважаемые авторы! Чтобы опубликовать статью(и) в данном журнале, Вам необходимо прислать по электронной почте **текст статьи, сведения об авторе(ах):** ФИО, ученая степень, ученое звание, место работы и должность, *e-mail*, контактный телефон.

Требования к оформлению статьи

Текст статьи представляется в редакцию в двух экземплярах (в печатном и электронном виде) в формате MS Word, шрифт Arial, размер 11 (межстрочный интервал - одинарный). **Объем представляемой статьи** – не менее 4 страниц. Текст статьи должен включать номер УДК, название статьи, сведения об авторе, ключевые слова и аннотации (узбекском, **русском и английском языках**).

Образец оформления статьи

УДК: 538,1:548

СПИН-ҚАЙТА ОРИЕНТАЦИОНЛУВЧИ ФАЗАВИЙ ЎТИШЛАР ҲАРОРАТИ ЯҚИНИДА $Tb_{0,2}Y_{2,8}Fe_5O_{12}$ ФЕРРИТ-ГРАНАТИНИНГ МАГНИТООПТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

МАГНИТООПТИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА ФЕРРИТА-ГРАНАТА $Tb_{0,2}Y_{2,8}Fe_5O_{12}$ ВБЛИЗИ ТЕМПЕРАТУРЫ СПИН-ПЕРЕОРИЕНТАЦИОННОГО ФАЗОВОГО ПЕРЕХОДА

MAGNETO-OPTIC PECULIARITIES OF FERRITE GARNET $Tb_{0,2}Y_{2,8}Fe_5O_{12}$

Джураев Даврон Рахмонович

Профессор кафедры физики БухГУ, проф., д-р физ.-мат.наук

Шарипов Мирзо Закирович

Доцент кафедры физики БухИТИ, канд.физ.-мат.наук

Хайитов Дилшод Эргашович

Ассистент кафедры физики БухИТИ

Таянч сўзлар: магнитооптика, домен тuzилиши, фазавий ўтишлар, феррит гранат, Фарадей эффекти, гистерезис илмоғи.

Ключевые слова: магнитооптика, доменная структура, фазовые переходы, феррит-гранат, эффект Фарадея, петля гистерезиса.

Key words: magneto-optics, domain structure, phase transitions, ferrite garnet, Faraday effect, hysteresis loop.

Мақолада нодир ер феррит-гранати $Tb_{0,2}Y_{2,8}Fe_5O_{12}$ нинг магнитооптик қабул қилувчанлигининг ҳароратга боғлиқлиги ва Фарадей эффектнинг майдонга боғлиқликлари экспериментал тарзда тадқиқ қилинди.

В статье приведены результаты экспериментальных исследований температурной зависимости магнитооптической восприимчивости и полевые зависимости эффекта Фарадея редкоземельного феррита-граната $Tb_{0,2}Y_{2,8}Fe_5O_{12}$.

The results of experimental studies of the temperature dependence of the magneto-optical susceptibility and the field dependences of the Faraday effect of the rare-earth garnet ferrite $Tb_{0,2}Y_{2,8}Fe_5O_{12}$ have been presented in the article.

Введение. Основная часть. Заключение.

За последние 10 лет статьи, были опубликованы в журнале под лозунгом «Точные и естественные науки», опубликованы в сайтах Scopus.com, Webofknowledge.com, Sciencedirect.com, и должны опубликоваться в научном журнале “Бухарского государственного университета”.

ЛИТЕРАТУРА

1. Романов В.Г. Обратные задачи математической физики. – М.: Наука, 1984. – 264 с.
2. Седов Л.И. Механика сплошной среды: В 2-х т. – М.: Наука, 1983. – Т.1. – С. 114-125.
3. Кузнецов Ю.И. Построение информативного базиса в задачах общей циркуляции атмосферы: Дисс. ... канд. физ.-мат. наук. – Новосибирск: ВЦ СО РАН, 1997. – 134 с.
4. Бахвалов Н.С. К оптимизации методов решения краевых задач при наличии пограничного слоя //Журнал вычислительной математики и математической физики. – Москва, 1969. – №4 (9). – С. 841-859.
5. Панов В.Ф. Модели частиц сильной гравитации. – Томск, 1982. – 7 с. – Деп. В ВИНТИ 27.05.82. – № 2641.
6. Пушков Ю.Г. О нормировании качества жидких электратов при их производстве методом реперколяции //Научно-технический прогресс и оптимизация технологических процессов создания лекарственных препаратов: Тез.докл. Всесоюз. научн.конф. 21-22 мая 1987. – Львов, 1987. – С. 282-283.
7. Küpper H. Wörterbuch der deutschen Umgangssprache. – 3 Bände. – Hamburg, Classen Verlag, 2003. – 964 p.

Тексты статей подлежат оценке редакционной коллегии. В случае отрицательной рецензии направляется мотивированный отказ в публикации. Представленные материалы авторам не возвращаются. **Ответственность за содержание статьи несет автор.** Степень уникальности текста не должна составлять менее 70%.

Материалы принимаются по электронной почте: tahriryat12@umail.uz. С вопросами обращаться по тому же адресу, а также по телефону: **0 (365) 221-30-32 (офис)**. Более подробную информацию можно получить на сайте www.almamater.uz.